

ЎЗБЕК АДАБИЁТИ БЎСТОНИ





УЧ БУЛБУЛ ГУЛШАНИ

*Дурбек. «Юсуф ва Зулайхо»
Сайфи Саройи. «Гулистон бит-туркий»
Қутб Хоразмий. «Хусрав ва Ширин»*

Тошкент
Фафур Гулом номидаги
Адабиёт ва санъат нашриёти
1986

Таҳрир ҳайъати:

Азиз Қаюмов, Абдулла Орипов, Абдуқодир Ҳайитметов,
Бегали Қосимов, Жамол Камол, Натан Маллаев, Одил
Ёқубов, Омон Матжон, Суйима Ғаниева

Масъул муҳаррир *Суйима Ғаниева*

У 89

Уч булбул гулшани: [Тўплам] / [Таҳрир ҳайъати:
А. Қаюмов ва бошқ.; Илк муҳаббат достони С. Ғаниева-
ники].— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986.— 648 б.—
(Ўзбек адабиёти бўстони).

Сарл. олдида: ЎзССР ФА, А. С. Пушкин номидаги
тил ва адабиёт ин-ти, Ҳ. Сулаймонов номидаги қўлёзма-
лар ин-ти.

Мундарижа: «Юсуф ва Зулайҳо» (Дурбек.) «Гули-
стон бит-туркий»/Сайфи Саройи/ «Хусрав ва Ширин»
/Қутб Хоразмий./

Ушбу тўплам мазкур сериядан чиқаётган китобларнинг иккинчиси ҳисоб-
ланади. Унга Дурбекнинг «Юсуф ва Зулайҳо» асари ҳамда Сайфи Саройи-
нинг «Гулистон бит-туркий» ва Қутб Хоразмийнинг «Хусрав ва Ширин» тар-
жима асарлари киритилди. Бу асарларнинг ҳар бири ўз даври адабиёти ва
адабий тилининг ёдгорлиги сифатидагина эмас, улғу адибларимизнинг етуқ
бадний иқтидорини кўрсата олиши билан ҳам қимматлидир.

Сад трех соловьев.

Ўз1

С $\frac{4702570100-151}{M 352 (04) - 86}$ 3-86

© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986 й.

ДУРБЕК

ЮСУФ ВА ЗУЛАЙХО

Қайта нашрга тайёрловчи Р. Шарафутдинова



ИЛҚ МУҲАББАТ ДОСТОНИ

XIV аср охири ва XV аср аввалида яшаб ижод этган шоир Дурбекнинг «Юсуф ва Зулайхо» достони ўзбек адабиёти тарихидаги ноёб асарлардандир.

Достон сюжети жуда қадим даврларга бориб қадалади. Шарқда чуқур илдиз отган диний ақидалар қобиғида яратилган бу достон ўзининг дунёвий характери билан, унда акс этган воқеаларнинг ҳаётийлиги, муносабатларнинг инсонийлиги билан қимматлидир.

«Юсуф ва Зулайхо»нинг кириш қисмидаги 1409 йилда юз берган Балх қамали, шаҳар аҳолиси чеккан оғир машаққатларни кўрсатиш орқали феодал урушларини муаллиф қоралайди.

Дурбек ўз қаҳрамонлари саргузаштларини ҳикоя қилар экан, халқ оғзаки ижоди ва қадимги халқ китобларида ўз аксини топган ғайритабиий ҳолатлар, турли-туман мўжизаларни бирмунча диний мотивлар билан боғлиқ ҳолда тасвирлайди. Лекин уларнинг хатти-ҳаракатлари ва интилишларини моҳиятча ҳаётий қилиб ифодалайди. Бу ўринда шуни унутмаслик керакки, достон сюжети ўз ибтидосини диний афсоналардан олади. Шунга қарамай, бу афсона умуман Дурбек талқинида дунёвий руҳ касб этиб, асар ўзбек адабиётида дунёвийлик мавзунинг чуқурлашувига хизмат қилади.

Дурбек анъанавий мавзуни ўз даври, халқ ҳаёти билан боғлаб ёритишда юксак санъаткорлик намунасини кўрсатади. Юсуфнинг қаҳатчилик даврида уни енгил учун белгилаган тadbирлари кўп жиҳатдан ўз даври нуқтан назаридан анчайин прогрессив мазмунга эгадир.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жойизки, «Юсуф ва Зулайхо»да тараннум этилган дунёвий муҳаббат ва эзгулик тантанаси, тинчлик ва фаровонлик тарғиби, инсонпарварлик ва халқпарварлик мадҳияси, дostonдаги халқчил ўринлар, унинг поэтик тилининг жонли халқ тилига яқинлиги ва ҳоказолар дostonни ўзбек адабиётидаги муҳим аҳамиятини белгилаб беради.

Бу асарни 1915 йилда Муҳаммад Саид Мирзо Аҳмад Бухорий кўчирган нусха асосида шоир ва драматург Ш. Шарафидинов (Хуршид) томонидан нашрга тайёрланиб, 1959 йили ЎзССР Фанлар Академияси нашриётида чоп этилди. Мазкур нашрни ана шу китобдан Р. Шарафутдинова тайёрлади.

. Суйима Ганиева

Балх эрур даҳрда уммул билод,
Мазҳари ислому тақи адлу дод.

Жумла акобирнинг эди манзили,
Сокин эрур онда набию вали.

Бўлди фалак гардишидин дори зулм,
Халқи онинг бўлди гирифтори зулм.

Зод эди тарихи тақи ҳею дол,
Муддати ҳижратдин ўтуб моҳу сол.

Қалъаи Балх ўлди чу дарвозабанд,
Пояи зулм ўлди бағоят баланд.

Айлади қаҳҳор чу изҳори қаҳр,
Бўлди гирифтор халойиқ ба шаҳр.

Ҳукм била кирди улус ичкари,
Ҳосили умрин қўюбон ташқари.

Шаҳр чу дўзах киби зиндон эди,
Ташқари чун равзаи ризвон эди.

Ташқари эрур бори нозу наим,
Шаҳр ичида эрди азоби алим..

Ташқари эрди бари полизу боғ,
Шаҳр ичида эрди басы дарду доғ.

Тошта эди сабзау оби равон,
Шаҳр ичида эрди юз оҳу фиғон.

Тошта эди неъмат ила гаштгоҳ,
Шаҳр ичида шарбат эди оби чоҳ,

Тошда ўшал суҳбату гулзор эди,
Шаҳр ичида меҳнату булжор эди.

Тошда эди жумлаи айшу тараб,
Шаҳр ичида эрди баси сўзу таб.

Халқ бу шаҳр ичра базиндон эди,
Меҳнат ўтидин бори бирён эди.

Учор эди кўзларидин нақши нон,
Кўз ёши эрди, магар оби равон.

Борчаси мафлуку тихи даст эди.
Борча узум ҳасратидин маст эди.

Борчанинг ул тоқатичун тоқ эди,
Борча қовун ғуссасидин қоқ эди.

Борчанинг ул жони ба бонги суруд,
Дер эди: «шафтолию себу муруд»!

Борчаси ҳасрат била лайлу наҳор,
Дер эдилар, «Олую, обию нор»!

Ушбу қабал халқ уч ойи тамом.
Ер эдилар ғуссау ғам субҳу шом.

Банда алар бирла гирифтор эдим,
Борчасидин воқифи асрор эдим.

Кулбаи аҳзон қилиб эрдим ватан,
Кўнгул эди дар ғаму жон мумтаҳан.

Гоҳ эдим жон била машғули зикр,
Гоҳи эдим ғарқан андуҳу фикр.

Гоҳ ўқур эрдим зи каломи илоҳ,
Гоҳ кутуб ичра қилур эрдим нигоҳ.

Гоҳ боқар эрдим зи китоби Қисас,
Гоҳ ичар эрдим зи шароби ғусас.

Лек Қисас ичра вале майли жон,
Қиссаи Юсуфта эдим, ул замон.

Ул эди, ул ҳолда маҳбуби дил,
Ул эдию қиссаи матлуби дил.

Бандаи бечораға шому саҳар,
Қиссаи Юсуф эди андар назар.

Наср эди, бу қисса доғи порси,
Эрди анга жон кўзи наззораси.

Бор эрди кўнгулда бурундин бу азм,
Турки тили бирламу қилсам бу назм.

Ушбу маҳалда анга боис магар,
Бўлди яна бир неча соҳиб назар.

Бандаға дедилар; аларким будам,
Бўлғул ушул қавлингга собитқадам.

Қўйма талаб устида таъбингни суст.
Айла бу азмингни тамоми дуруст.

Қиссаи Юсуфни тамои айла назм,
Турки тили бирла қилиб азму жазм.

Қолғай охир саҳфасида ёдгор,
Сендан ўшал қисса, ўтуб рўзгор.

Банда ўшал ҳолда қилдим шуруъ,
Шукр қилиб тенгрига айлаб ружуъ.

Олдим ўшал лаҳза давоту қалам,
Сафҳаи қоғаз уза урдим рақам..

Давлату тавфиқни истаб мудом,
Тенгри таолодин ўшал субҳу шом.

Ушбу мушавваш кўнгул айёмни чанд,
Қилди қалам нўғи билан сўзни банд.

Эрди чу хотира чу мусаммам бу азм,
Айлади бу қиссани дар силки назм.

Кимки ўқусоу битса буни,
Фотиҳа бирла соғингой мени.

ЮСУФ-ЗУЛАЙХО ҚИТОБИНИНГ ИБТИДОСИ

Пири хирадким эрур устоди кор,
Деди кўнгулга зи раҳи эътибор.

Жумла қасас воқеасин сарбасар,
Тенгри каломинда бериб бу хабар.

Бор эди Қанъон улусида мудом,
Ҳазрати Яъқуб алайҳиссалом.

Халқ уза пайғамбари барҳақ эди,
Дин йўлида ҳокими мутлақ эди.

Келтирур эрди анга ваҳи далил,
Тенгри таоло қошидин жабраил.

Тенгрининг амрин сўрар эрди мудом,
Жумлаи умматлариға субҳу шом.

Ўзи рисолатта бўлуб эрди пир,
Бор эди ўғлонлари бас дилпазир.

Бир отодин ўн эдилар сарбасар,
Тенгри йўлида бориси роҳбар.

Бир онодин Юсуфу Ибни Ямин
Икки қориндош эдилар, пок дин.

Юсуф эди ўртада чун шамъи жам,
Ўзгаси парвонау ул эрди шам.

Ўзгалари кавкабу ул моҳ эди,
Ўзгалари ходиму ул шоҳ эди.

Ўзгалари заррау ул офтоб,
Борча садаф, ул эди дурри ҳушоб.

Ўзгалари жисму ўшал жон эди,
Инсу малак изига ҳайрон эди.

Ул эди Яъқуб набининг сўзи,
Ул эди оғзиндаги сўзлар сўзи.

Ул эди Яъқубға чашму чароғ,
Қўймас эди зарра қошиндин йироғ.

Ул эди чун боғи нубувват гули,
Руҳи қудус эрди онинг булбули.

Хусн сипехринда эди моҳи бадр,
Ҳол сиёҳинда эди шоми қадр.

Бошдин-аёқ сояи лутфи илоҳ,
Эрди ўшал хисрави гитипаноҳ.

Бир нафас айрилмас эди ул мудом,
Ўз отоси хидматидин субҳи шом.

Борча оғолари бу йўлдин ҳасад,
Этиб, уюрлар эди ҳар бир валад.

Биз боримиз хор эрур, бир ҳақир,
Юсуф эрур боримиз узра амир.

Юсуф эрур ҳамнафаси иззу ноз,
Ҳар биримиз шамъ сифат дар гудоз

Юсуф эрур ҳамдами нозу наим,
Биз неча тортоли азоби алим.

Неча ҳасад ўтида куйган бу жон,
Айлоли фикри бори хурду калон.

Айлоли тадбир ила макру ҳиял,
Борчаға тегар бу инидин халал.

Ғуссасидан жон бўлур ул лаҳза пок,
Саъй била айласак они ҳалок.

ЮСУФ ОҒОЛАРИ ЕМОН СОҒИНҒОНЛАРИ

Юсуфи сиддиқ алайҳиссалом,
Шоҳи мамолик эди, моҳи тамом.

Ғофил эди, рост булар фикридин,
Кечмас эди, зарра булар макридин.

Уюб эди ул отоси қўйнида,
Тавқ эди, Яъқуб али бўйнида.

Қўрди тушиндаки, фалак бомидин,
Тенгри таолонинг ул инъомидин.

Шаму қамар бори бу ўн бир нужум,
Ер юзига туштию, қилди ҳужум.

Борча келиб олина қилди сужуд,
Қатъ қилиб маснади чархи кабуд.

Сесканиб уйғонди бу туш ваҳмидин,
Ранги тағайюр бўлиб ўз-ўзидин.

Қилди отосиға бу тушдин хабар,
Деди отоси: «Ҳало жони падар,

Тенгри берур сенга тумон иззу ноз,
Дема бу тушунг кишига, сақла роз.

Дема оғоларингга ерлар ҳасад,
Бордур аларнинг ҳасади беадад.

Давлату иззат тушидур ушбу туш,
Тенгри ародин сенга берган улуш.

Келгу бу тушдан сенга, жону жаҳон,
Меҳнату ғам деди келур ҳар замон».

ОСУФ ҚУРГАН ТУШИНИ ОҒОЛАРИҒА АЙҒОНИ

Юсуфи сиддиқ уёниб магар,
Қилди оғолариға тушдин хабар.

Борча ҳасад ўти била куйдилар,
Жону жаҳон лаззатидин тўйдилар.

Қилди алар феълина шайтон мадад,
Бир йўли кучланди аларга ҳасад.

Бори ёмонлиқ қиличин тез этиб,
Борча адоватларин ангиз этиб.

Келиб отолариға қилди салом,
Ҳар бириси қилди туман эҳтиром.

Борча туриб хидматида бандавор,
Тилларида шукру кўнгулда ғубор.

Дедилар:— Эй, оҳ, расули худо!
Ҳам отомизсиз, тақи ҳам пешво.

Ҳожатимиз бордур, аё покдин,
Ҳазратингга арз қилоли яқин:

Бўлди жаҳон боғида турлук баҳор,
Ер юзи сарсабз эрур лолазор.

Сафҳаи саҳро бори гулзор эрур,
Боғи Ирам нақши намудор эрур.

Юсуф эрур бизга бу кўз мардуми,
Меҳри эрур жону кўнгул ҳамдами.

Бергил ижозат ҳоло, э покдин,
Кўрсун ўшул ер юзида гул юзин.

Кўнгли очилсун бу тамошо била,
Ўйнасун ул лолау раъно била.

Неча қилурсен они маҳбуси шаҳр,
Яхши эрур қилса тамошайи даҳр.

ЯЪҚУБ УҒЛОНЛАРИҒА ЖАВОБ АЙҒОНИ

... Яъқуб...

Бошлади ўғлонлариға бу калом:

Деди: «Борингиз менга сиз нури айн,
Тоатим эрур бориға фарзи айн.

Бори эурсиз менга пушту паноҳ,
Тенгри эрур ушбу сўзумга гувоҳ.

Борча менга жон киби дилбандсиз.
Борча менга мунису фарзандсиз,

Юсуф эрур, менга бу шому саҳар,
Мунису ҳамдам, тақи нури басар.

Пираҳани бўлса қотимдан йироқ,
Оҳ, бўлур тоқатим ул лаҳза тоқ.

Хосса эмастур бу тариқи адаб,
Юсуф агар қилса бу лаҳву тараб.

Дедилар ўтлонлари: Э роҳбар,
Бизга изинг туфрогидур тожи сар.

Бизга бу кун жумлаи халқи жаҳон,
Билки, бўлур борчаси ул бад гумон.

Дерлар, эрусиз бори нонътимид,
Сизни отонгизки қилур ноумид.

Ушбу хижолат ила биз нетоли,
Борча бу Канъон элидин кетоли.

ЯЪҚУБ ЮСУФНИ УЎЛОНЛАРИГА ТОПШИРҒОНИ

Топмади Яъқуб наби чорани,
Келтуруб ул Юсуфи маҳпорани.

Дедиким:— Э дунёда кўрар кўзум,
Тингламадилар бу жамоат сўзум.

Ўтуку жубба кию дасторни,
Қўйма булар кўнглида озорни.

Юсуф адаб шарти била ул замон,
Кийди сару пойини, бўлди равон.

Боқти чу Яъқуб онинг юзига,
Тўлди равон ёш кўрар кўзига.

Дедилар ўғлонлари: Айғил, падар,
Нега бўлур ёш кўзунгдин бадар?

Деди: Эрур жонима юз хавфу бим,
Пора бўлур жону кўнгул дарду ним.

Сиз борингиз ҳар тарафи бош уруб,
Юсуфи бечорани ёлғуз қўюб.

Борғасизу, қолгай ўшал хору зор,
Егай они гург, саги нобакор.

Борча дедиларки: Не сўздур бу сўз?
Юсуф эрур борчага кўз узра кўз.

Шери жаён бизга чу рубоҳ эрур,
Гург недур, бир саги гумроҳ эрур.

Борча онинг ҳофизи, сиз роҳбар,
Қилма замирингни паришон, падар.

Ҳазрати Яъқуб наби ул замон.
Кучтию Юсуфни деди, ҳавли жон:

«Мен суҳуф ичра ўқув эрдим калом,
Яъники Исҳоқ алайҳиссалом.

Наслида зоҳир бўлунур оқибат,
Гўдаки Исо даму одам сифат.

Хусни тугар ер юзини сарбасар,
Туғмас онингдек отосидин башар.

Кўргусидур баски, фироқу алам,
Қайғуси туққонларига дарду ғам».

Ушбу сифатлар била мавсуфсен,
Хусну малоҳат била маъруфсен.

Бўлма ўшал гўдак, аё жон кўзи,
Ёлгон эмас рост бу — тенгри сўзи.

Деди бу сўзларнию ўғлонларин,
Чорлади таъкид қилиб ҳар бирин.

Дедики Юсуфни менга вақти шом,
Бот кетурунг, ҳоло э жамъи хом.

Мен қилойин ушбу йўл узра ватан,
Келгуча ул жони азизим ба тан.

ЮСУФНИ ОҒОЛАРИ ОТОСИДИН ОЛИБ БОРҒОНЛАРИ

Юсуф оғолари бўлуб борча шод,
Тебрадилар Юсуф олиб мисли бод.

Чиқтилар элнинг кўзидин чун йироқ,
Борча ёмонлиққа қилиб иттифоқ.

Тиғи адоватни борин тез этиб,
Борча хусуматларин ангиз этиб.

Олдилар ўртода ўшал моҳни,
Мот қилоли дебон ул шоҳни.

Ҳар бири занбур кеби урди ниш,
Бўлди онинг гул бадани жумла реш.

Ҳар бири ташлоди анга мушту, лагад,
Яъники, Яъқуб сени дер валад.

Ҳар бирига сиғиниб элтур паноҳ,
Йўқ эди Юсуфқа киши узрхоҳ.

Бўлди онинг гул танидин хун равон,
Нолау зори қилур эрди фиғон.

Йўқ эди фарёдина фарёдрас,
Қуйди онинг ноласидин хору хас.

Оқибат ул Юсуфи соҳибжамол,
Боштин-аёқ суст бўлиб бемажол.

Тушти бу туфроқ ичида мурдавор,
Йиғлар эди кўзлари қон зор-зор.

Деди:— Эшитмодим отомнинг сўзин,
Кўрмай ўлармен у муборак юзин.

Деди оғоларики, жон фикрини,
Қилгину қилма бу отонг зикрини.

Бир оғоси қўпти, сутурди пичоқ,
Келди анинг кўксина қўйди аёқ.

Қим бошини қилса танидин жудо,
Юсуф эди ҳамдами ёди худо.

Юсуфи меҳнатзадаи нотавон,
Кулди оғосиға боқиб ул замон.

Деди оғосики:— Не кулмак турур?
Сенга бу ҳасрат ила ўлмак турур.

Деди:— Кўрунур менга сунъи илоҳ
Сизни дедим ўзума пушту паноҳ.

Тенгрини унутуб ўшал лаҳза пок,
Ушбу гуноҳ узра бўлурмен ҳалок.

ЮСУФНИ ОҒОЛАРИ ЧОҲҚА СОЛҒОНЛАРИ

Юсуф оғолари кўпуб ул замон
Борча деди:— Тўкмоли беҳуда қон.

Ушбу эрур бизга бу дам расму роҳ,
Боғлоли Юсуфни ҳалокин бачоҳ.

Чоҳ ичида ул ўзи бўлур ҳалок,
Бўлур оти ер юзидин борча пок.

Бор эди бир чоҳки, Шаддоди Од,
Қозиб эдию бориб эрди бабод.

Газ била тўрт юз қори эрди амиқ,
Шоҳраҳи ом уза элдин фариқ.

Баски, йилонлар қилиб эрди ватан,
Суйи эди пок бамисли лабан.

Келтируб ул чоҳ уза Юсуфни чуст,
Боғладилар икки илкени руст.

Юсуф ўшал дам кўзидин тўкти ёш,
Қўйди оғолари аёғина бош.

Деди: «Қилинг раҳм ғариб жонима,
Кирмангиз охир бу менинг қонима.

Қилғуча бу чоҳ ичида нопадид,
Тиф билан мени қилинлар шаҳид».

Мунчаки йиғлодию ёлборди зор,
Қилмадилар зарра анга эътибор.

ЮСУФ ЧОҲ ИЧИНДА МУНОЖОТ ҚИЛҒОНИ

Юсуф ўшал лаҳза деди: «Ё илоҳ!
Сендин ўза йўқ менга пушту паноҳ».

Пираҳанин ҳам ёшуруб олдилар,
Кўруб ўшал чоҳ ичида солдилар:

— Сендин ўза йўқ менга фарёдрас,
Лутфунг эрур жумлаи бекасга кас.

Ушбу муножотни қилғоч равон,
Тушти малоик аро сўзу фиғон.

Етти ўшал лаҳза паёми жалил,
Борғину Юсуфни кўр, э жабраил!

Ҳазрати жибрил алайҳиссалом
Келдию Юсуфга етурди паём.

Чоҳ ичида бор эди санги азим,
Ётқон ўшал чоҳда умри қадим.

Қилди ўшал тошни Юсуфқа тахт,
Дедики:— Ўлтур ҳоло, э некбахт.

Олина келтурди таому шароб,
Дедики:— Ич, Юсуфи олийжаноб.

Тож била келтуруб ул ҳуллалар,
Юсуфи сиддиққа қилди ба бар.

Дедики:— Тенгри сенга айди салом,
Сени қилур халқи жаҳонга имом.

Бир неча кун чексанг агар ранжи чоҳ,
Сени қилур Миср элина подшоҳ.

ЮСУФ ОҒОЛАРИ ҚУНГЛОКИН ЎҒЛОҚ ҚОНИҒА БУЛҒАҒОНЛАРИ

Юсуф оғолари бори шодмон,
Ёндилару қилдилар ўғлоқни қон.

Юсуфи мискинни алар сар-басар,
Пираҳанин қилдилар ул қонга тар.

Борчалари келди йити кўтариб,
Борчаси ёлғон ўт ила ўртаниб.

Борча ёқосини қилиб чок-чок,
Борча сочиб бошларина зарра хок.

Келдилару борча фиғон туздилар,
Халқи жаҳоннинг юрогин буздилар.

Ҳазрати Яъқуб деди:— Бу йиғи
Недин эрур, нега қилурсиз доғи?

Борча дедиларки:— Расули илоҳ!
Ҳазратингга бори қилибмиз гуноҳ.

Завқу тамошо била топтуқ ғурур,
Юсуф оромизда қолиб эрдидур.

Ғофил эдук борча базавқу тараб,
Ебтур они гург саги беадаб.

Ушбу ҳикоятни эшиткач замон,
Чиқди бу Яъқуб набидин фиғон.

Тушти ўшал ер юзида мурдавор,
Кўзида нам, синаи ғам, жон фиғор.

Беҳуд эди рост бавақти саҳар,
Зарра тирикликдин анга йўқ асар.

Қолдилар ўғлонлари бори ҳижил,
Жамъиси бир сўзига ёшурди тил.

Борча деди:— Оҳ на қилдуқ қони,
Бизни қўёрму бу инининг қони.

Тун ёруди бўлди чу вақти саҳар,
Тобти чу Яъқуб ўзидин хабар.

Деди:— Қани, оҳ, менинг Юсуфум,
Ҳамдами жоним доғи кўрар кўзум.

Бўлди онинг ноласидин беқарор,
Йиғлади Қанъон улуси зор-зор.

Борча дедиларки, дарифо, дариф!
Ой эди Юсуфки, кирди ба миф.

Қонлиғ ўшал пираҳанини очиб,
Кўрди отоси кўзидин қон сочиб.

Бутун эди пираҳани сар-басар,
Зарра жароҳаттин анга йўқ асар.

Қилди табассум, деди хуш меҳрибон,
Бўри эмастур, деди, тузди фиғон.

Емиш эса ёзида Юсуфни пок,
Пираҳани бўлур эди чок-чок.

Дедилар ўғлонлари:— Э раҳнамо,
Бўрини тутуб келолинг биз сенго.

Тебрадилар тутқоли чун бенифоқ,
Ёзида бир бўрини бар иттифоқ.

Бўри тутуб қилдилар оғзини қон,
Қилғоч ўшал бориси хурду калон.

Дедилар:— Ушбу сағи гурги палид,
Кечқуруни қилдиқ они нопадид.

Еди бу Юсуфнию қочти равон,
Ҳозир эрур белгуси оғзида қон.

Бўрига Яъқуб деди: «Нобакор!
Нега бу бағримни қилибсен фиғор?»

Нега единг. Юсуфим, эй тан палид,
Сению наслингни қилай нопадид...

**БУРИ: «МЕН ЮСУФНИ ЕМАЙМЕН»,— ДЕБ
ТИЛГА КЕЛГОНИ**

— Мен емадим Юсуфи сиддиқни,
Сенга де олман доғи таҳқиқни.

Мени бу ўғлонларинг ушбу замон
Туттилару қилдилар оғзимни қон.

Ушбу жамоат бори осий эрур,
Юсуфунга борчаси жони эрур

Мен бу вилоятқа тушубмен ғариб,
Миср элидин мени бу тортиб насиб.

Ушбу вилоятқа ҳам иним асир,
Тушуб эрур, они тилаймен фақир.

Айла дуо, э набиюллоҳ сен,
Қилғин инимни менга ҳамроҳ сен.

Мен доғи мазлум қилойин дуо,
Тенгри бу Юсуфни еткургай сенго..

Ҳазрати Яъқуб деди:— Гурги нар!
Юсуфум аҳволидин айғид хабар.

Дедики: «Қилсам бу сўзингни қабул,
Гург аро ғаммоз бўлурмен расул.

Йиғлади Яъқуб анга қилди дуо,
Деди:— Инингни сенга бергай худо.

Борғилу қилғил талаб, э роҳрав,
Бўлма фироқ ичида мендек гарав.

Чархи фалак неча менга қилса жабр,
Мен қилайин ушбу бало ичра сабр.

Сабр била топқамен охир мурод,
Шому саҳар тенгридин истай бу дод.

**ИКИ ТОЖИР ЮСУФНИ МИСРДА ТУШ ҚУРУБ, МАҒРИБ
БИЛА КЕЛИБ КАНЪОН ИЧИДА ТОБҚОНИ**

Бор эди Миср элида бир бутпараст,
Юрур эди Мисрда пайваста маст.

Бутқа топинур эди моҳи тамом,
Ушбу эди иши онинг субҳи шом.

Оти онинг Молики тожир эди,
Дунё матоъи анга вофир эди.

Уюб эди бир кеча кўрди баҳоб,
Тушти фалак гунбазидин офтоб.

Келди онинг енгига кирди равон,
Қилди ҳаво устида гавҳар фишон.

Сескониб уйғонди бўлуб шодмон,
Деди:— Бу тушни тута олмон ниҳон.

Борди муаббир қошида беҳабар,
Деди бу туш воқеасин сар-басар.

Билки бу Қанъон элидин бир ғулом,
Сенга тегар пок зи насли киром.

Нур бўлур талъатидин меҳру моҳ,
Кўз учидин қилса фалакка нигоҳ.

Айлар асар билгин онинг суҳбати,
Сенга тегар икки жаҳон давлати.

Бир неча йил чек бу тижоратда ранж,
Келгай иликингда сенинг ушбу ганж.

Молики тожир бу ҳаваста ҳар йил,
Келур эди хаттаи Қанъонда бил.

Истай ўшал гавҳари серобни
Топқоли хуршиди жаҳонтобни.

Келиб эди ушбу йил андар талаб,
Қилди мусаббаб бу латифа сабаб.

Бўлуб эди уч кеча-кундуз тамом,
Ҳазрати Юсуфни алайҳиссалом

Оғолариким солиб эрди бачоҳ,
Етти ўшал Молики тожир пагоҳ.

Қилди ўшал чоҳ бошида нузул,
Ушбу сабабдин эди жондин малул.

Муддат эди ушбу талабта мудом,
Юрур эди сидқ била субҳу шом.

Ҳақни тилар сидқ била марди роҳ,
Молики тожир тилокин берди шоҳ.

Қўрди ўшал чоҳ уза молик зи дур,
Тавф қилур ҳаж кеби жамъи туюр.

Чоҳ сари бўлди чу молик равон,
Бўлди кўзидин бори қушлар ниҳон.

Қуш эмас эрди, бари эрди малак,
Борча тушуб эрди зи боми фалак.

Борчаси Юсуфқа эди посбон,
Бормас эдилар қошидин бир замон.

Молик ўшал чоҳға солди назар,
Шуъла урар чоҳда нури қамар.

Дедики:— Чоҳ ичра недур ушбу нур?
Тушти онинг кўнглида завқу сурур.

Далву расанни тилоди ул замон,
Чоҳ ичида далвни солди равон.

Ҳазрати жибрил алайҳиссалом,
Келдию Юсуфқа текурди паём.

Дедики:— Кўп далвға қилғил нишаст,
Етти фалак ҳиммати олида паст.

Етти ўшал ваъдаки чиқсанг зи чоҳ,
Кўрсанг ўшал қудрати сунъи илоҳ.

Юсуф ўшал далвға қилди нишаст,
Молики тожир қилибон зўри даст.

Далвни тортиб чиқоро олмоди,
Борди ўзидин ўзига келмоди.

Бор эди икки қули бас беназир,
Бириси Бишр эрди, бириси Башир.

Борча йиғилиб қилибон иттифоқ,
Далвни тортилар алар бенифоқ.

Қўрдилар ул далв уза чиқти зи чоҳ,

Одами ҳусн ила афзун зи моҳ.

Борди аларнинг танидин жумла ҳуш,
Чиқти бу Молик ичидан юз хуруш.

Келди чу Молик ўзига ул замон,
Деди: «Менинг бўлди бу тушум аён.

Ушбу тушум қиссасидур сар-басар,
Менга муаббир бериб эрди хабар.

Муни тилаб юрур эдим мунча йил,
Жону жаҳон йўлида айлаб сабил».

ЮСУФНИНГ ОГОЛАРИ КЕЛИБ МОЛИКИ ТОЖИРГА СОТҚОНЛАРИ

Бор эди Молик била ҳам корвон,
Бўлдилар ул лаҳза бори шодмон.

Чиқти бу чоҳ устида ғавғолари,
Юсуф оғолари эшитти бари.

Ёвуқ эди борча етиб келдилар,
Борчаси Юсуфни тирик кўрдилар.

Банда қилур ҳийлау тадбирни,
Тенгри билур ҳикмату тақдирни.

Юсуф алар юзина қилди нигоҳ,
Бўлди онинг моҳ юзи барги коҳ.

Борчаси Юсуфқа ёпушти равон,
Юсуф ўшал лаҳза чиқорди фиғон.

Молики тожир деди:— Э шамъи шоб!
Сабр қилинг, лаҳзаи қилманг шитоб.

Ушбу ненгиздур буни сиз элтасиз?
Қуш тилидек сиз буни ёлбортасиз.

Дедилар:— Э хожаи нек эътиқод,
Бандамиз эрур, ўзидур хоназод.

Уч кеча-кундуз қочиб эрди тамом,

Қилғон экандур бу чоҳ ичра мақом.

Эмдики топтуқ қилоли они банд,
Турфа гуризанда қул эрур лаванд.

Бизга керакмастур анинг ҳеч иши,
Борча сотармиз агар олса киши.

Илики эгри, ўзи қочқоқ эрур,
Борча ёмонлиқ ичида тоқ эрур.

Сенга сотормиз агар олсанг бу дам,
Ҳарне баҳо берсанг агар бешу кам.

Борча мунунг хизматидинмиз малул,
Уғрию ҳам туғма эрур булфазул.

Молики тожир деди, ҳозир бу дам,
Менга эрур нақд йигирми дирам.

Борча дедиларки, сотормиз кетур,
Ушбу ёмон қулни бу элдин йитур.

МОЛИК ЙИГИРМА ДИРАМГА ЮСУФНИ СОТҚУН ОЛҒОНИ

Молики тожирким эди муштари,
Берди йигирми дирамини бари.

Олди чу Юсуфни қилиб байъи пок,
Бўлди таҳайюрда ўзи ҳавлноқ.

Деди: «Менга хат беринг, э шамъи шоб,
Кимки савол айласа, айтай жавоб».

Юсуф оғолари анга берди хат,
Дедилар «Э хожаки, қилмай ғалат.

Баски ёмон фитнадур ушбу ғулом,
Ёлғон эса бизга баҳоси ҳаром.

Сол кишан оёғина, бўйнина ғул,
Фитнау қочқоқ эрур ушбу қул.

Тут они пайваста ялонғочу оч,
Бордур онинг дардина ушбу илож.

Биздин эшиткил, ҳоло, э хожа мард,
Мисрға еткур они айлаб ба банд.

МОЛИК ЮСУФНИ БАНД ҚИЛҒОНИ

Қилди алар сўзини молик писанд,
Айлади Юсуфни ҳамул лаҳза банд.

Солди онинг эгнина бир эски шол,
Баски ёмон ҳол эди анга бу ҳол.

Банданиким тенгри қилур муҳтарам,
Берур анга меҳнату дарду алам.

Ушбу сабабдин эрур ул анбиё,
Чекти бори меҳнату жавру жафо.

Гул тилаган, хор жафосин чекар,
Кимки асал олса ариси тегар.

Билгин, аё дўстки, шодию ғам,
Ҳамдам эрурлар кеча-кундуз баҳам.

Оқибат ул амр чу Молик равон,
Бўлди бу Юсуфни олиб шодмон.

Юсуф ўшал банд ичида хору зор,
Тўкар эди ёш чу абри баҳор.

Сабр қилиб эрди фалак жабрина,
Рост чу етти оноси қабрина.

Ташлади ўзини тева устидин,
Жонга тегиб эрди жафо жабридин.

Жон била қучди оноси қабрини,
Йиғлаб уюм эрди фалак жабрини.

Деди: «Аё, мушфиқу зебо онам!
Куйди бу банд ичида мискин танам!

Гул била занжир эрур ҳамдамим,
Егай эдинг дунёда бўлсанг ғамим,

Уғри кеби эгнимадур эски шол,
Бу не аламдуру, бу не дарду ҳол?

Банда дебон соттилар охир мени,
Бош кўтариб, кўргил, оном, бандани.

Дарду аламдур менга бас беадад,
Вақти эрур эндики қилсонг мадад.

ЮСУФГА ОНОСИ ҚАБРИДИН УН КЕЛГОНИ

Чиқти ўшал дам оноси қабридин,
Нолаи дилсўз фироқу жабридин.

Деди: «Аё, икки кўзум равшани,
Боштин-аёқ ўртадинг, ўғлум мани,

Бу не алам, бу не қазодур сенга?
Бу не ситам, бу не жафодур сенга?

Айлади ноланг бу юроким фигур,
Қолмади руҳима саботу қарор.

Сенга чу мерос эрур бу алам,
Тенгрига сиғин, емагин ўзга ғам.

Тенгри берур жумла муродинг тамом,
Шоҳсен, ўғлум, сени ким дер ғулом».

МОЛИҚ ЮСУФНИ ЙУҚЛАБ ТИЛАТА ЮБОРГОНИ

Молики тожир яна солди кўзин,
Кўрмади тева уза Юсуф юзин.

Деди: «Кўринг, қочти бу канъони қул,
Оёғида кишану бўйнида ғул.

Рост эмиш хожаларининг сўзи,
Йўлда боқинг, қайда чиқибтур изи?»

Бир ҳабаша қул эди, бас номдор,
Дедики: «Жамозаға бўлғил сувор!»

Сўргил ўшал йўл била сен тунду тез,
Тутқил ўшал қулни бароҳи гурез.

Қайдаки топсанг, они қилғил изо,
Менга олиб кел, буюраман жазо.

Сурди бу жамоза миниб ул ҳабаш,
Оғзида сўкунч эди, кўнглида ғаш.

Етти кўрар, Юсуфи дилхастани
Банду бало ичида вобастани.

Юзини суртар эди бир қабрға,
Узга мажоли йўқ эди жабрға.

Еткоч очигланиб ўшал нобакор.
Судради Юсуфни тутуб зор-зор.

Кож уруб тевага солғоч они,
Дедики:— Қочқоқ, йўлунгни тони.

**ЮСУФ ИИҒЛАБ ТЕНГРИ ҲАҚҚА СИҒИНАДИ,
ЕМҒИР ЁҒИБ, ТУФОН ҚУТАРИЛАДИ]**

Юсуф ўшал лаҳза деди: «Ё раҳим!
Неча чекомен бу азоби алим.

Неча десам осию хору залил,
Жаддим эрур пок расули халил.

Неча кўрай мен бу аламни илоҳ,
Сендин ўза йўқ менга пушту паноҳ».

Ушбу муножотки бўлди равон,
Етти кўрарким бородур карвон.

Тутти ҳаво юзини гарду ғубор,
Айлади ул рўзни чун шоми тор.

Ўт чоқилиб бошлади, ёғди тагарг,
Титрар эди жумла халойиқ чу барг.

Барча бир-бир бўлиб ул корвон,
Ҳар бири бир ерда қилурлар фиғон.

Борча дедиларки қиёмат зуҳур,
Урди магар дунёда Исрофил сур.

Борчалари жонидин узди умид,
Борчаси ларзон эди, барги бид.

Қилғил аё золими номуътабар,
Нолаи мазлумдин охир ҳазар...

Юсуф ўшал ҳолда мазлум эди,
Сирри онинг тенгрига маълум эди.

Молики тожирга келиб ул ҳабаш,
Деди: «Аё халқ ичида талабқаш.

Менки бу канъони қулунг беизо,
Қилдим урдим басы носазо.

Кўкка боқиб оғзини тебратқач ул,
Ушбу бало бизга келиб тутди йўл».

Молики тожир эшитиб ул замон,
Келди бу Юсуф қошида ҳавли жон.

Қўйди юзин оёғина деди: «Оҳ!
Раҳм эрур сендину мендин гуноҳ»...

Юсуф ўшал ҳолда қилди дуо,
Кўз юмуб очқунча очилди ҳаво.

Қолмади кўк устида зарра ҳижоб,
Тутти жаҳоннинг борисин офтоб.

Молик ўшал ҳолни кўргач аён,
Бўлди онинг кўзларидин ёш равон.

Олди бу Юсуфдин ўшал банду гул,
Дедиким: «Сен шоҳ сену, банда қул».

Бош-оёғин қилди тўкуз шоҳвор,
Қилди равон бир бедов узра сувор

Тебрадилар йўлга кириб корвон,
Борчаси хуррам бўлубу шодмон.

Юсуф ўшал навъ чу бўлди сувор,
Чиқти магар ой зи гарду губор.

Келур эди Молики тожир базавқ,
Ортор эди кўнглида ҳар лаҳза шавқ.

Етти бу шаҳрға алар даст-бадаст,
Ким улуси эрди онинг бутпараст.

Борча мусулмон бўлубон сар-басар,
Куфр йўлиндин бори бўлур бадар.

Молик ўшал шаҳрдин ўтди равон,
Ҳамраҳ эди онга улук корвон.

Юрур эдилар кеча-кундуз мудом,
Кўзга қилиб уйқуларини ҳаром.

Борча Юсуфқа қилибон жон нисор,
Олида юрурлар эди бандавор.

Қалъаи Найсонға етишти бори,
Қофир эдилар онинг ул эллари.

Қилди алар ҳолина Юсуф назар,
Бўлди улукдин кичиги бохабар.

Борчаси ўз ҳолина чун келдилар,
Ҳар бириси бошқа бути йўндилар.

Ёсадилар бутларини бемалол,
Борча Юсуфқа қилиб имтисол!

Юсуф ўшал ҳолдин қолди шугуфт,
Дедики: «Билмас киши рози нуҳуфт».

Ўттилар ул ҳолни кўргач равон,
Тебрадилар йўлга кириб корвон.

(Шундан сўнг Юсуф ўзга динга мансуб бўлган халқлар мамлакатига кириб боради. У бу ўлка ҳокими билан суҳбат қуради. Юсуфнинг ҳуснига ўлка ҳокими ҳам, барча халқ ҳам маҳлиё бўлиб қоладилар. Юсуф ўз ҳусни таъсири ҳамда ақл-заковати қудрати билан уларни мафтун этади. У ўлка ҳукмдорини адолатли, халқни ҳамжиҳат бўлишга даъват этиб насиҳатлар қилади ва яна йўлга равона бўлади.)

ЮСУФ УЛ ШАХАРДИН УТУБ НИЛ ДАРЭСИНИ
ҚИРҒОҒИҒА ТУШҒОНИ

Юсуф ўшал шаҳрдин отланди шод,
Бўлди ўшал шаҳрда чун дину дод.

Тебрадилар борча базавқу сурур,
Қофила халқи бориси пур ҳузур.

Юсуф эди тавсани давлат сувор,
Молик эди завқ била беқарор.

Бахт мусоид эди, давлат рафиқ,
Чархи ситамгар бўлиб ул дам шафиқ.

Юрди чу тафарруж қила Юсуф юзин,
Қимки юзин кўрди, унутди ўзин.

Эрди муғанни бори булбулсарой,
Чиқти фалак бошина гулбонги ной.

Мисрға кирди бу жалолат била,
Юзини кўрди чу бу ҳолат била.

Подишаҳи Миср чу кўрди юзин,
Борди ўзиндин, вале тутти ўзин.

Деди:— Малактур, бу эмастур башар,
Руҳи мужассам эрур ул сар-басар.

Қилди бу ибри тили бирла яно,
Шоҳға Юсуф доғи ҳамду сано.

Шоҳ деди:— Ушбу не тилдур, дегин?
Менга бу тил бирла сўзин сўзлагин.

Юсуфи сиддиқ деди: «Ушбу тил,
Ҳазрати Яъқуб билур, яхши бил».

Подишаҳи Миср эди доно ўзи,
Бор эди етмиш тил аларнинг сўзи,

Сўзлади етмиш тил ила ул замон,
Юсуф анга берди жавобин равон.

Масъала мушкилларини шаҳ савол
Қилди жавобини деди ҳасби ҳол.

Шоҳ деди: «Э, олими илми ладун,
Сен киби жон кўрмади дайри куҳун.

Борча камолатда сен беназир,
Банда эрур юзингга бадри мунир.

Кашф эрур жумла улуми ниҳон,
Ҳол тилингдинки қилурсен баён.

Етти йилки қаҳат бўлса зуҳур,
Борғусидур Миср улусидин ҳузур.

Борча бўлур нафс била мубтало,
Борча бўлур Миср эли бир-бир жудо.

Мен мунга тадбирни билмон бу дам,
Айла баён маъдани лутфу карам».

Боқти табассум қилиб ул эл сори,
Борди халойиқлар ўзиндин бори.

Баъзиси беҳуш бўлуб берди жон,
Баъзиси беҳуд қилур эрди фиғон.

Баъзи таҳайюр кўзидин тўкти ёш,
Келдилару қўйдилар олинда бош.

Чиқти ўшол Миср улусиндин нафир,
Вола эди борча сағиру кабир.

Миср элию халқ зи Бағдоду Шом,
Дедилар аз неку баду, хосу ом.

Бу не малоҳат, не бу ҳусну жамол,
Эрур аё подишаҳи лоязол.

Ҳусну малоҳат ярмини худо
Юсуфи сиддиққа қилди ато.

Ярмини халқи жаҳонға тамом,
Бериб эди, билгин аё нек ном.

**МОЛИКИ ТОЖИР ЮСУФНИ ОЛИБ, МИСРГА
СОТАЙ ДЕБ КЕЛТУРГОНИ**

Юсуф агар шоҳи мамолик эди,
Молики тожир анга молик эди.

Олди они кирди чу бозорға,
Арз қилур эрди харидорға.

Чорсуйи Мисрға Юсуф нишаст —
Қилди, будур ҳикмати рўзи аласт.

Жону кўнгул бирла анга муштари,
Бўлди зану мард, халойиқ бари.

Дер эди овоз ила даллоли шаҳр:
— Кимки бу Юсуфдин олур бўлса баҳр.

Бўйи тенгги кимки жавоҳир берур,
Жавҳари ким бўлса, бу гавҳар олур.

Чекмангиз, э халқ, сиз беҳуда ранж,
Шоҳ агар олса гуҳар, берса ганж.

Истамангиз васлини ҳар бир гадо,
Борча йироқдин қилингиз жон фидо.

Кўрди магар бир қарийи нимжон,
Неча калоба элида ресмон.

Дедики, даллол баҳоси неча?
Айтти, дуру лаъл бўйи тенгича.

Дедики, э зол, бўлурсан хираф
Қўй бу ҳикоятни, бўл бир тараф.

Деди:— Очигланма менга бир замон,
Ол бу баҳосина неча ресмон.

Илигини илгима бер, саъй қил,
Ушбу матоингни менга қил биҳил.

Гарчики сен мунчаға сотманг ани,
Бори харидор дегайлар мани.

МАҒРИБ ПОДШОҲИНИНГ ҚИЗИ ЗУЛАЙХО ДЕГАН
ЮСУФНИ ТУШИДА КЎРГОНИ

Бор эди мағрибда шаҳи номвар,
Ҳамраҳ эдилар анга фатҳу зафар.

Қофир эдию, вале одил ўзи,
Бўлмас эди, икки онинг бир сўзи.

Эр кишининг сўзи керак бўлса бир,
Шоҳу гани бўлсаю хоҳи фақир.

Эрди онинг оти чу Таймус шоҳ,
Беҳад эди анга бу хайлу сипоҳ.

Бир қизи бор эди маҳи ховари,
Оразиға шамсу қамар муштари.

Юзи қуёш эрди, вале безавол,
Борча фунун бобида соҳиб камол.

Ҳосили умри ул эди шоҳнинг,
Оти Зулайхо эди ул моҳнинг.

Бир кеча Юсуфни магар кўрди хоб,
Қирди онинг қўйнина чун офтоб.

Шамсу қамардек топибон иттисол,
Бир-биридин айлади сайби висол.

Деди Зулайхо:— Ким сен? Э гулбадан,
Менга де, отинг не дуру, қайда сан.

Қайда тилай йўқласам охир сени,
Мунда топарсен, чу тилосанг мени.

Дедики:— Юсуфтур отим, гулузор,
Мен эрурам Миср элида шаҳриёр.

Бизга фалак қилғусидур кўб жафо,
Чеккумиз, э дўст, бу сонсиз бало.

Меҳнату, дарду, аламу, ранжу ғам
Еткусидур мунча бало дам-бадам.

Оқибат ул тенгри иноят қилиб,
Сени менга, мен сенга бўлғум насиб.

Ушбу сўз устинда Зулайхо равон,
Сесканиб уйғонди магар ул замон.

Эрди онинг оғзида Юсуф оти,
Уртади боштин-аёғи ишқ ўти.

Боштин-аёқ қилди яқосини чок,
Суртар эди юзини ҳар дам бахок.

Қилди оносиға бу туштин хабар,
Деди оноси, отоси ул магар.

Фикр ичида қолди алар субҳу шом,
Бўлди учун айш уларга ҳаром.

Лек Зулайхо эди бехўрду хоб,
Бағри эди ишқ ўтидин кабоб.

Юсуф эди зикри онинг ҳар нафас,
Булбули бўлғон асири дар қафас.

Ишқ ўтининг шуъласи ўртар жаҳон,
Қим тутар, э дўст, бу тушни ниҳон.

Оқибат алқисса чу Таймус шоҳ,
Деди, эрур Миср чу шаш моҳа роҳ.

Йиғди улуғ бекларини ул замон,
Деди:— Қилинг Мисрға элчи равон.

Номаи таҳсин битингиз бу дам,
Миср Азизи ул эмиш муҳтарам.

Номани таъзим ила иншо қилинг,
Васл мадиҳин доғи имло қилинг.

Яъни ўғуллуққа қилурмиз қабул,
Бизнинг оромизда юрусун расул.

Мисрда улдур чу шаҳи комкор,
Сенга эрур яхши-ёмон ихтиёр.

Гарчи улус ҳокими Райён эди,
Ушбу Азиз олида ҳайрон эди.

Ганжу хазойиндур онга беадад,
Борча бу Райёнға қилурлар мадад.

Жумлаи беклар йиғилиб сарбасар,
Номае битдилар тўло оби зар.

Битдилар дарж қилиб шарҳи васл,
Жумла ҳикоятни зи фаръу, зи асл.

Буткариб, элчига бериб ул замон,
Миср сори қилдилар элчи равон.

МАҒРИБ ПОДШОҲИ АЗИЗИ МИСРҒА ЭЛЧИ ЮБОРҒОНИ

Тебради ул элчийи неку хабар,
Миср сори жидд била шому саҳар.

Қилди манозилни баси қатъу фасл,
Мисрға етишти қилиб саъйи васл.

Келди Азиз олиға юз бим ила,
Қўйди ўшал номани таъзим ила.

Номани очти, чу ўқуди Азиз,
Деди, эрур шарҳи бағоят лазиз.

Бекларини чорлади ул ҳасби ҳол,
Деди: Келур номада бўйи висол.

Нома жавобини битингиз бу дам,
Яъни аё подшаҳи муҳташам.

Халқи жаҳонға битуғунгуз чу фарз,
Банда қилур қуллуғини сенга арз.

Номаи покингни кетурди расул,
Қул эурам бандани қилсанг қабул.

Қилдим ўшал номада шукри илоҳ
Бўлса менга сиз кеби пушту паноҳ.

АЗИЗИ МИСР КЕЛГОН ЭЛЧИДИН НОМА ЖАВОБИН ЮБОРҒОНИ

Келган ўшал элчини бас шодмон,
Қилди азизу яна қилди равон.

Ёнди ўшал элчийи неку паём,
Юрур эди тинмайин ул субҳу шом.

Чекти базе меҳнату ранжи сафар,
Қалъаи Мағрибга етушти магар.

Нома жавобини чу Таймус шоҳ,
Олиға келтурди қилиб қатъи роҳ.

Шоҳ кўриб нома жавобин равон,
Бўлди базе ҳурраму бас шодмон.

Очди хазина эшигин сарбасар,
Қилди жавоҳир доғи олтун бадар.

Ҳарне кераклик тақи турлук кумош,
Қилди чиқориб борини чош-чош.

Хаймау хиргоҳу саропардалар,
Тиктуруб ул тузди бир улук жақар.

Минг тевага юклади турлук асос,
Йўқ эди ул моҳға ҳадду қиёс.

Бекларидин бир неча сардорни,
Ўзининг ул хоссаи жондорни.

Жамии օтогау эногани ҳам,
Ким эдилар борчаси хоси ҳарам.

Бахту саодат қилиб эрди мадад,
Тузди асосу ҳашами беадад.

Мисрга кўчурди Зулайхони шоҳ,
Қилди Зулайҳо суюнуб азми роҳ.

ЗУЛАЙХОНИ ОТОСИ АЗИЗИ МИСРГА
КУЧУРУБ ЮБОРҒОНИ

Миср сори бўлди Зулайхо равон,
Чиқти отоси-оносидин фиғон.

Дедилар: — Э жону жаҳон дам-бадам,
Оҳ, фироқингда кўрармиз алам.

Тегмасун ул ой юзингга ғубор,
Борур эсанг, жон тилоки яхши бор.

Тебради ул ўрда кўчуб сарбасар,
Рост қилиб борча зоти сафар.

Жумлаи ишлори саранжом эди,
Бахт мададкору фалак ром эди.

Юрур эдилар кеча-кундуз тамом,
Завқу тараб бирла бори субҳу шом.

Давлату нусрат эдилар роҳбар,
Ҳамроҳ эди барчага фатҳу зафар.

Оқибат алқисса ўшал ҳури ийн,
Ўрдаси чун Мисрга етди яқин.

Миср Азизи топибон ул хабар,
Мисрни ойин қилибон сарбасар.

Ўтру чиқиб келди, тузуб юз асос,
Келмас онинг шарҳи баҳадду қиёс.

Икки чоқор ёндоша тушти баҳам,
Келди фараҳ навбати, ўтди бағам.

Келди адаб шарти била ул замон,
Миср Азизи бу чоқорға равон.

Беклари этти келиб пешкаш,
Чарх фалак кўргуча бошлоди ғаш.

Ушбу маҳал ичра Зулайхо магар,
Миср Азизи сори қилди назар.

Бўлди саропардада бехуд бу дам,
Боштин-аёқ бўлди вужуди адам.

Борча эногалари, уй қизлари,
Қон сочо бошлади боқиб кўзлари.

Ронҳа келтурдилару ҳам гулоб,
Сочти Зулайхо юзина мисли об.

Қилди гулоб эди асар бурнина
Келди равон сесканиб ул ўзина.

Тузди ўшал навҳасини зор-зор,
Деди:— Умидим гулидин туғди хор.

Миср Азизи эмас, ул Юсуфум,
Ўт ичига солдим ўзумни-ўзум.

Буздум ото-оно ўйини бори,
Эмди нетойин, боройин қай сори?

Деди оноси:— Аё э гул узор,
Бағриму жоним, юрагим ҳам фиғор.

Кўз ёшингга мен қилойин жон фидо,
Йиғлама, э моҳ, баройи худо.

Отонг-ононг номусин андиша қил,
Сабру таҳаммулни бу кун пеша қил.

Юсуфингни кўргасен ушбу сабаб,
Бўлғил, аё моҳ, зи ҳақ дар талаб.

Қилди Зулайхо бу насиҳат қабул,
Ишқ элида эрди бу жондин малул.

Миср Азизи бори тортиғларин,
Тортти бу бекларга саросар борин.

Қилди мулукона улуғ тўйлар,
Тикти саропарда улуғ уйлар.

Қилдилар ўртада бу ақди никоҳ,
Тузди муғанни ғазалу тутти роҳ.

Баски, сочиқ расми била бешумор,
Қилдилар ул лаҳза жавоҳир нисор.

Чунки, тушурдилар ўшал моҳни,
Кўргин ўшал қудрати оллоҳни.

Бўлди куёв рост Зулайҳо бекин,
Келди Азиз уйғали онга яқин.

Ўлтуруб эрди чу Зулайҳо ўзи,
Юсуф учун мунтазир эрди кўзи.

Ҳикмат ила ушбу Зулайҳо мудом,
Тенгри паноҳида эди субҳу шом.

Миср Азизи вале дар хоби хуфт,
Бўлур эдилар доғи бир-бирла жуфт.

Етти йил ўтиб бу қабил рўзгор,
Юсуф учун тортар эди интизор.

ЮСУФНИ АЗИЗИ МИСР ЭШИТИБ:

«ОЛУРМАН»,— ДЕБ, МОЛИКИ ТОЖИР ОЛИБ КЕЛГОНИ

Тенгри иноят қилибон ногаҳон,
Мисрда ул Юсуфи бўлди аён.

Истар эди Молик онга муштари,
Чиқти бу гулбонги онинг ҳар сари.

Миср Азизиға зи хосу, зи ом,
Дедики:— Молик сотадур бир ғулом.

Ҳусни эрур шамсу қамардин фузун,
Юзини кўрган киши бўлур жунун.

Бўйи била тенг жавоҳир баҳо,
Истаю ул шаҳрға солди нидо.

Миср Азизи деди:— Элтинг паём,
Молики тожир била келсин ғулом.

Молики тожир эшитиб бу хабар,
Боглади Юсуфқа мурассаъ камар.

Хилъати шоҳона анга кийдуруб,
Рахши саодатқа они миндуруб.

Миср Азизи сору бўлди равон,
Чиқти хаойиқ орасидин фиғон.

Халқ рикобинда равон бўлдилар,
Баъзи оёқ остида кўб ўлдилар.

Миср Азизи чиқиб ул лаҳза маст,
Тахти мурассаъ уза қилди нишаст.

Сурди ясовуллар улусни тамом,
Қилди тавозиъ била Юсуф салом.

Миср Азизи онга солғоч назар,
Деди:— Малактур, бу эмастур башар.

Деди юриб илгари қўйғил қадам,
Курсийи заррин уза ўлтур бу дам.

Теграсида халқ эди сад ҳазор,
Борча зану мард зи аҳли назор.

ҲАЗРАТИ ЮСУФНИ ЗУЛАЙХО КЎШҚ УСТИДА ДАРИЧАДИН КЎРГОНИ

Эрди Зулайхо ҳарам ичра ниҳон,
Кўрдики шаҳр эли қилурлар фиғон.

Уй қизидин сўрди бу хоси ҳарам,
Недин эрур халқ аро сўзу алам.

Деди, бу уй қизи, аё гулузор,
Жумлаи Миср аҳли эрур беқарор.

Турфа қуледур сотодурлар бу дам,
Кўр бу равоқ устига қўюб қадам.

Халқ эрур борчаси ғавфо билан,
Кўнгил очилсун бу тамошо билан.

Чиқти равоқ узра Зулайхо магар,
Қилғоли ул қулға ниҳони назар.

Кўрди ўшал ҳолда Юсуф юзин,
Беҳуд ўлиб билмади ўзга-ўзин.

Торттию гулдек ёқосин қилди чок,
Тушти ўлуклар киби бар рўйи хок.

Келди эногоси деди, айла сабр,
Қилмағил ўзингга, аё моҳ жабр.

Тутқил ўшал розни мастур сен,
Қилма бу асрорни машхур сен.

Соқламассен ўзунга номусни,
Шод қилурсен душмани маҳбусни.

Топмасун ул Миср Азизи хабар,
Бизни қилур ушбу улусдин бадар.

Борчани ўлумга берурсен бу дам,
Қил бу бало ичра таҳаммул болам.

Сабр била тенгри муродинг берур,
Жумла иноят боши чун сабр эрур.

Деди Зулайхо:— Ҳоло бераҳм онам,
Ўртанадур жону, куёдир танам.

Ўт ичида сабр нечук айлаюн,
Кима деюн, не қилаюн, найлаюн?

Деди эногаси:— Кўрай дер, бори
Қайси бу Юсуфқа бўлур муштари.

Қайси муҳаббатқа тушар ушбу шоҳ,
Анга яраша қилолинг азми роҳ.

Ушбу сўз устинда баси можаро,
Чиқти халойиқ орасинда нидо.

Юсуф агарчи дури шаҳвор эрур,
Миср Азизига сазовор эрур.

Миср Азизи эшитиб ул замон,
Дедики хозинга, равон тут — равон.

Оч бу хазойин эшигин сарбасар,
Жумла жавоҳирни равон қил бадар.

Олди бу қиймат била Юсуфни шоҳ,
Сотти бу Молик тақи беиштибоҳ.

Айлади Юсуфни зи хоси ҳарам,
Дедики:— Сен бўл сари хайлу ҳашам.

Мен сени фарзанд дедим ушбу дам;
Сен доғи қўй ростлиқ узра қадам.

Қилди Зулайхога сипориш они,
Дедики:— Сен бил, доғи асра буни.

ЮСУФ ЗУЛАЙХО ТОБУҒИНДА СУБҲУ ШОМ ХИЗМАТИДА ТУРҒОНИ

Боғлади хизматқа чу Юсуф камар,
Юрар эди ғамзада шому саҳар.

Ишқ ўтидин эрди бу бағри кабоб,
Йўқ эди бир лаҳза анга хўрду хоб.

Деди энагага:— Аё ҳамдамим,
Бўлди фузун меҳнату дарду ғамим.

Ишқ ўртар мени бу ҳар дам-бадам,
Жон ичидин шуъласи тортар алам.

Борғину Юсуфни кўр, ушбу замон,
Қил бу тушум қиссасин анга аён.

Жумлаи ҳолимдин анга қил хабар,
Кўз учидин бир менга қилғил назар.

Борди чу Юсуф энага ногаҳон,
Дедики:— Юсуф, сенга айлай аён.

Саккиз ил эрур Зулайхо дар алам,
Билки фироқингда чекар дам-бадам.

Сени тушинда кўриб ул сиймбар,
Қилди отоси, оносидин гузар.

Сени тилай Мисрга тушти асир,
Қилди фироқинг они зору зажир.

Солғил ўшал сўхта дилға назар,
Яхши эрур вуслати шамсу қамар.

Юсуф айиттики, ҳоло хуш сиём,
Мен эдим озод, бўлубмен ғулом.

Мен эдим ўз мамлакатимда амир,
Мунда букун хор эрурман, ҳақир.

Мени фалак қилди отомдин жудо,
Шоҳ эдим, эмди бўлубмен гадо.

Кўрса тушинда Зулайхо гар мени,
Мен доғи тушумда кўрибмен ани.

Баски фалак гардишидин ранжу ғам,
Кўргумиз ул меҳнату дарду алам.

Баски халойиқ ичида хору зор,
Бўлғумиз, ул жону кўнгуллар фиғор.

Баски замона илигиндин маҳол.
Чеккумиз ул рўзу, шабу, моҳу сол...

Сабр била айлоли андишани,
Урмалинг оёққа бу кун тешани.

ЭНОГА ЮСУФ ДЕГАН СЎЗЛАРНИ КЕЛИБ ЗУЛАЙХОҒА ДЕГони

Келди энага деди:— Э гул узор,
Жони азизим сенга бўлсун нисор.

Кўрдум ўшал Юсуфи дил хастани,
Чархи фалак жабрига вобастани.

Жумла ҳикоятни анга сарбасар,
Дедим эса дедики:— Шому саҳар-

Мен доғи ҳижрон ўтидинман кабоб,
Сабр қилдим менки ёмондур шитоб.

Мен доғи тушумда кўрубмен ани,
Ондаки мағрибда эди маскани.

Лек бaсе меҳнату жавру жафо,
Чеккимизу кўргумиз охир вафо.

Сабру таҳаммулда топарбиз висол,
Вақт етиб ўтса бaси моҳи сол.

Бўлди Зулайхо ишидин беқарор,
Йиғлар эди, кўзлари қон зор-зор.

Деди, тушум қиссасини сарбасар,
Рост эмиш эмдики топтим хабар.

Оҳ! Қачон бўлғуси айёми васл,
Жону кўнгул нақди эрур фасл-фасл.

Деди эногасики:— Жону жаҳон,
Тенгрига шукр эт, доғи қилма фиғон.

Юсуф эрур суҳбатингда субҳу шом,
Сабр била еткaсен андин баком...

Оқибатул амр Зулайхо мудом,
Куёр эди ишқ ўтидин субҳу шом.

Жон била боғлаб эди Юсуф камар,
Хизмат учун оллида шому саҳар.

Муддати айём ўтуб бу қибал,
Васл учун қилди Зулайхо ҳиял.

Қилмас эди Юсуф анга инқиёд,
Топти орода магар уммиду дод.

**БОРЧА БЕКЛАРНИНГ ХОТУНЛАРИ ИЙГИЛИБ КЕЛИБ
ЗУЛАЙХОГА НАСИХАТ ҚИЛҒОНЛАРИ**

Жумлаи беклар хотуни сарбасар,
Топти Зулайхонинг ишидин хабар.

Ўз кулунгга ошиқу ошуфтасен,
Нағу бу Лайли киби олуфтасен.

Жумлаи номусунгга айлар зиён,
Сени қилиб айб бу халқи жаҳон.

Деди Зулайҳоки:— Борингиз бу дам,
Ранжа қилиб қўйдунгиз эса қадам.

Борча манга носиху дилсўзсиз,
Бахту саодат била фирузсиз.

Суҳбати хос тутолинг ушбу рўз,
Бори камиғай менга бу дарду сўз.

Борча ҳарамға кириб ўлтурдилар,
Борча маишат ерини туздилар.

Ҳар бирига берди туранжу пичоқ,
Деди Зулайҳо:— Кесинг айлаб мазоқ.

Деди эногагаки:— Жон роҳбари,
Борғину Юсуфни кетур ичкари,

Ушбу жамоат бори кўрсун юзин,
Сарв-сиҳи бўйину наргис кўзин...

Талъатидин бўлди мунаввар ҳарам,
Тушти хотунлар ичига юз алам.

Борча онинг юзина олдурди кўз,
Борчасининг оғзида қолмоди сўз.

Борча туранж деб илигин сарбасар
Кестию бўлмоди аларга хабар.

Борча ўшал ҳол бўлиб ғарқи хун,
Тушти Зулайҳо қотида сарнигун.

Чунки алар топти ўзидан хабар,
Кўрдилар аъзосини хун бирла тар.

Борча хижолатқа қолиб тўкти ёш,
Борча Зулайҳо қотида қўйди бош.

Кўрдилар, э боғи саодат гули,
Борча қотингда ўлоли бир йўли.

Сенга маломатлар айдуқ боримиз,
Кўрдугу кўргинки недур ҳолимиз.

Тузди Зулайхо яна оҳанги сўз,
Деди:— Бу ишқ ўтида куймай ҳануз.

Бир йўли туштингиз аёқдин тамом,
Оҳ менинг ҳолим ўшал субҳу шом.

Ишқ ўтиўртар, ҳоло бил хонумон,
Ўртар ўшал ишқ ўти жону жаҳон.

Ишқ ўтидин чарх урар бу фалак,
Ишқ эрур бил зи само то самак.

Ишқ бўлур воситаи тор пуд,
Қилдилар Одамға малойик сужуд.

ЗУЛАЙХО ҲАРАМНИ ХИЛВАТ ҚИЛИБ ЭНАГАСИНИ ЮБОРИБ ЮСУФНИ ТИЛАТИБ КЕЛТУРГОНИ

Оқибатул амр Зулайхо мудом,
Ишқ ўтидин куёр эди субҳу шом.

Йиғлар эди ҳажр ўтидин зор-зор,
Қолмади жонида саботу қарор.

Деди энагагаки:— Жон ҳамдами,
Ўртади жон нақдини Юсуф ғами.

Неча фироқ ўтида куйсун бу жон,
Оҳ бу ўтни тута олмон забон.

Борғилу Юсуфни кетур ушбу дам,
Келсину кўзим уза қўйсун қадам.

Айлади ҳижрон мени жондин батанг,
Қолмади менга ғами номусу нанг.

Келди бу Юсуфқа энага равон,
Дедики:— Юсуф ҳоло қўп дар замон.

Деди Зулайхо сени келсун ўзи,
Бордур онинг сенга бу хилват сўзи.

Юсуфи бечораи бехонумон,
Бўлди Зулайҳо битуғида равон.

Келди сарой ичида қўйди қадам,
Кўрди эрур мисли биҳишти ҳарам.

Эрди Зулайҳо ўзи чун ҳури ийн,
Мамлакати ҳусн анга зери нигин.

Тахти мурассаъ қилибон муттако,
Ўлтириб эрди ясониб дилрабо.

Хилвати хос эрди ўшал дам сарой,
Ҳеч аҳади йўқ эди гайри худой.

Қўпти ўшал лаҳза Зулайҳо нахуст,
Жумла ҳарам эшигини қилди руст.

Юсуф илигин тутубон даст-бадаст,
Бордилару тахт уза қилди нишаст.

Хилвати хос эрди, саройи сурур,
Топти йигитлиқ била Юсуф ғурур,

Уртада иблис бўлиб ишвагар,
Деди қотилғай била шаҳду шакар.

Шаҳват ўти ўртади ул нарм-нарм,
Ёқтию Юсуфни басы қилди гарм.

Юсуф ўшал лаҳза Зулайҳоға майл,
Қилдики жамъ ўлса бу моҳу Суҳайл.

Ногоҳ ўшал ҳолда боқти, кейин.
Кўрду чу Яъқуб наби суратин.

Дедики:— Юсуф ҳоло қилма гуноҳ,
Юсуф ўшал лаҳза топиб интибоҳ.

Номаи аъмолни қилма сиёҳ,
Дедики:— Фарёдима ет, ё илоҳ.

Юсуф ўшал номани кўргач аён,
Тутди ўзин қилмади шарҳи баён.

Лаҳзаи ишқ ўти яна қилди зўр,
Шаҳват ила ушбу азозилни кўр.

Қасди гуноҳ айлади Юсуф яна,
Шаҳват ўти бирла куяр ўртана.

Утрусидин бўлди Азиз ошкор,
Деди:— Ҳоло Юсуфи ноэтибор.

Мен сени фарзанд дедим, беадаб,
Сендан эрур ушбу ёмонлик ажаб.

Юсуф ўшал лаҳза топиб интибоҳ,
Дедики:— Фарёдима ет, ё илоҳ!

Борчаға лутфу караминг дастгир,
Мени қилур шаҳвату шайтон асир.

Ушбу муножотни босўзи дил
Қолди гуноҳинда базе мунфаъил.

Тенгри иноят қилибон ул замон,
Берди онга шаҳват ўтидин амон.

Юсуф ўшал лаҳза бўлиб беқарор,
Қўйди Зулайхонию, қилди фирор.

Қўпти Зулайхоу они тутди чуст,
Деди:— Не бўлди сенга, э аҳди суст.

Неча қилурсен мени ҳар дам ҳалок,
Тортди Юсуф қилди ёқосини чок.

Юсуф ўшал лаҳза қочиб ташқари
Чиқти, Зулайхо кейин, ул илгари.

Миср Азизи эди тоштин ўзи,
Тушти олар ҳолина ногоҳ кўзи.

Кўрди Зулайхони ўзи бемажол,
Бошяланг, оёқяланг, ошуфта ҳол.

Миср Азизи қўпубон ҳавли жон,
Келди Зулайхо ҳарамиға равон.

Кўрди Зулайхо эрур беқарор,
Абр келиб йиғлар эди зор-зор.

Деди:— Недур навҳаларинг, ваҳ, сенинг,
Қони ўшал сабру қароринг сенинг.

Деди Зулайхоки:— Тек ўлтур бу дам,
Сендан эрур менга бу дарду алам.

Бир қули канъоний айёрни,
Олдинг ўшал фосиқи бадкирдорни.

Ҳилдинг ўғул, деб они сен муҳтарам,
Келди бу кун айлади қасди ҳарам.

Тортди илгимни ўшал нобакор,
Қолмади жонимда саботу қарор.

Урдим онинг кўзина бир мушти хок,
Туттум урай деб ёқасин, бўлди чок.

Ваҳм қилиб қочти равон ташқари,
Мен эдим ортичау ул илгари.

Ҳеч киши йўқ эдики тутса они,
Ташқари чиқтим эса, кўрдум сени.

Миср Азизи эшитиб ул замон,
Дедими:— Юсуфни кетурунг равон.

Айдики жаллодни келсун бу дам,
Бошини қилсун танасидан қалам!

Юсуф ўшал лаҳза келиб хору зор,
Дедиким:— Э холиқу парвардигор!

Дедими, тутсун бу кўзимни тузунг,
Мени ўзунг сўрғину, ўлтур ўзунг.

Ғўрума ет, хусрави гити паноҳ,
Бордур оромизда бизнинг бир гувоҳ.

Шаш моҳа тифликим эрур ширхор,
Тилга келиб сўзласа, қил эътибор.

Тифлни келтурди ҳамул дам Азиз,
Дедики, Юсуфни биллоли тамиз.

Сенки тануқлуққа қилурсен талаб,
Ушбу нечук сўзласун, э беадаб.

Юсуф ўшал лаҳза деди, шахриёр,
Барча яротқонни ўшал биру бор.

Тенгри эрур ҳозир у нозир бу дам,
Сўзлатур ул тифлни сен ема гам.

Ҳазрати ҳақ амри билан ул замон,
Бошлади сўз тифл чу тўти забон.

Деди:— Азизо, сенга айлай хабар,
Келтиру Юсуф ёқосин қил назар.

Илгаридин бўлса аломати чок,
Юсуф эрур мужриму аҳли ҳалок.

Чок агар қилса кейиндан бадар,
Билки Зулайхо ишидур сарбасар.

Тифлдин эшитди Азиз ул паём,
Чунки эди мухбири содиқ калом.

Солди чу Юсуф ёқосина назар,
Бўлди ўшал чок кейиндан бадар.

Қилди Азиз ушбу аломат нигоҳ,
Билди Зулайходин эрур бу гуноҳ.

Қирди ҳарам ичра топиб инфиол,
Деди:— Ажаб ҳол эрур ушбу ҳол.

Деди Зулайхоға:— Аё бул фазул,
Сен нағу жонингдин эурсен малул.

Сендин эрур ушбу гуноҳи азим,
Тиф била сени қилойин ду ним.

Деди Зулайхоким:— Эрур сеҳр бил,
Сўзлар учун тифлга ким берди тил.

Соҳир эрур рост бу канъони қул,
Айла, Азизим, они сен банду ғул.

Солғин они зиндон туби бу замон,
Тухмат ила бузма бу дам хонумон.

Борди ўшал лаҳза Зулайхо магар,
Ҳазрати Райёнга дегай бу хабар.

Қилди бу Юсуф ишини ошкор,
Йиғлади Райён қотида зор-зор.

Айлади Райён сўзи онинг писанд,
Деди, юру пандинг эрур жумла панд.

Банд ила зиндонға солғил уни,
Ўлтирур бўлсанг, бору ўлтур они.

Чархи ситамгар яна бошлоди жабр,
Бир неча вақтики қилиб эди сабр.

Бошлади аввалғи ёмон пешасин,
Бахт оёғига уруб тешасин.

Урдию қилди яна оҳанги зўр,
Солди жаҳон ичра туман шарру шўр.

Келтуруб ул Юсуфи сиддиқни,
Подишаҳи олами таҳқиқни.

Банд ила зиндон ичига солдилар,
Миср улуси борча фиғон қилдилар.

ЗУЛАЙХО ЮСУФНИ БАНД ҚИЛИБ ЗИНДОНҒА СОЛДУРҒОНИ

Қўйди Юсуф чунки базиндон қадам,
Сояи ҳақ маъдани лутфу карам.

Қирди бу зиндон ичида ул наби,
Бўлди бу зиндон ичи жаннат киби.

Равшану покизау бас дилпазир,
Бўлди онинг тупроғи мисли абир.

Бор эди зиндонда зи халқи худо,
Банду балолар ичида мубтало.

Борчаси Юсуфни чу кўрди равон,
Топти аларнинг бадани тоза жон.

Борча суюнуб кўзидин тўкти ёш,
Борчаси Юсуфга тақи қўйди бош.

Бор эди қилди иноят ул худой,
Туғди бу зиндон ичида тўлун ой.

Юсуф алар ҳолига солғач назар,
Бўлди магар банду балодин бадар.

Топти чу зиндон аро Юсуф қарор,
Бўлди Зулайҳо ғам ила беқарор.

Йўқ эди бир лаҳза анга хўрду хоб,
Бағри эди ишқ ўтидин бас кабоб.

Куяр эди ишқ ўтидин мудом,
Юсуф эди зикри онинг субҳу шом.

Дер эди:— Ҳолинг недур, э Юсуфим,
Меҳнату зиндонда кўрарсен кўзим.

Бўлмағасен очу яланғоч сен,
Қайсиға бўлдинг яна муҳтож сен.

Ҳажринг ўти ўртади жонимни пок,
Мени ажал қилса не бўлғай ҳалок.

Билмадим, э икки кўзим равшани,
Туҳмат ила бандқа солдим сени.

Найлайн, э маъдани лутфу карам,
Ҳилау тадбирни билмон бу дам.

**ЗУЛАЙХО ЧОРБОҒГА ГУЛГАШТ БАҲОНАСИ ҚИЛИБ,
ЮСУФНИНГ УНИН ЭШИТАЙ ДЕБ БОРҒОНИ**

Бор эди бир боғ бамисли Ирам,
Миср Азизи ясаб эрди ҳарам.

Эрди тафарруж ерию гаштгоҳ,
Онда келур эрди, алар гоҳ-гоҳ.

Бор эди ул боғда зиндон яқин,
Онда муқайяд эди Юсуф яқин.

Қилди Зулайхо яна гулгашти боғ,
Юраки юз порау боғринда доғ.

Ишқ йўлидин эди жондин батанг,
Йўқ эди онда ғами номусу нанг.

Чорлади зиндончиға деди:— Равон
Борғину, зиндонға кир ушбу замон.

Бир неча Юсуфни таёқла бу дам,
Ондин эрур жонима юз минг алам.

Бергил адаб шарти била додини,
Эшитайин нолау фарёдини.

Қилди битуг, тебради зиндонбон,
Қилғоли Юсуфни изо ул замон.

Дедилар ичкилари, э гулузор,
Жони азиз айлоли сенга нисор.

Неча бу Юсуфни қилурсен изо,
Банд ила зиндон эмас анга жазо.

Деди Зулайхо:— Мени бори фироқ
Ўртадию, тоқатим айлади тоқ.

Оҳ, юзини кўролмаи нетай,
Бори йироқдин унини эштай:

Кирди чу зиндонда бу зиндонбон,
Дедики:— Юсуф, сенга айлай аён.

Қилди Зулайхо менга ҳукми ажаб,
Дедики:— Юсуфни бориб қил адаб.

Нолау зорин эштай мен бабоғ,
Эмди не дерсен, не кўрарсен яроғ.

Дедики Юсуф:— Ҳоло зиндонбон,
Бандамену ожизу бас нотавон.

Бандау зиндонийи бечорамен,
Мамлакати хешдан овворамен.

Ҳукм ила зиндон чу эрур ихтиёр,
Бандаи бечораға не чора бор.

Хозини зиндон деди, султони дин,
Кишвари дониш сенга зери нигин.

Боштин-оёқ сояи лутфи худо,
Мен нечик айлай сени эмди изо.

Лек қилай ушбу ишингга илож,
Мен ураин тўн уза муддат яғоч.

Сен бу унунг борича фарёд қил,
Тенгри таолонинг отин ёд қил.

Нолау зорингни эшитсун ўзи,
Боғ ичида сени чу кўрмас кўзи.

Деди чу Юсуф:— Сенгадир ихтиёр,
Нолау зоримни билур биру бор.

Хозин ўшал ҳолда ургач яғоч,
Чунки ура бошлади беэҳтиёж.

Юсуф ўшал лаҳза кўтарди фиғон,
Қўпти Зулайхо, эшитиб ҳавли жон.

Деди:— Унунгга қилайин жон фидо,
Оҳ, юзинг тушти кўзимдин жудо.

Хозини зиндонға чу етти хабар,
Яъники Юсуфқа еткурма зарар.

Нолау зорингни эшитдим аён,
Бўлди қоронғу менга ёруқ жаҳон.

Топти чу Юсуф ўзидин зарра баҳр,
Қилди Зулайхо яна оҳанги шаҳр.

Қолди бу зиндонда чу Юсуф муқим,
Меҳнат эди ҳамдаму ғусса — надим.

Тўти кеби эрди асири қафас,
Ед этар эрди, отосин ҳар нафас.

Ҳажр ўтида ўртанур эрди мудом,
Ушбу эди иши онинг субҳу шом.

Бор эди зиндонда бир урмакина,
Онга чиқар эрди куя, ўртана.

Иифлар эди тоқати бўлғунча тоқ,
Бор эди Канъон йўлида ул фироқ.

Халқи жаҳон, марду, зану, хосу ом,
Садқасини ер эдилар субҳу шом.

Юсуф ўшал йўлда эди интизор,
Уртаниб ул ўт ила лайлу наҳор.

Кўрди саҳар вақтида зоҳир аён,
Бир тева келдию баяк ногаҳон.

Рост равоқ оллида тутти ўзин,
Юсуфи сиддиққа тикти кўзин.

Тилга келиб деди: ...
Хиттаи Канъонға қилиб азми роҳ.

Йўлга кирибмену бўлубман бадар,
Ҳазрати Яъқубқа ровий хабар.

Қолди таажжубда зи сунъи илоҳ,
Юсуф ўшал тевага айлаб нигоҳ.

Кўрса, етушти бу замон бир араб,
Ушбу тевани қилур эрди талаб.

Етти тевагау араб ноилож,
Қим тевани урса ба зарби яғоч.

Ер ёрилиб, бўлди араб ногаҳон,
Ботди магар ер уза ҳамул замон.

Қолди ўшал ҳолда ул гунгу лол,
Деди:— Менга недин эрур бу завол?...

Кўкка боқиб чун ёшартти кўзин,
Кўрди равоқ устида Юсуф юзин.

Дедики Юсуф:— Ҳоло билгин араб,
Ушбу бало сенга нединдур сабаб.

Ушбу тева, билким, эрур бегуноҳ,
Тенгри таоло сенга берди жазо.

Деди араб:— Тенгрига ёндим бу дам,
Тева келиб кўзума қўйсун қадам.

Деди, бу сўзни чу баихлоси хос,
Топти араб банду балодин халос.

Абр киби кўзидин ул тўкти ёш,
Келдию, Юсуф қотида қўйди бош.

Дедики Юсуф:— Араби пок дин,
Қайда борурсен, менга айғил яқин.

Деди араб:— Моҳ руҳи муҳтарам,
Хиттаи Канъонға борурмен бу дам.

Юсуф эшитти эса, Канъон отин,
Бошлади кўз ёши, қилиб риққатин.

Йиғлади ул зор чу абри баҳор,
Қолмади жонида саботу қарор.

Лаҳзаи ўттию деди:— Ё араб!
Тенгри паноҳида юру рўзу шаб.

Хиттаи Канъонға етишкан замон,
Ҳазрати Яъқубқа борғил равон.

Деди, бу Канъон элидин бир фақир,
Мисрда зиндонда бўлубтур асир.

Тоатинг эрур анга гўё чу фарз,
Қуллуғини қилди битугунчға арз.

Топқай ўшал банду балодин халос,
Сиздан эрур анго дуо илтимос.

Қилди араб ушбу ҳикоят қабул,
Йўлга кириб тебради, бўлди расул.

Оқибатул амр зи роҳи талаб,
Хиттаи Қанъонға етушти араб.

Ҳазрати Яъқубқа борди равон,
Деди:— Аё ҳодийи халқи жаҳон!

Мисрдин эрур келурум ушбу дам,
Билгил, аё маъдани лутфу карам.

Мисрда зиндонда эрур мубтало,
Бир малаки шоҳваши маҳлиқо.

Талъатидин нур олур меҳру моҳ,
Кўз учидин қилса аларға нигоҳ.

Дунёнинг ашколидин озод эрур,
Ўзи вале, билки, набизод эрур.

Зоҳир эрур юзида нури илоҳ,
Зотигадур жумла сифоти гувоҳ.

Булбул эрур бўлгон асири қафас,
Сиздин эрур анга дуо мултамас...

Ҳазрати Яъқуб — алайҳиссалом,
Рост арабдин эшитиб ул паём.

Қилди равон кўзларидин сели хун,
Деди:— Фироқ илкида бўлдуқ забун.

Дедики:— Айткил, араби пок дин,
Менга дегин ушбу йигитнинг отин.

Нега бу зиндонда эрур мубтало
Недин эрур онга бу дарду бало?

Ушбу вилоятдин эрур ул фақир,
Нечук ўшал элга тушибдир асир.

Деди араб:— Менга демоди отин,
Бехуд эдим, кўргач онинг суратин.

Лек муборак нафасингдин дуо,
Истади ул сояйи лутфи худо.

Ҳазрати Яъқуб деди: ...
Лутфунг эрур борчаға пушту паноҳ.

Борчаға эрур караминг дастгир,
Хоҳи ғани бўлсину, хоҳи фақир.

Ул йигити ожизу дил хастанни,
Банд ила зиндондаи вобастани.

Меҳнати зиндондин они қил холос,
Лутфунг эрур роҳбари ому хос.

Деди араб, пок расули худо,
Тенгри учун бандани қилғил дуо.

Деди:— Неким бўлса муродинг араб,
Бергай они тенгри зи роҳи талаб.

Тева келиб тилга деди:— Ё расул!
Бандаи бечора сўзин қил қабул.

Мен доғи толиб эрурам ушбу дам,
Сидқ била йўлга қўюбмен қадам.

Ҳазрати Яъқуб деди:— Ё ибил,
Ҳашрда саҳройи қиёматда бил.

Тенгридин истай сени айлай буроқ,
Сени доғи қилмай ўзимдин йироқ.

Ҳар не дуо айлади ул дам расул,
Ҳазрати ҳақ қилди борисин қабул.

ЯЪҚУБНИНГ ҲОЛИ, ЮСУФНИНГ ФИРОҚИНДА ИИҒЛАБ АЙТҚОНИ

Ҳазрати Яъқуб...
Қомати ғамдин бўлиб эрди дуто.

Зикри онинг Юсуф эди субҳу шом,
Куёр эди ҳажр ўти бирла мудом.

Дарду алам бирла эди мумтаҳан,
Кулбаи аҳзон қилиб эрди ватан.

Бўлди фироқ илгида зору зажир,
Кўз ёшидин кўзлари эрди басир.

Келди магар амр зи рабби жалил,
— Борғилу Яъқубни кўр, э Жабраил.

Юсуф эрур жумлаи зикри онинг,
Қолмади биздин доғи фикри онинг.

Дегин онга, Юсуф отин тутмасун,
Қуллуғини бир йўли унутмасун.

Отамасун Юсуф отин ўзга ҳеч,
Бизни унутмосун ўшал эрта-кеч.

Юсуф отин отаса ул сарбасар,
Оти рисолатдин этарман бадар.

Ҳазрати Яъқубга руҳул амин,
Келдию деди:— Ҳоло э покдин.

Токай эрур нолау зоринг сенинг?
Қолмади ул жони фигоринг сенинг...

Юсуф отин тутсанг, аё роҳбар,
Сени рисолатдин этармен бадар.

Дарду алам бирла бўлиб беқарор,
Йиғлади Яъқуб наби зор-зор.

Тушти анга ғуссау, андуҳу фикр,
Қилмас эди Юсуф отин ўзга зикр.

Бир кеча Юсуфни магар кўрди хоб,
Ўртар эди олида айлаб шитоб.

Истадиким чорласа отин тутуб,
Тенгрининг амрини ўшал унутуб.

Келди онинг ёнина чун амри ҳақ,
Қолди ўшал ҳолда ҳайрону дақ.

Оҳ уруб борди ўзиндин-ўзи,
Қон соча бошлоди ҳар икки кўзи...

Руҳул аминга деб эди кўб паём,
Ҳазрати Яъқубға биздин салом.

Кўрдию Юсуф оти тутмоди, бил,
Ҳукм ила фармонни унутмоди, бил.

Ким эди оҳининг ичинда сенинг,
Бордур алам оҳинг ичинда сенинг.

Бир неча кун айла фироқ ичра сабр,
Қилма наби ўзунга бир йўли жабр.

Сенга берай давлати тавфиқни,
Кўргасен ул Юсуфи сиддиқни.

Ҳазрати Яъқубқа руҳул амин,
Келди деди тенгри каломи борин.

Васл отини эшитиб бу замон,
Бўлди бу Яъқуб наби шодмон.

Оҳ, не ҳушдурки чекиб ранжу ғам,
Толиби матлубина етса баҳам.

ЮСУФНИНГ ҲОЛИ ҚОРОНҒУ ЗИНДОНДА

Оқибат ул Юсуфи неку хисол,
Меҳнати зиндонда бўлиб поймол.

Куёр эди ҳажр ўтидин мудом,
Сокини зиндон эди ул субҳу шом.

Келди анга ҳазрати руҳул амин,
Деди:— Аё хусрави покиза дин.

Тенгрига сиддиқ сену ҳам расул,
Меҳнату зиндонда бўлма малул.

Дедию бир муҳраи заррин анга
Бердики, ҳақ туҳфа юборди сенга.

Дедики:— Ют муҳрани ушбу замон,
Илми ладуни сенга бўлур аён.

Ҳикмату таъбир ила илми ладун,
Тенгри таоло сенга берур бу кун.

Бўлди худо сенга сабаб ушбу илм,
Билгин, аё кони карам, баҳри илм.

Юсуф ўшал мужда била шодмон,
Бўлди, ўшал муҳрани ютти равон.

Ботинидин мавж уруб баҳри нур,
Ҳикмату таъбир анга қилди зухур.

Ҳар неки зиндон эли кўрса баҳоб,
Дер эди таъбирини Юсуф жавоб.

МИСР ПОДШОҲИ ТУШ КУРГОНИ

Улки вазири бори султон эди,
Балки ҳақиқат оти Райён эди..

Мисри араб мулкида дар пойтахт,
Тахт уза Райён эди, ул некбахт.

Ҳокиму бас одил эди, номвар,
Ҳамраҳ эди, чун анга фатҳу зафар.

Бор эди юз минг анга турлук асос,
Черикига йўқ эди хадду қиёс.

Қилсам асосини муфассал баён,
Билки бўлур асру узун дoston.

Бор эди сувчиси Соқи дегон,
Давлати неъмат талқин егон.

Яна бир ичкиси ҳамроз эди,
Оти они халқаро Хаббоз эди.

Маҳрами султон эдилар бу икав,
Олам аларнинг кўзига эрди жав.

Шоҳи Яман эрди бу шаҳға ғаним,
Урталаринда эди юз хавфу бим.

Эрди шаҳи Миср бағоят қавий,
Мулки арабнинг эди чун хусрави.

Эрди Яман шоҳи бағоят заиф,
Йўқ эди, бу Миср шаҳаншоҳ ҳариф.

Шоҳи Яман фикр қилиб бемалол,
Соқию Хаббозга юборди мол.

Ваъда била берди аларга фириб,
Ботти жавоҳирга алар беҳисиб.

Деди ўшал шоҳни айланг ҳалок,
Бўлсун оти ер юзидин бори пок.

Мен бўлайин Миср элина шаҳриёр,
Сиз бўлингиз мен икову ихтиёр.

Саъй қилинг, Миср элин мен билай,
Ҳар неки сиз десаиғиз андоқ қилай.

Соқию Хаббоз топиб бу хабар,
Молу жавоҳирни кўруб дар назар.

Шоҳи Яман бирла қилиб иттифоқ,
Айлади ул шоҳға буғзу нифоқ.

Айладилар шоҳ тузин поймол,
Соқию Хаббоз кўруб ганжу мол.

Саъю талаб йўлида айлаб жадал,
Соқлар эдилар бу икавлон маҳал.

— Заҳр берайлик,— дедилар шоҳға,
Боқмадилар ҳикмати оллоҳға.

Оқибатул амр таом ичра заҳр.
Солди бу Хаббоз қилиб макру қаҳр.

Шоҳнинг оллида кетурди равон,
Соқию Хаббоз бўлиб шодмон.

Майли таом айлади ул шоҳ ўзи,
Соқию Хаббозга тушди кўзи.

Соқи ўшал ҳолда беихтиёр,
Деди:— Бу неъмат еманғиз, шаҳриёр.

Заҳр эрур, ушбу таом ичра, бил,
Жони азизим сенга бўлсун сабил.

Борди бу Хаббоз ўзиндан бу дам,
Бошдин-аёқ бўлди вужуди адам.

Шоҳ бу Хаббозга қилди итоб,
Деди:— Қилайин сени турлук азоб.

Сени тузум тутди, аё асли йўқ,
Сени азоби қилайин мисли йўқ.

Йиғлади Хаббоз ўшал лаҳза зор,
Деди:— Ўлай чинлиғима шаҳриёр.

Соқи билан банда иковлон баҳам,
Ушбу ёмонлиққа қўюбмиз қадам.

Соқи ўшал дам кўзидин тўкти ёш,
Келдию, шоҳ олида топшурди бош.

Деди:— Дейин рост битуғингда шоҳ,
Билки иковлондин эрур бу гуноҳ.

Ушбу гуноҳ ичра иковлон шерик,
Бизни равон ўлтуру, қўйма тирик.

Оҳ, не кўз бирла кўроли юзунг,
Бизни яқиндур тутибдур тузунг.

Шоҳ тараҳҳум йўлидин ул замон,
Деди:— Қилинг банд буларни равон.

Элтингу зиндонга солингиз бу дам,
Бир неча кун чексун иковлан алам.

**ПОДШОҲНИНГ ВАЗИРЛАРИКИМ СОҚИ БИЛА ХАББОЗ
ЭРДИ, ИККАЛАСИНИ ЗИНДОНГА СОЛДУРҒОНИ**

Соқию Хаббозни келтурдилар,
Банд ила зиндон ичига солдилар.

Юсуфи сиддиқ алайҳиссалом,
Соқини зиндон эди ул субҳу шом.

Олти йил ул сокини зиндон эди,
Бағри фироқ ўтида бирён эди.

Кўз ёшидин эрди хижолатда абр,
Меҳнати зиндонда қилиб эрди сабр.

Тўрт юз зиндонда гунаҳкор эди,
Борча бу зиндонда гирифтор эди.

Баъзи йигирма йил эди мубтало,
Баъзиси ўн йил чекибон юз бало.

Мушфиқ эди Юсуф алар ҳолина,
Воқиф эди жумлаи ақволина.

Улки бу зиндонда эди нотавон,
Юсуф анга эрди мураббий бажон.

Ҳар кишини ким кўрар эрди баҳоб,
Дер эди таъбирини Юсуф жавоб.

Соқию Хаббоз икови кўрди туш,
Бўлгон азал кундин аларға улуш.

Соқи магар кўрди тушинда аён,
Боғ ичида кирди баяк ногаҳон.

Бир неча хўша узум узди фақир,
Борчасини сиқтию қилди асир.

Солди қадаҳ ичра они бенифоқ,
Келдию ул шоҳқа тутди аёқ.

Туш эди Хаббозким аз роҳи зўр,
Ёсади бир лаҳза темурдин танур.

Нон пишуруб солди табангда магар,
Олди табангниу кўтарди басар.

Бўлди чу султон битугинда равон,
Кўрдик қушлар келибон ногаҳон.

Нон олиб учарлар эди биру бир,
Уртада Хаббоз этар эрди нафир.

Келдилару тушларини сарбасар,
Ҳазрати Юсуфқа аён дедилар.

Дедилар: — Э шоҳвашу маҳлиқо!
Борчанинг ул дардина лутфунг даво.

Тушларимизни сенга қилдуқ аён,
Айла бу таъбирини бизга баён.

Юсуфи сиддиқ ...
Соқию Хаббозга қилди нигоҳ.

Дедики:— Ҳар нечаки дармондасиз,
Уч кеча-кундуз яна зиндондасиз.

Уч кеча-кундузда топарсиз нажот,
Меҳнату зиндонни қилурсиз силот.

Сизни тилатур яна султонингиз,
Дардингиз улдур, доғи дармонингиз.

Лутф қилур Соқига ул беадад,
Бахту саодат анга айлар мадад.

Қаҳр ила Хаббозни бар дор этар,
Дор бошина они сангсор этар.

Мағзини ерлар бу ҳаво қушлари,
Ушбу эрур кўрган алар тушлари.

Ёнди бу Хаббоз тушиндин равон,
Ўпти бу Юсуф оёғин ҳавли жон.

Деди, менга ҳоли паришон эди,
Туш деганим бориси ёлғон эди.

Юсуф анга дедики:— Ёлғону чин,
Ҳарне десанг, сенга бўлур ул яқин.

Сенга будур қисмати рўзи азал,
Йўқ бу қазо бобида макру ҳиял.

Бўлди эса уч кеча-кундуз тамом,
Соқию Хаббозга етди паём.

Шоҳ тилайдур сиз иковни бу дам,
Шод бўлунг ўтди бу айёми ғам.

Соқию Хаббоз келиб ул замон,
Келдилар ул шоҳ қотида равон.

Шоҳ бу Соқи сори қилди назар,
Деди:— Ема ғам, сенга йўқтур хатар.

Дедики:— Хаббозни бар дор этинг,
Дор бошида они сангсор этинг.

Соқига иқбол бўлуб пойдор,
Солди бу Хаббозни бар пойи дор.

Ушбу эрур ҳикмату тадбир иши,
Ҳикмати тақдирни билмас киши.

Ҳар неки бор ҳикмати рўзи азал,
Қилмас они ўзга, бу саъю жадал.

ЮСУФНИНГ ҲОЛИ ЗИНДОНДА

Юсуфи сиддиқ ...

Меҳнати зиндонда эди мубтало.

Булбул эди бўлган асири қафас,
Йўқ эди фарёдина фарёдрас.

Уртар эди они бу бори фироқ,
Йиғлар эди тоқати бўлгунча тоқ.

Ҳазрати Яъқубни ҳар лаҳза ёд —
Қилса эди, жон берур эрди баёд.

Гулхани зиндон ичида ул наби,
Ётур эди гоҳ ўлуклар киби.

Жумлаи зиндон эли лайлу наҳор,
Йиғлар эди они кўруб зор-зор.

Бу кун анга зўр кетурди фироқ,
Солди онинг ҳолина минг эҳтироқ.

Йиғлар эди ҳажр алидин зор-зор,

Борди ўшал ҳолда андин қарор.

Қўйди қуёшдек юзини ул баҳок,
Борди ўзиндин-ўзи ул лаҳза пок.

Келди ўшал ҳолда руҳул амин,
Гул юзини олди зи рўйи замин.

Қўйнига қўйдию деди:— Ё расул,
Сабр қилу, айла насиҳат қабул.

Сокини зиндон эрурсан яқин,
Билки яна олти йил, э пок дин.

Олти йил ўтса, ўтар айёми ғам,
Ушбу эрур сенга навишти қалам.

Сенга қўёр давлату иқбол юз,
Тенгри берур жумла муродингни туз.

Юсуфи меҳнатзадаи нотавон,
Бўлди бу мужда била бас шодмон.

Оқибатул қисса яна олти йил
Сокини зиндон эди, зору залил.

Олти йил ўтгач яна иқболу бахт
Юсуфи сиддиқ ўйина қўйди рахт.

МИСР ПОДШОҲИ ТУШ ҚУРУБ, КАЙФИЯТИ ҲОЛИНИ ЮСУФДАН СУРАБ ЮБОРГАНИ

Ҳокими ул Мисрки Райён эди,
Жумла араб мулки ба фармон эди.

Қўрди тушиндаки баҳукми жалил,
Бошдин-аёқ қуруди ул баҳри Нил.

Етти семиз инак эрди ширдор,
Чиқти бу дарё ичидин барканор.

Чиқти алар ортча баяк ногаҳон,
Етти уйи лоғару бас нотавон.

Етти семиз уйни тамоми ҳалок,

Келди оруқ уйлару хуш энди пок.

Ер юзида кўрди ўшал лаҳза фош,
Буғдойи сероб туғуб етти бош.

Тоза туруб эрди баяк ногаҳон,
Етти қуруғон хўша бўлди аён.

Ушбу қуруғон хўшалар сарбасар,
Тоза овларга ёпишти магар.

Солди аёқтин борини бу замон,
Шоҳ кўзиндин доғи бўлди ниҳон.

Сесканиб уйғонди бу дам шахриёр,
Қолди онинг кўнглида ушбу ғубор.

Борча муаббирға ҳамон дам хабар.
Қилдию, келди бори вақти саҳар.

Шоҳ тушин қилди аларга аён,
Дедики:— Таъбирини айланг баён.

Фикр қилиб борча муаббир тамом,
Тобмади таъбир ишин ул низом.

Узр тилидин дедилар, шахриёр,
Бир неча кун муҳлат этинг ихтиёр.

Муҳлат ила айлали мушкилни ҳал,
Жон била айлаб бори саъю жадал.

Шоҳ деди:— Мўҳлат олингиз бори,
Муҳлат ишин тутмангиз ул сар-сари!

Муҳлат олиб бордилару ул замон,
Шоҳ қошидин бори бўлди равон.

Муҳлат иши бўлди бир ойи тамом,
Саъю талабда эдилар субҳу шом.

Борча қилиб фикр ила тадбирни,
Тушин алар билмади таъбирни.

Баски бу фикр устида қон ютдилар,

Борча бу туш қиссасин унутдилар.

Кўрки недур ҳикмати тақдир ишин,
Шоҳ доғи унутиб эрди тушин.

Оқибат ул қисса шаҳи номвар,
Кўнглум ичидин бори бўлди бадар.

Менга тушум қиссасин айланг аён,
Сўнгра бу таъбирини айланг баён.

Деди муаббирлар:— Аё шаҳриёр!
Жони азиз айлали сенга нисор.

Ҳазртингга борча гуноҳкормиз,
Ўзда йўқу эл кўзида бормиз.

Борча бу таъбир ишига субҳу шом,
Юрудугу тушни унуттуқ мудом.

Шоҳ эшитиб, қилди аларга итоб,
Деди:— Қилай борчага бир-бир азоб.

Ҳукм қилиб борчани тутдирди пок,
Тушти алар жонига ваҳми ҳалок.

СОҚИ ЮСУФ ҚИССАСИН ШОҲҒА АЙТҚОНИ

Соқи эди шоҳға ул дам надим,
Хизматида эрди бу умри қадим.

Деди: — Аё подшаҳи некбахт,
Зотинг эрур рост сазовори тахт.

Бир йигити ибрийи соҳиб жамол,
Меҳнати зиндонда эрур поймол.

Ун икки йил бўлдики зиндонидур,
Жумла улум ичка билик конидур.

Юсуф эрур, оти онинг шаҳриёр,
Қимки юзин кўрса қилур жон нисор.

Ҳар неки зиндон эли кўрса баҳоб,
Борчага таъбир қилиб дер жавоб.

Мен доғи туш кўрдиму Хаббоз ҳам,
Ондаки зиндонда эдик дар алам.

Қилдук онинг шарҳини ондин чу хост,
Ҳар неки ул деди, ўшал келди рост.

Ушбу иш ондин очилур бил яқин,
Йўқтур онинг мисли барўйи замин.

Шоҳ деди:— Борғилу кўргил они,
Ушбу тушумни топар эрмиш қони.

Соқи ўшал лаҳза бўлиб шодмон,
Бордию зиндонға кирди равон.

Кўрди чу зиндонда Юсуф юзин,
Деди тавозиъ била султон сўзин.

Юсуф онинг мушкилини қилди ҳал,
Саъю талаб бобида қилмай жадал.

Соқи ўшал лаҳза яшартти кўзин,
Келди, деди шоҳға Юсуф сўзин.

Шоҳ деди, билди тушумни аён,
Энди бу таъбирини қилдик баён.

Соқи ўшал дам ёнибон ҳавли жон,
Келдию Юсуфқа етишти равон.

Деди: — Аё шоҳваши моҳруй,
Сендин эрур Миср ичида гуфтуғуй.

Шоҳ тушин айлади анга аён,
Деди:— Бу таъбирини айлай баён.

Юсуфи сиддиқ ...
Дедики:— Таъбирини айтай тамом.

Етти семиз уй эрур етти йил,
Қаҳту бало халқни айлар залил.

Соқи яна ёнди, кетурди хабар,
Титради ул шоҳ улуси сарбасар.

Шоҳ деди Соқиға:— Борғин бу дам,
Дегин, аё маъдани лутфу карам.

Тушнунг айтдинг бори таъбирини,
Қаҳт била найлайн тадбирини?

Соқи ҳамул лаҳза яна ёнди зуд,
Келди Юсуфға деди:— Э баҳри жуд.

Мамлакати ҳуснда сен шоҳсен,
Боштин-аёқ қудрати оллоҳсен.

Тушга бу таъбирни қилдинг баён,
Қаҳтқа тадбирни қилғил аён.

Юсуфи сиддиқ деди:— Ё расул!
Келмагу бормоқ ила бўлма малул.

Тенгри билур ҳикмату тақдирини,
Қаҳтнинг айтай сенга тадбирини.

Етти йил ичраки бўлур қаҳт сол,
Халқ топар неъмат ила ганж мол.

Борча экин эксун улуслар тамом,
Миср улуси, неку баду хосу ом.

Ерини қилсун бори шудгорлар,
Ошлиғини айласун анборлар!

Етти йил қаҳт чу бўлса аён,
Миср улуси ичра баяк ногаҳон.

Ғаллаи анбор есун борча халқ,
Анда бўлурлар бу гирифтори халқ.

Шоҳ доғи айласун анбори хос,
Топкай улус халқи бу ғамдин халос.

Юсуфи сиддиқ тилидин магар,
Деди бу сўзларни бори сарбасар.

Подшоҳи Миср қошинда равон,
Соқи ёниб келди бўлуб шодмон.

Шоҳ таажжубда қолиб ул замон,
Деди:— Мунингдек киши йўқтур чунон.

Қашф эрур анга бори илми ғайб,
Йўқтур онинг ҳолина бешакку райб.

Бекларина деди:— Боринг дар замон,
Они чиқориб кетурингиз равон.

Афзали мажмуъи халойиқ эрур,
Салтанат ишларига лойиқ эрур.

Борди чу зиндон эшигинда бори,
Подшоҳи Мисрнинг ул беклари.

Дедики Юсуфга:— Чиқингиз бу дам,
Борчанинг ул кўзларина қўй қадам.

Сизни тилайдур бу замон шоҳ ўзи,
Йўлда эрур мунтазир икки кўзи.

Дедики:— Ман чиқайин ушбу замон,
Шоҳ тилаган бўлса ишимдан аён.

Борми эмиш мунда гуноҳим менинг,
Сендин эрур феъли табоҳим менинг.

Билса Зулайхо ила уй қизлари,
Аввалу охир на эмиш сўзлари.

Юсуфи сиддиқ сўзин сарбасар,
Шоҳга келиб деди ул беклар.

Шоҳ Зулайхони тилатти бу дам,
Деди:— Равон келсину, қўйсун қадам.

Сўрай бу Юсуф гуноҳин рў ба рўй,
Ростлиқ узра қилолинг жустужўй.

Топти Зулайхо бу хабар шоҳдин,
Қисса ўшал Юсуфи дилхоҳдин.

Йиғлар эди, кўзлари қон зор-зор,
Тўкар эди ёш чу абри баҳор.

Утуб эди шоҳлиғидин Азиз,
Эрди Зулайхо доғи ул сари қиз.

Йўқ эди анга азамат ул замон,
Тул эди бечорау бас, нотагон.

Юсуф эди жумлаи зикри онинг,
Йўқ эди жондин доғи фикри онинг.

Кўз ёшидин кўрди хижолатда абр,
Меҳнату ҳижронда қилиб эрди сабр.

Қосиди шоҳға деди йиғлаб сўзин,
Кўрди бу ҳолат била Юсуф юзин.

Оҳ, не кўз бирла кўрай, оҳ-оҳ!
Мендин эрур аввалу охир гуноҳ!

Қосиди шаҳ ёнди кетурди хабар,
Деди Зулайхо сўзини сарбасар.

Шоҳ деди:— Рост чу қилсам нигоҳ,
Юсуфи сиддиқта йўқтур гуноҳ.

Бекларига деди: Борингиз бу дам,
Юсуфа денгиз!— Ҳоло кони карам.

Сендин эмастур гуноҳ, э покдин,
Бизга у Миср аҳлига бўлди яқин.

Йиғилиб ул жумлаи беклар тамом,
Келдилар Миср улуси хосу ом.

Ҳазрати Юсуф қошиға туштилар,
Борча тавозиъ била кўруштилар.

Дедилар:— Э шоҳваши, моҳруй,
Қиссаи ҳолингни бори жустжўй.

Айлади мажмуъини таҳқиқ шоҳ,
Кўрмадилар зарраи сендин гуноҳ.

Қўпғину зиндон ичидин чиқ равон,
Яхши эмас ой булутта ниҳон.

Дедики Юсуф:— Чиқойин ушбу дам,
Шоҳ агар айласа, лутфу карам.

Жумлаи зиндон элини сарбасар,
Қўйдум алар борчаси бўлсун бадар.

ЮСУФ БАНДИЛАР БИЛА ЗИНДОН ТУБИДИН ЧИҚҚОНЛАРИ

Ушбу хабарни эшитиб ул замон,
Юсуфи сиддиқ бўлуб шодмон.

Чиқти бу зиндондин айлаб шитоб,
Абрин айрилди магар офтоб.

Келди ўшал ҳолда руҳул амин,
Деди:— Аё хусрави покиза дин.

Тенгри таоло сенга деди салом,
Дедики:— Юсуфқа текургин паём.

Юсуфи сиддиқ ...
Руҳул аминдин эшитиб ул паём.

Тутти яқосин деди:— Э бениёз,
Раҳиму раҳмон сену банданавоз.

Сендин эрур ушбу иноят бари,
Лутфунг эрур жумла жаҳон раҳбари.

Подшоҳи Миср магар ул замон,
Бекларига деди:— Борингиз равон.

Солдурунг ул сур отимға эгар,
Хилъати шоҳона мурассаъ камар.

Борчани Юсуфга ...
Пешкаш элтинг зи роҳи ихтиром.

Мисрнинг арбобина айланг хабар,
Ўтрисиға борчаси бўлсун бадар.

Мисрни ороста айланг тамом,
Жумлаи бозор юзин хосу ом.

Подшаҳи Мисрнинг ул беклари,
Чиқти ижозат олибон ташқари.

Солдуруб ул шоҳ отиға эгар,
Хилъати шоҳона мурассаъ камар.

Отланибон борчаси бўлди равон,
Юсуфи сиддиқ сори шодмон.

Утру чиқиб Миср улуси жавқ-жавқ,
Борчаси келурлар эди аз роҳи шавқ.

Жумлаи хуш хону хушовозлар,
Булбулу қумри била ҳамрозлар.

Борчаси Юсуф сори бўлди равон,
Ер юзини тутти бу халқи жаҳон.

Юруди беклар бориси туштилар,
Юсуфи сиддиқ ила кўруштилар.

Хилъати шоҳонани Юсуф бабар
Қилдию боғлоди мурассаъ камар.

Тавсани давлатқа чу бўлди сувор,
Халқ рикобинда эди бешумор.

Отлиғи уч юз минг эди ул замон,
Ўзга яёқ илгару эрди, на сон.

Шаҳр ила зиндон ораси уч ёғоч,
Эрди халойиқ ичида ихтилож.

Яхши-ёмон, жумла халойиқ бори,
Чиқиб эди шаҳр улуси ташқари.

**МИСР ПОДШОҲИ ЮСУФНИ УЗ УРНИҒА
УЛТУРҒУЗУБ ПОДШОҲ ҚУТАРГОНИ**

Юсуфи сиддиқ ...

Деди:— Аё хусрави содиқ калом.

Тенгри билур ҳикмату тақдир ишин,
Банда қилур ҳийлау тадбир ишин.

Менга улуснинг ишини қилсанг амр,
Сўзум эшитса бу менинг зайду амр.

Қаҳтқа тадбир қилай босавоб,
Миср улуси чекмасун очтин азоб.

Подшаҳи Миср эшитиб бў сўзин,
Қўптию қўйди аёғина юзин.

Деди:— Аё шоҳваши маҳлиқо!
Мисрға сен шоҳ бўлу мен гадо.

Ушбу камолот ила, э некбахт,
Сенга сазовор эрур тожу тахт.

Деди бу сўзнию, равон қўпти чуст,
Юсуфи сиддиқ илгин тутди руст.

Юсуфи сиддиқ шаҳи комкор,
Тахти хилофат уза топти қарор.

Тожи хилофатни қўюб бошина,
Миср шаҳи банда бўлуб қошина.

Солди нигин, боғлади олтун камар,
Волийи Миср ўлди бу соҳиб назар.

Миср улуси борча зи хосу, зи ом,
Тобуғида борча йиғилди тамом.

Баски, сочиқ расми била бешумор,
Қилдилар ул лаҳза жавоҳир нисор.

Жумла улус бўлди бори шодмон,
Дайри куҳан топди яна тоза жон.

Миср улусинда бўлуб адлу дод,
Куфру залолат бори бўлди бабод.

Юсуфи сиддиқ шаҳи покдин,
Чунки вилоят анга бўлди нигин.

Бўлди эса деди зи хосу, зи ом,
Миср улуси борча халойиқ тамом.

Борча зироатга қилинлар шуруъ,
Қаҳтқа қилғунча бу элин ружуъ.

Экмак учун ерни шудгор этинг,
Бош-бошидин узунг анбор этинг.

Бўлди бало чу оламда фош,
Бўлса бу анбор ила айланг ма'ош.

**ЮСУФ МИСР МУЛКИДА
ПОДШОҲ БУЛИБ ҲУКМ ҚИЛҒОНИ**

Қўптию, бу тахтқа қилди нишаст,
Чунким эди қисмати рўзи аласт.

Миср эли ҳукмини эшиткач равон,
Қирдилар экинга бори ул замон.

Андоғ экин экти улус етти йил,
Чоҳ лабо-лабки магар баҳри Нил.

Ушбу эди етти йил аларнинг иши,
Йўқ эди Миср элида экмас киши.

Еткоч экин бош-бошидин ўрдилар,
Молини анборга тўлдурдилар.

ҚАҲАТНИНГ ПАЙДО БУЛҒОНИН ДОСТОНИ

Тўқлуқ ўтуб, бўлди ўшал қаҳт сол,
Халққа бўлди ғазаби зулжалол.

Амр бўлиб ҳазрати руҳул амин,
Келди ўшал лаҳза ба рўйи замин.

Қаҳт балосини чу анда нидо,
Қилди ўшал лаҳза ба амри худо.

Солди халойиқ аро ул дард жуъ,
Айлади ўз манзилина ул ружуъ.

Қаҳт била бўлди улус мубтало,
Борчага ал-жуъ эди бонгу нидо.

Юсуфи сиддиқ ...

Миср улусин йиғди зи хосу, зи ом.

Бўлди муаллат алами қаҳт сол,
Бўлди бу кун қилди ғазаб зулжалол.

Ушбу бало етти йил ичра тамом,
Бўлғусидур сиз билингиз, вассалом.

Экманг экинники кўкармас экин,
Кўргуси йўқ сабзни рўйи замин.

Қаҳт ўтини солди чу анда илоҳ,
Ушбу сабаб бирла кўкармас гиёҳ.

Етти йил ўтса алами қаҳти сол,
Раҳм қилур ўз қулина зулжалол.

Миср улусиндин ўтар ушбу алам,
Ўзга еманг ғуссау, андуҳу ғам.

Юсуфи ... нек иқтидор,
Тахти хилофатда чу топти қарор.

Тузди асоси караму, адлу дод,
Билмас эди Миср улуси ҳеч бод.

Билдилар онинг караму додини,
Қилмас эди зулму ситам додини.

Хоби фароғатда эди, хуш шабон,
Гург иламиш эди иков ҳам инон.

Бозу кабутар эдилар ҳамнишин,
Шер ила рубоҳ эдилар ҳам қарин.

Салтанатни тузди онингдек асос,
Келмас анинг шарҳи баҳадду қиёс.

Ҳар қачон отланса эди ногаҳон,
Тутар эди ларза замину замон.

Бир ёнида эди юзминг сувор,
Юрур эди чирка била барқарор.

Кўсу нақора эди дар бому зир,

Ной унидин эрди очунда нафир.

Олида юрур эди олтун алам,
Сонсиз эди онда сипоҳу ҳашам.

Бу қабил отланса эди шахриёр,
Бўлур эди Миср эли аҳли назор.

Етти йил қаҳтдин ўтди уч йил,
Қолди яна қаҳт ишидин тўрт йил.

Миср улуси қилди захира тамом,
Неку баду, марду, зану, хосу ом.

Қилдилар анбордин ошлиғ харид,
Берди баҳо бирла имоу абид.

Бир йили дигар бу қабил рўзгор,
Борча кечурдилар алар хор-зор.

Бир йили дигар яна мулку ақор,
Бердию ўткарди алар рўзгор.

Олти йил қаҳт чу бўлди аён,
Йўқ эди Миср улусига ним нон.

Нон деру жон берур эрди киши,
Ушбу эрур қаҳту балонинг иши.

Борча кетуруб зану фарзандини,
Кўзлари олида жигарбандини

Бердилару олдилар ошлиғ бори,
Қолди аларнинг бори қул бошлари.

Қилдилар олтинчи йили бу маош,
Етти йили — қаҳту бало бўлди фош.

Бўлди бу Миср эли бори гунгу лол,
Йўқ эди сўзларга аларга мажол.

Борчаси Юсуф битугинда равон,
Келдилару туздилар оху фиғон.

Дедилар: ...

Ожизу дармондамиз — мубтало.

Ўртади бизларни бу кун бори жуъ,
Ҳазратингга борча қилибмиз ружуъ.

Бизни бу кун бандалиғ учун қабул
Айлагил эй, тенгрилик учун расул.

Банданг эрур жумла зиҳу зодимиз,
Жумла ўлоли, жумлаи авлодимиз.

Қуллуғинг учун қилоли жон фидо,
Бизни ол, э пок, расули худо.

Юсуф алар ҳолина қилғоч нигоҳ,
Деди:— Будур қудрату қаҳри илоҳ.

Деди:— Еманг Миср эли, андуҳу ғам,
Ҳар неки ошлиғ эса ейли баҳам.

Суюнуб ул ҳолда мушти сақат,
Қуллуғ учун борчалари берди хат.

Миср улуси борча баҳукми худо,
Бўлур алар борча абиду имо.

Юсуфи сиддиққа ул лаҳза пок,
Фориғ ўлиб борча зи бими ҳалок.

Етти йили қаҳтидин охир уч ой
Қолди ўшал лаҳза баҳукми худой.

Жумлаи анбор туганди тамом,
Юсуфи сиддиқ ...

Қолди таҳайюрда деди:— Ё илоҳ!
Лутфунг эрур борчага пушту паноҳ.

Розиқу раззоқи жаҳонсен карим,
Раҳм қил ўз қулларингга, ё раҳим.

Борчага сен ризқ берурсен, худой,
Миср улусига не берай мен уч ой.

Ушбу муножотки қилди дуо,

Тенгридин ул лаҳза етушти нидо.

Рухул амингаки бор ушбу замон,
Юсуфи сиддиққа айла аён.

Ғам ема бу қисса учун, ё расул,
Бўлмасун ул хотири покинг малул.

Миср улуси борча йиғилсун тамом,
Марду, зану, неку, баду, хосу ом.

Хусну жамолингни бир ой ичра бир,
Кўрсун ўшал лаҳза сағиру кабир.

Борчаға бўлур бу жамолинг ғизо,
Кўрмас алар қаҳт алиндан изо.

Айланг ўшал Миср улусин хабар.
Борчалари даштқа бўлсун бадар.

Юсуфи сиддиққа руҳул амин,
Келди деди тенгри каломи барин.

Юсуф ўшал мужда билан шодмон,
Бўлди деди бекларига ул замон.

— Борча халойиққа берурмен таом,
Чиқсун улуқдин кичик ул хосу ом.

Мисрнинг эли топиб ушбу хабар,
Борча суюнуб доғи бўлди бадар.

Борчаси булжар ерига бўлди жамъ,
Кўр эдилар бориси мисли шамъ.

Юсуфи сиддиқ шаҳи комкор,
Бахту саодат била бўлди сувор.

Миср ичида бўлди туман дору-гир,
Кўсу нақора чиқориб минг нафир.

Етти ўшал ергаки миод эди,
Халқи худо борчаси дилшод эди.

Кўрди халойиқни эрур бешумор,
Борчаға деди бараҳи интизор.

Тушти ўшал лаҳза расули худо,
Тахт юзида чиқтию, қилди нидо.

Деди:— Аё Миср улуси хосу ом!
Ушбу йиғилғон зи баройи таом.

Юзум эрур бурқаъ ичинда ниҳон,
Тенгрининг амри била ушбу замон.

Мен олойин юзум ўзиндин ниқоб,
Борча юзимни кўрингиз беҳижоб.

Мунча йил олдингиз эса ганжу мол,
Эмди келинг, борча кўрингиз жамол.

Деди бу сўзларнию олди ниқоб,
Талъатидин бўлди хижил офтоб.

Чиқти халойиқ ороендин хуруш,
Борди аларнинг танидин ақлу хуш.

Вола эди жамъи халойиқ тамом,
Миср эли завқин эдилар субҳу шом.

Қилди карам подшоҳи лоязол,
Навбати қаҳр ўлди тамому камол.

ҚАҲАТЛИҚ НАВБАТИ УТУБ, ТУҚЛУҚ НАВБАТИ ПАЙДО БУЛҒОНИ

Меҳнату ғам ўтди, етишти ҳузур,
Бўлди халойиқ уза завқу сурур.

Лутф ила раззоқ зи роҳи карам,
Қулларина берди тамоми ниам.

Мамлакати Миср чу забти сарой,
Бўлди яна рост ба амри худой.

Юсуф эди тахти хилофатда шоҳ,
Қони карам, сояйи лутфи илоҳ.

Салтанати топти онингдек низом,
Олида афлок эди андар қиём.

Мисрда тузди бу қабил адлу дод,
Даҳри куҳан билмас эди ҳеч ёд.

Ҳар қачон отланса эди ногаҳон,
Титрар эди жумла замину замон.

Халқ тафарружқа чиқор эрди пок,
Тутор эди кўк юзини гарду хок.

Тушар эди Миср ичида ҳой-ҳўй,
Андин эди халқ аро минг гуфту гўй.

ЗУЛАЙХОНИНГ ҲОЛИ, ЮСУФ ФИРОҚИДА АЙТҚОНИ

Лек Зулайхо бўлуб эрди хароб,
Бағри эди Юсуф ўтидин кабоб.

Ожиз эди бедилу зору зажир,
Кўз ёшидин кўзлари эрди басир.

Ишқ балосинда эди мубтало,
Дол киби қомати эрди дуто.

Бекасу бечора эди нотавон,
Йўқ эди анга ғаму андуҳи жон.

Юсуф эди зикри онинг сарбасар,
Йўқ эди фарёддин ўзга асар.

Ногаҳ эшитди қулоғи бир хуруш,
Баҳри ғам ул ботинидин урди жўш.

Дедики:— Ё раб бу не ғавғо эрур,
Жону кўнгул уйина шайдо эрур.

Бор эди ходимларидин хоназод,
Деди, аё бонуйи нек эътиқод.

Қавкабаи Юсуф эрур бу садо,
Ҳар қачон отланса расули худо.

Ушбу қабил отланур ул шаҳриёр,
Андин эрур бу шаафу гиру дор.

Юсуф отини эшитиб ул замон,
Тузди Зулайхо яна оху фиғон.

Деди:— Бу бечора неча ўртанай,
Чорау тадбирни билмон, нетай?

Муниси жонимдур онитек Юсуфим,
Ўлтура олмасмен ўзимни ўзум.

Деди бу сўзларни ўшал нотавон,
Жумлаи уй қизға деди ул равон:

— Мени муофаға солинглар бу дам,
Борча менинг бирла қўйинглар қадам.

Юсуф ўтар йўлига элтинг мени,
Бори йироқдин эштай унини.

Олди Зулайхони бу уй қиз равон,
Солди муофа ичида ул замон.

Юсуф ўтар йўлина келтурдилар,
Борча Зулайхо қотида турдилар.

Ушбу маҳал ичра баяк ногаҳон,
Кавкабаи Юсуф чу бўлди аён.

Уй сори ёнди ўшал шаҳриёр,
Чиқти садоу шаафу гиру дор.

Етти Зулайхо тушина ул замон,
Тузди Зулайхо кўриб оху фиғон.

Деди:— Аё Юсуфи неку хисол,
Айла таваққуф баҳақи зулжалол.

Сўхталар ҳолина солғил назар,
Бўлди юзинг бандаси шамсу қамар.

Туз ҳақини соқлагин, э шаҳриёр,
Кимга вафо айлади бу гиру дор?

Сабру таҳаммул сени қилди азиз,
Сўзунг эрур шаҳду шакардин лазиз.

Менгаки йўқ эди бу сабру қарор,
Қилди фалак мени бу кун хору зор.

Ожизу дармондаға тутқил илик,
Сен киби йўқ дунёда кони билик.

Юсуфи сиддиқ чу қилди нигоҳ,
Кўрди Зулайхони босиб гарди роҳ.

Бир неча уй қизлари бирла фақир
Туруб эрди, зору залилу ҳақир.

Деди:— Зулайхо бу бало ичра сабр,
Айлагилу қилма ўз-ўзунга жабр.

Сабр била топқосен ахир мурод,
Ғам еган одам бўлур, албатта, шод.

Деди бу сўзларнию сурди отин,
Телмурубон қолди Зулайхо кейин.

Ишқ ўти бирла куяу ўртана,
Келди Зулайхо ўз-ўзига яна.

Тузди фироқ илгида оҳанги сўз,
Деди:— Не ҳуш рўз эрур ушбу рўз.

Юсуфи сиддиқ била рўбарўй,
Бўлдику қилдуқ иков гуфтуғўй.

Сўзларининг тотлиғидин коми жон
Тобти бу кун лаззати жону жаҳон.

Тобти қулоғим унининг лаззатин,
Тобти димоғим идининг роҳатин.

Тоза жароҳат уза септи намак,
Ўртанур оҳим ўтидин нуҳ фалак.

Деди бу сўзларнию борди зи ҳуш,
Чиқти бу уй қизларидин юз хуруш.

Шом чу келди ўзина ул замон,
Қўптию, телба киби бўлди равон.

Етди ўшал лаҳза ба амри илоҳ,
Ондаки Юсуф туруб эрди бароҳ.

Олди ўшал ер юза туфроқларин,
Сочти ўшал лаҳза бошиға борин.

Суртар эди юзини ул ерга зор,
Йиғлар эди зор чу абри баҳор.

Дер эди:— Бу туфроқ эрур гўйиё,
Жону кўнгул кўзига чун тўтиё.

Юсуфи сиддиқ шаҳри комкор,
Ушбу ер узра туруб эрди сувор.

Қим менга сўз қотдию бўлди равон,
Қўйди мени хаста дилу нотавон.

Тегди бу ерга отининг туйноғи,
Мунис эрур менга бу ер туфроғи.

Менга бу ер туфроғидур ошно,
Мен доғи туфроқ бўлойин қошино.

Дедию қўйди юзини ерга зор,
Бўлди йиғининг ичида беқарор.

Қолмади гўё танида зарра жон,
Бошлади қизлар бори оҳу фиғон.

Утдию тун, бўлди бавақти саҳар,
Эрди Зулайхо ўзидин беҳабар.

Жумлаи уй қизлари йиғлаб равон,
Кўтариб элтдилар они ул замон.

Келди Зулайхо яна чун ўзина,
Кўрмади ўзини бу ер юзина.

Бошлади ул навҳау зорин яна,
Боштин-аёғи куяу ўртана.

Келди йиғилиб бори уй қизлари,
Деди:— Борурмиз боримиз ҳар сари.

Куйди куюгинг ўтида жонимиз,
Қуруди танда доғи ҳам қонимиз.

Кўр бўлали боримиз бир йўли,
Оҳ, сени бу ўт ила ҳам кўрмали.

Жони азиз айлали сенга нисор,
Сабру таҳаммул уза топқин қарор.

Тенгри берур сабр йўлида мурод,
Сабр қил, э пок руҳу пок зод.

Деди Зулайҳоким, эрур қирқ йил,
Юсуф учун зор эрурман залил.

Токим эрур зарра бу жондин рамақ,
Юсуф оти мунисим эрур баҳақ.

Менга азалдин кўрунур бу улуш,
Андаки Юсуфни кўруб эрди туш.

Сабр қилойин, вале навмид эмон,
Гул яғочидур адим бед эмон.

ЮСУФ ФИРОҚИНДА ЗУЛАЙХО САБР ҚИЛҒОНИ

Бир неча кун сабр этиб эрдим бағам,
Ишқ ўти жондин урар эрди алам.

Уртади боштин-аёғим сарбасар,
Бўлди бурунғи чоғидин ҳам батар.

Тузди яна нолау зорин ўзи,
Қон сочо бошлоди йиғидин кўзи.

Ҳар қачон ул бўлса эди беқарор,
Кўрган они йиғлар эди зор-зор.

Тун-кун эрди анга яксон мудом,
Эрди учун лаззати анга ҳаром.

ЮСУФ ЯНА ОТЛОНҒОНИ

Бир куни Юсуф яна бўлди сувор,
Миср ичида тушти туман гиру дор.

Чўб нақора узина урди бўс,
Чиқти фалак бомина ғавғойи кўс.

Халқ тафарруж уза чиқти бори,
Яхши-ёмон борча йигиту қори.

Деди Зулайхоки:— Не ундур, бу ун?
Юсуф эди яна келадур бу кун.

Йиғлади қизлар бориси зор-зор,
Деди йўлунгда қилоли жон нисор.

Кавкаби Юсуф эрур бу садо,
Қим яна отланди ...

Чиқти тафарруж қила бу Миср эли,
Яхши-ёмон жумла улус бир йўли.

Бўлди эшитиб Зулайхо беқарор,
Тузди яна навҳасини зор-зор.

Дедики:— Қизлар, зи баройи худо,
Боштин-аёқ бўлди вужудим жудо.

Қилча бу жоним неча чексун алам,
Борча билинларки ўлармен бу дам.

Борча чекибсиз алами беадад,
Охири дамдур менга айланг мадад.

Мени доғи кўтариб, элтинг равон,
Юсуф ўтар йўлина ушбу замон.

Ташланг ўтар йўлининг устина,
Жон беройин эшитиб унина.

Ҳар неча мендин эсангизлар малул,
Ушбу васиятни қилинлар қабул.

Жумлаи уй қизи кўтарди фиғон,
Дедилар:— Э жон тилаги, насли жон.

Борча йўлунгда қилолинг жон фидо,
Нағу бўлолинг битуғингдин жудо.

Қайда аёқ қўйсанг эрур бошимиз,
Васлинг эрур мунису қўлдошимиз.

Дедилару борчаси ҳам дар замон
Солди Зулайхони батахти равон.

Олдилару элтдилар они бемалол,
Борча онинг тузини айлаб ҳалол.

Қўйдилар ул йўлга ёвуқроқ магар,
Ондаки Юсуфқа эди раҳгузар.

Юсуфи сиддиқ чу шоҳи замон,
Сайр қилиб уй сори бўлди равон.

Қавкабаси айлади ногоҳ хуруж,
Аршқа овозаси айлаб уруж.

Беклар ўтар эдилар жавқ-жавқ,
Борчаларининг ичида завқу шавқ.

Миср элида эрди нидоу шааф,
Халқ тафарружқа эди ҳар тараф.

Токи етишти алами зарнигор,
Ҳар тарафида эди юзминг сувор.

Юсуф эди ўртада чун офтоб,
Эрди муборак юзи узра ниқоб.

Етти ўшал тушки Зулайхо эди,
Топтию ишқ ўти гирифтор эди.

Билди Зулайхоу чиқорди фиғон,
Деди:— Аё Юсуфи покиза жон.

Подшаҳи Миср баҳаққи илоҳ,
Хасталар аҳволина айла нигоҳ.

Ожизу бечорамену нотавон,
Бор бу таним ичра бу кун ним жон.

Ҳожатим ушбу эрур, э шаҳриёр,
Унунг эшитиб қилайин жон нисор.

Неча фироқингда ўлай беқарор,
Бир йўли йўлунгда қилай жон нисор.

ЮСУФ ЗУЛАЙХОГА ЖАВОБ АИИТҚОНИ

Юсуфи сиддиқ шаҳи номвар,
Солди Зулайхо тарафина назар.

Деди:— Аё сўхтаи бори ишқ,
Дарди алам бирла гирифтори ишқ.

Ожизу, бечорасену, мубтало,
Тенгри сенинг дардинга бергай даво.

Ўз-ўзунга фикр эт, андиша қил,
Сабру таҳаммулни бу кун пеша қил.

Мен бу ўн икки йилки базиндон эдим,
Сабр била зокири субҳон эдим.

Сабр била банда топар коми дил,
Коми дил истар эсанг, ўш сабр қил.

Деди бу сўзларнию чевирди юз,
Юсуф ўшал йўлга тузолмай ҳануз.

Келди анго ҳазрати руҳул амин,
Деди:— Аё ходийи рўйи замин,

Тенгри таоло сенга айди салом,
Деди, бориб Юсуфа еткур паём.

Навбати ҳажр ўтдию айёми васл,
Келди бу кун, сен назар қил ба асл.

Кетти ба поён ғаму меҳнат туни,
Туғди бу кун айшу тарабнинг куни.

Борғину юзлан бу Зулайхо сари,
Ой юзингга халқ айласун муштари.

Лутф ила сўрғил онинг ҳолини,
Билгил онинг жумлаи аҳволини.

Юсуфи сиддиқ эшитиб хабар,
Деди менга ҳақ сўзидур тожи сар.

Боре Зулайхо сори юзланди зуд,
Бўлди ниҳон кирдика чархи кабуд.

Деди Зулайхоға бу уй қизлори,
Юсуфи сиддиқ келадур бу сори.

Деди Зулайхоки:— Не сўздур, бу сўз?
Андаки бор эрди менга юзу кўз.

Юзум эди ҳусн ила бадри мунир,
Кўзум эди Зухра киби беназир.

Қадр кечаси эди фу сочим хаами,
Лаълим ила эрди Масихо дами.

Онда менга солмади Юсуф назар,
Мендин этар эрди туман минг ҳазар.

Эмдики боштин-аёғим бўлди ур,
Ёши оқиб икки кўзум бўлди кўр.

Ул мени нетсун, нега келсун менга?
Қайда борур, яхши боқинглар анга.

Дедики қизлар:— Келадур ул бори,
Илгари бу ясовуллар ҳам бори.

Юсуф ўшал ҳолда ҳайрон эди,
Кўнгли Зулайхога паришон эди.

Етти ўшал ҳолда руҳул амин,
Деди:— Аё Юсуфи покиза дин.

Тенгри деди, сенга дуруду салом,
Менга деди, Юсуфа еткур паём.

Ишқинг ўти ушбу Зулайхони пок,
Уртади ёвуштики бўлгай ҳалок.

Куйди заиф жони била қирқ йил,
Молу жамолин сенга қилди сабил.

Ман эрурам холиқи банданавоз,
Қилдим анга раҳмат эшигини боз.

Айламадим зойиъ онинг ранжини,
Бердим анга васлу талаб ганжини.

Юсуф айтики Зулайхога:— Ғам
Ема, тилогингни тила ушбу дам.

ЮСУФ ЗУЛАЙХО БИЛА

САРГУЗАШТЛАРИН БИР-БИРИН БИЛА СУЗЛАШҚОНЛАРИ

Юсуфи сиддиқ ...

Деди Зулайхога:— Аё мубтало.

Жамъи тилокингни тила бу замон,
Сенга берур холиқи халқи жаҳон.

Деди:— Тилокимни менга ушбу дам
Тенгри ато қилса зи роҳи карам.

Топса вужудум'яна бошдин шабоб,
Бўлса юзум талъати чун офтоб.

Зухра киби бўлса бу наргис кўзум,
Шаҳду шакардек доғи бўлса сўзум.

Юсуфи сиддиқ менга кадхудо,
Бўлса ўшал лаҳза ба амри худо.

Миср ичида бўлсоқ иков ҳамнишин,
Бизга улус бўлса базери нигин.

Юсуф ўшал дам, деди:— Э бениёз,
Роҳиму раҳмон сену ҳам корсоз.

Сенга Зулайхо тилагидур аён,
Ҳазратингга йўқ доғи ҳадди баён.

Руҳул амин келди ўшал дам магар,
Ҳазрати Юсуфқа еткурди хабар.

Сенга деди тенгрики, э баҳри жуд,
Менки қилурмен бу адамдин вужуд.

Ҳарне Зулайхо тилагин ушбу дам,
Сен тила биздин, доғи ҳеч ема гам.

Юсуф ўшал лаҳза қилиб ғусли пок,
Қилди дугона яна юзин бахок.

Қўйди Зулайхо бошини, қилди арз,
Дедики:— Ё раб, бу тилак менга фарз.

Қилдинг эса айла иноят бу дам,
Сендин эрур жумла вужудим адам.

Ушбу муножотни қилғоч баён,
Қудрати ҳақ бирла баяк ногаҳон.

Бўлди ўшал лаҳза Зулайхо сиришт,
Рашки пари янглиғу ҳури биҳишт.

Талъатидин бўлди хижил моҳи бадр,
Сунбулидин бўлди аён шоми қадр.

Ёш ила ул моҳ бўлиб понздаҳ,
Банда эди оразига меҳру маҳ.

Зоти онинг руҳи мужассам эди,
Боштин-аёқ фитнаи олам эди.

Дедики Юсуфқа:— Кўтар бош равон,
Саждадин, э сарвари халқи жаҳон.

Ҳар не дуо қилдинг эса босавоб,
Ҳазрати ҳақ қилди борин мустажоб.

ЮСУФ САЖДАДИН БОШ КЎТАРИБ ЗУЛАЙҲОНИ ҚЎРГОНИ

Бош кўтариб Юсуф ўшал дам нигоҳ
Қилди Зулайхоға зи сунъи илоҳ.

Қўрди онинг суратидин ҳури ийн,
Мамлакати ҳусн анга зери нигин.

Боштин-аёқ кийиб эди ҳуллалар,
Тожи каромат қўюб эрди басар.

Меҳру маҳ эрди юзининг бандаси,
Мушки Хўтан сунбули шармандаси.

Оби ҳаёт эрди лабиндан хижил,
Дурри Адан тишларидин мунфаил.

Боқти табассум қилибон ул замон,
Юсуфи сиддиқ сори ногаҳон.

Қолмади Юсуфқа чу бозори ҳусн,
Юсуф анга бўлди харидори ҳусн.

Юсуф онинг юзина тикти кўзин,
Деди тавозиъ била вуслат сўзин.

Деди:— Зулайхо, емагин эмди ғам,
Васл бисотина қўёлинг қадам.

Деди Зулайхоки:— Бу сўздур маҳол,
Қилма бу васл ишини мендин савол.

Тенгрига бегона эдим мен бурун,
Ҳазрати ҳақни тиладим мен бу кун.

Тенгридин ўзгани демасмен яқин,
Боргин, аё Юсуфи, покиза дин.

Васл учун истагин ўзга киши,
Ушбу эди ҳикмату тақдир иши.

Деди бу сўзларни Зулайхо равон,
Бўлди эса Юсуфи покиза жон.

Тутди этогин деди:— Ўлтур бу дам,
Ишқинг ўти қилди вужудим адам.

Тортти этокин, этаги бўлди чок,
Деди Зулайхо:— Ҳоло, э асли пок.

Менки ёқанг йиртиб эдим ибтидо,
Чектим ўшал воқеадин юз бало.

Сен этагим чокки қилдинг бу дам,
Бўлдуқ иков тенг, емагин ўзга ғам.

Васл отин отомоғил шаҳриёр,
Борғилу ўзга киши қил ихтиёр.

ЗУЛАЙҲО УЙИГА ШОДМОНЛИҚ БИЛА ҚЕЛГОНИ

Қўпти Зулайхо яна тахти равон,
Миндию келди уйина шодмон.

Келдию тушти уйина ул замон,
Йўқ эди ўз ҳолина шоҳи жаҳон.

Бағри эди ишқ ўтидин кабоб,
Йўқ эди бир лаҳза анга хўрду хоб.

Бўлди Зулайхо ғамидин беқарор,
Айлади узлат уйини ихтиёр.

Салтанат ишини унутди тамом,
Нолау фарёд эди иши тамом.

Оҳ, ажаб дард эрур дарди ишқ,
Ҳар киши бўлмас доғи бил марди ишқ.

Ишқ ўти ҳар ердаки урса алам,
Билки, қилур жумла вужудин адам.

Ишқки жон мулкида султон эрур,
Шоҳу гадо анга чу яксон эрур.

Юсуф ўшал тавсани давлат сувор,
Халқ рикобинда эди сад ҳазор.

Келур эди ушбу ҳолат била,
Кўрса Зулайхони бу ҳолат била.

Келди ўшал ҳолда руҳул амин,
Деди:— Аё пок руҳу покдин.

Тенгрининг амри сенга эрур бу дам,
Бўлу аёғ ер уза қўйгин қадам.

От уза бормоғил Зулайхо сари,
Банда эрур юзунга ҳуру пари.

Сенга валенеъмат эрур ул яқин,

Соқла адаб, соғин ўшал туз ҳақин.

Юсуф ўшал лаҳза ба амри илоҳ,
Бўлди аёғ кирди ўшал дам ба роҳ.

Етти Зулайхоға ўшал нек ном,
Қилди тавозиъ била аввал салом.

Қўйди Зулайхо қошида ул илик,
Деди Зулайхо:— Ҳоло кони биллик.

Лутфунг эрур борча халойиққа ом,
Банда дуогўйунг эрур субҳу шом.

Токай ўтунг бирла куёр ушбу жон,
Мендин эмас бошқа бу ўт ҳар замон.

Юсуф ўшал лаҳза зи роҳи карам.
Деди Зулайхоға:— Валиюн ниъам.

Талъатинг эрди чу маҳи ховари,
Ходиминг эрди бори ҳуру пари.

Сенга хазойин эди турлук асос,
Келмас онинг шарҳи баҳадду қиёс.

Борчани нетдинг айтқин бу дам,
Борча бир йўла алингдин адам.

ЗУЛАЙХО ЮСУФҚА ЖАВОБ АЙТҚОНИ

Дедиким:— Эшит бу сўзим сиррини,
Борча хазойин бериб олдим сени.

Ҳусну жамолимни фироқинг тамом,
Ўртади ҳасрат ўтидин субҳу шом.

Дедики:— Қони сенинг ишқинг ўти?
Деди Зулайхо:— Ҳоло жон роҳати.

Ишқинг ўти борчаси пайдо эрур,
Чеҳра уза борчаси гўё эрур.

Оғзима тутқил илгингни бу дам,
Жон ичидин шуъласи урсун алам.

Юсуф илигинда магар ул замон,
Қамчийи зарбафт эди зоҳир аён.

Тутди Зулайхонинг ул оғзи сори,
Қилди назар ушбу маҳи ховари.

Наъра уруб қилди Зулайхо бир оҳ!
Оғзидан ўт чиқти басунъи илоҳ.

Қамчиға тутонди бу ўт дар замон,
Қамчини ташладию Юсуф равон.

Бўлди Зулайхо деди:— Э шаҳсувор,
Эр киши бу ўт била айлар қарор.

Банда хотун бўйум ила қирқ йил,
Бўлди бу ўт ичра бўлубман залил.

Жон ичида эрди бу ўтунг ниҳон,
Энди мени қилдинг эса имтиҳон.

Бўлди бу ўт шуъласи мендин зуҳур,
Ўт эмас, балки эрур маҳзи нур.

Мундин у кун ўртама Юсуф мани,
Лутфунг эрур хулқу карам маъдани.

Юсуф ўшал лаҳза гирифтори ишқ,
Бўлдию машғул эди дар кори ишқ.

Волау ошуфтау шайдо эди,
Зикри онинг жумла Зулайхо эди.

Миср ичида бўлди онинг ишқи фош,
Қимки эшитди кўзидин тўкти ёш.

Жумла дедиларки илоҳи баҳақ,
Жумлаи ҳол ичра гувоҳи баҳақ.

Олди Зулайходин ўшал ишқ ўтин,
Бордию Юсуфқа қўйди меҳнатин.

Юсуфи сиддиқ шаҳи комкор,
Бўлди Зулайхо ўтидин беқарер.

Пиғлар эди тоқати бұлдуқча тоқ,
Эрди онинг ҳамдами дарду фироқ.

Ұртада Райённи қўйди расул,
Сўзини қилмоди Зулайхо қабул.

Юрур эди ўртада Райён мудом,
Васл учун саъй қилиб субҳу шом.

Лек Зулайхо эди мағрури ҳусн.
Миср ичида эрди чу машҳури ҳусн.

Айлаб эрди савмаани ихтиёр,
Иши ибодат эди лайлу наҳор.

Тенгри била эрди онинг хилвати,
Ғайр дил ила йўқ эди улфати.

Кўруб эди нури тажалли кўзи,
Онга адам эрди бу Райён сўзи.

Қирқ каррат борди бу Райён мудом,
Деди Зулайхоки:— Бу савдойи хом.

Дег ҳавас ичра пишурмоқ недур,
Сўзни доғи ҳаддин ошурмоқ недур.

Юсуф отин қилма менга ўзга зикр,
Тенгри эрур эмди менга зикру фикр.

Тенгри йўлиники тилармен бу дам,
Ондин у кун йўқ менга бир зарра ғам.

Келди бу Райён Зулайхо дер сўзин,
Ҳазрати Юсуфқа ёшартиб кўзин.

Дедию қучти оёғин бандавор,
Юсуф эди ишқ ўтидин беқарор.

Қирқ кеча-кундуз эдиким ул татом,
Юсуфи сиддиқ алайҳиссалом.

Бағри эди ишқ ўтидин кабоб,
Йўқ эди бир лаҳза онга хўрду хоб.

Ҳарне бу қирқ йилда Зулайҳо алам,
Тортиб эди, меҳнату, андуҳу ғам.

Юсуф ўшал қирқ кеча-кундуз тамом,
Қўрди онингдек эли субҳу шом.

Билди ўшал ҳолда ногаҳ ўзин,
Қилди муножот ёшартиб кўзин.

Деди:— Аё подшоҳи бевазир,
Борчаға эрур караминг дастгир.

Лутфунг эрур борчаға пушту паноҳ,
Куйдиму фарёдима ет, ё илоҳ!

Ҳарне Зулайҳо чекиб эрди бало,
Қилма онингдек мени сен мубтало.

Лутф қилиб ғаврума ет, ё раҳим,
Неча чекайин бу азоби алим.

Ушбу муножотни қилғоч равон,
Руҳул амин келди баяк ногаҳон.

Деди:— Аё Юсуфи неку хисол,
Деди сенга подшаҳи лоязал.

Қирқ каррат борди бу Райён тамом,
Топмади бу вуслат иши интизом.

Тенгрини келтур башафоат бу дам,
Юру Зулайҳо сори қўйғил қадам.

Юсуф ўшал дам бўлуб шодмон,
Бўлди Зулайҳо эшикинда равон.

Деди Зулайҳоки:— Баҳаққи илоҳ,
Менга иноят кўзидин қил нигоҳ.

Уртада Райёни қилдим расул,
Сўзин онинг қилмадинг эрса қабул.

Уртама ҳижрон ўти бирла мени,
Юзунг эрур жону кўнгул гулшани.

Тенгрининг отин эшитиб ул замон,
Чиқти Зулайхо югуруб ҳавли жон.

Деди:— Аё Юсуфи, соҳиб хабар,
Тенгрини ўртага кетурдинг магар.

Тенгрини ўртада кетурдинг расул,
Ҳар не сўзунг бор эса, қилдим қабул.

Тенгридин иймандим, аё муҳтарам,
Қўйдим ўшал васл йўлина қадам.

Васл отини эшитиб ул замон,
Юсуфи сиддиқ бўлуб шодмон.

Топти онинг ботини завқу сурур,
Қўптилару қилдилар оҳанги сур.

Миср улуси борча зи хосу зи ом,
Боғладилар Мисрни ойин тамом.

Бор эди ул дам бу камолоти Миср,
Ўн икки минг эрди маҳаллоти Миср.

Ҳар бирида ўн икки минг уй эди,
Борча халойиқ ичида тўй эди.

Боғладилар таъбия ҳар ҳирфавар,
Харж қилиб ҳар бири турлук ҳунар.

Қўсу нақора эдилар дар хуруш,
Завқу тарабдин эди оламға жўш.

Жумлаи хушхону хушовозлар,
Булбулу қумри ила ҳамрозлар.

Борча туруб эрдилар оҳанги най,
Зухра қилиб соз тараб чангу най.

Халойиқ аро айшу ниҳон,
Бўлди танаъумда замину замон.

Ҳар тарафи бўлди, тузилди жақар,
Миср эли чун равзаи ризвон магар.

Қилдилар ўзга уйини минг асос,
Келмас онинг шарҳи баҳадди қиёс.

Тахти мурассаъ кетуруб ул равон,
Солдилар ўзга уйина ул равон.

Юсуфи шоҳаншаҳи нек иқтидор,
Бўлди ўшал ҳолда ногаҳ сувор.

Кавкабаи чиқти ба боми фалак,
Ҳолатидин қилди таҳайюр малак.

Олида эрди алами зарнигор,
Халқ рикобинда эди сад ҳазор.

Эрди рикобинда ўшал дам бари,
Миср элининг жумла акобирлари.

Кўсу нақора эрди дар бому зир,
Най унидин эрди жаҳонда нафир.

Халқ тафарружда эди ҳар тараф,
Чиқти фалак бомина бонги шааф.

Ёнди яна тушти бу ҳолат била,
Давлату иқболу соадат била.

Тахти мурассаъни қилиб муттако,
Топти қарор ...

Соати неку қилибон ихтиёр,
Олди Зулайхони ўшал шаҳриёр.

Буржи шараф ичра иков меҳру моҳ,
Бўлди магар жамъ баҳукми илоҳ.

Турфа қотилди яна шаҳду шакар,
Қилди фалак васлина шамсу қамар.

Айшу тараб гулшанию анқариб,
Бўлди яна гул била бу андалиб.

Миср улуси борча баси шод эди,
Даҳр фалак давридин озод эди.

Баски сочиқ расми била бешумор,
Қилдилар ул раҳза жавоҳир нисор.

Миср эди мажмуъ чу жаннат сарой,
Халқ эди дилшод баҳукми худой.

Оҳ, не хушдурки чекиб интизор,
Етса ўз уммидина уммидвор.

Қимгаки бор ҳиммат ила иътимод,
Оқибатул амр топор ул мурод.

Қимки чекар сидқ била ранжи роҳ,
Манзилига еткурур они илоҳ.

Қимки талаб йўлида собитқадам,
Бўлса, топар мақсадини ложарам.

Оқибатул амр ...
Юсуф ўшал хусрави гитипаноҳ.

Чекти Зулайхо била чун ранжи васл,
Топтилар охир хуш иков ганжи васл.

Миср ичида бўлди иков ҳамнишин,
Миср эди аларга базери нигин...

Гоҳ қилурлар эдилар ёди ҳажр,
Гуссау, андуҳу зи бедоди ҳажр.

Гоҳ эдилар айшу тараб бирла шод,
Гоҳ тузиб халқ аро минг адлу дод.

Юсуфи сиддиқ расули карим,
Салтанат ичида эди муқим.

Бўлдию тузди яна ул адлу дод,
Адл била Миср эди хайрул билод.

Адлининг овозасини инсу жон,
Элтиб эди қоф то қофи жаҳон.

Салтанат узра эди ул шаҳриёр,
Ушбу қабил ўтар эди рўзгор.

ЗУЛАЙХОҒА ЮСУФДАН ФАРЗАНД БУЛҒОНИ

Берди анга воҳиби бе шакку райб,
Қодири бечун доғи алломи ғайб.

Ушбу Зулайхо ўтуб моҳу сол,
Икки ўғул, бир қизи соҳибжамол.

Ҳар бириси дурри ягона эди,
Навбат ила шоҳи замона эди.

Эрди улуғ ўғли чу Мишом шоҳ,
Боштин-аёқ сояи лутфи илоҳ.

Бири Фароҳим эди зоҳир баном,
Шоҳи мамолик эди, моҳи тамом.

Роҳима эрди бу қизининг оти,
Эрди Зулайхо киби жон роҳати.

Борча бани наслию шаҳзодалар,
Борча жаҳон шуғлидин озодалар.

Борчаси Юсуфқа эди нури айн,
Борча Зулайхоға эди зебу зайн.

Юсуф ила ушбу Зулайхо мудом,
Шод эдилар они кўриб субҳу шом.

Келди вале Юсуфи соҳибкарам,
Ҳазрати Яъқуб отини дам-бадам.

Ёд қилиб истар эди ул висол,
Ушбу эди иши онинг моҳу сол.

Ҳажр ўтидин жон куяр эди батан,
Ўқур эди қиссаи ҳуббул ватан.

ҚАҲТ ОФАТИ ҚАНЪОН ВИЛОЯТИДИН ИБТИДО БУЛҒОНИ

Оқибатул қисса магар ногаҳон,
Қаҳт ўти Қанъонда чу бўлди аён.

Қаҳт ила бўлди бу улус мубтало,
Ҳар тарафи бўлур эдилар чаро.

Ҳазрати Яъқубнинг авлоди пок,
Деди, эрур халққа бими ҳалок.

Борчаси Яъқуб қотиға равон,
Келди аларға бўлубон ҳавли жон.

Дедилар:— Э пок расули худо,
Қаҳтқа тадбир недур, қил даво.

Ҳазрати Яъқуб деди бу замон:
— Қаҳтқа тадбир қилойин баён.

Миср сори борча борингиз бу дам,
Саъю талаб йўлида қўюнг қадам.

Мисрда бордур малики номвар,
Ходим эрур онга чу фатҳу зафар.

Одилу бахшандау доно эрур,
Шамсу қамар юзига лоло эрур.

Биздин анга тухфаи айланг бу дам,
Биздин эрур тухфау ондин карам.

Қаҳт балосини аён айлангиз,
Меҳнату дардимни баён айлангиз.

Лутф қилиб аз карами кирдикор,
Сизга берур ошлиғ ўшал шаҳриёр.

Ҳазрати Яъқубға ул дам магар,
Бор эди ўн яна ўғли дигар.

Бир онодин ўн ўғул эрди яқин,
Бир онодин Юсуфу Ибни Ямин.

Борчалари шердилу шермард,
Борчаси ҳақ йўлида асҳоби дард.

Қўймос эди Ибни Яминни мудом,
Ҳазрати Яъқуб ўзидин субҳу шом.

Юсуф ўти бирла куёрлар эди,
Гоҳ тирилиб, гоҳ ўларлар эди.

Оқибатул амр ўн ўғли магар,
Миср сори айлади азми сафар.

Борчалари эрдилар уштур сувор,
Ҳар бирига бир тева эрди қатор.

Тухфаи Яъқуб олиб ул замон,
Миср сори тебрадилар ҳавли жон.

Қатъи манозилға қилиб ихтимом,
Юрур эдилар бориси субҳу шом.

Мисрга етдилар алар чун яқин,
Тенгрининг амри била руҳул амин.

Келдию Юсуфқа етурди хабар,
Деди:— Аё Юсуфи соҳиб назар.

Келди жафочи ўн оғанг ушбу дам,
Борча чекиб меҳнату дарду алам.

Айла тафарруж сен алар ҳолини,
Билгин аларнинг бори аҳволини.

Юсуф эшитиб бу хабар беқарор,
Бўлди ҳамул лаҳза ошуқуб сувор.

Қавкабасининг унидин ул замон,
Қолди таҳайюрда замину замон.

Олида эрди алами зарнигор,
Ҳар ёнида эрди чу юз минг сувор.

Черка тузублар эди халқи сипоҳ,
Эрди бу Юсуф кўзи доим бароҳ.

Кўрди оғоларини уштур сувор,
Борча келурлар эдилар бир қатор.

Юсуф алар ҳолина қилди нигоҳ,
Борчасини босиб эди гарди роҳ.

Борчалари оч эдию, ташна лаб,
Борчасининг жонида дарди талаб.

Юсуф алар ҳолини кўрган замон,
Бўлди муборак кўзидин ёш равон.

Юсуфи сиддиқнинг ўғли магар,
Кўз ёшидин бўлди онинг бохабар.

Деди отосифаки:— Шоҳи жаҳон,
Кўз ёшингиз недин эрур, бу замон.

Ҳазрати Юсуф деди:— Э нури айн,
Сенга аён айлайин айтма сан.

Билки бу ўн йигити уштур сувор,
Ким келадурлар бориси бир қатор.

Борча оғаларим эрур ушбу дам,
Солғон алар жонима турлук алам.

Лек бу сўзни тут ичингда ниҳон,
Қилмағасен ҳеч кишига сен аён.

ЮСУФ ОҒОЛАРИН КҶРУБ ЁНҒОНИ

Юсуф ўшал лаҳза яна ёнди зуд,
Бўлди ниҳон гардга чархи кабуд.

Тушти саодат била бар пойтахт,
Ҳамраҳ эдилар анга иқболу бахт.

Ўғлиға деди:— Ҳоло нури басар,
Бор бу ғариблар сори қилғил назар.

Шаҳрға кирди бориси бу замон,
Шаҳр эрур манзили дорул амон.

Ултурур учун бориға уй бер,
Уч кеча-кундуз борига тўй бер.

Борчасининг бўю бошин қил тўкуз,
Борча эрур туққонинг, э сўзга ўз.

Ўғли адаб шарти била ул замон,
Деди:— Не десангиз қилайин бажон.

Бори бу ўн йигити канъонини,
Отосининг дардию дармонини.

Бир ўбдон ерга тушуруб борин,
Тонидилар ҳар бири ерлик ерин.

Уч кеча-кундуз борига берди тўй,
Айшу тараб айладилар рўбарўй.

Борчасининг бўйи бошин сар то пой,
Қилди тўқуз бу шаҳи покиза рой.

Бўлди бу уч кечау кундуз тамом,
Юсуфи сиддиқ алайҳиссалом —

Деди:— Бу канъони йигитлар қани?
Борчаси келсун, доғи кўрсун мани.

ЮСУФ ОҒОЛАРИ ЮСУФНИ ҚУРА КЕЛГОНИ

Юсуфи сиддиқ шаҳи ҳақпараст,
Тахти мурассаъ уза қилди нишаст.

Сони йўқ ул лаҳза зи хайлу сипоҳ,
Халқ йиғилди ба дари боргоҳ.

Қуббаи чатр эрди ба авжи фалак,
Эрди мулозим анга инсу малак.

Жумла турурлар эди саф-саф тамом,
Йўқ эди ҳеч кишига ҳадду калом.

Унг қўлида минг йигит эрди, яна
Борчалари шоҳвашу маҳлиқо.

Боғлаб эди борча мурассаъ камар,
Борчаларининг бошида тожи зар.

Сўл қўлида минг яна моҳрўй,
Борчаси хуршидвашу мушкбўй.

Ҳар тарафи бонги, ясовул чу уд,
Эрди иликлариди заррин омуд.

Боргоҳ эшигида заррин ҳижоб,
Тортиб эди Юсуфи маҳруъ ниқоб.

Юсуф оғолари, бу канъонилар,
Ҳукм била шаҳни кўра келдилар.

Келдилару эшигина бу жалол —
Кўрдилару бўлдилар ҳам гунгу дол.

Борча бу даргоҳға олдурди кўз,
Борчанинг оғзида қолмади сўз.

Турдилар уч соати комил яно,
Юсуф оғолари баҳукми худо.

Юсуф алар ҳолина қилғоч нигоҳ,
Деди, зиҳи ҳикмату сунъи илоҳ.

Лутф қилиб қилди алардин савол,
Дедики:— Қойдин келасиз, э рижол?

Ниятингиз кимгадур ушбу замон,
Бир сўзунгиз бор эса айланг баён.

ЮСУФ ОҒОЛАРИ ЖАВОБ АЙҒОНИ

Юсуф оғолари деди:— Шаҳриёр,
Олам эрур сўзимиза биру бор,

Бори бир ото-онодин зодимиз,
Ҳазрати Яъқубқа авлодмиз.

Борча бу Канъон улусиндин бу дам,
Ушбу вилоятқа қўюббиз қадам.

Ҳазрати Яъқуб саломин тамом,
Келтурубдурмиз, шаҳи неку калом.

Бор эди Юсуф деган онга валад,
Еди они бўри баҳукми аҳад.

Бўлди онинг ҳажри била мубтало,
Эллик ил эрур чекодурмиз жафо.

Юсуф эрур зикри онинг субҳу шом,

Жумла очун айши ангадур ҳаром.

Меҳнати Юсуф они айлади пир,
Кўз ёшидин кўзлари бўлди басир.

Ожизу бечора дурур мумтаҳан,
Кулбаи аҳзонни утмиш ватан.

Қаҳт балоси била ушбу замон,
Қилди бу Қанъон улусига рввон.

Ҳазрати Яъқуб ...
Ожиз эрур анга бараку наво.

Яхши отингни эшитиб бу замон,
Хизматингга бизни қилибтур равон.

Туҳфа бизоат юборибтур қалил,
Ушбу эрур сўзларима шаҳ далил.

Тенгри учун неки ато қилса шоҳ,
Борча ололинг қилолинг рўй роҳ.

Юсуфи сиддиқ бўлуб беқарор,
Йиғлади Яъқуб учун зор-зор.

Қуйди фироқ ўти била ул замон,
Кирди ҳарам ичрау тузди фиғон.

Келди Зулайхо деди:— Э шахриёр,
Недин эрур йиғломоғинг зор-зор?

Кўз ёшингга мен қилойин жон сабил,
Навҳау зорингга дегил сен далил.

Ҳазрати Юсуф деди ушбу замон:
— Йиғламоғим қиссасин айлай аён:

Ҳазрати Яъқуб ...
Отон эрур ҳам менга пушту паноҳ.

Ушбу йигитларким эрур ташқари,
Ҳар бирисидур чу маҳи ховари.

Борчаси Яъқубқа фарзанд эрур,

Борча анга жон киби дилбанд эрур.

Борча оғоларим эрур бу аён,
Лек тутунг ушбу сўзумни ниҳон.

Деди бу сўзларнию Юсуф равон,
Чиқти Зулайхо қотидин ҳавли жон.

Келдию тахт юзинда тутти қарор,
Эрди оғолари бори интизор.

Деди аларга:— Ҳоло канъонилар,
Сиз бори жосус эурсиз магар.

Ёхуд эурсиз борингиз роҳзан?
Жумлаи сўзингиз эрур макру фан.

Юсуф оғолари кўтарди фиғон,
Деди:— Малик бўлма биза бадгумон.

Биз боримиз покбизу покзод,
Насл ила машҳурбиз андар билод.

Жаддимиз эрур бу Халили илоҳ,
Тенгри бизинг сўзумиздур гувоҳ.

Ҳазрати Юсуф деди ушбу замон:
— Сизга берай ошлиғу айлай равон.

Лек берингиз менга беқолу қил,
Бир кишини мунда борингиз кафил.

Ҳазрати Яъқуб набининг хатин,
Ўтгон анга воқеанинг суратин.

Ибни Ямин била кетуринг тамом,
Мен инонай қавлингиза вассалом.

Анда билойинки набизодасиз,
Машғалаи даҳридин озодасиз.

Йўқ эса борча сўзунгиздур дуруғ,
Машғалаи қизбқа бўлмос фуруғ.

Юсуф оғолари деди:— Шаҳриёр,

Ҳар не десонгиз қилоли ихтиёр.

Бизни иноят йўлидин қил равон,
Тебради ҳамраҳларимиз корвон.

Юсуф оғоларида бир шери мард,
Бор эди Шамъун деган, эрликда фард.

Дедики:— Бўлдум борига мен кафил,
Жоним алар йўлида бўлсун сабил.

Келмасалар борчаси булжар куни,
Борча гунаҳкор қилинглар мени.

Жумла ошлиғқа берой мен баҳо,
Борчасининг қарзини айлай адо.

ШАМЪУН КАФИЛ БУЛУБ БОРЧАҒА ОШЛИҒ ОЛИБ ЮБОРГАНИ

Юсуфи сиддиқ деди бу замон:
— Борчаға ошлиғ беринг, айланг равон.

Борчаси Қанъон сори борсун бу дам,
Чекти аларнинг зиҳу зоди алам.

Ҳарна кетургон нималарни равон,
Юкларининг ичида айланг ниҳон.

Билмасун ул ҳолни канъонилар,
Билгач алар борчаси бўлур дигар.

Ҳар неки Юсуф деди, ходим борин,
Қилди бори борча тўкуз юкларин.

Тебради юклаб бориси ул замон,
Борди отолари қошинда равон.

Юрудилар йўлга кириб ихтимом,
Қатъи манозилни қилиб субҳу шом.

Ҳиммат аларнинг чу эди раҳбари,
Хиттаи Қанъонга етушти бари.

Юкни тушуруб бориси ул замон,

Борди отоларига хуш шодмон.

Ҳазрати Яъқуб ...

Сўрди алар ҳолини бир-бир тамом.

Йўқлади Шамъунни, деди: — Ул қони?
Қойда қўюб келдингиз охир они?

Борча дедиларки:— Расули худо,
Сўзларинга биз қилолинг жон фидо.

Мисрда бордур малики пок дин,
Йўқтур онинг мисли барўйи замин.

Ходим эрур эшикида нўҳ фалак,
Ходиму дарбони эрурлар малак.

Бордур анга хашмату иззу жалол,
Ақлу хирад васфидадур гунгу лол.

Биз боримиз Мисрда келган замон,
Берди биза манзили дорул амон.

Уч кеча-кундузда бу шаҳ муттасил,
Бизни оғирлодики, қолдук хижил.

Берди яна борчамиза сар то пой,
Хилъати вофир бу шаҳи некрой.

Бўлди ўшал кечау кундуз тамом,
Бизни тилоди бу шаҳи некном.

Бордук ўшал дам ба дари боргоҳ,
Кўрдук асосу ҳашаму коргоҳ.

Ақл онинг васфидадур нотавон,
Хулди барин олида бир бўстон.

Шоҳ эди ул дам ўзи дар ниқоб,
Чунки бўлур абр ичида офтоб.

Деди ўшал шоҳ ба иззу жалол,
Бизга бу Қанъон элидин борча ҳол.

Ушбу вилоятни дебон келдингиз,

Таййи манозилни нечук қилдингиз.

Хиттаи Қанъонда недур отингиз,
Қайси насабда эрур исботингиз.

Ростлиғ узра борин айланг аён,
Ҳарне сўзунгиз эса айланг баён.

Борчамиз ул лаҳза зи роҳи савоб,
Узру тавозиъ била эттук жавоб.

Отимизу нисбатимизни тамом,
Қилдуқ анга арз борин вассалом.

Қиссаи Юсуф била ҳолатини,
Ғуссау андуҳ ила офотини.

Борчани бир-бир анга қилдуқ аён,
Қолмади ул қиссада чизи ниҳон.

Бизни бу шаҳ дедики:— Жосуссиз,
Борча билик бобида маюссиз.

Ехуд эрур, борчангиз роҳзан,
Мунда келибсиз қилибон макру фан.

Сўзларингиз борча эрур аз гизоф,
Балки эрур боштин-аёқ кизбу лоф.

Борчамиз ул лаҳза дедик шаҳриёр,
Тенгригадур борча ниҳон ошкор.

Бўлма бизинг ҳаққимиза бадгумон,
Бизни билур жумлаи халқи жаҳон.

Дедики шаҳ сизким эрурсиз далил,
Борча бўлуб менга берингиз кафил.

Борчага ошлиқ берайин бу замон,
Хиттаи Қанъон сори айлай равон.

Сўзларингиз бўлса агар бори чин,
Манга бу Яъқуб набининг хатин.

Ибни Ямин бирла кетуринг бори,

Сизга иноят қилойин бир сори.

Ўртада бўлди эса бу қолу қил,
Борчамиза бўлди бу Шамъун кафил.

Бизни равон қилдию қолди ўзи,
Ушбу эди борчаларининг сўзи.

Борча борасиз мени ёлғиз солиб,
Бот келингиз Ибни Яминни олиб.

ЯЪҚУБ ШАМЪУН УЧУН НАВҲА ҚИЛҒОНИ

Ҳазрати Яъқуби наби ул замон,
Тузди яна нолау оҳу фиғон.

Дедики:— Нолам эди Юсуф бори,
Бўлди бу Шамъун куюки бир сори.

Ўртадингиз борча ўғуллар мени,
Оҳ, қани Юсуфу, Шамъун қани?

Дедилар ўғуллари атаб қасам:
Қилма наби ўзунгга жавру ситам.

Мисрда Шамъун чу саломат эрур,
Бизга нағу мунча маломат эрур?!

Номаи покингни биткин равон,
Жумлаи аҳволни қилғин баён.

Топшур они Ибни Яминга бу дам,
Миср сори борча қўели қадам.

Ҳазрати Яъқуб деди:— Аз гизоф,
Сўзламанг, ўғлонлару урманг бу лоф.

Ибни Яминдур менга ҳамдам мудом,
Кулбаи аҳзон ичида субҳу шом.

Они доғи мендин этарсиз жудо,
Менга деманг мунча баройи худо.

Дедилар ўғлонлари:— Э роҳбар,
Миср сори қилмали азми сафар.

Қолсун ұшал Мисрда Шамъун муқим,
Бордур онинг жонида юз хавфу бим.

**ЯЪҚУБ ҲАМ РОЗИ БУЛИБ
ИБНИ ЯМИННИ ҚАЙТА ЮБОРГОНИ**

Ҳазрати Яъқуб деди:— Ё илоҳ,
Ҳар тарафиким қилодурсан нигоҳ.

Сендин ўза йўқ менга фарёдрас,
Лутфунг эрур жумлаи бекасга кас.

Ибни Яминга деди:— Э ҳамдамим,
Бўлди фузун меҳнату дарду ғамим.

Муншийи келтурки битсун ушбу дам,
Номаи дил сўзда шарҳи алам.

Муншийи доно кетуруб ул замон,
Ибни Ямин нома бититти равон.

Аввали нома эди, номи илоҳ,
Лутфи эрур борчага пушту паноҳ.

Ўзга эди номада боштин-аёқ,
Фитнаи Юсуф била шарҳи фиरोқ.

Қиссаи Шамъунни айлаб баён,
Жумлаи аҳволини бир-бир аён.

Нома чу бититти бу Ибни Ямин,
Номани олғин доғи сен соқлоғин.

Чорлади ўғлонларини ушбу дам,
Деди:— Юринг, сидқ ила қўюнг қадам.

Рост эрур бори сизинг раҳбари,
Менинг ила аҳд қилинглам бари.

Бўлмағасиз бир-бирингизга ҳасуд,
Хоҳ зиён кўрсангизу хоҳи суд.

Қилдилар ўғлонлари ул лаҳза аҳд,
Борча қасам ичти қилиб жидду жаҳд.

Эрди аларнинг қасами ул замон,
Яъники пайғамбари охир замон...

Борчамиз айру бўлолинглар бори,
Ниятимиз бўлса ёмонлик сори.

Ҳазрати Яъқуби наби ул замон
Бўлди алар айти било шодмон.

Ибни Яминни кетуруб ҳасби ҳол,
Оғолариға қотти беқилу қол.

Дедики:— Тенгрига таваккал қил бу дам,
Авлодим, ул йўл уза қўюнг қадам.

Саъю талаб бобида айлаб жадал,
Борчангиз ул Мисрда етган маҳал.

Ҳар бирингиз бошқа кириглар равон,
Бўлғасиз элнинг кўзидин сиз ниҳон.

Ҳар не насиҳат деди ул дам расул,
Қилдилар ўғлонлари борин қабул.

Тебрадилар борча қилиб иттифоқ,
Миср сори ўртада қўюб нифоқ.

Юрур эди борча қилиб ихтимом,
Қатъи манозилни қилиб субҳу шом.

Саъй қилиб борча баҳукми илоҳ,
Мисрға етилару беиштибоҳ.

Қилдилар ўзгалари ул дам тамом,
Ҳазрати Яъқуб сўзини бу имом.

Борчалари йиғилиб ул дам тамом,
Шаҳр ичида андаки эрди мақом.

Айлаб эди онда келиб туштилар,
Борчаси Шамъун ила кўруштилар.

Топтилар ул рўз ҳам онда қарор,
Кўзлари эрди борининг интизор.

Юсуфи сиддиққа бўлди хабар,
Келдию Миср элини қилди бадар.

Ибни Ямин келгонидин бўлди шод,
Шукр қилиб бошлади бас адлу дод.

Уғлиға деди: — Ҳоло пайванди жон,
Қўпғилу, отлонғилу бўлғил равон.

Равшан эрур сенга қилибмен хабар,
Борча оғонг эрур бу канъонилар.

Лек бу сўзни тут ичингда ниҳон,
Қилмоғосен ҳеч кишига сен аён.

Борғин аларни яна уч кун тамом,
Яхши оғирлоғин, аё некном.

Юсуфи сиддиқ алайҳиссалом,
Сўзи била уч кеча-кундуз тамом,

Ушбу жамоатни қилиб меҳмон,
Қилди бу шаҳзода басы базлу хон.

Қолдилар онинг караминдин хижил,
Шаҳқа дуо қилдилар аз жону дил.

Бўлди чу уч кечау кундуз басар,
Шаҳни кўра келди бу канъонилар.

Еттилар ул дам ба дари боргоҳ,
Кўрдилар ул қудрату сунъи илоҳ.

Эрди дари боғ, чу боғи Ирам,
Саф-саф эди халқ, сипоҳу ҳашам.

Боштин-аёқ борчалари зарнигор,
Эрди иморот басы бешумор.

Филмасал ул равзаи ризвон эди,
Ақл онинг васфина ҳайрон эди.

Юсуфи сиддиқ ...
Тахти мурассаъни қилиб муттако.

Ўлтуруб эрди яна давлат била,
Нусрату иқболу саодат била.

Тобуғида халқ эди сад ҳазар,
Ҳукм ила фармонға бори интизор.

Ўзи саропардада эрди ниҳон,
Тоштин эди жумлаи халқи жаҳон.

Борча улукдин-кичигин кўралинг,
Келмагининг кайфиятин сўралинг.

Келдилар ул лаҳза бу канъонилар,
Хизмат учун борчаси боғлаб камар.

Турди эшикинда бори бандавор,
Кўзлари эрди бараҳи интизор.

Бизга шу Шамъунни замон бердингиз,
Борча бу Канъонга бориб келдингиз.

Ҳазрати Яъқуб саломи қани?
Номаи поки бу каломи қани?

ЮСУФ ОҒОЛАРИ ЯЪҚУБНИНГ НОМАСИНИ ЮБОРГАНИ

Юсуф оғолари бори ул замон,
Бўлдилар улуг-кичиги шодмон.

Борчаси таъзим ила ер ўптилар,
Бори тавозиъ қилибон кўптилар.

Бошладилар шаҳға ҳамду сано,
Мадҳу санони қилиб ул дам адо.

Номани таъзим ила чиқордилар,
Юсуфи зебо алина бердилар.

Юсуф ўшал номани кўрди очиб,

Гул юзина кўзларидин қон сочиб.

Йиғлаю, кирди ҳарам ичра равон,
Тузди ўшал лаҳза туман минг фиғон.

Номани суртар эди ул кўзига,
Гаҳ очибон қўёр эди юзига.

Кўрди Зулайхо деди:— Жону жаҳон,
Бу не аламдур, бу не дарду фиғон?

Кўз ёшинга мен қилайин жон нисор,
Бу не битикдур, менга де, шаҳриёр?

Юсуфи сиддиқ ёшартиб кўзин,
Деди:— Дейин санга битикнинг сўзин.

Номаи Яъқуб эрур бу битик,
Дарди эрур боғрима ўқдек итик.

Отом эрур ушбу расули худо,
Элик йил эрурким ўлубман жудо.

Ул бу фироқ ўтида бирён эрур,
Маскани ул кулбаи аҳзон эрур.

Туқғон эрур менга бу канъонилар,
Ушбу битикни кетурубтур алар.

Лек Зулайхо бу сўзумни зуҳур —
Қилма, чидасонг ўз-ўзунгдин ёшур.

ЮСУФ ЯНА ТАХТ УЗА УЛТУРҒОНИ

Юсуфи сиддиқ шаҳи некбахт,
Чиқтию ўлтурди чу бар рўйи тахт.

Эрди фироқ ўти ичинда ниҳон,
Қилмас эди шарҳини зоҳир аён.

Бўлди шилон вақти ўшал дам магар,
Қўйдилар ул лаҳза улуг ширалар.

Сурди ясовуллар улуснинг борин,
Тонидилар ҳар бири ерлик ерин.

Ҳазрати Юсуф деди ушбу замон:
— Ички баковулни кетурунг равон.

Келди баковул, деди ул шахриёр:
Борғилу Қанъон элини қил шумор.

Бизга эрур борилари меҳмон,
Борча набизода эрурлар аён.

Олти адан олтун аёққа таом,
Солғилу, қўйғилу хон ичра мудом.

Элтиб иков ораки ҳамзод эрур,
Бир-бирининг вуслатидин шод эрур.

Қўйғил ошосунлар алар бенифоқ,
Кўрки алар жуфт келур ёму тоқ.

Борди баковул ясади дар замон,
Олтун аёқта бориси олти хон.

Қўйди иковлон аро боиттифоқ,
Ибни Ямин қолди ул ўртода тоқ.

Бори иковлон ошор эрди таом,
Ибни Ямин ёлғиз эди, вассалом.

Қилди ўшал ҳолода Юсуфни ёд,
Қилди фироқ ўти вужудин бабод.

Абр киби тўкар эди кўзи ёш,
Бўлди анга захри ҳалоҳил ул ош.

ЮСУФ ОҒОЛАРИДИН ИБНИ ЯМИН ҚИССАСИН СУРҒОНИ

Юсуф ўшал хусрави рўйи замин.
Эрди алар ҳолатина дар камин.

Дедики:— Қанъонилар, айтинг бу дам,
Ул бирингиз нега эрур дар алам?

Сиз киби нега ошомайдур таом?
Қилди йиғи онга таомин ҳаром.

Ибни Ямин қўпти ўшал дам бапой,
Деди:— Аё сояи лутфи худой.

Ушбу ўнов борчаси ҳамзод эрур,
Бир-бирининг вуслатидин шод эрур.

Бор эди мени доғи бир туқғоним,
Анга фидо бўлмади жону таним.

Оти они Юсуф эди номвар,
Банда эди юзига шамсу қамар.

Эллик йил эрурким эрур нопадид,
Ҳажри эрур менга азоби шадид.

Бўлса эди ул оғом, э муҳтарам,
Биз доғи иков бўлур эрдик баҳам.

Хизматинга бўлса эди ул тирик,
Олтун аёққа бўлур эрди шерик.

Йиғлотодур мени онинг фирқати.
Ўртоди жон нақдини онинг ўти

Юсуф ўшал дамда бўлуб беқарор,
Пардада йиғлар эди, хуш зор-зор.

Йиғини қўйди бу шаҳи муҳтарам,
Дедики канъонийи соҳиб алам.

— Келгил, улушингга бўлай мен шерик,
Ўлган оғанг маънисини кўр тирик.

Ибни Яминни тилатиб ул замон,
Бўлди шерик онга бу шоҳи жаҳон.

Қолди таажжубда халойиқ кўзи,
Бўлди бу Мисрда Ибни Яминнинг сўзи.

Яъники канъони басы мустаҳақ,
Недин эрур шоҳ била ҳамтабақ.

Тенгри иноят қилиб Ибни Ямин,
Подшоҳи Миср била ҳамнишин.

Бўлди иковлон ошар эрди таом,
Юсуф эди пардада маҳ дар ғамом.

Юсуф иликларига ул дам магар,
Ибни Ямин солди кенида назар.

Кўзларидин бўлди равон сели хун,
Ваҳм эди ул дамдаки бўлса жунун.

Ҳазрати Юсуф деди:— Э нотавон,
Недин эрур йиғломоғинг бу замон?

Қилди иноят сенга ул лутфи ҳақ,
Подшоҳи Миср ила сен ҳамтабақ.

Ибни Ямин деди:— Шоҳи бокарам,
Вожиб эрур менга бу шукри ниам!

Бўлса ижозат менга ушбу замон,
Йиғломоғим сиррини айлай аён.

Юсуфи сиддиқ деди ушбу дам:
— Ҳар не сўзунг бўлса дегин, ема ғам.

Ибни Ямин деди:— Шаҳи хосу ом,
Боби латофатда иликинг тамом,

Ухшар оғом иликина бегумон,
Ушбу эрур йиғломоғимға нишон.

Ҳазрати Юсуф деди:— Ибни Ямин,
Менга Юсуф қиссасини сен дегин.

Ибни Ямин деди ул қисса бори,
Зоҳир эди борчалари ташқори.

— Юсуф оғомни олибон бордилар,
Борча ётур чоғда етиб келдилар.

Турдилар отом қотида ул замон,
Бордилару, туздилар оҳу фиғон...

Юсуф эди қўй қироғида магар,
Эрдик онинг ҳолатидин беҳабар.

Бўри келиб ептур они хуш тамом,
Қолиб эди пираҳани, вассалом.

Зоҳир эрур пираҳани ғарқи хун,
Борча хижолат била биз сарнигун.

Дедилар отомга бу турлук калом,
Бўлди очун айши отомга ҳаром.

Ушбу ҳикоятга эрур эллик ил,
Фирқатидин зор эрур биз залил.

Юсуфи шаҳаншаҳи покиза дин,
Деди:— Сенга мен дейин Ибни Ямин.

Юсуф оғонгнинг қани пираҳани?
Недин эрур қони тонирмен они.

Ибни Ямин деди:— Шоҳи хурдадон,
Менга эрур пираҳани бу замон.

Деди:— Кетур пираҳанин кўрайин,
Юсуф оғонг қиссасини сўрайин.

Ҳамдам эди Ибни Яминга мудом,
Пираҳани мунис эрур, субҳу шом.

Ҳажр ўтида токи гирифтор эди,
Пираҳан ул бўйнига тумор эди.

Келтуруб ул пираҳан Ибни Ямин,
Деди, мунок хусрави покиза дин.

Юсуфи сиддиқ шаҳи пок рой,
Пираҳанин кўрди ба ҳукми худой.

Кўзлари ҳар наргисидин тўкти ёш,
Деди:— Дейин, Ибни Ямин, сенга фош.

Пираҳани Юсуф эрур бу аён,
Лек ким ўғлоқ қонидур ушбу қон.

Ибни Ямин йиғлади ул лаҳза зор,
Тўкар эрди ёш чу абри баҳор.

Деди:— Аё хусрави покиза дин,
Олам эрур сенга базири нигин.

Ҳазрати Юсуф ...
Қилди бу пираҳанин ул дам нигоҳ.

Деди:— Бу иш борчаси талбис эрур,
Боис ўшал қиссаға иблис эрур.

Оқибатул амр бўлур ҳақ зуҳур,
Меҳнат ўтуб бўлғуси васлу сурур.

Эллик ил эрур бу талаб то мудом,
Йўлда эрур кўзларимиз субҳу шом.

Деди:— Аё хусрави соҳибкарам,
Юсуф эди, сизда эрур ушбу дам.

Боби латофатта қилингиз бори,
Юсуф илигидур улус сарвари.

ЮСУФ НАСИХАТ БИЛА ИБНИ ЯМИНҒА ДЕГОНИ

Ибни Яминға деди Юсуф бу дам:
— Мен сени оғонг бўлайин ема ғам.

Ибни Ямин йиғлади ул лаҳза зор,
Деди:— Отомсиз, билай, э шаҳриёр.

Лек оғо-иники туққон эрур,
Бир-бирининг дардига дармон эрур.

Юсуфи Яъқуб қани туққоним,
Куйди онинг ҳажрида жону таним.

Боғри куйуб Юсуфи шоҳи жаҳон,
Олди ниқобин юзидин ул замон.

Ибни Ямин кўрди чу Юсуф юзин,
Тикди онинг юзина ул дам кўзин.

Наъра уриб айлади ногаҳ хуруш,
Чиқди онинг зодидин ул ақлу ҳуш.

Бўлди ўшал ҳолда бехуд ўзи,
Қолмади оғзида бу сўзлар сўзи.

Ибни Ямин бошини ул дам равон,
Юсуфи сиддиқ қўпуб ҳавли жон —

Қўйниға олдию юзин-юзина
Суртар эди, келди магар ўзина.

Қўзин очиб деди:— Аё Юсуфум!
Жони азиз сену кўрар кўзум.

Ушбу менга давлати бедор эрур,
Ё бу тушумдоки намудор эрур.

Дедию Юсуф била қучиштилар,
Меҳнату ҳижронни суриштилар.

Ибни Ямин деди:— Оёғинг бу дам,
Ҳажр йўлида нега қўйдунг қадам.

Нега фироқ ўтида бизни кабоб —
Қилдинг, аё хусрави олижаноб.

Деди:— Муни шарҳини сўрма иним,
Куйди фироқ ўтида жону таним.

Ушбу ўн оғомким эрур ташқари,
Билким эрур жобиру золим бари.

Борчаларининг иши пайдо бўлур,
Ҳар бири ўз феълина гўё бўлур.

Ибни Ямин деди:— Бароғи худо,
Қилма мени эмди ўзунгдин жудо.

Токи тирикмен бу жаҳонда мудом,
Олинга хизмат қилайин субҳу шом...

Юсуфи сиддиқ деди:— Ема ғам,
Сени ойирмасмен ўзимдин бу дам.

Ҳийлау тадбир ила олой сени,
Билмасун ушбу оғоларим мени.

Тутқин ичингда бу сўзумни ниҳон,
Қилмоғосен ҳеч кишига сен аён.

Борғин аларнинг қошида ушбу дам,
Офати ҳижрондин уза ема ғам.

Ибни Ямин келди магар у замон,
Оғоларининг қошида ул равон.

Деди оғоларики:— Ибни Ямин,
Подшоҳи Миср била ҳамнишин —

Бўлдингу ҳамкоса эдинг, ҳамтабақ,
Ҳамроҳ эди, сенга бу алтофи ҳақ.

Ибни Ямин деди:— Мени шаҳриёр,
Кўрдикки ул лаҳза эдим беқарор.

Фирқат ўти бирла чу бирён эдим,
Абри баҳори киби бирён эдим.

Қилди ўшал қиссани мендин савол,
Дедим онинг шарҳини мен ҳисби ҳол.

Қиссаи Юсуфни тамомин баён,
Дедим эса, дедикки ушбу замон:

— Бўлса эди пираҳани Юсуфи,
Фош бўлур эрди бу сирри хафи.

Дедим:— Аё шоҳ, бу дам пираҳан,
Менга эрур жон киби андар бадан.

Деди:— Кетур, кўралинг ушбу замон,
Бўлсун ўшал сирри ниҳони аён.

Пираҳан ул ҳолда қилдим бадар,
Шоҳ очиб қонина солди назар.

Шоҳ дедиким:— Ҳоло ибни Ямин,
Ийғламагин, ема бу Юсуф ғамин.

Пираҳани Юсуф эрур бу аён,
Лек ким ўғлоқ қонидур ушбу қон.

Юсуф эрур олам ичинда тирик,
Шоҳи замона эрур, кони билик.

Деди бу сўзларни шаҳи номвар,
Ушбу эрур, қисса деюрмен хабар.

Юсуф оғолари бўлуб гунгу лол,
Борча дедиларки:— Недур ушбу ҳол?

Подшаҳи Миср валидур магар,
Дер у жавр воқеасидин хабар.

Борча деди шоҳи валоят эрур,
Илми онинг илми башорат эрур.

Оқибатул амр зи роҳи карам,
Юсуфи сиддиқ шаҳи муҳташам.

Чорлади ходимни ўшал дам ниҳон,
Деди:— Хазина ичида кир равон.

Олтун оёқким мурассаъ эрур,
Теграсида хатти муламмаъ эрур.

Борғину, анборға киргин бу дам,
Элт бу канъон элини сен баҳам.

Қил они паймона доғи ташлагин,
Бергин оларнинг бори ошлигин.

Айла бу паймонани тўғрию туз,
Борчанинг ошлигини бер тўкуз.

Ибни Ямин юкида охир замон,
Айла бу паймонани нозик ниҳон.

Ҳеч киши топмасун ондин хабар,
Шаҳр ичидин юклари бўлсун бадар.

Чунки алар чиқса бори ташқари,
Тебрасалар борчаси Канъон сари.

Боринг алар кенича сиз ул замон,
Ўғри тутингиз борисин бегумон.

Яъники паймонаи заррини шоҳ,
Ғойиб эрур ҳар неча қилдуқ нигоҳ.

Сизда эрур юкларингизни тамом,
Ахтороли борча қилиб ихтимом.

Чиқса онинг юкидин ул сои зар,
Кўрса оғолари турур дар назар.

Ибни Яминни олибон ул замон,
Шаҳр сори борча юрингиз равон.

Ҳар неки Юсуф деди хозин тамом,
Қилди мураттаб борисин, вассалом.

Келди ижозат ола канъонилар,
Қилғоли Қанъон сари азми сафар.

Ибни Яминни тилатиб дар ҳарам,
Юсуфи сиддиқ шаҳи бокарам.

Онга бу тадбир ишини сар-басар,
Дедию қилди они хуш бохабар.

Берди ижозат бориға ул замон,
Борчаси Қанъон сори бўлди равон.

Тебрадилар борчаси айлаб шитоб,
Ибни Яминнинг эди бағри кабоб.

Ўзгалари борчаси хандон эди,
Ибни Ямин орада гирён эди.

Боқти бу канъонилар аз роҳи бим,
Чиқти алар ортича гарди азим.

Эрди ўшал гард бамонанди дуд,
Етди баяк лаҳза қуюн киби дуд.

Чунки жудо бўлди бу гарду ғубор,
Чиқти ўшал ҳолда жамъи сувор.

Подшоҳи Мисрнинг ичкилари,
Эрди алар борча мукаммал бари.

Етди алар дедики:— Қаъонилар,
Сизда эмиш борча бу дурру гуҳар.

Сизга бу паймонаи заррин билан,
Бердик ўшал ғаллани тамкин билан.

Бўлди бу паймона орода адам,
Сизда сезиб сўра келиббиз бу дам.

Жумлаи юкларни тушурунг равон,
Ахтороли қолмасун ичда гумон.

Ибни Ямин оғолари ҳам бари,
Ер эдилар ғуссау ғам ташқари.

Борча дедиларки:— Қаён боралинг,
Не кўз ила ото юзин кўралинг?

Юсуф ўти бирла куёдур мудом,
Биздин эрур анга бу ўт субҳу шом.

Ибни Ямин ўти тақи бир сори
Бўлди, нетоли, бороли қай сори.

Борчадин улуг бу Яҳудо эди,
Дард била волау шайдо эди.

Деди:— Юринг, борча боролинг равон,
Шоҳнинг олида тузолинг фиғон.

Зотинг эрур сояи лутфи илоҳ,
Бизга тараҳҳум кўзидин қил нигоҳ.

Борча ғариблармизу ошуфтаҳол,
Бори фалак жаври била поймол.

Ибни Ямин ақлида бордур қусур,
Бедилу ошуфтадуру беҳузур.

Туққонидин токи бўлубтур жудо,
Меҳнати давронга бўлуб мубтало.

Гоҳ бўлуб туққонини билмас ул,
Гоҳ доғи қилур ишин қилмас ул.

Авф қил онинг гунаҳин шахриёр,
Йўқтур онинг ўзига чун ихтиёр.

Соқла бу Яъқуб наби ҳурматин,
Қўйма онинг ўғлиға ўғри отин...

Мунис эди онга бу Ибни Ямин,
Қулбаи аҳзонда эди ҳамнишин.

Қилма онинг васлини ондин жудо,
Ушбу кун, э шоҳ, ...

Юсуфи шоҳаншаҳи покиза дин,
Деди:— Эрур шаръ ила Ибни Ямин.

Ушбу гунаҳ бирла бу кун бандабиз,
Бандангиз эрур доғи шармандабиз.

Боринг эшикдин, ҳало канъонилар,
Ҳазрати Яъқубқа элтинг хабар.

Айламанг яна бу узун қиссани,
Борча боринг доғининг ғуссани.

Борди эшикдин бори канъонилар,
Бори бўлуб хун била ул лаҳза тар.

ЮСУФ ОҒОЛАРИ УРУШҚА ИТТИФОҚ ҚИЛҒОНИ

Юсуф оғолари қилиб иттифоқ,
Боғладилар ўртада буғзу нифоқ,

Деди алар:— Борча бўлинглар бу дам,
Ҳиммат ила бори қўёлинг қадам.

Подшоҳи Миср ила ул черикин,
Кўролинг ўлукину тирикин.

Жумлаи Миср улусини сар-басар,
Файрат ила айлоли зеру забар.

Ибни Яминни олибон ул замон,
Тебралли Қанъон сори хуш шодмон.

Борча адоват уза боғлаб камар,
Ёндилар ул лаҳза бу канъонилар.

Келдилару, туздилар оҳанги саф,
Бошладилар арбада бирла шааф.

Деди Яҳудоки:— Шаҳи номвар,
Фитна бўлур, фитнаи бас муътабар.

Ибни Яминнинг бошидин кеч бу дам,
Йўқ эса майдон ичида қўй қадам.

ЮСУФ ЖАВОБ АЙҒОНИ

Юсуфи сиддиқ чу султони дин,
Чунки эшитди бу Яҳудо сўзин.

Бўлди онга ғайрати пайғамбари,
Дедики:— Бори келингиз илгари.

Келдилар илгари бу канъонилар,
Кукрадилар ҳар бири чун шеру нар.

Турдилар ул Юсуф ила рўбарўй,
Қилғоли ул ҳолда хуш гуфтигўй.

Ҳазрати Юсуф бу шаҳи номвар,
Деди Яҳудога ўшал дам магар:

— Сўзлама кўб, мунча фиғонинг недур,
Боби шужоат ё нишонинг недур?

Деди Яҳудоки:— Чиқорсам фиғон,
Титрар ўшал лаҳза замину замон.

Борча хотунларға бўлур вазъи ҳамл,
Беҳуд ўлуб борча бўлурлар дағл.

Тузсом иккинчи карат овози қаҳр,
Беҳуду ошуфта бўлур аҳли шаҳр.

Чунки учинчи карат этсом нидо,
Билки ўшал лаҳза баҳукми худо,

Жон берур унимни эшиткон киши,
Ушбу эрур менда шужоат иши.

Ҳар бир иним мен қибидур беназир,
Балки чиқорур бу улусдин нафир.

Ибни Яминнинг бошидин кеч бу дам,
Кирма улус қониға кони карам.

ЮСУФ МЕШОМ ОТЛИҒ УҒЛИНИ АЛАРҒА МУОРИЗ ҚИЛҒОНИ

Ҳазрати Юсуф дедиким:— Аз гизоф,
Сўзлама, канъонию, урма бу лоф.

Чорлади ул ҳолда фарзандини,
Юсуфи сиддиқ жигарбандини.

От ила ул шоҳ чу Мешом эди,
Лутфи онинг халқ ичида ом эди.

Боғи рисолатда эди тоза гул,
Эрур онинг хулқина Миср эли қул.

Ҳуснида банда эдилар меҳру моҳ,
Боштин-аёқ эрди бу зилли илоҳ.

Ҳазрати Юсуф деди: — Э нури айн,
Баски бу канъонилар айлоди шайн.

Ҳаққа таваккул қил, э жони падар,
Бўлғил улуғи била сен ҳам камар.

Ҳазрати Мешом шаҳи бокарам,
Қўйди бу майдон ичида чун қадам.

Тутди Яҳудо камарин шерн мард,
Эрди чу эрликта ул шоҳ фард.

Тошлади майдондин они ташқари,
Борди йиқила узала беш қари.

Айлади афғон бори канъонилар,
Келди яна ўртда Шамъун магар.

Ҳазрати Мешомға бўлди ғаним,
Боғри эди порау кўнгли ду ним.

Ҳамраҳи Мешом эди фатҳу зафар,
Айлади Шамъунни ондин батар.

Кўрди бу канъонилар ул зўри даст,
Борчаси майдон ичида бўлди паст.

Ҳазрати Юсуф деди ушбу замон:
— Кўрдунгиз ўғлум ишини сиз аён,

Келингиз отоси ишини кўрунг,
Ўзунгиза яраша бас лоф урунг.

Бор эди майдонда санги азим,
Ётқон ўшал ер уза умри қадим.

Ҳазрати Юсуф деди ушбу замон:
— Борча бу тошни кўторинглар равон.

Ҳар неча зўр урди бу канъонилар,
Тебрамади ер юзидин ул ҳажар.

Юсуфи сиддиқ эрди пардапўш,
Ғайрати ул ҳолда айлади жўш.

Урди ўшал тошқа бир пеш пой,
Чархдек ўгрилди баҳукми худой.

Тушди бу майдон ичидин тошқари,
Борди ўшал лаҳза магар қирқ қари.

Наъра уриб айлади Юсуф хуруш,
Борди бу канъон элидин ақлу хуш.

Борча ҳазимат йўлини тутдилар,
Ибни Ямин отини унутдилар.

Борча чиқиб тутти алар гўшаи,
Борча ёниб қилдилар андешаи.

Деди Яҳудоки: — Билинглар бу дам,
Хиттаи Қанъон сори қўйманг қадам.

Не кўз ила кўрайин отом юзин,
Онга не дей Ибни Яминнинг сўзин.

Дедики Шамъун:— Менга берманг судоъ,
Мен доғи канъонни қилдим видоъ.

Не деб отом юзина мен боқойин,
Ўтининг узра яна ўт ёқойин.

Ҳар бири бир бошқа эди навҳагар,
Ҳол эрди аларга чу зеру забар.

Деди Яҳудоки боримиз бу дам,
Неча есак ғуссау андуҳу ғам.

Бўлмас ишимиз яна мунда басар,
Топмас отомиз доғи биздин хабар.

Мен қолайин бунда бу Шамъун била,
Дида наму синаи маҳзун била.

Ўзга ого-ини бўлинглар бадар,
Айтинг отомизга бу ишдин хабар.

Ибни Ямин қиссасин айланг аён,
Жумлаи аҳволини бир-бир баён.

Онда бўлур мушкилимиз бори ҳал,
Ҳар неки ул деса қилоли амал.

Борча бу сўзда қилибон иттифоқ,
Тебради саккиз киши айлаб яроқ.

Юкладилар бўлдилар ул дам равон,
Ҳамроҳ эди баски улуг карвон.

Юрудилар саъй қилиб субҳу шом,
Қилдилар ул қатъи манозил тамом.

Хиттаи Канъонга етишти алар,
Борча алар манзилина туштилари.

Борчалари бедилу бас нотавон,
Ҳазрати Яъқуб қотида равон.

Келдилару, қилдилар ул арзи ҳол,
Йиғладилар, қолмади сўзга мажол.

Ибни Ямин воқеасин ул замон,
Қилдилар ул лаҳза тамомин аён.

Ҳазрати Яъқуб эшитди бу хабар,
Бўлди ўшал дам ўзидин беҳабар...

Фирқати Юсуфтин аё зулминан,
Кулбаи аҳзон қилиб эрдим ватан.

Юсуф эди Ибни Яминдин мудом,
Келди тақи бўлди менга субҳ-шом.

Они тақи ушбу замон рўзгор,
Қилди жудо мендин, э парвардигор.

Лутф айла ғаврума, ет, ё илоҳ,
Раҳматинг эрур бориға узри хоҳ.

Ушбу муножотни қилди адо,
Борди ўзидин бу расули худо.

Борди онинг зотидин ул изтироб,
Бўлди онинг кўзлари ногаҳ баҳоб.

ЯЪҚУБ АЗРОИЛНИ ТУШ КЎРИБ ЮСУФ ҚИССАСИН СЎРҒОНИ

Қобизи арвоҳни ул кўрди туш,
Бўлди деди онга чу вақти юруш.

Ҳазрати Юсуф била таслими жон,
Оҳ, қилурман нетойин бу замон.

Қобизи арвоҳ ўшал дам магар,
Ҳазрати Яъқубқа берди хабар.

Деди:— Аё махзани лутфу карам,
Сени зиёрат қило келдим бу дам.

Ғам ема йўқтур сенга вақти юруш,
Ризқинг эрур дунёда чандин улуш.

Ҳазрати Яъқуб деди ушбу дам:
— Менга аён айла, аё муҳтарам.

Борму экан Юсуфум эмди тирик?
Ехуд онинг руҳина ювдук илик.

Қобизи арвоҳ деди:— Ё расул,
Бўлмасун хотири покинг малул.

Юсуф эрур олам ичида тирик,
Шоҳи замон эруру кони билик.

Ҳазрати Яъқуб бўлуб шодмон,
Сесканиб уйғонди магар ул замон.

Айлади ул лаҳза ул шукри илоҳ,
Қилди бу авлодина ногаҳ нигоҳ.

Деди:— Ҳоло Ибни Ямин ушбу дам,
Подшоҳи Миср биладур баҳам.

Ушбу сўзунгдин било олдим они,
Бас бу Яҳудо била Шамъун қони?

Айдилар ўғлонлари:— Э роҳбар,
Бизга изинг туфроғидур тожи сар.

Қолди Яҳудо била Шамъун иков,
Меҳнату андуҳ илкинда гаров.

Деди алар:— Мисрда шому саҳар,
Ибни Яминдин тополинг бир хабар.

Қўймали меҳнатда они ёлғузун,
Англоли аҳволини биз кундузун.

Бизга алар дедики:— Боринг равон,
Ибни Ямин қиссасин айланг аён.

Арз қилинг отомиза сиз борин,
Кечкан ўшал қиссанинг айтинг борин.

Бизга не йўл кўргузур ул роҳбар,
Ҳар неки дер бизга кетурунг хабар.

Айлолинг ото сўзи бирла амал,
Қилмали беҳуда бу саъю жадал.

Ушбу эрур келгонимизга сабаб,
Воқиф эрур жумлаи аҳли араб.

Бизга не иршод қилурсиз бу дам,
Миср сори яна қўёлинг қадам.

ЯЪҚУБ МИСРГА ЯНА НОМА ЮБОРҒОНИ

Ҳазрати Яъқуб деди ул замон:
— Муншийи доно кетурунгиз равон.

Деди:— Аё муншийи неку калом,
Подшоҳи Мисрға биздин салом.

Борингу дейингиз, ҳоло султони дин,
Малик сизу жумлаи рўйи замин.

Ходим эрур эшигинга нўҳ фалак,
Адлингга маддоҳ эрурлар малак.

Тутди бу дам қоф то қофи жаҳон,
Яхши отинг адл ила шоҳи замон.

Зотинг эрур сояи лутфи илоҳ,
Сен кеби йўқ дунёда пушту паноҳ.

Айлаб эдим ҳазратингга мен баён,
Қиссаи Юсуфни мушарраҳ аён.

Кулбаи аҳзон эрур масканим,
Куйди фироқ ўтида жону таним.

Хастамену, бедилу, зору заҳир,
Кўз ёшидин кўзларим эрур басир.

Бўлмоди Юсуф ўти бир зарра кам,
Ўртар онинг шуълаи ҳар дам-бадам.

Ибни Ямин эрди менинг ҳамдамим,
Кулбаи аҳзонда бу эрди ғамим.

Айлади қаҳринг они мендин жудо,
Менга бало устида бўлди бало.

Қолди Яҳудо билан Шамъун икав,
Ибни Ямин қиссасидадур гарав.

Ибни Яминнинг гуноҳин бу замон,
Менга иноят қил, э шоҳи жаҳон.

Боқмагин онинг бу ёмон ишина,
Боқгин онинг бағридаги решина.

Туқғонининг дардиға девонадур,
Ғуссау андуҳ ила ҳамхонадур.

Ушбу тилокимни қилурсен раво,
Мен доғи билғил бамаҳалли дуо.

Тенғридин истай сенга фатҳу зафар,
Жумлаи ҳол ичра шаҳи номвар.

Ушбу қабил номани битиб равон,
Қилди бу Яъқуб наби ул равон.

Номани ўғлонлари таъзим илон,
Олдилару тебрадилар бийми илон.

Оқибатул амр чекиб ранжи роҳ,
Етди олар Мисрга беиштибоҳ.

Эрди Яҳудо билан Шамъун баҳам,
Ибни Ямин қиссаидин дар алам.

Кўрдилар ул номани ул дам очиб,
Йиғладилар кўзларидин қон сочиб.

ЯЪҚУБНУНГ НОМАСИН ЭЛТИБ ЮСУФҚА КЎРГУЗГОНИ

Деди алар борча боролинг бу дам,
Шоҳ жанобинда кўёли қадам.

Номани кўргузгали таъзим илон,
Неча ёшуруб туроли бийм илон.

Шоҳ жанобинда бори келдилар,
Борча адаб шарти билан турдилар.

— Мадҳу сано,— дедилар ул дам бори,
Яъни аё халқи жаҳон сарвари.

Зотинг эрур зилли илоҳи бу дам,
Лутфунг эрур халқ паноҳи бу дам.

Ҳазрати Яъқубқа, э шоҳи дин,
Борчамиз авлод эрурбиз яқин.

Ибни Ямин қиссасидин бу замон,
Ҳазратинга нома қилибтур равон.

ЯЪҚУБ НОМАСИНИ ЮСУФ ОЛИБ КҮРГОНИ

Юсуфи сиддиқ шаҳи пок дин,
Доим эди тахт уза парданишин.

Деди:— Қони нома, кетуринг равон,
Номада недур, кўролинг бу замон.

Қилди алар номани ул дам бадар,
Ибни Яминнинг элига бердилар.

Ибни Ямин номани олган замон,
Қирди ҳарам ичра бўлуб шодмон.

Ўптию Юсуфқа они берди зуд,
Солди фироқ узра димоғинда дуд.

Юсуф очиб кўрдию йиғлоди қон,
Деди:— Аё холиқи халқи жаҳон.

Неча фироқ ўтина куйсун бу пир,
Лутф қилиб бўлғун онга дастгир.

Деди ўшал лаҳзаки канъонилар,
Номани кўрдук борисин сарбасар.

Эрур ушу номада бошдин-аёқ,
Қиссаи Юсуф била шарҳи фироқ.

Ҳазрати Яъқуб наби мунча йил
Тифи фироқ илгина бўлмиш қатил.

Онга битай нома жавобин бу дам,
Қелтурингиз бот довоту қалам.

ЮСУФ УШАЛ НОМА ОРҚАСИНДА ЖАВОБ
БИТҚОНИ

Олди қалам илгина ул шаҳриёр,
Йиғлар эди кўзлари қон зор-зор.

Номани орқосида ёзди магар,
Кўз ёшидин ушбу шаҳи номвар.

Яъники сабр айла расули худо,
Утгусидур меҳнату дарду бало.

Очқусидур тенгри дари бастанни,
Кўргасен ул Юсуфи дил хастанни.

Ул доғи қурбони жамолинг эрур,
Жон била жўёйи висолинг эрур.

Нома жавобин олибон ул замон,
Бўлди бу Канъон сори Шамъун равон.

Чекти басы меҳнату ранжи сафар,
Ҳазрати Яъқубқа етди магар.

Қўйди аёғина ўшал дам юзин,
Деди ўшал лаҳза тамоми сўзин.

Нома билан нома жавобин равон,
Ҳазрати Яъқубқа берди аён...

Кўзларидин бўлди равон сели хун,
Тушти димоғинда ҳавойи жунун.

Деди:— Не хуш номаи дилжўй эрур?
Коғазу хат бориси хушбўй эрур.

Дедики Шамъун:— Ҳоло жони падар,
Номада Юсуф идидур сарбасар.

Юсуф идини топодурман бу дам,
Борча талаб йўлида қўйунг қадам.

Миср шаҳи бўлмасун ул Юсуфум,
Тенгри кетургайму ужур бу сўзум.

Дедики Шамъун:— Ҳоло э раҳнамо,
Қўй бу ҳикоятни баройи худо.

Бўлди бу Юсуф тани зарроти хок,
Айлади кул лавҳида отини пок.

Ибни Ямин махласина қил илож,
Ушбу эрур бизга бу дам эҳтиёж.

Нома жавобиға не дерсен жавоб?
Мен боройин Мисрға айлаб шитоб.

Ҳазрати Яъқуб деди бу замон:
— Саъй қилиб Мисрға бўлгин равон.

Борча юруб Мисрда айланг талаб,
Юсуф учун ҳар сори сиз рўзу шаб.

Ушбу эрур нома жавобин бу дам,
Тебра талаб йўлида қўюб қадам.

Ушбу кетурган битигингдин мудом,
Нега келур Юсуф иди субҳу шом.

ШАМЪУН ЯНА МИСРҒА ЕНИБ КЕЛГОНИ

Оқибатул амр бу Шамъун ёниб,
Мисрға келди куюнуб, ўртониб.

Қўрди биродарларини ул замон,
Жумлаи аҳволини қилди аён.

Дедики:— Дейдур отомиз ушбу дам,
Борча талаб йўлига қўюнг қадам.

Тенгридин истаб бори тавфиқни,
Истангиз ул Юсуфни сиддиқни.

Бори дедиларки:— Ажабдур — ажаб,
Қайда бу Юсуфни қилолинг талаб.

Субҳи қиёмат агар ўлса зуҳур,
Бўлса ўшал лаҳза магар нафхи сур.

Ҳашрда Юсуфни қилолинг талаб,
Истаримиз онда эмастур ажаб.

Лек эрур дунёда амри маҳол,
Топқомиз они тилабон моҳу сол.

Борча қўюнг ото сўзин ушбу дам,
Бордур онинг жониға юз минг алам.

Лек юрунг, борча боролинг равон,
Шоҳ эшикинда тузолинг фиғом.

Чиқса ҳарамнинг ичидин ташқари,
Айлоли зорию тазарруъ бари.

Бизга илик тутса бу лутфи илоҳ,
Раҳм кўзидин яна қилғой нигоҳ.

Ушбу таманно била канъонилар
Шоҳ эшикида бори келдилар.

Юсуф аларни тилатиб ул замон,
Деди: — Недур сўзунгиз, айланг аён?

Борча дедиларки:— Аё шаҳриёр,
Ибни Ямин йўлида биз интизор.

Ибни Ямин учун биз, э кони карам,
Икки киши банда бўлоли бу дам.

Айлагил озод они баҳри худо,
Бўлмосун эмди отосиндин жудо.

ЮСУФ ЯЪҚУБ ҚИССАСИН УҒЛОНЛАРИДАН СҮРҒОНИ

Ҳазрати Юсуф деди ушбу дам,
Ҳазрати Яъқуб недур дар алам.

Борча дедиларки:— Шаҳи номвар,
Айтоли Яъқуб набидин хабар.

Юсуф ўти куёр эди ул мудом,
Зикри онинг Юсуф эди субҳу шом.

Ибни Яминни алами ушбу дам,
Бўлди онга шоҳ алам дар алам.

Ҳазрати Юсуф дедиким бу замон:
— Қиссаи Юсуфни қилинглар баён.

Борча дедиларки:— Шаҳи бокарам,
Эрди бизинг бирла бу Юсуф баҳам.

Уйнар эди қўй қироғинда ўзи,
Онга эди борчанинг ул дам кўзи.

Қўйға бўри кирди баяк ногаҳон,
Борчамиз ул ҳолда бўлдуқ давон.

Қолди оромизда бу Юсуф йироқ,
Борча унуттиқ они бо иттифоқ.

Ёд қилиб топтуқ они ҳавли жон,
Борча фироқинда чиқориб фиғон.

Келдук эса топмодук они бу дам,
Бўлди зиёда биза андуҳу ғам.

Ҳар тарафи истодук они равон,
Топтуқ они кўнглакини ғарқи қон.

Ебтур они бўри топиб ёлғузун,
Ёзи ёбон ичра ўшал кечқурун.

Борчамиз ул ҳолни кўргач равон,
Туздук ўшал ёзида шину фиғон.

Борча яқоларни қилиб чок-чок,
Сочтук ўшал дам бошимиз узра хок.

Қонға бўёғлиғ онинг ул кўнглокин,
Олдику ёндуқ бори уйга кейин.

Келдук ўшал кеча билан ул замон,
Отомиз оллида кўтардук фиғон.

Қилдуқ отомизға бу иштин хабар,
Бўлди онинг қалбидин жони бадар.

Боштин-аёқ бўлди вужуди адам,
Келди яна ўзига ул субҳидам.

Қилди ўшал ҳолни биздин савол,
Дедук анга борча бўлуб шарҳи ҳол.

Эллик ил эрур бу замон шахриёр,
Фурқати Юсуф била ул зор-зор.

Йиғлар ўшал пир башому саҳар,
Ҳар кишидин сўрар — у истар хабар.

Бўри егон қиссани ул илтифот
Қилмасу, дер, Юсуф эрур дар ҳаёт.

Мунис эди анга бу Ибни Ямин,
Кулбаи аҳзонда, аё шоҳи дин...

ЮСУФ ҚАНЪОНДОҒИ УЛ ХАТ ҚИССАСИН СУРҒОНИ

Ҳазрати Юсуф деди ушбу замон,
Менда эрур бир хати ибри забон.

Они кўрунгизу ўқунг ушбу дам,
Мен доғи билай на борибтур қалам.

Келтуруб ул хатни ўшал дам магар,
Ушбу Яҳудо алина бердилар.

Кўрди Яҳудо, тониди ўз хатин,
Билди ўшал воқеанинг суратин.

Дедики Юсуф:— Не хат эрур бу хат,
Рост денгиз менга сиз айтманг ғалат.

Мен билурам жумлаи тиллар билинг,
Ростлиғ узра сиз борингиз келинг.

Ҳазрати Яъқубнинг авлодисиз,
Балки бори халқнинг устодисиз.

Хос эрур сиз борингиз ушбу дам,
Хатда битибтур отингизни қалам.

Юсуф оти хатда бўлодур бадар,
Молики тожирға сотибсиз магар.

Борча йигирми дирам олиб баҳо,
Сотқон эмишсиз бори кадхудо.

Ушбу не Юсуфдур айтинг бори,
Бойиъи сиз, молик онга муштари.

ЮСУФ ОҒОЛАРИ НОЧОРДИН ЖАВОБ АЙҒОНИ

Қолдилар ул ҳолда бори хижил,
Борча дедилар бўлубон мунфаил:

Сотқон ўшал Юсуф эди бандамиз,
Эрди ёмонлиғ била шармандамиз.

Ўғрию қочқоқ эдию бул фазул,
Қилмас эди ҳеч насиҳат қабул.

Доим эди борча ёмонлиғ иши,
Неча маломат онга қилсун киши.

Ушбу сабаблар била соттуқ они,
Саҳл бало бирла узоттуқ они.

Юсуф эди парда ичинда ниҳон,
Тўкар эди кўзлари ҳар лаҳза қон.

ЮСУФ ТОС КЕЛТУРУБ ОҒОЛАРИНИНГ СИРРИНИ ТОСДИН СУРҒОНИ

Деди оғоларғаки:— Қанъонилар,
Боштин-аёқ сўзунгиз ўш сарбасар—

Зарқ ила талбис кўрунур менга,
Ушбу сабаб бирла инонмон анга.

Менга эрур тоси мурассаъ бу дам,
Ҳарне бўлур дунёда шодию ғам.

Келур ўшал воқеа ондин садо,
Яхши-ёмон бўлур ўшал дам жудо.

Таъбиядур тосда илми ладун,
Айтур ўшал ҳол тилиндин сухун.

Айлоли ул тосдин эмди яқин,
Ҳар сўзунгиз бор эса ёлғону чин.

Шоҳ кишиси борибон ул замон,
Тоси мурассаъни кетурди равон.

Қўйди они шоҳ қотинда магар,
Шоҳ олиб илгина бир мили зар.

Урди ўшал тосқа бир зарби мил,
Тос чиқорди бу садо узра, бил.

Деди:— Аё подшоҳи додгар,
Банданг эрур нусрату фатҳу зафар.

Ушбу жамоатким эрур дар ҳузур,
Борчасининг сўзида бордур қусур.

Борчаларининг ери Қанъон эрур,
Боштин-аёқ сўзлари ёлғон эрур.

Шоҳ яна тосқа бир зарби мил,
Дедики, ёлғон эрур бу қабил.

Дедики, Юсуфни булар туттилар,
Боғладилар, чоҳ ичида солдилар.

Пираҳанин бўядилар қон билан,
Келдилар ул сурати ёлғон билан.

Ҳазрати Яъқубқа йиғлаб бори,
Дедилар:— Э халқи жаҳон сарвари.

Бўри еди ёзида Юсуфни пок,
Бори онинг дардина бўлдук ҳалок.

Урди яна мил бу шоҳи замон,
Тосқа деди яна ҳам қилгин аён.

Дедики, Юсуфни чиқорди зи чоҳ,
Молики тожир чу баҳукми илоҳ.

Келди булар борча они туттилар,
Бандамиз эрур деб они соттилар.

Олдилар ул лаҳза йигирми дирам,
Молики тожирдин олар бешу кам.

Молики тожирға дедилар:— Бу қул,
Қочқоқ эрур, айла анга банду ғул.

Борча ёмонлиғларини ул замон,
Айлади ул тос чу бир-бир аён.

ЮСУФ ОГОЛАРИ ИНФИОЛДИН БОШЛАРИН ҚУИИ СОЛҒОНЛАРИ

Бўлдилар ул лаҳза уётлиқ бори,
Қолди тубон борчасининг бошлари.

Бўлдилар ул дамда бори гунгу лол,
Йўқ эди аларға сўзларга мажол.

Ҳазрати Юсуф деди ушбу замон:
— Борчани зиндонға солинглар равон.

Кестурайин илик аёгин борин,
Торттурайин дор уза бир-бир борин.

Борчалари ўғрию каззоб эрур,
Борчалари раҳзану қаллоб эрур.

Банд қилиб борчасини ул замон,
Солди бу зиндонда чу зиндониён.

ЮСУФ ОГОЛАРИНИНГ ҲОЛИ ЗИНДОНДА

Бўлди бу зиндонға гирифтор алар,
Қолди бори ожизу афгор алар.

Дер эди йиғлаб бориси зор-зор,
Яъни:— Ёмонлиғларимиз ошкор.

Туштию бўлди бу замон рўю рўз,
Бизга хижолат ўтидур дарду сўз.

Қилдуқ ўлумни бу замон ихтиёр,
Бўлғуча Қанъон элидин шармисор.

Оҳки, туштук отамиздин йироқ,
Қўйдуқ онинг бағрина доғи фироқ.

Юсуф ўти эрди онга ёлғузун,
Бўлди онга борчамиз ўти бу кун.

Бизга ўлум дарди эрур бу замон,
Анга бу ўт куюгидур ҳар замон.

Ҳар бири бир навъ бўлуб навҳагар,
Нолау фарёд этар эрдилар.

Ўттию тун, бўлди магар субҳдам,
Юсуфи сиддиқ шаҳи бокарам.

ЮСУФНИНГ УҒЛИ ЗИНДОН ЭШИГИДА БОР ТИНГЛАҒОНИ

Чарлади ўғлин дедиким бу замон:
— Борғил ўшал эл кўзидин бўл ниҳон.

Онгла бу зиндонилар аҳволини,
Тингла оларнинг бори ақволини.

Юруди бу шаҳзодан соҳибкарам,
Ёшура зиндон сори қўйди қадам.

Келди чу зиндон эшикинда равон,
Тинглади оларға бу оҳу фиғон.

Йиғлар эди борчалари зор-зор,
Дер эди борчалари:— Ё биру бор.

Уртоди жон нақдини нори фироқ,
Борча ўлармиз отамиздин йироқ.

Борча қиёмат сафариға қадам,
Қўйдуқ отомизға қўюб доғи ғам.

Борча гуноҳкор эрурбиз, ё илоҳ,
Бизга магар лутфунг эрур узрхоҳ.

Тутқай илик ушбу балода магар,
Сочрағабиз борча зи хавфу хатар.

Онглади шаҳзода буларнинг сўзин,
Ёнди ўшал лаҳза ёшортиб кўзин.

Келди отосига деди шаҳриёр,
Борчаси нолишда эрур зор-зор.

Борчасининг кўзлари гирён эрур,
Борча ўлум ваҳмида ларзон эрур.

Юсуфи сиддиқ аларнинг сўзин,
Эшитиб, ул лаҳза ёшартти кўзин.

БУ МАҲАЛДА ЖАБРАИЛ КЕЛГони

Етди ўшал ҳолда руҳул амин,
Дедики Юсуф:— Ҳоло султони дин.

Тенгри деди сенга салом ушбу дам,
Деди:— Аё маъдани жуду карам.

Оғоларинг гарчи гунаҳкор эрур,
Воситаси иблиси бадкор эрур.

Оғоларинг ёзуқини бу замон,
Менга боғишлағил, аё шоҳ жаҳон.

Тенгри иноётида қил иътимод,
Бўлма онинг раҳматидин ноумид.

Осийи бечорайи нома сиёҳ,
Тенгрининг алтофина айла нигоҳ.

Роҳиму раҳмон эрур ул бениёз,
Борчаға эрур карами корсоз.

Бўлма гунаҳкор уза аларға адаб,
Қилғил ўшал тенгри ризосин талаб.

Оқибатул Юсуфи соҳибкарам,
Руҳул аминға деди:— Э муҳтарам.

Жон била тенгри сўзини мен қабул
Қилдиму айлай яна барги вусул.

Қилди бу зиндоннинг ичиндин бадар,
Юсуф аларнинг борисин сарбасар.

Келди оғолари бори хору зор,
Турдилар эшикда бори бандавор.

Кўрдилар ул лаҳза асоси азим,
Борчаси ларзон эди аз хавфу бийм.

Борчасининг кўзлари ҳайрон эди,
Борчасига дағдаған жон эди.

Юсуф эди тахт уза ул дам магар,
Ибни Ямин эди анга дарназар.

Ўнг қўлида минг йигит эрди яно,
Борчаси хуршидвашу маҳлиқо.

Борчалари соҳиби тожу камар,
Борчалари боштин-аёқ ғарқи зар.

Сўнг қўлида минг қиз эди беназир,
Борчалари ҳусн ила бадри мунир.

Борча жавоҳир ичида эрди ғарқ,
Боштин-аёқ зарбаф эди то бафарқ.

Ҳазрати Юсуф деди:— Канъонилар,
Илгари келинг доғи айтинг хабар.

Борчалари юраги титраб равон,
Келди яқин борчалари ҳавли жон.

Кўрдилар ул шавкату иззу жалол,
Қолдилар ул борчалари гунгу лол.

Юсуфи сиддиқ деди бу замон:
— Ҳазрати Яъқубдин айтинг нишон.

Деди аларким, бу замон мумтаҳан
Эрур ўшал сокини байтул ҳазан.

Юсуф отидур онинг ул ҳамдами,
Мунис эрур оига бу Юсуф ғами.

Бордур уммиди яна кўрса юзин,
Қобизи арвоҳқа Юсуф сўзин,

Чунки деса бордур ул ўғлунг тирик,
Шоҳи замон эрур ул кони билик.

Ушбу сабабдин эрур уммидвор,
Кўзлари эрур бараҳи интизор.

Юсуф ўшал лаҳза яна зор-зор,
Йиғладию қолмади онга қарор.

Тушти онинг жонина минг изтироб,
Олди магар юзидин ул дам ниқоб.

Деди аларғаки келинг бу замон,
Юсуфи сиддиқни кўрунглар аён...

ЮСУФ ОҒОЛАРИ ЮСУФНИ ЮЗИНИ ҚУРУБ БЕҲУД БУЛҒОНИ

Кўргоч оғолари онинг юзини,
Қилдилар ул ҳолда йўқ ўзини.

Борчасининг бўлди вужуди адам,
Беҳуд эдилар бори сарто қадам.

Келди алар ўзларина ногаҳон,
Борчалари туздилар оҳу фиғон.

Борчаси ҳасрат юзидин тўкти ёш,
Борчаси Юсуфқа келиб қўйди бош.

Дедилар:— Э сояи лутфи илоҳ,
Боштин-аёқ боримиз эрур гуноҳ.

Оҳ, не кўз бирла кўролинг юзунг,
Бизни букун сўрмау ўлтур ўзунг.

Юсуф ўшал лаҳза ёшартиб кўзин,
Қўптию, ўпти борисининг юзин.

Борчани бир-бир қучубон йиғлади,
Борчасининг иззатини сақлади.

Борча деди емангиз эмди бу гам,
Васл бисотина қўёлинг қадам.

Ўтти бу ҳижрон куни беиштибоҳ,
Васл куни туғди зи лутфи илоҳ.

Деди оғоларики:— Қони карам,
Юзунга нечук боқоли биз бу дам.

Неча карам бирла кечурсанг гуноҳ,
Қўнглунга кечкай ишимиз гоҳ-гоҳ.

Гарчи ушолгонни уласа бўлур,
Лек ўшал ўрнига тугун қолур.

Ҳазрати Юсуф деди, билгил яқин,
Менга хабар берди бу руҳул амин.

Яъни деди ҳазрати ҳақ бу замон,
Юсуфи сиддиққа қилгил баён.

Ҳарне оғоларинг этибтур гуноҳ,
Қилма ёмонлиқларина сен нигоҳ.

Борча ёмонлиқларини сен кечур,
Борчасиға васл шаробин ичур.

Тенгри сўзи бирла қилибман адо,
Ҳарне хусуматким эди ўртадо.

Хотирингиз жамъ қилоли бори,
Борча борурсиз яна Қанъон сори.

Деди бу сўзларнию, қўпти ба пой,
Борчасини элтди ба меҳмонсарой.

Уч кеча-кундуз бориға берди тўй,
Қилди алар айшу тараб рўбарўй.

Боштин-аёқ борчаға турлук либос.
Кийдурубон, берди яна юз асос.

Борчасиға боғлади олтун камар,
Қилди аларнинг борисин муътабар.

Юсуфи сиддиқ шаҳи пок рой,
Қилди муножот яна бор худой.

Деди иноят йўлидин, ё илоҳ,
Мисрға қилдинг мени сен подшоҳ.

Айла иноят яна лутфу карам,
Қил бу отом кўзини бино бу дам.

Мени тилой Мисрға келсун ўзи,
Юзума тушсун у муборак кўзи.

Бандани кўрсун бу салобат била,
Давлату, иқболу саодат била.

РУХУЛ АМИН ЯНА ХАБАР КЕЛТУРГОНИ

Рухул амин келди деди:— Ё расул,
Ҳазрати ҳақ қилди тилокинг қабул.

Қилғил ўшал пираҳанингни бадар,
Хиттаи Канъонда отонгға юбор.

Кўзига суртуб бино бўлур,
Жумлаи аъзоси тавоно бўлур.

Юсуфи сиддиқ ...
Қилди оғалари яроғин тамом.

Деди:— Нару модадин айланг қатор,
Тева кетуруб доғи айланг хабар.

Юклатингиз ярмоқу, рахту қумош,
Боргаҳу, харгаҳу важҳи маош.

Айлангиз отом табуғида равон,
Ўзи билур ўз чироғин ул замон.

Жумлаи беклари йиғилиб тамом,
Қилдилар бу ишда басы иҳтимом.

Борча яроқ бирла бу эллик қатор,
Тева юкин қилдилар ул лаҳза бор,

Узотибон борча борур кишини,
Рост қилиб жумлаи йўл ишини.

Юсуф оғолари ўшал дам бори,
Тебрадилар хиттаи Канъон сори.

Пираҳанин Юсуф ўшал дам магар,
Отосиға юборур учун бадар.

Қилди эса, келди онга жабраил,
Деди эрур амр зи рабби жалил.

Пираҳанинг бер бу Башир илгина,
Ожизу афгору асир илгина.

Сенгау отонгға ул эрур сабаб,
Чектингиз эса алами рўзу шаб.

Эрур Башир оносию оҳи Башир,
Эмар эди эмчагини ул Башир.

Ҳазрати Яъқуб они сотқун олиб,
Сутлук учун сенга энога қилиб.

Сотти ойириб бу Баширин онинг,
Эмар эдинг, сен доғи ширин онинг.

Боғри ўшал доҳнинг эрди кабоб,
Ўғли фироқида эди дар азоб.

Қилди саҳар вақти муножотни,
Арз қилиб тенгрига ҳожотни.

ЮСУФГА СУТ БЕРГОН ДОҲ МУНОЖОТ ҚИЛҒОНИ

Дедики: Ё раб, бу расули худо,
Айлади ўғлумни чу мандин жудо.

Мени фироқ ўтида солди бу дам,
Гусса тутуб қон ичарам дам-бадам.

Ул доғи мендек бўлубон мубтало,
Юсуфидин бўлғай илоҳи жудо.

Эрди ўшал лаҳза ба вақти саҳар,
Қилди ўшал доҳ дуоси асар.

Қилди фалак сени отонгдин жудо,
Бўлди отонг фурқатингга мубтало.

Билгил, аё Юсуфи олий жаноб,
Даъвати мазлум эрур мустажоб.

Эмди ўшал доҳ бўлубтур басир,
Бекас эрур, ожизу зору заҳир.

Сокини дарвозан Қанъон эрур,
Ҳол анга баски паришон эрур.

Пираҳанингни бу сабабдин Башир
Амри била элтур аё беназир.

Кўрар ўшал доҳ Баширин ўзи,
Ерур онинг вислати бирла кўзи.

Ўзга келиб Мисрда сени кўрар,
Ҳазрати Яъқуб отонг номвар.

ЮСУФ ПИРАҲАНИН БАШИР ИЛГИДАН ОТОСИҒА ЮБОРГОНИ

... Юсуф топиб ул хабар,
Пираҳанин қилди ўшал дам бадар.

Берди Башир илгина ул дам равон,
Тебради ул сори юруб корвон.

Юрур эди борча базавқу тараб,
Шод эдилар жумлаи аҳли араб.

Сарбасар ишлари саранжом эди,
Бахт мададқору фалак ром эди.

Тушти Башир йўл аро, йўлда магар,
Қилди бу пираҳанин Юсуф бадар.

Берди ҳавоу яна ул қилди жой,
Борди ўшал лаҳза ба ҳукми худой.

Пираҳан эди олибон ул замон,
Ҳазрати Яъқубға етти равон.

Ҳазрати Яъқуб чиқорди хуруш,
Завқ била ботини ул лаҳза жўш —

Урдию деди, ҳоло хайлу сафар,
Юсуф иди тўлди машомим магар.

Оҳ, сўроғин солингиз ҳар тараф,
Бўлмасун ул ўртода ногаҳ талаф.

Неча ёвуқ келса эди корвон,
Ортар эди онга бу оҳу фиғон.

Дер эди Юсуф ҳиди тўлди думоғ,
Оҳ, қилинглари они ҳарён сўроғ.

Оқибатул амр келиб корвон,
Ун икки манзил эди шаб дар миён.

Бўлди башоратқа Башир илгари,
Жаҳд қилиб тебради Қанъон сари.

Саъй қилиб тебради ул номвар,
Хиттаи Қанъонга етушди магар.

Қўрдикӣ дарвозада золи ҳақир,
Ултуруб уш кўзлари эрур басир.

Ҳаққа муножот қилур ҳар замон,
Дерки:— Ё ҳолиқи жумла жаҳон.

Ожизу дармондамену ҳам ғариб,
Менга Баширим юзини қил насиб.

Билди Башир онию келди яқин,
Ташлади ул лаҳза тевадин ўзин.

Қучди оносини, йиғи қилди зор,
Деди:— Баширинг мен, аё ғамгузор.

Қўйди оноси юзини юзига,
Келди ҳамул ҳолда ул ўзига.

Бўлди онинг юзида бино кўзи,
Бўлди ҳам ул лаҳза тавоно ўзи.

Деди:— Аё холиқи арши мажид,
Бўлди менинг ҳаққима фазлинг падин.

Ҳазрати Яъқубга қилғил ато,
Юсуфини холиқи арзу само.

Деди Башир онасиға бу замон,
Мисрдан эрур келурум бил аён.

Подшоҳи Миср эрур ушбу дам,
Юсуфи сиддиқ шаҳи бокарам.

Ҳазрати Яъқубқа ул пираҳан,
Айлади ирсол онинг элчиси ман.

Қилди оносиндин равон ул Башир,
Отланибон тебради монанди тир.

Етти ўшал рост ба байтул ҳазан,
Ондаки Яъқубқа эрди ватан.

Ҳазрати Яъқуб қотинда равон,
Кирди Башир энтикибон ҳавли жон.

Ер ўпубон деди:— ...
Хоки раҳинга қилойин жон фидо.

Мисрдин эрур келурум ушбу дам,
Саъю талаб йўлига қўюб қадам.

Юсуфи сиддиқ бу шоҳи замон,
Пираҳанин сизга қилибтур равон.

Ҳазрати Яъқуб топиб бу паём,
Деди:— Аё мухбири содиқ калом.

Юсуф иди тўлди машомим менинг,
Пираҳанин менга кетурғил онинг.

Пираҳан ул дамки берди Башир,
Ҳазрати Яъқуб чиқорди нафир.

Олдию кўзина суритти ўзи,
Бўлди ҳам ул ҳолда бино кўзи.

Наъра уриб борди ўзидин магар,
Жумлаи атбоина бўлди хабар.

Келдилар ул лаҳза йиғилиб бори,
Дедилар:— Э халқи жаҳон сарвари.

Нолау зорингни де, э роҳбар,
Недин эрур, ёна не топдинг хабар?

Қўпти магар ўртодин ул дам Башир,
Деди:— Билингизки сағиру кабир.

Мен кетуруб пираҳани Юсуфи,
Ҳазрати Яъқубга бердим хафи.

Наъра уриб борди ўзидин тамом,
Ушбу эрур қисса, билинг, вассалом.

Бўлдилар ул лаҳза бори шодмон,
Борча суюнган била тузди фиғон.

Келди бу Яъқуб наби чун баҳуш,
Кўрди эрур халқ ичида завқу жўш.

Кўрди ўшал ҳолда бино кўзи,
Топти ҳамул лаҳза тавоно ўзи.

Деди ўшал лаҳза Башир:— Э расул,
Тонгла қилур жумлаи ўғлунг нузул.

Борчағадур хилъати шоҳи ба бар,
Боғлаб эрур бори мурассаъ камар.

ЮСУФ ОҒОЛАРИ ТАЖАММУЛ БИЛАН УИЛАРИГА ТУШГОНЛАРИ

Ушбу сўз устинда эди можаро,
Чиқти халойиқ орасинда нидо.

Етти Яҳудо била инилари,
Тавсани давлатга миниб ҳар бири.

Борчалари соҳиби тожу камар,
Бошдин-аёқ борчалари ғарқи зар.

Эрди алар ҳамроҳи эллик қатор,
Мояу нар бошдин-аёқ зери бор.

Борча қумош эрди доғи дахдор,
Пешкаш учун юборилган алар.

Келдилару, туштилар ул дам бари,
Тўлди бу Қанъон ичи ғавғолари.

Ҳазрати Яъқуб қотинда равон,
Борча тавозиъ йўлидин ул замон —

Бордилару, ўпти оёғин бори,
Юсуфи сиддиқ сўроғин бори.

Шарҳ билан деди алар бир-бир,
Билди бу Қанъонда сағиру кабир.

Ҳазрати Яъқуб топиб бу хабар,
Кулбаи аҳзонидин ўлди бадар.

Бўлди бу наргис киби бино кўзи,
Боштин-аёқ бўлди тавоно ўзи...

Ёна бу шукрона учун қилди сур,
Бўлди халойиқ бориси пурҳузур.

Ҳарна эди мустаҳиқ айлоди шод,
Борчани инъом била қилди ёд.

Ўзга улошти бори авлодина,
Кичик-улуғ жумла зиҳу зодина.

Неким эди пешкаш ул рахти зар,
Бўлди алар борилари муътабар.

ЯЪҚУБ ЮСУФНИ ҚУРА МИСРГА БОРҒОНИ

Ҳазрати Яъқуб деди зоди роҳ,
Борча юрингизки баҳукми илоҳ.

Миср сори айлоли азми сафар,
Жаҳд қилинг борча юрингиз бадар.

Оқибатул қисса қилиб ихтимом,
Борча яроғларини қилди тамом

Тебрадилар Мисрға кўчуб бори,
Борчаси юзланди бу Юсуф сори.

Ҳазрати Яъқуб эди уштурсувор,
Шавқ йўлида эди бас беқарор.

Юрудилар кечау кундуз тамом,
Завқу тараб бирла бори субҳу шом.

Давлати васл эрди ўшал дам рафиқ,
Меҳнати ҳижрон тутуб эрди фариқ.

Бахт мададкору фалак ром эди,
Фитнаи гардун бори ором эди.

Қатъи манозилни қилиб ўтдилар,
Миср қироғинда яқин етдилар.

Тенгрининг амри била руҳул амин
Ҳазрати Юсуфға деди: — Шоҳи дин.

Туғди саодат била субҳи висол,
Айлади ҳижрон кўчасин поймол.

Ҳазрати Яъқуб етишти бу дам,
Жумлаи авлодию атбой ҳам.

Тенгрининг амри била ушбу замон
Борғин отонг олиға шоҳи жаҳон.

Кўрсун ўшал салтанат узра сени,
Сен доғи таъзим ила кўргин они.

Юсуфи сиддиқ топиб бу хабар,
Йиғди бори бекларини сарбасар.

Деди:— Юрунг, ушбу замон чорлатинг,
Навқару суввори хабардор этинг.

Жумла йиғилсин бу яроғин қилиб,
Келсун алар эрта била йиғилиб.

Чоптилар элчилар ўшал дам бори,
Хукм била ҳар бириси ҳар сари.

Тонгласи йиғилди тамоми навкар,
Хизмат учун борчаси боғлаб камар.

Деди акобир доғи бўлсун сувор,
Кимгаки бор Миср ичида эътибор.

Жумлаи бозорни бозор эли
Боғласун ойин борини бир йўли. ✓

Деди бу сўзларнию бўлди сувор,
Тутти ҳаво юзини гарду ғубор.

Тутти бу афлок юзини тўзу гард,
Эрди ўшал рўз чу рўзи набард.

Юсуф эди рахши саодат сувор,
Халқ рикобинда эди бешумор.

Кўсу нақора эдилар дар хуруш,
Эрди халойиқ ичида завқу жўш.

Ун минг ички йигитлар магар,
Бошдин-аёқ борчалари ғарқи зар.

Ҳар бириси эрди маҳи ховари,
Оразига шамсу қамар муштари.

Борчалари ичкию хонлар эди,
Борчалари маҳрами асрор эди.

Эрди муғанни бори булбул сарой,
Чиқти зуҳал бомида гулбонги ной.

Тебрадилар ўтру бу ҳолат била,
Йўлга кириб рост жалолат била.

Сурди чу бир фарсах ўшал шаҳриёр,
Ўтрусидин чиқти бу гарду ғубор.

Эрди чу Қанъон тарафидин бу гард,
Жумлаи заррот эди аҳли дард.

Бўлди ўшал гард чу бар рўйи рўз,
Ҳазрати Яъқубнинг эрди бу тўз.

Ҳазрати Яъқуб эди руҳул амин,
Ҳаваж ичинда эдилар хамнишин,

Юсуфи сиддиқ бу гарду ғубор
Кўрди, анга қолмади сабру қарор.

Деди: — Қидай кўзима куҳли басар,
Ё қилайин фахр учун тожи сар.

Гарду ғуборингни сенинг бу замон,
Шукр қилиб тенгрига жону жаҳон.

Юруди ул лаҳза бўлиб жавқ-жавқ,
Бошдин-аёқ ўртабон они шавқ...

Чиқти тафарружқа бу халқи жаҳон,
Шоҳ эдилар жумла заминун замон.

Борча молоик эди наззорагар,
Кунгираи аршқа чиқиб магар.

Етти алар бир-бирига чун яқин,
Шоҳи замон бирла ўшал шоҳи Чин.

Эрди алар ораси бир мил роҳ,
Ҳазрати Яъқуби паямбар нигоҳ.

Кўрди ўшал ҳолда Юсуф юзин,
Кўрдию тутти ўшал дам ўзин.

Руҳул аминга деди, э пайки ҳақ,
Сендин олур борча молоик сабақ.

Улки келодур алами зарнигор,
Теграсида халқ эрур сад ҳазор.

Ўнг қўлида улки ягона эрур,
Юсуфим ул шоҳи замона эрур.

Ушбу сўз устида етишти яқин,
Ташлади ўзин теванинг устидин.

Юсуфи сиддиқ кўруб ҳавли жон,
Тошлади отдин ўзини ул замон.

Бир-бирининг еттию, қучуштилар,
Беҳуд ўлиб ер юзина туштилар.

Чиқти халойиқ оросидин хуруш,
Урди учун қулзуми ул лаҳза жўш.

Жумла халойиқ бори ҳайрон эди,
Яхши-ёмон борчаси тирён эди.

Келдилор ўзларина ногаҳ алар,
Бир-бирининг васлидин огаҳ алар.

Бўлди алар тенгрига ҳамду сипос —
Дедилар ул лаҳза иков беқиёс.

Ҳазрати Яъқуб ёшартиб кўзин,
Қўйди бу Юсуф юзина ул юзин.

Деди:— Эрур эллик ил, э нури айн,
Мен бу фироқингда бу фарёду шайн.

Ҳазрати Яъқуб деди ушбу дам:
— Васл бисотина қўюббиз қадам.

Юсуфи сиддиқ шаҳи комкор,
Айла буларнинг гунаҳин даргузор.

Юсуфи сиддиқ қўпуб ул замон,
Деди:— Аё қиблаи амну амон.

Менга изинг туфроғидур тожи сар,
Қилдим аларнинг гунаҳин даргузар.

Бўлди алар борилари шодмон,
Топти алар хавф алидин омон.

Борчаси йиғлаб дедилар:— Э, падар,
Бизга тараҳҳум йўлидин қил назар.

Бизни қиёмат элидин қил халос,
Қилғил, аё роҳбари ому хос.

Ҳазрати Яъқуб деди ул замон,
Боғлади ҳиммат камарин бар миён.

Юсуфи сиддиққа қилди назар,
Деди қўп, э роҳати жони падар.

Биз бу талаб йўлида кўйуб қадам,
Ҳаққа муножот қилоли бу дам.

Айлоли бу жамъ гуноҳин талаб,
Тенгрига зори қилибон рўзу шаб.

Ҳазрати Яъқуб магар ул замон,
Арз қилиб тенгрига сиррин ниҳон.

Деди:— Аё холиқи банданавоз,
Борчага эрур караминг корсоз.

Роҳиму раҳмонсану рабби ғафур,
Ушбу жамоат гунаҳин сен кечур.

Ҳазрати Юсуф деди:—«Омин»,— бу дам,
Мавж ура бошлади баҳри карам.

ЯЪҚУБ ВА ЮСУФНУНГ ДУОСИ БИРЛА ЮСУФ ОҒОЛАРИНИНГ ГУНОҲИНИ... АФВ ҚИЛҒОНИ

Келди ўшал ҳолда руҳул амин,
Дедики, Яъқуб наби бил яқин.

Тенгри деди сенга салом ушбу дам,
Дедики сен доғию Юсуф баҳам.

Ушбу жамоатдин алам чектингиз,
Лутф ила ёзуқларини кечтингиз.

Мен доғи авф этдим алардин бу дам,
Жумла гунаҳини зи роҳи карам.

Борча бу иш боиси шайтон эрур,
Бил, бу лаин душмани инсон эрур.

Топти ўшал лаҳза бу мушкул кушод,
Бўлди бу Яъқуб ила авлоди шод.

Бўлди ўшал дам бориси пурҳузур,
Қўптилару қилдилар оҳанги сур.

Юсуфи сиддиқ баци беқиёс,
Қилди ўшал сўзда турлук асос.

Миср улуси борча зи хосу зи ом,
Ҳозир эди жумла халойиқ тамом.

Борчаси завқин бўлубон сарбасар,
Ҳар бири ўз ерина бўлди бадар.

Ҳазрати Яъқуб ўшал шоҳи дин,
Юсуфи сиддиқ била ҳамнишин.

Бўлди ўшал васл бисотин кўруб,
Шому саҳар навбати шоди уруб.

Тенгрига айтиб бори ҳамду сипос,
Шукр қилиб шому саҳар беқиёс.

Оҳ, не хуштурки чекиб ранжи роҳ,
Қилса бу матлубина толиб нигоҳ.

Оҳ, не хуштурки чекиб дарду ранж,
Учраса толибқа яна васли ганж.

Қолгаю қилғум чу бариндин гузор,
Қиссаи Юсуф бажаҳон ёдгор.

САЙФИ САРОЙИ

ГУЛИСТОНИ БИТ-ТУРКИЙ

Нашрга тайёрловчи:
филология фанлари кандидати
Насрулло Даврон.



САЙФИ САРОЙНИНГ «ГУЛИСТОНИ БИТ-ТУРКИЙ»
АСАРИ ҲАҚИДА

Сайфи Саройнинг «Гулистони бит-туркий» асари форс-тожик адабиётининг улуғ намояндаси Саъдий Шерозий «Гулистон»ининг ўзбек тилидаги энг биринчи ижодий таржимасидир. Сайфи Саройи Саъдий «Гулистон»ининг асосий мағзини олиб, ранг-баранг ҳикоятлар, оригинал қитъа ва байтлар, манзумалар билан тўлдириб, туркий халқларга тарғиб этган.

«Гулистони бит-туркий» асарининг ёзилгани ҳижрий ҳисобда 793, милодий 1390-91 йилидир. Бу ҳақда Сайфи Саройнинг ўзи асарнинг охирида шундай деб маълумот беради:

Муддати ҳижрат эди юз тўқсон уч,
Йил эдиким оз эди оламда куч.
Аввали шаввол эдиким, эй азиз,
Хатм ўлди бу гулистонисмамиз.

Сайфи Саройи «Гулистони бит-туркий» асарининг жаҳон бўйича бирдан-бир нусхаси Лейден университетининг кутубхонасида 1355 рақами билан сақланмоқда. Ҳозирда Москвадаги Ленин номи кутубхонада, шу жумладан, бизнинг қўлимизда ҳам мазкур асарнинг фотонусхаси мавжуд. Биз мазкур асар қўлёзмасини ана шу мавжуд бўлган ноёб фотонусхаси асосида нашрга тайёрладик. Шунинг билан бирга сўнги илмий изланишлар натижасида топилган «Ёдгорнома»да ёзилган «Суҳайл ва Гулдурсун» достонини ҳам шу китобга киритдик.

Шоирнинг ўз тили билан айтганда, бу китобида у маърифатга саккиз турли боб очган. Булар: султонлар ҳақида ҳикоятлар, фақирлар ахлоқи ҳақидаги ҳикоятлар, қаноатнинг фойдаси ҳақидаги ҳикоятлар, сукутнинг фойдаси ҳақидаги ҳикоятлар, ишқ ва йигитлик ҳақидаги ҳикоятлар, қариликдаги заифлик сифатлари ҳақидаги ҳикоятлар, тарбиянинг таъсири ҳақидаги ҳикоятлар, суҳбат одоблари ҳақидаги ҳикоятлардан иборат.

Бу бобларнинг ҳар бирида маълум миқдорда ҳикоятлар бор, ҳар ҳикоятнинг охирида масал ёки фалсафий чекинишлар берилган. Масалан, тўртлик ва байтлар ёзувчининг мулоҳазаларини тасдиқлаш учун хизмат қиладилар.

«Гулистони бит-туркий» асаридаги ҳикоятларда хилма-хил образлар ва характерлар мавжуддир. Асарнинг кириш қисмидаги Сайфи Саройнинг ушбу сўзлари ҳам сўзимизни қувватлайди:

Гул тиласа хотиринг тўли табақ,
 Бу «Гулистон»имдан ўқи бир варақ,
 Гул жамоли бир неча кунда кечар,
 Бу «Гулистон» доимо кўнгул очар.
 Ул ажойибким ғаройиб мунда бор,
 Хусраву Ширин ичинда қанда бор?!
 Бу латоиф боғи бўстони дурур,
 Булбули маъни гулистони дурур.

Бу асарда турли ижтимоий табақалар иштирок этади: шоҳлар, вазирлар, амалдорлар, руҳонийлар, олимлар, ҳунармандлар тоифаси, деҳқонлар, чўпонлар, дарвишлар, ўғрилар, савдогарлар, паҳлавонлар ва бошқалар.

Сайфи Саройи ҳар бир ҳикоятни бошлашда форс-тожик адабиётини бебаҳо фалсафий, ахлоқий обида билан бойитган Саъдийни эҳтиром билан тилга олади. Сўнгра ўз ғоявий нияти асосида муайян саргузаштни изчил мантиқ билан баён этишга ўтади. Том маъноси билан олганда, барча ҳикоятлар дидактик мазмундаги ҳикоятлардир.

Ҳикоятларда Сайфи Саройи кўпроқ Саъдий тилида, баъзан ўз услубида бирор кичик воқеани ҳикоя қилиш орқали қиссадан-ҳисса билан кишиларга панд-насиҳатлар қилади, ўғитлар беради. Ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий-таълимий масалаларга доир хулосалар чиқаради.

Асар ғоявий мундарижасидан кўринишича, шоир панд-насиҳат қилиш йўли билан адолат ва осойишталик ўрнатиш, золим подшо ва амалдорларни жиловлаш, давлатни қатъий қонун-қондалар асосида бошқариш, кишиларнинг хулқ-атворидаги камчиликларни тугатиш мумкин деб ўйлайди. У шу мақсадда ҳикояларда тўғрилиқ, ростгўйлик, садоқат ва марҳамат каби олижаноб инсоний фазилатларни тарғиб этади. Подшо ким, гадо, дарвиш ким, улар қандай муомалада бўлмоғи керак, яхши ҳоким қандай бўлмоғи даркор, одамлар нимага интилоқлари зарур, булар устод Саъдийнинг фикрлари эди. Айни чоқда эса Сайфи Саройи ҳам шу ғояларга қўшилади ва буни ўз она тилида кенг халқ оммасига тарқатади. Айниқса, ҳаётий воқеаларни тасвирловчи ҳикоятларга киритилган қадимги ўзбек халқ мақоллари ва ўғитлари асарнинг ғоявий таъсирини кучайтирган.

Аммо шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Сайфи Саройининг «Гулистони бит-туркий»сида ҳам изчил фалсафий системани кўрмаймиз. Унинг фикр-туйғулари ҳам Саъдий каби қарама-қаршиликларга эга. Бунинг сабаби, мураккаб ва қарама-қаршиликлар билан тўла ўз даври тақозосидан келиб чиққанлигидир. Лекин ана шу зиддиятли фикрлар замирида ҳам шоирнинг эл-юртга бўлган ота-шун муҳаббати, инсонийликка эътиқоди барқ уриб туради.

Насрулло Даврон.

Илиқ ёз кунларинда бир кун¹ бўстон ичинда, гуллар орасинда бир неча зариф олимлар билан ўтуруб, иншо илминдан баҳс қилиб, абёти ғариб ва ашъори ажиб ўқудум эса, ул олимларнинг улуси аруз илминдан бир мушкул байтнинг тақаттуъин савол этти. Филҳол жавобин эшитиб айтти: «Эй адиби ғариб, сенга бир мувофиқ насиҳатим бор, қабул қилсанг, хайр бўлғай». Айттим: «Буюрунг». Айтти: «Шайх Саъдий Гулистонин туркий таржима қилсанг, бир соҳиб-давлат эр отина, мисрои ёдгоринг жаҳонда қолсун деб».

Ул азизнинг муборак нафасин қабул этиб айттим: ...аммо қувватим заиф турур анинг қавий маънийларина.

Мен дағи тангриға таваккул қилиб, ҳиммат белни рағбат эли билан боғлаб бошладим, тамом бўлғай деб. Аммо бу китоб оти ул сабабдан Гулистон бўлдимки, ажойиб ҳикоят ва ғаройиб насойҳ ва анвоъи латоиф билан мураттаб ва музайян бўлуб турур.

Ш е ь р

Эй жаҳони илму устоди ҳунар,
Маърифатнинг манбаи соҳиб назар.
Гул тиласа хотиринг тўли табақ,
Бу Гулистонимдан ўқи бир варақ.
Гул жамоли бир неча кунда кечар,
Бу Гулистон доимо кўнгул очар.
Ул ажойиб, ким ғаройиб мунда бор,
Хусраву Ширин ичинда қанда бор?!

¹ Асар айрим қисқаришлар билан босилмоқда.

Бу латоиф боғи бустони дурур,
Булбули маъни гулистони дурур.
Бу сифатлар бирла кўзларга тўлуб,
Не ажаб, бўлса масобиҳ-ул-қулуб.
Туркийга қайтиб ажамдан бу китоб,
Маърифатга очти саккиз турлу боб.
Текма бир жонға муфарраҳ бўлмаға,
Текма хотирни мушарраф қилмаға.
Бу Гулистонға тамошо қилган эр,
Дам-бадам маъни емишин тоза ер.
Жон қачон бўлғай Гулистондин малул,
Чун кўружак шодмон бўлур кўнгул.
Хайр этиб бўлган маликлар номдор,
Кетти қўйуб ҳар бири бир ёдгор.
Эйгу оти қолса эрнинг яхшироқ,
Сўнгра қолғинча тўли олтун равоқ.
Ёдгори қолса кимнинг эйгу от,
Улмас ул эр кимда бўлса бу сифот,
Бу сифатли эр букун хайри касир,
Миср ичинда бор бир ориф амир,
Эйгулуктур дам-бадам элга иши,
Жоҳу давлат, фатҳу нусраттур эши.
Лутфу ахлоқу карам кони дурур,
Эйгу оти доимо тилда юрур.
Дину дунё, давлати зоти шариф,
Маърифатнинг маъдани ўзи зариф.
Бу Гулистон зийнати Тайхосбек,
Ҳожибул-ҳужжоб султона хос бек.
Ҳар бирига жон бекин элга ярар,
Ўлтуруб ёрғу ёзарда қил ёрар.
Ҳақ таоло давлатин қилсун зиёд,
Динидин олсун танаъум бирда дод.
Эй малак сурат, малик нусрат аён,
Жуд ичинда Ҳотами Тойи замон.
Бадри давлат олама қутлу юзунг,
Ким билик баҳри ўзунг, жавҳар сўзунг.
Биликли фориссан ул арслон юрак,
Ким букун уштар сенга миҳтар керак.
Сенсан ул лашкарда сафлар ўзган эр.
Эрдаминда эрдамин кўргузган эр.
Кўрмадим ориф, назаринг жавҳарий,
Дурри маънийга мубассир муштарий.
Назм этиб кўркли дуолар зотинга,
Тонг ҳадия келтурубман отингга,
Ул ҳадия бу китоб эрур муфид,

Жумла алфози тўлу маъний жадид,
Узина бўлуб муборак бу китоб,
Доим олсун нафъ мундан шайху шоб.
Эйгу оти ёди бирла кўб замон,
Тоза бўлсун бу Гулистони жинон.
Бу Гулистон боғбони ул адиб,
Ким Саройи Сайф эрур назми ғариб.

Ҳикоят

Қўнгул эялариндан бир солиҳ эр бошин мууроқабат ёқосина чекиб, мукошафат баҳрина мустағрақ бўлуб турар эди. Бир замондан сўнгра ул соҳиб вақт бошин хирқасиндан чиқарди. Ёронларидан бири анга айтти — «ул бўстонғаким бориб турур эдинг, андан бизга не тухфа каромат кетурдунг?» Ул эр айтти: «Хотирамда бор эдиким, қачон гул ағочларина етсам, бир этак гул ёронларга ҳадия кетургайман. Гул ағочларина еттим эса, гулистон иси мени анинг каби исруттиким, этаким алимдин тутти».

Шеър

Манга ҳаммом ичинда бир юзи ой
Букун сунди муфарриҳ гул каби гил.
Мен ул гилга савол эттимки: недан
Бўлур хуш ройиҳингдан суқр ҳосил?
Ул айтти: «Илк эдим бир хор туброқ,
Вале гул бирла бўлдум бир неча йил,
Асар қилди манга гулнинг жамоли,
Йўқ эса мен ўшул туброқман, бил!
Тилосанг бўлмаға Маъруфу Қархий,
Жунайду Шайхи Шиблий суҳбатин қил!

Аввалғи боб: салотин сийрати ичинда турур.
Иккинчи боб: фуқаро ахлоқи ичинда турур.
Учинчи боб: қаноат фазилати ичинда турур.
Тўртинчи боб: сукут фойдаси ичинда турур.
Бешинчи боб: ишқ дағи йигитлик сифати ичинда турур.
Олтинчи боб: қарилик дағи заифлик сифати ичинда турур.
Еттинчи боб: тарбият таъсири ичинда турур.
Саккизинчи боб: суҳбат адаблари ичинда турур.

АВВАЛҒИ БОБ

Ҳикоят

Бир султон бир асирни ўлтурмакка буюрди. Ул бечора тирикликдан умидин кесиб, султонга сўкди. Масалда келиб турур: ҳар ким жондан ал ювғай, не ким кўнгулда бўлса, тилина кетургай.

Шеър

Зарурат ҳолатинда ким қочарға тобмаса бир йўл,
Юруб қаршу эли бирлан тутар ити қиличин ул.

Султон сўрдиким: «У ўлумли киши не айтур?» Вазирлардан бири, оқил вазир айтти: Султон ёши узун бўлсун!

Султон муни эшитти эса, ёзуқундан кечиб, озод қилди. Ул вазирнинг душмани бир вазир бор эди. Ул айтти: «Бизим жинсимизга лойиқ, дегул, султон хидматинда ёлғон сўзламак». Ул ёзуқли султонга сўкти, ярамас сўзлар сўзлади».

Султон ул вазирдан малул бўлуб айтти: «Мунинг ёлғон сўзи сенинг тўғри сўзундан яхшироқ турур, анинг учунким, анинг сўзунинг биноси маслаҳат уза турур дағи, сенинг сўзунг биноси ғийбат уза турур».

Шеър

Фитна юзли рост сўздан бўл йироқ,
Маслаҳатли ёлғон андан яхшироқ.

Оқил ул сўзни ўринда сўзлагай,
Ҳам жавобини муносиб кўзлагай.

Ким мухолиф бўлса султон сўзина,
Келтурур ул кўб балолар ўзина.

Ҳикоят

Хуросон маликларидан бири малик Султон Маҳмуд Сабуктекинни тушинда кўрди. Ўлганидан юз йил сўнгра, барча сўнгаклари тўкулмиш эди. Илло, кўзлари ўй-

нар, дағи назар қилур. Бу туш таъбирини жумлан ху-
камо ожиз қолдилар. Бир фақир келиб, буларнинг муш-
килин ҳал этиб, айтти: «Нечаким анинг мулки ўзгалар
алинда бўлғай, мунинг кўзлари ул мулк ортинча қол-
ғай».

Шеър

Эй неча бекни, маликни йибтур бу жаҳон
Ким, алардан ер юзинда қолмади зарра нишон.
Хайр қил, эй неъматни кўп хожа, сен андин бурун—
Ким, юруб дегай мунодий қолмади хожа фалон.

Ҳикоят

Бир султоннинг уч ўғли бор эди. Иккиси узун бўй-
ли, соҳибжамол дағи бири қисқа бўйли эди. Бир кун
султон бу қисқа бўйли ўғлини ҳақорат кўзи билан боқти.
Ўғлон фаросат билан билди, дағи айтти: «Эй ота, узун
бўйли аҳмақдан қисқа бўйли оғил яхшироқ дурур...»

Шеър

Бир ориқ оқил одамий айтти,
Бир семиз аблаҳа келиб қарши.
Неча бўлса заиф тозий ит,
Бир тавила эшакдан ул яхши.
Бу латифа султонга хуш келди, дағи кулди, қарин-
дошлари эшитиб малул бўлди.

Шеър

Ҳунару айб эрда белгурмас,
Не қадар ул киши тек ўлтурса.
Текма беша ичинда, эй махдум,
Не ажаб кезланиб асад турса.

Бу сўздан бир неча кун кечти дағи султонга бир
оғир душман черики келди. Булар дағи черик ясаб,
қарши юридилар. Икки черик муқобил бўлди. Аввал
майдонга султоннинг ул қисқа бўйли ўғли кирди дағи
наъра уруб бу байтни ўқуди:

Шеър

Эй баҳодурлар, билинг келдим букун майдона ман,
Бош ўйнаб жон таркин урмоға мардона ман.

Сўнг ўйнаб, от чопуб, кўп турлу эрдам кўргузуб,
айтти: «Ул занжирин узган фориси девонаман».
Муни айтти дағи душман черикина кириб, бир неча
баҳодур эранларни тушурди дағи отасина хизмат қи-
либ, бу байтни ўқуди:

Шеър

Эй мени кўрган ҳақорат кўз билан шоҳи диёр,
Бўлмас эр сурат билан лашкар ичинда ихтиёр.
Эрдаминда эрдамин кўргузмас, илло эр киши,
Ўйла ким эрдам тевада йўқ дағи арслонда бор.

Душман черики ҳадсиз кўб эди, дағи булар оз. Жа-
моат қочмоға юз туттилар.

Шеър

Ўғлон айтти: «Эй эранлар, ёт черикка ўт урунг,
Ё бориб аврат қумошин кийиб, эвда ўтурунг!»

Ул эранлар бу сўзни эшитиб ғайратланиб, ўғлонга
уйдилар. Ул соат ичинда душман черикин синдурдилар.
Ўғлон келиб, отаси хидматинга ер ўпти. Султон дағи
ул ўғлини қучуб, кўзундан ўпти дағи дуо қилди. Кун-
дан-куна муҳаббат назари анинг уза зиёдат бўлди. Қа-
риндошлари ҳасад этиб, ул ўғлонга ош ичинда оғу бер-
дилар. Буларнинг бир қиз қариндоши бор эди. Ул қиз
тоқадан кўрдиким, қариндошина ош ичинда оғу берди-
лар. Ул қиз тоқани ёпти эса, ўғлон фаросат билан бил-
ди. Алин ошдан чекиб, айтти: бу муҳол эрурким, эрдам
эри ўлгай дағи эрдамсизлар анинг ерин тутқай.

Шеър

Кетса жаҳон вилоятин тарк этиб ҳумой,
Бойқуш кўланкасина киши келмаги муҳол.

Бу хабар султонга етти эса, қариндошларин индаб
йигириб, ҳар бирини бир ерда ҳоким қўйди, ҳатто фит-
на ўтуруб низоъ ўртадан кетқай.

Шеър

Сигар бир ҳужраға ўн икки меҳмон,
Бир иқлима сиғишмас икки султон.

Ҳикоят

Бир неча ҳаромийлар тоғ бошинда ер этиб ўтурур эрдилар. Султонга айтдилар: «Фалон тоғ бошинда ҳаромийлар бор, кечкан корвонни уруб, йўл кесиб ўтурурлар». Султон бир неча баҳодур эранларни териб айдиким, аларни тутуб кетургайлар. Ул эранлар келиб, бир ерда кезландилар. Ул ҳаромийлар мағрибдан сўнг-ра келиб, қофила уруб мол ва неъмат кетурдилар. Салоҳларин шешиб ётдилар. Ул эранлар вақт сақлаб, фурсатни фанимат кўруб чиқтилар. Буларнинг сарвақ-тина келиб бостилар, алларин боғлаб, султон хидмати-на кетурдилар. Султон буюрдиким, барчасин ўлдурунг теб. Буларнинг ичинда бир ўғлон бор эдиким, умрининг бўстони яшариб, ҳусни гули янгила очилиб турур эди. Вазирлардан бири илгари келиб, султонга ер ўпуб айтти: «Бу ўғлон умри боғиндан емиш емиши йўқ турур. Жаҳон султони ўз караминдан ёзуқин бағишлаб, озод қилса, не бўлғай эди?» Бу сўз султонга хуш келмади, юзин бир ёни чеvuруб айтти:

Шеър

Тарбият ғайр аҳлина қилмоқ,
Гунбаз устунда қавз қўймоқдур.
Ўлтур аниким ул юруб доим,
Санъати — ким йўлуқса сўймоқдур.

Айтти: «Бу фасод аҳлининг насли мунқатиъ бўлса керак, йўқса ўт сўндуруб қўр қўймоқ, йилон ўлтуруб балосин бесламак оқиллар иши дегул».

Шеър

Агар ёғса булутдан оби ҳайвон,
Яқин бил тол ағочинда емиш йўқ.
Ёмон бирла умрни зоеъ этма,
Қури найдан киши шаккар емиш йўқ.

Вазир бу сўзни эшитиб, тавъан ва карҳан султоннинг хусни ройин беганиб таҳсинлар ўқуди, дағи айтти: «Жаҳон султони буйруқи айна ҳақиқат турур. Бу ўғлон ул ёвузлар орасинда қўбса, анлардан бири бўлғай эди, аммо умид борким, эйгулар суҳбатинда тарбият топса, оқиллар феълин тутқай. Анинг учунким, ҳоли тифл ўғлондурур, қобили тарбият дурур. Сурагинда ёвузлуқ аломати йўқ турур».

Шеър

Лутнинг эваши ёвузларга уйған учун жаҳаннама
кетти,
Эйгуларнинг сўнгинча манзилга юруб асҳоби қаҳф
ити етти.

Бу сўзни вазирдан султон надимлари эшитиб, вазир билан бир бўлуб, султонга мадҳу дуо қилдилар.

Султон ул ўғлоннинг ёзуқин бағишлаб, озод қилдим, деди ва лекин маслаҳат кўрмади.

Шеър

Рустамга отаси Зол бир кун
Айтти: кел, эшит ўгут, кун сен,
Ғофил юрубон ўсал бўлма,
Душманни кўруб ҳақиру мискин.

Филжумла, бу ўғлонни нозу неъмат билан бесладилар. Бир муаллимга бердиларким, мунга илм ва одоб ва хусни хитоб ва хидмати мулук ўғраткай. Бу ўғлон ул ғоятка еттиким, беклар беганиб, эъзоз ва икром қилур эдилар.

Бир кун султон хидматина ул вазир келиб, бу ўғлоннинг кўрклу авсофиндан бир шамма васф этти эса, султон кулуб айтти: Таки, бесландинг анинг сути била дағи улғайдинг меним қотимда. Бас ким, хабар берди сенгаким, сен бўри ўғлисан. Қачонким бир ким эрсанг битиши ёмон бўлса, фойда қилмас анга адаб қилгучининг адаби.

Шеър

Бўрининг боласи бўлур оқибат
Отаси каби ул ҳаромий бўри.
Неча кўб едурсанг, сенга бир кун ул,
Урур захм, андан сақина юзи.

Алқисса, ул ўғлон ўн беш ёшина етти эса, ул ма-
ҳаллада неким азғанлари бор эди, барчаси мунунг қо-
тина келдилар. Бир кун ул ўғлон хилватта фурсат то-
пиб, бу вазирни дағи икки ўғлини ўлтурди дағи мол ва
неъмат олиб, ул тоғ бошиндағи ҳаромийлар мағораси-
на кириб, отаси ерина ўлтурди. Бу хабар султонға тег-
ди эса, айтти:

Ш е ъ р

Яхши қилич бўлурми ҳаргиз ёмон темурдан,
Ювмоқ билан кетарми лавни қора кўмурдан.
Ёвузга эйгулукни қилмоқлик уйладур бил,
Хайр ишлара ёмонлик қилмоқ бўлур муқобил.

Ҳ и к о я т

Шайх Саъдий айтур: бир султон қасри эшикинда
бир вазирнинг ўғлини кўрдум, гоят жамоли камол
ичинда.

Ш е ъ р

Ул бўйи сарву жамоли тўлин ой,
Илму эрдам бирла комил кўркабой.
Қошлари фитна эди, кўзи бало,
Ким юзин кўрса бўлурди мубтало.

Анинг хожадошлари ҳасад элтиб, тухмат этиб, сул-
тон хидматинда қонина тануқлуқ бердилар.

Ш е ъ р

Чун дўст сени севуб ҳамиша кўзлар,
Душманнинг ичи ёниб не бўлса сўзлар.

Султон ул ўғлонға сўрдиким: «Бу жамоат сенга не
жиҳатдан хасм бўлуб турурлар?» Уғлон айтти: «Султон
ёши узун бўлсун, барчани рози қилдим, илло ҳасудни
рози қила билмадим».

Ш е ъ р

Малул қилма ясар ориф эр киши кўнглун,
Вале ҳасуд ҳасаддан бўлур ҳамиша малул.

Ҳасуд ранжига йўқтур ўлумдан ўзга даво,
Халосинг оздур эсанг, ул дағи равон қуртул.

Ҳикоят

Бир султон ўз раияти молина зулм алин узатиб
жавр эта бошлади. Халойиқ зулминдан мутафарриқ
бўлди эса, иртифои вилоят нуқсон топти, хазина бў-
шалди, дағи душман голиб бўлди.

Шеър

Зулм қилса малик раиятга,
Ложарам мамлакат хароб бўлур.
Лутф душманга кўргузур бўлсанг,
Дўстлуқ шартин ул тамом қилур.

Бир кун бу султон мажлисинда «Шоҳнома» китобин
ўқур эдилар. Ул ерга еттиларким, Заҳҳок мулкининг
заволи нечук эди, дағи Фаридун мамлакатин не тари-
қа тутти.

Султон вазирга сўрдиким: «Фаридуннинг моли ва
лашқари ул қадар кўб дегул эди, нечук анга мамлакат
муқаррар бўлди?» Вазир айтти: «Халқ ани тилаб ке-
либ муованат қилдилар. Ул дағи карам кўргузуб сул-
тон бўлди».

Халқнинг келмағи султон кўрки дурур. Бас, сен не
учун халқни тоғитурсан, магар мамлакатни тарк этиб
кетмак тиларсан?

Шеър

Хуш кўр бу раиятни ким, нафъи фаровондур,
Не ердаки султон бор, мунлар била султондур.

Яна вазирга сўрдиким: «Раиятнинг жамъ бўлмоқи-
на сабаб не турур?» Вазир айтти: «Султони карим ке-
ракким, халқ анга келгай, дағи одилу мушфиқ бўлгай,
ҳатто мамлакат эмин бўлуб қарор тутқай».

Шеър

Ким зулм элин узатса, султон бўлурми, бўлмас,
Қўйларға қуврат ҳаргиз чўпон бўлурми, бўлмас!

Вазир насиҳати султонға хуш келмади. Вазирни ҳисбга буюрди. Бир неча кун кечти. Султоннинг қариндоши, ўғли отаси мулкининг ҳиссасин талаб қилди. Ул қавмким, андан зулм кўруб эдилар, барча мунунг қатина келиб, тақвият қилдилар.

Алқисса, мулк ул золим элиндан чиқиб, буларға муқаррар бўлди.

Ш е ъ р

Ул маликким доим элга ва улусқа куч қилур, Оқибат мулкин алиндан бир қавий душман олур. Кел раият бирла сулҳ эт, хасмдан фориг юри, Чун раиятдур билурсан шоҳи одил лашкари.

Ҳ и к о я т

Бир малик билан тенгиз кўрмаган бир ҳалаб қул кемага кириб ўлтурди. Ул қул чун тенгиз кўрмаган дағи кема заҳматин чекмаган эди, таҳаммул эта билмади, қатти ун билан йиғлаб титрамакка бошлади. Не қадарким, лутф билан алдаб сўзладилар, фойда қилмади. Маликнинг хотири инган малул бўлди. Ул кемада бир ҳаким эр бор эди, келиб малик хидматина айтти: «Буйруқунг бўлса, ман ани сокин қилайин». Айтти: «Ғоят лутф бўлғай». Ҳаким буюрдиким: «Тенгизга солинг!» Солдилар. Бир кез ботиб чиқти, иккинчи ботиб чиққанинда сочиндан тутуб кема устуна кетурдилар. Ул қул икки али билан кема йибларина ёпишти, дағи кириб бир ерда теб-тек ўтурди. Ҳакимнинг бу иши маликка ғоят хуш келди дағи сўрдиким: «Мунда ҳикмат не?» Айтти: «Бу фарқ бўлмоқнинг меҳнатин тотмайин, кема роҳатининг қадрин билмайин эди. Эмди бу мусибатни кўрди, кема офиятининг қадрин билди».

Ш е ъ р

Эй тўқ кўзунга арпа ўтмаги кўрунмас хуш,
Лекин меним оллимда иззатли муқаррамдур.
Аъроф эрур жаннат боғи сақар аҳлина,
Қим аҳли жинонга ул аъроф жаҳаннамдур.

Ҳ и к о я т

Малик Ҳурмузга сўрдилар: «Вазирларингдан не

хато кўрдунгим, ҳибсқа бирақтинг?» Айтти: «Хато кўр-
мадим, ва лекин меним маҳобатим анлар кўнглунда
инган ғолиб бўлуб эди, дағи меним буйруқима иъти-
модлари ул қадар дегул эди. Иҳтиёт эттимким менга
қасд этмасунлар деб. Ҳукамо қавли билан амал қил-
дим, нечук ким айтурлар».

Ш е ъ р

Туну кун сақлан ул эрдан ким, ул қўрқа юрур сендан,
Юз онча бўлсанг эрликда билиб кўб турли ол эрдам.
Эшитканинг муни йўқми қачон бўлса четук ожиз,
Уруб панжа паланг кўзин чиқарур қўрқмайин ул дам.
Йилон чўпон аёқина урур захм ул сабабданким,
Бошини янчмасин теб тош билан ногоҳ уруб маҳкам.

Ҳ и к о я т

Ажам маликлариндан бир малик қарилик ҳолатин-
да хаста бўлуб, тирикликдан умид кесиб эди, ногоҳ
эшикдан бир кимарса кириб башорат кетурдиким, фа-
лон қалъани малик давлатинда лашкар мансур бўлуб,
фатҳ эттилар. Дағи ул ернинг лашкари ва раияти жум-
ласи мутиъ бўлдилар.

Бу сўзни эшитиб, совуқ нафас билан малик оҳ этиб
айтти: «Бу хайр хабари менга дегул, меним душманла-
рима дурур, яъни мулк ворисларина».

Ш е ъ р

Азиз умр туганди ўшул умид билан,
Кўнгул тилаги эшикдан қачон кира келгай,
Букун тилаким эришти вале на фойдаким,
Умид йўқки кечиб умр ерина келгай.

Ш е ъ р

Қўси раҳил чолди ажалнинг али,
Икки кўзум, ёш видъин қилинг,
Умр дағи қолмади чун бир нафас,
Алу аёқ, бош видъоин қилинг.

Ҳ и к о я т

Шайх Саъдий айтур: «Дамашқ жомен ичинда, Яҳё

алайҳиссалом турбатинда муътакиф эдим. Бир араб малики инсофсизлик билан мавсуф дағи зулм ва тааддий билан маъруф эди. Зиёрат қилмаға келиб, намоз қилиб, ҳожат тилади.

Ш е ъ р

Ул эшикнинг қулидур бою йўқсул,
Ганийрак ким эса муҳтожрактур.

Андан сўнгра менга айтти: «Ул ерданким фақирлар ҳиммати дурур, хотирингни менга йўлдош қилгилким, саъб душман андишасина тушуб турурман». Айттим: «Заиф раиятинга раҳмат қилгилким, қавий душмандан заҳмат кўрмагайсан».

Ш е ъ р

Тутуб мискин кишининг панжасини,
Айирмоқ куч билан айни хатодур.
Экиб зулм урлуқин хайр истаганлар,
Жаҳаннам ўтина ўзин ёқодур,
Қутулмаға тиласанг хавф элиндан,
Раият ҳолина яхши боқодур.

Ҳ и к о я т

Бир дуоси мустажоб фақир Бағдод шаҳрина кириб, Ҳажжож бин Юсуфни кўрди. Бир киши ўтурмиш соғалин белина қўйуб, айтти: «Эй фақир муборақ, менга бир хайрли дуо қилгил!» Фақир айтти: «Илоҳий мунунг жонин олғил!» Ҳажжож айтти: «Эй фақир, бу не дуодурурким менга қилдинг?» Фақир айтти: «Бу дуо-йи хайр дурур сенга дағи жумла мусулмонларга».

Ш е ъ р

Эй жафонинг алин қўюб белға,
Не қадар қилғасан бу зулм элга.
Соғин ул кунниким тутуб нетар
Маликул-мавт халқингни алга!

Ҳ и к о я т

Бир золим ҳоким бир олим эрга сўрдиким: «Ибодат-

лардан фозилраки қайси турур?» Айтти: «Зухд вақтин уюмоқ, то ул замон ичинда халқни озор қилмағайсан».

Ш е ъ р

Кўрдум авла вақт бир золим уюр,
Айттим ул фитна уюса яхшироқ,
Доим элга зулм ким қилса анинг
Улмаги яхшироқ ҳаётиндан йироқ.

Ҳ и к о я т

Бир маликни айтурлар: кеча ишрат қилиб, тонг от-
қинча суқр саҳросинда бу байтни ўқур эди:

Ш е ъ р

Дунёда менга бу дам бекин хуш дам йўқ,
Ишратда ўзум, кўнгулда зарра ғам йўқ.

Бир урён фақир ташқари совуқда ётур эди, айтти:

Ш е ъ р

Эй давлат ичинда йўқ тенги, моли чўқ,
Қайғунг йўқ эса, меним дағи қайғум йўқ.

Ул малик мунинг заиф ҳолина раҳм этиб, минг ол-
тун ҳамён билан тоқадан ташқари тутуб, айтти: «Эй
фақир, этакинг очқил!» Фақир айтти: «Тўнум йўқ, этак
қайдан кўтурайим?» Маликнинг шафқати анинг ҳақ-
қина дағи ортуқроқ бўлди. Буюрди, бир яхши хилъат
билан ул ҳамён олтуни фақирга бердилар.

Фақир ул олтуни бир неча кунда еди, дағи келди.

Ш е ъ р

Сахий элинда билурсан қарор тутмас мол,
Нечукки тутмас олиб сув кафи уза ғирбол.

Ул ҳолатда маликнинг анга майли йўқ эди. Фақир
илгари келиб, ифлос қиссасин ўқуди дағи вазифа ти-
лади. Маликка хуш келмади. Асҳоби фитрат ва хибрат
анинг учун айтурларким, маликларнинг ҳиддат ва сав-
латиндан ҳазар қилмоқ керак, голибо ҳимматлари мам-

лакатнинг азим ишларина мутааллиқ бўлур, авомнинг издиҳомина таҳаммул қила билмаслар.

Шеър

Малик неъматини ул кишига ҳаром —
Ки, фурсат дамани кузатмас тамом.
Кетар қадринг ул дам, келиб сўзласанг
Улулар қотинда ярамас калом.

Малик айтти: «Бу гадоини мудбир, мунча неъматини оз муддат ичинда зоеъ этти. Сурунг илайимдан, кетсин! Бутун мол хазинаси мискинлар луқмаси турур, шайтонлар тўъмаси дегул».

Шеър

Ул биликсиз кундузинким шамъи кофурий ёқар,
Ложарам ёғи чароғининг равон бўлур тамом.

Вазирлардан бир носих вазир айтти: «Эй малик, маслаҳат ул турурким, мунунг бекин кишиларга важҳи кафофин муайян қилғайсанким, муддати мадид еб нафақасин исроф қилмағай. Аммо улким зажр ва манъ ва тавбадан буюрдунг муносиби сийрати арбоби ҳиммат дегул. Бир ким эрсани лутф билан умидда тутмоқ дағи бир кез ани навмид қайтармоқ маликлардан лойиқ дегул».

Шеър

Аё тамаъ эшикин ўзина тилаб очқан,
Қарам билан очибон куч билан ани ёпма!

Шеъри охир

Бар ичинда сусаб ҳижозийлар,
Шўр сувни кўруб яқин келмас.
Қандаким тотли сув оқар бўлса,
Қурту қуш, балиқ андин эксилмас.

Ҳикоят

Шайх Саъдий айтур: «Бир маликни кўрдум, мамлакат ҳаққина суст дағи лашкарини тақсир тутар эди».

Тангри қазоси билан бир саъб душман черики юз тутуб келди. Бу маликнинг ҳашам ва ҳошияси юз қайтариб барча кетти».

Шеър

Аяр бўлса черикдан мол султон,
Нечук бош ўйнасунлар тарк этиб жон.

Аларнинг бири билан дўстлуқум бор эди. Маломат қилиб айттим: «Инган мурувватсиз дун ҳиммат кимэрсан бўлмай, ул ким оз тағйири ҳол учун кўб йилги неъмат ҳаққин унутиб, қадимий маҳдуминдан юз қайтариб кетмай. Ул йигит айтти: «Қарам қилиб, қулоқ тутсанг, жавоб айтайим». Айттим: «Айтқил». Айтти: «Вақтиким, отимнинг арпаси бўлмаса ё эяримнинг ичиркиси тутсоқ бўлса, султон қўлларина олтун билан бахиллиқ қилса, жон билан анга жумардлик этса бўлмас».

Шеър

Тиласанг тутмаға, эй шоҳ, иқлим,
Черикингдан дариг этма дароҳим.

Қачонким тўйса баҳодур ҳамла қилур тутмаға дағи оч қоринли бек тутар қочмоқни.

Ҳикоят

Айтурлар: бир вазири маъзул фақирлар қотина келди. Дағи ул фақирлар суҳбатининг баракати анга асар қилди. Бир кун султон ул вазир билан кўнгул хуш этиб, анга вазорат берди. Вазир қабул қилмади дағи айтти: «Оқиллар қотинда маъзуллуқ яхшироқ машғулудан, нечукким айтурлар:

Шеър

Аларким офият кунжин тутуб окиф бўлубтурлар,
Эл оғзин, ит тишин боғлаб савомиъга тўлубтурлар.
Қаламни синдириб, йиртиб варақларни, бўлуб фориг,
Халойиқнинг алиндан ҳам тилиндан қуртулубтурлар.

Малик айтти: «Ложарам бизга бир комил биликли эр керакким, мамлакат тадбирини ярағай». Вазир айт-

ти: «Эй малик, комил биликли эр ул турурким, мунинг бекин ишларга кўнгул бермагай».

Ш е ъ р

Хумой ул иш билан топти шарафким,
Сўнгатк еб жонвор инжитмиши йўқ.

Ҳикоят

Қорақулоққа сўрдилар: «Арслон суҳбатин не сабабдан ихтиёр қилдинг?» Айтти: «Сайдининг фазласин ерман, дағи ҳамласи ҳимоятинда душманлар шарриндан эмин юрурман». Айттилар: «Эмди ким ҳимояти куланкасина кирдинг дағи неъматин шукрина эътироф кетурдунг? Нечун яқин бормассанким хослариндан бўлуб, мухлислариндан сойилгайсан?» Айтти: «Анинг учунким ҳамласи шарриндан эмин дегулман».

Ш е ъ р

Габр агар юз йил ўт ёқар бўлса,
Ичина тушижак куяр филҳол.

Вақт бўлурким, надимларга султон ҳазратинда киса билан олтун тегар, дағи вақт бўлурким боши кетар.

Ҳукамо қавлинда келиб турур: султон табиатиндан ҳазар қилмоқ керак. Вақт бўлурким салом қилсанг, малул бўлур, вақт келурким сўксанг, хилъат ва неъмат бағишлар. Кўб зарофат надимлар ҳунари, дағи ҳақимлар айби турур.

Ш е ъ р

Сен ўз виқоринг уза қадру қийматинг била бўл,
Қўюб бу завқу зарофат надими комилга.

Ҳикоят

Шайх Саъдий айтур: Дўстлардан бир ким эрса келиб ғаддор дунё элиндан шикоятин ҳикоят қилиб айтти:

— Қифоятим оз, дағи аёлим чўқ дағи йўқсуллуқ юкина қувватим йўқ. Неча навбат бу андишани қилдимким, дағи бир ўзга иқлимга бориб, не ҳол билан

бўлса тирилайимким ҳеч ким эрса меним яхши-ёмон ҳолимдан билмасун деб.

Ш е ъ р

Неча муфлис зўқоқларда ётур оч,
Ким эрса билмас онларники, кимдур.

Яна айтурманким кеткайман, сўнгра гайбатимда душманлар кулуб таъналар уруб, меним бу саъйимни муруватсизликка ҳамла этиб айткайлар:

Ш е ъ р

Кўрунг ул гайрати йўқ одамийни,
Хато нийят қилиб, ботил иш этти.
Кўюб ўғлин, қизин меҳнат ичинда,
Туруб ўз роҳатин кўрмакка кетти.

Аммо муҳосаба илминдан уйлаким бор-бир оз билурман. Агар сизинг жоҳингиз билан бир жиҳат ҳосил бўлса, жамъийяти хотир учун, азим миннат бўлгай. Айттим: Эй қариндош, султон амалининг икки тарафи бор, бири умиди мол, бири хавфи жон. Дағи бу оқиллар ройи дегул: ул умид билан бу мухотара ишга мубтало бўлмоқ.

Ш е ъ р

Йўқсул эрга киши келиб айтмас,
Боғу бўстон хирожини бергил.
Ё бу ташвиш ичинда рози бўл,
Ё жигар доғина таҳаммул қил.

Айтти: «Бу сўзни меним ҳолима лойиқ айтмадинг. Дағи саволима жавоб кетурмадинг. Эшитканинг йўқми: ҳар ким хиёнат билан тирилгай, ҳисоб вақтинда аллари титрагай».

Ш е ъ р

Кўнилик ҳақ ризосидур, кўни бўл,
Сени мақсудунга элтур кўни йўл.

Хукамо айтур: «Тўрт киши тўрт ким эрсдан қўрқар,

Ҳаромий султондан, ўғри ҳорисдан, фосиқ ғаммоздан,
қаҳба муҳтасибдан. Анингким ҳисоби дуруст турур, эй
ёр, муҳосибадан не қайғуси бор?»

Ш е ъ р

Ортуқча тамаъ амалда қилма,
Ким, ганж қатинда аждаҳо бор.
Йўлунгда ори бўлуб юригил,
Кир юзни урур ҳажарга қассор.

Айттим: «Бу сенинг ҳолинг ул тулки ҳикоятини ўшар ким, кўрдилар; йиқила тура кетар эди. Бир кимэрс айтти: «Не бўлди сенгаким бу ҳолда кетарсан?» Айтти: «Тевани сухраға тутадурлар». Айтти: «Эй аблаҳ, теванинг сенга не муносабати, дағи сенинг анга не мушобаҳатинг бор?» Айтти: «Тек тургил. Агар ҳасудлар ғараз билан айтсалар, бу тевадурур деб, кимнинг қайғуси бор меним халосимдан ё тафтиши ҳолимдам. Ироқдан тарёк келгунча йилон захмли эр ўлар. Бали, сенда фазилат ва диёнат ва амонат бор, аммо фаттон ҳасудлар фитна қилиб, бир кун малик хидматиндан ул ким сенинг яхши сийратинг дурур, анинг хилофин тақрир қилсалар, ул ҳолда кимнинг сўзламакка мажоли бор». Маслаҳат ани кўрарманким, қаноат мулкин ҳаросат қилиб раёсат таркин ургайсан, уйлаким, оқиллар айтур:

Ш е ъ р

Манофиъ баҳр ичинда кўб ва лекин,
Саломатлиқ ёқасинда топарсан.

Ул бу сўзни эшитиб, малул бўлуб айтти: «Бу не ақл ва кифоят бўлур дағи бу не фаҳм ва диroyт. Ҳукамо қавли дуруст келди, нечукким айтиб турурлар: дўстлар зиндон ичинда керак бўлур, дағи душманлар суфрада дўст кўрунур.

Ш е ъ р

Дегулдур дўстунг неъматда ҳар ким,
Муҳаббат лoфини урса ёнингда.
Ҳақиқат дўстунг ёрингдур улким,
Қўлунг тутса аёқдан тушганингда.

Кўрдумким мутағаййир бўлуб, насиҳатни ғараз билан эшитур, олиб ани соҳибуд-девои қотина бордим. Ул сабабданким, ўртамизда маърифат бор эди. Сурати ҳолин тақрир қилдим эса, бир мухтасар ишга қўйди. Бир неча кун кечти, яхши хилосин кўриб, ҳусни тадбирни беканиб, бир муътабар иш уза қўйди. Кундан-кунга саодати ортти, давлати ғоят камолга етти. Султон қотинда хос мушорун илайҳ ва муътамаддун алайҳ бўлди. Саодат уза саломат кўруб айттим:

«Огоҳ бўлғил, қуюрмағил, албатта бало устуна. Анинг учунким, бахшишли тангрнинг лутфлари бордурур ўртуқли».

Ул айёмда бир неча мувофиқ ёронлар билан Ҳижоз сафарин этиб, Маккани зиёрат қилиб келганимда, ул ҳариф икки манзил қарши келди. Кўрдум: сурати ҳоли хароб, дағи бағри меҳнат ўрина кабоб бўлмиш. Айттим: «Бу не ҳолат турур?» Айтти: Сен айтқанинг каби бўлди. Бир неча фаттон ҳасудлар мени хиёнатқа мансуб қилиб англадилар. Малик дағи ҳолимнинг ҳақиқатин билмайин мени зиндонга буюрди. Ул кун азиз дўстлар, қадимий ёронлар ҳақ сўзни сўзламакдан сукут этдилар.

Шеър

Ҳақ таоло кима ғазаб қилса,
Халқ ичинда бўлур залилу ҳақир,
Ғар саодат яна алиин тутса,
Бўлур ул муътабар амири кабир.

Филжумла, анвои уқубат ичинда эрдимким, ҳожийларнинг саломат хабарин султонға кетурдилар. Ул муборак кун султон мени оғир занжирдан халос этиб, амлокимни ўзина хос қилди. Айттим: «Сен меним насиҳатимни қабул қилмадинг. Султонлар амали тенгиз сафарина ўхшар, хатарли дағи фойдали, ё ганж элмак, ё тилисм ичинда ўлмак турур».

Шеър

Ё хожа юк билан қизил олтун олиб келур,
Ё баҳр ичинда ғарқ бўлуб кин билан ўлур.

Маслаҳат кўрмадим, дағи ортуқроқ сўзламакка хо-
тири оғригай деб. Бу икки байт била ихтисор қилдим.

Шеър

Насиҳат тутмаган гофил кимэrsa,
Тушар доим машаққатнинг қинина.
Билурсан захмина чун тоқатинг йўқ,
Қўлунгни суқмагил ақраб инина.

Ҳикоят

Шайх Саъдий айтур: суҳбатимда бир жамоати фа-
қирлар бор эди. Зоҳирлари салоҳ билан музайян, бо-
тинлари фалоҳ билан мураттаб эди. Ул замон бекла-
риндан бир бек бу тоифа ҳаққина гоят эътиқод боғлаб,
дағи муҳиб бўлуб, идрор муайян қилди. Бир кун булар-
нинг бириндан бир ҳаракат содир бўлдиким, улар со-
лиҳ фақирларнинг ҳолина муносиб дегул эди. Ул бек-
нинг ҳусни занни фосид дағи буларнинг бозори қосид
бўлди. Тиладимким, бир тариқа билан бу ёронларнинг
кифоятин халос қилсам. Туруб ул бекнинг хидматина
келдим. Баввоб манъ этти, кирмакка қўймади. Бир
неча сўз ачи тил билан сўзлади, маъзур туттум, ул
ҳукм биланким, масалда айтурлар:

Шеър

Кирмакка бекнинг, маликнинг эвина.
Восита лобуд керак бир ихтиёр.
Ногаҳон баввоб ва ит кўрса ғариб,
Бу ёқасин, ул этакин бек тутар.

Эвдан бекнинг хоссагийлариндан чиқиб, ҳолимдан
воқиф бўлуб кирдилар, дастур олиб чиқтилар. Икром
ва эъзоз билан мени олиб кирдилар. Ул бек мени туруб
топти, дағи бир иззатли ерга ишорат қилди: ўлтурунг —
деб. Мен дағи тавозуъ қилиб айттим:

Шеър

Муборак хидматингдур қутлу ройим,
Қўйунг қуллар сафинда ўлтуройим.

Айтти: «Оллоҳ, Оллоҳ! Бу не сўз бўлур?»

Ш е ъ р

Аё ақли тенгсиз, сўзи гуҳарбор,
Утурсанг кўзум устунда еринг бор.

Утуруб, ҳар бир бобдан сўз очиб сўзладим тақриб
билан. Сўз бу ёронларнинг зиллатина етти эса, айттим:

Ш е ъ р

Собиқул-инъом қулдин не хато кўрди, ажаб —
Ким, ани кўздан солиб қайғу ҳисоринда тутар.
Ҳақ таолога мусалламдур кўруб қулдан хато,
Кесмайин ҳар кундаги ризқин қароринда турар.

Ул бекка бу сўз ғоят хуш келди. Буюрдиким, онлар-
нинг асбоби маошини аввалги қонда уза муҳайё қил-
дилар, даги ул бир неча кунким, вазифалари кесилиб
эди, адо қилдилар. Неъмат шукрин қилиб, хизмат ерин
ўпуб, хасорат узрин тилаб, кетар вақтин айтти.

Ш е ъ р

Бўлубтур Каъба ҳожат қиблагоҳи,
Анга халқ ул жиҳатдан кўб кетарлар.
Таҳаммул қил бизим амсолимизга —
Емиши кўб ағочқа тош отарлар.

Ҳ и к о я т

Бир султон ўғлина отасиндан кўб мол ва неъмат
қолди. Карам алин очиб, сахо додин берди. Лашкарга
ва раиятга фаровон мол ва неъмат бағишлади.

Ш е ъ р

Муборак ҳунардур жаҳонда карам,
Карамсиз вужуди эрур кул-адам.
Улуғлуқ тиласанг сахий бўл, сахий,
Сахийни севар ҳақ таоло ахий.

Ул мажлисда бир жоҳил бек насиҳат бошладиким:
«Бурунги султонлар бу неъматни саъй этиб маслаҳат
учун қўюб турурлар. Бу ҳаракатни оз қилгилким, ила-
йингда кўб воқеалар бор, дағи ортингда кўб душманлар

бор!» Султон ўгли бу сўздан малул бўлуб айтти: «Сурунг бу қавводни. Бир мен ичарман, бағишларман. Мен мунинг ҳориси дегулманким емайин сақламаға».

Шеър

Эл етарда эйгулук қил, эй фалон,
Ким отинг қолгай жаҳонда жовидон.
Қорун ўлди, қолди қирқ эв тўли ганж,
Улмади адли билан Нуширавон.

Ҳикоят

Нуширавони одилга овда кийик шишладилар. Туз йўқ эди. Бир қул кентга бордиким, туз кетургай. Нуширавон анга айтти: «Тузни қиймат билан олгилким, расм қолиб кент хароб бўлмасун». Ул қул айтти: «Бу қадар туз солмоқ билан не халал келгай?» Айтти: «Зулмининг асоси аввал оз эди. Ҳар ким келди мазид қилди, то бу гоятқа етти».

Шеър

Раият боғининг султон олиб еса бир олмасин,
Юзор мундин егай бир қул барини илмайин тишка.
Буюрса беш юмуртқани олурға куч била султон,
Навкарлари тутуб санчар йигирма қозни бир шишка.

Ҳикоят

Айтурлар: бир омил эрни раият эвин хароб этиб, султон хазинасин иморат қилур эди, ҳукамо қавлиндан гофил, нечукким айтурлар: ҳар ким тангри таоло халқин озор қилса, дағи бир кимэрсан кўнгли учун ҳақ таоло ул кимэрсани анга ҳавола қилурким, ҳаётининг кўкин кесар.

Шеър

Келибтур хуш анга жавр этмак элга,
Элинда бир неча кун бор жоҳи.
Юз эрлик кони қилса, уш минг онча,
Қилур бир кун анга мискинлар оҳи.

Жумла ҳайвонот аълоси арслон дағи андоси эшак

турур. Иттифоқи халқ бу турурким юк кўтурган эшак
яхшироқ ул арслонданким, одамийни йиртқай.

Ш е ъ р

Нечаким фаҳми йўқ мискин эшакнинг,
Кўтурмак бирла юкни қиймати бор.
Эшак ул одамийдан яхшироқким,
Қилур доим кишининг кўнглин озор.

Ул амалдор эрдан султонга кўб турли шикоят қил-
дилар. Буюрдиким мусодара қилинг, юз турли уқубат
билан ўлтурдилар. Андан зулм кўрган кишиларнинг
бири ани ул ҳолда кўруб айтти:

Ш е ъ р

Анингким бор элинда мансабу жоҳ,
Солиб тарҳ ул қилур доим тижорат.
Йиқиб ёрли раият хонумонин,
Қилур султон хазинасин иморат.
Кимэрсага хасорат қилмади ул,
Ўзининг жонина қилди хасорат.

Ҳ и к о я т

Бир золим кимэрсани, айтурлар халқни кўб озор қи-
лур эди. Бир кун бир солиҳ фақирни тош билан бо-
шина урди. Ул фақир қўрқуб, ўчун ола билмади. Ул
тошни олиб сақлади. Бир кун султон ул золимни ёзуқ-
лаб қуйуға солди. Бу ҳариф келиб, ул тош билан бо-
шина маҳкам урди, айтти: «Сен кимсан? Бу не тош ту-
рурким, мени мунунг билан урдунг?» Айтти: «Мен фа-
лон кишиман дағи бу ул тош турурким, ул тарихда ме-
ним бошима урдунг». Айтти: «Мунча замондан қанда
эдинг?» Айтти: «Ул кун жоҳинг буюк эди, қўрқдум. Эм-
ди букун сени қўйида кўруб, фурсатни ғанимат кўр-
дум. Нечукким айтурлар:

Ш е ъ р

Чўнг жоҳиллар билан бўлди бу чарху бахтиёр,
Оқил эр кўруб ани таслим қилди ихтиёр.
Хасм чун сендан қавийдур қил таҳаммул жаврина,
Эрта лобуд ўч олурға душманиндам вақт бор.

Тутмағил пўлод қўлли бирла панжа, эй заиф —
Ким, алинг эмгак кўруб тоқат кўтурмайин синор.
Сабр қил, душман қўлин боғли қатингда кўргасан,
Дўстлар алинда ул кун ур дағи мағзин чиқар».

Ҳикоят

Маликлардан бир маликка бир ранж ҳосил бўлди. Ул вилоятнинг ҳоқимлари жамъ бўлуб айттилар: «Бу ранжнинг давоси дегул, илло, одамийнинг ўти дағи ул одамий мунча турлу сифат билан мавсуф керак». Султон буюрди, истадилар. Бир экинчининг ўғлин топтилар. Ул сураттаким, ҳукамо айтиб турур эди. Онасин, отасин издаб кўб мол ва неъмат бериб, хушнуд қилдилар. Қози фатво бердиким, султон саломати учун раиятдан бирининг қонин тўкса, раводурур. Жаллод келиб қасд этти ўлтурмакка. Ўғлон юзун кўкка қарши тутуб кулди. Султон айтти: «Бу ҳолатта не кулмак ери дурурким, кулдунг?» Айтти: «Ўғлонлар нози отаға, онаға бўлур дағи даъвони қози қотина элтурлар, додни султондан издарлар. Эмди отам, онам дунёлик учун қонимни тўкмакка дастур бердилар. Қози дағи фатво берди мени ўлтурмакка. Султон дағи рози бўлди. Тангридан ўзга сиғинур ерим қолмади.

Шеър

Кимга қилайим сенинг алингдан фарёд,
Қаршунгда туруб тиларман ўш сендан дод».

Султон бу сўзни эшитиб, кўнгли огриб, кўзиндан ёш келди дағи айтти: «Меним ҳалокликим яхшироқ анданким, ёзуқсуз қон тўкулгунча». Бошиндан, кўзундан ўпуб, қучуб, кўб молу неъмат бериб, озод қилди. Ул кун ичинда ҳақ таоло анга шифо берди.

Шеър

Куч била бир қаранчани боссанг,
Билки ҳоли не бўлғай ул қинда.
Эй заиф одамий, сенинг ҳолинг,
Уйладур фил аёқи олтинда.

Амир бин Лайс қуллариндан бир қул қочти. Олтинча бориб, тутуб кетурдилар. Бир вазирнинг анинг билан ғарази бор эди. Айтти: «Муни ўлтурмак керакким дағи ўзга қуллар кўруб, мунунг бекин ҳаракат қилмағайлар». Ул қул ер ўпуб айтти:

Шеър

Буйруғунг бошим уза, эй шаҳриёр,
Хожанингдур ҳукм, қулға эрки бор.

Аmmo мен бу эв неъматин билан бесланиб турарман. Тилайманким қиёмат кун меним қонима гирифтор бўлғайсан. Агар бу қулунгни ўлтурмакка тиласанг, шаръ таъвили билан ўлтургулким, қиёмат кун ёзуқли бўлмағайсан».

Малик айтти: «Шаръ таъвили қайси турур?» Айтти: «Менга ижозат бергилким, бу вазирни ўлтурайин, андан сўнгра мени қасос қилиб ўлтургил».

Малик бу сўзни эшитиб кулди, дағи вазирга айтти: «Не маслаҳат кўрарсан?» Вазир айтти: «Эй малик, отанг жони учун, бошинг садқаси, мунунг ёзуқин бағишлагил, ҳатто мени дағи балоға солмасун, ёзуқ мендан дурур, ҳукамо қавли билан амал қилмадим».

Шеър

Урушиб тош отқан эр билан сан,
Жароҳат бошинга истаб кетурдунг.
Чекиб ё, оттинг ўқ душман юзина,
Кўзунг оч, ўқина қарши ўтурдунг.

Завзан шаҳрининг маликининг бир хожаси бор эди. Қаримунафс, соҳиб хулқ, буюк ҳимматли, очуқ кўнгулли улуға, кичикка эъзоз ва икром ва эҳсон қилиб, ғайбатларинда хайрин сўзлар эди. Бир кун малик андан бир ҳаракат кўруб, ғазаби келиб, мусодара қилинг, деб буюрди. Ул кишиларким мундан эъзоз ва эҳсон кўруб турурлар эди, келиб қотина кечалар, кундузлар ўтуруб, латиқалар сўзлаб, мувонасат қилур эрдилар.

Ш е ъ р

Душман билан сулҳ этарға кўнглунг бўлса,
Ул сўкса, қафодор қил юзина таҳсин.
Гар ачи сўзин эшитмагайин дер эсанг,
Эҳсон била қил ҳамиша оғзин ширин.

Улким маликнинг ҳақи эди, баъзисин адо қилди,
қолғани учун бир неча кун ҳибсда ўтурди. Хуросон маликлариндан бир малик бу хожаға хуфя варақа солдиким анинг каби малик мунунг каби улуғнинг қадрин билмади, иззатсизлик этти. Агар муборак хотира тилар ўлса, бу ёни келмакка, кўнглундаги мулодинча иззат топқай дағи бу мамлакатнинг улуғлари ўзининг қутлуғ жамолина муштоқ бўлуб, бу ҳуруфнинг жавобина мунтазир бўлуб, кўзлари йўлда турур. Хожа бу сўзнинг жавобина қўрқубтур. Вақти дағи ани ким маслаҳат кўрди. Ул варақанинг захринда мухтасар ёзиб, варақа кетурган кишининг алина бериб узатти. Бир кимэрс а бу воқеани туйуб, султонға англапти.

Султон йигириб, ул варақа кетурган кишини истаб қотинда варақа топиб ўқутти. Ёзубтурурким, улуғларнинг ҳусни занни бу қул ҳақина бу қулнинг миқдориндан ортуқроқ турур дағи ул ташрифи қабул ким буюрдунгиз бу қулнинг анинг ижобатина имкони йўқ турур. Анинг учунким бу эв неъмат билан бесланиб турурман дағи оз жавр кўруб, кўб йилғи неъмат ҳақин унутуб, вафосизлик этмак мурувват дегул.

Ш е ъ р

Биркишидан дойимо кўруб сахо,
Умр боринча юкун чексанг раво.

Султонға анинг бу сийрати ғоят хуш келди, издаб хилъат кейдуруб, кўб неъмат бағишлаб, узрин тиладиким, хато қилдим: «Сени ёзуқсуз инжиттим». Айтти: «Эй султон, ани менга қилдинг, сендан хато билмон. Ул менга ҳақ таолодан муқаддар эди. Сенинг алингдан бўлгани яхшироқким, кўб турлу неъматинг ҳаққи бу қул уза бор».

Ш е ъ р

Бўлмағил заҳмат кўруб элдан малул,
Заҳмату роҳат халойиқдан дегул.

Ҳақ таолодан ани билмак керак —
Ким анинг ҳукмундадур радду қабул.

Ё киришиндан дегул ўқ ўтмаги,
Эр кучиндан айлар ул дойим духул.

Ҳ и к о я т

Араб маликлариндан бир малик девон мутааллиқ-
тарина буюрдиким, фалон қулнинг марсумин яхши их-
тиёт билан ёзсунларким, хидматка мулозим дағи фар-
монга кўз тикиб, қулоқ қўюб турур. Дағи ўзга қуллар
тахву тараб билан машғул бўлуб, хидмат адосина ўсал
юрурлар Бу сўзни кўнгул эялариндан бир кимёрса
шитиб айтти: «Ҳақ таоло ҳазратинда қулларнинг ама-
нининг жазоси бу мисол уза турур».

Ш е ъ р

Икки кун эрта малик табуғуна бир эр келса,
Учунчи кун анга лобуд назар қилур ул шоҳ.
Келиб тила тилакинг ҳақ эшикина ҳар дам,
Эрур карам улашур ер ҳамиша бобул-лоҳ.

Ш е ъ р

Махдум бўлуб ҳамиша фармон тутқан,
Маҳрум қолур ҳамиша исён кутқан.
Мақбул бўлур ул одамий ҳазратга,
Уйнаб бу замона бирла осон ўтқан.

Ҳ и к о я т

Бир золим ҳокимни айтурлар: фақирлар ўтунин куч
билан эксукка олиб дағи бойларга ортуққа тарҳ бера-
дур эди. Кўнгул эялариндан бир кимёрса кўруб ани
йтти:

Ш е ъ р

Йилонсан ҳар кима етсанг тегарсан,
Утурсанг қанда бойқуштек йиқарсан.
Кучунг бизга етар ҳаққа еталмас,
Мени сен куч била ўтқа ёқарсан.

Ул бу сўзни эшитиб, малул бўлуб, анга илтифот қилмади.

Ногаҳ бир кеча ул ҳокимнинг матбахи ўти ўтуи анборина тушти. Барча амлоки ёнди. Бу ҳариф юмшоқ тўшакдан исси кул устунда қолди. Ул соҳиби вақт эвина кечар эди, ани кўрдиким, ёронларина айтур: «Ҳеч билмон бу ўт меним эвима қандан тушти». Ул эр айти: «Фақирлар оҳи тутуниндан».

Шеър

Дағи мискин кишиларга куч этма,
Аларнинг оҳи ўтиндан ҳазар қил!
Йиқар бўлсанг дағи бир кез кўнгулни,
Кўнгул оҳи сени қавтек ёқар бил!

Қайхусрав тожининг устунинда бу икки байтни ёзиб турурлар:

Шеър

Бошимиз устунда бу халқи жаҳон,
Сайр этгайлар ер узра кўб замон.
Алдин-алга келди бизга мамлакат,
Айла ҳам кеткай келиб алдан равон.

Ҳикоят

Бир курашчи паҳлавон уч юз олтмиш турли кураш илмин билур эрди. Текма бир кун бир турли илм билан курашур эди.

Шогирдлариндан бир соҳибжамол ўғлон билан хотири мутааллиқ бўлуб, уч юз элли тўққуз турли кураш илмин анга ўргатти; ўғлон ул ғоятқа еттиким, бу вилоятда не қадар курашчи бор эди, барчасин бости.

Бир кун султон хидматина келиб, ер ўпуб айтти: «Устодимнинг меним уза тарбият ҳаққи бор, йўқса қувватда ва санъатда мен андан ортуқман».

Бу сўз султонга хуш келмади. Буюрдикми кураш-сунлар. Мақом тартиб қилдилар. Аркони давлат ва аъёни ҳазрат умаро ва вузаро ҳозир бўлдилар. Уғлон усрук фил каби майдона кириб, тасаввур эттиким, те-мурдан тоғ бўлса, ериндан қўпорғайман. Устоди дағи билдиким, ўзиндан ортуқ турур. Ул бир илмниким мундан кизлаб эди, ани амалга кетурди. Уғлон дафъ эта

билмади. Уғлонни кўтариб, ҳаводан ерга урди. Халқдан гирев қўпти. Султон буюрди: Устодина хилъат ва неъмат бердилар. Дағи ўғлонни маломат қилдиларким, сен ўз устодинг билан даъво қилдинг, даъвонг ботил бўлди. Уғлон айтти: «Ула меним уза қувват билан голиб бўлмади, балки кураш таълиминдан бир дақиқани қизламиш, ани била голиб бўлди».

Устодин айтти: «Бали, ул дақиқани букун учун кизлаб эдим».

Оқиллар масали турур: «Дўстқа ул қадар ёри қилгилким, душман бўлса сенга зафар топмағай».

Шеър

Ё вафо йўқ турур бу оламда,
Ё киши қилмади жаҳонда ани.
Мендан ўқ илмин ўграниб кеткан,
Оқибат қилди ул нишона мани.

Ҳикоят

Бир фақирини мужаррад саҳрода ўлтуруб, хирқасин тикар эди. Илайиндан бир султон кечти, бошини кўтариб боқмади, дағи илтифот қилмади. Султон ул ерданким салтанат маҳалли турур, мутағаййир бўлуб айтти: «Бу тоифа ҳайвонсифат турур». Вазир айтти: «Эй фақир, жаҳон султони илайингдан кечти, не учун туруб хидмат қилмадинг, дағи адаб шартин ерина кетурмадинг?» Фақир айтти: «Султонга айтқил: хидмат тамаин ул кишидан тутсунким, неъмат тамаин андан тутқай. Дағи билгил; султон раият роҳати учун турур, дағи раият султон тоати учун турур».

Шеър

Бу раиятга малик чўпон эрур,
Ул нечаким кўб вилоятни билур.
Қўй дегул чўпон учун, эй зуфунун,
Балки чўпон қўйлара хидмат учун.
Ул бири давлат билан даврон сурар,
Бу бири ўтдин ўзин бир ён сурар,
Бир неча кун сабр қилгилким, бу ер,
Эй неча Фиръавн мағзин тоза ер.
Бир киши боқса очиб гўр ичина,
Билмағай ётқан маликми ё гадо.

Султонға фақирнинг сўзлари гоят хуш келди. Айтти: «Не тиларсан, мендан тилагил?» Айтти: «Сендан ани тиларманким, менга заҳмат бермагайсан». Айтти: «Менга насиҳат бергил». Айтти:

Шеър

Букунким бор алинда молу мулкат,
Юрур алдан эла ул жоҳу давлат.
Қоранча хотирин озор қилма,
Сулаймонча алинда бўлса қувват.

Ҳикоят

Бир вазир Шайх Зуннун Мисрий қотина келиб, ҳиммат ва дуо тилаб айтти: «Кеча-кундуз султон хидмати-на машғулман, дағи хайриндан умид тутуб, уқубатиндан қўрқарман»...

Бу сўзни Зуннун Мисрий эшитиб, йиғлаб анга айтти: «Агар мен тангридан уйла қўрқсам эдиким, сен султондан қўрқарсан, сиддиқлар жумласиндан бўлгай эдим».

Шеър

Қайси фақир қонез тавқо билан тирилса,
Топса ажаб дегулдур ҳазратга ул куни йўл.
Қўрқса вазир ҳақдан қўрқан бикин маликдан,
Топуб мақоми олий бўлгай малак сифат ул.

Ҳикоят

Бир султон бир ёзуқсуз кишини ўлтурмакка буюрди. Ул мискин айтти: «Эй султон, ул сабаб биланким ғазабинг келиб, меним уза ўз озор истамагил!» Айтти: «Нечук?» Айтти: «Бу уқубат меним уза бир нафас билан кечар, дағи қиёматқа тегру сенинг бўйунунда қолур».

Шеър

Сахро елитек умр бақоси кечти,
Ғам жаври дағи фараҳ сафоси кечти.
Жофий сақинур, жафо биза қилдим деб,
Қолди анга биздан ул, жафоси кечти.

Ул маликка мунун насихати ғоят хуш келиб, озод қилди.

Ҳикоят

Нўширавони одил вазирлари ўлтуруб мамлакат маслаҳатиндан бир муҳим ишга андиша қилур эдилар. Ҳар бири ақли қадринча бир рои кўргузуб, малик дағи бир тадбир андиша қилди. Бўзаржамихрга маликнинг таъбири ихтиёр келди. Вазирлар Бўзаржамихрга сўрдиларким: «Малик роинда не мазийят кўрдунг, мунча ҳақимлар фикри ўза?» Айтти:— Ихтиёр кўрмагимнинг сабаби ул турурким бу ишнинг сўнги маълум дегул, дағи сизинг роингиз тангри тилаги ичинда турур. Ё савоб келгай, ё хато. Агар хилофи савоб келса малик мутобаати билан муотибиндан эмин бўлгайбиз.

Шеър

Ким издар эса хилофи рои султон,
Ўз қони билан ювар элин ул нодон.
Кундузни-кеча деса малик, сен айтқил,
Ўша кўрунур қамар ёнинда кайвон.

Ҳикоят

Бир сайёҳ сочин ўруб, ҳожийлар қофиласи билан Бағдод шаҳрина кириб, малик хидматина келиб айтти: «Шариф кишиман. Ҳижоздан келурман. Малик учун бир қасида мадҳ қилиб турурман». Малик буюрдиким ўқусун. Ул шариф қасидани тамом ўқуди эса, малик надимлариндан бири айтти: «Мен муни қурбон байраминда Басра шаҳринда кўрдум. Бу нечук ҳожий бўлур?» Дағи бири айтти: «Мен бу қасидани билурман, Анварийнинг дурур, бу нечук шоир бўлур?» Малик буюрдиким: «Урунг бу қавводни, нечук мунча кўб ёлғон сўзлар сўзлагай». Ул айтти: «Малик ёши узун бўлсун. Бир сўзум дағи бор агар ул рост бўлмаса, не уқубат қилсангиз, менга жазо дурур». Малик айтти: «Айтқил ани».

Шеър

Кетурди бир ғариб эр ул югуртни,
Ки бир бахшидур эран икки судур.
Тиласанг, рост сўз будур, аё шоҳ,
Жаҳон кўрган киши кўб ёлғон айтур,

Малик бу сўзни эшитиб, кулуб айтти: «Мундан рост сўз сўзламадинг». Буюрди, не ким мақсуди эди бердилар.

Ҳикоят

Бир вазир али олтиндаги қавмга раҳм этиб, ишларин хайр уза тутар эди. Ногаҳ бир кун ул вазир малик қаҳрина гирифтор бўлди. Дўстлари келиб, халос қилмоқ учун саъй эттилар. Ул кишиларким, анга тарсим бўлуб эдилар муоқабинча мулотафат кўрғурур эдилар дағи ўзга улдуғлар ўз сийратин малик хидматинда сўзладилар. Малик дағи анинг ёзуқун бағишлади. Кўнгул эялариндан бир кимэрсә ҳозир эди анда, айтти:

Шеър

Керакли дўст кўнглин топмоқ учун
Отаси боғини сотса раводур,
Оши пишкинча эйгу одабийнинг,
Эвун рахтин териб ўтқа ёқадур.
Ёмонлиқ қилган эрга эйгулик қил,
Қопар ит оғзина луқма отадур.

Ҳикоят

Ҳорун-ар Рашид ўғлонлариндан бири ғаблабниб, отаси қотина келиб айтти: «Фалон волийнинг ўғли онама сўкти». Ҳорун-ар-Рашид вазирларина айтти: «Ул кишиким мунунг каби ярамас сўз сўзлагай, анинг жазоси не турур?» Бири айтти: «Ани ўлтурмак керак». Дағи бири айтти: «Анинг тилин кесмак керак». Дағи бири айтти: «Ани мусодара қилмоқ керак». Дағи бири айтти: «Ани таъзир қилмоқ керак». Дағи бири айтти: «Ани ихрож қилмоқ керак».

Ҳорун-ар Рашид айтти: «Эй ўғлум, мурувват ва карам ул турурким, андин кечкайсан. Агар афв эта билмасанг, сен дағи анинг онасини сўккул. Эйлаким, интиқом ҳаддан кечмагай. Агар кечар бўлса, зулм бизим тарафимизда бўлғай».

Шеър

Ётган арслон билан панжа тутушкан эр дегул оқил,

Ани бил, оқил эр қаҳри келижак сўзламас ботил.
Бир эзгу одамийга бир ёмон тилли киши сўкти.
Ул айтти: «Эй сўзи тотли, юзи қутли, ўзи комил,
Меним айбим инган кўбтур, мени ментек киши билмас,
Менга сен рост айттинг эрурмен айбима қоил».

Ҳ и к о я т

Шайх Саъдий айтур: бир неча бой хожалар билан кемида ўтуруб кетар экан, кема сўнгунда бир заврақ фарқ бўлди. Ичинда икки қардош бор эди. Сув играмина тушти. Ул хожаларнинг улуси буларни чиқарган кишига юз олтун этти. Кемачига мен айттим: «Анинг дағи умрининг рақияси қолмамишким сен ани тутмоқда таъхир қилдинг, дағи муни тақдим». Кемачи кулуб айтти: «Аниким айтинг, яқин турур дағи хотирим майли мунга ртоуқроқ эди, ул сабабданким бир вақт ориб эдим, бу мени тевага миндурди. Дағи ул ўғлон экач, яғринима оғир қамчилар индурди». Мен айттим.

Ш е ъ р

Етканинча кучунг кўнгул ёбқил,
Қим халойиқ сенга дуо қилғай.

Тушкан эр ҳожатин раво қилсанг,
Ҳақ сенинг ҳожатинг раво қилғай.

Ҳ и к о я т

Бир замонда икки қариндош бор эди. Бири султон хидматина мулозим, дағи бири касблик ўтмагин ер эди. Бир кун ул жундий қариндоши бу косибга айтти: «Не учун хидмат қилмассанким бу иш заҳматиндан қутулғайсан. Ул косиб қариндоши айтти: сен не учун ишламассанким, хидмат хорлуқиндан қутулғайсан». Оқиллар масали турурким, ўз эвинда ўтуруб қури утмак еса яхши анданким, белина олтун қилич боғлаб хидмат учун турғай.

Ш е ъ р

Темур тўккан билак минг қурли яхши,
Ул элданким кўксуда энга қарши.

Шеър

Бўйла сарф этти умрун ул сарбоз,
Не егай қиш дағи не кийгай ёз.
Эй бўғоз, қониъ эт бир ўтмакка,
Қил ўзунга бу кўб жафони оз.

Ҳикоят

Нўширавони одилга бир киши келиб башорат кетур-
диким: «Фалон душманингни тангри кўтурди». Нушира-
вон айтти: «Ҳеч ани эшиттингмиким, мени қўйғай?»

Шеър

Билурсанким, жаҳоннинг мажлисинда,
Тутар элга қадаҳни рост соқий.
Севунмак йўқ уруб душман ўлусин,
Келисар чун биза ул давр аёқи.

Ҳикоят

Қисри эшикинда акобир жамъ бўлуб, мамлакат
маслаҳати учун машварат қилур эдилар. Ул ҳолда
Бузуржмиҳр сўзламади. Айттилар: «Сен не учун бу
иттифоқда сўзламадинг?» Айтти: «Вузаро атиббо ми-
соли турур. Табиб даво буюрмас, илло сақимға. Кўр-
думким, сўзларингиз савоб уза турур. Анда сукут ях-
широқ сўзламакдан».

Шеър

Сўзламак ҳикмат дегул, эй хуш мақол,
Бўлмаса ул ердаким, сўзга мажол.
Ул такаллумдан сенга хушдур сукут,
Ким, хато сўздан егинча инфиол.
Бир қуйу оғзинда сўзсуз эр кўруб
Теб-тек ўлтурмоқ, бали, анда вабол.

Ҳикоят

Ҳорун-ар Рашид қачонким, Миср мулки мусаллам
бўлди эса, айтти: «Ул тоғий ёғи хилофинчаким, Миср
мулкина мағрур бўлуб тангрилик даъвисин қилди. Ке-
ракким бу мамлакатни қулларимдан энг ўксук қулума

бергайман». Айтурлар: бир қора қули бор эди. Инган биликсиз Хасиб отли, Миср мулкни анга таслим қилди. Анинг ақли ва кифояти ул ғоятда эдиким, бир кун экинчилар келиб шикоят қилдиларким: «Нил ёқасинда мамуқ эктик. Вақтсиз ямғур келиб талаф қилди». Ул айтти: «Юнча эмак керак эдингизким, ямғур зиён қилмағай эди». Бир ҳариф эр бу сўзни эшитиб, кулуб айтти:

Ш е ъ р

Келур бўлса билик бирла саодат,
Биликсиз ҳайкали бўлғай сақоват.
Вале аблаҳ ботибтур ганж ичинда,
Биликли хору муфлис ранж ичинда,
Бериб мулк ул бирини қилди султон,
Юритур бу бирини очу урён.
Жаҳон бунёдини бўйла солибтур.
Бу ишга оқил эр ҳайрон қолибтур.
Анинг ҳикматларина ақл эришмас,
Қимәрса ишларина ҳам киришмас.

Ҳ и к о я т

Бир султонға Чин иқлимидан бир уздан қарнақ кетурдилар. Султон сархушлуқ ҳолатинда анинг бирлан жамъ бўлмоқ тилади. Қарноқ манъ этти. Султон йиғириб бир қора зангий фаррошқа бердиким устун дудағи бурни учина етиб дағи остин дудағи ёқасина иниб турар эди.

Ш е ъ р

Ул қора дев чехрали қулнинг
Кетурур сурати кўнгулга малол.
Хатм бўлди магар қабоҳат анга,
Уйлаким Юсуфа жамолу камол.

Қоранинг ул вақт нафси ғолиб дағи шаҳвати толиб эди, минг миҳри жон билан муҳрини кўтурди.

Тонг била султон қарноқни излади, топмади, можарони айттилар. Султон буюрди, қорани дағи қарноқни али, оёқин боғлаб, қалъа буржиндан хандаққа бироқсунлар. Бир оқил вазир шафоат юзун ерга қўюб айтти: «Қоранинг мунда ёзуқи йўқ турур. Қуллар султон инъомина, эҳсонина ўганиб турурлар». Султон айтти: «Бир кеча сабр этса, не бўлғай эди?»

Вазир айтти:

Ш е ъ р

Рамазон ойи мулҳиди муфсид,
Илайинда табоқ тўли ҳалво.
Ким дегай ул кун ул уруж тутқай,
Бўйла байрам бўлуб анга пайдо.
Етса тотли сувға сусамиш эр,
Қўрқмас оллинда бўлса аждарҳо.

Бу латифа султонга хуш келди. Айтти: «Қорани сенга бағишладим, қарноқни недайим». Айтти: «Қораға бергилким, анинг лоиқи турур».

Ш е ъ р

Сусамиш ул шакар сувин ичмас —
Ким, анга ит тегиб чибин ушти.
Шоҳ элин бир яна қачон қўрғай,
Ул чечакким, нажис ера тушти.

Ҳ и к о я т

Искандарға сўрдилар: «Машриқ ва Мағриб диёрин не билан туттунг? Бурунги маликларнинг хазинаси ва лашкари ва умри сендан ортуқ эди, онларга бу фатҳ бўлмади?» Айтти: «Тангри таоло инояти билан қайси мулкниким туттум, раиятни хуш кўрдум дағи маликлар отин хайр билан ёд қилдим».

Ш е ъ р

Керак султон раиятни кўруб хуш,
Иноят бирла дойим шод қилғай.
Улуғлуқ ул дегулким, уллуларни
Аримас лафз бирлан ёд қилғай.

Иккинчи боб

ФАҚИР АХЛОҚИ ИЧИНДА ТУРУР

Ҳ и к о я т

Улуғлардан бир ким эрса бир порсо эрга сўрди: «Фа-

лон обид ҳаққина не айтурсан? Кўб таънали сўзлар унинг учун дерлар». Айти: «Зоҳиринда айб кўрмон, ботининда ғайб билмон».

Ш е ъ р

Қачон кўрсанг ори тўнли кишини,
Ани билсанг керак зоҳид йўлинда.
Ташинда чун нақиб сен англамадинг,
Иши йўқ муҳтасибнинг эв ичинда.

Ҳ и к о я т

Шайх Саъдий айтур: бир фақирни кўрдум. Каъба-нинг эшикина юзни қўюб айтур эди. «Ё ғафур, ё раҳим, сен билурсанким, бу залум, жаҳулдан не келгай».

Ш е ъ р

Кетурдум кўб хато узрин қилиб тақсир қуллуқда,
Сенга хидмат қилур дойим кима бўлса саодат ёр.
Қилурлар тавба осийлар надомат еб хато ишдан,
Ибодатдан қилур ориф кишилар доим истиғфор.

Обидлар тоат жазосин дағи тожирлар бизоат баҳосин издарлар. Мен мискин умид кетурдум: тоат дегул, ҳожатга келдим, тижоратга дегул.

Ш е ъ р

Керак ўлтур, керак журмум бағишла,
Не қилсанг ҳукмина розиман, ишла.
Бу узрумни қабул еткил демасман,
Оғир ёзуқлиман аҳли карамсан.

Ҳ и к о я т

Шайх Саъдий айтур: Абдулқодир Гилоний раҳматуллоҳу алайҳни кўрдум. Ҳарам ҳисорина юзин қўюб айтур эди: «Ё карим, ё раҳим, бу қулунгни бағишлагил. Агар уқубатқа лойиқ эсам, қиёмат кун мени кўзсув қўпорғилким, эйгулар назаринда хижил бўлмағайман».

Ш е ъ р

Неча келса сабо ели саҳаргоҳ,
Юзум ерга суруб айтурман аллоҳ.

Унутмон бир нафас ҳаргиз сени ман,
Ангармисан бу қулни, эй ажаб сан.

Ҳикоят

Бир солиҳ эрнинг эвина ўғри кирди, издаб нима топмади. Кўнгли тор бўлуб чиқти. Эв эяси билди дағи тура келди. Бир гилими бор, анинг устуна ётур эди, ани элтиб ўғрининг йўлинда бирақти, ҳатто маҳрум кетмасун деб.

Шеър

Мурувват кўргуз элга, айла, эй ёр,
Ки душман кўнглун ул эр қилмади тор.
Нечук бергай санга эл бу саодат,
Бўлур чун дўст дойим сендан озор.

Аҳли сафо юзда не эса, қафода улдур, асли ёмон
мунофиқ каби дегулдур.

Шеър

Оллингда яваш қўй бекин мушфиқ ёр,
Ортингда бўри каби терингни йиртор.

Ҳикоят

Шайх Саъдий айтур: Бир жамоати орифи фақирларга йўлуқтум. Сафарга иттифоқ қилиб ранжу роҳатга шерик бўлуб эдилар. Мен дағи онларга йўлдош бўлмоқ тиладим, қабул этмадилар. Айттим: «Бу улуғларнинг макорими ахлоқиндан бадиъ дурурким, мискинлар суҳбатиндан юз қайтармоқ дағи фойдани дариф кўрмак». Онларнинг бири айтти: «Бу сўзни эшитиб малул бўлмағилким букун дўрт кун дурурким бир ўғри солиҳлар суратин кийиб бу фақирлар суҳбатина кириб дурур. Ул ҳолдан гумон этмайин бу жамоат йўлдошлиққа қабул қилиб турурлар».

Шеър

Неча ким далқ эрур ориф либоси,
Муборакдур халойиққа дуоси.

Не бўлса кий дағи эйгу амал қил,
Шақоватни саодатга бадал қил!
Дегулдур тун билан бу порсолиқ,
Тиласанг зуҳду тақво нафс эвин йиқ!
Даминда кўргузур форис шижоат,
Муҳаннасқа Дамашқий ё не ҳожат.

Ул кун булар билан юрдум. Кеча келиб бир ҳисор
ёнинда ёттилар. Ул ўғри рафиқининг ибриқин олиб,
таҳоратқа кетарман деб, ғоратқа кетти.

Ш е ъ р

Кийиб хирқа юрур зоҳид озиб йўл,
Эшакка кийдириб Қаъба тўнун ул.

Ул қадар кеттиким буларнинг назариндан ғойиб
бўлди. Қалъа буржина чиқиб мол ўғурлаб кетти. Ул
кеча ўғри тўрт манзилни бир этти. Сабоҳ мол эяси ке-
либ, бу ёзуқсиз ёткан фақирларни тутти, бор мавжуд-
ларин олди, дағи ағоч уруб, ҳибсга солди. Ул тарихдан
бери тарки суҳбат қилиб, узлат ихтиёр эттим. Нечук
ким айтурлар:

Ш е ъ р

Чун дегулдур сенга мувофиқ ёр,
Қўй, ани ёлғузун тамошо қил.
Не сенинг бағринг ул кабоб этсун,
Не анинг суҳбатин таманно қил.

Айттим: «Алҳамду-лиллоҳ, нечаким суҳбатдан йи-
роқман, бу ҳикоят билан роҳатга яқинман, дағи не қа-
дарким, умрум бор бу насиҳат билан амал қилгайман».

Ш е ъ р

Бир аблаҳ ўртада қилди ёмонлиқ,
Неча оқиллара тегди зиёни.
Тўли бўлса бир улу бирка мовард,
Қилур бир ит тушуб мурдор они.

Ҳ и к о я т

Бир зоҳид бир султонга қўноқ бўлди. Ул вақтким,
таом емакка ўтурдилар, зоҳид емак оз еди. Қачон ким

намоз қилмага турдилар, намозни кўб қилдиким, султоннинг эътиқоди зиёдат бўлғай деб анинг ҳаққина.

Ш е ъ р

Нечун, эй зоҳиди солусу зарроқ,
Бу зуҳдунгни дароҳимга сотарсан?
Янгилдинг Қаъбанинг йўлини яна қайт,
Бу Туркистон йўлидурким, кетарсан.

Зоҳид ўз мақомина келиб, ходимдан суфра тилади. Ходим суфра кетурди. Бу зоҳиднинг бир соҳиб вақт ўғли бор эди. Айтти: «Эй ота, даъватта емак емадингми?» Айтти: «Онлар назаринда анинг каби емак емадимки, ишга ярағай». Ўғли айтти: «Намозингни дағи қазо қилғил. Анинг каби қилмадингким, ишга ярағай».

Ш е ъ р

Эй ҳунарлар тутуб эясинда,
Кизлабон қўлтуқинда айб туман,
Ул мусибат кунинда, эй мағрур,
Зағал ақчанг билан не олғайсан?

Ҳ и к о я т

Шайх Саъдий айтур: «Ёдимда бор, ўғлонлик айёминда кечалар уюмайин зуҳду тақвога кўнгул боғлаб турар эдим.

Бир кеча отам хидматинда тонг отқинча кўзум юмайин Қаломуллоҳ илайимда қўйуб ўқур эдим. Теграмизда халойиқ ётиб уюр. Отама айттим: «Булардан ҳеч бири туруб икки ракаат намоз қилмас, ғафлат уйқусида уйла қолиб турурлар. Сақингайсанким, ўлуб турурлар». Айтти! «Эй ўғлум, сен дағи ётиб уюсанг яхшироқ анданким халқ терисина тушкунча».

Ш е ъ р

Ўзиндан муддаъи ғайрини кўра олмас,
Кўзина кибр чун боғлаб турур йўл.
Анингким кўрмака ҳақни кўзи бор,
Ўзини жумладан ожиз кўрар ул.

Ҳикояти манзум

Ул қари ўғлун терс этканни кўруб,
Бир киши айтти: «Аё равшан замир,
Кўнглак ийсинда Мисрда англадинг,
Билмадинг Канъон қуюсинда асир».
Ул азиз айтти: «Бизим аҳволимиз,
Барқи оламтек кўрунур вақта бир.
Гаҳ чиқарман торами аъло уза,
Гаҳ кўрунмас кўзуна шамси мунир.
Жумла олам таркини урғай эди,
Доимо бир ҳол уза бўлса фақир».

Ҳикоят

Лубнон тоғининг солиҳлариндан бир солиҳ эрни айтурлар: мақомати араб диёрида мазкур дағи каромати машҳур эди. Бир кун ул азиз Дамашқ жомеи ичинда калоса биркасинда таҳорат қилур эди. Сувға тушти. Юз машаққат билан халос бўлди дағи намоз қилиб ўтурди. Ёронлариндан бири айтти: «Эй шайх, букун менга бир мушкил воқе бўлди». Айтти: «Не дурур?» Ул айтти: «Ёдимда борким, мағриб тенгизин юруб кечтинг, аёкинг ивиш бўлмади. Эмди букун икки аршун сувда ҳалок бўлмаға оз қолдинг, мунда ҳикмат не турур?» Шайх бошин тафаккур ёқасина чекиб, кўб таамул қилиб, бошин кўтарди...

Шеър

Кўргузса нечаки, кизлаб ўзун дийдор,
Бозори анинг меним бу ўтум ортар.

Ҳикоят

Шайх Саъдий айтур: «Баалбак жомеина кириб бир неча калима ваъз айттим. Қавмини инган фаҳмсиз улу кўнгулли тоифа кўрдум. Боқтимким, нафсим ўти ёш ағочқа асар қилмас, ҳайфим келди. Ҳайвонларга тарбият қилмоқ дағи кўзсўзлар маҳалласинда кўзгучилик этмак ва лекин маъний эшики очуқ дағи сўз силсиласи узун эди.

Шеър

Доим яқин ул дўст менга бу жондан,
Бу мушкилим улки, мен йироқман андан.

Кимга дегайким, нечук қилайим билмон,
Мен бўйла йироқ ул яқинроқ жондан.

Ул ҳолатта мен муҳаббат шаробиндан сархуш дағи маърифат қадаҳи алимда, мажлис тарайиндан бир ким эрса кечар эди. Бу маънидан анга асар қилди. Аблаҳ наъра урдиким ўзгалар дағи анинг билан ғавфо қилдилар. Айттим: «...йироқдагилар буйла ҳузурда, дағи яқиндагилар басиратсиз йироқда».

Шеър

Қачон фаҳм этмаса ўзни эшиткан,
Сўз айткан эрнинг анда ёзуқи йўқ.
Иродатнинг қулоғин сўзга тутқан
Киши бу маърифатдан ҳазз олур чўқ.

Ҳикоят

Шайх Саъдий айтур: Бир кеча Макка ёзисинда ғоят уйқусизлукдан юрумакка тоқатим қолмайин тушуб ёттим. Дағи тевачига айттим: «Менга заҳмат бермагил!» Айтти: «Эй қариндош, ҳарам илайингда дағи ҳаромий ортингда. Агар кеттинг — етинг, вагар қолдинг — ўлдунг».

Шеър

Яёғ мискинлара Қаъба йўлинда,
Муғилон кўлкасидур чатри султон.
Нечалар ул муғилоннинг тубунда,
Кечалар хуш уюрлар тарк этиб жон.

Тевачига мен айттим: «Бу масални эшитканинг йўқмиким, айтурлар:

Шеър

Бир пиёда неча юруб кеткай,
Чун тевалар ориб сўкал бўлди.
Семиз оруқ бўлуб тўлангинча,
Қўб оруқлар тушуб ётиб ўлди.

Ҳикоят

Шайх Саъдий айтур: Бир солиҳ эрни кўрдум, тен-

гиз ёқасинда паланг захим билан мубтало бўлуб, кўб турлу дорулар билан даво қилди, фойда этмади. Муддатлар ул ранжни чекиб, дам-бадам айтур эди: «...дард билан мубталоман, маъсият билан дегул.

Шеър

Ултурур бўлса мени бу қинда ул ёри азиз,
Сен сақинмаким, егайман қайғу ул дам жон учун.
Жон амонатдур ани бермак керак, лекин меним
Қайғум улдурким, еринда тутмаған фармон учун».

Ҳикоят

Бир фақирга зарурат ҳолати воқе бўлди: тангри эвиндан бир бисот ўғурлади. Ҳоким буюрдиким, алин кескайлар. Бисот эяси шафоат қилиб айтти: «Мен ҳалол эттим». Қози айтти: «Сенинг шафоатинг билан шаръ ҳаддин тарк этса бўлмас». Айтти: «Яхши буюртингиз ва лекин ҳарким вақфдан нима ўғурласа, анга қатъ лозим бўлмас дағи вақф муҳтожлар учунтурур». Ҳоким андан алин чекиб айтти: «Яъни жаҳон сенинг уза ул қадарми тор бўлуб эдиким ўғрилиқ этмадинг. илло тангри эвиндан». Ул айтти: «Ё маҳдум, эшитмадингмиким масалда айтурлар: дўстлар эвин супургил, дағи душман эшигини қоқмагил!»

Шеър

Шиддата тушса ўзунг зинҳор ожиз бўлмайин,
Сўй тутуб душман терисин, дўстунгнинг жуббасин.

Ҳикоят

Бир малик бир солиҳ ким эрсага айтти: «Бизни ҳеч ёд этармисан?» Айтти:

Шеър

Қачон сурса қулун тангри қотиндан,
Кетар ҳар бир тарафқа юз тутуб ул.
Аниким индаса, муҳтож қилмас,
Дағи ўзга эшикка кўргузуб йўл.

Ҳикоят

Бир солиҳ эр тушунда кўрдиким султон жаннат ичинда, дағи порсо жаҳаннамда. Сўрдиким: «Анинг даражоти не сабабдан эди, дағи мунунг даражоти не жиҳатдан дурурким мен мунинг хилофин сақинур эдим?» Айттилар: «Султон фақирлар иродати билан жаннатға, дағи порсо султонлар тақарруби билан тамуғға кирди».

Шеър

Аё дунё учун кийган мураққаъ,
Бўлуб содиқ бу ишдан тавба қилғил!
Не ҳожат бошинга тожи машойих,
Тотор бўркин кийиб дарвиш бўлғил!

Ҳикоят

Шайх Саъдий айтур: «Ҳожийлар қофиласи билан Қуфадан бир яёғ фақир, бош очуқ, яланг аёқ хиромон йўлга кирди.

Бир тевага минган тожир келиб анга айтти: «Эй фақир, қанда кетарсан? Бу йўл қатти йўл дурур, ҳалок бўлурсан, қайтқил!» Фақир айтти:

Шеър

Нечаким, минмака ҳозир тевам йўқ,
Юрурман шодмон қорним, кўзум тўқ,
Қулунг даъват қилибтур хожа эвга,
Меним сендан яқин бил ҳожатим йўқ.

Муни айтти, дағи қадам йўлга урди. Қачонким, қофила Маҳмуд нахласинга етти эса, ул тожир ўлум ҳолина тушуб ётти. Фақир ёстуқи устуна келиб айтти: «...мен яёғ юруб, заҳмат чекиб ўлмадим; дағи сен тева устунда ўтуруб ўлдунг».

Шеър

Кеча бир хаста учун соғ эрнинг
Тонг отқинча кўзундан ёш келди.
Тонг отти ҳақ таоло амри бирла,
Сўкал эр соғ бўлди, соғ ўлди.

Ҳикоят

Бир зоҳидни султон издади. Ул зоҳид айтти дору ичиб, заиф бўлуб борайим, ҳатто султоннинг эътиқоди менга ортуқроқ бўлғай деб. Айтурлар: «Ул дору заҳри қотил эди. Зоҳид ичти дағи ўлди».

Шеър

Бу замона зоҳидин кўр Қаъбаға ортин бериб,
Юз халойиққа тутуб дойим қилур ботил намоз.
Зоҳид улдурким, таваккулнинг мақоминда туруб,
Туну кун қилғай ибодат, дам-бадам узру ниёз.

Ҳикоят

Бир вақт Юнон ёзисинда ҳаромийлар кўб молли корвон урдилар. Хожалар навҳа ва зорий қилиб, тангрини дағи набийни шафеъ кетурдилар, фойда қилмади.

Шеър

Ҳаромийлар олиб олтун, бўлуб шод,
Қилур ул хожалар минг оҳу фарёд.

Луқмони ҳаким ул корвон ичинда ҳозир эди. Айттилар: «Бир неча калима ҳикматдан аларға сўзлагил, бўлғайким молнинг бир озин қўйғайлар; ҳайф бўлғай, мунча неъмат зоеъ кеткай». Айтти: «Ҳайф ул ҳикмат турурким уларға айтқайман».

Шеър

Уруб сайқал темур посин кетармас,
Неча бўлса муаллим фан уза шайх.
Утурмас жоҳил эр кўнгулунда ҳикмат,
Нечукким тош уза урса темур мих.

Ҳикоят

Шайх Саъдий айтур: «Нечаким менга шайхи ажали Шамсуддин ибул-Жузий айтур эди: «Саъмони тарк этиб, хилват ва узлат ихтиёр қилғил». Йигитлик ҳавоси голиб бўлуб кўнгул турлу-турлу ҳавасларға толиб эди. Ночор мураббий раининг хилофинча бир неча қадам юрудум. Самоъдан дағи аҳлининг суҳбатиндан

ҳаз олиб, хушвақт бўлуб, нечаким шайхим насиҳати
ёдима келса, бу икки байтни ўқур эдим.

Ш е ъ р

Гар ўтурса бизнинг билан қози,
Турубон ошиқона рақс урур,
Ложарам муҳтасиб шароб ичса,
Усрук эрки кўруб тутар маъзур.

Бир кеча тоифа суҳбатина туштум, ул жамъ ичинда
бир паришон суратли мутриб ўтуруб, қариҳ ун билан
ўз бўғзин йиртиб, халқ мағзин кетармакка йирлай бош-
лади.

Ш е ъ р

Муғанний мусиқий оғоз қилди,
Отаси турбатинда йиғлагантек.
Эшитканлар анга айтур: етар, бас,—
Али билан қулоқларин тутуб бек.

Нечукким араб айтур:

Сен шундай овозлисанки, оғиз очмай жим ўлтирсанг бизга
ёқади.

Ш е ъ р

Эй, муғанний, ёмон унунг эшитиб,
Суҳбатингда нечук фариҳ этайим.
Айттим ул эв эясина, биллоҳ,
Қути келтур, қулоғима қотайим,
Ё анга сўзлагил, тек ўлтурсун,
Ё эшик оч, равон чиқиб кетайим.

Филжумла, ул кеча ёронлар хотири учун мужохада-
га мувофақат қилиб, ул муғанний жаврин чекиб ўл-
турдим, ҳатто саҳар вақти бўлди, бир муаззин чиқиб,
мунгламага бошлади, айттим:

Ш е ъ р

Туруб вақтсиз чағирма, эй муаззин,
Кечадан не кечибтур билмайин сен.
Тиласанг билмаға мендан келиб сўр,
Тонг отқинча кўзумни юммайин мең.

Алас-сабоҳ туруб, бошимдан тахфифа, белимдан
 шаддим тешиб, беш олтун билан ул муғанниий назрин-
 да қўйдум, дағи қучуб, ўпуб шукрлар қилдим. Бу ўл-
 турган ёронлар меним иродатимни анинг ҳақиқина хило-
 фи одат кўруб, ақлимнинг хиффатина ҳаммал эттилар.
 Ул ўртада бир ким эрса тил узатиб, маломат қилиб айт-
 ти: «Бу ҳаракатким қилдинг оқиллар ройинина муносиб
 дегул эди. Машойих хирқасини анинг бекинна мутрибга
 бердингким, умри ичинда икки ақча кафинда да дағи бир
 ҳабба дафинда кўрмиши йўқ».

Шеър

Аё мутриб, бу мажлисда унинг тинглар кишини йўқтур,
 Сени бир ерда икки кез ким эрса кўрмиши йўқтур,
 Унунгдан урқубон учти ёрилмиш том уза кукушлар,
 Жаҳонда кўб муғанниийлар ва лекин бу ишши йўқтур.

Ул халифга айттим: «Маслаҳат ул турурким, таар-
 руз тилини қисқа қилгайсен. Менга унинг кзаромати зо-
 хир бўлди». Ул айтти: «Не турлу каромат кўрдунг».
 Айттим: «Шайхи ажалли Шамсуддин менга каррот ва
 маррот самоъи тарк эткил, деб буюрди. Дағи балиғ
 мавъизалар айтти; меним самъима сингади. Бу му-
 борак мажлисда саодат ёри қилди, мунунг аалиндин тав-
 ба қилдим дағи не қадарким умрум бўлгай, самоъ яқи-
 нина келмагайман.

Шеър

Бир қамар юзли уни ўздан ҳариф,
 Нағма қилса, қилмаса элтур кўнгул.
 Ул муғанниий кўб билур лекин анинг —
 Ким эшитса лаҳжасин бўлур малу.

Ҳикоят

Луқмони ҳакимга сўрдилар: «Адабни кимдан ўрган-
 динг?» Айтти: «Адабсизлардан». Боқтим аларнинг афъ-
 олина, қайси ҳаракатким, хуш келмади, андан эҳтироз
 қилдим».

Шеър

Агар ўйнаб киши бир ҳарф этса,
 Олур андан билик аҳли насихат.

Келур аҳмақ қулоқина ўюнчоқ,
Уқуб бўлсанг, юз элли боб ҳикмат.

Ҳикоят

Бир обидни айтурлар ҳар кеча ўн ботмон таом ер эди, дағи саҳарга тегру намозга турур эди. Бир соҳиб-вақт эр айтти: емайин ётса андан кўб ажр топқай эди.

Шеър

Тиласанг маърифат нурун кўрарга,
Ичинг холи керак бўлса емактан.
Қачон бўлғай мунаввар ботинингким,
Емактан бурнунга тегру тўлусан.

Ҳикоят

Маъсият қоронғулукинда бош бўлган эрга ҳақ таоло бахшойиш етиб, тавфиқ чироғин илайинда тутуб, муҳақиқлар суҳбатина кетурди. Аларнинг қутли қадами дағи муборак нафаси баракотинда анинг ёмон ахлоқи яхши сийратга мубаддал бўлди. Дағи дунёнинг ҳаво ва ҳавасинда алин қисқа қилди. Ани кўруб, ҳасудларнинг тили узун бўлди.

Шеър

Қилиб тавба қутулмоққа бўлур тангри азобиндан,
Ва лекин бу халойиқнинг тилиндан қуртулуб бўлмас.

Ҳасудлар таънаси жаврина тоқат кетурмайин тариқат шайхининг хидмати келиб, сиррин ўртаға кетурди дағи шикоят важҳи билан ҳолин тақрир қилди. Шайхи эшитиб йиғлади, дағи айтти: «Бу неъмат ҳаққин қачон адо қила билғайсанким, андан яхшироқсанким, халқ тасаввур этар».

Шеър

Сен эйгу бўл, ёмон десин халойиқ,
Ёмон бўлуб, сенга яхши дегинча.

Айтти: «Эй шайх, меним ҳусн уз-занним ўзгалар ҳаққина камол уза турур дағи ўз ҳаққима нуқсон ичинда

турур. Ул сабабданким, мен — мени яхшироқ билурман ўзгалардан».

Ш е ъ р

Қилур бўлсам эди айтқанларимни,
Бўлур эдим муҳаққақ порсо эр...
Даво дегул бир ишни қилғайсан,
Дағи сўнгунда қайғусун егайсан.

Ш е ъ р

Эшик боғлаб ўтурма ул сабабдан,
Кўрунмасун дею бу мендаги айб.
Эшикни боғлаб ўлтурмоқ не ҳожат,
Бу ҳолингни билур ул олимул-ғайб.

Ҳ и к о я т

Бир фақир келиб шайхина айтти: «Фалон киши меним фасодима тануқлуқ берур». Айтти: «Сен ани салоҳ билан хижил қил!»

Ш е ъ р

Душман сени кўрубон эйгу амал ичинда,
Даъво қушин тута олмас, кўруб баҳона оғин.
Барбат уни нечаким хуш мустақим бўлса,
Мутриб алин узатиб бурмас анинг қулоғин.

Ҳ и к о я т

Шайх Саъдий айтур: Сафарда эдим. Бир кеча карвон тун қата юруб, саҳар вақтин келиб, бир ўрмон ёнинда қўндилар. Йўлдошларимиздан бир фақир наъра урди дағи турди. Саҳроға юз тутти дағи бир нафас билан қўб йўл кетти. Бир замондан тонг отти. Ул фақирни кўруб айттим: «Ул не ҳолат эдиким қилдинг?» Айтти: «Кўрдумким, ағочлар устунда булбуллар нола ва зорий қилурлар дағи тоғларда дуррожлар, сувда бағалар дағи ўрмонда жонворлар». Мен айттим: «Бу не мурувват бўлғай — барча тасбиҳу таҳлил ичинда дағи мен ғафлат уйқусинда ётқайман».

Шеър

Ҳамд ўқуб булбул саҳар вақтинда хуш.
Олди мендан сабру тоқат, ақлу хуш.
Бир азиз айтти менга нечун букун,
Наъра урдинг, эшитиб қушлар унун.
Айттим ул қушлар туруб тасбиҳ ўқур,
Бу бани одам ётиб ғофил уюр.
Ул хижолатдан равон наъра уруб,
Билмадим мен қанда кетганим юруб.

Ҳикоят

Шайх Саъдий айтур: Бир вақт Ҳижоз йўлинда бир неча зариф йигитлар меним билан бўлуб, вақтлар зам-зама қилиб, муҳаққиқона байтлар ўқур эдилар. Ул йўлда бир обид, бу фақирлар ҳолина мункир бўлиб, онларнинг дардиндан хабар йўқ эди.

Кофила баний ҳалол хайлина етти. Араб тевачисиндан бир қора ўғлон чиқиб келди, дағи Уйла кўрклу ун билан шеър ўқудиким, ҳавода учқан қушларни тийди. Ул обид тевасин кўрдумким рақсқа келиб ўйнаб, обидни ерга урди дағи саҳроға юз тутуб кетти. Айттим: «Эй шайх, ҳайвонқа асар қилди, дағи сенга ҳеч асар қилмади».

Шеър

Саҳар вақтинда ул обидга булбул
Бу нуктани ўқуди одамийтек...
Анинг ҳамдин ўқуб бу жумла ашё,
Қилурлар раҳматин доим таманно,
Ўқур тасбиҳ гул булбул бекин бил,
Бўлуб ҳар бир тикон тасбиҳина тил.

Ҳикоят

Бир султоннинг умри охир бўлуб қоним мақоми йўқ эди. Васийят қилдиким, тонг била аввал шаҳар эшикиндан ким келса, ани тахт уза кечириб, бошина тож қўйуб, мамлакатни анга таслим қилингиз! Алас-сабоҳ шаҳар эшикина келган бир фақир гадой эдиким, иши доим луқма-луқма тиланиб, хирқа тикмак эди. Аркони давлат ва аъёни ҳазратни анга таслим қилдилар. Малик васийятин ерина кетурдилар. Ани тахт уза кечи-

риб, бошина тож қўюб, мамлакатни анга бердилар. Бир муддат мамлакатга ҳукм этти. Баъзи умаро анинг буйруғина бўюнсунмайин юз қайтардилар. Уртада мунозаат қўпти. Лашкар ва раият муқобила бўлуб уруштиллар. Баъзи билод ул фақир султон тасарруфиндан чиқти. Анинг ачигиндан ичи ёниб ўтурур эди. Муниинг фақирлик ҳолатиндаги бир фақир дўсти сафардан келди. Ани ул мартабада кўруб айтти: ...саодат йўлдошинг бўлуб, иқбол ёри қилдиким, гулунг тикондан, тикон аёғингдан чиқти, дағи мунунг каби олиий манзалатга еттинг.

Ш е ъ р

Гаҳ юмулур, гаҳ очилур боғу бўстон гуллари,
Гаҳ бўлур урён, гаҳ киялар гул сифот.
Гаҳ келиб қайғу, кетар бўлса фараҳ, бўлма малул.
Ким қоронғулук ичинда топилур оби ҳаёт.

Айтти: «Эй ёр, таъзиятим қилгилким, таҳният ери дегул дурур. Ул вақтким, сен кўрдунг, бир ўтмак қайғусин ер эдим. Эмди жаҳон қайғусини емак керак».

Ш е ъ р

Дароҳим бўлмаса элда балодур,
Анингким, бор элинда мубталодур.
Кечар бўйла жаҳон, эй ёри ҳамдам,
Агар бўлса машаққат бўлмаса ғам.

Ш е ъ р

Тилар бўлсанг насиб олмоқ саодат кимёсиндан,
Қаноат гўшасин тутқил, кечиб дунё сафосиндан.
Муҳаққиқларнинг оғзиндан неча навбат эшиттим мен.
Фақир эр сабри ортуқдур, ғанийларнинг атосидан.

Ҳ и к о я т

Бир ким эрсаниннг девон дўсти бор эди. Иттифоқ туштиким, бир муддат ани кўрмади, дағи бир дўстина айттиким, фалон ким эрса замон дурурким, кўрунмади. Ул айтти: «Мен ани тилайманким кўрсам, анинг тааллуқиндан бир ким эрса анда ҳозир эди». Айтти: «Не хато қилдиким, ани кўрмак билан малул бўлурсан?» Айт-

ти: «Малул бўлмон, вале девон дўстини ул вақт кўр-
макким, маъзул бўлғай дағи меним роҳатим анинг
ранжи ичинда бўлғай».

Шеър

Қачон бир мухтасар девон бўлуб аммол улғайса,
Такаббурдан билишларга кўрубон илтифот этмас.
Яна тушса амалдан, ул келиб йўқсул билишларга,
Кўнгул дардин ётиб сўзлар, сураб бўлса, туруб
кетмас.

Ҳикоят

Абуҳурайра... Мустафо алайҳис салот вассаллам хид-
матина ҳар кун келур эди. Айтти! Кун оша келгил ким
муҳаббат зиёдат бўлғай.

Кўнгул эялариндан бир ким эрсага айттилар: «Уй-
лаким, кунаш кўркли турур. Ҳеч эшитмадимким, ани
киши севуб, ошиқ бўлғанин». Айтти: «Анинг учунким,
ҳар кун кўрунур магар қиш кунлари маҳжуб ва маҳжуб
бўлур».

Шеър

Кўрунмаклик кишига айб бўлмас,
Вале онча дегул ким, десалар бас.
Ҳаёдур одамийнинг раъс моли,
Ҳаёсиз одамийдур итдан анжас.

Ҳикоят

Улуғлардан бир ким эрсанинг қорнинда мухолиф ел
ҳаракат қилиб ўйнади. Ул ким эрса ани тута билмади.
Онгсизда чиқди. Ул эр айтти: «Эй ёронлар, бу ҳара-
катким, воқе бўлди, меним ихтиёрим билан дегул эди.
Керакким, бу ёзуқни ёзмағайлар дағи андан менга ро-
ҳат тегди. Сиз дағи карамингиздан айб этмайин маъзур
тутқайсиз».

Шеър

Ҳибс эрур елга одамий қорни,
Оқил эр ҳибс ичинда ел тутмас.
Юк бўлур ел кўнгулга ким тутса,
Ул сабабдан ани бу эл тутмас.

Ҳикоят

Шайх Саъдий айтур: Бир вақт Дамашқда ёронлар суҳбатиндан маълул бўлуб, Қудс ёзиларина юз тутуб кеттим, дағи ҳайвонот билан унс туттум. Ул вақтқа тенгри ким, фаранж асири бўлдум. Тароблис хандақинда яхудийлар била балчиқ ишин ишлатур эдилар. Ҳалаб жундийларидан бир ким эрса билан маърифатим бор эди. Ул мени кечар экан, кўруб таниди дағи айтти: «Бу не ҳолат дурур?» Яна айтти: «Нечук кечарсан бу ҳолатта?» Айттим:

Шеър

Халойиқдан қочиб саҳро ичинда,
Юрур эрдим тари хазро ичинда.
Қилиб тангри таоло зикрини ёд,
Анинг зикри билан доим бўлуб шод.

Букун ул давлатимдан айрилиб зор,
Жаҳаннам қавмина бўлдум гирифтор.
Билишлар бирла ҳуш орифга зиндон —
Ки, ётлар бирла бўлғинча гулистон.

Мени бу ҳолатта кўруб раҳмат айтти, дағи ўн олтун бериб, фаранж заңжириндан халос этти дағи Ҳалабга олиб кетти. Бир қизи бор эди, ани менга ақди никоҳ қилди, юз олтун кобин билан. Бир муддат кечти, ул қиз қатти юзли, ачи сўзли эди, тил узатиб вақтимни мукаддар қилур эди.

Шеър

Яхши эр эвдаши ёмон бўлса,
Жавр ичинда эрин ҳамиша қийнар,
Чуң анинг суҳбати жаҳаннамдур...

Дам-бадам таъна тилин узатиб менга айтур эдиким: «Сен ул дегулмисанким, отам сени фаранж қайдиндан ўн олтунга сотин олди». Айттим: «Балли, ўн олтунга сотин олди, дағи юз олтунга сенинг алинда гирифтор қилди».

Шеър

Яшил саҳрода қўйни бир мусулмон
Халос этти бўри оғзиндан осон.

Кеча қўй ҳалқина қўйди бичоғин,
Тиладиким, суюбон олса ёғин.

Соғиндим одамий хоси сени мен,
Бўрининг саъбраги сен эмишсан.

Чағирди қўй мурувват ул дегулдур,
Эранлардан бу ҳийлат йўл дегулдур.

Ҳ и к о я т

Шом зоҳидлариндан бир зоҳид эр тоғ этакинда ўрмон ичинда ағоч япроқларин еб, йиллар ибодат қилур эди.

Ул тарафнинг маликлариндан бир малик ани зиёрат қилмаға келиб айтти: «Агар маслаҳат кўрсангиз сизинг учун шаҳарда бир яхши иморат қилайим, уйлаким, ибодат фароғатина мундан яхшироқ муяссар бўлғай дағи ўзгалар сизинг баракатингиздан мустафид бўлуб, солиҳ амалларингизга уйғайлар». Зоҳид қабул қилмади. Вазир айтти: «Эй шайх, маслаҳат ул дурурким, малик хотири учун бир неча кун шаҳарда бўлғайсиз. Агар муборак хотирингизга халқ суҳбатиндан малолат ҳосил бўлса, ихтиёр боқий турур». Зоҳид рози бўлуб, шаҳарга кирди. Малик ул соат ичинда зоҳидга бир фирдавс боғи бекин кўркли бўстон бағишлади.

Ш е ъ р

Уйла ўздан латифу хуш бўстон —
Ким, ичи тўб-тўлу гулу райҳон.

Турлу-турлу нағам билан булбул,
Доим анда қилур эди ғулғул.

Ҳар ағочнинг узаймиш анда,
Шаҳду шаккар эди эя анда...

Ул кун яна бир узун бўйли, қамар юзли, кийик кўз-
ли қарноқ бериб эди.

Ш е ъ р

Анингтек ўздан эди ул юзи ой,
Кўрар бўлса фаришта йўлдан озғай.

Сўзи шакар, ўзи фаттону айёр,
Кўзи ғамза билан зоҳидлар алдар.
Муфарриҳ шевали нозук дилором,
Қила билмас эди онсиз дил ором.

Анинг ортинча бир бўйи тол, сўзи бол, соҳибжамол
қул бағишлади.

Ш е ъ р

Кўз юзини кўруб анинг тўймас,
Тотли сувдан нечукки, мустасқий.

Обид ири луқмалар емакка, латиф қумошлар кий-
макка бошлади. Хуш ройиҳали емишлар анвои ҳало-
вотдан таматтуъ олиб, кўркли қарноқ ўзданг қул жа-
молина назар қилур эди, нечукким, масалда айтурлар:
«Маҳбублар зулфи ақл аёғининг занжири дағи зийрак
қушларнинг тузоғи дурур».

Ш е ъ р

Йўлунгда дину дониш тарк этибман.
Бу меҳрингни кўнгулда берк этибман.
Мен ул қушман — нечалардан қутулган,
Сенинг ишқинг тузоғина тутулган.

Бир кун малик обидни кўрмакка рағбат этти, келиб
кўрдиким, ул бурунги сурати бир турли дағи бўлмиш.
Семириб тани оқ, юзи қизил бўлуб, ҳарир ёстуққа така
қилиб ўтурур. Бир ой юзли қул мирваҳа алина олиб
дағи боши устунда турур. Малик обидни бу ҳолда кў-
руб севунди дағи ҳар бир бобдан сўзлашти. Сўзнинг
охиринда малик айтти: «Жаҳонда мен бу икки тоифа-
ни севарман: олимларни дағи зоҳидларни». Бир вазири
файласуф ҳозир эди. Айтти: «Эй малик, севмак шарти
улдурурким, бу икки тоифа билан эҳсон қилғайсан».
Айтти: «Не турлу эҳсон қилмоқ керак?» Айтти: «Олим-
ларга ул қадар неъмат бергилким, дағи тиламасунлар.
Зоҳидларга ҳеч нима бермагилким, зоҳид қолсунлар».

Ш е ъ р

Зоҳид эр ўзданг ивуб кийса ҳарир,
Зухду тақвоси анинг фосид бўлур.

Ҳар ки дунё тарк этиб нафсин енгиб,
Чарбу ширин емади зоҳид бўлур.
Қим риёсиз туну кун тоат қилиб,
Вақфу идрор олмади обид бўлур.
Ой бекин юз кимда бўлса ул ҳариф,
Қиймайин атлас қабо шоҳид бўлур.

Ҳикоят

Бир малик тонг намозин қилиб, ҳожат тилаб айтти: «Мақсудум ҳосил бўлса, зоҳидларга хидмат қилғайман». Ҳақ таоло ҳожатин раво қилди. Малик айтти: «Шарти вафо лозим бўлди. Хоссагий қуллариндан бирини айтти: «Олгил ул кис тўли олтунни, элтиб зоҳидларга нафақа қилғил». Ул хоссагий оқил ва зийрак эди. Эрта кетиб, оқшом келиб, ул кис билан олтунни ўпуб, султон илайинда қўюб айтур: «Зоҳидларни топмадим». Султон айтти: «Бу не сўз бўлур, улким мен билурман вилоятимда тўрт юз зоҳид бор». Ул хоссагий айтти: «Султон ёши узун бўлсун, улким зоҳид турур, олмас. Улким олур, зоҳид дегул».

Султон бу сўзни эшитиб, кулуб надимларина айтти: «Тангри таоло бу қулни фақирларга душман яратиб турур. Не қадарким меним ҳақ таолонинг қулларина иқрорим ва иродатим бор, мунунг ул қадар инкори ва адовати бор».

Шеър

Бу дунё таркин урғон зоҳид эрнинг
Қатинда бўлса олтун тоғ боқмас.
Жаҳонға ихтиёр урган ким эрса,
Ўзини олтун учун ўтқа ёқмас.

Ҳикоят

Бир улу шайхқа сўрдилар: «Тасаввуфнинг ҳақиқати не турур?» Айтти: «Мундан бурунроқ бир тоифа бор эди, суратлари паришон дағи маънилари жамъ эди. Эмди бир қавм ҳосил бўлуб турурким, зоҳирлари жамъ дағи ботинлари паришон».

Шеър

Бир ерда дегул келиб кетадур кўнглунг,
Хилватда анинг учун сафо топмассан.

Кўнглунг туну кун бўлур эса ҳақ бирлан,
Хилват ўтуруб дағи эшик ёпмассан.

Ҳ и к о я т

Бир фозил муфтийга сўрдилар: «Вақф ўтмаги ҳа-
долми турур?» Айтти: «Агар хотир жамъийяти дағи
ибодат фароғати учун бўлса, ҳалол турур. Агар жамъ
ўтмак учун бўлса, ҳаром турур».

Ш е ъ р

Эй ибодат гўшасин ўтмак учун тутқан фақир,
Тутмади солиҳ ким эрсалар ани этмак учун.

Ҳ и к о я т

Бир малик бир обидга айтти: «Авқоти азизинг нечук
кечар?» Айтти: «Ҳар кеча муножот ва ҳар саҳар дуо
ва ҳожот ва ҳар кун машаққати ихрожат билан». Ма-
лик буюрдиким; важҳи кифоятин муайян қилдилар,
ҳатто ўеил, қиз ташвиши анинг устуна бўлмағай.

Ш е ъ р

Аё аҳли дунёву соҳиб аёл,
Аёғинг тузоғи ўғил қиз эрур.
Нечаким тирисен бўлар бўйнунга,
Ҳамоил бўлубон сени елдурур.
Ул айтти: «Кечалар ибодат учун
Турурда кўнгулга бу сақиш келур,
Ким эрта ўғул, қиз туруб не егай,
Анинг тоати бас нечук туз бўлур.
Ўғул, қиз жафоси емак қайғуси,
Малак сийратиндан сени қайтарур.

Ҳ и к о я т

Бир фақир, бир кўрклу мақомға етти. Соҳиб мақом
латиф ва зариф ким эрса эди. Суҳбатинда аҳли фази-
лат ва балоғат ўлтуруб, ҳар бири тонсуқ латифалар
киноят билан ва нозик нукталар ишорати билан, не-
чукким зарифлар расми турур, сўзлар эдилар. Фақир
йўл чекиб, ориб, очиб ўтурур эди.

Ул йигитлардан бири айтти: «Эй фақир, сен дағи

сўзлагил!» Фақир айтти: «Менда ўзгалар каби фазл ва одоб йўқтурур, емак дағи емайибман. Бу икки байт билан мендан қаноат қилинг». Онлар: «Рағбат ва иродат билан айтқил», дедилар. Фақир айтти:

Ш е ъ р

Қаршимда тўли адим суфра, мен оч,
Ани кўрубон қилур кўзум айшу тараб.
Нечук келиб ўлтуруб, томоша қилса,
Хотунлар эли сувининг алинда азоб.

Латифасин эшитиб кулдилар, зарофатин беканиб,
илайна суфра кетурдилар. Аҳли макон айтти: «Эй ёри азиз, бир соат таваққуф қилғилким эвда яхни пиша дурур». Фақир айтти:

Ш е ъ р

Бўлмаса яхни қаюрмас, эй азиз эр, суфрада,
Кирда яхнидур пиёда очу ормиш ёрлиға.

Ҳ и к о я т

Бир мурид шайхина айтти: «Неткайманким, бу халқ алиндан халос топқайман, ул сабабданким кўб келурлар мени зиёрат қилмаға дағи аларнинг келмаги авқотимнинг сафосин кетарур». Айтти: «Тиласангким дағи келмағайлар улким фақир дурур анга ақча бурч бергил. Ул ким ғаний дурур андан ақча тилагил дағи ҳеч ким эрса қатинга келмас».

Ш е ъ р

Мусулмон лашкари алинда дарвиш,
Юрибон вақтким дарйўза эткай.
Таваққуъ қўрқусиндан жумла кофир,
Қочиб Чину Хитоға тегру кеткай.

Ҳ и к о я т

Бир фақиҳ ўғли отасина айтти: «Эй ота, бу мутакаллим воизларнинг кўркли ибодатининг асари ҳеч менга белгурмас, ул иллат биланким, феъллари қавлларина мувофиқ дегулдурур».

Ш е ъ р

Элга дунё таркин ўргаткан фақиҳ,
Ақчалар ҳосил қилиб олтун йиғар,
Айтур ўзгага дағи тутмас ўзи,
Ложарам уйуған анга йўлдан озар.

Ш е ъ р

Олимким, ул танаъум издаб дароҳим олғай,
Итлатиб ўз йўлин ул кимга далил бўлғай.

Отаси айтти: «Эй ўғлум, мужаррад бу хаёли ботил сўз билан носихлар тарбиятиндан юз қайтармоқ дағи батолат йўлин тутуб, олимларни озғунлуққа нисбат қилмоқ дағи маъсум фозиллар суҳбатини тарк этиб фойдалариндан маҳрум қилмоқ, ул кўзсузга ўхшарким, қаронғу кеча балчиққа тушуб айтур эди: «Эй мусулмонлар, чароғни меним йўлумда тутунгуз». Бир хотун анга айтти: «Сен чароғни кўрмассан. Чароғ билан не кўргайсан?» Бас олимлар мажлиси баззоз дўконина ўхшар, нечукким анда нақд элтсанг қумаш олурсан дағи мунда иродат кетурсанг саодат элурсан.

Ш е ъ р

Олиб олим сўзин самъингда тут бек,
Неча ким бўлмаса феъли сўзитек.
Анинг қилса сўзина ҳар ким инкор,
Жаҳаннамда бўлур дойим ери нор.

Олимлар дин давлати, ислом иззати дурур дағи имон аҳлин қаронғулуқдан чиқариб, ойдинликка кетуруб, тамуғ ўтиндан халос қилиб, жаннатда ҳақ дийдорина мушоҳада қилмаға сабаб бўлур.

Ш е ъ р

Хонақоҳ таркин уруб бир оқил эр лайлу наҳор,
Мадраса кунжинда сажжода солиб қилди қарор.
Мен анга айттим: «Нечун ул хонақоҳ зоҳидларин,
Тарк этиб қилдинг фақиҳлар суҳбатини ихтиёр».
Ул азиз айтти: «Алар сувдан гилимини чекар,
Бу жамоат тутмоқ издар қандаким, бир фарқ бор».

Ҳикоят

Иўл устунда бир усрук йигит ётур эди, ихтиёрининг инони алиндан кетиб. Бир обид эр кечар эди, анинг ул ярамас ҳолина назар қилди. Ул йигит бошин кўтуруб айтти:

Шеър

Ёзуқли қул кўруб, эй порсо эр,
Тилаб ҳақдан ани сен хуш назар қил.
Нечаким ул ёмон бўлса сен эйгу
Эранлартек анинг узра гузар қил!

Ҳикоят

Бир неча муҳорифлар фуқаро ҳолина инкор қилиб, эвдан ул шарт билан чиқтиларким, не ерда фақир тоифасин топсалар туггайлар. Ногаҳ бир фақирни хилват ерда топтилар дағи маҳкам тутдилар. Ул фақир тариқат шайхина келиб, шикоят қилиб айтти: «Букун менга мунунг бекин ҳол воқеъ бўлди». Айтти: «Эй ўғлум, фуқаро хирқаси ризо тўни дурур. Ҳар ким бу кисват ичинда масканатга таҳаммул қилмаса, муддаи дурур, дағи хирқа анга ҳаром бўлур».

Шеър

Жафоларға таҳаммул қил, тиласанг,
Юзунг тангри қатинда оқ бўлғай.
Букун туброқ бўл, андан бурунроқ —
Ким, эрта гул танинг тупроқ бўлғай.

Ҳикояти манзум

Эй зарифи жаҳони ягона йигит,
Аламу парданинг каломин эшит!
Бир ера азм этиб алам кетти,
Келибон пардага итоб этти.

Сену мен хожадош бўлғайбиз,
Не равоким, савош қилғайбиз.
Мен сафарда туни-куни таъбон,
Текма шогирд элинда саргардон.

Аёғим боғли от рикобинда,
Дойимо бу сафар азобинда.
Сен танаъум ичинда қайғунг йўқ,
Чун қабурғчи қотингда узданг чўқ.

Бас меним хидматим кўб ортуқдур,
Бу сенинг роҳатинг недан чўқтур?
Парда айтти: «Эшикдадур бошим,
Масканатдур ҳамиша қўлдошим».

Мен дегулман юруб қилич чеккан,
Кўкка бошин сенинг беки теккан.
Қим бўюн саҳрода узун қилғай,
Узун ул ўзга бўйина солғай.

Ҳ и к о я т

Бир солиҳ эр кўрди: минг ботмон тош кўтурган паҳлавонни, ғазаби келиб, оғзи кўпукланиб ўтурур. Сўрди: «Бунга не бўлубтур?» деб. Бир киши айтти: «Мунга фалон ким эрса сўкти». Айтти: «Бу аблаҳ минг ботмон тошни кўтурур дағи бир сўкунчни кўтура билмас».

Ш е ъ р

Бу эрликда ўкунуб лоф урурсан,
Нечун бас нафсинга ожиз бўлурсан,
Дегул эрлик оғизга юмруқ урмоқ,
Эр эсанг қуй оғизга болу қаймоқ.

Ҳ и к о я т

Шайх Саъдий айтур: Бир улу азиз эрга сўрдум ихвони сафо ҳолиндан. Айтти: «Адно ишлари ул дурурким, ўз маслаҳатиндан дағи бир азиз муродин муқаддам тутқай, уйлаким ҳукамо айтур: «ул қариндошким, нафс асири турур, ул кишига не қариндош бўлур, не яқин».

Ш е ъ р

Кўнгул берма, кўнгул бермас кишига,
Ошиққан эр билан йўлдош бўлма.
Яқинда бўлмаса гар зуҳду тақво,
Раҳми қатъий маваддатдан кўб авло.

Ҳикояти манзум

Эшиткил бу ҳикоят не хабар дер,
Магар Бағдод ичинда бир зариф эр
Қизин башмоқ тикичи эрга берди,
Қуёв ошиқ дағи қиз ўздон эрди.
Упарда ногаҳ ўйнаб тиш ботирди,
Дудоғина тиши маҳкам ўтурду.
Қизин эрта аноси кўрди ул ҳол,
Қуёвни ундаб айтти: «Эй банда-афъол,
Неча бир буйла муҳмал ўйнағайсан,
Дудоғи кўн дегилким чайнағайсан?
Латифа нуктасина фикр қилгил,
Қўюб лафзин, анинг маънисин олғил».
Ёмон одат табиатта ўтурса,
Ул андан кетмаюр то ўлмойинча.

Ҳикоят

Бир фақиҳ эрнинг инган кўрксуз қизи бор эди, хотунлар ҳаддина етиб, молу жиҳоз ва неъмат билан ҳеч ким эрса ақди никоҳина рағбат қилмас эди.

Шеър

Ўздонг киши ёпунса эски або ярашур,
Кўрксуз келинга кўркли тўн кийдириб ярашмас.

Филжумла, зарурат ҳукми билан бир кўзсуз эрга ақду никоҳ қилдилар. Ул айёмда Ҳинд иқлиминдан бир ҳозиқ ҳаким келиб, илож қилиб, кўзсузлар кўзун очар эди. Ул фақиҳқа айттилар: «Сен нечун куёкунгги ул ҳакимга элтмассан?». Айтти: «Қўрқарман, даво қилиб кўзин очқай дағи ул эр қизимни кўруб бўшағай».

Шеър

Кўрксуз ақчининг эри кўзсуз керак,
Гар кўрар бўлса юзин, берур талоқ.

Ҳикоят

Бир султон фуқаро тоифасина ҳақорат кўзи билан

назар қилди. Онларнинг бири фаросат билан билди дағи айтти: «Эй султон, сен дунёда биздан лашкар билан ортуқсан, аммо тириликда биз сендан яхшироқбиз».

Ш е ъ р

Муназзаҳ жумладан ул ҳайи боқий,
Юрур амри билан бу давр аёқи.
Чун андан ўзга фонийдур билурсан,
Бурунғиларнинг ортинча юурсан.
Бу манзилга адамдан ҳарки етти,
Қафандан ўзгасин қўйди-ю кетти.

Аммо фақири содиқ ул дурурким, кўнгли тири бўл-
гай дағи нафси ўли.

Ш е ъ р

Фақири содиқ улдур, эй азиз эр,
Ёмон иш келмагай ҳаргиз қўлундан.
Инар бўлса қаёдан бир оғир тош,
Керакким кетмагай ориф йўлундан.

Дағи фақирлар тариқи зикру шукр дурур дағи хид-
мату тоат ва исор, ва қаноат, ва тавҳид, ва таваккул, ва
таслим, ва таҳаммул. Ҳар кимда бу васфлар бор ул
фақир дурур. Агар кабо ичинда бўлса дағи фақир ул
дегулким ҳаво ва ҳавасга уюб, кечани кундуз қилгай
дағи шаҳват ортинча юруб, кундузни кеча қилиб, ғаф-
лат уйқусинда ётиб қолгай дағи алинда не бўлса, егай,
оғзинда не келса, дегай, таши иморат, ичи хароб бўл-
гай.

Ш е ъ р

Аё таши риё бирлан безанмиш,
Ичинда заррача йўқ майли тақво.
Алингда бор эса кўргуз валоят,
Йўқ эса не керак бу лофу даъво.

Ҳ и к о я т и м а н з у м

Этар бўстон ичинда айшу хилват,
Қилиб кўк ўт қизил гул бирла суҳбат.
Мен айттим ул кўк ўтқа не сабабдан
Олибсан буйла гул ёнинда маскан?

Ул айтти ҳақ таоло бахшишидур,
Бу эҳсону ато дойим ишидур.
Нечаким, йўқ эса ҳусну жамолим,
Кечар хуш гул ёнинда буйла ҳолим.
Анинг зикрин қилибман қутлу пеша,
Умидим лутф эрур ҳақдан ҳамиша.
Илоҳий бу қари мискин кулунгни
Бағишла кўргузуб тўғри йўлунгни.
Маликлар расмидур дилшод қилмоқ,
Қариса қулларин озод қилмоқ.
Қари ёрли қулунг Сайфи Саройи
Фақиру бенаво, лутфунг гадойи.
Букун ул минг бир отинг ҳурмати-чун,
Ҳабибинг Мустафонинг иззати-чун,
Ани лутфинг билан дилшод қилғил,
Бағишлаб ёзуқин озод қилғил.

Ҳ и к о я т

Бир ҳақимга сўрдилар: «Шижоат билан саховатдан қайси яхшироқдурур?» Айтти: «Ҳар кимда саховат бор, шижоат ҳожат дегул».

Ш е ъ р

Келиб Баҳром гўринда ёзиб кетмиш муни котиб,
Қарам эли яқин билким қавий бозудан ортуқдур.
Кечибдур Ҳотими Тойи ва лекин то абад оти
Халойиқнинг тилиндадур, қарам бирлан бўлуб
машҳур.

Учинчи боб

ҚАНОАТ ФАЗИЛАТИНИ АЙТУР

Ҳ и к о я т

Бир мағрибий фақир Ҳалаб шаҳринда тожирлар бозорина кириб айтур эди: «Эй молу неъмат эялари, агар сизда инсоф дағи бизда қаноат бўлса эди, савол расми жаҳондан кеткай эди».

Ш е ъ р

Эй қаноат мени бойитқилким,
Сендан уллу жаҳонда неъмат йўқ.

Сабр эди ихтиёри Луқмон бил,
Кимда бу сабр йўқ, ҳикмат йўқ.

Ҳикоят

Мисрда бир бекнинг икки ўғли қолди. Бири ул қадар илм ўқудиким алломаи аср бўлди. Бири дағи ул қадар мол йиғдиким, азизи Миср бўлди.

Бир кун ул бой қариндоши бу олим қариндошина ҳақорат кўзи билан назар қилиб айтти: «Мен салтанатқа еттим дағи сен бояги масканатда қолиб турурсан». Ул айтти: «Эй қариндош, анинг бекин шукр менга вожиб дурурким, анбиё меросин топтум яъни илм-икки жаҳон кўрки. Дағи сенга Фиръавн ва Хомон ери, яъни Миср мулки».

Шеър

Мени сен ул қаринча — тек яқин бил,
Ким, они йўл уза янчиб кечар фил.
Дегулман захм уручи элга занбур,
Эрурман масканат мулкинда мазкур.
Бу неъмат шукрини қилсам керак чўқ,
Қиши кўнглун йиқарға одатим йўқ.

Ҳикоят

Бир фақир эр йўқуллуқ ўтина куюб, хирқасин тикиб,
хотирин бу байт билан тасалли қилур эди.

Шеър

Қури ўтмак ошаб, хирқа киярга чун қаноатман,
Халойиқ миннатин бори кўтурмакдан фароғатман.

Бир киши анга айтти: «Не ўтурурсанким, фалон хожа карам алини очиб, фуқаро хидмати на белин боғлаб турур дағи дойим кўнгуллар эшикинда ўтурур». Айтти: «Тек турғулким, бу йўқсуллуқ ўтина куймак андин яхшироқким, бир киши қотинда бориб ҳожат тилагинча».

Шеър

Илтифот этмас кўруб оч ўлтуруб собир фақир,
Неъматини кўб хожаларнинг болина ва боғина.

Ориф эрга бил жаханнамнинг азоби бирла тенг,
Қирмаги қўнгши аёғи бирла жаннат боғина.

Ҳикоят

Ажам маликларидан бир малик Мустафо хидмати-
бир ҳозиқ табиб ийига борди. Ул табиб бир йил набий
қотинда бўлди. Бир киши асҳобдан келиб анга тажриба
кетурмади дағи бир хаста келиб андан муолажа иста-
мади. Ул табиб бир кун расул алайҳиссалом хидмати-
келиб, шикоят қилиб айтти: «Мени мунда асҳоб муола-
жаси учун ийита бердилар, ул вақтдан бериким келиб
турурман бир киши менга илтифот қилмади. Ул хид-
матким бу қулға муайяндурур ерина кетургай эдим».
Мустафо айтти: «Мен бу тоифани бир тариқа ўгратиб-
манким иштаҳолари голиб бўлмайинча таом емагайлар
дағи қоринлари яхши тўймайин таомдан алларин чек-
кайлар». Ул ҳаким айтти: «Сихҳати баданнинг сабаби
бу турур». Мустафо алайҳиссалом хизматида ер ўпти
дағи кетти:

Шеър

Сўзлар ул дам ҳакими ҳозиқким,
Ақлина чун зиён этар демаса.
Емакка сабр этар анга тегри,
Оч ўлар ул замон агар емас,
Оз есун ҳар емакни вақтинда,
Дойимо сихҳат издаган кимса.

Ҳикоят

Ардашири Бобакон сийратинда келиб турур: бир
араб ҳакимина сўрдиларким: «Бир кунда не қадар таом
емак керак?» Айтти: «Юз дирҳам вазни кифоят дурур».
Айттилар: «Ул не қадар қувват қилгай?» Айтти: ... бу
қадар емак сени аёғинг устича кўтурур дағи не қадар
мундан ортурсанг, сен ани кўтарурсан... оқил емак ер —
тирилмак учун, дағи жоҳил тирилир емак учун.

Шеър

Емак тирилмак учундур дағи ибодат учун,
Бу тириликинг емак учун дегул дурур ёлғуз.

Ҳикоят

Икки хуросоний фақир бири-бири суҳбатина мулозим бўлур, саёҳат қилур эдилар. Бири заиф ва бири қавий эди. Заиф қундуз уруж тутар, кеча ифтор этар дағи қавийси кунда уч навбат емак ер. Бир кун буларни бир шаҳарнинг эшикинда жосус деб туҳмат билан туттилар. Иккисини бир эвга солдилар дағи эшикни маҳкам бекиттилар. Бир жумъадан сўнгра маълум қилдиларким, ёзуқлари йўқ эмиш, келиб кўрдиларким, қавийси ўлмиш, заифи саломат қолмиш. Таажжуб қилдиларким, нечук бўлди деб. Бир ҳаким ҳозир эди. Айтти: «Агар мунунг хилофи бўлса, ажаб бўлғай эди. Ул бири кўб ер эди, очлиққа тоқат кетурмади, ўлди. Дағи бу бири оз ер эди, одатинча сабр этиб саломат қолди».

Шеър

Ҳар кима бўлса табиат оз емак,
Оллина келса машаққат сабр этар.
Ким бадан беслар эса кенг айш уза,
Тор ерга ўғраса элдан кетар.

Ҳикоят

Бир ҳаким айтти ўғлина: «Кўб емагил! Кўб емак кишига ранж келтурур. Ўғли айтти: «Эй ота, очлик одамийни ўлтурур, нечукким зарифлар айтар: тўқ бўлуб ўлса яхшироқ, оч бўлуб тири юругунча». Ҳаким айтти: «Эй ўғлум, мизонни сақламоқ керак...»

Шеър

Қадриндан еса ким ортуқроқ,
Ул емак бил анга зиён кетурур.
Ким еса оч бўлуб қури ўтмак,
Меъдасинда шакар бекин ўтурур.

Ҳикоят

Бир хастаға сўрдилар: «Кўнглунг не тилар?» Айтти: «Аниким ҳеч хотирим тиламагай».

Ш е ъ р

Меъда чун тўлдию ҳосил бўлди ранж,
Фойда қилмас анга кўп молу ганж.

Ҳ и к о я т

Восит шаҳринда бир баққолнинг сўфилар қотинда
бир неча ақчаси бурч йиғилди. Ҳар кун келиб, тақозо
қилиб, қатти сўзлаб, кўнгуллари оғритур эди. Ул фа-
қирларнинг бири айтти: «Нафсга кўб емак ваъдасин
бермоқ осонроқ турур баққол ташниъиндаса».

Ш е ъ р

Маликлар бахшишин, эй ёр, тарк эт,
Кўтаргинча келиб баввоб жаврин.
Дароҳим бўлмаса бурчқа ема эт,
Юригил чекмайин қассоб жаврин.

Ҳ и к о я т

Бир яхши эр татар урушунда ёмон жароҳатли бўл-
ди. Бир киши анга айтти: «Сенинг бу жароҳатинг да-
воси фалон, хожа қотинда бор, бориб тиласанг бўлғай-
ким, андан сенга бергай. Ва лекин ул хожани айтур-
лар: бухл билан маъруф эди, уйлаким:

Ш е ъ р

Гар гунашни кезласа ўтмак бекин ул суфрада,
Кўрмагай йиллар кечиб кўз ул гунашни ерина».

Андан ул мажруҳ эр айтти: «Анинг бекин кишидан
ҳожат тиласам, бергай ё бермагай. Агар берур бўлса,
фойда қилғай ё қилмағай».

Ш е ъ р

Ҳожат тилама хасис эрдан,
Бугдой тамаъ этма шўра ердан.

Нечукким, масалда айтурлар: мазаллат билан ти-
ри юригинча, иллат билан ўлса яхшироқ.

Ш е ъ р

Туруш юзлининг алиндан егинча болу тар қаймоқ,
Қулач юзлининг алиндан олиб ҳанзал еса хушроқ.

Ҳ и к о я т

Бир олимнинг ўғли, қизи кўб, дағи кифояти оз эди.
Улуғлардан бир ким эрсага ҳусни занни голиб эди, келиб ўз ҳолини анга айтти эса, ул мунунг таваққунидан малул бўлди дағи мунунг саволи анинг назаринда қабих келди.

Ш е ъ р

Юзунгни турш этиб кетма кишига,
Анинг кўнглун дағи ғамгин қилурсан.
Қулач юз бирла ким ҳожат тиласа,
Иши боғланмас ул эрнинг билурсан.

Айтурлар: ул ким эрса мунунг вазифасин оз ортурди дағи иродатин кўб ўқсутти. Ул олим эр бир неча кундан сўнгра яна анинг қотина бориб айтти:

Бу тиланмак одамийга кўб хижолат келтурур,
Этмаги ортар, ва лекин обрўйи эксилур.

Ҳ и к о я т

Бир йил Искандария шаҳринда ёмғур ёғмади. Қатти қуроқлик бўлди. уйлаким халқнинг тоқати инони алиндан етиб, кўклар эшики ер уза боғланиб, дағи ер аҳлининг фарёди кўкларга етиб турур эди.

Ш е ъ р

Қолмади ерда жонворким анинг
Чиқмағай кўкка оҳу афғони.
Сайл бўлса керак халойиқнинг
Кўзлариндан оқиб юрак қони.

Ул шаҳарда бир маъруф муҳаннас бор эди, дўстлардан йироқ нечаким анинг васфин демак тарки адаб турур, аммо тақриб ҳикоят учун сўзланди дағи қоилтурур,

нинг ажзина ҳамл этмасинлар деб. Бу икки байт билан ихтисор эттим:

Ш е ъ р

Ул муханнасни ҳалок этса татар,
Хайр эрур бил ул татарнинг бу иши.
Ҳилланинг жисри бекин бўлғай, неча
Сув анинг олтинда, устунда киши.

Оз далилдан кўб маъний ҳосил бўлур дағи бир овуч чашнидан бугдой юки маълум дурур. Ул йил ул шахснинг кўб молу наъмати бор эди. Али овучи тор мискиларга олтун ақча улаштурди дағи мусофирларга суфралар тўкти дағи ул фақирларким фоқадан жонлари бурунларини етиб турар эди, онларни даъват қилди. Онлар келиб менга машоварат қилдилар. Рози бўлмайини айттим:

Ш е ъ р

Емас ит сарқитин келиб арслон,
Фор ичинда очин ўлар бўлса.
Ориф эр нафсина уюб кетмас,
Не қадар нафс анга жафо қилса,
Ул дегулдур фақир ким иттек,
Текма нокас эшикина келса.
Порсо билмагил сен ул эрни,
Олтун оқча дуо қилиб олса.

Ҳ и к о я т

Ҳотими Тойға айттилар: «Жаҳонда сендан улу ҳимматли кўрганинг ё эшитганинг борми? Айтти: «Бир кун қирқ тева қурбон этиб, араб бекларни қўнуқладим. Ҳожат учун ташқари чиқиб кўрдум, бир эр бир юк кўтариб, сотмаға келур эди. Юкун ерга қўюб динглади. Мен анга айттим: нечун Ҳотими Тойнинг даъватина бормассанким халқ самотина йиғилиб емак ерлар. Ул эр айтти:

Ш е ъ р

Анингким луқмаси касб ўтмагидур,
Кўтармас ул бу Ҳотим миннатини.

Ҳотими Тойи айтти: «Мен ўзумдан улу ҳимматли
эр ани кўрдум».

Ҳикоят

Мусо бир фақирни кўрдиким, урэн, қум ичинда ки-
риб ётур. Киймага ҳеч нимаси йўқ эди. Мусо алайҳис-
салом дуо қилди. Ҳақ таоло ул фақирга мол ва неъмат
берди. Бир неча кундан сўнг кўрдиким, халқ устуна йи-
гилиб турур. Сўрдиким, мунга не бўлуб турур? Айттилар,
ҳам ичиб, уруш этиб, киши ўлтуруб турур. Эмди қасос
этмага элтурлар.

Шеър

Бўлур ожиз топуб қудрат алинкаим,
Бурар бўлса тутуб ожиз қўлуни.
Ҳакиму ҳайю боқий моликул-мулк,
Тутар ҳикмат билан ҳар бир қўлуни.

Мусо алайҳиссалом жаҳонни йўқдан бор қилган ҳа-
кимнинг ҳикмати на иқрор кетуруб, ўз тажосурина муъ-
тариф бўлди.

Келур муфсид кишидан кўб ёмон иш,
Алинда бир неча динор бўлса,
Не ишлар қилғай эрди одамийга,
Қаринчанинг қаноти бор бўлса.
Саодат кўрмаган топса вазорат,
Уруб эр ўлтуруб ўйнор бўлса.
Кетар боши анинг бир кун бу йўлда,
Неча кўб молу мулк асрор бўлса,
Юмар кўз бу жаҳоннинг зийнатиндан
Кима сабру қаноат ёр бўлса.

Ҳикоят

Шайх Саъдий айтур: Басра шаҳринда жавҳарийлар
бозоринда бир аробийни кўрдиким, ҳикоят қилиб
айтур эдиким: «Бир вақт туз ёзида йўл тош итиб, озу-
қум туганиб юрур эдим, кўрдум; бир кис тўли инжу
ётур. Ҳаргиз ул фараҳни унутмағайман. Уйла сақин-
диким, қурмиш буғдой турур дағи ҳаргиз ул малул-
лик хотиримдан кетмағайким, очиб боқтим эса инжу
дурур».

Ш е ъ р

Сусамиш эрнинг оғзинда жавоҳир,
Садаф бирлан саводур, эй азиз эр.
Анингким озуқи йўқтур кўкармиш
Қури этмак топуб суккар бекин ер.

Ҳ и к о я т

Бир араб эр ёзи ерда ғоят сусаб бу байтни ўқур эди:

Ш е ъ р

Умидим ўлмайин мақсадга етсам,
Қониб ичсам сувин, мешим тўлатсам.

Анинг бекин бир сайёҳ фақир дағи ёбон ичинда йўл
озиб, қути-қуввати туганиб, бир неча ақча белинда
бор эди. Тўрт ёнин кўб кезди, йўл топмади. Ул меҳнат
билан ҳалок бўлди. Бир тоифа келиб ани кўрдиким,
ақчаларни алинда қўйуб, туброқ устуна жон бериб
ётур эди.

Ш е ъ р

Озуқи йўқ киши кета билмас,
Гар белинда кўб олтуни бўлса.
Юз минг олтундан ортуқ ул ерда,
Бир овуч кирданинг уни бўлса.

Ҳ и к о я т

Бир фақир айтур: ҳаргиз замона жавриндан шикоят
қилмадим, илло бир кун Куфа жомеина намоз қилмаға
кирдим. Кўнглум тор эди, ул сабабданким бошмоқим
йўқ, ялин оёқ эдим, кириб жомеъ ичинда бир ким эрса-
ни кўрдумким икки оёқи йўқ; тангри таоло берган неъ-
матларина кўб турлу шукрлар қилдим.

Ш е ъ р

Не қадар ким семиз эса бир ён,
Таррадан кам кўрар ани тўқ эр.
Оч ёрли топиб биши шалғам,
Шишламиш қоз эти бекин хуш ер.

Ҳикоят

Малики одил хос қуллари билан овга чиқиб, қиш кунлари иморатдан йироқ тушуб, мағрибқа яқин эдиким бир экинчи эвин кўрдилар. Малик айтти: «Бориб анда тушалимким сизга совуқ заҳмат бермагай».

Вазирлардан бир вазир айттиким: «Маликнинг қадру жоҳинда лойиқ бўлмагай экинчи эвина сиғина бормоқ, мунда хайма урсунлар». Ул экинчи буларни кўруб, равон моҳазарин тартиб қилиб, малики одил хидматина кетурди дағи ер ўпуб айтти: «Малик ёши узун бўлсун, бу ёрли қулнинг эвина тушмак билан маликнинг қадру жоҳиндан нима ўксилмас эди. Ва лекин тиламадиларким, бу ўксук қулнинг иззати ортқанин». Анинг ул сўзи малики одилга хуш келди, буюрдиким, анинг манзилина нақл эттилар. Сабоҳ малики одил ул экинчига хилъат ва неъмат бағишлади.

Шеър

Малики одил келиб бир тун экинчи эвина тушти,
Маликнинг қадри жоҳиндан нима эксилмади ул тун,
Вале кўкка экинчининг етишти ул кеча боши,
Нечук муфлис фараҳ этса топуб бир ерда минг олтун.

Ҳикоят

Бир тиланчи фақир тиланиб, кўб мол ва неъмат жамъ этиб эди. Маликлардан бир малик анга киши солдиким: «Эшиттим, кўб молинг бор эмиш: андан менга бурч бергилким инган ихтиёжим бўлуб турур». Ул фақир айтти: «Султоннинг қадрини лойиқ дегулким ҳиммат алиин меним каби мискин ризқини узатгайким, мен ани ҳабба-ҳабба жамъ этибман». Малик айтти: «Қайғурмаским мен ани лашкарға берурман».

Шеър

Неча мурдор эса тарсо қуйуси,
Яҳудий ўлусин ювса раво дур.

Алмақсуд, ул тиланчи малик буйруғина мутеъ бўлмайин, кўб турли ҳужжат кетуруб айтти: «Бошимни, жонимни бергайман дағи андан бир дирҳам бермагайман». Малик буюрди: куч билан андан молин олдилар.

Шеър

Келмаса ким яқин лутф билан,
Тушар ул эр йироқ иззатдан.
Кендуна раҳм қилмаған дойим,
Қуртула билмас ул машаққатдан.

Ҳикоят

Шайх Саъдий айтур: Қиш баҳринда бир тожирни кўрдум, ул юз элли тева юки қумоши бор эди. Қирқ табуғчи ҳидматинда; бир кеча мени эвина элтти, шамъи жамъ ўтуруб паришон сўзлар бошладиким: «Фалон шериким Туркистонга кетиб турур, дағи фалон бизоатим Ҳиндистонга етиб турур. Бу фалон ернинг қаболаси турур дағи фалон тожир юз минг олтунга замон турур: «Искандарияга кетмакка ҳавасим борким ҳавоси хуш турур», яна айтур: «Мағриб тенгизи мухотарадурур». Яна айтти: «Эй Саъдий, бир сафарим дағи бор, ул сафардан келсам, умрумнинг бақиясин бир ерда ўтуруб кечургайман».

Мен айттим: «Ул сафаринг не ерга дурур». Айтти: «Гугирди порсий олиб Чин иқлимина элтмак тиларман. Эшиттимким азиз қиймати бор эмиш, дағи Чиндан чинни чанақлар олиб, Румга кетургайман дағи Румнинг ҳарир қумошларин олиб, Ҳиндга элтайим дағи Ҳинддан пулад олиб Ҳалабдан пиёла олиб Яманга, Ямандан буди ямани олиб, ўз вилоятима келиб, тек тижорат қилиб, бир дўконга очиб ўтурмоқ тилурман».

Ул қадар муҳмалотдан сўзладиким дағи сўзламакка мажоли қолмади. Менга айтти: «Сен дағи сўзлагил кўрганингдан ё эшитганингдан». Мен айттим: «Бир масал Хожа Исҳоқ Хоразмийдан ёд тутарман». Айтти: «Айтқил!» Айттим:

Шеър

«Тушуб бир кун отиндан бу масални,
Бадиҳа назм этти Хожа Исҳоқ.
Жаҳон севган кишининг кўзларини
Қаноат тўлдурур ё ўлса туброқ.

Ҳикоят

Бир кўб молли тожир бор эди, бухл билан машҳур,

уйлаким Ҳотими Той карам билан мазкур эди. Моли ва неъмат чўқ харж этмакка имкони йўқ, уйла хасиси нафе эдиким, тиласанг таниндаги жонин бергай даги алиндаги ўтмакин бермагай. Илайинда бир кинтор емак бўлса Абуҳурайра четукина бир луқма етурмагай даги асҳоби қаҳф итина сунук солмагай.

Филжумла, ким эрса эшикин даги суфрасин очуқ кўрмади. Айтурлар: «Ул тожирни мағриб тенгизин кечиб, Мисрга келур эди, хаёли фиръавний бошинда». Бир мухолиф ел чиқиб, ул тожир кемисин фарқ этти.

Ш е ъ р

Дуо вақтин тазарруънинг алини,
Кўтариб тангридан раҳмат тиларсан.
Қарам вақтин тутарсан қўлтуғунда,
Бу эҳсон бирлами жаннат тиларсан.

Айтурлар: Ул тожирнинг Мисрда уммуси, ўғлонлари бөр эди. Вақтлари фақир бу тожирнинг қолган моли билан мунъим бўлдилар. Эски тўнларин анинг улусина йиртиб, янги қумошлар бичтилар. Ул жумъа ичинда онларнинг бирин кўрдум. Узданг тозий от минмиш, икки қўл ортинча. Айттим:

Ш е ъ р

Бир кез тирилиб ўли эвина келса,
Ўз қавми ичинда бу фараҳни солса.
Ули очигиндан ортуқ ул ворисга,
Молини тутуб яна эяси олса.

Онларнинг бири бирла маърифатим бор эди, енгиндан тутуб бу шеърни ўқудим:

Ш е ъ р

Егил сан эй саодатли музаффар,
Йиғиб кетти емайин молин ул хар.
Сахийни ёд этиб дойим ўқарлар,
Бахил отин эшитканда сўқарлар,
Ағоч кўрки — емиш, эрнинг — карамдур,
Қарамсиз ер вужуди кал, адамдур.
Қарам аҳли дурур дойим муқаррам,
Қарам дурбор эса дунйида эрдам.

Ҳикоят

Бир заиф сайёднинг оғина қавий балиқ тушти, тута билмади. Балиқ сайёд алиндан оғин олиб кетти.

Шеър

Келтурур эрди ҳамиша оғ балиқни тутуб,
Кетти бу навбат олиб балиқ ул эр оғин ютуб.

Ўзга сайёдлар анга маломат қилиб айттилар: «Анинг бекин сайд алинга тушти, тута билмадинг». Айтти: «Эй қариндошлар, нетса бўлур, чун меним андан насибум йўқ дағи анинг сувдан қисмати бор эди. Масалда айтурлар: Тольёсиз сайёд тенгизда балиқ тута билмас, дағи ажалсиз балиқ қури ерда ўлмас».

Шеър

Аниким, ҳақ халос этса балодан,
Кетар уйла олиб сайёд оғин.

Ҳикоят

Али, аёғи кесилган ким эрса қирқ аёқли жонворни ўлтурди, кўруб ани бир ориф эр айтти: «Субҳоноллоҳ, анингким, қирқ аёқи бор эди, ажали эришти эса, алсиз, аёқсиздан қочиб қутула билмади».

Шеър

Қачон жон олғичи душман эришса,
Ажал боғлар югурганнинг аёғин.

Ҳикоят

Исоға бир ким эрса келиб айтти: «Ё руҳуллоҳ тиларман ул дуони менга угратгайсан ким, ўқуса ўли тирри бўлур». Исо алайҳиссалом айтти: «Борғил, бу савдонни бошингдан кетаргил, йўқса зиён қилурсан». Ул айтти: «Албатта керакким, угратгайсан». Исо бахиллик қила билмади, ўгратти. Ул киши ўганиб кетар экан, кўрди бир ерда қури сўнгуклар ётур. Айтти: бу дуони мунга ўқуб боқайим, тирилурми деб, ўқуди, эса ул арслон сўнгуклари эмиш. Туруб ул кишини пора-пора қилди. Ул сабабдан бу масални айтурлар.

Шеър

Ҳар бир эр иш учундир, ҳар бир иш бир эр учун.
Маслаҳат ул ўз ишини ишлагай ҳар зу-фунун.
Дойимо турли савоб узра бўлур оқил иши,
Келтурур эр деб қазони ўзина аблаҳ киши..

Ҳикоят

Шайх Саъдий айтур: Бир семиз аблаҳ кишини кўрдум олтун тарозли ҳарир қўмош киймиш, алнинда бир тозий от, бошина мисрий қасба боғлаб эдиким эрса менга айтти: «Эй Саъдий, нечук кўрарсан бу дунёни муъламни ул ҳайвони лояълам узра». Айттим: «Зишт хат турурким, олтун суви билан ёзилмиш».

Шеър

Одамий нечук дегайм мен анга,
Сурати инсон, вале хайвон ҳисол.
Жумла асбоби ичинда истасанг,
Қим анинг қониндан ўзга йўқ ҳалол.

Шеъри охир

Шариф агар мутаҳаъиф бўлур эса билгил,
Анинг бу жоҳу жалолли заиф бўлмайисар.
Агар саройи музаҳҳаб ичинда ўлтурса,
Кийиб ҳарир, яҳудий шариф бўлмайисар.

Ҳикоят

Бир ўғри бир тиланчига айтти: «Уялмасмисанким, текма бир хасис қатина бориб бучук ҳабба учун юз сувун тўкуб, алинг узатурсан». Фақир айтти:

Шеър

Қўб яхши алин узатиб андан тиламак
Қим, икки дирам учун қўлун кескайлар.

Ҳикоят

Айтурлар: бир паҳлавон юмруқчи йигитни дунё жихатиндан али овучи тор дағи бўғози кенг эди. Ул йи-

тит бир кун отаси хидматина келиб машварат қилиб айтти: «Ижозатинг била сафар қилмоқ тиларманким, алим эрдами билан кифоятим ҳосил этмак учун.

Шеър

Хунар зоеъ бўлур кўргузмаса эр,
Хунар кўргузган эр шаҳду шакар ер.
Жавоҳир қиммати йўқ қон ичинда,
Келиб элга топар ул бош уза ер.

Отаси айтти: «Эй ўғлум, бу хаёли муҳолни димо-
гингдан кўтаргил, қаноат аёгин саломат этакина чекиб
ўтурғил!» Нечукким, айтурлар: куч билан кишига бой-
лик, дағи орзу билан беклик ҳосил бўлмас».

Шеър

Эй ўзин Рустам сифатли паҳлавон кўрган фато,
Куч билан бўлмас саодатнинг этакин тутмағо.
Минг хунар бўлса бир эрда бўлмаса гар давлати,
Чун саодат йўқтур эрдам фойда қилмас анга.

Ўғли айтти: «Эй ота, сафарнинг кўб турли фойда-
лари бор. Ажойиблар кўрмак, ғаройиблар эшитмак
тангсуқ шаҳарлар тамошо қилмоқ, эски эранлар суҳ-
батина етмак дағи янги дўстлар ҳосил этмак. Нечукким
айтур:

Шеър

Гар тиласангким ғаройиблар тамошо эткасан,
Текма бир кун бир янги ерга керакким еткасан.
Тур, тафарруж қил, жаҳоннинг турлу-турлу тонглари,
Кўз юмуб андан бурунким бу жаҳондан кеткасан».

Отаси айтти: «Эй ўғлум, сафарнинг бу тариқа фой-
далари кўб ва лекин беш турлу тоифага мусаллам ту-
рур. Аввал: мунъими тожир керакким кўрклу қуллар,
ўздан қарноқлар, молу неъмат билан ҳар кун бир
янги шаҳарга еткай. Ҳар кеча бир ўзга мақомда айш
еткай, дағи ҳар дам бир турли тафарружда бўлғай. Не-
чукким айтурлар.

Ш е ъ р

Мунъим ғариб бўлмас не ерга ким эришса,
Хайма уруб қилур ул эрта кеча танаъум.
Йўқсул киши еринда юрур ғарибу муфлис,
Ҳолин билиб халойиқ қилмас анга тараҳхум.

Иккинчи: олим керакким, фасоҳат қуввати ва ба-
лоғат зийнати билан қандаким борса мукаррам ва му-
аззаз тутқайлар.

Ш е ъ р

Не ерга ким эришса олим, анда
Билурлар қимматин ори гуҳартек.
Ғариблиққа тушуб жоҳил бек ўғли,
Бўлур даллол ё ҳаммол ло-шак.

Учунчи: соҳибжамол керакким, анинг ҳусни билан
кўзлар мунаввар дағи кўнгуллар мушарраф бўлғай.
Нечукким, айтурлар: кўб молдан кўркли жамол яхши-
роқ; анинг учунким, кўрклу юз жаҳон жони, фараҳ
кони дурур. Ложарам суҳбатин ғанимат кўруб, хидма-
тин миннат тутарлар.

Ш е ъ р

Бир ўзданни ўз эвиндан отаси жавр этиб сурса,
Ул ўздан қандаким ўтса, қилур жон била хизмат.
Отаси ул садафдурким, баҳоли жавҳарий булғай,
Садафдан айрилур бўлса, топар жавҳар оғир қиммат.

Тўртинчи: хушовоз керакким, довудий нағма билан
учар қушни, оқар сувни тийғай дағи ул бу фазилат
билан халойиқ кўнглин сайд эта билғай.

Ш е ъ р

Хуш келур овоз тар бўлса ҳазин,
Хосса ошиқлара вақти сабуҳ,
Ой бекин юздан кўб ортуқ ўздан ун,
Ул ғиғои нафс эрур бу қути руҳ.

Бешинчи: санъат аҳли керакким, бир луқма учун
юз сувин тўкуб юругагай.

Ш е ъ р

Ўз ватаниндан чиқижақ пешақор,
Ҳосил этар қанда эришса дирам.
Мамлакатиндан тушижақ бир малик
Меҳнат ичинда бўлур ул кал-адам.

Бу сифатларким, баён қилдим, сафарда хотир жамияти дағи маишат роҳати учун дурур. Ҳар кимда булардан бири бўлмаса, ул киши хаёли ботил билан умрин талаф қилиб юрур.

Ш е ъ р

Кима замона жафо қилмаға тилар бўлса,
Берур хилофи муродин анга келиб айём.
Қўқарчин ўз ватанини яна қачон кўргай
Қазо анга қилур эса насиб донаи дом».

Ўғли айтти: «Эй ота, ҳукамо қавлина нечук муҳолифат қилаймким айтиб турурлар: Нечаким ризқи мақсум эса, ани сабаблар билан ҳосил этмақ шарт турур дағи нечаким бало муқаддар эса, анинг шарриндан сақланмоқ вожиб турур».

Ш е ъ р

Неча шаксиз кишига ризқ тегса,
Ани барча қотинда издамақ қор.
Ажалсиз одамий ўлмас дейиб сен,
Йилонни қуйруқиндан тутма зинҳор.

Ул йигит айтти: «Бу сураттаким мен, ман ўзумни филларга урғайман дағи арслон билан панжа тутгайман. Маслаҳат ул турурким сафар эткайманким, мундан ортуқ тоқатим йўқ турмаға».

Ш е ъ р

Ким қилдиса мушоҳада дунё ғаройибин,
Бўлди ҳамиша аҳли назар шон физойи ул.
Ҳар мунъим ўз саройина охшом туруб келур,
Охшом ғариб қанда эришса саройи ул.
Ҳар ким сафар мужоҳаддасини кўрар эса,
Бўлур камоли ақлу адаб, ҳилм бойи ул.

Муни айтти дағи отасина видоъ этиб кетти. Ногоҳ бир уллу сув ёқасина етти. Кўрдиким бир кема ичинда

жамоати халқ сафар яроғин қилиб ўтурур эди, йигитнинг ато али боғли эди, дуо қилмаға бошлади. Нечаким мискинлик этиб, лутф билан сўзлади, фойда қилмади.

Ш е ъ р

Куч билан битмас ишинг ақча керактур, ақча,
Ақчали одамий муҳтож дегулдур кучка.

Ул мурувватсиз кемачи мунга раҳм этмайин айтти:

Кетур ақча, кемага кир, йўқ эса ташқари ўлтур,
Ун эрнинг қувватин қўйгил, бир эрнинг ақчасин келтур.

Бу нуктадан ул йигитнинг кўнгли оғриб, тиладиким алин олгай, кема кетиб турур эди. Йигит кемачига чағириб айтти: «Бу кийган тўнума рози эсанг, дариг дегул». Кемачи тамаъ этиб қайитти.

Ш е ъ р

Кўзун боғлар дароҳим оқил эрнинг,
Тамаъ солур учар қушни тузоққа.

Ул қадар яқин келдиким, кемачининг ёқаси йигитнинг алина кирди, йигит ўзини чекиб бир неча маҳкам юмруқлар едурди.

Кемадан кишилар чиқтиларким, кемачини анинг алиндан олмаға, ола билмадилар. Маслаҳат ани кўрдиларким, кема ужрати билан мусомаҳат қилдилар.

Ш е ъ р

Чунки кўрдунг хасм сендан кучлудур,
Ул сени урмоқ тиласа йиғлагил.
Ул йигирса, сен анга мискинлик эт,
Лутф бирлан ҳарб эшикин боғлагил.

Кемачи истиғфор кетуруб, нифоқ билан боришиб, йигитнинг алин, аёқин ўпуб, кемага кириб кеттилар. Бир замондан сўнгра сув ичинда бир амуд кўрунди, эски юнон иморатиндан қолмиш. Кемачи айтти: «Мунда кемага халал бор. Керакким сиздан бир паҳлавон қувватли эр чиқиб амуд устина, кеманинг бурнундағи йиб-

ни тутқай, ҳатто кема мундан солим кечкай». Йигит ўз қуввати на мағрур айди. Кўнгли оғриган душмандан го- фил бўлуб чиқти. Нечаким, айтурлар: Қачонким бир кишини инжитсанг дағи сўнгра юз роҳатинг тегса, ул инжитмакинг анинг ёдиндан кетмас. Уқ теури жаро- ҳатдан чиқар, вале нишони қолур.

Ш е ъ р

Мағрур бўлуб сен ўз-ўзингга қолма,
Душманни жароҳат эттинг, эмин бўлма.

Кемачи ул қадар сабр эттиким, йигит кема йибин алина чуркади дағи амуд устина чиқти. Кемачи равон ул йипни йигитнинг алидин узди дағи кетти. Ул бе- чора амуд устунда мутаҳаййир қолди. Икки кун анда бало ва меҳнат чекди. Учунчи кун уйқу келиб, ёқасин- дан тутуб сувга бироқти. Бир кун, бир кеча сув ичин- да жони бурнина етиб ёқага чиқти. Ағоч яброғин дағи ўт кўкин еб, бир оз қуввати кирди дағи бир ёзиға юз тутиб кетти; очиб, сусаб, тоқатсиз бўлуб юрур эди. Ногоҳ бир қуйиға етти. Кўрдиким, халойиқ фулус бе- риб, сув ичарлар. Йигитнинг фулуси йўқ эди, нечаким мискинлик этиб сув тилади, бермадилар эса йигит куч- га елдурди, муяссар тушмади. Бир нечасин ағдарди. Кўб халқ келиб йигитни ул қадар урдиларким, мажруҳ бўлуб тушти.

Ш е ъ р

Нечаким фил ҳайбатли бўлурса,
Тўкар сўри чибинлар шоҳ филин.
Қачонким иттифоқ этиб юриса,
Қаринчалар сўяр арслон терисин.

Зарурат ҳукми билан ул йигит хаста ва мажруҳ бир корвон ортина тушуб кетти. Охшомин корвон бир ерга еттиким, ўғрилар мақоми эди. Хожалар қўрқуб титра- макка бошладилар. Ул йигит айтти: «Қўрқмангизким бу ўртада бир менманким, элли кишига жавоб бергай- ман. Бир неча йигитлар дағи менга ёр қилсунлар».

Тожирлар бу сўзни эшитиб севиндилар, йигитга емак-учмак кетурдилар. Суҳбатин ғанимат кўруб, кўн- гуллари бир оз эмин бўлди. Йигит меъдаси ўти боши- на чиқиб, тоқатининг инони алидиндан кетиб турур эди.

Емак кўб еди дағи сув ичти. Уйқуси келиб ётти. Бу корвон ичинда бир жаҳон кўрган эски киши бор эди. Айтти: «Эй ёронлар, бўлмасунким бу бадрақа ул ўғрилардан бўлғай, нечунким ҳикоятда айтурлар: Бир араб киши минг олтун жамъ этиб, кечалар анинг ташвишиндан ёлғуз эвинда уйқуси келмас эди. Дўстлариндан бирин қатина кетурди, ҳатто ёлғузлуқ ваҳшати анинг бирлан мунсариф бўлсун деб. Ул киши бир неча мунунг суҳбатинда бўлди дағи ул минг олтуниинг ерин маълум қилди. Бир кеча бу киши ул олтунини олди дағи кетти. Эртаси арабни кўрдиларким фарёд қилиб йиғлар эди. Айттилар: «Не бўлди сенга, магар ул олтуниинг-ни ўғри олди». Айтти: «Ло, валлоҳи, бадрақа олди».

Ш е ъ р

Йилондан бир замон эмин ўтурман,
 Анинг учун хислатин билдим муайян.
 Йилон заҳматидан ул душман батардур —
 Ким, ўзин дўст кўргузур музайян.

Эмдиким билур, бу дағи ўғрилардан келиб, ўзини ёрлиқ суратина таъбия қилмиш бўлса, фурсат вақтинда уларга хабар қилса, маслаҳат ул дурурким, муни уюр қўюб кетгайбиз. Хожалар бу сўзни қабул қилиб, кўчуб кеттилар. Йигит ул вақт уйандиким, кунаш иссиси орқасина ўтти. Бошин кўтариб боқти. Корвон кетмиш. Туруб, йигит истаб топмади. Юзин ерга, кўнглин ўлумга қўюб айтар эди:

Ш е ъ р

Гарибу хаста ҳолин ул билур ким,
 Бу ғурбат меҳнатин йиллар чекиб тур.
 Йўқ эса не билур ул одамий ким,
 Танаъум бирла эвда бесланиб тур.

Йигит бу сўзда эдиким, бир султон ўғли черикдан айрилиб эди, мунунг устуна келиб, бу сўзни эшитиб, суратина назар қилди, ҳолин паришон кўруб айтти: «Сен мунда нечук туштунг?» Бу йигит воқеалариндан айтти эса, ул султон ўғли раҳм этиб буюрди, хилъат ва неъмат бердилар. Дағи бир неча муътамад кишиларга қўшуб ўз ҳашрина кетурдилар. Отаси ўғлин саломат кўруб, севунуб, кўб шукрлар қилди. Ул кеча ўғли ўтуруб, отасина бошиндан кечкан ҳолларни ҳикоя қилур

эди. Отаси айтти: «Эй ўғлум, мен сенга кетар вақтин айтмадимми: кимнинг алинда ақча бўлмаса, куч бирла қорнин тўйдурмоқ мушкул иш дурур».

Ш е ъ р

Бир кун билакин ушатур ул жоҳил эр,
Чун панжа тутар юруб ҳамиша ўчдан.
Оқил масали будур, бир оғри олтун,
Қўб яхши дурур, юз элли ботмон кучдан.

Ўғли айтти: «Эй ота, бали, ранж чекмайин ганж ҳосил бўлмас. Дағи киши жонини хатарга қўймайин душманга зафар топмас. Жавр чектим, роҳат топтум, нечукким айтурлар:

Ш е ъ р

Наҳангдан хавф этиб ғаввос эвинда,
Ўтурса дурри холис ким кетургай.
Қуған арслон кириб бир ғор ичинда,
Кеча-кундуз неча бир оч ўтургай.
Киши мақсуми ризқин дойим элга,
Керак қоҳиллик этмайин кетургай».

Отаси айтти: Эй ўғлум, бу йўлда фалак сенга ёри қилди дағи давлат далил бўлдиким, гулунгни тикандан, тиканни аёғингдан чиқарди. Бир соҳиб давлат йўлуқуб, сенга раҳм қилиб, синуқ кўнглунгни хайр қилди. Мунунг бекин иттифоқ нодир тушар дағи нодир билан ҳукм этиб бўлмас. Зинҳор бу тамаъга тушмагил дағи бу ишга ҳарис бўлмагил.

Ш е ъ р

Тожирга ҳамиша максаб эткай бир кун,
Молин олибан анинг ҳаромий йўртар.
Овчи чиқибон кийиклар овлар вақтин,
Арслон кўрубон тутуб терисин йиртар.

Бу фурсат барча вақтда топулмас, ногаҳ тушар. Нечунким Ироқ маликлариндан бир маликнинг алинда оғир баҳоли юзук бор эди. Бир кун ул малик хос қуллари билан Шероз мусаллосина тамошо қилмаға чиқиб буюрди: У юзукни аздуд-давла қуббасинда тиктилар дағи айтти: ҳар ким ўқ отиб, ул юзукдан кечурур бўлса, юзук анга бўлсун. Тўрт юз ўқ узотқичилар малик

хидматинда бор эди, барчаси хато қилдилар, магар бир ўғлон том устунда ўйнаб ўқ отар эди, сабо ели анинг ўқун ул юзукдан кечурди. Ул юзукни олди, хилъат ва неъмат аяси бўлди. Ўқни дағи ёсини синдуруб ўтқа ёқти. Айттилар: «Нечун буйла қилдинг?» Айтти: «Бу ҳаракатимнинг равнақи боқий қолсун деб».

Ш е ъ р

Гаҳ бўлурким бир ҳакими мўътабар
Ройу тадбири ичинда саҳв этар.
Бир биликсиз жоҳил ўғлон ногаҳон
Улгуга ўйнаб отиб ўқни тикар.

Ҳ и к о я т

Шайх Саъдий айтур: Бир фақирни кўрдум, мағора ичинда тамаъ эшикин боғлаб ўтурур эди. Дағи султонлар кўзина анинг ҳайбати мутамаккин бўлуб турур эди.

Ш е ъ р

Ҳар ким ўзина савол эшикин очти,
Ўлгунча ул эр ниёз ичинда бўлисар.
Ҳар ерда азиз эрур қаноат аҳли,
Миннат кўтуруб тирилган эр хор ўлисар.

Ул вилоятнинг маликлариндан бир малик бу фақирнинг хизматина келиб айтти: «Азизларнинг макорими ахлоқиндан таваққумиз улдурурким туз этмакка мувофақатлиқ қилғайлар». Шайх ризо берди, ул ҳукм биланким, даъватнинг ижобати суннат дурур. Тонгласи малик шайхни кўрмакка келди эса, шайх туруб маликни қучуб, кўб талаттуфлар қилди. Малик кетгандан сўнгра ёронлариндан бири шайхқа сўрдиким, букун мунча мулотифатқим султон билан қилдинг, хилофи одат эди, мунда ҳикмат не турур? Айтти: «Эй ўғлум, эшитканинг йўқмиким, масалда айтурлар:

Ш е ъ р

Келиб кимнинг бисотина ўтурсанг,
Қилур вожиб ани кўрганда турсанг.
Эшитмаса қулоқ йиллар дафу най,
Қилур сабр ул муборак самъи хушрой.

Келур кўздан дағи тарки таманно,
Чаманга қилмаса йиллар тамошо,
Ва лекин бу қорин дойим керак тўқ,
Очиқса, бир нафас сабр этмаги йўқ».

Тўртинчи боб

СУКУТ ФОЙДАСИ ИЧИНДА ТУРУР

Ҳикоят

Шайх Саъдий айтур: Дўстларнинг бирини айттим:
«Сукут фойдаси ул сабабдан зоҳир бўлдиким, кўб вақт
сўзда эйгу ёмон тушар дағи душман кўзи кўзламас,
илло ёмонни». Айтти: «Ул яхши ким, душман эйгуни
кўрмагай».

Гулдур бу Саройи Сайф лекин,
Душман кўзина тикон кўрунур.
Эдам эясин ҳасуд севмас,
Ватвот нечукки севмаса нур.

Ҳикоят

Бир тожирга минг олтун хасорат бўлди. Тожир ўғ-
лина айтти: «Керакким бу воқеани ҳеч кишига айтма-
гайсан». Уғли айтти: «Эй ота, бу йўруқ буйруқнинг ва
лекин бу фойдани менга айтқилким бу воқеани кизла-
макда маслаҳат не турур?» Айтти: «Айтсанг мусибат
икки бўлур: бири ҳасорати мол, иккинчи фазиҳати ҳол».

Шеър

Душман назаринда қилмағил қайғунг ёд,
Ло-ҳавл вало, дегай дағи бўлғай шод.

Ҳикоят

Бир тожир ўғлин айтурлар кўб турли илму ҳунар
билур эди. Қачонким, олимлар мажлисинда ўтурса, бир
калима сўз сўзламас эди. Бир кун отаси айтти: «Эй
ўғлум, сен дағи сўзлагил онларданким билурсан». Айт-
ти: «Қўрқарман, билмаганимдан сўрғайлар, жавоб топ-
майин хижил бўлғайман».

Шеър

Хонақоҳ эшикинда бир сўфи
Қабқабина урур эди мисмор.
Бир сипоҳи енгин тутиб айтти,
Отима наъл ургул, эй байтор.

Ҳикоят

Бир муътабар олим бирла бир мулҳид орасинда му-
боҳаса тушти, ҳужжатлашиб, олим анинг билан чиқиша
билмади, тарк этиб кетти. Бир ким эрса ул олимга айт-
ти: «Мунча турли илм фазли билан бир динсиз малъун
билан сўзлаша билмадинг?» Ул айтти: «Меним илмим
Қуръон ва ҳадис ва машойих каломи турур. Ул булар-
га муътақид дегул ва рози бўлмас. Бас менга анинг
куфрин эшитмак не керак».

Ҳикоят

Жолинус ҳаким айтур: бир аблаҳни кўрдум, бир
фақиҳнинг ёқасиндан тутуб, ҳурматсизлик қилур эди.
Айттим: «Бу кишининг билики бўлса, эди, аҳмақ билан
иши бу ерга етмагай эди».

Шеър

Икки оқил аро уруш бўлмас,
Оқил аблаҳ сўкунчина қолмас.
Жавр қилса нечаким аблаҳ анга,
Қўнглун олур анинг бу лутф била.
Узмас икки биликли бир қилни,
Сақламас аҳмақ одамий тилни,
Икки жоҳил қачон уруш бошлар,
Юз бузарлар уруб, ёриб бошлар.

Ҳикоят

Саҳбои Воилнинг камол фасоҳати ул ғоятда эди,
дерларким ҳар мажлисда ўтуруб сўзлар бўлса, бир
лафзни такрор қилмас эди. Қачон ул маъний (га) эҳ-
тиёж бўлса, бир ўзга иборат билан адо қилур эди. Да-
ғи салотин ҳазратингдаги нудамонинг адаблариндан
бири ул дурур ким:

Ш е ъ р

Неча бўлса сўзунг мавзуну ширин,
Муффариҳ, лойиқи тасдиқу таҳсин.
Бир айтқанни яна айтма мукаррар,
Ки ҳалвони дағи бир қўрла ерлар.

Ҳақимлардан бир ҳақим айтур: Ҳеч ким эрса ўз
жаҳлина иқрор қилмас, аммо ул вақт маълум бўлур-
ким, бир киши сўз бошласа, сўз тамом бўлмайин бир
ким эрса дағи ўртага сўз кетургай, ул аломати жаҳд
турур.

Ш е ъ р

Мажолисада ўтурган эр сўзининг
Билурсан аввалининг охири бор.
Қачон сўз бошласа, суҳбатда бир эр,
Кетурма ўртага сўз анда зинҳор.
Сўзун ул ерда сўзлар ҳар биликли —
Ки сокит бўлгай анда жумла гуфтор.

Ҳ и к о я т

Султон Маҳмуд қуллариндан бир нечаси келиб, Хо-
жа Ҳасан Маймандийга сўрдиларким: «Бу кун султон
сенга не айтти, фалон маслаҳатда?» Айтти: «Ул сизга
дағи ўртукли қолмағай, эшитгайсиз». Онлар айтти:
«Сен вазири мамлакатсан, ул сўзниким, султон сенга
айтқай, ани бизинг текинларга айтмоқ раво дегул».
Хожа Ҳасан айтти: «Ул эътиқод биланким билурсиз,
кишига айтмоқ керакмас, бас нечун сўрарсиз?»

Ш е ъ р

Қилмади розин биликли ёр, фош,
Кетмасун деб шоҳ сирри бирла бош.

Ҳ и к о я т

Хожа Муҳаммад Яздий айтур: бир эв сотун олдим.
Ул эвнинг байъининг ақдиндан хотирим мутараддид
бўлди. Бир яҳудий келиб айтти: «Эй хожа, бу эвнинг
васфин мендан сўргилким, бу маҳаллада қарорий ки-
шиман, бу эвнинг ҳеч айби йўқ турур». Айтти: «Бали,
ҳеч айби йўқ сендан ўзгаким, анга қўнгшисан».

Ш е ъ р

Ул сенинг ёнингда қўнгши бўлган эв,
Ун зағал дирҳам бучуғунга тегар.
Сендан ўзга ҳеч айби йўқ анинг,
Сен ўлужак ул минг олтунга тегар.

Ҳ и к о я т

Бир шоир ўғрилар бекина келиб мадҳ ўқуди эса,
буюрдиким: «Тўнун сўюнг дағи бу кентдан сурунг». Тўнун сўюб, кентдан сурдилар. Итлар ортина тушти. Тиладиким бир кесак тош кўтургай. Совуқдан ер бузланиб эди, ожиз бўлуб айтти: «Бу не маккори ҳаромзода тоифа дурурким, итларни шешиб, тошларни боғлаб ўтурурлар. Уғрилар беки ул ҳолатни кўруб, бу латифани эшитиб кулди, дағи ул шоирни индаб, айтти: «Эй адиб, тилагил, мендан не тиларсан?» Айтти: «Ўз тўнумни тиларманким, сендан ул уллу инъом, дағи оғир бахшиш дурур, дағи сенинг қотингдан саломат кетмак айни ғаниматдур».

Ш е ъ р

Эй муҳорифлар беки бир кез яна,
Эйгуларга бу ёмонинг тегмасун.
Эрдамин кўрган кишига фойданг
Тегмаса, бори зиёнинг тегмасун.

Ул ўғрилар беки буюрди: тўнун дағи юз ақча билан бир фарға бердилар.

Ҳ и к о я т

Бир мунажжим эвина келиб кўрди: эпчиси бир йигит билан ўйнар. Мунажжим ағоч олиб эпчисин ура бошлади эса, ул йигит қочти, ани бир зариф киши кўруб айтти:

Ш е ъ р

Эй илми нужум ичинда динор,
Дедингки ҳамал табиати нор.
Чун авжи фалакдакин билурсен,
Нек билмадинг ўз эвингда ким бор.

Ҳикоят

Бир қариҳ унли хатиб бор эди, ўзини хушовоз билиб қатти ун билан хутба ўқур эди. Уйла сағингайсанким, ғубор нағмаси анинг алҳони пардасинда дурур.

«Инна анкарал-асвоти ласавтул-ҳамир»¹ оятининг маънисини анинг ҳақина турур. Ул кент қавми анинг азийятини маслаҳат кўрмайин жоҳиндан қўрқуб, билийятини чекар эдилар. Ул иқлим хатиблариндан бир хатиб-хатибни кўрмакка келиб айтти: «Сенинг учун бир туш кўрубман, хайр бўлғай». Айтти: «Не кўрдунг?» Айтти: «Анинг бекин кўрдумким хушовоз бўлмишсан, уйлаким нафасингдан халойиқ осойиш топиб, тикланиб турурлар». Айтти: «Бу не муборак туш дурурким кўрдунг дағи мени бу айбима воқиф қилдинг. Бас маълум бўлдики ярамаз унум бор эмиш дағи халқ нафасимдан заҳматда эмишлар; тавба қилдимким дағи хутба ўқусам арқун ўқуғайман».

Шеър

Ранжидаман ул ёмон масоҳибданким,
Феълим тиканин гули хабон кўрузгай.
Қани бу кун ул туши муборак душман,
Айбимни келиб менга аён кўрузгай.

Ҳикоят

Санжор жомеъинда бир аблаҳ киши ҳар кун чиқиб қариҳ ун билан мунглар эди, уйлаким эшитганлар сескана тушар эди. Жомеъ эяси эйгу сийратли, солиҳ бек эди. Тиламас эдиким киши кўнгли андан оғриғай. Ул муаззинга айтти: «Эй азиз, бу жомеъининг қадимий муаззинлари бор, ҳар бирини беш олтун берурман. Сен ўн олтун олғил дағи бир ўзга ерга борғил». Ул бу сўзга рози бўлуб, ул олтуни олди дағи кетти.

Бир муддатдан сўнгра бу муаззин ул бекни кўрди дағи дуо қилиб айтти: «Ё амир, меним билан ҳайф эттинг, ўн олтун бериб, ул ердан кетардинг бу ерғаким келиб турурман, йигирми олтун берурларким дағи бир ўзга ерга борғил деб. Мен рози бўлмон». Ул бек бу сўзни эшитти дағи кулуб айтти: «Зинҳор олмағил ким элли олтунга рози бўлурлар».

¹ Овозлар ичида энг хунук овоз — эшак овозидур.

Шеър

Муаззин, яқин бил, жамоат мудом
Сафосиз унунгдан бўлурлар малул.
Неча мангласанг, ул карих ун билан
Бўлур хаста, ло-шак эшиткан кўнгул.

Ҳикоят

Бир муқрий бир масжид эшикинда ўтуруб, карих ун билан қатти чағириб Қуръон ўқур эди. Бир кимэрсанга анига сўрди: «Мунда сенинг вазифанг не турурким, мунча заҳмат ичиндасан». Айтти: «Вазифам йўқ, тангри учун ўқурман». Айтти: «Тангри учун ўқумагилким, диннинг иззатин кетарурсан».

Шеър

Бу кўнгуллар сафосин ул нохуш,
Нафасинг бегумон яқин кетарур,
Бу тариқа ўқур эсанг Қуръон,
Унунг ислом равнақин кетарур.

Бешинчи боб

ИШҚ ДАҒИ ИГИТЛИК СИФАТИ ИЧИНДА ТУРУР

Ҳикоят

Ҳасан Маймандийга сўрдилар: «Султон Маҳмуднинг мунча матлуби жоний, маҳбуби жаҳон қуллари бор. Нечун булар билан майли ва муҳаббати ул қадар дегул, уйлаким Аёз билан дурур». Айтти: «Ҳар нима ким кўнгулга хуш келса, кўзга кўркли кўрунур».

Шеър

Ҳар ким не кўнгул тиласа, кўркли улдур,
Ишқина ҳамиша жон ичинда йўлдур.

Ҳикоят

Бир хожанинг нодир ул-хусн қули бор эди. Хожаси тариқи муваддат ва айни муҳаббат билан назар қилур эди. Бир кимэрсанга айтти: «Эй ҳайф бу хусн ва жамолина кўра тили узун дағи адабсиз бўлмаса эди, не хуш

бўлғай эди». Хожаси айтти: «Эй ёри азиз, чун севарман дединг, хизмат тамаъин андан кескил, чун ошиқ ва маъшуқ бир ерга келди, хожалиқ дағи қуллуқ ўртадан кетти».

Ш е ъ р

Бор эди бир хожанинг уздан қули,
Ул эди маҳбубу ёри шанкули.
Чўнг севди хожа жондан қулни бек,
Хожаси қул бўлди, қули бўлди бек.

Ҳ и к о я т

Шайх Саъдий айтур: Бир зоҳидни кўрдум, бир маҳбуб муҳаббати билан гирифтор бўлур, маломат кўруб, фаромат чекиб, таркин урмади.

Ш е ъ р

Йўлунда бош ўйнаб жон таркин
Урубмен кўргали дилдор кўркин.

Маломат қилиб айттим: «Эй ёри азиз, ақли нафсингга не бўлдиким нафси хасисинг ғолиб келди». Бир замон тафаккурга бориб айтти:

Ш е ъ р

Ажабми ишқ лажложи суруб от,
Салотинни пиёда бирлан ўтса.
Кўруб ул шоҳиди раъно жамолин,
Дегул тонг зоҳид эр зуҳдин унутса.

Ҳ и к о я т

Бир кимэрсанинг кўнгли алдан кетиб дағи жон таркин уруб, назари ҳалокат ерина тушуб турар эди. Оғзи таомдан, кўзи уйқудан кесилиб, не кундуз сабри бор эди, не кеча қарори. Бир қуш бекинким тузоққа тушмиш бўлғай.

Ш е ъ р

Васлина эришмакка недур, ажабо, тадбир,
Маъшуқа қотинда чун туброқ била олтун бир.

Анга ёронлари насихат бериб айттилар, «Эй дўст, бу хаёли муҳолдан ўзунгни чеккил. Неча сенинг кабилар бу дард билан мубтало бўлуб турурлар». Ул ошиқи бечора нолаву зорий қилиб айтти:

Ш е ъ р

Кўб ўгут бермагил менга, эй ёр,
Чун иродат анинг алинда дурур.
Душманин ўлтурур баҳодур эр,
Дўстин ул ҳабиб қатл қилур.

Ул ёронлар ким анинг ҳолина назари дағи рўзгорина шафқати бор эди, кўрдиларким, насихат фойда қилмас. Мунунг ҳолин бориб ул мамдуҳи назар маҳбуби жаҳонқа айттилар: Ҳар кун бу майдонга бир йигит келур. Латиф сурат, зариф сийрат, ажойиб ва ғаройиб сўзлар сўзлаб, тонгсуқ нуқталар, кўркли иборат билан андин эшитурмиз. Дағи ишқ савдоси бошинда, муҳаббат дафтари алинда, ошиқона ҳаракатлари бор. Ул маҳбуб билдиким ўзининг ошиқи турур. Отин сўруб ул йигит қотина келиб, мулотафа билан муколама қилиб айтти: «Эй йигит, не ердансан, отинг ким, санъатинг не турур, келишинг қандан?» Ул йигит муҳаббат тенгизина уйла мустағрақ, бўлуб турар эдиким сўзламакка мажолли йўқ эди.

Ш е ъ р

Агар сабъа ривоят бирла Қуръон,
Ўқусанг бир янгилмайин сен, эй жон.
Қачон кўнглунгда қилса ишқ маскан,
Алифдан «бе»ю «тен»ни билмагайсан.

Ул маҳбуб айтти: «Эй йигит, бизга нечун сўзламасан? Биз дағи фақирлар муҳиббимиз, балки фақирларга иродат кетуруб, мурид бўлуб турурбиз», деди эса, ул ошиқи содиқ муҳаббат қуввати билан бошин кўтариб айтти:

Ш е ъ р

«Келди киюбон яна мени ўлтурса,
Ултурганина ўзи куюб келди магар».

Дағи муни айтти, жон таслим қилди.

Ҳикоят

Бир муаллим қотина бир ўғлонни кетуруб қўйдилар ким, ул муаллим бу ўғлонни кўрди дағи минг жон ва кўнгул билан ошиқ бўлди.

Шеър

Кўруб ул ой бекин юзни сенга бўлубман қул,
Яна унуттум ўзумни бўлуб сенга машғул.

Ўғлон айтти: «Эй муаллим, менга адаб арконин ўграткил, ҳаракотимда номавзунлиқ бор эса, тарк этайм». Ул фақиҳ айтти: «Эй маҳбуб, бу саволни ўзгадан сўрғилким, менга барча ҳаракотинг мавзун келур».

Шеър

Сен у зарифи жаҳонсан, аё юзи гулгун,
Бўлуб жамолнингга ошиқ кунаш келур ҳар кун.
Бу ҳусн ичинда назиринг не ерда бўлғайким,
Юзи қамар ҳаракоту шамоили мавзун.

Ҳикоят

Шайх Саъдий айтур: Бир кеча ул жамоли камол жон бекин азиз дўстим эшик очиб келди. Севунганимдан филҳол тура келиб, енгим тегиб шамъ сўнди. Ўз ўзума айттим: «Эй ажаб, бу давлат менга қандан?»

«Айтонийаллази аҳвону фи ғаласид-дужо,
фақулту лаҳу аҳлан ва саҳлан ва марҳабо».¹

Ул маҳбуб ўлтуруб шитоб қила бошладиким: «Нечун сен мени кўруб шамъни сўндурдунг?» Айттим: «Уйла сағиндимким, кунаш туғди».

Шеър

Шамъ ҳожат дегул кунаш туғса,
Дилбарим зулфи тун, юзи кундур.
Бўлса ёнинда бир ҳарифи зариф,
Тут енгидан дағи чароғ сўндур.

Ҳикоят

Бир кимэrsa дўстини бир муддат кўрмас эди, кўруб

¹ Хаёлимда кечаси чеҳраси зулмат очувчи кимса кириб келди. Мен дедим унга: «Хуш келибсиз, марҳабо!»

айтти: «Қайдасанким муштоқ бұлуббиз?» Айтти: «Муштоқлик яхши малуллуқдан».

Ш е ъ р

Кўрундунг кеч кўзума чун ким, эй жон,
Ота кийикни равон алдан қўя билмон.
Қачонким ёр кўзига кеч кўрунса,
Ани қилса керак яхши тамошо.

Н у қ т а

Ул уздангким жафо қилмаға йўлдошлари билан келса,
Ажаб дегул ошиқларина қийиб қонлар тўкар бўлса.

Ш е ъ р

Утурганин кўруб ағёр бирла ёримнинг,
Ўзум бу ғайрат ўтина тилади ким ёна.
Кулубон айттики, мен жамъ шамъиман, Саъдий,
Менга не қайғу ўзин куйдурса парвона.

Ҳ и к о я т

Шайх Саъдий айтур: Ёдимда борким йигитлик айёминда бир кимёрса билан дўстлуқум ул ғоятда эдиким нечук ким; икки бодом мағзи бир ерда бўлса, суҳбатимиз анинг бекин эди. Ногоҳ ўртамизда иттифоқ ғайбат тушти. Бир муддатдан сўнгра келди, ўлтуруб итоб қилмаға бошладиким: «Нечук сен менга бир қосид ия бермадинг? Айттим: «Ҳайфим келди: жамолинг билан қосид кўзи мушарраф бўлғай дағи мен маҳрум».

Ш е ъ р

Жаҳонда кимдур ул, жоно, бу ишқинг ўтина куймас,
Висолинг кўрмага бир дам мени ҳажринг тутар қуймас,
Келур ҳайфим назар қилса, юзунга ҳарки тўйғунча,
Яна айтурман ул юзга неча боқса киши тўймас.

Ҳ и к о я т

Шайх Саъдий айтур: бир донишмандни курдум
Бир маҳбуб муҳаббати билан гирифтор бўлуб, кўб турли
жаврлар чекиб, фаровон жафоларға таҳаммул қи-

лур эди. Бир кун анга насихат бобиндан айттим: «Билурманким, сенинг ани севмакингда иллат йўқ турар, ва лекин уламо қадрина лойиқ дегулким, ўзини туҳмат юкин алтинда тутмоқ дағи адабсизлар жаврин чекмак. Айтти: «Эй ёр, итоб алиин рўзғорин этакиндан кетаргилким каррот ва маррот бу маслаҳатниким, сен айтурсан, фикр эттим: анинг жаврина сабр этмак хушроқ келур, анинг суҳбатин тарк эткинча. Дағи хукамо айтиб турурким кўнгулни мужоҳадага қўймоқ осонроқ турурким кўзни мушоҳададан кетаргинча».

Ш е ъ р

Чунки бердинг кўнгул ул ой юзга,
Қил таҳаммул неча жафо қилса.
Лутф этиб издаса мурувват анинг,
Қаҳр этиб ҳукм анинг сурур бўлса.

Ҳ и к о я т

Шайх Саъдий айтур: Йигитлик айёминда хотирим бир ким эрса билан мутааллиқ бўлуб турар эди, ул сабабданким хулқи бор эди;

«Таййибул-адои ва хилқийи кал-бадри изо бадо».¹

Ш е ъ р

Қим кўрубтур анинг беки манзур,
Хусн ичинда кунаш беки машҳур
Ёсамин тан ҳабиби руҳоний,
Ул юзи ой эди жаҳон жони.

Иттифоқан андан бир ҳаракат кўрдум хилофи табъ эди. Хотирима хуш келмади, алимни этакиндан чекиб айттим:

Ш е ъ р

Нани кўнглунг тиласа, бор ани қил,
Вафосиз дилрабосен, эй бели қил.

Эшиттим, кетар эди, бу байтни ўқиди:

Ш е ъ р

Не қайғу севмаса гулни зағизғон,
Туман булбул қилур ишқинда афғон.

¹ Сурати қоронғу кечада ўн тўрт кунлик ойдек.

Кунаш васлин тиламас бўлса ватвот,
Кунашнинг нурина андан не нуқсон?

Муни айтти дағи равон кетти. Ул сўзи жонима асар
этти.

Ш е ъ р

Фақдту замонал-васли вал-маръу жоҳилун
Биқадрри лализил-айши қабадал-масонба.¹

Келиб ўлтур мени эмди, фидо қилдим сенга жон уш,
Менга сенсиз тирилгинча сенинг алигда ўлсам хуш.

Аммо шукру миннат ул биру бор тангрига аzza ис-
муҳу бир муддат сўнгра келди. Халқи доводий зиёна
кетиб, Юсуф жамоли мутағаййир бўлуб олма энгакина
айва тўни ўтуруб, ҳусни бозорининг равнақи кечиб,
табви улким қарши юруб кўркшқайман, кўрушмайин
айттим:

Ш е ъ р

Сўлди қизил гул янгоғинг, эй санам,
Шеваларинг равнақи бўлди адам.
Ҳукминг эшитур эди султони Чин,
Эмди букун сўзунг эшитмас чибин,
Жавр неча ошиқинга қилғасан,
Жону кўнгулни не билан олғасан.
Кечти жамолинг гулининг навбати,
Қилма тасаввур дағи ул давлати.
Борғил ангаким, сенга жоним дегай,
Ноз анга қилғилки, сени издағай.

Ш е ъ р

Юзунг жамолина не бўлди деб савол эттим,
Қаринчалар тўлун ой теграсинда саф этмиш.
Қулубон айтти: «Не бўлди бу шаклима билмон,
Магарки мотами ҳусним учун қаро киймиш».

¹ Васл вақтини йўқотдим, киши подондур. Мусибатга тушма-
гунча айш лаззатини билмас.

Ҳикоят

Бир олимдан сўрдилар: «Хилватда бир ой юзли узданг билан бир ким эрса ўтурса, эшик боғлаб, нафси ғолиб дағи шаҳвати толиб бўлса, нечукким араб айтур: «алтамру ёниъун ваннозуру айри мониъан».¹ Ҳеч ким-эрса порсолиқ қуввати билан ул ҳолдан саломат қутула билса, муддаилар маломатиндан қутула билмагай.

Шеър

Айтти: «Оқар тенгизни тийса бўлур, ва лекин
Ҳар муддаи тилини тийса бўлурми, бўлмас».

Ҳикоят

Тўти билан ғуробни бир қафасқа қўюб турурлар эди. Тўти ғуробнинг қубҳ мушоҳадасиндан мужоҳада чекиб айтур эди: «Бу не талъати макруҳ ва манзари малъун ва шамоили номавзун?» Тўти ғуробқа айтар:

Шеър

Ҳар ким эрта туруб юзунг кўрса,
Бўлур ул субҳидам анга охшом.
Бир сенингтеқ юзи қаро мащум,
Суҳбатингда керак эди ҳамдам.

Андан ажабрақ ғуроб тўтининг суҳбатиндан жони бурнина келиб, малул бўлуб, «ло ҳавла ва ло» дер эди. Замонадан шикоят қилиб, ғабоватдан али али устуна қўюб айтур эди: «Бу не толеи дун ва айёми буқаламун дурурким, меним қадрим лойиқи ул эдиким, бир неча зоғ, билан боғ деворинда товус бекин жилва қилиб юригай эдим». Ғуроб тўтига айтур:

Шеър

Қаршумда келиб турған билсам, ажабо баммдур,
Қим суҳбати жавриндан айним туну-кун намдур.
Ориф бил ўлтурмоқ жоҳилга эрур зиндон,
Жоҳил била ўлтурмоқ орифга жаҳоннамдур.

¹ Хурмо пишган, боғбон (олишга) қарши бўлмас.

Яна тўти айтур: «Ажаб, не ёзуқ қилдимким, замона мени мунунг каби аблаҳ ва худрой ножинси гадой суҳбатина мубтало қилди». Тўти ғуробқа айтти:

Ш е ъ р

«Суратинг нақшин қачон девор уза,
Қим кўрар бўлса, урур нақшин буза.
Гар кириб жаннатга сен қилсанг қарор,
Ўзгалар қилгай тамуғни ихтиёр.

Бу масални анинг учун кетурдумким, ҳатто билгайсан, оқил жоҳил суҳбатинда нафрат ичинда турур дағи жоҳил, оқил суҳбатинда ваҳшат ичинда».

Ҳ и к о я т

Шайх Саъдий айтур: Бир ким эрса билан йиллар сафарда ва ҳазарда бирга бўлуб, ўртамизда кўб неъмат ва суҳбат ҳаққи собит эди. Охир бир кун оз нафъ учун хотирим озорни раво кўрди дағи дўстлиқни тарк этиб кетти. Мунунг биланким, муҳаббат икки тарафдан эди. Ул ҳукм биланким, эшиттим, бир кун икки байт меним сўзларимдан бир мажмаъ ичинда ўқумиш, ул икки байт бу турур:

Ш е ъ р

Шакар кулуш била келса нечаким ул дилбар,
Берур бу жону кўнгулга фараҳ ғидо ул дам.
Тилагим ул алима зулфининг учи тушкай,
Нечук карим енгиндан фақир алина дирам.

Эшитганлар бу сўзнунг лутфина дегул, ўз сийрати ҳуснина тануқлуқ бериб таҳсин ўқудилар. Ул дағи аларнинг таҳсини уза муболаға қилиб, қадимий суҳбатнинг фавтина таассуф еб, ўз хатосина муътариф бўлуб турур. Бас маълум бўлдимким, анинг тарафиндан рағбат бор эмиш. Мен дағи бу байтларни айтиб, анга элтур кишига таслим қилиб, сулҳ эттим.

Ш е ъ р

Ало ё кўргузуб жавру жафони,
Нечун кеттинг бузуб аҳду вафони.

Соғиндим мен сени ёри вафодор,
Ва лекин билмадим бўйла жафокор.
Келур бўлсанг яна аҳлан ва саҳлан,
Қатимда мартабанг барчадан аъло.

Ҳикоят

Бир ким эрсанинг йигит соҳибжамол хотуни қолмади дағи ул хотуннинг қари онаси эвда мутамаккин ўлтура қолди кобин илллати билан. Ул эр анинг чиркин мушоҳадасиндан қутула билмайин мужоҳадасин чекиб ўтурур эди. Дўстлариндан бир тоифа келиб мунга айтти: «Ул ёри азиз фироқиндан нечук кечарсан?» Айтти: «Ани кўрмак менга ул қадар куч келмас ким онасини кўрмак куч келур».

Шеър

Кетиб гул булбулин нолон қўйди,
Ажал матлаб олиб суъбон қўйди.
Келур яхши сўнги учин кўрарга,
Ёмон душман юзундан оқил эрга.

Ҳикоят

Шайх Саъдий айтур: йигитлик айёминда бир ким-эрсанинг ишқина кўнгул боғлаб эдим, ул сабабданким, юзи бадри латофат дағи ўзи кони малоҳат эди. Исси тамуз. кунларинда бир кун эйла исси эдиким, бўғозни қурутуб, оғизни қайнатур эди. Башарият заифиндан кунаш иссисина тоқат кетурмайин бир девор кўлкасина илтижо қилиб, бу исси заҳмати мендан бир ичим сув билан ким дафъ эткай, деб боқиб ўтирур эдим. Ногаҳ ул эвнинг қоронғу даҳлизиндан бир ойдинлиқ кўрдум, уйлаким фасоҳатнинг тили анинг кўркли сифатлариндан ожиз эди. Соғинғайсанким, қоронғу кечада тўлун ой туғди ё зулмат ичиндан оби ҳаёт чиқти. Ул маҳбуб алинда бир қадаҳ суккар шарбати қор билан қоришиб, миск ройиҳали мовард билан мамзуж эди. Уйла қиёс эттимким, жамоли гулининг арақиндан бир неча қатра қадаҳқа томуб турур. Филжумла, шарбатни ул ҳабиб алиндан олиб ичтим дағи умрни аввалдан ҳисоб эттим дағи бу икки байтни бадиҳа айттим:

Ш е ъ р

Ул кунаш юзга муборак фол эрур
Ким, назар қилса туруб ҳар субҳидам.
Хамр масти уйғанур ярим кеча,
Ишқ масти явми маҳшар субҳидам.

Ҳ и к о я т

Шайх Саъдий айтур: Ул йилким, Султон Маҳмуд
Хоразмшоҳ Хитой малики билан бир маслаҳат учун
сулҳ ихтиёр эттилар. Кошғар жомеъининг ичина кириб,
бир ўғлонни кўрдум ғоят соҳибжамол эди нечукким
шоир айтур:

Ш е ъ р

Сенга бу шевалар бирлан кўнгул олмоқ ким ўгратти,
Жамолингни кўруб зоҳид тутуб ишқинг йўлин кетти,
Меним қавму қабиламнинг қамуси олим эрдилар.
Сенинг бу ишқинг устоди менга шоирлик ўгратти.

Соҳибул-Кашшоф муқаддимасин наҳв илминдан алина
олиб айтур эди: «зараба Зайдун Амран».¹ Айттим: «Эй
маҳбуб, Хитой била Хоразм сулҳ эттилар». Амр ва
Зайд хусумати дағи боқий турур. Кулди дағи айтти:
«Нердансан?» Айттим: «Шероздан». Айтти: «Саъдий сўз-
лариндан билур эсанг, айтқил!»

Айтти: «Анинг ашъори бу вилоятда ажам тили би-
лан машҳур турур. Ул тил билан айтсанг мубтадий
фаҳмина яқинроқ бўлғай». Икки байт ажамча айтти:
ул икки байтнинг маънисин бу турур.

Ш е ъ р

Шакар лафзинг адойи наҳв қилди,
Кўнгулдан ақл нақшин маҳв қилди,
Туни-кун кўзларинг машғул сайда,
Сеңга биз муштағил сен Амру Зайда.

¹ Зайд Амрин урли.

Бир неча кун кечти дағи муқимлар сафарға азм эттилар. Мен дағи алар билан бел боғладим. Қофила аҳлиндан бир ким эрса ул ўғлонға айтти: «Шайх Саъдий фалон киши дурур». Равон видоъ этмакка келиб, талаттуф қилиб, таассуф еб айтти: «Нечун мунча кундан бери айтмадингизким, азизлар қадаминда хизмат билан боғлағай эдик». Айттим:

Ш е ъ р

Вужудингнинг қатинда, эй сарафроз,
Яқин билким, бу қулдан келмас овоз.

Айтти: «Не бўлғай бир неча кун бу манзилда оёқини қилсангиз?» Айттим: «Тура билмагайман ул ҳукм билан ким:

Ш е ъ р

Тоғ ичинда бир азиз эр сабр этиб тутти қарор,
Бу жаҳондан қилмиш ул бир тош эвни ихтиёр».

Мен анга айттим: «Нечун сен шаҳр ичинда турмайн, тоғ ичинда ўлтурурсан ёлғузун лайлу наҳор?»

Ул азиз: «Қамар юзлилар анда кўп турур. Қон аларнинг суратин кўрса фаришталар озор».

Муни айттим дағи юз, кўз ўпушуб видо эттим.

Ш е ъ р

Юз, кўз ўпушмак не фойда. қилур ул дам,
Чунким алар айрилиб яна ер эмиш ғам.
Дўст видоин қилиб турур магар олма,
Бир тарафи заъфарон каби бири ҳамра.

Ҳ и к о я т

Шайх Саъдий айтур: Ҳижоз қофиласинда бир фақир бизим била йўлдош эди. Араб беклариндан бир бек анга юз олтун бағишлади, ҳатто аҳлина нафақа қилғай. Ногоҳ ҳаромийлар чиқиб, қофилани уруб, молини олиб кетти. Хожалар кўб турли тазарруъ ва зорийлик эттилар, фойда қилмади.

Ш е ъ р

Тазарруъ бирла, эй хожа музаффар,
Ҳаромий олтунунг қайтармайисар.

Бу ҳолда барча навҳа ва фарёд ичинда эди. Ул фақирни кўрдум, мутагаййир бўлмайин ўз қарори уза турур эди. Айттим: «Эй фақир, магар сенинг ул маълумингни олмадилармиким, мунунг бекин фориг турурсан?» Айтти: «Бали, олдилар. ва лекин меним анинг билан ул қадар улфатим йўқ эдиким муфорақат вақтинда кўнглум оғригай.

Ш е ъ р

Кўнгулни боғлама бир ерга зинҳор,
Яна мушкилдур андан олмоқ, эй ёр.

Ул фақирга мен айттим: «Бу сен айтқанинг меним ҳолима мувофиқ турур. Йигитлик айёминда бир ким эрса билан муҳаббат боғлаб эдимким, кўзумнинг қибласи анинг жамоли дағи умрумнинг раъемоли анинг висоли эди».

Ш е ъ р

Кунаш юзли эди ул лутф кони,
Сўзи мавзун, ўзи ушшоқ жони.
Жаҳонда йўқ магар жаннатда бўлгай,
Анингтек сурати маъний жаҳони.

Ногоҳ вужудининг аёқи ажал балчиқина ботти. Фироқи ўтина бағрим ёниб, кўзларим юрак қонин оқитти. Туброқи устина лайлу наҳор мужовир бўлуб, бу байтни ўқур эдим:

Ш е ъ р

Мен керак ўлгай эдим, эй гулбадан, сендан бурун,
То кўзум сенсиз жаҳонни кўрмагай эрди буқун.

Дунёни бўйла вафосиз кўруб дағи умрни айла буқонсиз билиб айттим:

Ш е ъ р

Гулларни қатинда қўймайин бир соат,
Ул ким уюмас эди, жаҳондан кетти.
Даврони замон юзи гулини тўқубон,
Туброқи уза анинг тиканлар битти.

Анинг муфорақатиндан сўнгра ўз-ўзума айттим:
«Эмдидан кери ҳаво ва ҳавас қаршин туруб, мажолис
таркин уруб, хилватда узлат ихтиёр қилмоқ керак».

Ш е ъ р

Хуш эди дарё футуҳи мавж хавфи бўлмаса,
Бўлмаса заҳми тикан, жаннат эди гул суҳбати.
Васл боғинда хиромон тун эдим товустек,
Ушбу кун чўркар мени чун мор жанон фурқати.

Ҳ и к о я т

Араб маликлариндан бир маликка Лайли ва Мажнун
ҳикоятин айттилар, уйлаким Мажнун камоли фазл ва
балогат билан ошиқ ва девона бўлуб, ёзиларда ихтиёр
инонин алиндан бирақиб юрур эди. Ул Малик буюрди-
ким: «Мажнунни олиб келинг». Бориб кетурдилар. Ма-
лик маломат қилиб айтти: «Бери кел, не нуқсон кўрдунг
инсоннинг шараф нафсинданким бориб ҳайвонлар феъ-
лин туттунг дағи одамий ишратин тарк эттинг?» Мажнун
йиғлади дағи айтти:

Ш е ъ р

Раҳм этти кўруб мени анга ошиқу зор,
Ул ғоят ҳусн уза камолин кўрган.
Кескай алини турунж ерина, филҳол,
Тонг ални уза қамар ҳилолин кўрган.

Бу маънининг даъвосининг сидқи уза тануқлуқ бер-
гай дағи айтқайлар эди: «Фазоликуннал-лази лумтун-
нани фиҳи».¹ Малик тиладиким Лайли жамолина муто-
лаа қилса, не суратда эмишким мунча фитналарга са-
баб бўлуб турур. Буюрдиким Лайлини кетургайлар.
Бориб, араб қабиласинда истаб, топуб олиб келдилар

¹ Мени маломат қилганингиз, мана бу кишилар.

дағи малик илайинда сарой саҳнинда турғуздилар. Малик суратина назар қилиб, бир шахс кўрдиким қора магин заифандом, маликнинг кўзина ҳақир кўрунди, ул сабабдан ким ҳарамининг ўксук ходими ҳусн билан андан ортуқ эди. Мажнун фаросат билан билди дағи айти: «Эй малик, Мажнун кўзининг даражасиндан Лайли жамолина назар қилмоқ кераксан, ҳатто мушоҳада сирри сенга тажаллий қилғай».

Соғ эр билмас жароҳат оғрисин,
Дардни чеккан киши билур яқин.

Кўрмаган занбур феълин не билур,
Ул билур ким захмин кўб еб турур.

Бўлмаса ҳолинг бизингдек, эй азиз,
Бил ҳикоятдур қотингда ҳолимиз.

Нисбат этма дардим ўзга дардина,
Туз тўкар ёрим жароҳат устина.

Ҳ и к о я т

Ҳамадон қозисини айтурлар, бир байтор ўғлон била боши хуш эди. Кўнглин анга олдириб, кўб турли маломатларга рози бўлуб айтур эди.

Ш е ъ р

Кўнгул алдан олиб солди аёққа,
Ушул қадди санавбар ёсамин-тан.
Берур бу фитна кўз элга кўнгулни,
Кўзунг юм то кўнгул олдурмағайсан.

Ул маҳбуб бу ҳикоятни эшитиб, малул бўлуб, ўтурур эдиким, қози келиб кечти. Уғлон илгари келиб, қўрқмайин сўкти дағи тош кўтурди урмаға. Ҳурматсизликдан ҳеч нима қўймади. Қози ёронларина айти:

Ш е ъ р

Уфқа била ул қиё боқишин кўрунгуз.
Бу ишва билан кўнгул ёқишин кўрунгуз.

Араб вилоятинда масал айтурлар: «Зарбул-ҳабиби забибун».¹ Қози ул ҳабибга айтти:

Шеър

Юмруқ сенинг алиндан тотли келур оғизга,
Узга киши алиндан шаҳду шакар егинча.

Яна қози ёронларина айтти: «Анинг бекин қатти юзли, юмшоқ танли маҳбубдан вафо келур. Маликлар сўзина салобат билан сўзларлар дағи хилватда сулҳ издарлар.

Шеър

Қачон келса янги алга узум таъми бўлур экши,
Беш-олти кун кечижак ул бўлур суккар бекин
ширин».

Муни айтти, дағи келиб қазо маснадина ўтурди бир неча музаккий удулларким, анинг мажлисина мулозим эдилар, хизмат ерин ўпуб айттилар: «Ижозат билан бир-икки калима сўз сўзламак тиларбиз нечаким тарки адаб эса.

Шеър

Удуллара керакли сўз сўзламак раводур,
Лекин алар ишинда тутмоқ хато хатодур».

Аммо ул ҳукм биланким махдумларнинг савобиқ инъомининг шукри қуллар уза вожиб дурур. Дағи бир масдаҳатни кўруб, махдумларина иъллом қилмаса, ул хиёнат навъиндан бўлур. Тариқи савоб ул дурурким тамаъга яқин бормағайсан дағи туҳматдан йироқ турғайсан. Анинг учунким қазо мансаби олий мартаба дурур. Бўлмасунким, бир ёмон ҳаракат билан гирифтор бўлғайсан. Ҳариф ул дурурким, кўрдунг. Сўз бу дурурким, эшиттинг. Қозиға ёронлари насиҳати ғоят хуш келди дағи аларнинг ройининг ҳуснина дағи вафосининг ҳифзина таҳсинлар ўқуб айтти: «Азизларнинг назари меним ҳолим маслаҳати уза айни савоб турур дағи бу масъаланинг жавоби йўқ турур... Муни айтти дағи ани

¹ Маҳбубнинг мушти майиздан ширин.

истамакка кишилар ия бердилар дағи кўб турлу неъматлар тўкти. Масалда айтурлар: Ҳар кимнинг олтун тарозусинда бўлгай, арслон қуввати анинг бозусинда бўлгай. Дағи ҳар кимнинг алинда ақчали иши йўқ, жаҳонда анинг ҳеч билиши йўқ.

Ш е ъ р

Кўруб олтун, эгиб бошин ўпар ер,
Тарозутек темурдан орқали эр.

Филжумла, қозиға бир кеча ўғлон суҳбати хилватда муяссар бўлди. Ул кеча ичинда бир муддаи бориб, шаҳар волисина хабар қилдиким, ҳар кеча қозининг қадаҳ алинда дағи шоҳид ёнинда, тараннум билан ўтуруб, танаъум билан ётур.

Ш е ъ р

Дилрабоси бирла қози ул кеча,
Шамъи кофурий ёқиб суҳбат қилур.
Гулбаданли ёр алиндан роқ ичиб,
Ёсамин гуллар тўкуб ишрат қилур.
Чун асруди қози ул ой юзлини
Ўпмака минг жон билан рағбат қилур.
Ул қамар юзли, шакар сўзли ҳабиб,
Бир ўпушга жон олиб миннат қилур,
Ул кеча қози ани ўздан кечуб,
Тарк этиб борин анга хизмат қилур.

Қози бу танаъум ичинда эдиким, ходимлариндан бири келиб айтти: «Тур, қоч, ўтурма; нечаким аёқинг бор, бир ерда турмаким муддаилар сенинг устунга дақ тутубтурлар. Балки ҳақ айтибтурлар. Ҳоликим, фитнанинг ўти кўзланиб турур. Тадбир суви бирлан сўндурмак керак; бўлмасунким тонг била субҳ беки ёйилгай». Бу сўзни қози эшитиб, табассум қилиб айтти:

Ш е ъ р

Панжаси сайд ичинда арслонга,
Не тафовут қилурким, ит урса,
Юз қўюб дўст юзуна ётқил,
Душман ул яхшиким куя турса.

Волий ул кеча ичинда келиб, маликка хабар бер-

диким: «Сенинг мулкунгда мунунг бекин азим хато иш воқеъ бўлуб турур. Не буюурсан?» Малик айтти: «Мен ани фузалои аср ва уламои даҳр жумласиндан билурман, бўлмасунким, муддаилар анинг ҳаққина сўзлагайлар, мен бу сўзга инанмон ҳатто муояна кўрмайинча.»

Ш е ъ р

Бир ишни ким ўфка билан ишлагай,
Қилиб, ҳайф, сўнгра алиин тишлагай.

Малик саҳар вақтин туруб, бир неча улуғларни олиб қозининг ёстуқи устуна келиб кўрдиким шамъ ёна турур дағи шоҳид ўтурур. Қадаҳ синиб, шароб тўкулуб, қози усрук хароб ётур. Малик лутф билан уйғатти дағи айтти: «Тур, не ётурсан? Қунаш чиқти». Қози билдиким, ҳол ўзгаси турур. Айтти: «Қайси жонибдан чиқти?» Айтти: «Машриқдан», Айтти: «Алҳамдулиллоҳким, ҳануз тавба эшиги очуқ турур...»

Ш е ъ р

Кўзуна ким ўпиб берса кўнгулни,
Ажабмидур анга буйла тутулмоқ.
Ёзуқлиман керак ўлтур, керак қўй,
Ким ўч олмоқдан эса афв хушроқ.

Малик айтти: «Тавбани бу ҳолатдами қилурсанким гирифторм бўлуб, ҳалокат ерина тушуб турурсан. Тавба сенга бу ҳолатда фойда қимас.»

Ш е ъ р

Тавба қилди ул ўғри ажзиндан,
Қалъага чун каманд ота билмас.
Тут емишдан узун алиинг қисқа,
Улки қисқа дурур ета билмас.

Малик айтти: «Сендан мунунг бекин азим хато содир бўлғай дағи халос тариқи сенга нечун сурат борлағай».

Малик муни айтти: дағи уқубат муаккиллари қозини туттилар. Қози айтти: «Малик хизматинда бир сўзум бор». Малик айтти: «Не сўзунг бор?» Айтти:

Нечаким енг била ғусса меним уза тўқар бўлса,
Тамаъ тутмаким, алимни этакингдан кетаргайман.
Бу ёзуқдан қутулмағим муҳол эса ва лекин ул
Карамким, сенда бор андан мени маҳрум қўймассан.

Малик айтти: «Бу латифани тангсуқ етурдунг дағи
бу нуктани ғариб кетурдунг ва лекин муҳоли ақл дағи
хилофи шаръ дурурким, сен букун меним уқубатим
алиндан бу фазлу балоғат билан қутулгайсан. Масла-
ҳат ани кўрарманким, сени бу қалъа буржиндан ошаға
хандаққа бираққайман, ҳатто ўзгалар бу уқубатни кў-
руб ибрат олгайлар». Қози айтти: «Эй жаҳон султони,
мен бу эв неъматни билан бесланиб турурман дағи бу
ёзуқни ёлғуз мен қилмадим дағи бир ўзгани йироқ
қилким, мен ул уқубатни кўруб ибрат олгайман».

Бу сўздан маликни кулмак тутти дағи хатосини афв
этти.

Ул кишиларким ани ўлтурмакка ишорат қилур эди-
лар, қози аларға нукта билан айтти:

Аларким, айбина ҳаммол эрурлар,
Нечун ўзгалара таъна урарлар.
Кузатур ўзга айбин сен ани кўр,
Магар ўз айбина дойим кўзи кўр.

Ҳикоят манзум

Эшитгил бу ҳикоят не хабар дер,
Ори йўлда юриган бир йигит эр.
Бир ой юзли билан боғлаб муҳаббат,
Қилур эрди ҳамиша пок суҳбат,
Туруб бир кун ул икки ёри мавзун,
Кемада ўлтуруб кеттилар арқун.
Қазо ногаҳ муҳолиф ел кетурди,
Кемани мавж уруб сувга ботирди.
Алар тушти теран сув игримина,
Бир ўзгучи етиб ул ғам дамина,
Аларнинг бирини айтти алинг сун,
Яна қилмоқ тиласанг айш ҳар кун,
Ул айтти: «Эй каломи жонима қут,
Мени қўй, бориб ул ёрим алин тут».
Ҳақиқат ошиқ эрнинг мазҳаби ул,
Тиласанг бўлмаға ошиқ алай бўл.
Ёқарлар ул кишини ўтқа ёрин,

Қўюб меҳнат ичина кетса ёрин.
Билур Сайфи Саройи ишқ расмин,
Нечукким билса, ҳар устод қисмин,
Тири бўлса эди Фарҳоду Ширин,
Ўқуғайлар эди бу ишқ бобин.

Олтинчи боб

ҚАРИЛИК ДАҒИ ЗАИФЛИҚ СИФАТИ ИЧИНДА ТУРУР

Ҳикоят

Шайх Саъдий айтур: Дамашқ жомеъи ичинда фақиҳлар билан баҳс қилур эдим. Бир йигит келиб айти: «Орангизда ажам тилин билур киши борми?» Менга ишорат қилдилар. Айттим: «Хайрми?» Айтти: «Қотимизда юз яшар киши бор, назъ ҳолатинда турур. Ажам тили билан сўзлар. Биз билмасбиз, карам қилиб келсангиз, ул васият қилгай дағи сизга хайр бўлгай». Келиб хастанни кўрдум, бу абётни ўқур эди.

Шеър

Тиладим бир замон кўрсам жаҳонни,
Дариғо, бўлди кўзум бабаки жас,
Бир-икки хуш нафас урмақ тиладим,
Нафас йўли тутулли бўлдум ахрас.
Жаҳон хонининг алвон неъматиндан
Беш-олти луқма едим, айттилар, бас.

Бу сўзнинг маънисини арабча шомийларга айттим эса таажжуб қилдилар, анинг учун умрундан дағи таассуф емаги дунё ҳаётиндан айттим: «Нечуксан?» Айтти: «Не айтайим».

Шеър

Бир кишининг тишин чекиб жарроҳ,
Чиқарур бўлса, бил недур ҳоли.
Кел, қиёс эт, не бўлгай ул соат,
Тотли жон чиқса, қолса тан ҳоли.

Ҳикоят

Айттим: «Ўлум тасаввурни хаёлингдан кетаргил, негаким, мараз ҳосил эса ҳалокати куллийга далолат

қилмас. Тонг била табиб изладим, келиб муолажа қил-
сун». Айтти: «Ҳайҳот!»

Ш е ъ р

Хона бу назъ ичинда нола қилур,
Кўр, ўтачи анга даво берур.
Бўлди фосид чун иътидоли мижоз,
Не азимат асар қилур, не илож.

Ҳ и к о я т

Етмиш яшар бир қари эр, қиз ўғлона эвланди дағи
эвин чечаклар билан безади. Кўнглунг анинг муҳабба-
тина боғлаб, жамолина қарши ўтуруб, узун кечалар
уюмайин ажойиб, ғаройиб латифалар айтур эди; бўл-
ғайким, ваҳшати кетиб мувонасат тутқай — деб дағи
айтур эдиким: «Буюк бахтинг уёғ, давлатинг борий
қилдиким, бир кишига туштунг, жаҳон кўрган, кўб таж-
риба қилган, исси-совуқ татқан, эйгуни, ёмонни сина-
фон, суҳбат ҳаққин билган, дўстлуқ шартин-ерина кетур-
ган, мушфиқ ёрман.

Ш е ъ р

Сени тўти бекин суккар билан хуш,
Турубман беслаюрған жон билан уш,
Неча етса кучум кўнглунг олайим,
Таҳаммул жавринга доим қилойим.

Шукр қилким, бир муъжиб йигит алина тушмадинг-
ким ҳар кун бир ҳавоға учкай дағи ҳар кеча бир йўвада
ўтқай ва ҳар соат ўн турли кириш бошлағай ва ҳар
дам юз турли сўкунчлар сўккай.

Ш е ъ р

Вафо истамагил булбулдан, эй ёр —
Ки, ҳар бир гул уза юз турлу сайрар.

Аммо жаҳон кўрган киши ақл ва адаб билан тирин-
лур.

Ш е ъ р

Узундан эйгу бирлан ўлтуруб тур,
Ёмон эр бирла қилма умр зое.

Ул эр айтур: «Бу маънидан анча сўзладимким сағиндим кўнглун сўзума боғлади дағи ўзи менга сайд бўлди». Ул исси юзли қиз савуқ ҳаракат қилиб айтти: «Мунча сўзким сен сўзладинг, меним ақлим тарозусинда ул қадар дегулким ўз қалбимдан бир масал эшиттимким айтти: «Йигит эпчи ёнинда қари эр келиб ўтургунча, қатти ёдан чиққан ўққа ўтурса яхшироқ турур!»

Шеър

Вақтики дегул эриндан эпчи рози,
Боришмас алар неча буюрса қози,
Дойим кўриширлар ит билан мочитек,
Бўлмайин алар бири-бириндан рози.

Филжумла, имкони мувофақат бўлмади эса, муфорақат ихтиёр қилдилар, чун муддати иддат тамом бўлди эса, бир йигитга ани аҳди никоҳ қилдиларким, турш юзли, ачи сўзли, ёмон хулқли эди. Қиз жаврин чекиб айтур эдиким: «Алҳамдулиллоҳ ул азоби алимдин қутулуб, бу неъмат муқимга туштум».

Шеър

Эй, ўзга дуосиндан жавринг менга кўб яхши,
Кўнглумда мусаввардур жоним бу юзунг нақши.
Ой юзлунунг оғзинда гар бўлса сўгон иси,
Ҳур ётнинг алиндағи гулдан менга ул яхши.

Ҳикоят

Шайх Саъдий айтур, Диёри Бакр элинда бир оқ сақолли хожа мени эвина кўноқ элтти. Моли кўб дағи неъмат фаровон, бир соҳибжамол ўғли бор эди. Хожа бошладиким умрум ичинда мундан ўзга ўғлум бўлмиш йўқ турур. Ул қарши дағи водий ичинда бир муборак хурмо ағочи бор. Халойиқ бориб, зиёрат қилиб ҳожат тиларлар. Мен дағи бориб, узун кечаларни қисқа қилиб, ул ағоч аёқинда бош очиб, дуо қилиб, ҳожат тиладим. Тангри таоло менга бу ўғулни берди. Эшиттим ул ўғлон ёронларина айтур эди: «Тонг билан мен дағи бориб ул ағочқа ҳожат тилагайимким, отам тезрак ўлгай». Отаси севунур. «Ўғлум оқил ва зийрак», деб. Ўғли дам-бадам таъналар урурким, отам қариб мунуб турур деб.

Ш е ъ р

Кечар йиллар отанг турбасина бир
Келибан ўқимишинг йўқ такбир,
Отанга эйгулукни қилдинг эса,
Ани туткил тама ўғлингдан, эй пир.

Ҳ и к о я т

Шайх Саъдий айтур: Суҳбатимда бир йигит бор
эди, қулач юзли, ширин сўзли, латиф суратли, зариф
сийратли, жаҳон қайғусиндан фориг бўлуб озод юрур
эди. Иттифоқ туштиким қатимиздан сафар этти. Бир
неча йилдан сўнгра кўрдум: хотун олмиш. Уғлонлари
улғаймиш. Нишоти гули сўлуб, муфарриҳи айши талаф
бўлуб эди. Айттим: «Бу не ҳолат турур?» Айтти: «Ул
вақт ўғлонлар отаси бўлдум дағи ўғлонлик қилмадим».

Ш е ъ р

Қари бўлдунг йигитликдан алинг юв,
Биларсанким, яна қайтмас оқар сув.
Йигитликни йигитларга қўюб кет
Бу кун тонгда ужун кўб эйгулук эт,
Бичин вақти келиб буғдой етибтур,
Кўзунг оч уйқуданким, тонг отибтур.
Безаниб бир қари хотун тиши оз,
Бўяб сочин қароға кўб қилур ноз,
Мен айттим: «Эй узун ёшли она, кел,
Етар, қисқа қил эмди хийладан ал.
Кесилди юк кўтурган куч белингдан,
Кетибдур нозук эрдамлар алингдан.
Билурсанким қилиб бир ҳийлани юз,
Белинг букрулгани бўлмас яна туз.
Жамолинг боғи гулзори сўлубтур,
Узун умринг дағи охир бўлубтур».
Ул айтти: «Рост айттинг, эй йигит сен,
Нелайимким жаҳондан тўймайиб мен».

Ҳ и к о я т

Бир ким эрса айтур: йигитликнинг, ғоят вақтинда
йўл қатти юруб, хаста бўлуб, мағриб вақтин бир ағоч
тубуна етиб ёттим, корвон сўнгунча бир қари эр келур
эди. Мени кўруб айтти: «Не ётурсан, ётаси ер дегул.

Тур, кеталим!» Айттим: «Нечук кетмайимким юрмукка тоқатим йўқ». Айтти: «Бу масални эшитганинг йўқми-ким ўтура тура кетмак яхшироқ анданким тек юруб қолгайсан».

Ш е ъ р

Аё мустаъжил эр манзилга муштоқ,
Ошиқмайин отингни сургул арқун,
Қолур бир жумла чобса паҳлавон от,
Тева арқун юрур осон туну кун.

Ҳ и к о я т

Бир кун Рустам онасина қатти сўзлади. Анинг кўнгли оғриб, йиғлаб айтти: Магар кичикликни унуттунг-ким улуғлуқ этарсан.

Ш е ъ р

Онаси инжиниб Рустамга айтти,
Аё кўрган ўзун ҳайбатли арслон.
Агар бўлса эди ёдингда ул кун —
Ким, алимда эдинг бир яшар ўғлон.
Букун бўйла менга жавр этмас эдинг —
Ки, сен бир паҳлавон, мен бир қари жон.

Ҳ и к о я т

Бир бахил тожирнинг ўғли хаста бўлди. Дўстлари келиб анга айттилар: «Маслаҳат ул дурурким, бу хаста учун Қуръон хатм эткайсан ё бадали қурбон қилгайсан...» Бир замон андишага бориб айтти: «Қўйлар чўпон қотинда йироқ турур. Қуръонни мен ўқиғайим». Бу сўзни эшитиб, бир ориф киши айтти: «Хатм этмакни анинг учун ихтиёр қилдиким, Қуръон тил учинда дағи олтун жон ичинда турур».

Ш е ъ р

Кўни бўлса анинг тоатга бўйни,
Саодат тўнлуқин дойим тўқиғай.
Вале бир ақча издасанг берур жон,
Уқу «алҳамду» десанг, юз ўқиғай.

Бир қари эрга айттилар: «Нечун эвланмассан?»
 Айтти: «Қари хотунлар билан бошим хуш дегул». Айт-
 тилар: «Йигит олгил, чун неъматинг бор, қувватинг
 етар». Айтти: «Менким қариман. Қари хотунлар билан
 улфатим бўлмаганда улким йигит турур, менинг каби
 қари билан не қадар дўстлуқ суратини боғлағай».

Шеър

Ёши етмишга етган бир қари эр,
 Тиларман бир қиз ўғлон олмаға дер.
 Алинда неъматини кўб, кулфатини оз,
 Қим элда мўътабар бир уллу баззоз,
 Тилаб олди бир ўздан қиз юзи ой,
 Оти Инжи, отаси белгили бой.
 Нечукким расм эди бўлди тамошо,
 Едилар ул кеча кўб турли ҳалво.
 Кетурди янгалар қизни куёвга,
 Кириб ётти ул иккиси бир эвга,
 Куёв эгни уза қизнинг аёғи,
 Қарининг турмади ул дам таёғи.
 Чекиб ё, тўлдуруб ўқ форисона,
 Урур лекин ўқи ўтмас нишона.
 Туруб эрта муни ҳужжат кетурди,
 Менга тўймас кўзум хижлат кетурди.
 Учунчи кун алар маҳкам урушти,
 Қўюб қози эвин бекка турушти.
 Тутуб Сайфи Саройи қиз эрини,
 Латифа сўзлади кўзлаб ерини.
 Аё аҳмақ куёв етмиш яшарсан,
 Алиниг титрар нечук инжу тешарсан?
 Букундан сўнг бу ишдан тавба эткил,
 Қилиб эйгу амал жаннатга кеткил.

Еттинчи боб

ТАРБИЯТ ТАЪСИРИ ИЧИНДА ТУРУР

Ҳикоят

Бир вазирнинг бир биликсиз ўғли бор эди. Ани эл-
 тиб бир олим қотинда қўйдиларким, мунга тарбият
 қилғил. Ул тарбият баракати билан оқил бўлғай — деб,
 бир мударрат таълим берди. Қобили тарбият дегул эди.

Тарбият таъсир қилмади. Айтти: «Муни отасина элтиб айтингким, бу оқил бўлмас ва лекин мени девона қилди».

Ш е ъ р

Жавҳари асл улдурур қобил —
Ким, анга тарбият асар қилғай.
Сайқал урса, очилмағай ҳаргиз,
Ул темурким кўки ёмон бўлғай.

Ш е ъ р

Бир итни едди тенгизда ювса,
Чун бўлди ўш палидрактур.
Исо эшакин Ҳижоз элтиб
Кетурса яна ҳамон эшақтур.

Ҳ и к о я т

Бир ҳаким ўғлонларина насиҳат берур эдиким: «Эй ўғлонларим, эрдам ўгринингким, дунёнинг молина ва мулкина ва жоҳина эътибор йўқ турур. Жоҳ бир кун эшикдан чиқиб кетар дағи олтунини, кумушни сафарда ҳаромий олур, ё шаҳарда ўғри, ё соҳиби еб тугатур, аммо эрдам — бир чашма дурурким, доим суви тошиб кела дурур дағи эрдам эяси давлатиндан тушса, қайғуси йўқ турур. Анинг учунким, эрдам эясининг давлати турур дағи эрдам эяси қанда борса, олтун берурурлар дағи юқори кечурурурлар ва лекин эрдамсизлар луқма тиланиб, миннат юкин кўтариб юрурурлар».

Ш е ъ р

Шом элинда фитна қўбти бир замон,
Уйлаким, бўлди жаҳонда дoston.
Халқи кетти хонумонин тарк этиб,
Еттилар ўзга вилоятқа келиб.
Топти эрдамли киши анда шараф,
Эй неча эрдамсиз эр бўлди талаф.
Бўлди эрдамли фақир ўғли вазир,
Қолди эрдамсиз вазир ўғли фақир.
Эрдам — эрнинг давлатидур бил яқин —
Ким, туганмас мол эрур матлаблайин.

Ҳикоят

Бир олими фозил бир малик ўғлига таълим берур эди. Ҳадсиз жавр ва ҳисобсиз жафо қилиб, бир кун бу ўғлон отаси хизматида келиб, шикоят али билан номус ёқасин йиртти дағи ҳолини арз этти. Султон устодини индаб йиғриб айтти: «Ўзганинг ўғлонлариндан жаврунг меним ўғлум уза ортуқроқ турур, сабаб не?» Устоди айтти: «Аввал киши керакким, не сўзласа, сағиш қилиб, аслини билиб сўзлағай дағи не ҳаракатким қилса, мавзун бўлғай. Бу барча халқ ўғлонларина керак, хосса малик ўғлонлари не сўзласалар дағи не ишласалар, эл тилина тушар, аммо авомнинг қавлига дағи феълига ул қадар эътибор йўқ турур».

Шеър

Журм этса, қачон фақир андан,
Кимдур сўруб эшиткан хатони.
Султон минг ишинда бир янгилса,
Элдин уйла еткурурлар они.

Албатта малик ўғлонларининг тазҳиби ахлоқина ижтиҳод ортуқрақ керак, анданким, авом ўғлонларина бўлғай. Бу малик ул олимнинг ҳусни тақрирни эшитиб, тарбиятини беканди дағи хилъат ва неъмат бериб, жоҳу мартабасин зиёдат қилди.

Шеър

Кичиликда адаб ўгранмаган эр,
Улу бўлса, бил андан хайр келмас.
Эгулур ёш ағоч нечук тиласанг,
Қури эгри ағоч ўтсуз тузалмас.

Ҳикоят

Шайх Саъдий айтур: Мағриб мулкунда бир куттоб фақиҳин кўрдум: турш юзли, ачи сўзли, чиркин хулқли, ёмон тирликли, кўнгуллар озор қилинчи, оч кўзли ким-эрсса эди. Дағи суратин кўрган кишиларнинг айши талаф бўлур эди. Қуръон ўқуса, эшитганларнинг кўнгли қорарур эди. Дағи ой юзли ўғлонлар дағи зуҳра кўзли қизлар анинг жафоси элинда гирифтор бўлуб, қўрқусиндан имконлари йўқ эдиким, кулгайлар ё сўз-

лашгайлар. Бирининг гул яноқларина силлилар урур дағи бирининг нозук аёқларина шиканжа қўяр эди.

Алиқисса, эшиттимким анга бир бало келиб ёмон ишга мансуб бўлуб, маҳкам уруб сурдилар дағи куттобни бир солиҳ кишига бердилар. Эйлаким ўзи ҳалим дағи кўнгли салим эди. Чун ўғлонлар устундан ул бурунғи муаллимнинг ҳайбати кетти. Эмди бу муаллимни малак сийратинда кўрдилар, бири-бири билан дев сифат бўлдилар. Бу муаллим ҳилмина эътимол қилиб, илми тарк эттилар. Аксар авқотларин туруб ўйнамоқ билан кечурур эдилар дағи дуруст лавҳаларин бири-бирининг боши устунда ушаттилар.

Ш е ъ р

Муаллим бўлмаса ҳайбатли, эй ёр,
Сақолиндан тутуб ўғлонлар ўйнор.

Бир неча кундан сўнгра ул масжид эшикиндан кечтим. Кўрдум: аввалги муаллимнинг кўнглин хуш этиб, бурунғи ерина кечуруб турурлар. Мужаррад ани кўрмак билан малул бўлуб, «ло ҳавл» деб айттим: бу иблисни нечун малонка уза муаллим кўюб дурурлар. Бир қари жаҳон кўрган эр эшитиб, кулуб айтти: «Эшитканинг йўқмиким айтиб турурлар.

Ш е ъ р

Бир ўғлин бир малик мактабга берди,
Мурассаъ эрди олтун лавҳи нақши.
Муни лавҳинда ёзди котиб аввал,
Ота меҳриндан устод жаври яхши».

Ҳ и к о я т

Шайх Саъдий айтур: бир малик ўғлина отасиндан кўб мол ва неъмат мерос қолди; ул ўғлон фиқҳу фуруж қилмаға бошлади, мудбирликни пеша тутти. Филжумла, жамъи маосий ва мункардан нима қолмадиким, ул ани қилмади. Каррот бу насиҳатни анга айтур эдим: «Эй ўғил, дахл оқар сув дурур дағи айш юрур тегирмон, яъни кўб харж этмак ул кишига мусаллам дурурким, мауайян дахли бўлғай.

Ш е ъ р

Чунки дахлинг йўқтурур харж арқун эт,
Қим кемачилар масални буйла дер:
Ёғмаса ёмғур бир йил тоғ уза,
Ложарам Дажла бўлусар қуру ер».

Ақл ва адаб билан тирилгил, лаҳв ва тарабни қўй-
ғулким алигдаги нақд кетса, кўб заҳматлар чекиб,
надомат егайсан, фойда қилмағай. Насиҳатимни қабул
этмайин, қавлума эътироз қилиб айтти: «Бу нақд роҳат-
ни келаси меҳнат ташвиши билан талаф қилмоқ оқил-
лар ройи дегул дурур, нечукким айтиб дурурлар.

Ш е ъ р

Фанилар қўрқубон ифлос алиндан,
Нечун заҳмат чекарлар бўйла ҳар дам.
Ғанимат тут бу шодий фурсатинким,
Букун тонгла учун оқил эмас ғам».

Букун мен мурувват садри уза ўтуруб, футувват ақ-
дин боғлаб хавос ва авом тилина инъом зикрин бира-
қиб турурман.

Ш е ъ р

Саховат бирла бўлса ҳарки машҳур,
Анга тушмас дароҳим боғламоқ бил.
Ёйилди чун кунаштек эйгу отинг,
Эшикинг боғлама доим карам қил.

Кўрдумки, насиҳатқа қобил дегул дағи маърифат
ўти анинг совуқ теурина асар қилмас, мен дағи суҳ-
батин тарк этиб, саломат гўшасин ўлтуруб, ҳукамо
қавли билан амал эттим, нечукким айтурлар: «баллиғ
мо ладайка фаин лам йақбалу мо алайка»¹.

Ш е ъ р

Нечаким ул саодатсиз эшитмас,
Анга сен айтадур панду насиҳат.

¹ Лозим бўлган сўзнигина айт, қабул қилинмаса, сенинг учун зарари йўқ.

Бўлусар ул яқинда элга муҳтож,
Чекиб ифлос алиндан кўб машаққат,
Алин-алга уруб айтқай жазодур,
Угут олмас кишига буйла меҳнат.

Бир муддатдан сўнгра кўрдум ани ул суратдаким
тасаввур этар эдим: пора-пора тўн кийиб, луқма-луқ-
ма тиланиб юрур эди. Ани ул ҳолатда кўруб, кўнглум
оғриди. Мурувват кўрмадим: бир фақирнинг жароҳати
устуна туз қўймоқни, ўз кўнглума айттим.

Ш е ъ р

Саодатсиз киши ичса, эсирса,
Бўлур борин ичиб хусрони мажлис.
Ағоч ерга тўкар ёзин емишин,
Қолур қиш ложарам урёни муфлис.

Ҳ и к о я т

Бир малик ўғлун бир олим ким эрсага берди дағи
айтти: «Бу сенинг ўғлунг дурур. Мунга яхши тарбият
қилғил, нечукким, ўз ўғлонларинга қилурсан». Ул олим
бу малик ўғлина йиллар заҳмат чекиб саъй этти.

Ўғлон илму адабдан ҳеч нима ҳосил қила билмади,
дағи ул олимнинг ўғлонлари фазл ва балоғат билан
мунтаҳо бўлдилар. Малик ул олимни индаб айтти: «Не-
чук бўлдимки хилофи ваъда қилдинг дағи вафонинг
шартини ерина кетурмадинг?» Ул олим айтти: «Эй ма-
лик, тарбиятнинг тариқи бир тариқа бўлур ва лекин
истеъдод мухталиф дурур».

Ш е ъ р

Дойим зару сийм тош ичинда мавжуд,
Лекин қаму тош ичинда йўқтур зару сийм,
Барчаға тегар Суҳайл тоби лекин,
Бир ерда бўлур жароб, бир ерда адим.

Ҳ и к о я т

Шайх Саъдий айтур: бир шайхдан эшиттимким, му-
ридина айтур эди: «Эй ўғил, бу одам ўғлининг хотири
уйлаким, ризққа мутааллиқ турур. Агар ризқ берганга
бўлса, малоика мақоминдан кечкай эди».

Ш е ъ р

Унутмади сени холиқ ўшул дам,
Лим эдинг нутфаи мадҳушу мадфун.
Сенга берди ҳаёту ақлу идрок,
Жамолу нутқу рою табъи мавзун.
Ани дойим ангадур чун билурсан,
Унутмайин берур ризқинг туну кун.

Ҳ и к о я т

Бир аъробий ўғлина айтур эди: «Ё буннайё иннақа масъулун йавмал-қиёмати мозо иктасабта ва ло йўқолу лиман антасабта»¹. Яъни: сенга сўрғайларким, амалинг не дурур дағи демагайларким, отанг ким дурур.

Ш е ъ р

Каъба тўнун кийир оғирлаб халқ,
Санъатиндан дегул анга рағбат.
Ўлтуруб бир йил ул азиз билан,
Ҳосил этти каромату иззат.

Ҳ и к о я т

Шайх Саъдий айтур: ҳукамо таснифларинда келиб турурким, ақрабнинг бола топқан ери маълум дегул, уйлаким, ўзга жониворларнинг маълум дурур дағи она-сининг бағирсуғин ер, қорнин йиртиб, саҳроға чиқиб кетар. Айттим: «Мундан ўзга бўлмайисар, кичилик ҳолатинда онасина ул мунунг кабин қилса бор. Қиёс этким улғайса ўзгага не қилғай».

Ш е ъ р

Ҳар ким ўз аслина жафо қилса,
Ложарам эйгулук юзун кўрмас.
Чун зиёни тегар анинг элга,
Қанда кўрсанг, уруб белиндан кес.

Ҳ и к о я т

Шайх Саъдий айтур: бир фақир эвдаши юклу эди.

¹ Насаб карнай чалингандан сўнг сўралмайди.

Муддати етти. Дағи бу фақирнинг умрунда ўғли бўлмиши йўқ эди.

Айтти: «Тангри таоло агар менга эр ўғил берса, бу устумдаги хирқамдан ўзга неким бор эса, фақирларга шукрона бўлсун! Иттифоқо хотуни эр ўғлон топти. Бу фақир ул ваъданинг шартини вафо қилди. Суфра бирақти, турли-туман неъматлар тўкти. Ёронларина ўғлининг шукронасин едурди. Бир неча йилдан сўнгра келдим, ул фақирнинг маҳалласина етиб, анинг ҳолин нечук эмиш деб сўрдум.

Айттилар: «Волий ҳабсинда ётур». Айттим: «Сабаб не турур?» Айттилар: «Ўғли ҳам ичиб, уруш этиб, киши ўлтуруб, шаҳардан қочди. Ул жиҳатдан отасин тутуб, алин, аёғин оғир занжир билан боғлаб ҳабсга бирақтилар». Айттим: «Бу балони ул тангридан ҳожат тилаб топти».

Ш е ъ р

Ул ўғлоннинг отаси бу балони ўз тилаб топти, Туну кун беслади қуштек, кийик бекин югургунча, Онаси тўқуз ой ўн кун кўтарди хайри бўлғай деб, Ёилон топса эди яхши ул ўғлонни туғурғунча.

Ҳ и к о я т

Шайх Саъдий айтур: тифл эдим, бир муҳаққиҳ олимдан булуғият ҳаддин савол эттим эса, айтти: «Китобларда мактуб дурур уч аломат билан. Аввал аломати ул дурурким, ўн беш ёшина еткай. Иккинчи аломати улким, андоминда қил биткай. Учунчи аломати улким, ихтилом воқе бўлғай, илло ҳақиқатда аломати бирдан ортуқ йўқ турур. Ул аломати бу турурким, ҳақ таоло ризосина жадду жаҳди ортуқроқ керак, анданким нафсининг ҳаззина бўлғай. Ҳар кимда бу сифат бўлмаса, ҳануз ул болиғ дегул, агар юз яшар бўлса».

Ш е ъ р

Эй ўзин кўрган ўзгадан устод,
Не эди аввалинг, қил охир ёд.
Илк бир қатра сув эди исминг,
Бўлди қирқ кунда сурати жисминг.
Эмди бўлдунг бу кун баҳодур эр,
Паҳлавони жаҳон сенга эл дер,

Ҳарки нафсин енгар баҳодур ул,
Паҳлавон бўлсанг анинг беки бўл!
Бўлмаса қирқ яшарда ақлу адаб,
Дегул инсон десанг ани не ажаб.
Эрлик ул иш дегул кўнгул ёққай.
Ё киши айбини кўруб чиққай.
Эр керак кўнгли кинадан холи,
Ўзи алчоқу ҳиммати олий.

Ҳикоят

Шайх Саъдий айтур: бир йил Ҳижоз йўлида аёғлар орасинда мунозаат тушти. Айтур: «Ман дағи ул суфрада яёғ эдим. Ҳосилул-амр бири-бирига тушуб, фусуқ ва жидол додин бердилар».

Можжара ичинда бир кишини кўрдум, қотиндағи нукарина айтти: «Ажаб дегулмиким шатранж бисотининг ож пиёдалари юқори сафқа етиб, фарзин бўлурлар яъни бурунғидан яхши бўлурлар дағи бариядағи ҳож пиёдалари мақсадларина етиб дағи баттар бўлурлар». Аларнинг ичинда ул шаррни бошлаган ҳожига мен айттим:

Шеър

Нечун сен буйла, эй ҳожи сафиҳ эр,
Ким ул бечора юк тортиб, тикан ер?
Кўнгулларни ёқарсан кўргузуб шарр,
Анга ҳожи дема, ҳожи тевадур.

Ҳикоят

Бир аҳмоқ кишининг кўзи оғрир эди. Байтор қотина бориб айтти: «Кўзума ул ўтдан чеккилким, тевалар кўзина чекарсан». Ул дағи чекти. Кўзи кўр бўлди. Буйруқ эясина бордилар. Буйруқ эяси айтти: «Байторға нима келмас, агар бу эшак бўлмаса эди, байтор қатина бормағай эди». Бу ҳикоятдан мақсуд улдурким, синамаған кишига улу иш буюрган керакким, сўнгра надо-мат егай.

Шеър

Мудаббир оқил эр бермас яқин бил,
Биликсиз эр элина мушкул ишлар.

Муаллимким, ҳасир ишлар туну кун,
Сақинма бориб ул эр атлас ишлар.

Ҳ и к о я т

Улуғлардан бир ким эрсанинг ўғли вафот этти. Отасина айттилар: «Ўғлинг турбаси сандуқи уза не ёзмоқ керак». Айтти: «Қаломи мажид оятининг иззати ва шарафи андан ортуқроқ турурким, мунунг бекин ерларга ёзмоқдан, неча замонлар турмоқ билан суртулур дағи халойиқ анинг уза ҳурматин билмайин кечарлар. Тиласангизким, тазкира ёзилғай, бу икки байт кифоят турур:

Ш е ъ р

Шод бўлур кўнгул неча кўрса,
Жумла сахро юзли чечак тутмиш.
Келсанг, эй дўст, кўргасан илк ёз,
Туброқим устуна ёш ўт битмиш».

Ҳ и к о я т

Бармакийлардан бир солиҳ эр кечар эди. Кўрди: бир хожа қулининг алин, аёгин боғлаб жафо қилур. Бу солиҳ эр айтти: «Эй ўғлим, ул дағи сенинг тангри таолонинг махлуқи дурур. Ҳақ таоло ани сенинг ҳукмунга асир қилиб дурур дағи сенинг фазилатингни анинг уза қўюб турур. Ҳақ таоло неъматининг шукрин кетурғил дағи мунча жафони анга раво кўрмагил. Бўлмасунким, тонг била қиёмат маҳшаринда ул сендан яхши бўлғай дағи сен уялғайсан».

Ш е ъ р

Эй хожа, қулунга кўб йигирма,
Чўқ жавр қилиб вабола кирма.
Сен ани юз аҳчага олибсан,
Қудрат била худ яратмайибсан.
Бу жавру жафо неча бўлусар,
Сендан ҳақ анинг ўчун олусар.

Ш е ъ р

Жавр кўб қилма қулға, эй хожа,
Чунким ул ҳукмунга дурур мунқод,

Тонг била тонг тафарруж этгайсан,
Хожа занжир ичинда, қул озод.

Ҳикоят

Шайх Саъдий айтур: бир йил Балх шаҳриндан шомийлар билан йўлдош бўлуб чиқтим, йўл қатти ҳаромийли эди. Бир йигит бизга бадрақа бўлди. Қилич, қалқон ўйнар дағи чарх ўқин яхши отар дағи қатти ё чекар эди, уйлаким, ўн киши ёсин куч билан қураар дағи курашда уйла паҳлавон эдиким, ҳеч ким эрса орқасин ерга кетура билмас, аммо мутанаъим эди. Қўлкада бесланмиш, жаҳон кўрмаган, сафар жаврин чекмаган, исси-совуқ татмаган, харб кўсининг уни қулоғина тегмаган дағи муборизлар қиличининг барқини кўрмаган эди.

Шеър

Душманга асир бўлмиши йўқ,
Кўрмади черикда ёғганин ўқ.

Ул паҳлавон йигит билан ўйнай-кула келур эдик. Не ердаким қадимий девор кўрса, билак қуввати билан йиқиб кечар дағи қандаким бир уллу терак кўрса, ани панжа қуввати билан қўпариб кетар. Қувватина қувоиб, бу байтни ўқур эди:

Шеър

Қандадур фил келиб сурату ҳайбат кўрсун,
Қандадур шер келиб панжада қувват кўрсун!

Биз бу ҳолда эдукким, ногоҳ бир тош ёниндан икки ҳиндий чиқиб етти дағи жонимизга қасд этти, алларинда бирар ағоч олиб ул паҳлавонга айттимким: «Не турурсан, вақти дурур».

Шеър

Бор эса кўргуз элинга бу кун эрликдан фан,
Ўз аёғи била гўр оғзина келди душман.

Кўрдум: ул паҳлавон йигитни: алиндан ўқини, ёсини бирақиб титрамакка бошлади. Мен ўз-ўзума айттим:

Шеър

Ул эрким ўқ отибан қил ёра, нишон урғай,
Ани урушта сақинма еринда бек турғай.

Мундан ўзга халос топмадиқим, қумошимузни дағи
силоҳимизни алар назаринда қўюб, саломат йўлун ту-
туб кеттик.

Шеър

Оғир ишга синамиш эр ия бер,
Қим арслонни тутуб келтурғай ул эр,
Йигитким филтек бўлса қавий тан
Урушда эрлик андин истама сан.
Уруш кўрган қариға чарб мафҳум,
Нечукким масъала оламга маълум.

Ҳикоят

Шайх Саъдий айтур: бир бой кишининг ўғли кўр-
дум: отаси қабри уза ўтуруб, бир фақир ўғли билан
мунозара қилиб айтур эди: «Отам турбасининг сандуқи
уза алвон нақш қазилмиш дағи олтун билан хатлар
ёзилмиш, фарши кўк мрамар, кирпичлари фируза дағи
сенинг отангнинг гўри бир неча жик кирпичдан дағи
бир неча ович туброқ устуна тўкуб турурлар». Ул фа-
қир ўғли бу сўзни эшитиб айтти: «Тек ўтурким, сенинг
отанг оғир тош остиндан тебрангунча, керак меним
отам жаннатга кирмиш бўлғай».

Шеър

Эшакнингким юки бўлса юнгулрак,
Юрур роҳат билан дойим било-шак.

Ҳикоят

Шайх Саъдий айтур: бир олимдан бу ҳадис маъно-
син савол эттим.

Ул айтти: «Бу ҳадис маъниси ул турурким, душман-
ларнинг саъбраги нафсинг дурур. Анинг учунким, ўзга
душманларга эҳсон қилсанг, дўст бўлур, аммо наф-
синга не қадар мудоро қилсанг, мухолифатин орту-
рур».

Шеър

Қўб еганлар ётур баҳоимтек,
Оз еганлар бўлур фаришта сифот.
Нафсин ўлтурган эр бўлур ғозий,
Эр эрсанг ҳосил эт анинг бекин от!

Ҳикоят

Шайх Саъдийнинг жидолли бир муддаи бирлан бой-лиқ дағи фақирлиқ баёни ичинда.

Бир ким эрса тариқат йўлининг муддаилариндан фақирлар суратинда эди ва лекин аларнинг сийратинда дегул.

Маҳфил ичинда ўтуруб, даъвийга туруб, шикоят дафтарин очти: бойлардан бошлаб сўзни бу ерга кетурдиким, фақирларнинг қудрати али боғли дағи бойларнинг иродати аёғи синиб турур.

Шеър

Сахийларнинг алинда бир дирам йўқ,
Ғанийларда дароҳим чўқ, карам йўқ.

Чун мен улуғлар неъматин билан бесланиб турурман. Анинг бу сўзи менга хуш келмади. Айтти: «Эй ёр, бойлар мискинлар дахли дурур дағи ўтурган фақирларнинг заҳираси дағи зоирлар мақсади, мусофирлар синган ери дурур. Дағи оғир юклар мутаҳаммили, ўзгалар роҳати учун дағи онлар таом емакка алларини ул вақт сунарларким, мутааллиқлари дағи али алтиндағилари егайлар. Аларнинг эйгу фазласиндан йироқдағи, яқиндағиларга еткай, андан сўнгра ўзлари ерлар.

Шеър

Йўқсулға тегар ҳамиша мунъим карами,
Қурбону закоту вақфу турли неъмат.
Сен қайда алар йўлин юригайсанким,
Юз ғусса билан қилурсан икки ракаат.

Агар жуд қудрат билан бўлур эса, дағи сужуд қувват билан онларға мусаллам дурур.

Ш е ъ р

Одабийнинг шарафи ҳилму ҳаё, жуду сужуд,
Ким юриса бу сифатда севар ани маъбуд.

Яна неъмат эяларининг закотли моллари дағи ори
нафис тўнлари, сақланмиш ҳаёллари дағи фариф кўн-
гуллари бор дағи тоат қуввати латиф луқмалар ичин-
да дурур дағи ибодат сиҳати назиф кисват ичинда кў-
рунур. Бас заиф эрдан не қувват келгай, ё бўш алдан
не мурувват, ё синуқ аёқли кишидан не сайр, ё оч ким-
эрсанинг алиндан не хайр келгай.

Ш е ъ р

Гусса бирлан кеча ётур ул ким,
Эрта ёнинда бўлмаса дирҳам.
Ёз бўлса йиғар қаринчаки, то
Қиш фароғат бўлуб, емағай ғам.

Аммо фароғат билан фақирлиқ бир ерда топулмас
дағи тор элда жамият сурат боғламас. Бир ким эрса иш-
га таҳрима боғлаб турур дағи бир ким эрса ашоға мун-
тазир ўтурур, бу анга қачон ўхшағай.

Ш е ъ р

Машғул дойим ҳақ билан неъмат эяси муҳтарам,
Ризқи паришон одабий кўнгли паришон дам-бадам.

Бас буларнинг ибодати яқинроқ турур қабул бўл-
маға. Анинг учунким, жамъ ва ҳозир дурурлар, пари-
шонхотир дегул маишат асбоблари маҳсул дағи ўзлари
аврод ва ибодат билан машғул...

Айттим: «Тек турғилким, расул алайҳиссалоту вас-
салом ишорати ул тоифа фақрина дурурким, жафо май-
донининг эранлари дағи қазо ўқининг ўлгуси дурурлар.
Онларға дегулким, аброр хирқасин кийгайлар дағи ид-
рор луқмасин сотқайлар.

Ш е ъ р

Эй буюк унли табли холи бати,
Озуқунг йўқ сафарда неткайсан,
Зухду тақво сотиб, йиғиб олтун,
Тамаинг ул жинонға кеткайсан.

Маърифатсиз фақир қарор тутмас, ҳатто фақир куфр-га етмайинча. Бу маълум дурурким, молсиз киши урённи ўрта билмас ё бир асирни халос эта олмас. Бас бизим абнои жинсимиз алар мартабаси билан қачон тенг бўлғай; кўрмассенмиким, ҳақ таоло Қуръон ичинда башорат қилур жаннатнинг неъматлариндан. Ҳатто билгайсан онларнингким, етар кифояти йўқ тиланмамак давлатиндан маҳрумдурурлар дағи фароғат мулки маълум ризқнинг хотами алтинда дурур.

Ш е ъ р

Кўрар мискин сувсамиш уйқусунда,
Тамомат ер юзин тутмиш оқар сув.

Не ердаким, бир заҳмат кўрган, машаққат чеккан кишини кўрсанг, ул ўзини оғир ишларга солғай дағи анинг тавобеъ уқубатиндан кўрқмайин ҳалолни ҳаромдан танимағай.

Ш е ъ р

Қачонким ит бошина бир кесак тушар бўлса,
Фараҳ билан секрир, ул ани сўнгак сақиниб.
Кўтариб икки киши жанозани кечса,
Тушар тамаъга хасис эр ани емак сақиниб.

Аммо неъмат эяси ҳақ таолонинг иноят назари билан манзур дағи ҳалол била ҳаромдан маҳфуз дурур; уйла сағинким, мен бу сўзни тақрир қилмадим дағи бурҳон кетурмадим. Инсофингдан таваққум бор. Ҳар кез кўрдунгмиким, ҳаромийни али боғли ё зиндон ичинда муфлисни юраги доғли, ё бир маъсумни пардаси ёрилмиш, ё бир мискиннинг қўли кесилмиш, илло йўқсуллуқ сабаби билан.

Арслон йигит эранларни зарурат ҳукми билан тешиқларда тутуб, тубуқларни янчиб турурлар. Дағи муҳтамал дурур: фақир, ким эрсани нафси аммора мутолаба қилса ёмон ишларга, чун эҳсонининг қуввати бўлмаса, маъсият билан мубтало бўлур, нечукким, қорин билан фараҳ эгизак турурлар, яъни иккиси бир қориндан, модомким бу еринда бўлғай, ул аёғи устуна турғай.

Эшиттимким бир фақирни ёмон ишда тутуб, расвой қилмаға тиладилар. Ул фақир айтти: «Эй мусулмонлар,

олтунум йўқким, хотун олғайман дағи тоқатим йўқким
сабр эта билгайман... Дағи кўнгул роҳатлариндан хотир
жамъятиндан хожалардаким бор, анинг ҳусни ғайра-
тиндан субҳи содиқнинг али кўксунда дағи анинг мав-
зун қаддиндан сарви хиромон хижил бўлуб, аёғи балчиқ
ичинда қолиб турур.

Ш е ъ р

Ул дилрабо бу ушшоқ қони билан, кўрунгким,
Бармоқлари учини унноб ранг қилмиш.

Дағи муҳол эрур: анинг ҳусну жамоли билан булар
маноҳийга яқин келгайлар.

Ш е ъ р

Қанда ким оч ит топар эт, тиш урур сўрмас ани
Ким, бу солик ноқасими. ёки дажжол эшшаки.

Дағи онча мастурлар фақирлиқ сабаби билан фа-
сод ишларга тушуб, юз сувун елга бериб турурлар.

Ш е ъ р

Очлиққа қачон енгилса парҳез равон,
Тақвийнинг олур алиндан ифлос инон.

Бу сўзни ул фақир эшитти эса, тоқатининг инони
таҳаммул алиндан тушти, филҳол тили қиличин чекиб,
фасоҳат отина миниб, вақоҳат майдонинда чопиб, менга
йигириб айтти: «Эй фалон, ул қадар буларнинг васфин
муболаға қилдинг, дағи онча паришон сўзлар сўзла-
дингким, ваҳм тасаввур эткай: тирёқ айни ё арзоқ ха-
зинасининг мифтохи дурурлар. Ҳол бу дурурким, бир
овуч мутакаббину мутажаббир ва муажибу мағрур
муштағили неъмат дурурлар, сўзламаслар, илло сафо-
ҳат билан назар қилмаслар, илло кароҳият билан; дағи
уламони тиланчиликка мансуб қилурлар дағи фуқаро-
ни бошсиз-аёқсиз маъюбларга, ул сабаб биланким, мол-
лари дағи гурур жоҳлари бор. Мажлисда ўтурмаслар,
илло барчадан юқори дағи ўзларини ўзгалардан ортуқ
кўрарлар. Дағи ул бошлари йўқким, кишига бош эггай-
лар. Ҳукамо айтур: ҳар ким тоатда ўксук бўлуб, неъ-

матда ортуқ бўлса, ул ким эрса суратда бой дағи маънида фақир дурур».

Ш е ъ р

Ҳаким узра ҳунарсиз эр дароҳим бирла фахр этса
Бил они кунн ҳар, ул гарча анбар ўкузи бўлса.

Айттим: «Аларнинг хорлуқин раво кўрмагилким, карам эялари дурурлар». Айтти: «Ҳато сўзладинг, дирам қуллари дурурлар дағи илк ёз булутн фойдаким, ёғмаслар дағи кунаш қурсаси дурурлар, ким эрсага дурурлар, ойдинлари тегмас. Иститоат очина миниб турурлар, сурмаслар дағи тангрилиқ учун бир қадам илгари юумаслар, машаққат билан мол жамъ этиб, хиссат билан тутуб ўтурурлар. Дағи ҳасрат билан қўюб кетарлар. Ҳукамо айтур: бахилнинг олтуни ул вақт ердан чиқар ким, они ерга қўйгайлар».

Ш е ъ р

Бир ким эрса минг машаққат бирла неъмат жамъ
этар,
Ер ани ўзга келиб, ул ёзуқин олиб кетар.

Айттим: «Неъмат эяларининг бахиллиқни билмадинг, илло гадойлик сабаби билан; йўқса, ҳар ким тамаъни бир ёни қўйса карим дағи бахил анга бир кўрунур дағи миҳак билурким, олтун не дурур дағи гадой билур — бахил ким дурур». Айтти: «Мен мунн тажриба билан айтурман, эшикларинда мутааллиқлариндан буюк бўйли, кучли кишилар қўярлар, ҳатто келган азизларга дастур бермагайлар дағи элларни ул азизлар кўксина қўюб айтқайларким, эвда киши йўқ турур. Рост айтмиш бўлгайлар».

Ш е ъ р

Анингким ақлу рою хайр иши йўқ,
Хуш айтти пардадор эвда киши йўқ.

Айттим: «Агар эшикда анинг учун қўюб турурларким, тиланчилар алиндан жонина етиб турурлар дағи муҳоли ақл эрурким, агар ёзидағи барча қумлар инжу бўлса, тиланчиларнинг кўзи тўлмағай».

Ш е ъ р

Аҳли тамаъ кўзи бу жаҳон неъматин билан
Тўлмас, нечукки, тўлмаса қатра билан қуйи.

Ҳотими Той ёзи ерда ўтурур эди. Агар шаҳар ичинда бўлса эди, фақирлар алиндан фиғона келгай дағи тўнини пора-пора эткайлар эди. Айтти: «Мен аларнинг ҳолини раҳмат қилурман». Айттим: «Балки молларина ҳасрат ерсан дағи ҳар байтаким, бу маъний нуктасинда сўрар эдим, ул анинг дафъина машғул бўлур эди дағи ҳар шоҳким, тилар эдим, фарзин билан ёпар эди, ҳатто ҳимматининг кисинда неким нақди бор эди, ўйнади дағи наҳбатининг теркишинда неким ўқи бор эди — отти. Ёнимдағи кишига айттим:

Ш е ъ р

Эшитиб фасих нутқини ушаниб сукут қилма —
Ким, анинг тилиндадур бас не ҳунарки бор ичинда.
Мутакаллим эр фасоҳат била сўзласа мусажжаъ
Эшикиндадур силоҳи, ел эсар хисор ичинда».

Оқибатул-амр далили қолмади, залил бўлди, эса таадди тилин узатиб, муҳмал сўзлай бошлади дағи жоҳил одати дурур ким, қачон хасмдан ашаға қолса, хусумат силсиласин тебратур, нечукким, санам йўнғуғчи Озор Иброҳим билан ҳужжатлашиб, чиқиша билмади эса, киришга турди. Айтти: (арабча:) Агар бу йўлингдан қайтмасанг, сени тошбўрон қиламан.

Ул менга сўкти, мен дағи анга. Ул меним ёқам йирти. Мен анинг сақолин туттум.

Ш е ъ р

Ул менга, мен анга тутуб чекишиб,
Югурур ортимизча халқ кула.
Сўзумиз нуктасин таажжуб этиб,
Сўкушурлар эди латифа била.

Алқисса, бу даъвомиз қози қотина етти дағи анинг ҳукмина рози бўлуб, ташвишимиз кетти, ҳатто мусулмонлар ҳокими бойлар билан фақирлар орасинда не фарқ эткай дағи на маслаҳат раво кўргай деб. Қози иккимизнинг сўзин эшитти, ҳайратга қолиб, бир замон

тафаккурга бориб, яхши тааммул қилиб айтти: «Эй бойларга сано қилган, дағи фақирларга жафони раво кўрган, билгилким, не ерда гул бор, анда тикан бор, дағи не ердаким хамр бор, анда хумор бор дағи не ердаким ганж бор, анда йилон бор дағи не ердаким дурри самин бор, анда наҳанг бор дағи бу айш лаззати ортинда ажал тоқаси очуқ турур дағи жаннат неъматининг алнинда деви маккора ўтурур.

Ш е ъ р

Жаври душман не ажаб чекса кўруб толиб дўст,
Чунки дойим тикону гул, гаму шодий биладур.

Кўрмассанми: бўстон ичинда ёш тол ағочини иси мушк бекин, дағи бир ағоч борким, қури қамиш бекин; бойларнинг дағи анинг бекин шокирлари бор, кафурлари дағи бор; фақирларнинг дағи собирлари бор, маҳжурлари дағи бор.

Ш е ъ р

Ҳар қатраким кўкдан инар бўлса эди холис дураар,
Мўнчоқ бекин бозор ичи тўлғай эди ори гуҳар.

Ҳазрати иззатининг муқарраблари фақир сийратли бойлар дағи бой ҳимматли фақирлар дурур. Дағи бойларнинг яхшироқи ул дурурким, фақирлар қайғусин егай дағи фақирлар яхшироқи ул дурурким, бойлардан кўз юмғай. Эй улким, бойларни ёмон сифатлар билан ёд қилурсан, анинг бекинлар дағи борким, қосири ҳиммат кофири неъмат, мол йиғарлар дағи емаслар дағи едурмаслар, масалан: ёғмур ёғмаса дағи жаҳонни тўфон тутса, онлар молларина ғарра бўлуб, бир фақирни меҳнатда кўруб, ҳолин сўрмағайлар дағи тангридан қўрқмайин айтқайлар:

Ш е ъ р

Очиндан бир фақир ўлса тушуб зор,
Биза андан не қайғу, чун бизим бор,

Онлар ичинда бир тоифа борким, дойим хизматқа белларин боғлаб дағи карамга алларин очиб турурлар. Толиби мағфарат, соҳиби дунё ва охират бу малик қуллари бекинким, ўзи дурур».¹

Ш е ъ р

Ота ўғлуна қилмади карамким, қилдинг элга сен,
Кунаштек биликли бўлдунг қўюб хайр ишлара асбоб.
Бу ёрли қулларин дойим фараҳда бесласин деб жон,
Қуюбтур Миср мулкинда сени ҳақ хожибул-хужжоб.

Алмақсуд, ул даъво бу ғоятқа етти, муболаға ҳадд
ва қиёсдан кечти. Қазо муқтазоси билан ризо бериб,
мозийдан кечиб, можаро узрини мудоро тариқи билан
ўртаға кетуруб, бири биримиз қадамина бош қўюб, сў-
зумуз бу икки байт билан хатм бўлди.

Ш е ъ р

Кишига қилма шикоят жаҳондан, эй дарвеш,
Туруб юруб қиладур шукри неъмат мавло,
Алингда чунким, аё хожа, молу неъмат кўб,
Едур, бағишла, тиласанг саодати уқбо.

Саккизинчи боб

СУҲБАТ АДАБИ ИЧИНДА ТУРУР

Ҳ и к м а т

Мол умр роҳати учун дурур дағи умр мол жамъ эт-
мак учун дегул. Бир оқилдан сўрдилар: «Давлатли ким
дурур дағи давлатсиз не дурур?» Айтти: «Давлатли ул-
ким, еди дағи едурди, аммо давлатсиз улким, мутафар-
риқ мол жамъ этти, емайин қўйди, кетти»..

Ш е ъ р

Харж этиб умрин, йиғиб олтун-кумуш улким емас,
Орттурадур молу мулкин ҳеч ўлғайман демас.
Дарду ҳасрат бирла ўлса устуна қилма намоз,
Ул кишиким, охиратнинг қайғусин ҳаргиз эмас.

Ҳ и к о я т

Мусо алайҳиссалом Қорунға насиҳат қилур эдиким:
(арабча:) Худо сенга эҳсон қилгандек эҳсон қил. Ул
эшиттингким, анинг оқибати не бўлди?

Ш е ъ р

Эй гарра бўлган молина бўлур вужудунг кал-адам,
Ҳасрат билан элтур сени ерга бу динору дирам.
Дунё матоиндан тилар бўлсанг таматтуъ олмаға.
Кўргуз халойиққа сахо чун ҳақ сенга қилди карам.

Араб масали дурур: бағишлағил дағи миннат этма-
тил, анинг учунким фойдаси сенга қайтур.

Ш е ъ р

Қанда ким соҳиб карам тикти саховат нахлини,
Кўклара чиқти бутоқлари анинг рифъат билан.
Гар емишиндан тиласангким, олиб завқ этмаға,
Урмағил бичқи аёғи устуна миннат билан.

Ш е ъ р о х и р

Ичириб элга қошуқ бирла шўрба,
Чўмуч сопи билан кўзин чиқарма.

Ҳ и к м а т

Икки киши фойдасиз ранж чекти дағи тухумни шўра
ерга экти. Бири улким, мол йиғди дағи емади; иккинчи
улким, илм ўқиди дағи амал қилмади.

Ш е ъ р

Сўзунг бу дурурки, мен фалон олимман,
Чун йўқ амалинг яна ҳамон жоҳилсан.

Мунунг масали ўшул эшакка ўхшар: билмаски, юки
ўтунмидур ё дафтар.

Ҳ и к м а т

Илм дин беслемак учун дурур, дунё емак учун дегул.

Ш е ъ р

Қачонким олим эр илмин халойиққа юруб сотти,
Ул эр нақдин али бирлан ёнар ўтқа билиб отти.

Ҳикмат

Тақвосиз олим кўзсуз машъаладорға ўхшар.

Шеър

Умринким фойдасиз ишлара қилди талаф,
Ҳожат олмади тушурди ақчасин ул нохалаф.

Насиҳат

Мулк билик эялариндан жамол топар дағи дин мут-
тақийлардан камол тутар. Маликлар билик эяларининг
насиҳатина муҳтожрак турур, андонким, билик аялари
маликлар суҳбатина муҳтож бўлғай.

Шеър

Ўгут олғил биликли эрдан, эй шоҳ,
Биликли эр каломи тоза гулдур.
Амални ақл эясина буюрғил,
Нечаким, ул анинг шўғли дегулдур.

Ҳикмат

Уч нима доим қолмас: бири тижоратсиз мол, иккин-
чиси баҳосиз илм, учунчи сиёсатсиз мулк, аммо ёмон-
ларға раҳм қилмоқ, эйгуларға жавр этмак бўлур дағи
золимлардан афв этмак фақирларға зулм қилмоқ бў-
лур.

Шеър

Ёмонға эйгулук қилсанг, сунуб қўл,
Алингдан давлатинг олмоқ тилар ул.

Насиҳат

Маликлар дўстлуқина эътимод этса бўлмас дағи ўғ-
лонларнинг хуш овозинаким, ул бир хаёл билан мубад-
дал бўлур дағи бу йигитлик билан мутағаййир бўлур.

Шеър

Кўнгул берма ул уздангаки, макру ҳийласи чўқдур.

Ҳаромий кўзлари, қоши ажаб, ё кирпуги ўқдур.

Н а с и ҳ а т

Не сиррингим бор дўстларингга демагил! Не билурсанким бир вақт душман бўлғайлар, надомат емагил. Дағи не ёмонлиқким қила билур бўлсанг, душманнига қилмагил! Не билурсанким, бир кун дўст бўлғай дағи, не розинг бўлса ким эрса қотинда очмагил.

Ш е ъ р

Сиррингни кўнгулда сақлағил бек,
Мушфиқ сенга йўқ жаҳонда сентек.
Айтма деб ани кишига айтма,
Турмаским, ани эшитса теб-тек.

Н а с и ҳ а т

Қачонким душман қаттиқ заиф бўлса, дўстлуқ кўргузур. Анинг мақсуди мундан ортуқ дегулким, душманлигин қавмий қилур. Вақтиким, дўстларнинг дўстлуғина эътимод бўлмаганда, душманларнинг ёлғон дўстлугиндан не ҳосил бўлғай. Дағи ҳар ким душманининг киччисин саҳл кўрғай, анга ўхшарким, оз ўтни сўндурмайин қўюб кеткай.

Ш е ъ р

Ултур букун, ўлтура билурсан, эй ёр,
Оз ўт бийиса, ёнар бу шаҳру бозор.
Ё кўрмаға қўйма душманингни зинҳор —
Ким, ўқ била йиқмаға букун фурсат бор.

Н а с и ҳ а т

Икки душман орасинда анинг беки сўзламак керак-санким, қачон алар дўст бўлса, сен ўртада уялмағайсан.

Ш е ъ р

Чу икки киши аро кириш ўтдур бил,
Сўз чўплагичи ўтун ёқар мустаъжил,
Тонг бирла бўлур алар бояғи беки дўст,
Васвос бўлур ул ўртада хору хижил.

Ҳикмат

Ул кишиким душманлар билан сулҳ қилур, дўстлар
ри андан озор бўлур.

Шеър

Алинг юв ул мунофиқ дўстданким
Юрур душманларинг бирлан бўлуб ёр.

Насиҳат

Қачонким бир ишни кечурмакда хотиринг мутарад-
дид бўлса, ул тарафни ихтиёр қилғилким, анда кўнгул
озори бўлмағай.

Шеър

Одамий кўнглин йиқар сўз сўзлама,
Сулҳ эясиндан хусумат кўзлама.

Насиҳат

Ул ишким олтун била биткай, анинг учун жонни ха-
тарға қўймоқ керакмас.

Шеър

Қачонким туганса алингдаги ол,
Қилич чексанг ул дам қининдан ҳалол.

Насиҳат

Душманни ожиз кўруб раҳм этмагил ким, қачон қо-
дир бўлса, сенга раҳм этмас.

Шеър

Душманингни кўруб фақири ҳақир,
Лоф уруб бурмағил бийик зинҳор.
Ҳар сўнгахнинг бўлур ичинда илик,
Текма, кўнглак ичинда бир эр бор.

Н а с и ҳ а т

Ҳар ким бир ёмонни ўлтургай, халқни анинг балодан қуртаргай, дағи ани тангри азобидан халос этгай.

Ш е ъ р

Карам қил кишига ва лекин боқиб,
Кўнгул йиққан эрга карам билмағил.
Анга раҳм қилган кишининг иши
Баний одам узра карам билмағил.

Н а с и ҳ а т

Душман ўгутун қабул қилмоқ хато дурур ва лекин эшитмак раво, ҳатто анинг хилофин ишлағайсан, ул айни савоб бўлур.

Ш е ъ р

Қил ҳазар душман сўзиндан, эй рафиқ,
Неким ул айтса, анинг сен аксин эт!
Кўргузурса соғ ёна йўл сенга,
Сен анинг сўзин эшитма, сўлга кет!

Н а с и ҳ а т

Ҳаддан оша ғазабланмоқ ваҳшат кетурур. Дағи вақтсиз лутф кўргузмақ ҳайбат кетурур. Ул қадар қаттилик этмағилким, сендан тўйғайлар. Ул қадар юмшоқ бўлмағилким, сени аёқ остинда қўйғайлар.

Ш е ъ р

Не қатти бўлким, эл сендан ушангай,
Не юмшоқ, қадринга нуқсон кетургай.
Не ўзгадан ўзунгни кўргил ортуқ,
Не уйла сўзлаким, исён кетургай.

Ҳ и к м а т

Икки киши мулкнинг дағи диннинг душмани турур: бири улким, султон бўлуб адл қилмаса; бири дағи улким, зоҳид бўлуб илми бўлмаса.

Ш е ъ р

Зулм этиб малик мулкин йиқар,
Зоҳиди нодон диёнатдан чиқар.

Ҳ и к м а т

Ёмон қилиқли киши бир душман алинда гирифтор
бўлуб турурким, анинг жавриндан бағри қон билан тў-
луб турар.

Ш е ъ р

Хулқи ёмон ким эрса қочса бало алиндан
Қуртулмағай нечаким, ул хулқ анинг биладур.

Н а с и ҳ а т

Қачон кўрсангким, душман чериси ичин аро ола
бўлуб тарғамаға бошладилар, сен жамъ бўл. Агар алар
муттафиқ бўлуб бир ерда турсалар, сен ўзунгни пари-
шонлиқдан сақлагил.

Ш е ъ р

Ўлтурғил дўстлар бирлан фароғат,
Қачон кўрсанг адуларинг аро ҳарб.
Алар барча келиб бир ерда турса,
Едурғил сен аларға ўқ билан зарб.

Ҳ и к м а т

Қачонким душманнинг ҳийласи туганса, дўстлиқ
силсиласин тебратар дағи ул дўстлуқ билан уйла ишлар
этарким, ҳеч душман ани қила билмағай.

Йилон бошин душман али билан янчгилким, икки
кўркли ишдан ҳоли дегул. Агар ул ғолиб келса, илон
ўлтурдунг, вагар бу ғолиб бўлса, душмандан қуртул-
дунг.

Ш е ъ р

Эй лашкар ичинда белгили форис эр,
Душманни кўруб, заиф сен, қилма тараб,
Бир киччи киши кичиб равон жониндан

Арслонни уруб чиқарса мағзин не ажаб.

Н а с и ҳ а т

Ул ишким кўнгуллар озор қилур, сен они ишлама-
гил, ўзгалар ишласин.

Ш е ъ р

Аё келгин жаҳонга эйгулук эт,
Ёмон ишни ёмонларга қўюб кет.

Н а с и ҳ а т

Душман олина олданмағил дағи маддоҳ мадҳина
мағрур бўлмағилким, ул ол тузоғин қуруб турур дағи
бу тамаъ этакин очиб ўтурур. Аҳмоқ кишини ўксанг,
хуш келур; нечунким, аруқ қўйни урсанг, семиз кўру-
нур.

Ш е ъ р

Адиб эр мадҳина мағрур бўлма,
Анинг сендан футуҳи чўқ дегулдур.
Қачонким тобмаса сендан муродин,
Юз онча назм этиб, ул айбинг айтур.

Ҳ и к м а т

Ҳар кишига ўз ақли камол уза дурур, дағи ўз ўгли
соҳибжамол кўрунур.

Ш е ъ р

Яҳудий бир мусулмон эр билан сўзга келиб бир кун
Хилоф узра чекиштилар нечаким бор эди имкон.
Мусулмон онт ичиб тангри каломининг уза айтти:
«Яҳудийман, бу қавлимнинг ичинда бор эса нуқсон».
Яҳудий эр дағи онтлар ичиб Таврот уза айтти:
«Мусулмонман, агар бўлса, сўзумда, заррача ёлғон».
Агар бу ақл дунёдан чиқиб кетса, яқин билким,
Тасаввур этмагай ҳаргиз ўзин бир одамий нодон.

Ҳикмат

Ун киши бир суфрада емак ер, дағи ортар,
Икки ит бир мурдор учун бир-бирин йиртар.

Шеър

Ганидур улки қаноат ичинда сабри чўқ,
Жаҳонда сабру қаноат бекин маишат йўқ.
Ҳарис еса жаҳонни ҳануз очу фақир,
Ҳамиша аҳли қаноат бир ўтмаги била тўқ.

Ҳикмат

Ул нимаким терк беткай кўб турмас.

Шеър

Олиб машриқ элининг туброқиндан,
Қилурлар қирқ йилда саҳни чиний.
Тузуб бир кунда юз кошон ичинда,
Сотарлар бир дирамға олтисини.

Ҳикмат

Сабр билан боғда ғўра бишар, дағи ошиққан ким
эrsa юзи устуна тушар.

Шеър

Узуб кечти ошиққан отли эрни,
Юрубан бир киши арқун туну кун.
Кулук отлар ориб қолди, тевачи
Сурар эди тевалин арқун-арқун.

Ҳикмат

Биликсиз кишига сукутдан яхшироқ йўқ, агар бу
маслаҳатни билса эди, биликсиз бўлмағай эди.

Шеър

Қамоли фазл сенга чунки йўқтур,
Тилингни сақла оғзингда ўтур тек.
Қилур эрни тили дойим фазиҳат,

Чурук кўзни нечук қилса йўнгуллик.

Ҳ и к м а т

Ҳар ким ўзиндан олим билан мубоҳаса қилса, ҳат-
то билмағайларким олим дурур ва лекин жоҳиллиги
маълум бўлур.

Ш е ъ р

Қачон сендан биликли эр очиб оғзин сўза келса,
Неча яхши билур бўлсанг сўзина эътироз этма.

Ҳ и к м а т

Ул кишиким ёвузлар билан ўлтурғай, эйгулук юзун
кўрмагай.

Ш е ъ р

Нечун қури қамишдан шаккар тамаъ қилурсан,
Келмас бўри алиндан фарвачилик билурсан.

Н а с и ҳ а т

Халқнинг кизли айбин очмағил, онларни фазиҳат
қилурсан дағи сен эътиқодсиз қолурсан.

Ш е ъ р

Эй жамоли мунир, шамс менгиз,
Тиласанг бўлмаға ҳамиша азиз.
Одамий айбини кўриб очма,
Эгри сўзни кўни деб онт ичма!

Ҳ и к м а т

Ҳар кишининг ким сурати кўркли дурур, сийрати
кўркли дегул. Ташина эътибор йўқ, ори керак кўнгул.

Ш е ъ р

Кишининг фазлу миқдори бўлур маълум бир кунда,
Ва лекин нафси хубсини боқиб йиллар билиб бўлмас.

Н а с и ҳ а т

Ҳар ким улуларға сўқар, тили билан ўз қонин тўқар.

Ш е ъ р

Сен сени доим кўрарсан ўзгалардан артуқ эр,
Уйлаким, аҳвал киши бирни боқиб, икки кўрар.
Бош урушмағил урушчи паҳлавон қўчқор била,
Чун билурсанким, урушсанг ул сенинг бошинг ёрар.

Ҳ и к м а т

Арслон билан панжа тутмоқ дағи қиличқа юмруқ
урмоқ оқиллар иши дегул.

Ш е ъ р

Хуш этти муни ул адиби зариф:
Маликка бўлурми қаландар ҳариф.
Ўз али билан ўз қўлун синдурур,
Қавий бирла панжа тутушқан заиф.

Ҳ и к м а т

Эрдамсизлар эрдам эясин кўра билмас, нечукким,
бозор итлари ов итларин тиламас, йироқдан гавго қи-
лур, яқин келмас.

Ш е ъ р

Хасуд эр қандаким аҳли ҳунар бўлса, ани кўзлар,
Қатинда дам ура билмас, йўқинда ғийбатин сўзлар.

Ҳ и к м а т

Бўғиз балоси бўлмаса эди, қуш тузоққа тушмағай
эди, сайёд дағи тузоқни қурмағай эди. Ҳақимлар емак-
ни кичкич ерлар, обидлар ярим қорин, зоҳидлар садди
рамақ, қарилар ҳаттал-арақ, йигитлар кўтрулча табақ,
қаландарлар ҳар бири тўрт чанақ.

Ш е ъ р

Тонгсуқ латифа тингла, эй маърифат дабири,

Икки кеча уюмас улким бўғиз асири.
Бир тунла кўб емакдан қорни керила тўлғай,
Ё бир кеча дирамсиз бангию оч бўлғай.

Ҳ и к м а т

Хотунлар била машварат қилмоқ мусибат кетурур
дағи фосиқларға саховат қилмоқ маъсият бўлур.

Ш е ъ р

Қиши этти бўригаким тараҳҳум
Қилур бўлса, этар ул қўйлара зулм.

Ҳ и к м а т

Ҳар ким душманина фурсат топиб ўлтурмаса, ул
ким эрса ўзининг душмани турур.

Ш е ъ р

Не турурсан боқиб, аё йўлдош,
Тош узадур йилон алиингда тош.

Ҳ и к м а т

Бир жамоат мунунг аксин раво кўрдиларким, ёзуқ-
дуларни ўлтурмакда тааммул қилмоқ яхшироқ, ул ҳукм
биланким, ихтиёр боқийдурур. Апар тааммул қилмайин
ўлтурса бўлғайким, бир маслаҳат фавт бўлмиш бўлғай-
ким, анинг тадоруки топулмағай.

Ш е ъ р

Тири эрни инган осон уруб ўқ бирла ўлтурмак,
Ва лекин бир ўлуни минг ким эрса тиргиза билмас.
Аё ўқ отқучи, яхши сақишлаб илк, андан от,
Билурсан ўқ қачон ёдан чиқар бўлса, яна келмас.

Ҳ и к м а т

Жоҳиллар аро агар ҳаким эр тушса, ҳикмат кама-
рин керак белиндан шешса, қачон жоҳил эр тил узатиб
сўзга келса, ажаб дегул ҳаким узра голиб бўлса, анинг
учунким, асли ёмон тош турур, жавҳарни синдирур.

Ш е ъ р

Жоҳил эр қилса жафо, бўлма мукаддар, эй ҳаким.
Не билур кўзсуз ким эрса қадрини наққошнинг.
Синдирур бўлса уруб олтун қадаҳни катта тош,
Синмас олтун қиммати, ортмас баҳоси тошнинг.

Ҳ и к м а т

Жавҳар балчиққа тушса, бурунги бекин нафис ту-
рур. Ғубор кўкка чиқса, бояги бекин хасис дурур. Дағи
тарбиясиз истеъдод хайф турур, дағи тарбият ғайр аҳ-
лина зоеъ турур. Кулнинг олий нисбати бор, анинг
учунким, жавҳари улвий дурур нор ва лекин ўз наф-
синда ҳунари йўқ, мартабаси тупроқ билан тенг дурур.
Шакар қиммати ўзундан дегул, анинг хосиятиндан ду-
рур.

Ш е ъ р

Эй ўзун кўрган неча бир дегасан —
Ким, фалон аллома муфти ўғлиман.
Бор эса бу қавлунга келтур далил,
Гул тикандан келди, Озардан Халил.

Ҳ и к м а т

Эрдам эяси холис мушкка ўхшар, нечукким, мушк
иси билан ўзини фош қилур, эрдам дағи эясин анинг
бекин кўргазур. Биликли эр аттор дўкони бекин дурур,
сўзламайин элга ўзин билдурур. Биликсиз киши табл-
боз бекин, ташиндан хушовоз, уни буюк турур ва лекин
ичи бўш.

Ш е ъ р

Жоҳиллар аро олим ўлтурса анга ўхшар,
Бир шамъи мунаввар кўзсузлар аросинда.

Н а с и ҳ а т

Азиз умрунг харж этиб, тотли жон бекин дўст ҳосил
эттинг, дағи бир саҳл сўз билан анинг кўнглун оғрит-
тинг.

Ш е ъ р

Эй неча кунлар керакким, гўра бўлса тотли ош,
Эй неча йиллар керакким, лаъл бўлса асл тош.
Сен ани бир сўз била синдурмағил, эй ёри чуст —
Ким, пиёла синса, мушкулдур яна қилмоқ дуруст.

Ҳ и к м а т

Ақл нафс алинда уйла гирифтор бўлуб турур, нечук-
ким, бир ожиз эр кучли хотун алинда гирифтор бўлса.

Ш е ъ р

Ул эв эшикинда истама хайру салоҳ,
Ким эбчи уни ул эвда қатти келгай.

Ҳ и к м а т

Сахий эрким, егай дағи бағишлагай, ул обиддан ях-
широқким, уруж тутуб, мол йиғгай. Ҳар ким халқ қа-
були учун тарки шаҳват қилгай, ул ким эрса ҳалолдан
ҳаромга тушгай.

Ш е ъ р

Ўтурса зарқ хилватда обид,
Қаронғу кўзгуда боқса, не кўргай.

Ҳ и к м а т

Қатра-қатра сайл бўлур, оз-оз йиғилса хайл бўлур,
яъни анлардаким, қувват эли йўқ турура, ушоқ тошлар
теришурлар, ҳатто фурсат вақтин золимдан ўчун олмоқ
учун.

Ш е ъ р

Ва қатрун ало қатрин изо интазамат наҳру,
Ва наҳрун ило наҳрин изо ижтамаат баҳру,¹

¹ Қатра қатрага қўшилиб дарё бўлур,
Дарё дарёга тутшиб денгиз бўлур.

Кўп бўлур чун озин-озин ашжор,
Ҳабва-ҳабва адас тўли анбор.

Ҳ и к м а т

Жон бир нафас ҳимоятинда дурур дағи дунё икки
адам аросинда, анларким, динни дунёга сотқайлар
эшак турурлар. Юсуфни сотиб не олғайлар?

Ш е ъ р

Кўзунг оч уйқудан, эй одам ўғли,
Сени кимдан кесиб, кимга тузубсан.
Хато сўзни эшитиб душманингдан,
Керакли дўст аҳдини бузубсан.

Ҳ и к м а т

Шайтон мухлислар билан чиқиша билмас дағи сул-
тон муфлислар билан.

Ш е ъ р

Бурч берма намоз қилмаған мудбирга,
Очлиқдан агар тушуб ўларман деса ул.
Ҳақ бурчин ўдамаған сенинг бурчунгдан
Не қайғуси бор, сен керак Рустам бўл!

Ҳ и к м а т

Анингким тирликинда ўтмакин емадилар, ўлганинда
зикри хайрин демадилар. Юзум лаззатин боғ эяси бил-
мас, уйлаким етимлар билур. Юсуфи сиддиқ... Мисрда
қизлиқ йил тўйгунча емак емади, ҳатто очларни унут-
мағайман деб.

Ш е ъ р

Танаъум бирла роҳатга тирилган,
Не билсун очу муфлис ҳолини ул.

Тиласанг эйгу отинг мангу қолғай,
Аёқдан тушкан ални тутқучи бўл.

Ҳикоят

Икки нима муҳоли ақл дурур: бири улким, ризқи
мақсумдан ортуқ емак, иккинчи улким, ажали маълум-
дан бурун ўлмак.

Шеър

Бўлмиши йўқ қазо тағайюр ҳеч,
Қуфр этмак билан киши туну кун.
Ел вакили фариштаға не ғам,
Бир қарининг чароғи сўнган учун.

Насиҳат

Эй толиби ризқ, ўлтурким, егайсан, эй матлуби аж-
ал, дағи не қолдиким, дегайсан.

Шеър

Ризқ учун жаҳд қил, керак қилма,
Берур ул биру бори азз ва жалла.
Бир кишини минг арслон ўлтурмас,
Қелмайинча анга қазойи ажал.

Ҳикмат

Толеъсиз сайёд тенгизда балиқ тута билмас, дағи
ажалсиз балиқ қури ерда ўлмас.

Шеър

Елар дунёнинг ортинча ҳарис эр,
Улумин англамайин олтун ғамин ер.

Ҳикмат

Хасуд ҳақ таоло неъматиндан бахиллиқ қилур.

Шеър

Хасуд эрга бало келсун демаким,

Анинг узра ҳасад оғир балодур,
Не лозим сен анга душман бўлурсан,
Учунгни чин ҳасад андан алодур.

Ҳ и к м а т

Иродатсиз мурид муфлис ошиққа ўхшар; амалсиз олим емишсиз ағочқа; илмсиз зоҳид эшиксиз эвга; маърифатсиз сайёҳ қанотсиз қушқа.

Мурод нузули... тартиби сурати мактуб дегул, оммий мутааббид яёғ манзил олди дағи ўсал олим от била йўлда уйқуға ўюб қолди.

Ш е ъ р

Қўрунгиз, ул мурассаъ сўзли олим
Сотиб илмин, олур элдан дароҳим..
Иши аъмми, бекин дойим таманно,
Қачон бўлғай қуловуз сизга аъмо.

Ҳ и к м а т

Амалсиз олим болсиз занбурға ўхшар.

Ш е ъ р

Мурувватсиз аё занбури ҳикма,
Асал бермассан элга, бори тегма.

Ҳ и к м а т

Султон хилъати нечаким азиз эса, ҳар бир кишига ўз тўни андан азизрак турур.

Ш е ъ р

Не қадарким беклар оши тотли бўлса, эй қўноқ,
Ёрли йўқсулға қуру ўтмаги андан яхшироқ.

Н а с и ҳ а т

Суҳбат лавозиминдан бири улдурким, сўзни ўринда сўзлагай надим.

Ш е ъ р

Ҳикоят мустамеъларга кўра айт,
Агар бўлса, аларнинг сўзга майли.
Утурса оқил эр Мажнун қотинда,
Керакмас сўзи, илло зикри Лайли..

Ҳ и к м а т

Ул кишиким, ёмонлар билан юригай, нечаким, ан-
ларнинг табиати мунга асар қилмаса, тухматдан холи
дегул. Бир ким эрса ҳаммораға борса, намозга мансуб
бўлмас, хамр ичмаги маълум бўлур.

Ш е ъ р

Сухбат этма ёмон киши бирлан,
Не қадар пок эсанг мунажжас этар.
Кунаш анча буюклиги бирлан
Бир аяча булут кўрунмас этар.

Ҳ и к м а т

Ёлғон сўзламак ул захм бекин дурурким, жароҳати
битса нишони қолур. Юсуф... қариндошлари ёлғон би-
лан мансуб бўлди, тўғри сўзларина эътимод қолмади.

Ш е ъ р

Хатоға нисбат этмас ким эшитса,
Сўзи дойим анингким рост бўлғай.
Ҳар эр ёлғон билан машҳур бўлса,
Ким они рост деб иқрор қилғай.

Ҳ и к м а т

Ажалли коинот зоҳир юзиндан одамий дурур дағи
азалли мавжудот ит турурким, туз этмак ҳаққини би-
лур, ул одамийдан яхшироқким билмас.

Ш е ъ р

Туз этмакни унутмас калб гар юз
Қувар бўлсанг, яна қайтармас ул юз,

Мунофиқ суҳбатингда неъматинг ер,
Чиқиб душманларингга ғайбатинг дер.

Ш е ъ р

Бири давлат билан мағруру гофил,
Бири меҳнат билан ранжуру соил.
Бу ҳолатда қачон бўлғайсан, эй қул,
Кечиб ўз ишларингдан ҳаққа машғул.

Ш е ъ р

Тутар хушвақт бӯ зикринг бўлур ошиқлара мунис,
Агар бўлса алар балиқ ичинда уйлаким Юнус.

Ҳ и к м а т

Агар ул ҳукм қиличини чекса, наби ва валий бошин
ашаға чеккай, қачонким, лутфи ғамзасин ҳаракатга
кетургай, ёмонларни яхшиларга етургай.

Ш е ъ р

Гар қилса хитоб қаҳрин ул маҳшарда,
Узр этмага анда анбиё не имкон.
Жаннат тамаин қилиб анинг лутфиндан,
Дойим тутар ашқиё умиди ғуфрон.

Ҳ и к м а т

Имом Ғаззолийға сўрдиларким: «Бу манзилатга не
билан еттингиз?» Айтти: «Ониким, билмас эдим, сўр-
мага ор қилмас эдим».

Ш е ъ р

Ор кўрма билмаганин сўрмаға,
Сўрмайинча илм ўгранмас киши.
Илм ўқуб ҳар ким амал қилди эса,
Жаннат ичинда тафарруждур иши.

Ҳ и к м а т

Бир оқил эрдан сўрдилар: «Мунча фазилатким соғ
алда бор, нечун бир халқ юзукни сўл алга тутар?»
Айтти:

Ш е ъ р

Бу қазия олама маълумдур
Ким, ҳамиша мустаҳақ маҳрумдур.
Эй бани одам, сенга эркли илоҳ,
Ё фазилат берсун ул, ё иззу жоҳ»

Ҳ и к м а т

Ҳар ким ўгут эшитиб тутмаса, маломатқа тўш бўлур.

Ш е ъ р

Эшитиб тутмаса ҳар ким насиҳат,
Бўлур ул халқ аро дойим фазиҳат.

Ҳ и к м а т

Давлатлилар бурун кечканлар ҳикоятиндан ўгут
олурлар. Андин бурунроқ ким, сўнграгилар анлар во-
қеаси билан масал кетургайлар.

Ш е ъ р

Эй нечаларни кўрубтур бу жаҳон,
Эй нечалардан дағи ортиб қолур.
Сен алардан олмасанг ибрат букун,
Тонг била сендан булар ибрат олур.

Ҳ и к м а т

Ҳақ таоло анингким иродати қулоғин оғир яратиб
турур, ул нетқайким, эшитқай; дағи аниким, саодат ка-
манди билан чекқай, ул нечук илгари келмағай.

Ш е ъ р

Мутаққайлар қоронғу тун кўзга
Кўринурлар қамар бекин ойдин.
Куч билан топмади ким эрса жоҳ,
Бермайин холиқи замону замин.

Ҳ и к м а т

Кўкдан ерга нисор инар, дағи ердан кўкка губор чи-
қар.

Ш е ъ р

Ҳар бир киши сифотин аюр деб масалда бор,
Жарра ичинда не эса ташиндан ул сезар.

Ҳ и к м а т

Бир фақир муножот қилур вақти айтти: «Илоҳий, ёвузларға раҳмат қилғил, эйгуларға раҳматинг доим тегар». Аввал кишиким, тўнина тароз тикти дағи алина юзук кечуруб боқти. Жамшид эди. Айттилар: «Нечун барча зийнатни сўлга бердинг?» Айтти: «Соғға соғлиқи етар».

Ш е ъ р

Фаридун хаймасининг теграсинда
Насиҳат ёзмиш олтун бирла наққош:
Ёмонға эйгулик қил, эй сахий эр,
Саодат эйгуларға бўлди йўлдош.

Ҳ и к м а т

Бир ҳақимдан сўрдилар: «Тангри таборак ва таоло мунча турли ағоч яратиб турур. Текма бирининг бир оти бор, ҳеч бирини озод демаслар, илло сарвга мунда ҳикмат не турур?» «Ҳар бир ағочнинг дахли муайян турур. Маълум вақти билан бир вақт бўлурким, яшарур дағи бир вақт келур ким, куварур лекин сарвнинг ҳеч нимаси йўқ, аммо барча вақтта тоза дурур. Бу солиҳлар аломати бўлур».

Ш е ъ р

Эй булбули гулшани маъоний,
Сўзунг эшитиб кўнгул бўлур шод.
Ё нахл бекин сахий керак эр,
Ё сарв сифат ҳамиша озод.

Ҳ и к м а т

Барча кишининг экиши еса, тиши қамашар, илло қозиларнинг тотли еса қамашар.

Шеър

Гар еса қози олиб бартул сендан беш хиёр,
Ун қовунлуқ ул сенга ҳосил этарга қил ёрор.

Ҳикмат

Икки киши дунёдан кетти дағи ҳасрат надомат элти:
бир улким, йиғди дағи емади; бир дағи улким, билди дағи қилмади.

Шеър

Неъматни кўб бахил зоҳидни
Дойим эл таъна ўтина ўртар.
Минг эса айб бир сахий эрнинг
Карами жумла айбини ўртар.

Тамом бўлди таржимаи китоби «Гулистон»...

Шеър

Бир насиҳат шартин ўш қилдуқ баён
Ким, истамас бўлса бизга не зиён.
Ул биликли ким, эшитиб иш этар,
Ложарам мақсудина осон етар.
Йўл учун озуқ ануқ этмак керак,
Чун бу манзилдан кўчуб кетмак керак.
Мунда дойим эйгулук эткан киши,
Жаннат ичинда тамошодур иши.
Муддати ҳижрат еди юз тўқсон уч
Йил эдиким, оз эди алимда куч.
Аввали шаввол эдиким, эй азиз,
Хатм ўлди бу гулистонномамиз.
Комил эр айб истамас, кўзлар ҳунар,
Муддан кўзлаб ҳунар, айбин кизар.
Дам-бадам бу ранж ичиндадур ҳасуд,
Кўргузур доим мурувват аҳли жуд.
Ё илоҳий, сен муродин бер анга,
Ким бу мискинни дуо бирла анга.
Хайр уза тут бу китобат котибин,
Раҳматинг бирлан ғаний эт соҳибин...
Қил назар Сайфи Саройи ёрлиға,
Афв этиб ёзуқларини ярлиға.
Ул қўюб кетти жаҳонда ёдгор,
Бу гулистонни тари чўн навбаҳор.

Эмас афсона, чин ушбу битилмиш,
 Бу чин, афсонатек ишқда етилмиш.
 Айтгим оғлабон даврим жафосин,
 Бир эрнинг қиссан ахчи вафосин.
 Темур Урганжа тортиб келди лашкар,
 Кўруб кўз—кўр, бўлиб қолди қулоқ—кар.
 Қўзутти жанг билан оламда тўфон,
 Оқитти сув текин ер узра кўп қон.
 Экинчи эвлари ёқилди ўтқа,
 Будаё соврилди, тупроқ бўлди бўтқа.
 Улиб қатти сўғишда Тўхтамишхон,
 Тири ойрилди тувфондин туғушфон.
 Суҳайл алпни элттилар асирға,
 Ҳама қолди бўлиб ожиз бу сирға.
 Сипоҳийлар қилолмай қолди чора,
 Фақат қолдирди бу ғам дилда ёра.
 Суҳайл ҳусни эрур Юсуфдин олий,
 Этар мот олмани юзининг оли.
 Бийик ардамлари бор, сўзи ширин,
 Бўлур ошиқ ани кўрганда Ширин.
 Вали жавр тоши ёғуб боши узра,
 Этипти бошини ҳам қоши узра.
 Уна йўқдур зулмкорларда парво,
 Кема мунғойсин этиб дарда даво.
 Фақат ҳолини кўрганлар этур оҳ,
 Учар атрофда қушлар дардли ҳамроҳ.
 Бўлиб мутриб гулистонларда булбул,
 Қилур минг турли нағма бирла ғул-ғул.
 Бошин эгмиш етиб олтун бошоқлар,
 Бошоқларни экинчилар машоқлар.
 Йиғор дон эл учун шундан экинчи,
 Эрур бор экмакидин дур илинжи.
 Оғочларда шакар текин емишлар,
 Бу ерни эллари учмоқ демишлар.
 Суҳайл шу йўл ўза бормоқда ғамгин,

Севинчи қора кийган, кўзи намгин.
Унинг кўнглинда сўлғинлик ҳамиша,
Кўринмас унга гулзору на беша.

СУҲАЙЛНИНГ ЧОҲДА ЕТМИШИ

Пою илкин этиб занжир билан банд,
Оғочнида анга этдилар побанд.
Ва они ташладилар катта чоҳга,
Сира осмой алар гўш оҳу воҳга.
Гунаш дунё юзиндин чоҳга ботти,
Узулган гул текин тупроқда ётти.
У ётган чоҳ ича йўқ шуълаи нур,
Ўлангамас, тирига эрди бир гўр.
Ва лекин эрдами бор мув ўлмас,
Қавийларға ҳеч анда қўрқув бўлмас.
Фалак айланмаси-ла давр етгай,
Адолат урлуғумдин бахт битгай.

СУҲАЙЛНИНГ ТУШ КЎРМИШИ

Азоб ичра ётиб зиндонда Суҳайл
Этарди ҳорғонида уйқуни майл.
Кўриб уйқуда ҳам қўрқувли тушдин,
Қолурди айрилиб ҳар дамда ҳушдин.
Бу тушда: бир пари боғда юрармиш,
Юриб боғ ичра у гуллар терармиш.
Деюб анга: «Суҳайл, не гул терурсен,
Ўзинг гулшанда кўркли гул эурсен?
Недур зотинг париму ё одамзод,
Манга айт одинги доим этай ёд.
Шукурлар этойин оллоға минг бор
Қи еткурди манга сентак кунаш ёр!»
Жавоб кутди бўлиб у ишқ аро маст,
Вале тақдир кулиб тез бермади даст.
Ҳазолтек силкиниб қочти париваш,
Суҳайл кўнглига ташлаб катта оташ.
Суҳайл юрди рари қочган сориға,
Этай деб маҳвар дилкаш парига.
Еталмай кўргани рухсори моҳга,
Йиқилди югрубон пой узра чоҳга.
Уёниб билди шунда туш эконин,
Ва сизди ботғонин андуҳ тиконин.

**ШОҲ ҚИЗИ ГУЛДУРСУН СУҲАЙЛНИ КЎРГОНИ
ВА УНИ СЕВИБ ҚОЛГАНИН БАЕНИ**

Ўлан узра қурулган хаймада шоҳ,
Зафардан шод бўлиб ётмишди огоҳ.
Бор эрди шоҳ қизи, Гулдурсун оти,
Тилим эврилмас айтмоға сифоти.
Эмас гул юзи Гулдурсундин ортиқ,
Анинг кўнглинда ишқ тенгиздин ортиқ.
Этурди фасли гул сайри хиёбон,
Неча маҳрамлари бирлан хиромон.
Шу он келтирдилар чоҳга Суҳайлни,
Гулдурсун боқибон тўхтатти сайлни.
Суҳайлни кўрди-ю айланди биртек,
Кунаш гирдинда юрган мисли ертек.
Ўзин — гул билдию булбул — Суҳайлни,
Ани севдию таслим этди майлни.
Ва не чора қисин булбул қафасда,
Керак гул ғунчаси озод нафасда.
Севар булбул гулин, гул булбулин ҳам,
Нечун гул айласин булбул кўзин нам.
Гелиб Гулдурсун кўнглина бу сўзлар
Кежиб кунларки бунга чора излар.
У излаб чора, яхши чора топти,
Солиб ичина ғурниқ эви ёпти.
Эвини истади посбонга бермак,
Кечин бориб Суҳайлни ўлди кўрмак.

**ГУЛДУРСУННИНГ ЧОҲГА ТУШУБ СУҲАЙЛ БИЛАН
СУЗЛАШГОНИ**

Кечин бўлгач бориб босбонга ўтру,
Ўзин хоҳишин айтди анда ўтрув.
Эпи еб исригач бир онда посбон,
Чоҳ ичра боқди тез хуршиди тобон.
Не кўрсинким, бўлиб тупроқда беҳол,
Суҳайл ётур топтолмиш янгли гул ол.
Кўриб Гулдурсун оғлаб ҳолиға юз,
Чоҳ ичра кирди, қўйди юзина юз.
Суҳайл бошин кўтариб кўрди қизни.
Қул эрмас, подшоҳ деб сизди ўзни.
Унгинда тушдакин кўрганга у шод,
Алам тоши синиб, дил бўлди озод.
Алар юз қўйишиб бир-бир юзина,
Узоқ боқиштилар бир-бир кўзина.

Гулдурсун айтди анга: «Мен фидойинг,
Суҳайл айтди анга: «Улдим гадойинг.
Сенингсиз манга оламдур қоронғу,
Улимда солмағай бизлара ғулғу.
Агар минг жоним ўлса сенга тортиқ,
Бўлурму дўсту ёрлиқ шундан ортиқ».

СУҲАЙЛ БИЛАН ГУЛДУРСУННИНГ ЧОҲДАН ЧИҚИБ ҚОЧГАНЛАРИ БАЕНИ

Бу кеч сенгаю менга келди бир гез,
Деди Суҳайлга Гулдурсун: «Туруб тез,
Чиқиб чоҳдин узоқларга қочайлик,
Бу ерда ағламай кўнгил очайлик».
Суҳайл кийди туруб арвад қумошин,
Чиқарса кимса йўқ, чоҳдин у бошин.
Алар қўйди иккиси йўл сари пой,
Боқиб турганда йўлга зар сочиб ой.
Бирикиб кетди ошиқлар узоққа,
Илинмай йўл уза қўйғон тузоққа.
Алар кўп юрдию саҳроға кирди,
Гунашдин саҳро узра дўзах эрди.
Йўқ эрди сув, емакка анда утмак,
Агар бўлганда ҳам ақчаси лак-лак.
Учиб келмас эди қушлар бу ерға,
Топилмас эрди сув ташна ҳар эрға.
Йиқилди ташна Гулдурсун очиндин,
Кўмак кимдин келур, чўл ичра кимдин?!
Суҳайл борди топарға сувға, донға,
Вале дармон беролмай қолди жонға.
У ёлғиз саҳро ичра қолди ёлғиз,
Бўлиб ташна қуруб қолғонтек илдиз.
Менга яхши деди ёр бирла ўлмак,
На лозим ғам билан дунёда қолмак!
Шу сўзни айтти тиф урди ўзиға,
Кўринмай қолди кенг олам кўзиға.
Суҳайл оҳидин шу дам қўпти бўрон,
Анингтеким бўзулди чархи даврон.
Алар узра тўкилди, кўмди тупроқ,
Бу сирни танҳо саҳро билди кўпроқ.
Анга келди шараф мард ўлмагиндин,
На келғай эрди қўрқуб қолмагиндин?!
Улурму севги ҳам бил, шундан ортиқ,
Ки иккиси қилур жонини тортиқ.
Хотин содиқ, ани севгил азиз эр,

Ҳар оғир ишда ҳам доим сени дер.
Унга дўст бўл, уни севгил, кўнгил бер,
Унинг сўз баҳридин гувҳарларин тер!
Келиб кўнглима Мажнун, Лайли ёди,
Дафотар устуна сўз сели ёғди.
Бўлур бу битикким тарихга ёдгор,
Бу ёдгоримда ёлғон йўғу, чин бор.
Битийган номани эллар ўқуғай,
Суҳайлнинг тарихини тоза билғай,
Илоҳо асрагин Сайфи Саройинг,
Халос айлаб зулмдин кенг саройинг,
Ёди юз тўқсон олти навруз оёи,
Хатм этти буни Сайфи Саройи.

ҚУТБ ХОРАЗМИЙ ХУСРАВ ВА ШИРИН

(Низомийдан таржима)



Нашрга тайёрловчи:
Филология фанлари доктори,
профессор Ҳоди Зариф.

ҚУТБ ХОРАЗМИЙ ВА УНИНГ ТАРЖИМАСИ ТУҒРИСИДА

Шоир Қутб Хоразмий 1340 йилда улуғ озарбайжон шоири Низомий Ганжавийнинг «Хусрав ва Ширин» асарини ўзбек тилига таржима қилди. Қутбнинг бу таржимаси X асрдан то XIV асргача бўлган бадий таржима асарлари ичида энг мукамал ва энг юксак бадий маҳорат билан таржима қилинган бирдан-бир асардир. Бу асар ўз замонасида жуда катта ижобий роль ўйнади ва ўзбек халқининг бадий таржима соҳасидаги дурдона асарлари қаторида машҳур бўлди. Таржима тарихи ёзилар экан, Қутб Хоразмий номи алоҳида тилга олиниб, зўр фахр билан эсланади. У улуғ шоир Низомий Ганжавийнинг асарини ўзбек тилига таржима этар экан, ўзбек тилининг беқиёс куч-қудратини кўрсата билди.

Қутб Хоразмий ўз замонасининг илғор ва кучли шоири, классик адабиётнинг атоқли намояналаридан биридир. Унинг оригинал асарлари ва бошқа таржималари ҳақида бизнинг замонамизгача бирон маълумот етиб келмаган.

Қутбнинг таржимаи ҳоли, қачон туғилиб, қачон вафот этганлиги ҳақида ҳам аниқ маълумотлар йўқ. Қутб Олтин Урда хонларидан Ўзбекхоннинг ўғли даврида яшаган, Ўзбекхон 1312—1340 йилларда хонлик қилади. Унинг Тинибек деган ўғли бўлиб, шоир-таржимон Қутб ўз асарини унга бағишлаган. Шоир «Хусрав ва Ширин»ни маснавий тарзида арузнинг «ҳазажи мусаддас мақсур» вазнида таржима этар экан, оригиналнинг маъноси, сюжети, образларини тўлалигича сақлайди.

Октябрь революциясига қадар Низомий Ганжавийнинг уч достони ўзбек тилига таржима этилган: «Хусрав ва Ширин» (Қутб Хоразмий таржимаси), «Маҳзан ул-асрор» (Ҳайдар Хоразмий таржимаси) ва «Ҳафт пайкар» (Оғоҳий таржимаси).

Уччала шоир-таржимон ҳам Низомий Ганжавий асарларини ўзбек тилига ўғирар эканлар, ҳар қайсиси дostonга ўзидан кириш сўзи ёзади. Уларда гениал шоирга беқиёс ҳурмат, муҳаббат изҳор қилиниб, ўзларининг орзу-умидларини баён қиладилар ва айни дostonини нима учун таржима қилаётганликларининг сабабини айтадилар.

Қутб Хоразмий «Хусрав ва Ширин»ни таржима этар экан, ундаги асосий образлар: Ширин, Хусрав, Фарҳод, Меҳинбону, Шопур, Шеруяларнинг характер хусусиятларини ўзбек тилида асл нусханинг айнан ўздай беришга тиришади, воқеа ва сюжет линиясини тўлалиги билан сақлашга ҳаракат қилади.

Шириннинг портрет тасвиридан бир парча:

...Садаф ичра тизилмиштек тишлари дур,
Тишининг шуъласи дурга берур нур.

Ажойброқ ики лаъли бадахшон,
Кўрарман бўлмиш ул дур узра ғалтон.

Қароқи жодуси кўрганни ўртар,
Ёмон кўзлук кўзин кун бирла ўртар.

Тилин тебратса ул, эл кўнглин овлар,
Сўзи афсун-менгизтек тилни боғлар...

Бу мисраларни таржима деб ўйлаш қийин, гўё Низомий Ганжавийнинг ўзи ўзбек тилида ёзгандай! Таржимон кўз олдингизга гўзал, адолатпарвар Ширинни жонли қилиб гавдалантириб бериш учун ранго-ранг бўёқларни ишлатади, ўзидаги бор санъат кучини сарф этади, ўзбек тили бойликларидан эркин фойдаланади. Бундай ҳолни биз мураккаб образ — Хусрав тасвирида; баҳодир, меҳнатсевар, Ширинга мафтун бўлиб, шу йўлда қурбон бўлган Фарҳод образини гавдалантиришда, адолатли, меҳрибон Меҳинбону ифодасида ҳам кўрамыз. Мана, Ширин суратига қарата Фарҳоднинг айтган сўзлари:

Санинг ишқинг мени бу ишга илди,
Кетурди ушбу тош кесмакка солди.

Бу янглиғ ранжим ортти, иш узади,
Қарорим қолмади, сабрум йиради.

Сан онда бир ориғ гавҳар менгизлик
Турурсан тошлар аросинда гезлик.

Уш ондин ўтру мен бу тош кесарман,
Гуҳар илгимга киргай теб кусарман.

Таржиманинг тили тўғрисида шуни айтиш мумкинки, унда тушуниш қийин бўлган арабча, форсча сўзлар кам, бўлганлари ҳам халқ дилига сингиб кетган сўзлардир.

Қутб Хоразмий достонидаги сарлавҳаларни ҳам аниқ, равшан ва қисқа қилиб таржима этади. Масалан, «Хусрав Фарҳод бирла мунозара қилиб, Фарҳод тоғ қазмоқлиқи сўзи» (127-бет), «Фарҳод тоғни қазарда Ширин суратига қаршу зори қилғони» (131-бет) ва «Ширин Бестун тоғига Фарҳодни кўрмакка боргани» (137-бет) ва ҳоказо.

Таржиманинг вазнида сохталикларни учратмаймиз, қофиялар тўлиқ ва ихчам, улар бир-бирларини такрорламайдилар. Таржимон—Қутб Хоразмий Низомий диалогларига хос оригинал ибораларни ишлатади ва унинг маъноларини тўла беришга интилади.

Қутб Хоразмий Низомийнинг «Хусрав ва Ширин» асарини қайси қўлёзмадан таржима қилганини ёзмайди. Маълумки, Низомий «Хусрав ва Ширин» асарини 1180 йилда ёзган, Қутб эса 1340 йилда таржима этган. Демак, у 160 йилдан кейин Низомий асарини таржима эта бошлаган. Бу йиллар ичида Низомийнинг асарини бир қанча котиблар кўчирган, ҳар қайси қўлёзмага маълум ўзгартиришлар киритилган.

Бу эса оригинал билан таржима асарини солиштиришда қийинчилик туғдиради. Биз мисолни Озарбайжон фанлар академияси Шарқшунослик институти ва Низомий номидаги Тил ва адабиёт институти 1960 йилда чиқарган «Хусрав ва Ширин» достонининг илмий-танқидий текстидан олдик.

Бу китобни марҳум Л. А. Хетагуров нашрга тайёрлаган ва Е. Э. Бертельс муҳаррирлик қилган. Нашрга тайёрловчи ўнта қўлёзмадан, шу жумладан Париж, Лондон, Ленинград, Бокудаги қўлёзмалардан фойдаланган.

Қутб Хоразмий таржимада Хоразм шеvasида ишлатиладиган сўзлардан ҳам фойдаланган. Масалан, том ўрнида «учак», тўрт ўрнида «дўрт», қўл ўрнида «ал», «гилам» ўрнида «роли» ва ҳоказо.

Таржимон-шоир Қутб Низомийнинг «Хусрав ва Ширин» достонини бутун тўлалиги билан, унинг сюжети, композицияси ва мазмунини тамом сақланган ҳолда таржима қилган. Тўғри, оригинал 102 бобни ташкил қилади. Таржимада эса бу 91 бобга келтирилган, демак 11 боб қисқариб кетган. Хўш, қисқартишнинг характери қандай бўлган?

Қутб таржима қилганда воқеа ва сюжетни қисқартирмайди, балки бевосита сюжет билан алоқадор бўлмаган бобларни бир-бирига қўшган ва уларнинг номларини ўзгартирган, холос.

Бундан ташқари, таржимон «Хусрав ва Ширин» достони сюжетига алоқаси бўлмаган кириш ва хотима бобларни қисқартирган. Бундай ҳоллар асарнинг бошида ва охирида учрайди.

Шу каби қисқартиришлар натижасида бобларнинг сони камайган, лекин юқорида айтганимиздай, бу қисқартиришлар достоннинг мазмунига ҳам, сюжетига ҳам, композициясига ҳам таъсир қилмаган.

Биз Қутб Хоразмийнинг «Хусрав ва Ширин» таржимасини XIV аср таржимачилигининг нодир намунаси деб биламиз. У ўзбек адабиётининг олтин фондиди бойитди.

Жуманиёз ШАРИПОВ

Профессор, филология фанлари доктори

Равон бўл, э саҳарнинг хуш насими,
Утунсун шоҳқа мадҳ тил уш надими.

Ер ўпким, қурулмиш базми шоҳий,
Сурайёда урулмиш коргоҳи.

Ожун ул кун юзи бирла мунаввар,
Қим, андин дину давлат уш музаффар.

Улус — эл эрклиги, султони — хони,
Жаҳон халқи тан, ул тан ичра жони.

Хонимиз Тинибек шоҳи жувонбахт,
Қим, уш андин қувонур тож ҳам тахт.

Ети иқлим ичра ҳали бу замонда,
Тенгинг йўқ, шаксиз ул барча жаҳонда..

Буқун хонлиқ ўзинга кирту хонсан,
Уш андин ўтруким, жону жаҳонсан.

Билик қамчисини алак олиб уш,
Яна давлат отинга отланиб хуш.

Ақл тизгининиким, барк туттунг,
Ожун майдонинда тўб ўйнаб ўттунг.

Черики жанги янглиғ рост туздунг,
Мухолиф йўл уруғли бўйнин уздунг.

Хон эркан сандин уш рози қамуғ қул,
Қилич бирла чиқардинг тошдин уш йўл.

Зиҳи Рустам билак, Заҳҳоки соний,
Ғалат айдим, бор эзгурак маони.

Агар анларда худ бор эрдиса тож,
Бағишларсан ўкуш тож қўлса муҳтож.

Иликда хотамунг нақш урса мумға,
Хирож олғоч келур ул текса Румға.

Ёйилди эзгу отинг тўлди офоқ,
Юзунг кўргуга олам халқи муштоқ.

Анингтек ким бағишлади изи жуд,
Ер ўпкай эрди тирик бўлса Маҳмуд,

Ики ожунни ҳақ бир хонга бермиш,
Бу ҳусну хулқким, сан жонға бермиш.

Яна хулқинга лойиқ табъи мавзун,
Сочар ҳар бир сўзинг минг дурри макнун.

Зиҳи хулқу зиҳи фаҳму зиҳи илм,
Зиҳи ақлу зиҳи табъу зиҳи ҳилм.

Зиҳи хонлиқ, зиҳи шафқат, зиҳи дод,
Дуо бор ҳаққингда, йўқ уш фарёд.

Не Хусравким, букун ҳам хусрави Чин,
Керак ўгранса подшоҳлиқни сендин.

Қачон Хусравда бор эрди бу сийрат,
Малактек қайда ул Ширинда сурат?

Туман Хусрав қулунг бўлса ярарким,
Бу Ширин шахс бирла сан мулозим.

Бу ҳақнинг чин Сулаймонисан, э шоҳ,
Ким, уш Билқистек ёнингда бор моҳ.

Ғанимат тут бу дамниким, тобулмаз,
Нетакким, елдин ўш ҳеч том ёбулмаз.

Ишонч йўқ бу жаҳонға яхши тирил,
Йигитликни ғанимат тут, кечар, бил.

Фалак маккор эрур, зинҳор инонма,
Бу қоч кун ҳуш тирикликдин ўсонма.

Изи бермиш қамуғ иш ичра нусрат,
Танаъум қил ўзунг тобмишча фурсат.

Анинг бермишинга шукр эт, юзунг сил,
Кучинг етмишча тангри қуллуғин қил.

Яратғон тангри мундоғ шод тутсун,
Фалак нардин сенинг толеъинг ўтсун.

Юруткил етти иқлим узра фармон,
Ожун халқинга бўлмасун азин хон.

Нечаким кун бирла ой кўкда бўлса,
Уш ончоқа текиким, ер бузулса,

Малика бирла хуш ишрат қилингиз,
Кўра билмаз киши бағрин тилингиз.

Юруттунг етти иқлим узра фармон,
Ожун халқинга бўлмасун азин хон.

Юрусун Мисру Шомда ярлиғингиз,
Табуғда ирғасун кўб ёрлиғингиз.

Жаҳон хоқонлари бўлсун қулунгуз,
Фалакка етсу(н) ҳукм ичра қўлунгуз.

Бу подшоҳлиқда бархурдор бўлунг,
Ўкуш йил соғ-саломат бор бўлунг.

Қутб ҳам давлатингиз соясинда,
Ёш ўғлонтек иноят доясинда

Тутуб жон парвариш, ўгрансун одоб,
Нетакким тобти гул хуш йизғи гулоб.

МАЛИКА МАРҲУМА ХОНИМАЛИК МАДҲИ

Малика аср хотуни замона,
Ким, ожунда эрур ҳоли ягона..

Жамилахон малик ул бахт ўрки,
Оқ ўрду давлати, ул тахт кўрки.

Тенги йўқ ҳусну лутфу хулқ ичинда,

Чин ойтөк юлдуз аро халқ ичинда.

Юзи нурунға хөч йўқ боққу имкон,
Жаҳон хотунлари — сурат, ўзи — жон.

Ниқоб олса юзиндин уфтонур кун,
Хижил бўлур сочиндин ҳам қаро тун.

Яна хусниға лойиқ лутфу ахлоқ,
Хөч уксуксиз яратмиш они халлоқ.

Анодин туғмади мунтек тақи бир,
Кўруб таҳсин қилур ўғлон, йигит, пир.

Қамуғ олам юзин кўргуга муҳтож,
Озоқи тўброқи бошлар уза тож.

Анингтек хусну лутфи бўлди маъруф,
Қим, ожунда йўқ онтек бўлса мавсуф.

Анинг бу эзгу оти оламда машхур,
Бўлуб тўлди бу учмоқ ичра ул хур.

Йигитлик мулкати ҳам хуррам андин,
Тирикликнинг асоси маҳкам андин.

Ўшул тўнким буюнға бичмиш иқбол,
Фалак бўрк олмиш ондин тутғуға фол.

Фалак қуллуқта эрди ўз отинға,
Учакдин тушгай эрди худ қотинға.

Агар душман ери худ бўлса афлок,
Анга йўл йўқ табуғда ўфкуга хок.

Озоқи туброқи юз турлу жавҳар,
Қачон дур бирла тош бўлур баробар?

Ул ўтким давлати чақмоқида бор,
Агар душман темурдин эрса куёр.

Бўлур душман тутуниндин кўмур уд,
Занабдинким, нетак Миррих масъуд.

Тарозутөк тузуб ул барча ишни,

Хуш онглар дўсти душман, ёт билишни.

Қамуғ турлук биликлар ичра комил,
Қолур ҳайрат сўзин тингласа оқил.

Сўз ичра қил ёрар ул шоҳи хубон,
Мунунгтек сўзга худ табғинда не сон.

Валекин бор уминжим ондин уш ким,
Билик қадрин билурин яхши билдим.

Биликликни оғирлар билки бор теб,
Ғарибни асраюрким кўнгли тор теб.

Не ҳожатлиғ келур бўлса тобуғда,
Муродини тобор ушбу қобуғда.

Ғарибу шаҳрию дарвешу мунъим,
Бу хизматқа келиб шукр аймағон ким?

Қабул қилса малак табғинда дойим,
Кучум етмишча ман ҳам мадҳ аёйим.

Малика давлати асрор бўлса,
Яна ҳиммат бу қулунга ёр бўлса,

Нечага еткур тирик бўлса ўзум,
Дуо бўлғай ҳамиша тилда сўзум.

Малика, Тинибек, шоҳ бор бўлсун,
Ҳамиша соқчиси жаббор бўлсун.

КИТОБ НАЗМ ҚИЛМОҚҚА САБАБ БАЕН АЮР

Неча йил бўлди жоним сукур эрди.
Кўнгулда ушбу андиша бор эрди.

Нетак шоҳ тобғинга бир борғаман теб,
Бу кўнглум қазғусини торғаман теб.

Кўруб кўнглумким асру рағбатим бор,
Буюрдиким қатиглон эмди, э ёр.

Равон, эй Қутб, таркин кеч бўлур бил,
Не билгайлар сени сўзлатмасанг тил.

Низомий назми янглиғ туз сўзунгни,
Анин билгут хонингға бу ўзунгни.

Хоним бирла малика отинға бир
Қитобе қилғуға қил, теди тадбир.

Бўюм шаҳринга кўнглум эрди султон,
Жоним андин қабул қилди бу фармон.

Кўнгул фармонини жон бирла туттум,
Азин соқинчни бир йўли унуттум.

Қазонтек қайнаб уш савдо пишурдум,
Низомий болидин ҳалво пишурдум.

Хоним отинға ушбу порси тилни,
Чевурдум, туздум, уш назм узра қилни.

Чиқордим хуш йизиглиқ сув бу кўлдин,
Кўнгуллар қонсу теб бу софий сувдин.

Қилиб хон давлати бу қулға ёрий,
Кеторди тангри табъимнунг ғубори.

Тузуб тил булбули бу назм уза соз,
Бу парда ичра келтурдум хушовоз.

Муродим эрди улким, бу қабуғда,
Келиб йўл тобсаман теб бу табуғда.

Сафар ранжин кўрум ўзум қоч айём,
Табуғқа еттим эмди уш саранжом.

Нечаким келдим эрса ман валекин,
Тугал келдим, тугаллик яхши уш чин.

Не хуш айди (ким) ул бир пир комил,
Етизгил неча кеч келсанг, эй оқил.

Бу келмакликда мақсуд эрди буким,
Етургай ҳақ тию мунда тилаким.

Биҳамдиллоҳ тилакка ҳақ етурди,
Тилак илги ўминж ёсини қурди.

Бу кўнглумнунг қушиким, топти хуш боғ,
Керак булбул ўқуб, урсун керак зоғ.

Яна кўнглум, сўз оро қилди овоз,
Ким, эй булбул, очилди гул, келиб ёз.

Жаҳон бўстони қайда бўлди хуррам,
Бор эрса ишқинг эмди сўзла сан ҳам.

Уш андин бу ошиқларнинг сўзини,
Тузуб мунтек безадим сўз юзини.

Кишинингким кўнгулда ишқи бўлса,
Нетонг булбул менгизлик ул зори қилса.

Фалак миҳроби ишқ эрмиш хуш онгла,
Ошиқларнинг сўзин ишқ бирла тингла.

Кишиким ошиқ эрмаз жони йўқ бил,
Улукни борму тер ожунда оқил?

Агар ит кўнглинга ҳақ ишқи кирса,
Келур ул тилга кетмаз урса, сурса.

Агар бўлмаса ошиқ чархи базром,
Не саргардон юрир, қилға эрди ором.

Ошиқ бўлмаса ушбу етти қат ер,
Недин мунча халойиқ захмини ер?

Тенгизлар ошиқ эрмаз эрса бир сўр,
Недин қайнар, не ғуррушлар қилур кўр?

Қаюнингким бир олам ичра кўрдум,
Недин мунтек тию ақлимға сўрдум.

Аюр: ишқ бирла тирик ушбу олам,
Агар ишқ бўлмаса бўлмаз эрди одам.

Жоним ишқдин фараҳ топти эса билдим,
Кўнгул бердим, еринга ишқ олдим.

Бу ишқим бирла бошлаб дostonни,
Сало теб ишққа ундадим жаҳонни.

Анинг ёсин кўтурмаз эрди ердан.

Қамандиндин қутулмаз эрди душман,
Ёрар эрди ўти ким теса тўшман.

Ногоҳ бир йилдиримтек гукрар эрса,
Сунгусин тошдин ўтрур эрди урса.

Тамомким умри ўн тўрт ёшқа етти,
Билик семурғи тан Қофини тутти.

Назар кезланчи жустлуқларға қилди,
Не эзгу, не ёмон борчани билди.

Бор эрди бир Бузург Уммид отлиғ,
Улуғ билга, юзи сувлуғ, уётлиғ.

Бўлуб кезланчи розларни билиб чин,
Фалак ганжларининг тобмиш килидин.

Озоқи ер юзини барча кезмиш,
Фалак анинг ишин ройинча тузмиш.

Ани хилватқа ундаб шоҳзода,
Келиб руҳ ерга қўйди шоҳ пиёда.

Илм дарёсидин излаб жавоҳир,
Топуб, тутти этагин, бўлди шокир.

Билиб таълим олиб, кўнглин ёрутти,
Укуш ҳикмат билиб, қурсоқда тутти.

Қамуғ навъ ичра ул шаҳзода чолок —
Бўлуб моҳ англади барча сирри афлок.

Бу оз умринда ул бир дурри макнун,
Бу янглиғ илм ичинда бўлди зуфнун.

Чиқиб ғафлатдин огоҳлиққа тегди,
Қамуғ ардам уза шоҳлиққа тегди.

Торилди эрса андин жаҳл суси,
Анга билгурди сирлар жайсуси.

Қамуғдин ўзруб ул хизмат жаҳонин,

Кечурмаз эрди хизматсиз замонин.

Атоси севди жаҳониндин ортуқ,
Жаҳон худ не бўлғай жониндин ортуқ.

Анинг ёши узун бўлсун тею шоҳ,
Зулмдин йиғди элни, қилди огоҳ.

Чақиртти билсу теб рустову шаҳри,
Тегар куч қилғучиқа шоҳ қаҳри.

Киши кирмасу боғчилар боғинға,
Тавар сурмасунлар ҳам тарлоғларинға.

Қаюким боқса номаҳрам юзинга,
Қийқиртти вой теб анинг ул юзинга.

Сиёсатни юритгайман тею шоҳ,
Бу сўз узра талим онт ичти ногоҳ.

Шоҳ ўз адли уза турдиса дойим,
Жиғой бой бирла нард ўйнади қойим.

Хароблиқ ал кўтарди барча ёндин,
Зулм қамчиси кетти эрса алдин.

ҲУРМУЗ ХУСРАВНИ ЕЗУҚЛАҒОНИ

Қазо то бир кун ул Хусрав хиромон —
Эр отланди, қилолинг тею жавлон.

Тамошо бирла ов овларда ул шоҳ,
Гало кўрди йироқдин, боқти ногоҳ.

Анинг тўрт ёни чимгон эрди хуррам,
Тушуб ишрат қилалинг теди бир дам.

Ичарди ул шароби арғувони,
Чечактек кун юзининг кетти қони.

Келурда кун ҳисори тушти ерга,
Етиб ҳинду чериги тузди ерга.

Ҳазимат бўлди Рум султон суси,
Хабар англади ҳинду жайсуси.

Бўлуб ҳинду чериги барча бирга,
Кечиб бу гунбади хазрода тўрга.

Нетакким, ҳиндулар оламни тутти,
Нилуфартек сувға кўн қалқонин отти.

Салода шоҳзода эв тилади,
Бу сархушлуқ била мажлис безади.

Ултурди ул кеча ишрат била хуш,
Тонг отғинча қилу бир-биринга нуш.

Суроҳи қилқилидин меъда хуррам,—
Бўлуб, жон ҳам фархлар тобти ул дам.

Шароби арғувоний нуш қилди,
Тонг отғинча қўбузчи чанг чалди.

Бу ишрат ичра эркан келди овоз,
Қаранғулуқ қуши етиб қилди парвоз.

Яна шаҳзоданинг хизматчи ўғлон,
Гужамлаб ғўра олмиш тею боғдан.

Туғуб кунким, жаҳон юзин ёрутти,
Қаранғудин бу оламни оритти.

Қочиб зотек фалак тўтисидин тун,
Қаноти остининдин чиқти бу кун.

Нетакким тун ниқоби кетти кўздин,
Хабарлиғ бўлди олам ушбу сўздин.

Қим ул Хусрав адабсузлук қилинмиш,
Атосиндин нетак қўрқмаз, не бўлмиш.

Неча такким тиймазхир бор эрди.
Бу сўзни шоҳ қулоқинга текурди.

Маликман ёзуқин билмон теди ҳеч,
Айттилар кечақим қолди ул кеч.

Оти эл тарлоғинда ўтлар эрди,
Қули ҳам ғўраларқа қўл текурди.

Кеча бир дарвиш ўрнун кўч этти,
Номаҳрамлар чанг униң эшитти.

Ўғулдин ўзгалар қилса бу ишни,
Кетаргай эрди шоҳ ул танда бошни.

Очар фассод укуш элдин тамарлар,
Ўз илким санча билмаз, кўнгли қўрқар.

Малик фармонлади ханжар олинг теб,
Кесиб отлар азақини солинг теб.

Қулин ғўра маним етканга берди,
Шакар шўра маним теканга берди.

Қўши бирла неким рахти бор эрди,
Ани барча эв ийисинга берди.

Қамуғ кестурди чанги бармоқини,
Кесиб қўл, қўзтилар чанг урмоқини.

Ўза мундоғ сиёсат юрир эрди,
Аймаз ётқа, ўз уруғи кўр не кўрди.

Қани ул адлу ул тузлук уш эмди,
Қим ул ўз ўғлинга андоғ қаҳр қилди.

Букун ёзуқсуз эрнинг қони тўклур,
Ҳила тазвир ким кўб билса қутлур.

Қайит Қутб, онча эмгатма ўзунгни,
Ҳикоят бошла, қўй ўтмаз сўзунгни.

ХУСРАВ ОТАСИНҒА УЛУҒЛАРНИ ШАФОАТГА КЕЛТУРГАНИ

Нетакким, Хусрав ул хорлуқни кўрди,
Ўз ишинда бир онча соқну турди.

Ёмон қилдим тею ул барча ишни,

Фикр бирла тутуб турди бу бошни.

Бу соқиш бирла бир соат ўтурди,
Ўтурмоқ яхши эрмаз, тею турди.

Шафоат қилғуға йиғди улуғлар,
Мени шоҳ табуғинга элтинг, теб йиғлар.

Ажаб йўқ шоҳ қабул қилса шафоат,
Бу кечкан ишда қилмаса маломат.

Кафан кийди, қиличин илка олди,
Кўруб халқ — жаҳон фарёд қилди.

Улуғлар илгару юрурлар эрди,
Асиртек шоҳзода сўнгича борди.

Етиб тахт олинга, кетти қарори,
Ёзуқлуғлартек йиғлаб қилди зори.

Қим, эй шоҳ, ярлиқа ацжақ ёзуқла,
Улуғлук қил, кичикларни бағишла.

Бу Юсуфни кўруб, бўруга берма,
Кичик эркан улуғ ёзуқни, сўрма.

Қим бу бир ёзуқум қилғил иноят,
Шоҳ ўфкасинга йўқ ҳеч менда тоқат.

Ҳануз сут йидланур оғзимдин, эй шоҳ,
Маним қонимни суттек тўкма ногоҳ.

Агар журм эрса уш ман, уш қиличим,
Ҳам ўлтурсанг уш таслим бўлдум.

Не қазғу бўлса тирку тургай эрдим,
Бу кез шоҳ бўлсу хушнуд ўтну келдим.

Бу сўз айту яна туброққа ағнаб,
Бошин солди азақ олтинда йиғлаб.

Кўруб кетти халойиқнинг қарори,
Қамуғ йиғладилар ул дамда зори.

Анингтек йиғламоқ ул шоҳқа текди,

Йиғиндин ҳой-ҳойи моҳқа текди.

Бу нозуклук била ўгранмиш ўғлон,
Бу янглиғ ишинга бўлди кўб пушаймон.

Ўғул ким бўлса, чин давлат анга ёр,
Ҳамиша ул атоси кўнглин излар.

Атоға ким бу янглиғ қилса хизмат,
Ўз ўғлиндин анингтек тобға иззат,

Ўғул эзгу, ёмон не қилса андин,
Керу ўз ўғул ёндурғай жазосин.

Кўруб Ҳурмуз ўғул қилмиш ишини,
Мунингтек рою тадбир қилмишини.

Тангирқаб ўғли қилғон фикру ройин,
Олиб юзинга суртди кун чиройин.

Ўқуб ўхшар кўзи ёшини силди,
Анингтек қилмағил теб аҳд қилди.

Бўлуб хушнуд шоҳ ул хизматиндин,
Ожун тўлди анинг эзгу алидин.

Адл белгуси билгурди ўзинда,
Жаҳон тутмоқ нишони ҳам юзинда.

ХУСРАВ ТУШИНДА УЛУҒ ОТАСИ НУШИРВОННИ КУРГАНИ

Нетакким, сочти тун зулфи йипори,
Қаронғулукқа кирди кун ҳисори.

Қуёш юзинга ожун парда тутти,
Ёруқлуқ ер юзиндин қочти-кетти.

Кеча бўлдиса Хусрав эвга кирди,
Изига ёлбориб бирдам ўтурди.

Севинч бирла тушинга кирди Нўшин,
Севинмадинг тею ул тунги тушдин.

Кўрар ўз жаддини тушинда ул тун,

Келиб Хусравқа айтур: эй юзи кун.

Севуклук тўрт ниманг кеттиса сендин,
Башорат тўрт нанг узра тингла мендин.

Бир ғўра егандин қазғу единг,
Нечаким аччиқ эрса тотли тединг.

Кўнгил овунчаси қўйнуида бўлғай,
Анинг ширинлиги ожуиға тўлғай.

Иккинчким, кестилар отинг азақи,
Кўнгил эмгатмадинг, эйжон, бутақи.

Елиб елга етар бир от бўлғай,
Ушул тун рангли Шабдиз от бўлғай.

Учунч рахтинг шоҳ ул деҳқонға берди,
Узунг ул ишда розилиқда турди.

Санга бергай анингтеқ бахт қодир,
Ким ул бўлғай қамуғ дурру жавоҳир.

Яна тўртунчи жонинг сабр қилди,
Ким ул парда ичра мутриб жанг солди.

Йирловчи табғосан бир жонқа роҳат,
Зухрага бергай овози ҳаловат.

Тош ўрнинга тобғайсан теди олтун,
Бу тўрт муҳрага ул тўрт дурру макнун.

Маликзода уёниб уйқусиндин,
Шукрлар қилди севнуб бу тушиндин.

Тилин сақлаб кишига аймади роз,
Боқайин теб тушум кимга бўлур воз.

Биликликларни ундаб тун қата ул,
Ҳикоят сўрар эрди чиқға теб йўл.

Сезар эрди анинг кўнгли бу ишни,
Алардин тобғаман теб бир билишни.

ШОВУР ШИРИН ҲИКОЯТИНИ ХУСРАВҚА АЙТУ БЕРГАНИ

Бор эрди бир надими оти Шовур,
Лаҳовур кўрган эрди ҳам Нишовур.

Замона нақшини чин билмиш эрди,
Қамуғ иқлим тафарруж қилмиш эрди.

Анингтект чуст эди ул табъи мавзун,
Ким ўз асри ичинда эрди зуфнун.

Ер ўпгач айди, эй шоҳи жаҳонгир,
Айтсам кўрганимни бўлғаму бир.

Агар фармонласа шоҳи жаҳоним,
Аёйин юзда бир кўрган нишоним.

Ишорат қилди Хусрав, эй жувонмард,
Равонким, бўлмасун ҳангомамиз сард.

Саноат бирла сўзни юзламагил,
Сўзунг ошкора сўзла, кезламагил.

Сўзин бошлаб аюр Шовур сарвар,
Тили тўтиси хуш ун бирла сайрар.

Неча бу дунё бор бўлса фалак қул,
Йил ой гечмишча давлат бирла бўлгул..

Жамолингга йигитлик ёр бўлсун,
Муродингинг гули бехор бўлсун.

ШОВУР ХУСРАВҚА ШИРИН ҲИКОЯТИН ҚИЛҒОН СУРАТИ

Фалак остинда кездим мунча офоқ,
Ажойиб кўрдум ожун ичра явлоқ.

Куҳистон ҳаддинда хуш манзили бор,
Яқин дарёқа, эй шоҳи саровор.

Юруттур анда бир хотун фармон,
Тутар фармонини халқу сипоҳон.

Эрур ул асли шаҳзода билурман,
Анинг ҳукминда барча мулк Арман.

Қамуғ шоҳдин олур молу хирожин,
Агар бермаса тушрур бошда тожин.

Бор ул минг қалъаси тоғ устунда,
Хазина кўбрак анинг ҳам остинда.

Эранлардин ўкушрак эрдами бор,
Миҳинбону атанмиш ул саровор.

Ўзи ўлтурмоқинга хуш ҳавода,
Яраштурмиш неча қувси муҳайё,

Бўлур Миҳинбону ёз кунларда хуррам,
Томошасиз кечурмаз йилда бир дам.

Келур ёй кунда Арман тоғларинда,
Чечактек очилиб ўйнар тоғларинда.

Яна кўр бир ери бор, оти Абхоз,
Қилур сайд, ул солар қушларқа шаҳбоз.

Бўлур бир тоғда қиш фаслинда дойим,
Ҳаво шатранжин ўйнар меъда қойим.

Эрур тўрт фасл ичинда ихтиёри,
Ҳаво (йи) хуш қилур жисминга ёри.

Бу мунча молу мулку давлатинда,
Қариндоши қизи бор бир қотинда.

Тилар анинг учун ушбу жаҳонни,
Ёритур юзи нури чиқса тунни.

Ўзи ёлғуз, эри йўқ, эй жаҳонгир,
Қилур ўз райидин минг турлу тадбир.

Садаф ичра тизилмиш тишлари дур,
Тишининг шуъласи дурга берур нур.

Ажойиброқ ики лаъли Бадахшон,
Кўрарман бўлмиш ул дур узра ғалтон.

Қароқи жодуси кўрганни ўртар,
Ёмон кўзлук кўзин кун бирла ўртар.

Тилин тебратса ул эл кўнглин овлар,
Сўзи афсун менгизтек тилларни боғлар,

Кулар бўлса тўкар эринда тузин,
Сучук бўлмаз туз ул шаккарда ширин.

Юзин кўрган киши ой тею соқнур,
Кўрукли кўзга ой юзи берур нур.

Анинг шамъинга парвона бўлур жон,
Ёруқлуқинга йўқ ҳеч боқғу имкон.

Қоши ётек анинг, ҳам кирпуки ўқ,
Анингтек ёу ўқ ожунда бир йўқ.

Сабо хирқа кизиб ул зулфу қошдин,
Сотар қундуз била киш ул қумошдин.

Қароқи узра бўлмиш ғунча кабоқ,
Сақоқи олмасин сақлар явлоқ.

Янгоқи кун ёруқинга йўл урмиш,
Анинг кўркиндин ой ҳам танурмиш.

Кумушдин нор янглиф икки бўстон,
Сочар шаккар ангор ул шаккаристон.

Набот тўклур бирор тебратса лаълин,
Сифатким қилғай ул Ширин феълин.

Юзи кунтек, сочи тун, олни ой ул,
Кўзи наргис, энги гул, кўрка бой ул.

Уғтан сунъиндин ул бир сарвқомат,
Кумуш андом, эрин шаккар ҳаловат.

Ики занги чечак устинда ўйнар,
Ани кўрган кишини жони куйнар.

Ивуқ янглиқ сочар зулфи улаш кин,
Кўзи ёши била ювмиш этакин.

Агар андоза олса ўз кўзиндин,
Юз оҳу овлаюр ул кўзлари чин.

Кишига боқса ул кўзлари оҳу,
Қуён янглиғ кетар ул кўздин уйқу.

Тамом хирмон чечактек қадди, йўқ хор,
Чечакидин йўқ имкон олса дайёр.

Анинг ул наргиси махмурини айсам,
Тегар райҳон Эрам боғинда ҳар дам.

Қоши чин байрам оининг ҳилоли,
Ўзин қурбон қилур ким кўрса холи.

Хаёлини кўриб Мажнун тонглар,
Жамоли бирла Лайли қойим ўйнар.

Тамом бармоқлари бармоқ шакартек,
Билаки ож янглиғ, тани қортек.

Уялур ой анинг кунтек энгиндин,
Хижолатлиғ бўлур тун ҳам менгиндин.

Юзи ширин, сўзи ширин, ўзи ҳам,
Дами жонқа сабаб Исою Марям.

Уш андин ўтру бўлмиш зулфи зуннор,
Эрини лаъл янглиғ, тиши ҳам хор.

Анинг ул лаълу инжу шаккари нуш,
Муфарриҳ эркан, ул савдо қилур хуш.

Қилиб наққошлар нақш элтти Чинга,
Қўюб бош ул азақи тупроқинга.

Миҳинбону тузуб бу пардада соз,
Чиқармиш Ширин оти бирла овоз.

Не кўрклук қиз кам ул эллар аро бор,
Қамуғ Ширин табуғинда бўлурлар.

Тугал етмиш аслзода қатинда,
Бўлурлар барча дойим хизматинда.

Назири йўқ аларнинг кўрк ичинда,
Алартек бўлмағай Чину Мочинда.

Мухолиф йўқ қамуғи рост бирга,
Тузарлар чанг янглиғ йирга-йирга.

Хиромлаб текма бири чин ҳумойтек,
Ғалат айдим юрирлар тўлун ойтек.

Тушуб боғларда хуш мажлис қуарлар,
Бу янглиғ завқ этиб, ишрат сурарлар.

Эрам боғи бўлур ул дамда бўстон.
Тўлар бир боғқа мунча нористон.

Тамом қадди аларнинг сарви озод,
Хиромларлар бири-бириндин устод.

Тўлуб писта оғизлар қанду шаккар,
Ажаб ким анча ширин бўлса кавсар.

Эрин ёқуту тиш дур, лафзи гавҳар,
Сочар гул энг узра сочлари анбар.

Қўтармазлар ниқоб эл кўрмасин теб,
Ёмон кўзлук боқиб, захм урмасун теб.

Бу янглиғ кўрк ичинда эшлари йўқ,
Томошадин азин ҳеч ишлари йўқ.

Қилиб жавлон ожун ўтқа ёқарлар,
Йироқдин хуш тафарружга боқарлар.

Ёғи билгурса ногаҳ элларинга,
Куртармаз жон, керур тарк элларинга.

Урушда йиртиб арслон панжасини,
Яғандин ҳам чиқарурлар тишини.

Агар учмоҳда ҳури эрса машҳур,
Ул эл учмоҳ эрур, ул фитналар ҳур.

Миҳинбону буларни мунтек асрар,
Ҳисобин билса бўлмас олтуни бор.

Ахурда бир оти бор элга бермаз,
Азақи туброқинга ел иярмаз.

Сабақ олмиш ҳавода қушлар андан,
Сувда ивракча қўрқмаз бўлса туфон.

Етайин кўкга ўвқада ёбилмиш,
Фалакни етти майдан артқа солмиш.

Темуртек туйнақи тоғлар қазар ул,
Ети дарёни бир кўлча юзар ул.

Замона янглиғ анинг югруши чин,
Ўзар юлдузни тунтек узса тизгин.

Эрур Шабдиз оти, ранги тунтек,
Севар ғоят ани ул юзи кунтек.

Не Ширинтек киши кўрди бу кўзум,
Не Шабдиз янглиғ от эшитти ўзум.

Тугатти эрса сўз Шовур сарвар,
Фароғат кетти — ишқ уйғонди, гукрар.

Бу янглиғ ишқ ўтинға солди бунёд,
Ўшул Чин ичра кўб нақш этган устод.

Меҳр Ширинга бағлаб тонглади шоҳ,
Бу Шириннинг сўзинким тинглади шоҳ.

Муаттар бўлди Хусрав ушбу ишдин,
Топуб таъбирини ул тунги тушдин.

Бўлуб савдо, кўзундин уйқу кетти,
Ишқ узр этиб ким кўнглин унитти.

Ҳамиша бу ҳикоят сўрар эрди,
Азин сўзни димоғиндин чиқарди.

Неча кун ушбу соқинч ичра қолди,
Қуруғ сўз тинглаю ол менгзи сўлди.

Иш алдин борди эрса ал кўтарди,
Қириб бир хилват эв ичра ўтурди.

Ҳикоят айғучини ундаб ул шоҳ,
Бу Ширин ҳолидин ул дам қилди огоҳ.

Қатиф дармонда бўлдумтеб, эй вафодор,
Мадад қил, бир илик тут, теди зинҳор.

Бу кўрклук ишгаким бунёд солдинг,
Тамом эткил, йўқ эрса жоним олдинг.

Ҳикоят қўй, сўзунгни мухтасар қил,
Утурма тур, Кўҳистонқа сафар қил.

Ўзунгни бутқа топғонларқа ўхшат,
Топақўр ул бутумни ҳила қил бот.

Кўруб англа кўнгилда раҳми борму?
Ёхуд ҳеч одами урғин севарму?

Агар мум янглиғ ул бу муҳр нақшин
Тутар бўлса, равон ул меҳр нақшин.

Темуртек бўлса кўнгли қил хабарким,
Совуқ эркан темурни тугмагайм.

ШОВУР ҚУҲИСТОНҚА БОРИБ ҲИЙЛА ҚИЛҒОНИН АЮР

Ер ўбди ул маони кони Шовур,
Ким: эй Хусрав улаш шодилиқ ортур.

Ожунда дойим эзгулар била бўл,
Ёмон кўзлук қатингда топмасун йўл.

Дуо қилмишда сўнг Шовур сарвар,
Жавоб айдиким эй оламда меҳтар.

Қалам нақшинга ман худ бергаман ранг,
Вале нақш узра келур бўлса тек ул енг.

Не суратким қилурман анда йўқ тил,
Уча билмаз не қушким чизса ман бил.

Бу ишга чораман бечора билман,
Ожизликдин азин ҳеч чора билман.

Валекин ҳақдин уш ёри қўлайин,
Кучим етмишча бир чора қилайин.

Қўнгулда бўлмасун ҳеч турлу фикрат,
Ким, ул фикрат бўлур жон узра меҳнат.

Сан ўлтур шодмон ишрат била хуш,
Ким, эмди йўлга мундум ман тақи уш.

Бу йўлда қилмағам бир лаҳза ором,
Қуёнтеқ югру, қуштеқ учмасам жом.

Сени тиндурмағинча тинмағайман,
Бу ўт сўндурмағинча етмағайман.

Агар ўттеқ темурлар ичра бўлса,
Ё гавҳартеқ тош оро кезланилса,

Чиқарғайман теди ман ани тошдин,
Темурдин ўттеқ-гавҳар ма тошдин.

Тикан бирла ярашмиштеқ чечакбоз,
Ярашнайман алар бирла тузуб соз.

Агар давлат манга худ қилса ёри,
Кетургайман ани шаҳзода сари.

Агар тобмасаман ҳеч чора, ночор —
Хабар қилғайман, эй шоҳи жаҳондор.

Тугатти сўз, белин боғлади, қўбти,
Шоҳо, уш ўғрадим тею ер ўбти.

Бир ой юриди, тинмадин тутар йўл,
Миҳинбону элинга эмганиб ул.

Етиб келди ёзилар тоғлар оша,
Қилу тоғларға, тошларға томоша.

Қўрар ким тоғ узра хуш чечаклар —
Ачилмиш, сандувончлар қарши сайрар.

Келиб ёз кунлар ул қизлар уш анда,
Томоша қилур эрмишлар хуш анда.

Бу Шовур етмиши вақтинда тоғлар.
Чечак очлиб, яшармиш эрди боғлар.

Олиб ташлар чечаклар йизги, ранги,
Бири сариқ, бири ол, бири занги.

Тўшанмиш текма бир тоғ устинда,
Зумуррад натъ азақлар остинда.

Ёвуқ эрди Ироқ элинга ул тоғ,
Этакинда бор эрди бир зариф боғ.

Яна бир дайр ўшул тоғ узра тошдин,
Қўбармишлар кашишлар элда тошдин.

Тушуб дайр ичра кирди ул тутуб фол,
Ушул ёнг бирлаким юрур кўб абдол.

Яна сўз айғучи эр мундоғ айди,
Сўзининг инжусин оламга ёйди.

Ким ушбу тоғ этагинда ўнгур бор,
Қаро тошдин сурат бор отқа ўхшар.

Ҳар йилда бир келур қисрақ уш анда,
Соқинғайсан жони таш эрди танда.

Елар ул бир йиғоч ерни қулантек,
Етиб кирур ул инга бир йилантек.

Қўруб ул тошни анда шаҳват ортар,
Ўзин рағбат била ул тошқа суртар.

Изи ҳукми била юклук бўлур ул,
Ўган фазли била берур анга тул.

Не янглиғким қулун туғса уш андин,
Елиб елни ўзар узса тизгин.

Яна сўз айғучи андоғ аюр ким,
Бу Шабдиз анинг урғи тею билдим.

Уш эмди ул дайрни издар эрсанг,
Ел элтти сонғасан ўрнини кўрсанг.

Чечак рангин олиғли анча ёшлар,
Қаро тўн кизмиш, анинг боши ёшлар.

Изининг мунча тангсуғ ишлари бор,
Кўруб ибрат, қиёматқа қил иқрор.

Қутб, сан бу ҳикоятларга қолма,
Вафоси йўқ ожунқа така қилма.

Сўзунг бошла бу ерда қолмағил кеч,
Эшитмазлар бу сўзни билгалар ҳеч.

ШОВУР ШИРИНГА ХУСРАВ СУРАТИН КЎРГУЗГАНИН АЮР

Йипор янглиғ сочинким тун таради,
Ёруқлуқ ушбу оламдин йиради.

Тикилди обнусдин нард айни,
Фалак тосинда юлдуз каъбатайни.

Чиқиб ул Муштари маншур элинда,
Битортир шоҳ иши Шовур алинда.

Кириб дайр ичра ул фарзона Шовур,
Бир оз тангланди йўлдин эрди ранжур.

Попасларким, бўлурлар эрди анда,
Билурлар эрдиким, Ширин қанда.

Алардин сўрдиким тонг бирла онлар,
Ушул кўрклуқ суратлиғ кўтру жонлар,

Бу тонгда қаю бир ерда келурлар,
Қаю чимгон уза ишрат қилурлар.

Ушул пирлар хабар берди бу пирга,
Ким ул жон олғучилар барча бирга.

Бу тоғ бағринда бир хуш манзили бор,
Тўлуғ чимгон яна турлук чечаклар.

Саҳар вақтинда келурлар барча сархуш,
Қилурлар кўк ёш узра ол сусун нуш.

Нетакким чиқти кун тилкуси индин,
Қоча бошлади туннинг кеши андин.

Кўтарди эрса машриқдин бошин кун,

Ожун тўлди ёруғ, кетти қаро тун.

Қўбуб Шовур ўшул қизлардин ўнг тез,
Белин боғлади, қилди фитнаангез.

Келиб чимгонга, бўлди гуллар эши,
Ким ул эрди чечакларнинг билиши.

Олиб илкинга ул бир пора қоғад,
Тамом Хусрав менгизлик чизди сурад.

Қилиб сурат ўшул соҳиб маони,
Ўтуртти бир ёғоч тубинда ани.

Пари янглиғ равон ул бек кетти,
Ул оҳулар паритек анда етти.

Тушуб ўлтурдилар чимгонда ул дам,
Чечак узра чечаклар бўлди хуррам.

Соча бошладилар гул узра анбар,
Кулушмакдин тўкарлар эрди шаккар.

Боқиб тоза чечактек юзларинга,
Ёвутмазлар тикан ҳеч ўзларинга.

Яшил чимгон уза хуш ўлтурурлар,
Ики дўстек арода сиғмас ағёр.

Тузуб мажлис сусун келтурди соқи,
Юриту бошладилар давр озоқи.

Қилур ишрат ул ою мунча юлдуз,
Азақ кетмаз иликдин тунла кундуз.

Сусун феъли димоғларғаким ошти,
Фараҳ топти кўнгул, андиша қочти.

Қўбуб мажлисни маҳрам теб гул энглар,
Сола бошладилар энг бирла энглар.

Бири булбул менгиз ун бирла сайрар,
Чечактек бири чимгон узра ўйнар.

Севинчдин ўзга ҳеч соқинчлари йўқ,

Томошадин азин ҳеч ишлари йўқ.

Уш анча қизлар орасинда Ширин,
Тўлун ойтек, олар теграда Парвин.

Қимунг кўнглинда бор эрса муҳаббат,
Қилурман теб анинг ёдинга ишрат.

Бу сўз айтиб қўш ичтию ичурди,
Бу хушлиқ бирла бир соат кечурди.

Боқиб ўз суратинга каз қувониб:
Ожунда бир назирим йўқ тею сониб.

Манимтек борму бир ой тею турди,
Боқиб ногаҳ ўшул суратни кўрди.

Не нақш ул келтурунг тею буюрди,
Ёшурманг бу рақам мунда ким урди.

Олиб келтурдилар илкинга олди,
Боқиб суратқа, ҳайрат ичра қолди.

Не қўймоқликқа кўнгил .рози бўлур,
Яна тутмоқлика анлардин уёлур.

Анга кўз солмишинча ишқи ортти,
Вале розин алардин сақлаб ўртти.

Аёқ ичмишча алдин борди ўзи,
Соча бошлади қон ёш икки кўзи.

Назар қилмишинча ақли кетар эрди,
Алар кезласалар, ул издор эрди.

Сезиб қизлар бу ишни қазғулар еб,
Бу суратқа Ширин ошиқ бўлур теб.

Олиб суратни, йиртиб солдилар тез,
Муни кўрмаса қилғай тею парҳез,

Сўра бошлади ул суратни Ширин,
Айиттилар пари эрди ўшул чин.

Парилик эрмиш ушбу ер қочалинг,

Азин чимгонда хуш ўтруб ичалинг.

Ёлинг янглиғ равон ёндилар андин,
Ёруғлиқ кетти, сувқа солди тожин.

Булутта қолди юлдузлар қамуғи,
Нетакким кетти эрса кун фуруғи.

ШИРИН ХУСРАВНИНГ СУРАТИН КҮРИБ БУЛҒОН СУРАТИ

Ўрумчук оғитек минг ол бирла,
Ҳумай қуш овлади ул фол бирла,

Кўрунг бу одами нашқи не қилди,
Пари янглиғ ани девона қилди.

Ажаб шахс эрмиш ушбу одамизод,
Парилар ҳам кишидин бўлмаз озод.

Кўруб суратни Ширин меҳри тушти,
Аюрким бу ўзум не ишга тушти.

Анингтек бўлдиким ҳеч теса бўлмаз,
Анинг аймишларин ҳам айса бўлмаз.

Чечактек сўлди кетти энгда оли,
Танинда қолмади зарра мажоли.

Мунунг ҳолин қамуғ қиз англадилар,
Ажаб иш тушти тею тангладилар.

Ўзоқи ишлариндин ҳам пушаймон
Бўлуб, Ширинга айдиларким, эй жон.

Не бўлса бўлсун уш бошдин кечалинг,
Бу сурат розидин парда очалинг.

Тилолинг жонимиз боринча они,
Бу суратнинг билалинг борму жони.

Тилаб ёри аларқа қилди зори,
Ёронлардин тегар теб ёрқа ёри.

Ширин билдиким анлар рост аюрлар,
Бу ишга керту чора издаюрлар.

Битар кўп иш бўлушмоқлик билан чин,
Керак ёр анда сўнг тебратса ишин.

Алифтек бўюм уш бўлди тез лом,
Кўзумдин уйқу кетти, жондин ором,

Келинг сўз кезламакликдин кечалинг,
Бу суратқа боқиб ичку ичалинг.

Қура бошладилар мажлис қуроғин,
Тузуб ўлтурдилар ишрат яроғин.

Азақким алга сўнди эрса соқи,
Равон бўлди яна йирга аёқи.

Ачиг сусун ичиб Ширин ўзиндин,
Кечиб қон ёш сочар наргис кўзиндин.

Азақ илкинга олмиш сою ул ҳур,
Боши бирла ўшул суратқа юкнур.

Ошиқлик бирла усруклук бирикти,
Димоғи сабр қилмоқдин ҳам эрикти.

Ушул қизлардан бирин ич тутуб ул,
Утуртти йўл бошинда кўзлатиб йўл.

Қиши кечмишча бу сўзни анга сўр,
Бу суратдин не айтурлар боқа кўр.

Тилим сўрди муни билган кишидан,
Бу сурат сиррини чиқмади билган.

Шириннинг ранжи ортиб, борди алдин,
Хабар тобмади эрса ушбу ҳолдин.

ШОВУР ХУСРАВ ҲИҚОЯТИН ШИРИНГА БАЕН ҚИЛГАНИ

Чиқиб қосид ўшул афсунчи Шовур,
Ўзин муғларқа ўхшатмиш юриюр.

Боқиб кўрди йирақдин они Ширин,
Кўруб анда билишликнинг нишонин.

Буюрдиким, ўшул муғни ўқунг теб,

Не айса ушбу суратдин ўқунг теб.

Ажаб эрмазким ул бу сирни билса,
Бу мушкул ишни бизга шарҳ қилса.

Сезарманким, бу сурат жони бўлғай,
Бу нақш аҳволини ул муғ билғай.

Юридилар равон ул пир ўнгинча,
Қилиб хизмат анга муғлар ёнгинча.

Ўпуб Шовур азақининг улини,
Айиттилар ўшул сурат ҳолини.

Кулуб айди бу сўзни айса бўлмаз,
Халойиққа бу сирни ёйса бўлмаз.

Бу қизларнинг бири юғруб қайитти,
Не ким андин эшиттиса айитти.

Нетакким, уқти Ширин ул қиз сўзини,
Тия билмади улдам ўз-ўзини.

Юракда қони қайнаб, бағри пишти,
Борайин ман теб ўзи ўқ йўлга тушти.

Олиб тоғ янғуси овоз халхол,
Сочиб зулфи йипор, эрни шакар-бол.

Сабир ишқи элиндин қилди фарёд,
Хиромлади қарорсиз сарви озод.

Тушуб кун ерда юриртек ўшул ҳур,
Ожунға берди ой юзи била нур.

Яна тун янглиғ анинг зулфи ранги,
Сочар гул энг уза мушк икки занги.

Бу ширинлик била Ширини наққош,
Сабр қила билмади бирдам эндурди бош.

Яна борди куюб бағри фироқдин,
Тўрасинча салом қилди йироқдин.

Саноу мадҳ айтти эрсаким Шовур,

Утуртти анию ўлтурди ул ҳур,

Ё кимсан, теб сўра бошлади Ширин,
Юрушунг қандин, ўзунг қаю ердин?

Кечар кўнглумда сендин бир гумони,
Кўзунгда сезмишимдин бор нишони.

Саволимға жавоб айғилким, эй пир,
Ажаб йўқким, сенинг бўлса бу тадбир.

Жавоб айдиким, ул устод манким,
Кезиб ожунда не бор эрса билдим.

Изи мендин яшурмади на эрса,
Менга очти ожунда не бор эрса.

Ер устинда қамуғ ерни бу ўзум,
Кезиб, баъзисини ҳам кўрди кўзум.

Туғардин кун ботарға тегру кездим,
Бу ер туморин илким бирла ёздим.

Не ёндин сўрсангиз англарман, эй жон,
Қизик, қуш, одами, жину паридан.

Ширин кўрдиким ул густоҳ сўзлар,
Айиттиким: бу суратқа не терлар?

Яна бишқирди ул наққош Шовур,
Аюр, эй юзи кун, андоми кофур.

Ҳикоят кўб бу сурат ичра, англа,
Аёйин уш қулоқ тут, яхши тингла.

Бу сурат қиссаси бор бир пора узоқроқ,
Уш айтурман, вале бўлса ер ағлоқ.

Буюрди ул санам барча парилар,
Етикантек қийиндин тарғадилар.

Тамомким топти ул майдонни холи,
Сўзин майдонға тўптек солди ҳоли.

Ким ушбу сурат ул жоннинг нишони,

Эрур ул бу ожун султони, хони.

Ети иқлим шоҳининг ул ёдгори,
Иўқ ул дунёда бир кўрк ичра бори.

Бўлур кун тесалар кўркиндин ўтру,
Боқа билмаз киши юзинга ўтру.

ШОВУР ШИРИНГА ХУСРАВНИНГ КЎРКИН СИФАТ ҚИЛҒАН СУРАТИ

Шаҳаншоҳ Хусрав — Парвиз эрур оти,
Яна шоҳлиққа лойиқ эзгу зоти.

Бу янглиғ шевалик сўзлар била ул,
Сало теб ишққа жонин бошлади йўл.

Анинг хуш сўзларин Ширин тинглаб,
Зиҳи ширин сўзи бор тею танглаб.

Бўлуб ул текма бир нукта ичра ҳайрон,
Ажаб бўлғайму теб бу элга дармон.

Сўзинга парда ичра ранг бериб,
Яна бошлади сўзга тўн кизуруб.

Розин кезлагайин Шовур-ма билди,
Ўзин кезламадин ошкора қилди.

Эй ой юзлук, недин кезларсан асрор,
Қароба ичра сўзларсан паривор.

Чечактек ғунча ичра тутма юзни,
Очилиб бир ошкора сўзла сўзни.

Тилаюр эрсанг ўз экиннга дармон,
Ўтагингдин яшурма экинг, эй жон.

Тугал эштиб сўзин нақш этти Ширин,
Келиб қаҳри, юзин чевурди андин.

Вале берк тутмиш эрди ишқ этагин,
Яна сўзлаю бошлади ул бути чин.

Ҳарифин кўрдиким, жинс эрур ёр,

Кетарди парда розиндин бўлуб зор.

Ким, уш мундағ паришон бўлди ишим,
Уш андинким, бу сурат бўлди эшим.

Илик тутғил бу ишим ичра бир сан,
Асиф қилғайман ишинга ҳам ман.

Ман уш айдим санга, розимни барча,
Кел эмди сўзлагил сан ҳам бир анча.

Ул афсунчи яна сўзлаю бошлаб,
Бурунқи ҳилага бу ростни ошлаб.

Ўтурмиш эрди теркин ура қубти,
Қилиб хизмат, тўрасинча ер ўпти.

Ўкуш онтлар ичиб айдиким, эй ҳур,
Керак жоним бағишла, керакса ўлтур.

Суюрқасанг мени тўғру аёйин,
Азин бу ҳила қилмоқни қўёйин.

Ул суратни нақш этгучи қулман,
Уш айдим тўғру, боқи сан билурсан.

Бу илким не суратким, чизғай анда,
Нишони бўлур, вале йўқ жони танда.

Манга нақш этмак ўгратти ул устод,
Нетак қилсун жони бўлмаса фарёд.

Кўруб нақшини қолмади мажолинг,
Қиёс эт кўрсанган не бўлғай ҳолинг?

Кўзунг бир шахс кўргайким, тамом нур,
Юзининг шуъласиндин кун уялур.

Чечактек тоза фориф ул хазондин,
Йигитлик бўстони хуррам андин.

Ҳануз ҳусни боғинда йўқ шамшод,
Чечак эркан тикандин сарви озод.

Ҳануз балқир очуқ кунтек янгоқи,

Булутдин фориг ул симтек сақоқи.

Ҳануз лаъли уза йўқ ҳеч ғубори,
Ҳануз йўқ бўстони ичра хори.

Баҳодурлукда Рустамдин қавироқ,
Вале умринда ўн беш яшар анжоқ.

Очиб ул ганж қабағин қилса бахшиш,
Тегар бойлиққа юз минг бўлса дарвиш.

Бир эр отланса овқа ўз элиндин,
Қутулмаз қуш, кезик анинг элиндин.

Кўрар бўлса йироқдин ани арслон,
Ўқининг қўрқуғиндин худ берур жон.

Насаб сўрсанг эрур Жамшид уруғи,
Тугал бор хонлиқ асоси, қуруғи.

Юритур етти иқлим узра фармон,
Алам етти фалакда тикмиш айвон.

Булутдин кўб азизрак илки жуди,
Латофат бирла йўғрулмиш вужуди.

Тўқуш вақтинда илка олса ёсин.
Қурур душман кўруб ўз жони ёсин.

Қолинг ўвракга кирмиштек лочин,
Тўкар душман қонин уруб қиличин.

Сўнгуси ҳайбатиндин тебрамаз ер,
Ўқининг захмини ҳардам фалак ер.

Қамуғ ардам ўшул тинга мурид ул,
Жамоли дўстлар жонинга ид ул.

Қави толеъ, яна иқболу давлат,
Бирикмиш кўрку эрдам, иззу ҳурмат.

Бу янглиғ давлати бор эркан ул шоҳ,
Қилур ишқингда тун-кун тинмадин оҳ.

Хаёлингни кеча тушинда кўрмиш,

Ушул кундан беру ақлин йитурмиш.

Не ош ер, не алинга жом олур ул,
Не кундуз, не кеча роҳат бўлур ул.

Шириндин ўнг тилаки йўқ ожунда,
Кечар умри бу аччиғ бирла кунда.

Мени хизматқа қосид изди келдим,
Сан уқ бил ҳолини, уш арза қилдим.

Бу янглиғ сурди сўз йўл бўлмишинча,
Кўнгилда қўзмади сўз билмишинча.

Анинг ширин сўзин Ширин тинглаб,
Шакардин тотлироқ сўз теди танглаб.

Юз урдиким, равон ўпса азақин,
Ҳамийят қўймади, тутти қулоқин.

Туруқти бир замон кўнгли бўлуб тор,
Бу ишга чора борму теди, эй ёр?

Ким ушбу қазғу жонға кор қилди,
Тирикликдин мени безор қилди.

Яна Шовур айтти, эй юзи кун,
Кетаргил қазғу, кўнглунг инг бўлсун.

Эрур бу маслаҳатким сақлаю роз,
Чиқарман овқа тею солсанг овоз.

Керагинча бу ишда ҳила қилсанг,
Муродинг сўнғқурун бу тўрқа илсанг.

Қатиғлан, билмишингча қил баҳона,
Табуғчилар-ма тушмасун гумона.

Эранлартек бу ишинг ичра қатлан,
Борурман овқа теб Шабдизга отлан.

Яна Шабдизга ҳеч от етгуси йўқ,
Бу қизлар ма этакнинг тутқуси йўқ.

Равон бўл, ел менгизлик, ел равонсан,

Сўнгунигча ошуқуб худ борғаман ман.
ШОВУР ХУСРАВНИГ ЮЗУКИН ШИРИНГА
БЕРГАН СУРАТИ

Бериб Хусрав юзикини алига,
Олиб борғил теди Хусрав элига.

Агар йўлда йўлуқса шаҳзода,
Очуқ тут юзким ул бўлсун пиёда.

Руҳинг кўрган ёған янглиғ тутулсун,
Бу фарзинбанд фирқатдин қутулсун.

Нишон англа, қулоқ тут, сан-ма уқғил,
Янгилмағил йўлуқса, яхши боқғил.

Отининг туйноқининг наъли олтун,
Лаъл бирла мурассаъ кийгани тўн.

Тўни лаълу тожи лаълу камар лаъл,
Янгоқи лаъл, эрин, тиш ҳам дурру лаъл.

Йўлуқмаса Мадойин йўлини сўр,
Суруб Шабдиз анга елтек ета кўр.

Маликнинг қасри бор бир хуш маконда,
Кўнгул очлур, кетар қазғу уш анда.

Қаровашлар тўлуқ шоҳнинг саройи,
Қамуғ юлдуз менгизлик, йўқ бир ойи.

Мадойинқа етиб сўр ул саройни,
Қаровашларқа кўргуз шоҳ нишони.

Туш ул қасринга қўй келгинча шаҳзод,
Ким ушбу қазғудин бўлғайсан озод.

Хуш ўлтур келгай ул шоҳи жувонбахт,
Уш андин сўнг фалакда урғасан тахт.

Қил ул Хусрав хаёлинга тамоша,
Анинг ёдинга ичгу ич, ош оша.

Агар бир иш тушуб, ман қолмасам кеч,

Бу ишлар ҳожат эрмаз худ санга ҳеч.

Бу алдоғ бирла сўз текурди Шовур,
Қабул қилди сўзини, турди ул ҳур.

Яна улкартек ул ой хизматинга,
Йиғилдилар қамуғ қизлар қатинга.

Буюрдиким бу манзилдан кеталинг,
Турунг, ўлтурманг эвга азм эталинг.

Тутуб ой буйруқин ул анча юлдуз,
Соча бошлади анбору кашу қундуз.

Пари янглиғ учуб андин парилар,
Қула ўйнаю андин тебрадилар.

Муноб от, боғлатиб каш белларинга,
Қўноққа етилар ўз элларинга.

Буюн тиндурдилар элда неча кун,
Вале бу қазғу бирла ул юзи кун.

Тутун бўлди анинг оҳиндин ожун,
Қаронқулуққа кирди кун, келиб тун.

Кириб айди Миҳинбонуқа Ширин,
Тилаким бор теди бу йўлда сендин.

Ижозат бер сабаҳ овқа чиқайин,
Солиб қуш ҳам кизик овлаб йиқайин.

Буюр Шабдизни келтурсунлар эрта,
Очилсун кўнглум анинг бирла йўрта.

Анга бир отланиб жавлон қилайим,
Қўноққа қайра хизматқа келайим.

Миҳинбону айттиким, эй юзи кун,
Нетакким кўнглунг тиласа, уйла бўлсун.

Вале қўрқарман андин сан соқинғил,
Қўр арслонтек юраклик эурсан бил.

Керакмаз ким зиён қилса санга ул,

Соқин мунганда, энганда ҳазир бўл.

Бошинга ул баҳодурлуғ югани,
Яроғ қил минг нечаким бўлса жони.

Ширин бонуқа севнуб хизмат этти,
Туруб ўз маҳраминга кирди, ётти.

Севунмакдин Шириннинг кўнгли хуррам
Бўлуб, ўлтурди ишрат бирла бирдам.

Кўнгул қуши бу ишқ ўтинда учар,
Хаёли ул Ширин Хусравни қучар.

**МИҲИНБОНУДИН ШИРИН ҚОЧИБ МАДОИИНҚА
БОРҒОН СУРАТИ**

Нетакким, тонг хуруси урдиса дам,
Ошиқлар менгзи рангин олди олам.

Тузуб тун қулфини кун ганжин очти,
Сариқ олтун тугал оламқа сочти.

Йиғилдилар яна қизлар қатинга,
Туруқтилар азақин хизматинга.

Боқиб анларни кўрди эрса Ширин,
Сучук тил бирла айди ул бути чин.

Ким, уш бисмиллоҳ овқа отланурман,
Кизик овумга киргайму теюрман.

Яраштурди қамуғ отланғу асбоб,
Тилисм этмиш менгиз ганж узра овлоб.

Йигитлар (тек) кизиб тўн, бўрку қафтон,
Қамуғ боғладилар ҳам кешу қурбон.

Тугал етмиш пари бирла йиғилди,
Равон отланди Ширин азм қилди.

Чиқиб ўз равзасиндин мунча ҳурлар,
Томошолар қилу овқа борурлар.

Ҳаво тўлуб йипар йизгиндин ул дам,

Юрирлар хуш кула, ўйнаю хуррам.

Етиб бир туз ёзиқа кўчдилар,
Чапуб бир синалинг отлар тедилар.

Киши кўрмаз, йироқбиз тею элдин,
Кенгашиб, издилар тизгинлар алдин.

Уруб Шабдизга қамчи ул бути чин,
Юз урди йўлга, азрилди булардин.

Соғиндилар тута билмади тизгин,
Бирингламади қосид боруин.

Изин излаю чобтилар сўнгинча,
Бору йитланди из ҳам, бўлди кеча.

Не шум соат чиқмиш биз тею тез,
Қайиттилар бўлуб навмид бексиз.

Бекидин азрилиб, бўлуб паришон,
Кўнгуллар хастаю жону юрак қон.

Тутуб юлдузлар ой ёсин қилур вой,
Миҳинбонуқа келдилар, йўқ ул ой.

Қани Ширин теюр, айдилар: эй шоҳ,
Олиб кетти они Шабдиз ногоҳ.

Эшитти эрса ушбу сўзни Бону,
Янгиландурди кечган эски қазғу.

Тушуб тахтиндин улдам ақли кетти,
Бошин тупроққа, тупроқ бошқа отти.

Ғариб қолдим тею фарёд қилди,
Ажойиб таъзият бунёд қилди.

Укуш йиғлаб бу янглиғ қилди зори,
Бу қазғу ичра қолмади қарори.

Аюр инграб ким, эй жоним қувончи,
Не йўлдин урди илкинг отқа қамчи.

Не бўлдиким меҳр биздин кетардинг,

Кўнгул кимга бериб, биздин кўтардинг.

Ажаб, не бўлди билман эмди ҳолинг,
Заҳар бизга бериб, ким еди болинг.

Ивуқтек кеттинг уш, эй жоним ўрки,
Қаю арслон элига туштунг эрки?

Ўзунг гавҳар менгизлик ёва бўлдунг,
Бу иш қилмоққаму Шабдизни қўлдунг?

Укуш йиғлаб бу янглиғ қилди зори,
Бу қазғу ичра қолмади қарори.

Узун тун тонгқа текру навҳа қилди,
Тонг отти эрса олам халқи билди.

Йиғладилар қабуғқа халқу олам,
Узади навҳаю фарёду мотам.

Бор эрди бир улуғ ёшлиғ қари пир,
Чиқиб издалинг теб, қилди тадбир.

Боралинг теб кириб Бонуқа айди,
Миҳинбону тиламанг тею тийди.

Тушумда бу балони кўрмиш эрдим,
Ким алдин боғли қуш ичқинмиш эрдим.

Тушумдин хотирим ташвиш қилди,
Замондин сўнг яна илкимга келди.

Бу янглиғ тонг ажойиб туш кўрдум,
Тушум таъбирин ушбу ишга йўрдум.

Айиттиким, агар ел бўлсамиз биз,
Елар елдин минг ортуқроқ-ма Шабдиз.

Учар қушнунг сўнгинча қавса бўлмаз,
Бало келмишда сўнг ҳеч савса бўлмаз.

Кўгарчин учса ўгранган ериндин,
Эсон бўлса келур соқниб ювасин.

Сабрдин ўзга йўқ бу элга дармон,

Уминчдин ўнг йўқ ушбу ишқа имкон.

Уш анча куйгаман тортиб фироқин,
Эшитгинча ёвуқин ё ироқин.

Тобар бўлсам йитурган гавҳаримни,
Қазо қилғам қамуғ ишратларимни.

Алимга кирса ул ганжи равоним,
Севунчи учун бергаман бу хонумоним.

Сўзин эшитиб халойиқ тангладилар,
Тутуб бу фармонини тингладилар.

Яна бир ёнда ул Ширин тутуб йўл,
Бузук тоғлар кечиб, ошиб ўкуш қўл.

Гаҳи ўрлаш, гаҳи эниш, гаҳи туз,
Елар, тушмаз отиндин тунла кундиз,

Йигитлартек тузуб тўнларин ул ҳур,
Юрир кўрган ани эр тею соқинур.

Кечар ошиб салодин бир салоқа,
Солиб ёлғуз бошин мунтек балоқа.

Қиши кўрса чиқиб ул тўғру йўлдин,
Юритур тоғлар аросинда қўлдин.

Учар бир лаҳза тиндурмаз отини,
Ёзиб Хусрав табору қанотини.

Тилаб Шовур айтғонтек нишонин,
Сўрар шаҳзоданинг турған маконин.

Елиб ўн тўрт тун-кун ёр тилайи,
Ул ўн тўртинчи туннинг тўлун ойи.

Бу янглиғ эмганиб нозук димоғи,
Вужуди хаста бўлди, сизди ёғи.

Нетакким субҳи содиқ бош кўтарди,
Қаронғулуқни ожундин кетарди.

Тамом ким ул сариғ гул юзин очти,

Қамуғ наргис кўрунмаз бўлди, қочти.

Кўрунди бир чаман хуш мурғзори,
Оқар мангу сувитек чашмалари.

Ивуб келди ўшул чимгонга Ширин,
Бу очигда бўлуб бечора мискин.

Тени йўл эмгакинда хаста бўлуб,
Чечактек ол энги исигда сўлуб.

Туруб тўрт ёру чеврулди ўшул хур,
Не эл бор (у), не ҳам кўзга кўрунур.

Келиб тушти бир оз тинсун отим теб,
Боқиб ўз ҳолинга кўб қазғулар еб.

Тушуб анда бир оз ором қилди,
Сува кирмакга тўнларин сечулди.

Қилиб ўз кўнглитек зулфи паришон,
Фалак ой-вой тею қилди зулфин афғон.

Отини бир ёғочқа берк боғлаб,
Сува кирди бағир ўт бирла доғлаб.

Ҳасаддин кўкда ой ранжур бўлди,
Юзи аксиндин ул сув нур бўлди.

Қаро каштек сочу оқ остек андом,
Чечак олмиш янгоқи рангидин вом.

Чечакким чиқ еринга чашма бўлса,
Бўлур тоза нечаким кунга сўлса.

Анинг кун чашмаси янглиғ юзиндин
Мунаввар бўлди ул чашма ўзиндин.

Сочиб сочлари гулга мушку анбар,
Тўлуб сувқа навоу қанду шаккар.

Тамом ул сувни хуш гулоб қилди,
Соқинғайсан қўнуқ келганни билди.

ХУСРАВ ХУРМУЗДИН ҚОЧИБ, АРМАНГА
БОРУРДА ЧАШМАДА ШИРИНГА ЙУЛУҚҚОНИ

Яна порси тилинча ул Низомий
Аюрким ул шаҳи Хусрав асомий.

Уш андин беруким Арманга Шовур —
Ни издиким манга Ширинни келтур.

Куяр эрди хабар келгай тею Шоҳ,
Фироқ туинда бир туггай тею моҳ.

Кеча, эрта атосининг қатинда,
Белин боғлаб, турурди хизматинда.

Атоси танглаб анинг хизматини,
Уруб ярмоққа зарб анинг отини.

Қамуғ элларга ул ярмоқни ёйди,
Яна бўлди пушаймон, ўзи куйди.

Қари бўри йигит арслондин қўрқти,
Соқинмадин иш этти, сўнгра уқти.

Соқиндиким, ўғул мансуба ўйнаб,
Мени мот қилга тею шоҳ ўйнаб.

Айитти бу ёғанни банд қилғу,
Ёмон тушти ўйин, огоҳ бўлғу.

Укуш соқшаб бу янглиғ қилди тадбир,
Не ўйнар, бўлди билмаз ишда тақдир.

Кишиким ростлиғ кўнглинда тутти,
Ожун шатранжин ўйнаб сўнг ул утти.

Бузург Уммид бу маънидин огоҳ
Бўлуб, Хусравни ундаб айди:- Эй шоҳ!

Қим эмди юлдузунг ботти болқа,
Ўзунгни сақлаю воқиф бўл бу жонқа.

Отанг қасд этти жонинга, яроғ эт,
Қўрунма кўзга неча кун, равон кет.

Сўз эшитиб айди Хусрави замона;
Яроқсиз чоқда тобтунг бу баҳона.

Чиқиб андин равон, қасринга борди,
Табуғчиларга сўз тобшурди, сорди.

Сориб кўшкиндаки ой юзлуларинга,
Васият қилди жоду кўзлуларинга.

Қим — уш ман ҳали овқа отланурман,
Бир-икки ҳафта саҳрода бўлурман.

Бу ёнқа ногаҳ ул ой юзлу келса,
Ушул товус янглиғ отли бўлса,

Ани тушруб қамуғ иззат қилингким,
Йўқ андин ўзга оламда тилаким.

Агар хуш келмаса бу қасри хазро,
Тиласа кўнгли хуш чимгонли саҳро,

Ёзиларқа чиқоринг фурча қилсун,
Кўруб турлук чечак, кўнгли очилсун.

Қаю ерниким, ул тилар билингиз,
Уш анда бир бузук қарши қилингиз.

Мунунгтек берди ўз кўнгли тануқлуқ,
Қим, ани келга теб қилди ануқлуқ.

Тамом айтиб сўзин иш маҳкам этти,
Олиб кўб эш, нўкар отланди, кетти.

Чиқиб Арман йўлинга азм қилди,
Сулаймон янглиғ ул ел бирла елди.

Ики манзилни бир манзил қилиб ул,
Атоси хавфидин тутти узоқ йўл.

Қазоқа отлари ул ерда эрди,
Қим ул ой анда бошин ююр эрди.

Буюрди қулларингаким, қўнунг теб,
Тиниб от тебрагаймиз теди ош еб.

Узи ёлғуз ушул чимгонга борди,
Кезиб ул ерда бир хуш чашма кўрди.

Йироқдин кўрди шоҳ бир шахси мавзун,
Яна арслонтек от ранги қаро тун.

Не бўлғай эрди ул давлат ҳумойи,
Меним бўлса тер ул тун бирла ойи.

Эрур ғофил ушулким, ул тўлун ой,
Анинг буржинда бўлғай бу ожун ёй.

Талим маъшуқ келур ошиққа ногоҳ,
Ушул усрук уюр ҳеч бўлмаз огоҳ.

Бу давлат ёри бермаз бўлса, оқил,
Бўлур аблаҳ ё иш вақтинда ғофил.

Яқинроқ келди от бирла туруқти,
Тангирқаб кезлану юзинга боқти.

Кўрарким, сувқа кирмиш бир юзи кун,
Ияри, боғи, чуғи барча олтун.

Гулоб узра туруртек мағзи бодом,
Узин юр чашма ичра ул гуландом.

Олиб суттек алинга ож тарғоқ,
Қилиб тарғоқни элчи, элни басқоқ.

Хирож олғоч келур ҳар дамда элчи,
Фалак тинмаз сочар ой узра юнжи.

Ариф зоти тамом бир ганжу контек,
Ики зулфи-ма ганж узра йилонтек.

Фусунчи мол учун тан ичра жондин
Кечиб, қўрқмадин ул икки йилондин.

Минг ол бирла келидин алдин олмиш,
Анин ул ганж мунтек хуш очилмиш.

Кўруб чашма ичра шоҳ ул юзини,
Юзиндин ҳеч кетармаз бўлди кўзини.

Қароқлар кўнглини анинг қароқи,
Юрагин куйдурур нортек янгоқи.

Боқиб анинг булар янглиғ танинга,
Булурдин ўт ёқилди Шоҳ жонинга.

Ул ой ғофил бу Хусрав боқганиндин,
Бўлуб машғул тараюр эрди сочин.

Киши келмасу теб кўнглинга тушти,
Боқиб ногаҳ кўзи Хусравқа тушти.

Кўзин суртуб назар юзинга солди,
Кўруб кунтек юзин ҳайрон қолди.

Қатиг боқдиса шоҳ, Ширин уялди,
Не қилғу эмди теб андиша қилди.

Қолиб бечора, издаб чора топти,
Булут янглиғ сочин ой узра ёпти.

Чечак узра ёпуб ул мушк сочин,
Яшурди обнус остинда ожин.

Кўнгулда айди Хусравким борайин,
Париму, одамиму бир сўрайин.

Яна айди уялғай ул юзи кун,
Турайин ончаким ташқару чиқсун.

Забун тутмоқ мунунгтек ерда парвиз,
Эранлар иши эрмаз теди ҳаргиз.

Сабр қилди, ул ишдин тийди ўзин,
Чевурди бир замон андин-ма юзин.

Адабни ўз жонинга гул қилди,
Азин ерга ўзин машғул қилди.

Ошуқуб чиқти Ширин кийди тўнин,
Шошиб Шабдизни отланди таркин.

Кўнгулда соқшаб айтур бу йигитким,
Адаб сақлади, бўлғайму билишим.

Ажаб эрмаз агар бу бұлса ёрим,
Агар бұлмаса тек кетти қарорим.

Эшиттим лаъл кони тею они,
Агар ул эрса, қани ул нишони?

Ани фикр этмадиким, йўлда шоҳлар
Ёмон соқинғучидин ўзни гизлар,

Жонинға кўнгли айтурким равон тур,
Чечакингни бу шаккарга қориштур.

Ушул худ сурат эрди ушбу жон ул,
Хабар эрди ул уш маъни аён ул.

Яна айди, қайт, қилма фузуллуқ,
Муни тарк эт, равон бор, кет ангар ўқ.

Бу улму, ё дегулму билса бұлмаз.
Икки эркликга қуллуқ қилса бұлмаз.

Ман ўз йўлумча тўғри ўқ боройин,
Бошимға ҳақ на келтурса, кўройин.

Тею соқшаб кўнгул бир ёру қилди,
Отинға қамчи урди, сурди елди.

Ул ойни кўтаруб Шабдиз учти,
Пари янглиғ парини олди қочти.

Яна шоҳ чиқти бўлғай тею боқти,
Ани кўрмади жонин ўтқа ёқти.

Бу янглиғ оқил эркан ул шаҳаншоҳ,
Ани кўра кўнгли йитлатти ногоҳ.

Чобуб тўрт ёру ҳеч топмади ёрин,
Куюб бағри, олиб борди қарорин.

Мунингтек кетти, бу елму бўлди?
Тею танглаб таажжуб ичра қолди.

Тушуб чашма яқосинда отиндин,
Куюб бағри ушул ой фирқатиндин.

Гаҳ ул ғаввостек сув ичра чўмар,
Тилаю ёрини ул сувда издар.

Гаҳ ул қуштек тераклар узра ани,
Тилаб айтур қани ул сарв, қани?

Тилаб Шабдиз уза ул тўлун ойни,
Қаро зоғ қаноти узра ҳумойни.

Аюр сунгқур ўзумга ул қаро зоғ.
Боқиб ўқтек юракга урди бу доғ.

Ожун зоғтек узасинга қоронғу
Бўлуб, ортурди қазғу узра қазғу.

Бўзин толин фироқ чавган қилди,
Кунни ўқтек, бўзи ётек эгилди.

Ичи куюб кўнгулдин қилди бир оҳ,
Тутушти теб бу ўт жонимга ногоҳ.

Яшармаз бу умунчумнунг бутоқи,
Қурутти ёш ўзумни ёр фироқи.

Фироқда қурумаз ёшдин қароқим,
Бу ҳасрат бирла сўлди ол янгоқим.

Йўлуқти эрди ул жоним муроди,
Ўсал қилдим яна мендин йироди.

Чечакни тоза эркан термадим ман,
Ел элтти ногаҳон гизланди кўздан.

Ҳумой қуш сояси устумга тушти,
Севундумким ўзум давлатқа тушти.

Қўюб они назар тошларқа солдим,
Анингчун соятек тош узра қолдим.

Бу кундин сўнг қуримағай ичургум,
Ани издаю бор умрум кечургум.

Тушумму эрди билман ё хаёлим,
Ким уш мундоғ паришон бўлди ҳолим.

Кўзум бу чашма ичра кўрди бир гул,
Жоним рағбат била бўлди анга қул.

Уш эмди кўрман они неча боқсам,
Сазом ўзни тиконтек ўтқа ёқсам.

Ким айдиким, кўзунг андин кетаргил,
Топуб ўз бахтинг, илкингла кўтаргил.

Қаю дев табъим ўгратти манга ким,
Кўзумни кўнглум олгандин кетардим.

Қамуғ ишда ўзум сабр этар эрди,
Бу ерда барча сабрум олди борди.

Бу кундин сўнг анинг ишқи чароғин
Ёқиб кўйдургаман бу сабр ёғин.

Агар ул чашмадин ичсам шаробин,
Емаз эрдим бу бағримнунг кабобин.

Насиҳат кўрким, ул ҳинду не айтур,
Қачонким ганж тобсанг ею етур.

Бу дунё боғида ким бўлса теди,
Пушаймон бўлмаз улким мева еди.

Бу кундин сўнг азин қайғуни қўйдим,
Жаҳондин эрикиб жондин-ма тўйдим.

Қинағайман уш анча бу ўзумни,
Тилаб тун-кун ўгандин ой юзумни.

Агар топсам тилаб экимга дармон,
Уш андин кучай ишим бўлғай осон.

Қишиким ранжи қондин бўлса имкон,
Йўқ улким тобса сиҳҳат тўкмадин қон.

Туруб чашма яқосинда замон ул,
Тилаб топмади андин ҳеч нишон ул.

Бир анча йиғлаю кўб қилди зори,
Бўлуб савдо, кетиб жондин қарори.

Ҳавасда оҳ теб беҳуш бўлди,
Чечактеқ ол энги ўзукда сўлди.

Чинортеқ қадди тупроққа йиқилди,
Бир анчадин сўнг ўз ҳолинга келди.

Аюрким билмадим бу одамиму?
Йўқ эрса, эй ажаб билман париму?

Агар бўлса пари душвор бўлур,
Парилар чашмада кўб бор бўлур.

Кишига бўлмас ушбу сўзни аймоқ.
Севар Хусрав парини тею ёймоқ.

Ўза атангу ожунда Сулаймон,
Уш андин сўнг парига қилгу фармон.

Кўнгулда сақшаб айтур бу ҳикоят,
Қилур чархи фалакдин бу шикоят.

Бўлуб навмид чимгондин қайитти,
Равон Армон йўлунга кирди кетти.

**ШИРИН ХУСРАВДИН АЙРИЛИБ, МАДОИИНГА
КЕЛГАН СУЗИ ТУРУР**

Фалакким, иш битурмаклик тилаюр,
Бурун мунтеқ ўюнлар (ни) ўйнаюр.

Тиласа бир кишига бергуга ганж,
Берур ганждин ўза юз меҳнату ранж.

Тикансиз ҳеч чечакнинг соғи бўлмаз,
Кўрарсан ҳеч ким эрса алка олмаз.

Фироқдин сўнгра хуш бўлур қовушмоқ,
Қоришмиш янглиғ ул шаккарга қаймоқ.

Маликдин азрилибким кетти Ширин,
Явуқлуқдин йироққа солди ўзин.

Булутда кезлаб эрди ойтёк ўзин,
Шаҳарга етти эрса очти юзин.

Кишилардин сўруб Хусрав саройин,
Фалак еткурди ул буржқа бу ойин.

Етиб Хусрав саройинға бу Ширин
Равон, сўзламадин энди отиндин.

Табуғчиларқа кўргузди нишонким,
Нишон издиса шоҳ табғинға келдим.

Кўруб анлар кунидин тишлаб эрин,
Тушурдилар саройқа, кирди Ширин.

Ани Хусрав тўрасинча оғирлаб,
Туруқтилар табуғда бел боғлаб.

Келур шаҳзода ҳоли терлар эрди,
Соқинғайсанким ўт олмоққа келди.

Ёқилди эрса ногаҳ тонг чароғи,
Куюб бағри ўзукда, сизди ёғи.

Сўра бошладилар не ҳол тею бу,
Не иш тушти, бу не аҳвол тею бу?

Ориб, эмгаб қаю ердин келурсиз,
Эвингиз қайда, не эллик бўлурсиз?

Алардин ул пари парҳез қилди,
Неча ёлғон чатиб, ангез қилди.

Узоқроқ теди бу ишим бир анча,
Келиб Хусрав айтғай сизга барча.

Қачонким келса теди ул шаҳаншоҳ,
Уш анда бўлғасиз ҳолимдин огоҳ.

Вале отни хуш асранг, бермангиз ранж,
Қим ул отнинг баҳоси юз туман ганж.

Қўноқман теди шоҳ келгинча сизга,
Алар ҳам рози бўлди ушбу сўзга.

Отин охурда боғлаб бердилар ўт,
Вале Ширин юрагинда ёнар ўт.

Чечаки ваъда боғинда очилмиш,
Висол топғам тею андиша қилмиш.

Бу янглиғ ҳажр бирла ким ўтурди,
Муни анлар қуманиб сақнур эрди.

Ушул ҳам ўхшатиб анларқа ўзин,
Алар янглиғ ма сўзлар эрди сўзин.

ШИРИН УЧУН ҚАРШИ ҚУБАРТИБ ШИРИН ҚАРШИҚА БОРҒАНИ

Мунингтек ўтруб анлар ора Ширин,
Кечибу қазғу бирла ўз жониндин.

Бир анча турди бўлуб жони пазмон,
Хабар англади Хусравдин паришон.

Ким ул қўрқуб атосиндин юбанмиш,
Ов овларман теб Арманға йўнанмиш.

Топулмади тею эгимга дармон,
Кучай бўлди ишим бўлғуда осон.

Ўзукда бағри куюб неча муддат,
Ўтурди сабри кетиб ортти ҳасрат.

Ҳақиқат билдиким, йўлда йўлуққан
Сув ичра кўнглини ул ўтқа ёққан.

Ети иқлим шоҳи Хусрав эрмиш ул теб,
Дариға ҳайф борди тею ғам еб.

Ўкунч еб, қазғу жонинга сингурди,
Алар ҳам сезмасун теб тек ўтурди.

Сабр қилди неча кун жони куйнаб,
Малул бўлди димоғи, ақли айнаб.

Кўнгулсиз бўлмайин теб ушбу ишдин,
Қилинг бир қарши теди элда тошдин.

Чечактек бу ўзум хуш боғлар аро,
Кезар эрдим ҳамиша тоғлар аро.

Замона мени боғқа илди уш ким,
Сўлуб сорғарди мунтек ол чечакким.

Ўтунди ул табуғчиларким, эй ҳур,
Шамтек сизма, эй мажлисга чин нур.

Малик сизнинг учун бир хуш ҳавода,
Буюрди ким қилинг қарши муҳайё.

Агар фармонласанг уста топалинг,
Тоғ узра бир бузук қарши ёболинг.

Айтти маслаҳатлиғ иш бу явлоқ,
Топунг устод иш бошланг равонроқ.

Табуғчилар улуғи ҳила қилди,
Бино қилғучини ундатти келди.

Айтти бир улуғ жоду етилди,
Куяр Хусравқа, қач кун бўлди келди.

Агар турғил тейу ерга буюрса,
Маҳалким ер еринда тек ўтурса.

Фалакга айса турғил теб, сўз олғай,
Қиёматқа теки армон қилғай.

Буюрди ким кўпортинг бир саройи,
Топа кўр бир ёмон исиг ҳавойи..

Ким анда одадилар бўлмасун ҳеч,
Уш андин жодулуқ ўгранмасун ҳеч.

Анингтек ер тобуб бизга хабар қил,
Беролинг харжини қарши қўбарғил.

Уш андин бердилар олтун, кумуш кўб,
Айттилар ўтурма, тур равон кўб.

Кўруб молу хазина севнуб устод,
Тилагинча қилайин теди бунёд.

Чиқиб элдин, тутуб йўл тебради ул,
Ёзилар, тоғлар ошти кечти кўб қўл.

Кўрар бир ер ҳавоси табъ афюн,
Қари бўлғай ёш ўғлон турса ўн кун.

Муҳандиским рақам урди уш анда,
Ушул жоду керакким бўлса мунда.

Ушул ерда бориб бунёд қилди,
Тамуғ ўрнинда ул учтмаҳ қилди.

Умиди йўқ ким киши ул ерга борғай,
Бу аччиқ бирла Ширин анда турғай.

Етиб тун сусиким ажунни тутти,
Ушул ҳур отланиб дўзахқа кетти.

Ширин бирла неча қиз бирга эрди,
Ким анлар ақли йўқ ўғланлар эрди.

Сарой атоғли ул зиндонқа етти,
Гуҳар янглиғ ўзин тошларқа қатти.

Умид бирла ушул қаршиқа кирди,
Эши ёр қазғуси бирла ўтурди.

ХУСРАВ ОТАСИ ХУРМУЗДИН ҚОЧИБ МИҲИНБОНУ ҚАТИҒА КЕЛГАНИ

Нетакким чашмадин кетти жаҳонгир:
Кўнгул бўйнинга боғлаб ишқ занжир,

Йироқ бўлмишча ул манзилдин ул нур,
Бўлуб навмид кўнгули бўлди ранжур.

Яна сақнур тақи кун туғмади теб,
Соқинғайман бу ёғмур ёғмади теб.

Ким эмди кун туғуш ёри борурман,
Охир туққай кунум теб уманурман.

Бу куюк бирла Арман тоғларинга,
Ёвуқ етти Ширин яйлоғларинга.

Чечак янглиғким ул тоғларға ошти,
Ел элтиб йизғини Эронға сочти.

Амалдорлар қамуғи қаршу борди,
Укуш молу тавор ўтру чиқорди.

Тутуб тўзғу такиш тортиб талим мол,
Ичиб, ирғоб айтти ҳам: бу хуш фол.

Кишилар кўрди Хусрав юзи сувлуғ,
Қамуғ кўрмакга юзин орзулуғ.

Қилиқларини тилаб элга келди,
Неча кун қўнди, анлар бирла бўлди.

Уш андин тебради Муқонқа етти,
Муқонилар хабар Армонга элтти.

Миҳинбону ушул шоҳи жаҳондин.
Хабар англадиким ошти Муқондин.

Яраштурди талим шаҳона тузғу,
Қамуғ эл халқи бирла чиқти ўтру.

Талим молу тавор бирла текишти,
Тўрасинча қилиб хизмат, кўрушти.

Ўрун кўргуздилар, кечти, ўтурди,
Азинлар барча қўл қавшурди турди.

Шоҳ андин сўнгра сўрди ким нечуксан?
Ким уш заҳмат кетурдум элинга ман.

Қўноқман теди сизга бир неча кун,
Қўноқлардин бошингиз оғримасун.

Миҳинбону кўруб бу лутф андан,
Қилайим табуғғида жонни қурбон.

Ер ўпти ўнгинда ўру турди,
Дуо қилди нетакким лойиқ эрди.

Қавилантурди Хусрав лутфи они,
Фараҳ топти малик табғинда жони,

Бир азина тугал ул шоҳ қатинда,
Табуғлар қилди, турди хизматинда.

Утунуб айди: эй шоҳи жаҳонгир,
Қилайин тўй яроғин тею тадбир.

Агар лутф этса шоҳ саҳроқа чиқса,
Улус эл барчаси анда йиғилса.

Нетакким ҳукм этиб фармонласангиз,
Нукарларни-ма бир кун тўйласангиз.

Шаҳаншоҳ айдиким бўлсун борайин,
Нетакким сан тесанг андоғ қилайин.

Туруб отланди Хусрав бирла Бону,
Тушурди шоҳни, қилдурмиш кўб ош-сув.

Кўруб чимган уза шоҳона хуш тахт,
Утурди тахт уза шоҳи жувонбахт.

Азақ илка олиб шоҳқа тутуб қўш,
Қилу бошладилар бир-биринга нуш.

Чалиб мутриб чағона, чангу барбат,
Димоғлар топти ишратдин ҳаловат.

Соча бошлади тил тўтиси шаккар,
Табуғдин унди хуш мавзун сўзлар.

Узун кун тўйлаб анда ирғадилар,
Кеча бўлгач, қўноққа тарғадилар.

Кулуб айди Миҳинким: эй жаҳондор,
Қабул қилсанг табуғқа ўтукум бор.

Қим уш фаслида ул Бардаъ эли,
Ҳавоси хуш бўлур, роҳатли ели.

Яна ишрат қилур бир боғ чимгон,
Таворға сувлоғ, ўтлоғ ҳам фаровон.

Ижозат берди Хусравким равон бўл,
Сўнгунча ман борайин уш тутиб йўл.

Кўчуб тонг бирла шоҳ ул йўлқа кирди,
Миҳинбону айитқон ерга борди.

Етиб Бардаъга, тушруб анда рахтин,
Яна қурдилар анда шоҳ тахтин.

Қўнуб кўк чимгон узра гуллар ора,
Утурдилар кўнгулдин қазғу тара.

Миҳинбону қилиб кўб турлу иззат,
Туруб табғинда тун-кун қилди хизмат.

Тоши бирла қилур шоҳ анда ишрат,
Ичар сусун ва лекин ер ҳасрат.

ШОВУР ШИРИННИ МАДОЙИНҚА ИСТАЮ БОРҒОН СИФАТИН БАЁН ҚИЛУР

Зиҳи хуш ниъмат ул тириклик, эй ёр,
Бу лаззатким йигитлик вақтида бор.

Тириклик боғитек боғ йўқ сафолиғ,
Йигитлик меваситек ҳам мазолиғ.

Шаҳаншоҳ Хусрав ул солори ожун,
Йигит эрди ажаб хуш табъи мавзун.

Анинг асриндин одамқа тегру бир,
Ожунда туғмади антек жаҳонгир.

Тарабсиз ичмади бир журъа сусун,
Надимларсиз-ма ўлтурмади бир кун.

Қўрарлар теб табуғумда кўб ранж,
Бағишлар эрди ҳар биринга бир ганж.

Шаҳаншоҳ Хусрави шоҳи жувонбахт,
Кечурмаз эрди ишратсиз ярим вақт.

Бу янглиғ айш севган эрди Хусрав,
Маишат севмас улким бўлса худрав.

Яна ишрат қилу ўтрурда бир кун,
Миҳинбону эшикдин кирди ақрун.

Ўрун берди шаҳаншоҳ, қилди иззат,
Азин кунлардин ортуқ қилди ишрат.

Азақ тутти ёриштилар икагу,
Яна тутти қўш ичтилар икагу.

Ишорат қилди шоҳ боварчиқаким,
Кетур хон солким эмди ош егалим.

Боварчилар қўзуб хон, солдилар ош,
Едилар ош нечаким бор эди ош.

Қўзуб Бону ўнгинга турлу ниъмат,
Ош ароси тею бошлади ишрат.

Миҳинбонуқа нуш қилди, шоҳ ичти,
Азақ илка бериб, сўз қабғин очти.

Ажаб қисса тею ақтурди ёшин.
Ичи севну, кучун қазғуртти тошин

Ким эй Бону қариндош-зодангиз не,
Чечак юз, қадди сарви зодангиз не.

Эшиттимким оти ёбонда қочмиш,
Хумойни кўтуруб Анқотек учмиш.

Менга эвдин бугун бир пайк келди,
Нишон сўрдим ул ойдин барча билди.

Бир-икки ҳафта ман мунда бўлайин,
Нетак кечмиш анинг ҳолин билайин.

Изолим элчи келтурсунлар ани,
Сан энди фориг ич хуш дўстгани.

Миҳинбону бу сўзниким эшитти,
Севунмакдин бошинди ақли кетти.

Юзинга сочтилар сув, бўлди огоҳ,
Бошин кўтурди, айдиким, аё шоҳ,

Бу кўнгли хастаниким шод қилдинг,
Умунчум борким уш ёд қилдинг.

Қани ул донаким тушумда кўрсам,
Агар дарёда бўлса бирга турсам.

Чиқарғай эрдим ул дурри ятимни,
Яна ортурғай эрдим иззатимни.

Севундим бу хабардин тею Бону,
Ер ўпти шоҳқа севну, қувону,

Айтти келгай ул маълум бўлди,
Кўнгулким қазғудин бир пора қутулди.

Фалак иқболи қулға қилди ёри,
Бузулди эмди бу қазғум ҳисори.

Қачонким издисанг ул ерга шаҳзод,
Манга англатса, ман ҳам бўлғаман шод.

Яна бир хуш отим бор, оти Гулгун,
Эрур Шабдиз уруғи асру мавзун.

Қамуғ эрдамда Шабдиз бирла теб-тенг,
Мунуб ани равонроқ сурса сарҳанг.

Буюрди шоҳким ул отни келтур,
Кетурдилар, изарлаб минди Шовур,

Ушул дам тебради елтек равон ул,
Алардин азрилиб, тутти узоқ йўл.

Мадойин йўлинга уғради ёлғуз,
Тилаб ул ойни юрди тун-ма кундуз.

Талим тоғлар ошиб тун кунга қотти,
Ма-алқисса яна қаршиқа етти.

Тушуб қоқти қабуғ, овоз қилди,
Киши чиқти кўруб Шовурни билди.

Йироқ ердин қусаб келдим табуғни,
Оча бергил кирай теди қабуғни.

Кигурдилар Ширин табғинга ани,
Кўрарким бир қазойи осмони,

Ўтурмиш бир таматуғ ичра ушул ҳур,
Қоронғулуққа тушмуш ул ёруғ нур.

Ҳасис тошларға ул гавҳар қотилмиш,
Юсуфтек қазғу қузуғинга отилмиш.

Юзин ерга қўзуб мадҳу санолар,
Айитти ҳам ўкуш қилди дуолар.

Ким эмди хушмусан, не бўлди ҳолинг?
Тағайюр қилмиш эмгакда жамолинг?!

Уминчим бор агар торттингса кўб ранж,
Алингга киргай ул эмди равон ганж.

Недин мунтек ёмон ерда саройинг,
Кўбарттинг мунда ким қилди бу ройинг.

Бу зулматда қачон берур чирой нур,
Тамуғда ҳеч қаноат қилғуму ҳур?

Магар бир узр бор, ул дағи ақсоқ,
Жавоҳир тошда бўлур узр анжоқ.

Кўруб Шовур юзини айди Ширин,
Яна топтим кўнгул қуфли килидин.

Ахир ишимга бу бир чора қилгай,
Бу қазғу қўзуғидин ўзум қутулгай

Ишим бутгай тею андиша қилди,
Не хуш келдинг тею кўб узр қилди.

Бир анча ўгди, қач қўлмош берди,
Бошиндин кечмиш сўзларга кирди.

Агар айсам бошимдин кечмишин мақ,
Тангирқаб бармоқингни тишлагайсан.

Айитмоқдин толиб тил қолгай эбсам,
Таҳаммул қилмагай қоғаз, қалам ҳам.

Ушул қаршиким издинг эрди топтим,
Узумни ул қаровашларқа қоттим.

Құрарман бирикиб барчаси бир йўл,
Тутуб вақтинға қулким хожа хуш йўл.

Сучулмиш тикмаларга тан либосин,
Тарозу ичра кўрмиш ўз баҳосин.

Бу янглиғ кўрдум эрса ман анин уш,
Алардин бошқа бўлмоқни кўруб хуш.

Кўнгул ғайрат олиб илкимни силдим,
Не бўлса қаршини дархост қилдим.

Қаровашлар кенгашиб барча бирга,
Мени солдилар ушбу зишт ерга.

Бу ерни айди тедилар жаҳонгир,
Заруратда турурман уш не тадбир,

Бу сўздин сўнгра қўпти фитнаангиз,
Сени келтур теб айди теди Парвиз.

Чиқиб Гулгуни кўрди ул юзи гул,
Изидин ҳадя келди теб Дулдул.

Изарланмиш кўруб Гулгунни Ширин,
Укуш қилди боқиб Шовурға таҳсин.

Паритек отланиб андин равон ул,
Елиб елтек равон бўлди тутуб йўл.

Яна бир ёнда Хусрав келга теб ёр,
Куюб-куюб ичин ишқ ўти ўртар.

Неча ким офати умр интизор ул,
Сўнги васл илка кирса ҳам кечар ул.

Не хуш ким интизордин сўнг икки ёр,
Қавушса маъшуқинға ошиқи зор.

ХУСРАВНИНГ ОТАСИ ВАФОТИН ХУСРАВҚА ПАЙК ХАБАР КЕЛТУРГАНИ

Ўтурмиш эрди бир кун шоҳ хуррам,
Келиб бахт уш, кетарчоқ бўлди теб ғам.

Эшикдин ошуқуб бир пайк кирди,
Салом қилди табуғда ўтру турди.

Бағир бош, кўзлар қон ёш тўлуб,
Ёйиб соч, инграмакдин хаста бўлуб.

Кетурди номаким уш ой тутулди,
Ети иқлим тахти холи бўлди.

Замона бошлади уш жавр қайра,
Атосини севар ўғлиндин айра.

Қафасдин тўти янглиғ жони учти,
Уза келган ерин соқинди, қочти,

Яна ул гавҳари дарёқа тушти,
Ошуқуб борди, аслинга қавушти.

Қани ул Юсуфим тею, қилу оҳ,
Замона доғи Яъқуб урди ногоҳ.

Жаҳон солори борди бу жаҳондин,
Белинг боғла мадад қўл бир ўғандин.

Қим уш беглар салом изди санга кўб,
Ўтурмиш эрсанган тарк ошуқуб кўб.

Равон гил, турма, ғофил бўлма зинҳор,
Йўқ эрса элдин олди элни ағёр.

Бошингда кел бор эрса анда юма,
Неча сўз, иш бор эрса қўй ёвума.

Кўруб Хусрав фалакдин бу амаллар,
Бузулди тею соқингон амаллар.

Эрин тишлаб замона ишларинга,
Бу оз вақтда нелар қилмишларинга.

Муайян билдиким харжи бузуқ аҳд,
Заҳарсиз бермаз эрмиш зарраи шаҳд.

Ожун гаҳ бол берур, гаҳ заҳми ори,
Келур сархушлуқ оринча хумори.

Амалда азли бор, меҳринда ҳам кин,
Талим аччиғ егу сўнг тутғу ширин.

Фалак жавриндан эмин йўқ ким эрса,
Анинг таъсиридинтур ул не кўрса.

Вафо қилсанг жафо текрур бу ғаддор,
Мунунг макриндин эмин бўлма зинҳор.

Иярма дунёга, йўқлуқ йўлин тут,
Азаққа сол танингни, жон қўлин тут.

Бериб тупроқни елга, ўтқа сув қуй,
Улум келгу сенга, ўнгдин ўлуб қуй.

Ожун жодусидин яхши ҳазар қил,
Саҳл тутма, қатиф, тутмоздин ўнг бил.

Кун, ойтек кизимга рози бўлғил.
Кечар сендин керак бег, қози бўлғил.

Алинг торт дунёдин бўлғил фароғат,
Бир этмак топсанган қилғил қаноат:

Ожун ишларин уш ўзунг кўрарсан,
Не ҳожаттурким ўзгадин сўрарсан.

Санга қазғу бериб, ул шод бўлур,
Хароб этиб сени обод бўлур.

Бу бўғдой кўргазиб, арпа сотар ул,
Чурунг арпасинга бўғдой қотар ул.

Қилиб бўғдой энгим арпача сориг,
Тугатти бўғдойими бўлди фориғ.

Анга бас бўлсу кўргузмак бу бўғдой,
Манга бу тош — тегирмон даъвиси вой.

Манга ул йикким ойтек оч кечсам,
Бир арпа қурси бирла рўзам очсам.

Риёзатдин сизиб йинчкалса ўзум,
Ул арпа қурси янглиғ бўлса юзум.

Анинг макрин неча айтсам туганмас,
Сан ул ҳаққа сиғин, андин сўзунг кес.

Қаю улким сиғинди бир изимга,
Қулунгман тею айди шул изимга.

ХУСРАВ МИҲИНБОНУ ҚАТИНДИН КЕТИБ, ОТАСИ ТАХТИНГА УЛТУРУБ АДЛ ҚИЛГАНИ

Муайян билдиким ҳукми илоҳи,
Етиб йитмиш ети иқлим шоҳи.

Уш андин отланиб шоҳи жувонбахт,
Етиб ўз элинга, тутти ўрун тахт.

Ясоқ тўнғқаб қамуғ элларни тузти,
Қароқчи, йўл уруғли бўйнин узди.

Анингтекким ожунда дод қилди,
Нуширвон адли қайди қолса қолди.

Бу янглиғ элларини асраю ул,
Яна кўнглинда ёрин ўскаю ул,

Ширинсиз кўнгли ором қилмаз эрди,
Вале ҳам мулк қўйса бўлмаз эрди.

Қўб эллар фитнадин тобтиса ором,
Яна бошлади айш этиб, ича жом.

Севинч бирла ов овлар эрди ҳар кун,
Кечурмаз эрди ишратсиз-ма бир тун.

Яна ёр ишқи кўнгли ичра ортиб,
Табуғчиларқа сўрди қони ул теб.

Айиттилар:— Шоҳ андин қазғусуз бўл,
Неча кун бўлдим юк боғлади ул.

Яқин билмаз биз, эй шоҳи жаҳони,
Яна Шовур не ерга элтти ани,

Замона ишлариндин ибрат олди,
Бўлуб ожиз, таажжуб ичра қолди.

Икинчи ишқ чақмоқи чақилди,
Шаҳаншоҳ жони қав янглиғ ёқилди.

Шириннинг ёдгори теб бу Шабдиз,
Азин от мунмаз эрди овда Парвиз.

ШОВУР ШИРИНИ МАДОЙИНҚА МИҲИНБОНУ ҚАТИГА КЕЛТУРГАНИ СУЗИ

Кетурди қаршидин Ширинни ул пир,
Кўрарким кетмиш ул шоҳи жаҳонгир.

Миҳинбону саройинга тушурди,
Севинч кетруб, кўнгулдин қазғу сурди.

Чечак бўстонга, учмоҳқа яна ҳур,
Фалакга кун кетурди, кўзга ҳам нур.

Нукар қизларким эрди барча пазмон,
Ширин қазғусидин кўнгли паришон.

Фироқ илкинда кўрдук тею кўб қин,
Тушуб барчаси ўптилар азақин.

Талим шукроналар берди ушул дам,
Қилиб кўб вақф оташхонага ҳам.

Севунмакдин кўнгуллар бўлди хуррам,
Севунча эврулуб ўксилди мотам.

!
Миҳинбону анингтек шод бўлди,
Ким ушбу қазғудин озод бўлди.

Нетак (ким) бир ўлук топса тириклик,
Ё бир қуртқа йигит бўлуб эриклик.

Уш анча халқ бирла қилди эъзоз,
Ким ул юз байт ичинда айса бўлмаз.

Хазина, молу мулку иззу ҳурмат,
Бу барчаси санинг, сан бўл фароғат.

Фидо бўлсун жонингга ушбу жоним,
Сенинг бирла ёруғ жону жаҳоним.

Уялғай тею кечгандин ҳикоят,
Юзинга қилмади ҳаргиз шикоят.

Билур эрди далиллар бирла они,
Очуқ эрди ошиқлиқнинг нишони.

Яна шоҳдин нишонлар кўрмиш эрди,
Бу қизлардин-ма барча сўрмиш эрди.

Билиб бу сирни ул эркак тишидин,
Бу розни кезлар эрди кўб кишидин.

Тануқлуқ берур эрди кўнгликим бу,
Сўзум олғайким уш кўб еди қазғу.

Қиёссиз лутфу инъом кўб қилди.
Ким анинг кўнглини ором қилди.

Баёқи қизлардин қўйди қатинда,
Ўзоқитек турунг теб хизматинда.

Яна ул луббат ўйнағучи чарх уш,
Ўюн бошлаб қавурчоқлар била хуш.

Ул ой табғинда йиғлиб мунча юлдуз,
Тарозу ёситек бўлдилар туб-туз.

Утурди ирғамоқ, андиша қўюб,
Ўзоқи ишларини пеша қўюб.

**ХУСРАВ БАҲМАН ЧУРИ БИРЛА УРУШИБ
БУЛАРДИН ҚОҶГАНИ**

Калид (и) бўлса ганж очмоқ умид ул,
Темуртек рой олтунлуғ калид ул.

Баҳодурдин минг ортуқ ройлиғ эр,
Биликлик эр қилич захмин қачон ер?

Қўп элни рой бирла олса бўлур,
Қилич бирла олайн теса бузлур.

Бу Хусрав тахт тути тею Баҳром,
Нетак ким билди, кетти андин ором.

Бошинга тож савдоси ўтурди,
Борайин мен анга теб бош кўтурди.

Келиб Баҳманга айдиким букун ман,
Муни андиша қилдим, не теюрсан?

Айтти сабр қил, бир рой уролинг,
Уш андин сўнгра бу ҳила қуролинг.

Ким ул Хурмуз худ андин тонмиш эрди,
Қатинда тутмади элдин-ма сурди.

Ани билмазким ул Юсуфда кезин,
Фироқ нурын олур Яъқуб кўзиндин.

Битиб нома қамуғ ёнқа паришон,
Қилиб, айдиким эмди ушбу ўғлон.

Бу ўюнлар биламу бизни утғай?
Ото ўлтурғучиму элни тутғай?

Анга бир журъа сусун элдин ортуқ,
Зиҳиким элга лойиқ шоҳ тобтуқ.

Бағишлар бир надимга тожу тўнин,
Севар шоҳлиқдин ортуқ чанг унин.

Ҳануз ишқ ўти бирла бағри доғлиқ,
Ҳануз Ширин сўзинга эрур боғлиғ.

Жаҳон билмак бу янг (лар) бирла бўлмаз,
Ожун тутмоқ бу нанглар бирла бўлмаз.

Ярашмаз барча ҳолда ўт бирла сув,
Ақллиғ улким ўт сўндурса ашну.

Агар (чи) пандимизни олса олсун,
Йўқ эрса ул атоси янглиғ ўлсун.

Қилич бирла анинг йўлин тутунгким,
Гўр арслонтек сўнгинча ман етайим.

Бу янглиғ кина бирла ҳила қилди,
Қамуғ эл бегларининг кўнглин олди.

Малик кўрдиким ул барча райият,
Қилиқ ўйнаттилар қилди ҳамийят.

Кўнгулда ушбу ишни сақну турди,
Булар ол қилмасун теб сақну турди.

Бирин-бирин райият барча кетти,
Яна душман чарики келди етти.

Боқиб тўрт ёри ожиз бўлди Парвиз,
Равон отланди йўлга сурди Шабдиз.

Олиб бошдин азаққа солди тожин,
Элиндин Авракин учғинди лочин.

Солиб тахтин ушул жон олғучиқа,
Улусни қўйди ул куч қилғучиқа.

Кўрар шоҳким дуо ўйнар бу айём,
Хилоф шатранжини тикмишда Баҳром.

Бу фарзин банд етиб мот қилмасун теб,
Яғантек қочти изим бўлмасун теб.

Гаҳи йўлсуз елиб, гаҳ ул тутуб йўл,
Яна Эронқа етти эмганиб ул.

БАҲРОМДИН ҚОЧИБ ЭРОНҚА БОРУРДА ШИРИНГА ИУЛУҚҒОНИ

Мунунгтек айди ул сўз айғучи пир,
Нетакким, чиқти саҳроқа жаҳонгир.

Ов овларда ун эшитиб ўтру боқти,
Кўрарким ногаҳон бир тўз чиқти.

Булут янглиғ кетиб тўз, ой очилди,
Боқиб Хусрав таажжуб ичра қолди.

Фалак жодуси юз минг турлу афсун
Уқиб, Ширинни овқа измиш ул кун.

Икки овчи келиб бир овқа кирди,
Замона ушбу янглиғ ов қурди.

Азин ёронлари ов бирла машғул,
Анинг йўқ бир табуғчи мунунг (бир) қул.

Бири ишқ илкинда дармонда, ранжур,
Муҳаббат жомидин ул бири махмур.

Биринга тахту давлат, тож бермиш,
Бирининг тахту тожи елга бермиш.

Бири сочмиш чечаки узра анбар,
Бири тўкмиш йипор остинда шаккар.

Бири бермиш юзиндин бадри кофур,
Бириндин кўрк ўғурламуш қамуғ ҳур.

Кўруб бири-бирини ул ики ёр,
Яна кўзларидин ёш бўлди сайёр.

Шириндин кўз кетармаз эрди Парвиз,
Ҳам ул Гулгундин азрилмаз бу Шабдиз.

Тузуб дўстлар ёнгинча сўзларини,
Чиқориб бошлаб ичдин сўзларини.

Сўра бошлади бири-биринга отин,
Ширин ҳам тониди шоҳ минган отин.

Бири-бирин яқинким билдилар чин,
Ўзин тупроққа солдилар нярдин.

Бир анчадан сўнг анлар кўтуруб бош,
Талим йиғладилар бағри бўлуб бош.

Яна сўзлаю бошлаб озин-озин,
Қамуғ айтиштилар бир-биринга розин.

Кўб эрди сўз валекин чақладилар,

Тилин кўб сўзламакдин сақладилар.

Укуш сўз барча ҳолда яхши бўлмаз,
Тею сабр ишга боғлаб, қилдилар роз.

Йироқдин овчилар кўзга кўрунди,
Равон ул икки ошиқ отқа мунди.

Кўруб тўрт ёндин ул овчи(ни) беглар,
Изиб тизгин, паритек тебрадилар.

Малик Хусрав нўкарлари-ма кўрди,
Елиб елтек, отин мунларқа сурди.

Тамом ул етигандек тарғағанлар,
Яна улкар менгиз йиғлишти анлар.

Кўрарларким ушул кун бирла бир моҳ,
Қарор қилмиш бу ишқ бурчинда ногоҳ.

Ёқиб кўнглинга ишқ ўтин куярлар,
Солар қуштек бири-бирин кутарлар.

Кўрукли танимас бирин-бириндин,
Қим ул Хусрав қаю, қаюси Ширин?

Бирин-бирин йиғилди барча лашкар,
Туруб саф-саф, қамуғ мунларни тонглар,

Тушуб Ширин ўтунди, эй жаҳондор,
Туман минг мендин ортуқ қулларинг бор.

Қутунгқа барча олам севнур, эй шоҳ,
Манга қандин бу давлат келди ногоҳ.

Яқин бу мангда бор бир яхши боғим,
Бу тун ул боғда тиккайлар ўтоғим.

Оғирласа малик ташрифи қулни,
Турайн қавшуруб хизматда қўлни.

Малик айди қўноқ тиласанг, эй жон,
Борайин бош била, эй шаҳди туркон.

Булут янглиғ кетиб тўз, ой очилди,
Боқиб Хусрав таажжуб ичра қолди.

Фалак жодуси юз минг турлу афсун
Уқиб, Ширинни овқа измиш ул кун.

Икки овчи келиб бир овқа кирди,
Замона ушбу янглиғ ов қурди.

Азин ёронлари ов бирла машғул,
Анинг йўқ бир табуғчи мунунг (бир) қул.

Бири ишқ илкинда дармонда, ранжур,
Муҳаббат жомидин ул бири махмур.

Биринга тахту давлат, тож бермиш,
Бирининг тахту тожи елга бермиш.

Бири сочмиш чечаки узра анбар,
Бири тўкмиш йипор остинда шаккар.

Бири бермиш юзиндин бадри кофур,
Бириндин кўрк ўғурламуш қамуғ хур.

Кўруб бири-бирини ул ики ёр,
Яна кўзларидин ёш бўлди сайёр.

Шириндин кўз кетармаз эрди Парвиз,
Ҳам ул Гулгундин азрилмаз бу Шабдиз.

Тузуб дўстлар ёнгинча сўзларини,
Чиқориб бошлаб ичдин сўзларини.

Сўра бошлади бири-биринга отин,
Ширин ҳам тониди шоҳ минган отин.

Бири-бирин яқинким билдилар чин,
Узин тупроққа солдилар нярдин.

Бир анчадан сўнг анлар кўтуруб бош,
Талим йиғладилар бағри бўлуб бош.

Яна сўзлаю бошлаб озин-озин,
Қамуғ айтиштилар бир-биринга розин.

Кўб эрди сўз валекин чақладилар,

Тилин кўб сўзламакдин сақладилар.

Укуш сўз барча ҳолда яхши бўлмаз,
Тею сабр ишга боғлаб, қилдилар роз.

Ироқдин овчилар кўзга кўрунди,
Равон ул икки ошиқ отқа мунди.

Кўруб тўрт ёндин ул овчи (ни) беглар,
Изиб тизгин, паритек тебрадилар.

Малик Хусрав нўкарлари-ма кўрди,
Елиб елтек, отин мунларқа сурди.

Тамом ул етигандек тарғағанлар,
Яна улкар менгиз йиғлишти анлар.

Кўрарларким ушул кун бирла бир моҳ,
Қарор қилмиш бу ишқ бурчинда ногоҳ.

Ёқиб кўнглинга ишқ ўтин куярлар,
Солар қуштек бири-бирин кутарлар.

Кўрукли танимас бирин-бириндин,
Ким ул Хусрав қаю, қаюси Ширин?

Бирин-бирин йиғилди барча лашкар,
Туруб саф-саф, қамуғ мунларни тонглар,

Тушуб Ширин ўтунди, эй жаҳондор,
Туман минг мендин ортуқ қулларинг бор.

Қутунгқа барча олам севнур, эй шоҳ,
Манга қандин бу давлат келди ногоҳ.

Яқин бу мангда бор бир яхши боғим,
Бу тун ул боғда тиккайлар ўтоғим.

Оғирласа малик ташрифи қулни,
Тураин қавшуруб хизматда қўлни.

Малик айди қўноқ тиласанг, эй жон,
Борайин бош била, эй шаҳди туркон.

Булут янглиғ кетиб тўз, ой очилди,
Боқиб Хусрав таажжуб ичра қолди.

Фалак жодуси юз минг турлу афсун
Уқиб, Ширинни овқа измиш ул кун.

Икки овчи келиб бир овқа кирди,
Замона ушбу янглиғ ов қурди.

Азин ёронлари ов бирла машғул,
Анинг йўқ бир табуғчи мунунг (бир) қул.

Бири ишқ илкинда дармонда, ранжур,
Муҳаббат жомидин ул бири махмур.

Биринга тахту давлат, тож бермиш,
Бирининг тахту тожи елга бермиш.

Бири сочмиш чечаки узра анбар,
Бири тўкмиш йипор остинда шаккар.

Бири бермиш юзиндин бадри кофур,
Бириндин кўрк ўғурламуш қамуғ хур.

Кўруб бири-бирини ул ики ёр,
Яна кўзларидин ёш бўлди сайёр.

Шириндин кўз кетармаз эрди Парвиз,
Ҳам ул Гулгундин азрилмаз бу Шабдиз.

Тузуб дўстлар ёнгинча сўзларини,
Чиқориб бошлаб ичдин сўзларини.

Сўра бошлади бири-биринга отин,
Ширин ҳам тониди шоҳ минган отин.

Бири-бирин яқинким билдилар чин,
Узин тупроққа солдилар иярдин.

Бир анчадан сўнг анлар кўтуруб бош,
Талим йиғладилар бағри бўлуб бош.

Яна сўзлаю бошлаб озин-озин,
Қамуғ айтиштилар бир-биринга розин.

Кўб эрди сўз валекин чақладилар,

Тилин кўб сўзламакдин сақладилар.

Укуш сўз барча ҳолда яхши бўлмаз,
Тею сабр ишга боғлаб, қилдилар роз.

Йироқдин овчилар кўзга кўрунди,
Равон ул икки ошиқ отқа мунди.

Кўруб тўрт ёндин ул овчи (ни) беглар,
Изиб тизгин, паритек тебрадилар.

Малик Хусрав нўкарлари-ма кўрди,
Елиб елтек, отин мунларқа сурди.

Тамом ул етигандек тарғағанлар,
Яна улкар менгиз йиғлишти анлар.

Кўрарларким ушул кун бирла бир моҳ,
Қарор қилмиш бу ишқ бурчинда ногоҳ.

Ёқиб кўнглинга ишқ ўтин куярлар,
Солар қуштек бири-бирин кутарлар.

Кўрукли танимас бирин-бириндин,
Ким ул Хусрав қаю, қаюси Ширин?

Бирин-бирин йиғилди барча лашкар,
Туруб саф-саф, қамуғ мунларни тонглар,

Тушуб Ширин ўтунди, эй жаҳондор,
Туман минг мендин ортуқ қулларинг бор.

Қутунгқа барча олам севнур, эй шоҳ,
Манга қандин бу давлат келди ногоҳ.

Яқин бу мангда бор бир яхши боғим,
Бу тун ул боғда тиккайлар ўтоғим.

Оғирласа малик ташрифи қулни,
Тураин қавшуруб хизматда қўлни.

Малик айди қўноқ тиласанг, эй жон,
Борайин бош била, эй шаҳди туркон.

Яна узр айтур ул Хусравқа Ширин,
Шакар тўкти ушул Ширин эриндин.

Хабар қилди Миҳинбонуқаким шоҳ,
Қўноқ келди яроғ қил теб, бўл огоҳ.

Нетакким бу хабарни билди Бону,
Равон ўтру чиқиб, келтурди тузғу.

Тушурдилар ўшул боғ ичра они,
Ким ул боғ эрди учмоҳнинг нишони.

Келибким Хусрав ул бўстонқа тушти.
Яна кўб молу от бирла тикишти.

Тузулди базми шоҳона икинчи,
Очилди айшу ишрат, завқ ганжи.

Кўруб ҳардам малик Ширин юзини,
Элиндин ичқинурди ўз-ўзини.

Миҳинбону буларнинг ҳолин англаб,
Ўтурди ул кун ушбу ишни танглаб.

**МИҲИНБОНУ ШИРИНГА ПАНД БЕРГАНИ,
ШИРИН ХУСРАВДИН ЎЗИН САҚЛАГАНИ**

Ариғ солса уруғ ерга экинчи,
Янгиладин ариғ олгай иккинчи.

Қишиким гавҳарин хуш асраса ганж,
Анга туброғу тўз текмаз кеса ҳанж.

Миҳинбону ариғ эрди уруғдин,
Яна англаб малик қурғон қўруғдин.

Қилиб андишаким Ширину Хусрав,
Тутушғай тею ногаҳ ўтқа бу қав.

Кеча маҳрам эвини қилди ҳоли,
Ширин келсун теб эди, келди ҳоли.

Айитти сансизин сирмаз бу жоним,
Сани мендин азирмасун ўғанним.

Санинг бир нозинг минг молу мулкат,
Санинг бир тол сочинг минг иззу давлат.

Саодат кўликангнинг хожадаши,
Ариғлиқ барча ургунгнинг адаши.

Жамолингдин ёруғлуқ бу жаҳонқа,
Яна порсолиқингдин нур бу жонқа.

Бу ожуи алдар аввал хуш ағирлар,
Уш андин ганж бузуб гавҳар ўғурлар.

Тамом қабғи муҳурлук ганж эурсан,
Ёмон эзгуни билмаз ганж эурсан.

Сезар кўнгулмким, эмди бу жаҳонгир,
Санинг учун қилур бу роюу тадбир.

Кўрарманким, кўнгул бермиш санга шоҳ,
Ёған тушмуш санинг овунгқа ногоҳ.

Ушул худ ҳеч тия билмаз ўзини,
Вале сан ҳам эшитурсан сўзини.

Керакмазким сучук сўз бирла алдаб,
Эй Ширин шаккарингни қилса жуллоб.

Ичиб хуш аввал андин журъасини,
Ўюк теб солса расвой қилса сени.

Қатиғлон кетмасун юзунгда нури,
Куяр ўтмак исиг бўлса танури.

Эшиттим юз тақин кўрклуқлари бор,
Қамуғ шаккар эринлик тани чин қор.

Қуюб анларни кўнглин бирга урғай,
Қиёс эт ким санинг бирламу турғай?

Вале гавҳар алинга кирмаса бил,
Харидорлиқ қилиб, тебратгай ул тил.

Сани мендин тилагай ноз бирла,
Битургайман ишинг(ни) эъзоз бирла.

Фалак порсолиқингға ёр бўлғай,
Тилагинча сени асror бўлғай.

Агар ой эрса ул биз офтоббиз,
Агар Кайхусрав эрса, биз Афросиёббиз.

Қишидин сўнгра қолмоқ бўлмаз эрлик,
Нечаким ҳеч тишидин келмаз эрлик.

Чечакни тоза эркан кўб олурлар,
Соларлар сўлди теюким билурлар.

Укуш сусун изишгаким қуюлур,
Ичарлар софисин, сарқут қуюлур.

Билурсан халқ аро ошкора қўлмақ —
Му яхши, ёхуд иш гизланчи қилмақ?

Қилиб андиша Ширин ишини билди,
Анинг пандин қулоққа ҳалқа қилди.

Анинг ҳам кўнглинда бор эрди бу сўз,
Сочилди эрса сув, сўнди ёнар кўз.

Изи отин тута онт ичти Ширин,
Агар ўлсам анинг ишқи экиндин.

Гуҳар кўркузмагайман қилса минг ол,
Ҳалоллиқ уза измағинча даллол.

Сўзин мундоғ эшитти эрса Бону,
Ишонди кўнгли уш онт ичти тею.

Иза бердиким ул Хусрав била хуш,
Утур густоҳ, вақти бўлса қил нуш.

Бу шарт уза ким онинг хизматинда,
Нукарсиз турмағойсан ҳам қатинда.

ШИРИН БИЛАН ХУСРАВ ЭРТАСИ ЖАМИЯТ ҚИЛҒАНИНИНГ СЎЗИ

Нетакким субҳ суси йирга тузди,
Қоронғулуқ черикин урди бузди.

Ёруқлуқ кўрдиса қочти қаро тун,
Яна Гулгунига отланди ул кун.

Кўрунмаз бўлди кўкда кўзга юлдуз,
Инига кирди қайра кишу қундуз.

Ивуқ янглиғ яна Ширин қатинга,
Ийгилди барча қизлар хизматинга.

Баҳодурлуқда текма бири Заҳҳок,
Уқ отмоқ учра Рустамдин-ма чолок.

Олур бўлсалар эрди алга чавгон,
Фалакдин тўп олурлар эрди осон.

Қамуғ отландилар анча зариф ҳур,
Жаҳон тўлди аларнинг юзидин нур.

Юзинга барча бурқаъ боғладилар,
Равон шоҳ хизматинга ўғрадилар.

Чиқиб човушлар ўтру йўл берди,
Ширин иззат билан табғинга кирди.

Оғирлаб Хусрав они ўтру турди,
Тутуб илкин равон тўрга кечурди.

Ўтурдилар икиси ёнашиб хуш,
Тамом ул мағзи бодомтек бўлуб қўш.

Кўрар шоҳ ким сарой тўлди бути чин,
Изи сунъинга юз минг қилди таҳсин.

Тўб ўйналинг чиқиб майдонқа бир биз,
Тамошолар қилинг бизга боқиб сиз.

Малик билмаз аниким ушбу қизлар,
Тепилса қаршу турмаз минг туман эр.

Эшитти эрса худ анлар бу сўзни,
Севундилар ким утғай тею бизни.

Чиқиб отландилар барчаси бирга,
Етиб майдонқа туздилар ерса ерга.

Кўрар Хусрав қамуғ қиз олди чавгон,
От узра текма бири бир гўр арслон.

Шоҳ айди биз ики тўб ўйноғалинг,
Қаюмиз яхши ўйнар бир боқалинг.

Солиб майдонқа тўб ўйнаю ул дам,
Жаҳонқа шуру гавго солдилар ҳам.

Тегиб чавгон ели тўб қуштек учти,
Булут бирла ўзушуб, қайра тушти.

Фалак ўюн кўруб ҳайрон қолди,
Аларнинг ўйнидин таълим олди.

Гаҳ ул Ширин ўтар, гаҳ шоҳи Парвиз,
Гаҳ ул Гулгун ўзар, гаҳ чопса Шабдиз.

Қилиб арслон била ул оҳу жавлон,
Тўб ўйнаю ўсанди алда чавгон.

Усондилар эрса ул тўб ўйнамоқдин.
Яна Хусрав аюр, эй жони Ширин,

Исинди отлар уш сурсак бўлурму,
Не кирур овқа бир кўрсак бўлурму?

Айитти сиз билинг, эй ожун эрки,
Эй жонлар ўрки, эй тахт кўрки,

Яна ул ой кун бирла ёнашиб,
Ёзиқа сурдилар мундоғ кенгашиб.

Чечактек очилиб ул саҳрода хуррам,
Ов овлалинг тедилар мунда бир дам.

Малик соғ қўлға, Ширин сўлға ерга,
Тузур, еттилар ов овлағу ерга.

Азирдилар кизиклар танда жонин,
Уш анчаким, киши билмади еонин.

Отиб ўқ захми бирла тикма бир қиз,
Учар қуштек кизикни қилди жонсиз.

Йигитлар худ қиёс этким не қилди,
Талим турлук кизиклар ул кун ўлди.

Фалак тишлади тонглаб бармақини,
Кўруб анлар кизик кўб қирмақини.

Ким анда текма бир қиз гўр арслон,
Менгизлик қилдилар ов ичра жавлон.

Боқар Ширинга ул шоҳи жаҳони,
Ким овдин не кетургай теб армуғони.

Кўрар ногаҳ (ким) ул оҳу қироқдин,
Тушар овқа кўрукли шахс ироқдин.

Суруб етти отини елдиримтек,
Овумға кирди теб Хусрав менгиз бек.

Қуён ўрнинга арслон овға кирди,
Тею йўлга кириб, Гулгунни сурди.

Нетакким қочти кун товуси индин,
Яна тўлди ожун бўстони зоғдин.

Уш ул товуслар ҳам тарғадилар,
Тонг отғанда йиғилғаймиз тедилар.

Уюб, ортуқ тушурдилар узун тун,
Янаким қочти эрса тун келиб кун.

Йиғилдилар яна Ширин қатинға,
Туруқтилар келиб шоҳ хизматинға.

Яна ўйнадилар чавгон била тўб,
Яна овлаб, кизиклар йиқтилар кўб.

Бир ой умрин мунунгтек қилдилар сарф,
Уюндин қўймадилар нуқтаи ҳарф.

Малик хилват ер издар эрдиким бир,
Уз экинга давони қилса тадбир,

Тилаб, бермади фурсат бу замона,
Ким ул Хусрав ўқи тушса нишона.

Қатиндин ҳар кечаким кетса Ширин,
Сафо ҳеч тобмаз эрди ишратиндин.

Яна тун зулфин ёйди эрса ногоҳ,
Шаҳаншоҳ айди Ширинга ким: эй моҳ.

Жамолинг бирла хуррам кўнглум, эй жон,
Санингсиз кенг жаҳон устумга зиндон.

Кел уш тонг бирла бир боғқа боралинг,
Тамошолар қилу мажлис қуралинг.

Азақ алда юрутуб нуш қилалинг,
Танаъум бирла бошлар хуш қилалинг.

Агар қазғуда бўлсақ ё севунчда,
Кечар даврон қолурбиз биз ўкунчда.

Борурбиз дунёдин уш барча ночор,
Йигитликда севунчдин яхши не бор?

Бошим бирла борай теб қуллуқ этти,
Туш эзгу бўлсун теб отланди кетти.

Тутуб Хусравни ул ёр интизори,
Тонг отғинча талим кез қилди зори.

Тонг отти эрса қайра ул парилар,
Шу Ширин хизматинга тебрадилар.

Яна келдилар ул Хусрав қатинга,
Туруқтилар азақин хизматинга.

Ичиб тўзу кечиб ўлтурдилар хуш,
Қилу бошладилар бир-биринга нуш.

Хуш ул чоқким вафо қилса бу ожун,
Умур ўксилмаса, кечмишча бу кун.

Агар бўлмоса тандин жон фироқи,
Тириклик бўлса эрди мунда боқи.

ХУСРАВ ВА ШИРИН ЕЗ ВАҚТИНДА БОҒЛАРДА
ИШРАТ ҚИЛҒАНИ

Қачон ким ушбу кўк атанғучи ер,
Бу ер юзин беамак қилса тадбир.

Йигитлар ҳам қариларни экинчи,
Кетар чимгон кўруб қазғу соқинчи.

Чечак очлиб қурар бу тахти Ковус,
Беаюр ер юзин чин шакли товус.

Кўруб булбул ма ишқи тоза бўлур,
Анин уш анча хуш овоза бўлур.

Тамомким кўк бинафша ерда очлур,
Кўнгулларга яна ишқ урғу сочлур.

Нетакким ишқи ортиб ул ики ёр,
Шешиб жон боғини боғ ичра ўйнар.

Булартек ҳам чечаклар очлиб ул дам,
Янги кездин бу ожун бўлди хуррам.

Чечак чимгонда беглик тахтин урди,
Келиб фохта чериги зоғни сурди.

Саман соқию наргислар қилур нуш,
Бинафшалар хумор, ол гул боши хуш.

Сабо барча чечакдин бурқаъ олмиш,
Сало теб йизғи ошиқларға келмиш.

Тўшанмиш боғлар уш натъи сақойиқ,
Тамом ошиқлар ўлтурмоққа лойиқ.

Санавбар қадду қомат хуш етурмиш,
Чечак ишқинда кўнглак йирта турмиш.

Чиқиб турлук раёҳин ўру турмиш,
Келинлартек али юзинга урмиш.

Туғурмиш мунча турлук гул бу тупроқ,
Қизил, сориг, бинафшу яшилу оқ.

Булутлар ҳам ҳавода юзин очмиш,
Зумуррад узра сонсиз юнжи сочмиш.

Ивуқларнинг боласи сутдин эсруб,
Аноси бирла ўйнар тегра югруб.

Тамом суклин қанотитек раёҳин,
Тизилмиш ранг олур суклинлар андин.

Очилмиш текма, боғ ичра янги гулнор,
Хиромлаб бош сола кўб сарву ўйнар.

Бинафша зулфини ортинга солмиш,
Кўруб гунча ўзини пора қилмиш.

Топуб мунтек фасл ошиқ киши чин,
Хато бўлғай улуш олмаса андин.

Хиромлаб Хусраву Ширин ушул кун,
Бири Шабдизга минди, бири Гулгун.

Тамоша қилғу ерларни кезиб хуш,
Тушар ерга бурунроқ индилар қўш.

Гаҳ олдилар чечак бири-бириндин,
Гаҳи шафтолу ул Ширин ириндин.

Раёҳинлар аро юруб ича жом,
Етиб ул қўз яқосинда саранжом.

Тушурдилар равон анда қўшини,
Утурдилар ғанимат теб қил уни.

Чалиб мутриб навойи ошиқона,
Ажабким берди теб фурдат замона.

Утурди ёнашиб Хусравқа Ширин,
Кўрукли ҳайра қолди таягри сунъин.

Шириннинг лола янглиғ ол энгиндин,
Чечак ранг олди, анбар ҳам менгиндин

Янгоқиндин ёруғлуғ олмиш ожун,
Мунаввар бўлмиш ул ерлар ушул кун.

Кулуб йўл урмиш ул Мисри шакарга,
Тиши хўрлуқ тушурмиш ҳам бу дурга.

Муфарриҳ ул насими бирла дамсоз,
Йипар қилмиш анинг йизғинға парвоз.

Сарвтек қади ростлиқни ўзурмиш,
Сарварларга яшил хилъат кизурмиш.

Чечак ҳам наргисинга бир назора
Қилиб, қилмиш ўзини пора-пора...

ХУСРАВ ВА ШИРИН ҚАТИНДА УН ҚИЗ УЛТУРУБ АФСОНА АЙМИШИН БАЕН ҚИЛУР

Нетакким, кун сўнгинча келдиса тун,
Қуруб мажлис ўтурди ой бирла кун.

Масиҳи ел тўлуб, туннинг димоғи,
Не улким, елким ўчурса худ чароғи.

Ажаб тун эрдиким ҳеч йўқ қаронғу,
Қочиб махмур наргислардин уйқу.

Сабо жон юзидин парда кўтурди,
Ул ой табғинда юлдузлар ўтурди.

Шоҳ айтур кўнглинда бу қадр туни,
Топилди кийгаман теб мақсуд тўни.

Бу ёнда Зухрани қабсаб жавҳар,
Яна ул ёнда ойни юнчи қабсар.

Алар йизғиндин ул ер мушк тўлди,
Ҳаво ҳам ғолия йизғиндин олди.

Сабо ким бошлади ул мушк сочмоқ,
Йипорқа анда қоришти бу туброқ.

Кўрунг бу ёз ели уш андин ўтру,
Тугатмаз ул йизиги мунчага тегру.

Чалиб Зухра навойи ошиқона,
Ўтурмиш ой бирла шоҳ ягона,

Надимликга Сурайё хос бўлмиш,
Уторуд ўйнаю раққос бўлмиш.

Ул ун эштиб қамуғ тун қушлари ҳам,
Хуш унлар бирла сайрадилар ул дам.

Неча ким мухталиф овоз эдилар,
Вале тун созинга дамсоз айдилар.

Фаридун тахтингга ул шоҳ ўтурмиш,
Кўнглин Жамшид қибласинга урмиш.

Кулуб ул ой юзи кунтек очилди,
Анинг шамъинга шоҳ парвона бўлди.

Эсиб чимгонга ел йизғи раёҳин,
Хабар Хусравдин айтурким, эй Ширин,

Қачон мунтек севинчлук туни келгай,
Ким иғлар кўзларимиз қайра кулгай.

Неча васлинг ўминчи ер йироқдин,
Йироқ ҳеч нисбати йўқ ош табақдин.

Қазон остинда ўт ул қайнамазмۇ?
Агар кўб қайнаса ош айнамазмۇ?

Неча фикринг бу хом юрак пишургай,
Бу очқа бермадин неча ёшургай?

Ёпалинг тандур исси эркан ўтмак,
Бўлур ёз фаслида хуш завқ этмак.

Қамуғ кунларнинг оти ёз бўлмаз,
Қамуғ соатда охир ноз бўлмаз.

Оқиллиқ ул бўлурким вақт бўлғай,
Равон қилғай ишин қилмишча қолғай.

Талим кез овчиларнинг ўз итини,
Қизиклар ўлтуруб еди этини.

Масал айтур бўри қуймотқа ким қўй,
Ман ўлтурдум еди тилку, мени қўй.

Бизинг ҳам бўлмасун антек ишимиз,
Равон ейлик совумасун ошимиз.

Бирор сақшаб борур, алдин ушул ой,
Яна кўнглинга айтур ким қайт, ҳой.

Лаъин шайтон аюр чоқ бўлди чоқла,
Фаришта қўймас айтур, онтни сақла.

Бу ёнда тахти шоҳона урулмиш,
Туруб хуш соқилар мажлис қурулмиш.

Яна ул ёнда бир бу жамъ нури,
Ўтурмиш шоҳ кўнглининг сурури.

Малик табғинда турмиш фитна Шовур,
Ширин табғинда анча ҳам қиз ўтрур.

Фарангису Ажабнушу Паризод,
Сумантурку Ҳумаила бирла Дилшод.

Фалак қадрү Хўтан хотун, Ҳумоюн,
Яна Гавҳар малак бу ўн юзи кун.

Янгоқлари Бадаҳшон лаълитек ол,
Худ анлар васфин аймоққа бу тил лол.

Нетакким ичку феъли мунда бошқа,
Димоғлардин ақл ҳам бўлди бошқа.

Бўлуб сархуш буюрди ул жаҳонгир,
Ҳикоят айтингиз теб текмангиз бир.

УЛ УН ҚИЗ УЛТУРУБ АФСОНА ҚИЛМИШЛАРИ

Ўтурмиш эрди ул зийраклар ул тун,
Бири-бириндин ортуқ табъи мавзун.

Қамуғ йинчқа боқиб туз отғучилар,
Умочни ёзмадин жон утғучилар.

Очиб текма бириси танг шаккар,
Соча бошлади ул ширин тиллар.

Фарангис айди ким:— Бу ерда давлат,

Кўзуб ганж издар эрди мунча муддат.

Фаридуни хабарлиғ бўлди андин,
Очиб олди анинг кезлакли ганжин.

Ажабнуш айди:— Бу боғ ичра суклин,
Сарв тубинда ўйнар эрди яшрун.

Ҳаводин инди онгсизда бу лочин,
Ушул суглунни олди қарбоб уш чин.

Паризод айди ким:— Бор эрди бир йўл,
Ёқасинда очилмиш эрди хуш гул.

Кўрарман бир турфа қуш учти келди,
Бутоқдин ул чечакни узди олди.

Фалак айди:— Бор эрди бир кўзумуз,
Жаҳон андин кўрар эрди кўзумуз.

Тақи бир кўз бағишлади изи уш,
Ахир кўрмакга бир кўздин ики хуш.

Хумайла айди:— Бир хуш чашмадин сув,
Оқар эрди чечаклар ора кўрну.

Йигит арслон келиб боғ қабғин очти,
Кўруб ногаҳ ушул хуш сувдин ичти.

Ҳумоюн айди:— Бир хуш гавҳар эрди,
Халойиқдин ўзини кезлар эрди.

Кўруб бу давлати шоҳи жаҳони
Олиб тожи уза ўрнатти они.

Сумантурк айди:— Ҳақ бизнинг тарафдин,
Чиқармиш эрди бир дур хуш садафдин.

Фалак бу лаъл шоҳи нақд қилди,
Ани бу лаълга уш иқд қилди.

Паризоду Парируҳ айдиким: моҳ,
Бу сахро ичра ов овларда ногоҳ.

Фалакдин кун туғуб нурин соча хуш,

Келиб ёнашти ул кун, ой бирла хуш.

Хўтан хотун айтти:— Сарви озод,
Борурда бу қасаб кийгучи шамшод.

Изи тақдири бирла уш ёнашти,
Боқа турсам зиҳи кўрклук ярашти.

Малик — Гавҳар теди ким:— Зухра ёлғуз,
Бўлур эрди ҳамиша туну кундуз.

Қирони Муштари Зухрага тушти,
Саодат ушбу давлатқа қовушти.

Тугатти эрса бу қизлар сўзини,
Қамуғ Шовурқа тиктилар кўзини.

Манга му келди навбат тею Шовур,
Қура бошлади сўз, эштинг (ким) не айтур.

Аюр:— Ширин-ма бир тотлиғ бол эрди,
Малик не ёгтек қул болға қорди.

Бу икки болу ёғ ҳалво (ни) кони,
Эрур ман қул буларнинг заъфарони.

Бу ҳалвоқа талим эмгак кегурдум,
Шукрим оқибат бори бишурдум.

Бу эмганган ишим мунча тузулди,
Тею Шовур изига шукр қилди.

Нетак ким навбат ул Ширинга келди,
Бу ишқ онгсиз кўнгулга ўт солди.

Севуксиз эрди кўнглум, тан-ма жуфтсуз,
Таним кўнглум била уш бўлди туб-туз.

Севуклукга уш ул устод солди,
Жонимда ишқ ўтин бунъёд солди.

Санинг ишинга уш худ чора қилди,
Маним кўнглумни юз минг пора қилди.

Нечаки бу қазо эрди битикли,

Вале не қилса қилди нақш этикли.

Сўзумнунг охири ул нақши зебо,
Бу янглиғ қилди мени элга расво.

Яна Хусравқа келди эрса навбат,
Айитти ким бўлмағай ҳеч мунтек офат.

Ўзум арслон менгиз юрирда гукраб,
Жаҳондин қазғусуз хуш ов овлаб.

Тузоқ қурмиш йўлумда ушбу оҳу,
Илиндим ул тузоққа ҳолим ушбу.

Ов издар эркан ўзум бўлди наҳжир,
Бўлуб бўйнулмға Ширин зулфи занжир.

Агар Ширин илик тутса қутулдум,
Йўқ эрса бу куюк ичра ўқ ўлдум.

Агар Ширин ёнимда бўлса, арслон,
Манга қоришса ул элатмағай жон.

Уш эмди вақт эрур ким раҳм қилғай,
Азақдин тушмазимдин ўнг қўл олғай.

Ҳарифлар жинсу барча аҳл эрурлар,
Бу янглиғ текма бири сўзладилар.

Кўнгул маҳрамлиги чин тахтаи хок,
Билур неча рақам урсанг бўлур пок.

Бу сўз бирла Шириннинг кўнгли юмшаб,
Қадаҳ келтурди алга ичку бошлаб.

Юкунди тутти Хусравқаким ич қўш,
Олиб шоҳ айдиким қилдим санга нўш.

Малик ҳардам боқиб ул юзи ойқа,
Ялиниб, ёлбарур ул кўрка бойқа.

Гаҳ айтурким севундур кел бу жонни,
Манга кулдурмагил халқи жаҳонни.

Гаҳ айтур боғлағай тун раҳм онгсиз,

Яна учқунғаман бу бахт онгсиз.

Фалак мунтек булар бирла узун тун,
Юзук ўйнади туғинча ёруғ кун.

Хурус ундаб юзукни бер тею қўлди,
Келиб субҳ ул юзукни аллардин олди.

Қўбуб тонг бирла таркин тарғадилар,
Қўзуб саҳрони элга тебрадилар.

Узун кун бирла бўлди ул парилар,
Кеча йиғлинғабиз қайра тедилар.

Яна кун шишасинким тошқа урди,
Ожун халқи яна шишага кирди.

Ушул шиша кўнгуллуқлар-ма келди,
Фалакга шиша ўйни пеша бўлди.

Яна ёндурдилар ишқлиқ чароғин,
Қуруб ўлтурдилар мажлис қароғин.

Ича бошладилар лаъли мураввақ,
Азақ юриттилар алларга йиғроқ.

Ичиб сархуш бўлуб ол англи сусун,
Яна ўйнаю товус бирла суклин.

Очилмиш ул боғ ичра анча хуш гул,
Ароларинда ёлғуз ушбу булбул.

Димоғ хуррам қароба қил қўлиндин,
Табиат очлиб ул шиша майлиндин.

Қилиб нуш бир-биринга дўстгони,
Севунди ошиқу маъшуқ жони.

Эрам боғи менгиз турлук чечаклар,
Аро Хусрав тушуб шафтолу терар.

Фаровон бўлди ул тун шаккару бол,
Валекин Муштари ул эрди даллол.

Бу янглиғ бұлди (бу) мажлис муяссар,
Яна қолмасу теб бу дафтар айтар.

Боқиб Ширинга ширинлик била шоҳ,
Қўз учи бирла айдиким:— Эй чин моҳ.

Ким уш эм бирла англағил бу нукта,
Билурсан ҳожатим, қўзма узукта.

Қўзи учи бирла Ширин шоҳқа қарғу,
Айиттиким етар қилма бу ёрғу.

Ишорат бирла мунтек сўзладилар,
Азинлардин бу розни кезладилар.

Узун тун Хусрав ул андиша қилди,
Бу янглиғ посбонлиқ пеша қилди.

Сўнги бермади фурсат бу замона,
Ким ул Хусрав ўқи тегса нишона.

Бу соқиш ичра эркин келди овоз,
Қочиб зоғ қилди теб Семурғ парвоз.

Ёруғ кун келдиса кетти қаро тун,
Изарланг тедилар Шабдизу Гулгун.

Яна отланди кун ул ой бирла,
Човушлар мунди ҳаю-ҳой бирла.

Чиқиб сахроқа оҳу овладилар,
Кезиклар йўлини кез боғладилар.

Тушуб гаҳ Шат яқосинда солиб оғ,
Балиқлар йўлинга боғладилар боғ.

Гаҳ ул Шаҳруд яқосинда тушуб хуш,
Бири-биринга қилдилар азақ нуш.

Бу янглиғ туну кундуз шавқ бирла,
Қилурлар эрди ишрат завқ бирла.

Юрур эркан етилди тун ғубори,
Қайиттилар яна ул шаҳри сори.

Икинчи мажлиси шоҳи қурулди,
Бир эвга мунча турлук ҳур тўлди.

Фаровон эрди шаккар, егучи оз,
Яна тун пардасинга туздилар соз.

Чолиб мутриб қўбуз, чангу чағона,
Емак, ичмакга бўлди ул баҳона.

Азақсиз бир замон ўлтурмадилар,
Не ишрат қўйдиларким сурмадилар.

Ича, ўйнаю хуш ул икки ошиқ,
Не бўлғай мундин ортуқ йирғамоқлиқ.

Олиб илкин равон тахт узра ошмоқ,
Фироқдин сўнгра ёр бирла қовушмоқ.

Бу ёз фаслинда ирғал бирла кечмак,
Яна маъшуқ алидин жом ичмак.

Гаҳи эм бирла элга дору қўлмоқ,
Гаҳи анча завқ ўпушмак бирла қилмоқ.

Гаҳи қўл ёр бўйни узра солмоқ,
Гаҳи олма сақоқин алга олмоқ.

Ожуннинг хушлуғи бу нанг эрур чин,
Қамуғқа ҳам бу хушлуқ бермаз илгин.

**ШИРИНДИН ХУСРАВ МУРОД ТИЛАМИШИН
БАЕН ҚИЛУР**

Кетиб бир тун қоронғулуқ губори,
Саодат кўргазиб юз бахтиёри.

Етиб айдинг яна қавди тутунни,
Ёруқ кунтек ёрутти ой бу тунни.

Ул ойдингда ўтурди ой била кун,
Юриту бошлади соқи-ма сусун.

Ушул ҳолатда жон осойиш этти,
Кўнгуллардан фироқ қазғуси кетти.

Сабо гул йизғини оламқа ейди,
Ошиқлар ўтининг тафсирин айди.

Қўпуб булбул чечакга розин ўтну,
Эшитгай тею хуш овозин ўтне.

Талим кез нолау фарёд қилди,
Фироқ илкиндин инграб дод қилди.

Хуш унлар эшиту сусун қуйди соқи,
Юрити тақма ёндин йирга аёқи.

Ҳарифларнинг димоғин уйқу олди,
Бирин-бирин еринда ўқ йиқилди.

Соқилар илки ҳам толди оёқдин,
Етиб уйқу, тутуб йиқти қулоқтин.

Надимлар кўзларинга уйқу тўлди,
Қўбузчилар-ма созин ерга солди.

Азин ҳеч қолмади мажлисда ағёр,
Чечакдин кетти ул дам заҳмати хор.

Кетиб Хусравдин ул дам ашкиёи,
Яна бошлади орзусин тилайи.

Шукрим берди фурсат ушбу айём,
Қарорсиз жонқа ҳам сан бер бир ором.

Азақдин тушмишингнинг тут қўлини,
Оз эмгат охир уш ишқинг қулини.

Неким кечти умрдин борди ҳосил,
Уш эмди кун янги, рўзи янги бил.

Охир уш иккимиздин ўзга ким бор.
Соқинмадин соқинмоқ недин, эй ёр?

Бу бир соат куюкли қул сўзин ол,
Агар қул рўзи эрсанг бер туз, бол.

Умунчумни неча узгайсан охир,
Неча узр айту сўз тузгайсан ахир.

Бу орзуда таним жондин ўсанди,
Бағир бергай тею бағрим туганди.

Ушул қассоб ититек қўй этиндин,
Бағир ер кунда, илло ўз ёниндин.

Укуш сувсағли соғимни сувсаниб,
Ўлар сувсиз югурмакдин ўсаниб.

Булут оғмишча боғчи боғга соқнур,
Теким кез ишва бирла боғи қурур.

Недин бу жом ичинда оғу қуймоқ,
Яна недин бу Ширин от қўймоқ.

Нетак гавҳар топуб тарк этса бўлур,
Қўбуб кетсанг яна қанда топулур.

Қўзини бақлан эркан егу эса,
Шишак бўлғишча не тонг бўри қабса.

Қўгарчин чақасин қўйдингким учти,
Яқин билким емакликдин-ма кечти.

Қўй эмди қўл тутмаким кўрдунг, эй жон,
Қутулмаз кирса бу панжамга арслон.

Нечаким қуш ҳавода қонат урса,
Бўлур тушмоққа охир тўр қурса.

Неча ким югрук эрса ул кизиклар,
Меним ҳам овчи югрук итларим бор.

Алин чатма, тугун шеш зулфу холдин,
Закот бер мустаҳиққа ул жамолдин.

Қачон нилинга топанг хуш харидор,
Агар Нил ичра эрсанг оч юк, эй ёр.

**ШИРИН ХУСРАВҚА ЖАВОБ АЙҒАНИН БАЕН
ҚИЛУР...**

Лутф бирла жавоб оғозди Ширин,
Шакар тўкти яна Ширин оғиздин.

Ким уш эрмаз, эй шоҳ, ўз-ўзумни,
Тенгаштурсам юзунга бу юзумни.

Эшаким анчаким чолок эрмаз,
Този отлиғ била мунсам иярмаз.

Бу отим ҳам юраклик эрмаз анча.
Ким арслон бирла қўрқмадин юриса.

Агар ноз этса ман мақсудум ушбу,
Исиг ҳалво зиёнлиғ бўлғай тею.

Ошуқмалинг исигга кечсу бу ҳол,
Манга шаккар муборак, шоҳқа бол.

Уш андин сўнг лаълга урди олмас,
Қим уш яъни бу ишлар бирла бўлмас.

Ширин бирла қатиғлиқ қилди мундоғ,
Вале кўнглинга уруб ишқ ўти доғ.

Неча арслон менгиз гукраса ул ҳур,
Юз анча тилкулук сўз ичра қилнур.

Чотиб ётек қошин ўқ каби сўзлаб,
Карашма бирла юз ўқ урди кезлаб.

Тили бирла бу янглиғ узр қилди,
Вале кўзлари юз минг ноз қилди.

Нечаким узр этар бу шоҳ қўймаз,
Мунунг бу сўзларинга кирмаз, ўймаз.

Қўрарким Хусрав ул ишда исинди,
Қўлин ҳалво емакга қайра сўнди.

Бу бўлмаз эмди тею ҳала қилди,
Қатиғ ўвқаланиб юзин чевурди.

Чевурди шоҳ юзинга тахтаи ож.
Ким уш шоҳқа кераклик тахт ҳам тож.

Шоҳ айтур кел эшит бу бир сўзумни,
Чевур юзунг, ёрут қайра кўзумни.

Бу тунни хуш туталингким топулмаз,
Етарбиз тонгқа теб хукм этса бұлмаз.

Келур теб насяга кел куймалинг биз,
Ануқни ичқиниб, сўнг куймалинг биз.

Қуй ўз зулфунг била оз ўйна, эй жон,
Мени зулфунгтек ўқ қилма паришон.

Бер ул мангу сувиндин экликинга,
Раҳм қил охир уш куйнукликинга.

Қўе бер шаккар эрнингни сўрайин,
Кўзумни тобонинга бир сурайин.

Тек отинг Ширин эрмаз, эй бути чин,
Отингтек ўз будунг барчаси ширин.

Севунч вақтинда қазғуни сол эмди,
Ширинлик қил, эй Ширин сўз ол эмди.

Аюр Ширин мени сан тутмағил хор,
Пушаймон бұл, қуй ушбу сўзни зинҳор.

Бу сусузлуққа неча тиш биларсан,
Юзумдин бу сувум тўкмак тиларсан.

Бу тун топмазсан уш мендин бу мақсуд,
Утунг қиздурмаким бұлмаз санга уд.

Бу кўнглум меҳрибон эрди ўза ҳам,
Ким уш ишқ ўртади ўрнади маҳкам.

Совуди қолди теб соқинма мени,
Тиларман жондин ортуқроқ-ма сени.

Агар бирдам кўнгул райинча бұлсам,
Улаш сантек тиларким завқ қилсам.

Вале жон бирла нард ўйнаса бұлмаз,
Кунум хуш кечсу теб яйнаса бұлмаз.

Бу ожун эзгу от бирла хуш ул бил,
Йигитлик вақтинда от қилғу ҳосил.

Керакмаз бир тилакга боғли қолмоқ,
Биз икки эзгуни бадном қилмоқ.

Ҳам ул эзгу уёлсақ ўзумиздин,
Ўз илкин тўкмасақ сув юзумиздин.

Тишига куч юритмак бўлмаз эрлик,
Ўзунга куз юрит, бир гўстар эрлик.

Кишиким ўз бузинга куч юритти,
Хуш онглаким ожун нардин ул утти.

Азин уш мунча турлук завқимиз бор,
Бу бир ишни қўюнг, йўқ тутунг, эй ёр.

Ичар сув ҳам чақинча бўлса эзгу,
Талим ичсанг зиён текрур ахир сув.

Агар мангу суви бўлса тақи бу,
Қачонким бошдин ошса жондин алю.

Яқин бил бу танимга жонсан, эй шоҳ,
Нетак жонни тиламагай тан, эй шоҳ.

Вале безгакга бу ҳолва ярашмаз,
Эк узра ортурур сафро, ярашмаз.

Малик кўрдиким ул ишда эрур хом,
Бу янглиғ сўзлаю ҳеч қилмаз ором.

Яна шоҳ ёлғиб айтурким эй Ширин,
Ичим куйди санинг чоқсиз нозингдин.

Равомуким мени мунча қинарсан,
Бишурдунг бағрим олтунтек синарсан.

Югурдум жон била топғинча сени,
Топуб алдин берурсан елга мени.

Бўлур эркисиз бу кўнглум бердим алдин,
Сан элга келдинг уш ман бордим элдин.

Ахир аймазман уш ким сан онт синдур,
Сусадим бори ўб бир неча қондур.

Чечак бер васл боғиндин уш эмди,
Очил бир дам кула ўлтур хуш эмди.

Малик олса чечакдан жон бу мақсуд,
Кўнгул хуш йизги бирла бўлса хушнуд.

Бори ҳеч бўлмаса бўйнуниг қучайин,
Шакар эрнингдин ул жуллоб ичайин.

Боқа юзунга кўнглумни очайин,
Бу тун зулфунгни ўйнаю кечайин.

Кетар қазғу қатимга келсанг, эй ҳур,
Ёрур кўнглум бир очлиб кулсанг, эй ҳур.

Борур бўлсанг яна бу қазғум ортар,
Чечак мендин кетар, сендин қолур хор.

Сан уш бош оғриғиндин қуртулурсан,
Вале ман бош бериб, гавда қолурман.

Жаҳонда сендин ўзга йўқ тиларим,
Санингсиз бир замон йўқ ҳеч қарорим.

Кўзум юзунг била бўлур ёруқ уш,
Сени кўрмасаман кўнглум-ма нохуш.

Сенинг аччиғ сўзунг шаккар сифатлиғ,
Сўкунчунг, ўвканг уш болдин-ма тотлиғ.

Бу янглиғ неча сўз тадбир қилди,
Тутуб зулфин ётолинг теб йиқилди.

Бир анча уйқуға солди ўзини,
Яна тузмади терк очти кўзини.

Яна савдо топуб йўл ул жонинга,
Боёқи ўт тутушуб хирмонинга.

Ҳаво исик, мунунг ўти тақи тез,
Тутушқай ўт тею қилмади парҳиз.

Равон турди шоҳ ул ой узра тушти,
Уёнди сесканиб ул ҳам тутушди.

Укуш талашти бу куч бирла Ширин,
Қазо қайтарди қуртулди ул элдин.

Кўрарким бир йўли кетмиш қарори,
Қарорсизлиқда бўлмиш менгзи сори.

Айитти не керак мунтек қилинмоқ,
Мени ҳам ўзинга густохлиқ қилмоқ.

Қилинса хожа бу янглиғ паришон,
Табуғчи ҳам адабсиз бўлур андан.

Табуғчилар била ўйнатма кўб тил,
Ё тек тур, ё сиёсат ярғусин қил.

Бу ишни тарк этиб, тур тарк кетгил,
Бурун бор подшоҳлиқ ҳосил этгил.

Қачонким бахту тож илкинга киргай,
Қамуғ турлук муродинг тангри бергай.

Ўза давлат тилагилким уш ман,
Иликга кирса ул билким ман уш ман.

Эшитмазман бу йўлда ҳеч сўзунгни,
Қачон давлат била кўрсам юзунгни.

Ушул давлат била бергам санга жон,
Эмазман душман ул давлатга қачман.

Топуб ул тахт давлат қабғин очсанг,
Муродинг қўймағайман нечча қочсанг.

Бурун жаҳд эткуким давлат топулғай,
Мурод тои кўнгулча сўнг чобулғай.

Сабр бирла тилакга тегса бўлур.
Темурни ақрун — ақрун эгса бўлур.

Иваклик бирла оқил иши битмаз,
Югурмак бирла ичку ёғ тутмаз.

Букун оворалиқ ҳолинда мутек,
Ярашмазким мурод сўрсанг аё бек.

Манга бўлуб керакмаз мунда қолсанг,
Отаннинг тожу тахтин ёва қилсанг.

Агар шоҳлиққа қайра тексанган сан,
Дариғо ман қатинда бўлмағайман.

Йигитсан шоҳлиқ этмак бор бошингда,
Қатиглан бўлма қоҳил ўз ишингда.

Қилич иликка ол ҳақ ёри бергай,
Қўб эл кўнглин санинг сари эвургай.

Фалак олнингда худ қалқон тутгай,
Урушда душманингқа тош отгай.

Илик берса замона ман-ма бари,
Қилу боргай ман ул шоҳзода сари.

Йўқ эрса уш дуо бирла улошу,
Мадад қилгайман онжоқ билганим бу.

Бу сўзлар бирла шоҳни тез қилди,
Фалак ожунқа иш ангиз қилди.

Шаҳаншоҳ сабри кетиб ўфкаланди,
Анингтеким туруб Шабдизга мунди.

Кечанг хуш бўлсун ким уш тебрадим ман,
Унутма қилғонинг ишларни ҳам сан.

Агар дарё ўт келса ўнгулга,
Қайитиб боқмағайман ҳам сўнгулга.

Тенгизга еттим уш теб куймагайман,
Кечиб елтек ҳам ўтқа куймагайман.

Қилиб тутшу уёғлиқ тобмағайман,
Ишим бутгинча сусун тотмағайман.

Керакким ушбу ўфка бирла чиқмоқ,
Чақиб ўгрансаман жон ўтқа ёқмоқ.

Ғариблуқ ўти ичра куйсаман бир,
Пишиб қилсам, пишик ишимга тадбир.

Санинг ишқинг мени бечора қилди,
Талим мантекни ишқ овора қилди.

Агар ишқинг бошимда бўлмаса, бу —
Бошимға келмаз эрди мунча қазғу.

Фалактек бўйнума солдинг камандинг,
Чекиб келтурдунг уш, қайра ўсандинг.

Ўза ичруб сусун усрук қилиб хуш,
Тутуб эсрук азақим боғладинг уш.

Азақ боғлиқ аюрсан бор урушғил,
Ўтурма душманинг бирла турушғил.

Бали қўбтум, борай душманқа қаршу,
Олай эл ё берай уш жоним урушу.

Санинг пандингни олдим эмдидин сўнг,
Ҳавасдин тавба қилдим эмдидин сўнг.

Элингдин мунча турлук қазғу юттум,
Яна маҳрум борурман уш йўл туттум.

Бу сўнгсиз дўстлуқунгдин тондим эмди,
Не бўлса бўлсун ўттек ёндим эмди.

Ман аввал ҳам бир оз давлатлиғ эрдим,
Билурсан мулку тожу тахтлиғ эрдим.

Бу янглиғ мени саргардон қилдинг,
Эй сўнгсуз сўнг юрагим қон қилдинг.

Агар ишқинг тутуб келмаса тезгин,
Қаю ел мени кетурур эрди андин.

Қўнуқладинг мени бир неча кун хуш,
Сурарсан эмди навмидлик била уш.

Бу кетмакликни ман ҳам сақшар эрдим,
Қўнуқлуқ мунча ўқ бўлур тер эрдим.

Ўтурдум неча кун хон урдинг эрса,
Кетарман эмдиким кўтурдунг эрса.

Мунунгтек сўзлаб андин тебради ул,
Черик отландуруб тутти яна йўл.

Юридилар тутуб ул Рум йўлин,
Суруб оштилари ул тоғлари кўлин.

Етиб ул Қайсари элинга бу шоҳ,
Хабар Қайсарқа издиким бўл огоҳ.

Нетакким кўрди Қайсар ул жувонбахт,
Равон таслим қилди тожу ҳам тахт.

Бу Исо дини қувватлансун теб ул,
Қизи Марямни берди қазғу еб ул.

Неча кун ишрат этиб анда бўлди,
Мадад қилсун, черик бер тею қўлди.

Черик кўб берди ҳам молу хазина,
Ким ул душмандин ол теб эски гина.

Ҳисобсуз кўб черик қилди муҳайё,
Айитти тур, ўтурма теди ҳайё.

ХУСРАВ РУМГА БОРИБ, ҚАЙСАРДИН ЧЕРИК ОЛИБ БАҲРОМ ЧУБИН БИРЛА УРУШГАНИ

Темурдин тоғ янглиғ тебрадилар,
Аларнинг кўблугундин тебради ер.

Тамом эллик минг эл барча соғитлиғ,
Баҳодурлуқда текма бири минг отлиғ.

Келурлар қасд этиб Баҳром жонига,
Бўялинг теб қилич анинг қонинга.

Ёвуқким еттилар Баҳром ма билди,
Черик отландуруб ул ўтру келди.

Қачонким қилмаса бу бахт ёри,
Не қилсун бўлса олам шаҳри ёри.

Етиб икки черик урушғу ерга,
Тузуб бири-биринга ўтру ерга.

Сўчур кўру, унин эштиб ул отлар,
Эранлар чайнаб бошлаб пўлотлар.

Уқ овози еринга ранг ёдин,
Чиқиб қурди талимлар боши ёсин.

Сўнгилар учи тўшга тўш келди,
Қаюким дафъини билмаз йиқилди.

Қиличлар уни чока-чок чиқти,
Қутулди қаюким чолок чиқти.

Йиқилди кимгаким бир гурз тегди,
Бошин отлар азақи бирла тўкди.

Эранлар гукрар арслонтек қоришиб,
Ики ёндин черик урушу қоршиб.

Қамишлиқ янглиғ онгсиз ўт тушти,
Ёна бошлади барчаси тутушти.

Сўнгулар тушти синди барча элдин,
Оғозди болтачоқ кесмакга белдин.

Биқинга захм ханжар йўл топти,
Қилич оттек бўйинлар узра очти.

Тўбузлар захмидин қолқон ушанди,
Ушул ҳайбатда отлар қон қашанди.

Ажал жонлар сўнгинча югру етти,
Талим бошлар ул уруш била йитти.

Ябурғоқким нетак тўклар хазонда,
Тўкулди гавдасидин бошлар анда.

Оқиб бўлди эранлар қони Жайхун,
Қиёматдин нишон билгурди ушул кун.

Ҳисоби йўқ халойиқ ул кун ўлди,
Кўрукли кўз тонгирқаб ҳайра қолди.

Шаҳаншоҳ урдуруб бир фил уза тахт,
Илоҳи сан оча бер тею бу тахт.

Ўтурмиш тахт уза арслон менгиз чин,
Нукарлар илгару тортиб қиличин.

Бузург Уммид тахт олнинда ўтруб,
Қуёшқа ўтру устурлоб кўтруб.

Нетакким бўлди вақт айди равон бўл,
Муборак толиъ ул, душманқа бўл йўл.

Сур эмди филни, ул шоҳким уттунг,
Бу ўюн бирла уш ожунни туттунг.

Малик Баҳромни фил хартуми бирла,
Анингтек урдиким индурди ерга.

Филиндин бош қўзи ерга йиқилди,
Қовуртлукда азақ остинда қолди.

Тегиб йиқти ани бу шоҳ суси,
Синиқтилар қамуғ Баҳром суси.

Равон иврактек ул Баҳром учти,
Бу туйғун илкидин жон олди қочти.

Черики барча қочмоққа юз урди,
Сўнгинча шоҳ чериги қавди, сурди.

Оти кучлуклари қочти қутулди,
Укушроқи бўлун бўлуб тутулди.

Замона ушбу янглиғ дод қилди,
Кимини қул, кимин озод қилди.

Ожун мундоғ талим хирмон кўюрди,
Бирин оч қўйди, бирин хуш тўюрди.

Қою ерга бу ожун берди роҳат,
Ким уш сўнг бермади юз анча ҳасрат.

Гаҳи софисин ичку гаҳи ўюкин,
Гаҳи ош егу, гаҳи этмак кўюкин.

Улаш бу хонда шаккар еса бўлмаз,
Ҳамиша завқ қилғум теса бўлмаз.

Севунчда қазғу бор, хурмода хори,
Йилон бор ганж уза, ҳам болда ори.

Неча дўст эрса юз анча ёғи ул,
Неча кулдурса, юз анча йиғи ул.

Қўрарсан бирниким хуш шод тирлур,
Яна бирининг умр тумори турлур.

Кезар бири тамошо бирла боғлар,
Бирининг бўйинини онгсизда боғлар.

Уш анда воҳ войла бош очмоқ,
Буёнда айш этиб, маъшуқа қучмоқ.

Бу наглаз бирла дунё ободон ул,
Гаҳи ул ёз ели, гоҳи хазон ул.

Ожун бир тўхшун отқа ўхшар, эй ёр,
Соқинким тебмасун онгсизда зинҳор.

Сани тебмаздин ошну сан ани теб,
Яқин келма ишониб бор халос теб.

Биликлик севгайму бу бевафони,
Ким ўгранмиш улош қилмоқ жафони.

Нетак ким кеттиса Баҳромдин ул тахт,
Яна Хусравқа қолди мулку ҳам бахт.

**ХУСРАВ БАҲРОМНИ ҚОЧИРИБ, АТОСИ ТАХТИН ОЛИБ
СУНТОНЛИҚ ҚИЛГАНИ**

Балиқ буржиндин ойким бош кўтурди,
Бу шоҳлиқ буржинга шоҳни кўтурди.

Сурайёдин Зухра Янгождин-ма Биржис,
Саодат бермиш ул таслису тасдис.

Ҳамалга етлиб ул хуршид манзур,
Зухалга далв ичинда солмиш нур.

Бу толе бирла қуатланди бахти,
Илкинга кирди қайра ўз тахти.

Халойиқлар аро адлу човуқти,
Қамуғ элларга эзгу оти чиқти.

Анингтеқ адл уза юритти ёрлиғ,
Ким анинг ёрлиғиндин тинди ёрлиғ.

Замона шаҳлиқи бирла қувонди,
Ануширвон яна тирилди сонди.

Синуқлар кўнглинда ўрнатти меҳрин,
Золимлар устинга юритти қаҳрин.

Ети иқлим беглари йиғлиб қабуғқа,
Камар боғлаб туруқтилар табуғқа.

Суюрқади кимин тоблаб хирожин,
Кимин маъзул этиб, олтурди тожин.

Бу янглиғ барча эл ишин битурди,
Кўнгул фориг қилибким хуш ўтурди.

Севук қайғуси қайра кор қилди,
Яна ул ишқи кўнглин зор қилди.

Не ул қазғу кўнгулдин сурса бўлур,
Не қазғусинга чора қилса бўлур.

Розин очмоққа Марямдин соқинур,
Яна Қайсар бирла шартин соқинур.

Неча кўб бўлмишинча молу ганжи,
Уш анча ортти ул кўнглинда ранжи.

Тоши бирла кулуб, ишқ кўнглин ўртар,
Вале розин халойиқлардин ўртар.

Гаҳи ишрат била ўзин овитур,
Гаҳи иғламоқ бирла кўнглин совитур.

Гаҳи айтур, эй дарифо, не қилайин,
Бу экимга дору кимдин қўлайин?

Гаҳи айтур, эй кўнгул, нелар тиларсан,
Неча бўлмочи ишга тиш биларсан?

Ошиқлиқ бирла шоҳлиқ рост келмаз,
Ики ишдин бирин қил, йўқса бўлмаз.

Не хуш сўз айди ул пири Хуросон,
Кулук бир юкму тортсун ё тегирмон?

Букун ёнимда бўлса эрди ул ёр,
Бу янглиғ бўлмаз эрдим ишқида зор.

Қани ул тунким ул ойим қатинда,
Ёношиб ўтрур эрдим хизматинда.

Уюди бахтим, андин сўнг уёндим,
Қамиштеқ фирқати ўтинда ёндим.

Қимга ўтнуб қилайин эмди фарёд,
Қим ул қилсун мени бу мунгдин озод.

Қўлумға қўнмиш эрди ол лочин,
Дариғо, онгсизни ичқиндим элдин.

Қани ул тотли тиллик, оти Ширин,
Не ялғуз оти барча зоти ширин.

Қани ул ой бирла тун қота хуш,
Азақ элда юрутиб юрутиб қилғоним нуш.

Қани мажлисдаким ёнашиб ул ёр,
Қўли қул бўйни узра эрди тумор?

Гаҳи ул кумуш хомтеқ оқ сақанин,
Тутуб ўпмақ чечак янглиғ янғақин.

Гаҳи лаълин сўруб хуш завқ қилмоқ,
Гаҳи кўб ёлбориб бир қултға қўлмоқ.

Гаҳи оч арслонтеқ оҳуқа ёбушмоқ,
Эринлар бирла шафтолу қабушмоқ.

Бу сўзларниким айдим, барча кўрдум,
Хаёлму эрди, йўқса тушму йўрдум?

Кетиб ҳасмум нечаким ганжим ортти,
Вале ёрсизлиқимдин ранжим ортти.

Манга айтур халойиқ шод бўлғил,
Тирил хуш қазғудин озод бўлғил.

Охир ~~кучун~~ нетак хуш тирилоийн,
Ичимдин қазғу кетмаз не қилоийн?

Ман ул қушманким уш тўрға илиндим,
Қутулмазман не янглиғким қилиндим.

Нечаким толбисом беркир боғим,
Бу боғим бирла йўқ учғу яроғим.

Бу бир ёр қазғуси уш ақлим олди,
Тутуб ишқи мени девона қилди.

Бу мунгдин чора йўқ ўзумни юлғу,
Қўб эл қазғусини билмон не қилғу?

Манга юз қазғу еғучи керак ёр,
Агар юз қазғу есам ман бу душвор.

Эшактек юк олиб кўтурсаман ор,
Эшаклар кулгай ишимга бил, эй ёр.

Кўнгул онсиз тиламаз давлату тож,
Эрур дойим анинг васлинга муҳтож.

Паришон ул сабабдин бу кўнгул уш,
Тута билмон ўзумни бир замон хуш.

Бу юлдузлар ҳам райҳону боғ ул,
Паришонлиқда ўқ ноқис чароғ ул.

Ёрутмаз эвни учғун бўлмаса шамъ,
Ким учғунлар паришон, шамъ эрур жамъ.

Қуварди бу ожун бўлди кунум тун,
Сўкал ўзумга безгак келди букун.

Чаён ининга сичқон сифмас эркан,
Сипуртка қузруқинга боғлар андан.

Мунунгтек неча сўзлуғ сўз айитти,
Яна ўз ҳолинга боқти қайитти.

Ким уш бор давлатим, иш битгай ночор,
Чун давлат бор эрур ҳам келгай ул ёр.

Бу давлатсиз улуғлуқ қилса бўлмаз,
Битар иш бўлса давлат кеч қолмаз.

Топа давлат била эр барча мақсуд,
Керак ўт анда сўнг куйдурсанга уд.

Талим боғлиғ қабуғ давлатдин очлур,
Бўлур вайрона давлат бирла маъмур.

Суви кўб бўлса хуш мева берур боғ,
Авунсиз қурса бўлмоз қушқа ҳеч оғ.

Бу сўзлар бирла ўз кўнглин овитур,
Вале ишқ сўзин кўнглинга ёқитур.

Не қилсун қазғу ею сабр қилди,
Сабр бирла сўнгги мақсудин бўлди.

**ХУСРАВ ШИРИНГА УФКАЛАБ КЕТМИШДИН СЎНГ, ШИРИН
ХУСРАВ ФИРОҚИНДИН ЗОРИ ҚИЛМИШИ**

Мунунгтек аймиш ул сўз айған устод,
Талим ранж бирла сўзга бермиш ул дод.

Нетакким кетди шоҳ Ширин қотиндин,
Фироқда тўзмадин оҳ қилди Ширин.

Чечак кетти еринга қолди хори,
Кўнгулда қолмади зарра қарори.

Тамом қурбон қўйитек йиқлиб ул ой,
Азақ эл ерга уруб қилди кўб вой.

Узукда тоқати чин тоқ бўлди,
Бурунқидин минг ортуқ муштоқ бўлди.

Ёш ўрнинга кўзиндин қонлар оқти,
Яна ёр ишқи жонин ўтқа ёқти.

Гаҳ айди қани, қанда борди ёрим?
Ким ансиз бўлди кўнглум эмди ярим.

Гаҳ усруктек азақиндин йиқилди,
Гаҳ ожун жавридин фарёд қилди.

Хавас тўлди димоғи, кетти уйқу,
Яна ўлтурди жони узра қазғу.

Яна шавқ ўти бирла сизди ёғи,
Узун тун бўлди кўз ёғи чароғи.

Сарвтек қадди тол янглиғ эгилди,
Чечактек менгзи қазғу бирла сўлди.

Ожун хушлуқлариндин кўнгли кечти,
Ўз илкин бошинга тупроқ сочти.

Қонотти тирноқи бирла янгоқин,
Йиғидин тиймади бирдам қароқин.

Гаҳи шаккарга бодомдин тўкуб ёш,
Гаҳи тўғди тўшин алка олиб тош.

Гаҳи ул югрутуб тек кезди майдон,
Гаҳи ҳасратда қилди бўйни чавгон.

Бу кўюкда сизиди ул юзи нур,
Нетақким сув ичинда сизса кофур.

Қелиб меҳнат черики, кетти роҳат,
Янгиланди иккинчи ул жароҳат.

Шабихун қилди ёр қазғуси кўнглин,
Синиқти сабру тоқат қочти андин.

Кўнгул буйнади ақлин ғорат этти,
Қарори қолмади, ороми кетти.

Укуш жаҳд эттиким қуртулди жони,
Ғидоси бўлди тун, кун бағри қони.

Гаҳи кўнглинга кўб нафрин қилди,
Ким ўз кўнглум манга бу қин қилди.

Гаҳи баҳтинга айдиқим, эй ағёр,
Нечага текру мени тутғасан зор?

Муродим алга ногаҳ кирмиш эрди,
Чун ёри қилмадинг уш қайра борди?

Узурдум бир шаҳаншоҳни кўб элдин,
Алимга кирмиш эркан бординг элдин.

Талим ранж бирла топтум эрди ул ганж,
Йитурдум, бўлди зойиъ, кўрмишим ранж.

Манга бу фурқати захрин ичурдунг,
Чароғи кирди илкимга ўчурдунг.

Топуб мангу сувин қўймадинг ичсам,
Йиг эрди ётмоқимдин минг кез учсам.

Чиқар ич ёнмоқимдин уш тутунум,
Кечар елтек узамга бир бу тунум.

Пушаймон асиф йўқ, не қилғу билмон,
Игимга дору кимдин қўлғу билмон.

Бу сўзни айту қолмади мажоли,
Паришон бўлди ёр ускинда ҳоли.

Гаҳ айтурким сўнгинча йўқ бораим,
Мувофиқ тушмагай теб қайра ёрим.

Бу соқиш бирла кўнгли пора-пора —
Бўлуб, ҳеч топмади ишинга чора.

Ериндин турди, отланди отинга,
Келиб кирди Миҳинбону қотинга.

Хабар англлатти Хусрав кетганиндин,
Ўзи ҳам кўб жафолар этганиндин,

Миҳинбону билиб аҳволу борин,
Кўрарким элтмиш ул Ширин қарорин.

Насиҳат қилдиким, эй жони Ширин,
Эшит пандимни, тут ақлинг қулоқин.

Неча кун сан (бу) қазғуда сабр қил,
Ҳамиша қазғуда қолмаз киши бил.

Чечактек тез давлат бўлмаз эзгу,
Эвма, сабр этким ишинг битгай ақру.

Қатиф оқғон сув кўпруклар йиқар тарк,
Сан ақрунлуқ била бунёд қил барк.

Уруғниким солар ерга экинчи,
Сабр бирла бошин кўтарур экинчи.

Ошуқған терк орар, югруб йўл олмаз,
Ким ақрун сурса тун-кун борса толмаз.

Қишиким кўтрур олтмиш ботмон осон,
Беш ортуқ юкласанг ҳам қўрқмаз андан.

Не мунча қазғу ерсан бўл фориф,
Узукда қилма ол менгизингни сориф.

Сабр қил, бахту давлат ёри қилгай,
Тилагай ул сени ҳам зори қилгай.

Миҳинбону бу янглиғ сўзлар айтур,
Насиҳат қилди, Ширин кўнглин овтур.

Бу ёндин ҳам неча сўз айди Шовур,
Қабул қилди сўзин жон бирла ул ҳур.

Ичурди сабр ўтин Шовур аттор,
Ярашти сабр бирла ул ма ночор.

Миҳинбону тақи кўб панд қилди,
Ширин кўнглин сабрқа банд қилди.

МИҲИНБОНУ ХАСТА БУЛУБ УЛҒАНИНИНГ СУЗИ БУ ТУРУР

Насиҳат бирла ул ўт учрур эркан,
Қилиб озиқ сабр кун кечрур эркан.

Миҳинбону вужуди хаста бўлди,
Тўлуб паймонаси, сўнг вақти келди.

Уқуб хилватта айдиким, эй Ширин,
Борурман азрилиб уш эмди сендин.

Ол уш ганжлар калидини алимдин,
Мен эмди ал юдум барча элимдин.

Васият қилдиким, вақтингни сақла,
Ошуқма ишда ўз ҳаддингни чоқла.

Бу сўз айгинча ногаҳ вақти етти,
Қафасдин жони қуштек учти кетти.

Жаҳон ул жони шириндин азирди,
Жаҳонин ҳам жонин Ширинга берди.

Ажал юртичиси сурдуса кўчти,
Тани тупроққа кирди, жони учти.

Мунингтек эрмиш ожун ишлари вой,
Не бек тер, не райят, не чиғой, бой.

Фигон бу шишачи чарх илкиндин ёр,
Гаҳи шиша қилур, гаҳи шиша ўйнор.

Ўнгин мунтек қилур кўб турлу шиша,
Қилур ул қайра синдурмоқни пеша.

Чатукким ўз боласин туғруб асрар,
Сўнги ҳам ўзи ер, кўр турфа бозор.

Замона одати мундоғ эрур бил,
Кучунг етмишинча мундин сан соқингил.

Бўлуб ғарра ожунқа кўб инонма,
Кечар елтек бу елга сан таёнма.

Билурсан жон биноси ел эрур чин,
Бу елдин бўлмағил зинҳор эмин сен.

Неча чулғанғасан бу ағқа оқил,
Бўғозға чулғонур ағ сан ма гофил.

Қатилған тилкутек ағқа яғума,
Қуёнтеқ тилку олинға уюма.

Талим бўри бошинға тилку етти,
Анинг олинға уймоқ бирла йитти.

Яқин билдим бу ожун хушлуқин ёр,
Қўтур бўлмиш киши ҳолинға ўхшар.

Қашимиш ҳолда хушланур вужуди,
Сўнг аччиғдин чиқар бурнинда дарди.

Ожун жаминда бор охир хумори,
Чечак бир ҳафта, ўн бир ой хори.

Не ерсан ушбу дунё қазғусинким,
Бу текмаз қазғусинға яхши билдим.

Агар йиғсанг бу дунё ганжу молин,
Қолур ул барча, элтурсан ваболин.

Агар бўлмаса бир оқчанг тақи ҳам,
Оч ўлмазсан, ема бўлмачи кўб ғам.

Насибунг бу ожундин бир қарин ош,
Ани худ текрур ул, сан қазғудин ош.

Нечаким бўлса сенда тандурустлуқ,
Кучайлик олмаз андин таб сустлуқ.

Кесиклик рўзи ҳам умур билгил,
Висол топмоққа мунда жаҳд қилгил.

Қачонким ул ўлум бўғзингни тутғай,
Ўзунг қуртулғу йўлин тарк унутғай.

Ожун болинда ори бор соқинғу,
Болин оз егу, захрин ҳам соқинғу.

Қорин тўлдурма қуртлар янглиғ онглан,
Қимирсатек белинг очлиққа боғлан.

Қаю ким оз еса безгак тутмаз они,
Чиқар кўб ейиклининг йўқлуқда жони.

Мизож еврулса, кетса истиқомат,
Энган душвор топулур бил саломат.

Ҳаром ул бу алаф торож қилмоқ,
Ўз-ўзин доруқа муҳтож қилмоқ.

Очиб сўнг есанг ўтмак (ни) шакартек,
Табиат ҳеч тиламаз шаққар, эй бек.

Агар ҳалво есанг бир кунда сасир,
Вабол ҳақ неъматин оз сасит охир.

Неча бу нафс асбобини қурмоқ,
Неча бу дунё қазғусинда турмоқ?

Не қилғуким зарури қилғу тинур,
Тириклик неча ким хуш кечсу тинур.

Магар ул емагай қазғу ожунда,
Бизингтек манзили бўлмаса мунда.

Қиши ким бу ёзида манзил этар,
Ўтурғу ер, егу қувват ҳосил этар.

Вале дунё учун қилма кўнгул тор,
Кўнгул торлиқи қазғу кетрур, эй ёр,

Қўрарсанким фалакнинг макри қолмаз,
Бутун кун ола оттек югрур толмаз.

Келигли рағбат этарким мунайин,
Мунугли аймаз андинким инайин.

Агар воизса айтур дунёни сан —
Бироқғилким олайн терк ани ман.

Агар зоҳид эса тингла не айса,
Муроди сан сучулсанг, олса кийса.

Не арсиқмак вафосиз дунёга бу,
Қим аввал шарбат била юк ичрур оғу.

Бу оғу бирла борди ул атомиз,
Ато ўлди ўғул қолғайму ҳаргиз?

Неча бу дунё қазғусин еюрсан,
Ато ўлтургучини дўст теюрсан.

Бута янглиғ фалакка ул равон ўқ,
Яқин билким ожунда ҳеч вафо йўқ.

Керишсиз бўлмадин бу чарх ёси,
Улаш эксилмагай бу халқ ёси.

Не эмин сан ким уш елтек бу ғаддор,
Сурар ортингдин, олнингда қузуг бор.

Соқин ҳеч бўлмағил эмин ким уш ер,
Кўрарсанким не янглиғ одами ер.

Кечар қиш ёю ул ҳам кузи, ёзи,
Укушрак халқ борди қолди ози.

Бу ибратни кўруб охир не кулгу,
Неча тотлиғ тирилсанг аччиғ ўлгу.

Қатиғлиқ бирла ким тирилса мунда,
Жонин осон бериб хуш кулгай анда.

Улуғлар ким ожунни яхши билди,
Ожун қазғусидин фориг тирилди.

Кулар ушбу жаҳон ул одамидин,
Ким ул дунё учун ичғинса динин.

Не егам тею қазғу ема зинҳор,
Ким экситмаз рўзингни ул биру бор.

Чуи қолмазсан бу дунё ичра боқи,
Келур бир неча кунда давр аёқи.

Қатиғлан бўл азақ келмишда ҳозир,
Кула бор хуш, паришон қилма хотир.

Биликликлар айтмиш ул кун, эй ёр,
Ёмон эзгу билургай кимда не бор.

Укуш хотунким анда эр бўлғай,
Яна эрман теганлар зор бўлғай.

Илоҳи бошқа ул кун келмишинда,
Азиз тандин бу жон азрилмишинда,

Бағишла бу қулунгнунг ёзуқини,
Ато қил ул қатиғ йўл озуқини.

ШИРИН МИҲИНБОНУНИНГ ТАХТИҒА
УЛТУРГАНИ СУЗИ

Миҳинбону элинким билди Ширин,
Чавуқтурди халойиқ ора адлин.

Улус эл адли бирла шод бўлди,
Қамуғ зиндонлилар ул кун озод бўлди.

Зулмдин йиғди золимларнинг илкин,
Тутуб мазлумларнинг ул олди додин.

Буюрди татғовуллар қўйди божин,
Суюрқаб олмади элдин хирожин.

Мусаллам қилди ул шаҳру рустойи,
Ким эзгу билди дунёдин дуони.

Анинг адлинда бўри бирла қўй сув
Ичиб, юрурлар эрди хуш ёнашу.

Райятлар қамуғ адлинда тинди,
Экинлар унди, ҳақдин раҳмат инди.

Талим неъмат изи бахшойиш этти,
Учузлуқ бўлди, эл осойиш этти.

Қачонким нийят эзгу қилса эл хон,
Кўп ошлиқ унар ул йил шўр ердон.

Бўлур ал кенглики шоҳ нийятиндин,
Қазар уқма бу сўзниким эрур чин.

Учузлуқ, излиқ эл хондин урур лоф,
Ким анинг ҳукми бирла тузлур атроф.

Бу янглиғ тузди элларни қилиб рой,
Яна бошлади ёрин соқну ул ой.

Қилиб машғул шоҳлиққа ўзини,
Улаш йўлда тутар эрди кўзини.

Нечаким топти давлат олди ул тож,
Валекин эрди ёри васлинға муҳтож.

Сўрар эрди келикли корвондин,
Хабар билсам тею шоҳи жаҳондин.

Эшитти, билдиким шоҳи жувонбахт,
Билиб элин, фалакда урди теб тахт.

Севунчи тею очти ганжин ул кун,
Халойиққа улашти сонсиз олтун.

Бу ишга бўлмиш эрди кўнгли хуррам,
Эшиттиким ёнашти шоҳқа Марям.

Яна онт берди Қайсар шарт қилди,
Азин қиз олма темиш тею билди.

Яна қазғу яқосин тутти маҳкам,
Ура бошлади қайра ул совуқ дам.

Кўзиндин ёш еринга оқти ол қон,
Сочитек кўнгли ҳам бўлди паришон.

Бу ҳасрат бирла бир йил шоҳлиқ этти,
Қарори қолмади, ороми кетти.

Бўлуб бағри узукда пора-пора,
Азин ҳеч топмади ишинга чора.

Магар тарк этса мулк шоҳлиқини,
Юриса, тутса ўз иши сўнгини.

Талим сақшади кўнглин бир қилди,
Элин қўймоққа ўқ тадбир қилди.

Топшурди уқиб бир бекка элин,
Эранлартек ушул боғлади белин.

Равон отланди Гулгунига ул ҳур,
Силоҳ боғлади ул устод Шовур.

Буюрди қул, қароваш уш, қиз қирқин,
Қамуғ отландилар йўл тутти Ширин.

Ул анча мол, тавар кўтурди элдин,
Ким анинг билмаз эрдилар ҳисобин.

Тева, йилқи, сиғир, қўй қўймадилар,
Суруб Ширин сўнгинча тебрадилар.

Таварқа куймади ошуқти кетти,
Неча кун юриди қасринга етти.

Садафқа кирди қайра дона юнчи,
Гуҳар тошларқа қорилди икинчи.

Яна вайронда кезланди хазина,
Қиличтек кина бирла кирди қина.

Эшитти шоҳ, Ширин ҳам келмишини,
Ёвуқ кўрди уминчинга ишини.

Тилади кўнгли ким қасринга келса,
Фироқдин васл бирла додин олса.

Вале Марям ҳамиша сақлор эрди,
Малик ҳам ғоят андин қўрқар эрди.

Тилаб топмади ҳеч фурсат борурға,
Йўқ эрди чораси ҳам келтурурға.

Бу андиша бирла кўнгли бўлур тор,
Хаёлинга қаноат қилди ночор.

ХУСРАВ СУЛТОНЛИҚИНИНГ СИФАТИ ЙЕМА БАҲРОМ УЛИМИНИ ХУСРАВ ЭШИТГАНИ

Нетакким чиқти эрса субҳ шоҳи,
Ожундин қочти зангилар сипоҳи.

Равон кун тилкуси кўтурди бошин,
Сота бошлади (оламқа ул) қумошин.

Фалак пируза кунбад қабғин очти,
Ожунқа олтунин бир йўли сочти.

Тамом кўтрулди эрса парда юздин,
Жаҳон ос тўлди, кетти киш кўздин.

Замона барча ғавғолардин эмин
Бўлуб, қуртулмиш ул кун шоҳ парвин.

Нўширвон тахти узра (ул) ўтурмиш,
Алам етти фалак устинда урмиш.

Туруқмиш қайсару хоқону фағфур,
Қамуғ қуллуққа боғлаб белинга қур.

Булар қўл қавшуруб турмиш табуғда,
Азин беглар турур саф-саф қабуғда.

Баҳодирлар улуғи қурчиликда,
Йигитлар кўрклуси бовурчиликда.

Изориб қаршиларни ақтачилар,
Эшик сақлаб туруқмиш эвдачилар.

Чавушлар гурз кўтруб бир яғоч йўл,
Аюрлар ҳой даргоҳдин йироқ бўл.

Қилиб тартиб мундоғ ўтрур эркан,
Танаъумлар қилу кун кечрур эркан.

Эшик (га) ногоҳон бир пайк келди,
Бўлурму кирса теб дастур қўлди.

Ижозат бердилар ул севну кирди,
Ер ўпти, қўбти қўл қовшуруб турди.

Айитти, эй шаҳаншоҳ, шодмон бўл,
Ҳамиша мунтек ўқ шоҳи жаҳон бўл.

Азирмасун изи бизларни сендин,
Ожундин кечти ул Баҳром — Чўбин.

Қафасдин тўти янглиғ учти жони,
Вужуди қолди қуруғ тахта сони.

Шаҳаншоҳ эштиб антек жаври айём,
Масал айдиким ул Чўбин — Баҳром.

Стеза қилдиса бизга замона,
Ушул ҳам қилди эрди жоҳна.

Яна уш бизга давлат ёр қилди,
Неким соқиниди ўз бошинга келди.

Не Баҳром бу, агар Баҳром Гўр ул,
Сўнги борғу ожундин ўрни гўр ул:

Таманно қилдиким ожунни тутса,
Халойиқлар уза ҳукмин юрутса.

Тутойин ер тею, ер ани тутти,
Фалак ҳақ ҳукмин аввалроқ юрутти.

Қани улким жаҳонға шуру ғавғо,
Солиб, ўзи қилур эрди тамошо.

Талимлар бу ҳавас бирла йўқолди,
Бошин кўтру аёқ остинда қолди.

Бўриким тилку ройинча қилинди,
Макрга айланиб оғқа илинди.

Эрур чин тилку янглиғ дунё маккор,
Бу дунё алдоғинға кирма зинҳор.

Кишиким дунёга алданди қолди,
Яқин билгилким ул теркин йўқолди.

Қатиғлан бўлма бу ожунқа мағрур,
Ким ул мағрурлуқ (ул) бошингни ёнур.

Қачон иш тушса қилғил яхши тадбир,
Вале билгил бузар тадбирни тақдир.

Унутма барча ҳолда ўз чоқинг бил,
Не ерда бўлса ўз ҳаддингча тирил.

Билурсанким чароғ ёғдин олур нур,
Чоқиндин ошса қайра ёғ ўқ ўчурур.

Тузи оз бўлса ошнинг татғи бўлмаз,
Агар кўп бўлса туз ҳам завқи қолмаз.

Қамуғ иш ичра сан андоза сақла,
Не ишким қилсанг ўз ҳолингға чоқла

Гилимунгга кўра кўсул аёқни,
Йўқ эрса ерсан онгсизда таёқни.

Билур ишингдин ортуқ урмағил лоф,
Ким олтунчилик этмас билса бурёбоф.

Эшитким не масал айди ҳунароманд,
Ҳалила бо ҳалила қанд ҳам қанд.

Кузаз ўз мартабангдин кечма юксак,
Фузуллуқ қилма ўз ўрнингда тур тек.

Тиласанг иззат, элга барча бўл ёр,
Соқинғил, қилма кўп эл кўнглин озор.

Кечар елтек ожун, сан ҳам ожундин,
Бўлур хор мунда, анда кўрмалинг қин.

Кишиларким сенинг ҳукмунгда бўлғай,
Аларни қўйма ҳеч ким куч қилғай.

Эшиттимким юрурда бир дарвиш,
Ул эл ўғлонлари заҳмат беруirmiш.

Ядамиш асри ўғлонлар алидин,
Бўлуб дармонда ул бечора мискин.

Тил очмиш эл улуғларинга сўкмиш,
Тилиндин оғусин бир йўли тўкмиш.

Тутуб сўрмиш бир эр айғил билай ман,
Не ёндин бу улуғларға сўкарсан.

Айтмиш тиймаз ўғлонларин анлар,
Ушул ёндин анларға аччиғим бор.

Азақ ол қилса ногаҳ хислати шум,
Бало бошқа келур бу бори маълум.

Чун бош бўлдунг табуғчи эл азақ ул,
Анлар айбинга дойим кўз-қулоқ бўл.

Ғариб дарвишни зинҳор кўрмагил хор,
Ким анинг ҳам еринда иззати бор.

Кўр ўз айбунг, азиндин изламагил,
Киши айбин қатиғлан кўзламагил.

Ҳунар кўргил айб кўргунча зинҳор,
Чечак тер боғқа кирсанг, олмағил хор.

Айблама кўруб товус азақин,
Кўруб таҳсин қилғил зоғ қароқин.

Агар юз айб бўлса бир ҳунар ҳам,
Назар айбинга қилма, кўргил эрдам.

Соқинким бўлмасун ҳеч дўст душман,
Агар бўлса сан андин яхши сақлан.

Кичик теб бермағил душманқа фурсат,
Улуғ бўлур қачонким топса рухсат.

Талим учғунким ўт бўлди ёқилди,
Ўсал турғучилар куюкда қолди.

Нетакким кўрди хор Хусравни Баҳром,
Не янглиғ бўлди кўр иши саранжом.

Ўзунгдин кўрмағил эксук кишини,
Момуқ теб сонмағил арслон тишини.

Минг эрса дўстларинг ҳам оз теб бил,
Бир эрса душманинг андин соқинғил.

Яна ўлмишда душман бўлмағил шод,
Қим ўзунг ҳам ўлумдин эрмаз озод.

Ажал сағрақини навбатча соқи,
Ошурмаз ичрур ул бу давр аёқи.

Бу пандларни эшитмиш эрди ул шоҳ,
Билиб Баҳром ўлумин, қилди кўп оҳ.

Тушуб тахтиндин уч кун ёс тутти,
Вафоси йўқ ожун теб кўнгли чўкти.

Замона жавридин фарёд қилди,
Сўнги ўлмак керакин ёд қилди.

Учунчи кун хазина қабғин очти,
Талим молу тавар элга улашти.

Анинг бахшишидин дарё уялди,
Кўруб жувонмардлиқ эл ҳайрон қолди.

Яна бешинчи кун мажлис қуроғин,
Тузуб ўлтурдилар мажлис яроғин.

Ича бошладилар йирга азақи,
Фалакка чиқти нушо-нуш соқи.

Сусун усруклуки бошларни тутти,
Малик ўзга соқинчларни унутти.

Яна Ширин ишқи кор қилди,
Яна ул қазғу кўнглин зор қилди.

Буюрди келсу теб барбатчини шоҳ,
Очуқ бўлсун теди келгинча даргоҳ.

Ўқидилар келиб табғинға кирди,
Ошиқлар пардасин чол теб буюрди.

Олиб илкинга чангин рост қилди,
Не пардалар яқин ул ҳолқа билди.

Тузуб ушшоқ пардасинга ул соз,
Кўтарди сандувоч янглиғ хушовоз.

Оғозди (ул) навойи ошиқона,
Фараҳ берди хуш уни бирла жона.

Тутуб ул Барбад хуш пардан тез,
Қилу мундоғ навойи ишрат ангез.

Равон сайратти булбултек тилини,
Фараҳ берди думоғларға қил уни.

Фазаллар айди хушвақтинга лойиқ,
Келиб шоҳ кўнглинга асру мувофиқ.

Қаю пардадаким ул соз чолди,
Фалакдин Зухра кўп аҳсант қилди.

Изи хушланди кўнгли қилди таҳсин,
Ўқуб ул Барбаднинг ўпти илкин.

Кўнгул бошинга бердинг тею марҳам,
Суюрқади талим молу тавор ҳам.

Бағишлади қурин, тўнин ҳам отин,
Иноф қилди қотинда ҳастилардин.

Анинг шаънинга келмиш эрди, эй ёр,
Сахоу хулқу эрлик, ғайрату ор.

Бу аср ичра агар сўзлатсанган қил,
Ёхуд булбул менгизлик сайратсанган тил.

Йўқ эмди бир саходин урғучи дам,
Саховат қабғи уш боғланди маҳкам.

Агар юз мингда бир бўлса сахи ҳам,
Кўрукли манъ этартек турмаз эбсам.

Тиламанким жувонмардлик қилинса,
Букун ёринғи йўл зодин олинса.

Яна дўстлуқ қилурман тею сонур,
Хайирдин йиғмишинча хуш қувонур.

Бу дўст луқ эрмаз уш душманлик ул бил,
Қатиғлон бу ожунда эзгулук қил.

Бу дўст атоғли душманлар сўзин қўй,
Кўнгул лавҳиндин анлар ҳарфини юй.

Қутб сан олий тут ҳимматни, хуш бўл,
Қамуғқа рўзин экситмаз берур ул.

Нозуклук сирчасини ерга чолғил,
Ўзунгни қатратек дарёга солғил.

Кўнгул сўзи бирла сўз рост қилғил,
Изи даргоҳидин дархост қилғил.

Тамаъ кесгил қамуғ эркак, тишидин,
Не келгайсан тек ўқ ожиз кишидин.

Узаттинг бу ҳикоят эмди бас қил,
Сўзунг бошла яна қиссангни айғил.

ХУСРАВ ШИРИН УЧУН МАРЯМГА ШАФОАТ
ҚИЛҒАН СҮЗИ

Кетиб кун, чиқти эрса пардадин ой,
Асаслар келди теб, тун чолди сурной.

Туруб Марям қотинға кирди Хусрав,
Бўлуб ул эски савдоси яна нав.

Айиттиким қулоқ (инг) сўзум бор,
Кенгашурман сангаман сан бўлма озор.

Ким асру эмгади ул ерда Ширин,
Кетурсанг маслаҳат бўлғайму андин?

Сабаб ман бўлдум, ул бадном бўлди,
Бу янглиф душманинға ком бўлди.

Биз ирғарбиз бол, ул еса қазғу,
Эшитмакка бу иш эрмаз ҳам эзгу.

Охир давлат улаш бир ерда турмаз,
Фалак иқбол таблин дойим урмаз.

Ижозат бергил эмди элга кирсун,
Азақда қолди, қайра элка кирсун.

Табуғчилар саройинда ўтурсун,
Аларқа сўзлашу ул овну турсун.

Қутулсун қазғудин эмгакли жони,
Манимтек сан тақи иззат қил они.

Валекин сан кунилаб қазғу ема,
Мени Ширин қотинға борға (й) тема.

Жавоб айтур сўзин бошлади Марям,
Қим эл ириклики, эй шоҳи олам.

Тиласанг онт ичайин бормағайман,
Қўнгул фориф тут ул ёндин теди сан.

Замона шоҳлиқингдин лоф урур,
Ожун халқи қамуғ ҳукмунгча юрур.

Санга ош бұлсун ушбу тотли ҳалво,
Не ишинга келур бу қуру ғавго.

Тиларсанким есанг ҳалвойи Ширин,
Манга берсанг сўнги сафройи сирин.

Бу сучуклук била қилғил қаноат,
Фузуллук қилма, боқи сўз ҳикоят:

Қўярсан мени бир жодуқа қаршу,
Ким эриksam жонимдин кунда уршу.

Соқишсиз ҳилау макр, оллари бор,
Саҳл ол бирла ул эр кўнглин алдар.

Сени бир ҳила бирла мендин олғай,
Ўзум бу ҳасрат ўти ичра қолғай.

Анинг афсунчилиқин казз билурман,
Бошимга келмасун теб сақланурман.

Талим аврат ким ўндин бешни билмаз,
Анинг макриндин арслонлар қутулмаз.

Хотунлар кўпраки бил бад фаол ул,
Ичи тўлуқ хабислиқ, тош жамол ул.

Қиличда, отда, хотунда вафо йўқ,
Жафо ул пешалари, сан сўзум ўқ.

Вафо эрлик нишони ул бил, эй ёр,
Талим эрда-ма чиқмаз бир вафодор.

Тишида келгай эрлик теса бўлмаз,
Ким эрман тегучилардан топулмаз.

Яратмиш сўл ёндин ҳақ тишини,
Битурмаз сўл ҳаргиз ўнг ишини.

Кўнгул боғлаб вафосизга не ҳосил,
Агар ақлинг бор эрса таркини қил.

Яна билгил кимунгким ғайрати бор,
Тиши эрса эрур ул, эрдин тақи эр,

Эрур ғайратсиз, эрман текли момун,
Ул эрдин йиграк ул ғайратли хотун.

Айитти Марям, эй шоҳ, шод бўлғил,
Асирсиз қазғудин озод бўлғил.

Отам боши учун ким, эй шаҳаншоҳ,
Агар Ширин бу ерга келса ногоҳ.

Қулоқ тут хуш эшитғил сўнг сўзумни,
Ким ўлтургайман илкинғдин ўзумни.

Қўй ул бойқушни ким вайронда турсун,
Шаҳарга келмасун ёбонда турсун.

Яқин билди сўзиндин шоҳ Парвиз,
Ики хотун ярашмаз тею ҳаргиз.

Азин сўз бошлади, қўйди бу сўзни,
Қуруғ ерда тек эмгатиб ўзини.

Яна яшрун бориб Хусравқа Шовур,
Хабар кетрур неким сўзласа ул ҳур.

Не айса шоҳ жавобин қайра ул тун,
Юрур жосус янглиғ югрур яшрун.

Бу ўюн бирла ҳайрон бўлди Ширин,
Нетак мансиз сарар теб ул бути чин.

Кўнгулда соқшади не қилғу тею,
Неча ўлтурғу мунтек қазғу ею?

Яна кўнгли тануқлуқ бердиким ул,
Куяр вақтинга топғайман тею йўл.

Вафосизлиқдин эрмаз тею билди,
Уминч бирла ўтурди сабр қилди.

**ШОВУРНИ ХУСРАВ ШИРНИ(ГА) УНДАЮ
БОРМИШИНДА УФҚАЛАГАНИ**

Уқуб Шовурни бир кун ул жаҳонгир,
Айитти ким нечага текру мундоғ қазғу ер.

Йироқ бұлғай маным буржимдин ул ой,
Неча қилғайман анинг ишқида вой.

Кетургил бир неча они қотимға,
Ҳалоте, ҳужжат этма ҳожатимға.

Ман анинг хизматинға борғай эрдим,
Нетаксан тею ҳолин сўрғай эрдим.

Вале сақларман ўз подшоҳлиқимни,
Ким ул тарк этса бұлмаз шоҳлиқимни.

Яна қўрқарман ул Марям ма билғай,
Ичи куйғай, ўзинга қасд қилғай.

Не бұлғай ким ани айтек узун тун,
Кетурсанг мунда ул кўрмаса яшрун.

Қабул қилдим бу фармон тею наққош,
Қилайин жаҳд бор неча теди бош.

Ер ўпти чиқти тарк отланди кетти,
Елиб елтек равон Ширинга етти.

Салом бериб ҳикоя қилди оғоз,
Ким эмди вақт бўлди қилма теб ноз.

Малик худ келғай эрди мунда ҳардам,
Вале сақлар ҳамиша они Марям:

Ушул ёндин келу билмаз қотингға,
Қатиф муштоқ эрур бил хизматингға.

Тур эмди боғла болким отланалинг,
Бориб Хусрав саройинға эналинг.

Тараб қил анда эл бўлмасун огоҳ,
Қатинға яшру келғай ул шаҳаншоҳ.

Кўруб бир-бирингизни бўлғайсиз шод,
Фироқдин васл бирла олғайсиз дод.

Ғазаб бирла сўзин манъ этти Ширин,
Изидин қўрқ, уёлғил теди мандин.

Не ҳарза сўз бўлур, бу бўлди тегил,
Фикр қил, ўз сўзунгни бори билгил.

Қифоят кўрғазиб дилдорлиқ эттинг,
Уётлиғ ман зеҳи хуш ёрлиқ эттинг.

Бор ул теб соқнур эрдим сенда инсоф,
Бу инсофсизлуқунгқа бердим инсоф.

Не сўзким тилга келса сўзлағуму,
Гуҳар теб тошни оқил кезлағуму?

Укуш сўз бирла мағзимни қуруттунг,
Магар бир йўли ҳикматни унуттунг.

Тамаъларким қилурсан барча хом ул,
Қўй эмди бас қил охир бу тамом ул.

Санга ҳақ тавба берсун ушбу ишдин,
Қим оз қилғил манга бу тилку макрин.

Чиқардинг ҳила бирла ўз элимдин,
Бироқтим тахту тожимни элимдин.

Мени маҳрум қилдинг барча ёндин,
Тиларсанким азирсанг эмди жондин.

Бу хорлиқ етмаз, ортуқму кўрайин,
Ё елмуманким ундақсизга борайин.

Сучук тил бирла мени алдаюрсан,
Ўзоқитекму алданғай теюрсан.

Вафо қилдим, жафолар қилди қарғу,
Жафо ютмоққаму ул ерга борғу?

Вафо кўрсам ажаб йўқ борғай эрдим,
Жамоли бирла қазғум тарғай эрдим.

Эшак ҳеч арпа бергандин қочарму,
Яна полончи қапғиндин кечарму?

Қочарму ҳеч киши охир вафодин,
Вафо бир топмадим, куйдум жафодин.

Чечак орзусинда бу хор захмин,
Иниюрман ганжи йўқ тек мор захмин.

Қазо кўрким яна бошимга келди,
Жароҳат узра қайра туз экилди.

Хато тушти ишим кимдин билайин,
Ўзум қилди ўзумга не қилайин.

Ўзурдум бирни теб жони жаҳон ул,
Жаҳон худ олди, қилди қасд жон ул.

Яқин билдим тилаган бўлмаз эрмиш,
Маним ройимча иш туз келмаз эрмиш.

Оғиз тек ўт темакдин куймаз эрмиш,
Қорин тиш эти бирла тўймаз эрмиш.

Чечак издаб бу боғда қолди ўзум,
Чечактек ушбу мунгда сўлди юзум.

Ўза ким нақш бирла алданилдим,
Сўнги том нақшитек ҳайратда қолдим.

Муҳолиф нақди бузди шашдаримни,
Паришон қилди бу ўюнларимни.

Маним бирла неча бу муҳра ўйнар,
Сўзи ҳам каъбатайн нақшитек ўйнар.

Отим уш созга чўмди, ман йиқилдим,
Сув кечмак эмдидин сўнг тавба қилдим.

Қатиғ қўрқарман эмди ҳавз кўрсам,
Муҳоли ақл эрурким дарёқа кирсам.

Кўрарсанким неча бу ерга келдим,
Неким фармонладингса сўзунг олдим.

Анинг ишқинда элдин ал кўтурдум,
Борим-йўқумни бу ерга кетурдум.

Сўра келмади бир кун бевафо ёр,
Уялмаз қайра мендин келмак издар.

Уч аршун дасторим бирла узоқ йўл,
Келурман ишқида, фориф турур ул.

Азизлаб ўзини, мени тутар хор,
Билурман ўзи келмакка тутар ор.

Не хуш айтур, ушул бир шахриёр ул,
Маним теккаму жуфтлукка яраф ул.

Бу ишлар бирла бўлди эмди бойиқ,
Ким эрмазман анинг табгинга лойиқ.

Недин мени қилур бу янглиғ озор,
Ажаб ўз айбини билмазму ул ёр?

Улаш мунтек не хорлар мени охир,
Қаровашлар менгиз келсун тею эр.

Неча ундаксизин елтек елайин,
Неча мунтек сабрсузлуқ қилайин?

Қаю кўнглум била анда борайин,
Анинг ёнинда Марямни кўрайин?

Ман онинг ишқи бирла мунтек уш зор,
Ёнашиб ул азин бирла ўйнар.

Анинг жаври била бағрим бўлуб бош,
Қаварди ёш ўзум, кўздин оқа ёш.

Бу ҳасрат бирла бағрим пора қилди,
Ўзи ирғар, мени овора қилди.

Агар ўлсам бу меҳнат ичра бил сан,
Бу хорлуқ бирла анда бормағайман.

Мени ул ит соқишинча-ма кўрмаз,
Ити итланса издар, мени сўрмаз.

Ит эзгу бўлсу мендин минг қатаман,
Хаёлин ит менгизлик қавса ман, ман.

Агар тузмаса ансиз бу кўнгул ҳам,
Чиқориб бу кўнгулни итга сол ғам.

Кишиким бұлмаса итча вафосү,
Анинг қазғусини недин егоси?

Дариғо кошки ҳақ ул отамни,
Мужаррад тутса бермаса онамни.

Ё ман туғмаздин ошну ўлсам эрди,
Ё туғғоч мени итга солса эрди.

Кел эгри ўлтуруб туз сўзлагайин,
Ўқ ўқтек туз сўзумни кезлагайин.

Нелар қилди ҳақимға ул билурсан.
Уёлмадин тақи ҳила қилурсан.

Бу янглиғ рост теб кўп парда туздунг,
Мухолиф чиқти, уш сўнг бу қил уздунг.

Равому тўкса ул юзум сувини,
Мени ёндурса, қондурса қивини.

Озор қилмоқда тақсир қилмади ҳеч,
Ярашмоққа азин ер қолмади ҳеч.

Манга чун йўқ эмиш осойиш андин,
Ажаб маң қандин, ушбу қазғу қандин?

Улаш ўзумни эмгакда тутарман,
Ҳамиша бўлмачи қазғу ютарман.

Янгилдим ушбу қазғудин ишимни,
Ярағим йўқ қошисам ўз бошимни.

Кўнгул бошинға марҳам ҳеч келмас,
Неким андин келур, тил захми ул бас.

Тилим ўгранди аччиғ сўз уш андин,
Бу кўнглум бўлмади бир кун хуш андин.

Чун қилмаз давлатим ёри манга ҳам,
Ярарким бўлмаса ул ёр ҳамдам.

Бу шум бахт бирламу ёр бўлсун ул ёр,
Билурман толеймда наҳслик бор.

Юраким тебрар эрди кечган айём,
Зиён кўрдум уш анча ком — ноком.

Бале синоғлиқ эрмиш кўп нишонлар,
Юрак тебраңса бўлур теб зиёнлар.

Кўзум секрур иккинчи эмди эй ёр,
Не кўргум қайра бисмилло нелар бор.

Бу қаршидан азин ер бўлса жаннат,
Борур бўлсам тақи ортар бу меҳнат.

Келиб Қайсар қизи айса: юритур,
Эшикдин қавғаман, бил хосса Шовур.

Эрмазман эсрук охир олқа кирсам,
Кизиктек ол бирла илка кирсам.

Йўқ эрса давлатим, ақлим бори бор,
Охир уш фурқат этарман қирдин қор.

Билурман Бобилийлар илмини ҳам,
Эрур тадбиру ройим барча маҳкам.

Эрмаз Хусрав, агар Қайхусрав эрса,
Меним бирла муҳолким панжа урса.

Машаққат қилмасун жонимға айғил,
Ёмон рой урмасун ҳаққимға айғил.

Йўқ эрса айғаман ғамзамқақим бир,
Яна сабринға урғай ишвадин тир.

Ики зулфум қилиб уш қайра нахжир,
Қарори бўйнингга тақғай бу занжир.

Буюргайман хаёлим иш битургай,
Бу ерга ани ел янглиғ кетургай.

Уш эмдидин кезин бел боғлағайин,
Мени қўй ўз ишимға йиғлағайин.

Анинг ҳеч меҳри йўқ кўнглунда ҳоли,
Меҳрдин бўлди ул бир йўли холи.

Емак, ичмакка юз минг ёр — ҳамдам,
Охир бир қазғу ер ёри керак ҳам.

Мени қазғу емакка қўйсу дойим,
Чун емум қазғу бўлди, хуш егайим.

Охир кўнгли синуқни неча қийнар,
Жафо табғин маним бирламу синар?

Бу ўтким ишқ ёқти жонқа уш гин,
Дариғо ишқким куйгай бу ўтдин.

Не кундуз хуш, не тунла кўзда уйқу,
Бу зиндонда улошу қазғу тузғу.

Нетак қилғу тею бу ишга тадбир,
Тилаю бўлдум уш ҳасрат била пир.

Мени бу боғ ичра уш кўнглум ойилди,
Кўнгулдин бу бало бошқа очилди.

Ёт ўғридин матоъни совса бўлур,
Келур бўлса ҳам они қовса бўлур,

Эв ўғрисинга эшик ёпса бўлмаз,
Агар ёпсанг тақи ҳеч фойда қилмаз.

Эвумдин қўбти бу ўғри не қилғу,
Ҳеч эмди чора топмазман қутулғу.

Ғалат рой урди кўнглум онгламади,
Талим қилдим, насиҳат тингламади.

Кўнгулким бўлса андин ранж ҳосил,
Кўнгулсуз бўлмоқ андин яхшироқ бил.

Кўнгулдошман, яна золим эрур ёр,
Безарман бу кўнгулдин ёрдин озор.

Неча кун ёр топтум теб қувондим,
Қувонмишимдин уш қайра ювондим.

Бу қазғу бирла бўлдум, мен йигит пир,
Рўзум чун қазғу бўлди уш не тадбир?

Неча кўнглум куюкин кезлагайин,
Неча орзу изини излагайин?

Сабр қилмоқдин аччиғ бўлди ўфкам,
Ярарким сабрдин қавурчоқ этсам.

Сабр бирла кечар оз умр нетку,
Азақ оқсоқ, нетак манзилга етку.

Тамуғ оҳим қотинда зарра учғун,
Эрур қатра ёшим ускинда Жайҳун.

Маним бағримга ул юз еез жароҳат,
Қилур, кўрмазман уш бир боши роҳат.

Тиламаз ул мени ёнимда Марям,
Қачон тушгай мувофиқ ман тиласам?

Керак бўлсам анга ман канду келсун,
Йўқ эрса эзгуларни ранжа қилсун?

Улуғларким ожун феълин билурлар,
Ўз илки бирла ўз ишин қилурлар.

Билурким ушбу ҳасрат бирла тун-кун,
Ўтурмоқим бу ерда анинг учун.

Исинмадим бир ул фасли ўтинда,
Кўзум чиқти йиғидин бу тутунда.

Тилаюрким улаш ройинча турсам,
Нечаким хор қилса хуш кўтурсам.

Жафо ҳадди керак, бу бошдин ошти,
Бу меҳнатдин қоним қайнади тошти.

Тиладим хорлуқи вақтинда они,
Азин бўлмаса онинг ҳаққи қани?

Азизлик топти ул, қилди мени хор,
Не халқдин уёлур, не ҳақдин қўрқор.

Ман эрдим ёри, эл бўлмишда ағёр,
Нетакким, билди эл, қилди азин ёр.

Не ёздим табғиндаким илкидин вой,
Оқар ёшим Юсуф тею қароқдин.

Зулайхотек мени машхур қилди,
Даво топмаз мени уш ранжур қилди.

Тамом Яъқуб янглиғ уш фироқдин,
Оқар ёшим Юсуф тию қароқдин.

Нечага текру мундоғ инграгайин,
Узук бирла ўзумни синграгайин?

Шоҳ ул бўлурким элга дод қилса,
Зулмдин мунглини озод қилса.

Недин бўлди ҳақимға шоҳ золим,
Қим уш қолмади зулминда мажолим.

Эрурман барча ёмдин эмди мазлум,
Адилга мустаҳиқ бўлмишча махрум.

Чун раҳми йўқ унутсун мени бори,
Манимтек эрмаз охир, бор ёри.

Улуғман, ул алиғ тею тутар хор,
Уқир мени, ўзи келмаз, кўрар ор.

Эрур ул подшоҳ, ман бир гадоман,
Нетак тенг бўлғаман охир анга ман?

Қилур жинси бирла қушлар-ма парвоз,
Кўкарчинга кўкарчин, қозқа ҳам қоз.

Охир тупроққа ел боғласа турмаз,
Ҳам ул сув бирла ўт бирга ўтурмаз.

Чун васли йўқ анинг, қўрқмоқ фироқдин,
Бўлуб фориғ ўтурғайман йироқдин.

Анингким моли кўптур қазғуси бор,
Қароқчидин не қўрқсун йўқсул, эй ёр?

Эвак эрмазман онгсиз оғқа кирсам,
Не лочинман улашу боғда турсам.

Биликсизлик жонимға бұлди уш дом,
Билик бирла қутулғайман саранжом.

Агар Хусрав бұлур бұлса бути чин,
Бу сўздин топмағай ул шахди шириин.

Нечаким асру югрук эрса Шабдиз,
Бу Гулгун югруши ҳам анча эрур тез.

Агар қанд эрса Марям лаъл биз там,
Ширилик бирла ман маъруф ман ҳам.

Агар Қайсар қизиман теса ул хур,
Маним аслим эрур андин-ма машхур.

Бу аччиғни унутғайманму ҳеч ҳол,
Ари заҳмин есам мен, ул еса бол?

Бу ошиқлик бошимға эрди тақдир,
Пушаймонман хато қилдим, не тадбир.

Мазах қилдим ушул худ рост санди,
Яқин билсунким уш кўнглум ўсанди.

Ҳақиқат ёр сондим, чиқти ағёр,
Бу бозордин ўзум мин қурла безор.

Ўзум мўм шамътек неча ёқилсун,
Неча куйсун бир оз ором қилсун.

Охир нафрин қилу айман анга ман,
Илоҳи шукр бори сан билурсан.

Ўтум эксилди дарёдин олиб чиқ,
Тамуғлуқ қил мени ё ҳам учтмоҳлик.

Уш эмди қолмади ҳеч ишкибойим,
Кеса билман уминчим не қилайим.

Киши ўлмаздин ошну бу умрдин,
Уларман теб кесарму ҳеч уминжим?

Ақл бизни биликка йўлчилаюр,
Соқиш бирла ишин қилмоқ тилаюр.

Вале ишқ ушбу дафтардин азин ул,
Ақл ишққа келса издар қочғуқа йўл.

Бирикмаз ишқ бирла сабр, эй ёр,
Ошиқ эрмаз қаюдаким сабр бор.

Агар қилмаса сабрум эмди ёри,
Охир эркликман ўз-ўзумга борн.

Ики турлу кишига ҳукм ўтмаз,
Агар хонлар-ма бўлса ҳукм ўтмаз.

Тамаъсиз бўлса тутса дунёни ёд,
Киши қуллуқидин ҳам бўлса озод.

Тамаъ мени бу хорлуққа етурди,
Еримдин мени қамғақтек кўтурди.

Бу сўзлар сўзлаю ўфкада ул ҳур,
Айиттиким сўзум тингла, эй Шовур.

Агар айса: висоли субҳи отсун,
Айитким: тун узунтур улма ётсун.

Агар айсаким, ул Ширин қани?
Айит: Марям етар, нетарсан они?

Агар айса: керак ҳалвойи Ширин,
Айит: эсрук емаз бўлур сучукдин.

Агар айса: алимга киргаймусан,
Айит: бу орзудин кеч теб емусан.

Агар айса: шакар эрин сўрайин,
Айит: хуш туш эрур, аксин йўрайин.

Агар айса: тутойин зулфун ақрун,
Айитким: тутмағинча ўйнамасун.

Агар тутмади фармоним теса ёр,
Айит: фармон фироқ ул, тути ночор.

Агар айса: фироқиким берайин,
Айит: ўтрурмусан, ёхуд турайин.

Агар айса: висоликим анинг ман,
Айит: айтайму ё текму турурсан.

Агар шоҳ айса: келсун тею мени,
Айит: ишимга келмаз теди сени.

Ачиғланиб, қилиб турш ўз юзини,
Қоқиту айди бу неча сўзини.

Замона жавридин қилди талим вой,
Кетиб ўфкаси қайра ул тўлун ой.

Яна хушлуқ била айди, эй устод,
Нечага тегру қилган мунгда фарёд.

Агар сан қайра шоҳ табғинга борсанг,
Саломумни текурғил ани кўрсанг.

Айит: Ширин аюрким, эй вафосиз,
Қани ул ошнуқи суҳбатларимиз?

Соқинмадим бу келгай тею сендин,
Эрикгайсан тею бир йўли мандин.

Хато қилдинг ҳақимга бу занимни,
Кечурдунг хуш ёнингга душманимни.

ХУСРАВ ШОВУРНИ ШИРИНГА ИЗҒАНИНДА ШИРИН ШОВУР СУЗИНА ҒАЗАБ ҚИЛҒАНИ

Жафо минг бир вафолиғ бўлмадинг ҳеч,
Жонинг бор бўлсун, тақсир қилмадинг ҳеч.

Бу янглиғ мени саргардон қилдинг,
Узук бирла юраким қон қилдинг.

Тугатти эрса бу сўзларни ул ҳур,
Ер ўпти, қўбти таҳсин айди Шовур.

Қим уш ройинг бизум тадбиримиздин,
Талим ортуқ турур, эй жон Ширин.

Не сўзким айдинг ул ерлик еринда,
Хатоси йўқ бу сўзларнинг биринда.

Сўз улким соқину сўзласа оқил,
Не бўлса ёнгшамоқ ўгранмаса тил.

Билик бирла керак сўз дарж қилмоқ,
Уш андин сўнгра соқшаб харж қилмоқ.

Керакким сўз еринда сўзлатилгай,
Ери бўлмаса яхши кезлатилгай.

Маҳак ул билкалар, сўз олтун, эй ёр,
Биликсизларга сўз сўзлама зинҳор.

Зариф сўз ош ичинда тотли туз ул,
Кетар кўп бўлса тотға, оз ўз ул.

Бу сўзга қулоқ тут ўтинма муни,
Кераклик бўлур ул-ма келса куни.

**ШОВУР ФАРҲОДНИ ШИРИН ҚАТИНГА КЕЛТУРГАНИ
ТАҚИ ФАРҲОД ШИРИНГА ОШИҚ БЎЛГАНИ**

Мунунг тек аймиш ул сўз айған устод,
Саноат бирла қилмиш сўзга бунёд.

Ким ул қарши бўлуб Ширинга зиндон,
Турур эрди бўлуб кўнгли паришон.

Ҳамиша сут эди анинг ғидоси,
Тиламаз эрди андин ўнг егаси.

Агар юз турлу ҳалво бўлса ё ош,
Йўқ эрди анда бир луқма егу ош.

Йироқроқ эрди ул ердин тавори,
Сигир, йилқи, қора қўй, барча, бори.

Табуғчиларқа андин сут кетурмак,
Кучай эрди ҳар кун юк кетурмак.

Тилайур эрди Ширин қилса тадбир,
Қим эмгаксиз бу ерга келса теб шир.

Нетак очти эрса зулфини тун,
Қарорди мушку анбар тўлди ожуи.

Яна ул ой чиқти пардасиндин,
Утурди айди Шовурға бу розин.

Эшитти қиссадин огоҳ бўлди,
Иккинчи ол чечак янглиғ очилди.

Ўга бошлади ҳиндутек парини,
Нетак ким ул Уторид Муштарини.

Айитти мунда бор бир яхши устод,
Анинг оти эрур фарзона Фарҳод.

Билушур эрдим анинг бирла ашну,
Билур ул ҳандаса илмини эзгу.

Қачон ким тешасин илгинга олғай.
Тош узра мендин ортуқ нақш қилғай.

Қилиб кўргузгай ул юз турлу санъат,
Қай ёндин тесанг бор анда қувват.

Ул устодлиқ била ишинг битургай,
Осонлиқ бирла мунда сут кетургай.

Бўлур устодсиз иш барча душвор,
Бурун устод андин сўнг иш, эй ёр.

Бўлур қилмоққа соқиш бирла тартиб,
Вале туз келмаз ул соқишқа таркиб.

Бўлур мумдин юзук қилмоққа осон,
Вале билмазга олтундин йўқ имкон.

Агар фармонласанг холи бораин,
Ани мен хизматинга кетураин.

Ким анинг бирла бир усто қотинда,
Ики шогирд эзук биз хизматинда.

Қамуғ иш аслини ҳаққинча билди,
Қалам қўзди манга, ул теша олди.

Упарлар тешадин илгин қамуғ Рум,
Қилур ул тошни теша захмидин мум.

Бу янглиғ айтур Шовур сўз тугатти,
Ширин кўнглинда сут қазғуси кетти.

Нетак кун кўзғуси очтиса юзин,
Тутуб тун занги қочти занги издин.

Чиқиб ул ерни Шовур сурди билди,
Бориб издайу ҳам Фарҳодни билди.

Уқуб отландуруб йўл тутти сурди,
Ани Ширин табғишға кетурди.

Равон бошлаб ҳарамга олди кирди,
Салом қилди қўлин қовшурди турди.

Тамом бир фил янглиғ турди Фарҳод,
Айитти бу эрур тош қазған устод.

Табуғчилар боқишиб тонгладилар,
Не тонгсуқ одам ўғли бу тедилар.

Оғирладилар ул барча табуғчи,
Рақибу, посбону ҳам қабуғчи.

Равон Шовур элин тутти кечурди,
Кечиб ул сандали узра ўтурди.

Ўтурмиш парда ортинда ўшул ҳур,
Юзининг шуъласиндин эв тўлуғ нур.

Соқишлаб кўнглида Фарҳод айтур,
Кўрайин пардадин қайра не очлур.

Қавурчоқ ўйнағучи чархи гардун,
Не янглиғ пардадин белгуртур ўюн.

Ожун қавурчоқ ўйнин қилдиса соз,
Чиқарди пардадин Ширин овоз.

Тўка бошлади шаккар, лаълу ёқут,
Шакар ёқут андин олдилар қут.

Нетакким бошлади сўз ул тили қанд,
Уқуб Фарҳод айди юз минг аҳсанд.

Анинг Ширин сўзини тинглайу ул,

Кўнгул ичқинда элдин тонглайу ул.

Эшиттим оти андин бўлди Ширин,
Ким ул сўзлари ҳадсиз эрди ширин.

Қайу мажлисда ким сўзласа ул ой,
Ўқиғлилар қилур эрди талим вой.

Гар Афлотун эшитса ўз сўзини,
Унутғай эрди ул дам ўз сўзини.

Сўзин тинглайу ул Фарҳод ногоҳ,
Кетиб ақли бошиндин қилди бир оҳ.

Кўнгулда ишқ чақмоқи чақилди,
Жони қав янглиғ ул ўтқа ёқилди.

Тамом масруътек ул ерга йиқилди,
Йилонтек чулғашу фарёд қилди.

Нетак ким кўрди Ширин ул ишини,
Муайян билди ошиқ бўлмишини.

Эсиргаб қайра ул бечорасини,
Сучук тил бирла қилди чорасини.

Уш андин айди: эй, фарзона Фарҳод,
Керак ким қилсанган эмди мени шод.

Бу кун устодиқингни кўргаз уш бир,
Не қилғу қил бу бир ишимга тадбир.

Тавор биздин йироқ сут келмаз осон,
Тилисм қил ким оқсун келсун андан.

Ушул ердин бу ерга текру қазғил,
Юнуб тошлар юзин маҳкам ариқ қил.

Ким ул чўпонларим сут соғсун анда,
Оқиб иркилсун ул сут барча мунда,

Бу Ширин сўз бирла Фарҳодни Ширин,
Жонин юлнади горат қилди усин.

Қулоқи сўзларин эшитур вале ул,

Бирин фаҳм этмаз айтур тек бале ул.

Йўқ имкони жавоб айғу сўзинга,
Ожизликдин алин қўйди кўзинга.

Андин сўнгра ташра чиқти турди,
Табугчиларни ундаб қайра сўрди.

Манга ҳоли не айди айтинг ул жон,
Тутайин эмди уш жон бирла фармон.

Нелар айди бирини билмон уш ҳеч,
Ақил йитланди издаб бўлмон уш ҳеч.

Айиттилар не сўз ким кечти борин,
Оқиб сут келгуга ариқ тиларин.

Нетак ким билди эрса эшитти Фарҳод,
Анинг ҳукминга кўргазайин теб санъат.

Белин боғлади олди тешасини,
Қилу бошлади қайра пешасини.

Керак асбобини барча битурди,
Бир ой ишлади хуш ариқ етурди.

Тузатти, йўнди ариқ тошларини,
Топулмаз қилди тошлар ошларини.

Ариқ учинда ҳам бир ҳавз қилди,
Қўругли тонгламоқдин ҳайра қолди.

Ажаб шахс эрур бу одамийзод,
Бўлур мум одамий алинда пўлот.

Бўлур бил иш бошланғинчда душвор,
Не иш бошланса қилнур охир, эй ёр.

Ҳеч иш бу одам ўғлидин қутулмаз,
Магар ўлмак ким анда чора бўлмаз.

Хабар англаттилар Ширинга ким уш,
Тамом бўлди бир ариқ, ҳавз хуш.

Анингтек ҳавзу ариқ қилди Фарҳод,

Ким антек қилмади бўлғай ҳеч устод.

Неча кўб сут ким ул анда соқилғай,
Тийилмадин оқиб мунда йиғилғай.

Боқайин тейу Ширин ўзи келди,
Кўруб хуш ҳавз ариқ севну кулди.

Зеҳи устод ким бу ҳавзу ариқ,
Қилу бердинг теди кўнглумга лойиқ.

Элинг бор бўлсун дойим тейу Ширин,
Тилим раҳмат ўқиди қилди таҳсин.

Кетардинг мендин ушбу улу заҳмат,
Сенга аҳсанту устодинга раҳмат.

Тейу ундади қаршиқа кетурди,
Аёқ тутти оғирлади ўтурди.

Қулоқинда неча дона бор эрди,
Ани зийнат учун ул асрар эрди.

Қамуғи доналарнинг эрди шоҳи,
Укуш мол эрди бирининг баҳоси.

Эл ур ўз қулоқиндин чиқарди,
Қабул қилғил тейу Фарҳодқа берди.

Ким ул устодлиқингнинг музди эрмаз,
Бу кун мундин азинга илгим эрмаз.

Буларни сот ишинга харж қилғил,
Уятлиғ бўлдум озлама карам қил!

Агар бу ҳолдин эзгу бўлса ҳолим,
Табуғ қилғай-ма баринча мажолим.

Ёмонлама ол уш теб узр қилди,
Сунуб Фарҳод ани илгиндин олди.

Фядо бўлсун санга, эй жони Ширин,
Тейу солди азақинга алидин.

Уш андин тутти ул саҳро йўлини,

Кетиб ақли бұлуб беҳуш йиқилур.

Кезар телбатек ул ёбон уйуқда,
Ўзи билмаз не қилинур бу куйуқда.

Кезиклар йиғлаб ани тонглашурлар,
Анинг зор инграгайин тинглашурлар.

Бири ялниб азақини ялайур
Бири ёпшуб этақини ялайур.

Гаҳ охуларқа йўлуқуб ўт едурур,
Гаҳ арслонларқа эшлашиб ўтурур.

Бўлур тунла кўзанлар анинг эши,
Узун кун юз суқоқ ўтлатмоқ иши.

Бу янглиғ ул не ошар, не ичар су,
Еми ҳасрат, ичими ранжу қазғу.

Ўнғумда бўлға тоғ-тош теб соқинмаз,
Тегиб юз бузмағинча ҳеч соқинмаз.

Агар бўлса ўнгинда кўл, ё чоҳ,
Тушар парҳез қилмаз бўлмаз огоҳ.

Кўзинга тегса ўқ юммаз кўзини,
Анингтеқ ким унутмиш ўз-ўзини.

Мунунгтеқ ёр ишқинда бўлуб зор,
Ожун лаззатлариндин бўлди безор.

Қилиб ул чашматек ики кўзини,
Кўзи қони бирла ювди юзини.

Не кундуз, не кеча осойиш этти,
Кун ошмишча батаррак сабри кетти.

Кечиб ўзи-ўзиндин ёт бўлди,
Кетиб Фарҳод Ширин бирла бўлди.

Урулди кўнгли ичра ишқ муҳри,
Жонинда ўрнади ул ёр меҳри.

Анингтеқ тутти ул ёр ихтиёрин,

Ким ўзиндин азин билмади ёрин.

Тилар эрди жони бу танни солса,
Ким ул ёри бирла бир танда бўлса.

Агар нур кўрса ё ёт, йўқ гумони,
Кўрар васли ҳажрининг нишони.

Не нақш ким ўнгимга келса ул ҳол,
Келур эрди эзгу бўлға теб фол.

Киши қилмаз ёмон фол ўз ишинга,
Нетак қилғай қиёс эт ўз ишинга.

Не тонг ким белгурур ул зишт ё хуб,
Қилур ул ани ўз ишинга мансуб.

Не ким белгурса эзгу ёмон ул,
Хабарсиз эрди соғдан англамаз сўл.

Бу янглиғ текма ҳафта ичра Фарҳод,
Келур қарши таба кўнгли бўлуб шод.

Ичар бир пора сут ул ҳавз ичиндин,
Кўрар Ширин саройин кўз учиндин.

Сурар тупроққа йиғлайу юзини,
Киши топмаз ким уқтурса сўзини.

Яна ёбон тутуб юзинга қаршу,
Кетар ўз кўнгли бирла уршу-уршу.

Келур ул неча кундин сўнгра қайра,
Юрур ул тонгқа текру ҳавз чевра.

Қуюб бағри узукда инграйу зор,
Икинчи йўл тутуб саҳроқа кетар.

Бу янглиғ ишқи элларга ёйилди,
Бу ошиқ бўлғанин эл барча билди.

**ХУСРАВ ФАРҲОДНИНГ ШИРИНГА ОШИҚ
БЎЛҒАН ХАБАРИН ЭШИТКАНИ**

Нетакким эл бу ишдин бўлди огоҳ,

Иноғларда бири айди ким, эй шоҳ.

Ҳикоят мунтек уш англа эмди,
Мен айтай, сен қулоқ тут тингла эмди.

Ким ул Ширинга ошиқ бўлди Фарҳод,
Қилур ишқинда тингмаз оҳи фарёд.

Димоғинга анингтек тўлди савдо,
Ким ул савдодин ўтру тутти саҳро.

Бўлуб ошиқ нетак ким эрди Мажнун,
Кезар ялинг озоқ бош югру тун кун.

Айур ким олди бу кўнглумни Ширин,
Хато эрмаз эрур ҳам сўзлари чин.

Қачон ўнгинда тушса кўнглин олғон,
Тилар ким оҳ теб берса равон жон.

Кишидин қўрқмаз, иймонмаз кеса ул,
Кўзиндин қон оқар Ширин теса ул.

Келур ҳар ҳафта тез югру-югру,
Турур қўл қовшуруб қаршиқа ўтру.

Салом айтиб сулар тупроқ юзинга,
Қилур ул ер қумин сурма кўзинга.

Кетар қайра ёзиқа югру елтек,
Бу янглиғ бўлди анинг ҳоли, эй бек.

Эшитти эрса шоҳ бу дostonни,
Яна ишқи ўтинга солди жонни.

Гуҳар бир бўлсаю икки харидор,
Баҳоси эксимаз, турмушча ортор.

Чечак кўрмишча булбул канду сайрар,
Азин булбул оғозса ортурур зор.

Яна бир ёниси соқшаб севну кулди,
Ким ул ошиқ-ма ҳамдостони бўлди.

Яна бир ёниси ғайрат қилдиким ёр,

Кўнгул олурса бўлғай тею душвор.

Бу соқиш бирла ожиз бўлди жони,
Ичинга ўт тушуб қайнади қони.

Кишиким бўлса кўнгли тўлуқ қазғу,
Неча соқшаса бўлмаз рой эзғу.

Сўкал ул бил, сўкаллар ройи, эй ёр,
Киши оғриғда нелар бўлса соқшор.

Айиғлиқ вақтинда сўз тандуруст ул,
Ким усруклукда тадбирлар-ма суст ул.

Уточи нечаким билса тамордин,
Азинларға берур оғриғда илкин.

Уқуб Хусрав иноғларин қотинға,
Айитти боқинг бу ишнинг ёнинға.

Ким ул девона эрга не қиласи,
Не чора бирла андин қуртуласи?

Қўё берсам бўлур ишим паришон,
Яна бўлмаз ёзуқсуз тўксаман қон.

Укуш кез қотланиб, анча бу тадбир —
Қилиб, рустойи сиз ийд топмадим бир.

Қилур эмди узамга ид Ширин,
Ким уш ҳайрон қолдим ман бу ишдин.

Иноқлар айди: эй шоҳ, бор бўлғил,
Ожунда тушги бархўрдор бўлғил.

Етти иқлим шоҳлари барча қулунгуз,
Етар не иш қилай теса қўлунгуз.

Қамуғ қулларингизнинг уксуки биз,
Саҳл иш ул ҳеч қазғурмангиз сиз.

Санинг сусунгдин уш ёри қўлалинг,
Биз ул девонақа чора қилалинг.

Бурун бори уқунг, келсун куралинг,

Сочиб олтун, кутуш арсуқтуралинг.

Қилолим барчамиз хуш ани иззат,
Оғирлаб кийдурунгиз сиз-ма хилъат.

Бўлур олтун муфарриҳ, қайра ақлин
Йиғиб қўйғой қуруғ савдони бошдин.

Кўруб олтунни кўнгли майл қилғай,
Кўнгул олтунға боғлаб ишқи кетгай.

Уминч борким бу янглиғ иш қилинса,
Ажаб йўқ мол таворқа алданилса.

Агар бўлмаса олтун бирла маъзул,
Қилалинг ани тош кесмакка машғул.

Ким ул эмгак била ишқ ўти ўчгай,
Ё тош қазмоқ била ўқ умри кечгай.

Бу сўзларни эшитти эрса шаҳзод,
Буюрдиким ўқунглар келсу Фарҳод.

Кетурдилар ўқиб шоҳ хизматинга,
Бир усрук бугратек кирди қотинға.

Анингтек қилмиш эрди ишқи Ширин,
Ким эл ювмиш ўзундин ҳам азиндин.

Малик фармонлади ҳурмат қилинг теб,
Сочиб олтун-кумуш кўнглин олинг теб.

Ўтурттилар оғирлаб ани беклар,
Нисор қилдилар олтун, йинжу, гавҳар.

Не ул йинжу, кумуш, олтунға боқти,
Не ичку, егу, хилъат — тўнға боқти.

Чун ер эрди анинг кўнглинда жавҳар,
Кўзинга тенг кўрунди тупроқу зар.

Кўруб Хусрав таажжуб ичра қолди,
Иш олтун бирла бутмаз тею билди.

Қилу андиша, сўзлар соз қилди,
Сўзин нукта бирла оғоз қилди.

Қаю ёндинким ул Хусрав айтти,
Жавобин эзгурак андин эшитти.

**ХУСРАВ ФАРҲОД БИРЛА МУНОЗАРА ҚИЛИБ
ФАРҲОД ТОҒ ҚАЗМОҚЛИҚИ СЎЗИ**

Бурун сўрди: не ерликсан тею сан?
Айиттиким: ошиқлар шаҳридинман.

Айитти: айда не санъат қилурлар?
Айитти: жон сотиб, қазғу олурлар.

Айитти: жонни сотмоқлиқ хато ул,
Айитти: ишқ йўлинда ҳам раво ул.

Айитти: кертиму ошиқ эрурсан?
Айитти: бор кўзунг, охир кўрурсан.

Айитти: не қадар севдунг сан они?
Айитти: сўзга сиғмаз ҳеч баёни.

Айитти: кўрдунгму ул кунтек жамолин?
Айитти ким: бали, кўрдум хаёлин.

Айитти: меҳридин бўлғаймусан пок?
Айиттиким: магар бўлсам ўлуб хок.

Айитти: гар йўлуқсанг кўрса сени?
Айитти: кўзга сургум тупроқини.

Айитти: гар кўзунгни ҳаста қилса?
Айитти: розиман тек кўзга илса.

Айитти: гар азин эр сунса илкин?
Айитти: тилгаман тош бирла бошин.

Айитти: топтунг ул йўл ул ҳумойқа?
Айиттиким: йироқдин боқғу ойқа.

Айитти: гар тиласанган берайин,
Айитти: ҳақдин издарман тиларин.

Айитти: гар ўқиса, қилса хушнуд?
Айитти: бўлғай эрдим барча мақсуд.

Айитти: кес кўнгул, ул дўстни қўйғил!
Айитти: дўстдин келмаз бу иш билгил

Айитти: бу тамаъни тутма, хом ул!
Айитти: онсизин тинчилик ҳаром ул.

Айитти: кел бу ишдин юв алиингни!
Айитти: сўзлама кўп, тиз тилингни.

Айитти: қилмағил қўй, қури ғавғо!
Айитти: нетак бўлур чун ўт тутти қавға

Айитти: сабр қил, тиз кўнглунг ондин!
Айиттиким: нетак сабр этку жондин.

Айитти: сабрсузлуқ жаҳл эрур бил!
Айитти: сабр қилмоққа керак дил.

Айитти: ийманурмусан кишидин?
Айиттиким: магар ҳажри қишидин.

Айитти: ҳеч керакму ёру ҳамдам?
Айиттиким: бўлурман бўлмасам ҳам.

Жавоблар эшиту Хусрав бўлди ожиз,
Айитти: асғи йўқ не сўзласабиз.

Айитти: Хусрав ушбу тонг эмазму,
Сўз ўқимадин жавобин айтур ашну?

Эшитингиз не сўзлар аймишини,
Мунунгтек кўрмадим тиллик кишини.

Иш олтун бирла битмаз, не қилайин?
Муни тош бирла олтунтек синайин.

Тию тил очти сўзга, қилди бунъёд,
Ким эй устод чин фарзона Фарҳод.

Бир улуг тош бор кесмакка душвор,
Яна кечмакка айир от асру эмгар.

Керакким бизга бир йўл қазсанг андан,
Ким ул бўлса бориб келгуга осон.

Ким эрсанинг бу ишга илки эрмаз,
Бу иш сендин азиннинг иши эрмаз.

Баҳаққи ҳурмати Ширини хуш ҳу,
Ким онт билмазман уш ҳеч мундин эзгу.

Ҳожатлиғман, раво қил ушбу ҳожат,
Яна бу ҳожатимға айма ҳужжат.

Жавоб айди: кесайинман теб ул тош,
Бу ишда қилнайим, боринча бу бош.

Ушул шарт узраким ман иш битурсам,
Малик фармонин ўрнинға кетурсам.

Керакким эмгакимни шоҳ билгай,
Шириннинг шаккарини тарк қилгай.

Уқуб Хусрав анингтек ўфкаланди,
Тилади чопса бўйнин, қайра ёнди.

Айитти ким: ушбу шартимдин не қазғу?
Қатиг тош ул охир, тупроқ эмаз бу.

Нетак қилгай ҳало тупроқ тут они,
Қазиб тупроқ тошию чиқға жони.

Айитти: шарт қилдим, қаз ани сан,
Бу шартимдин қайитсам айир эмазман.

Белинг боғла силоҳингни ол алга,
Бу ишда эрдамунгни кургуз элга.

Севунди, сўрди ул Фарҳоди бедил,
Ким ул тоғ қанда теб, эй шоҳи одил?

Солиб ул тоғни Хусрав айдиким, бор,
Ким эмди Беситун теб атаюрлар.

Бу ҳукм узраким ул тош эрди хоро,
Қатиглиқи юзиндин ошкоро.

Туруб Хусрав қотиндин чиқти терк ул,
Равон бўлди тутуб ул тоғ тоба йўл.

Елиб елтек равон ул тоғқа етти,
Белин боғлади истеъдодин этти.

Уш андин тешасин илка олиб тез,
Суратлар йўнди шакли шоҳу Шабдиз.

У Яна бир курси йўнди қайра тошдин,
Ушул курси уза Ширин шаклин.

Қилиб кўргазди ул тош узра санъат,
Талим эмганди, қилди кўркли сурат.

Ахир эштурсан ул суратни қилган,
Ошиққа не жафолар қилди даврон.

Анинг ҳаққинга ул бир шум аврат,
Нелар қилди, қамуғ эрмазму ибрат?

Қари хотунтек ул бу дунё маккор,
Сучуклук бирла аввал сени алдар.

Уш андин сўнгра аччиғ захрин ичрур,
Тириклик татиғиндин сени кечрур.

Жафоси кўп, йўқ ул бир зарра меҳри,
Тегарму лутфинга охир бу қаҳри.

Бўғоз тутмаздин ошнуроқ қўй охир,
Бўри изинга борма, эй қўй, охир.

ФАРҲОД ТОҒНИ ҚАЗАРДА ШИРИН СУРАТИНГА ҚАРШУ ЗОРИ ҚИЛҒОНИ

Тугалким қилди ул суратни Фарҳод,
Қуруғ сурат била кўнгли бўлуб шод.

Ер илка кирга теб андиша бирла,
Кеса бошлади тоғни теша бирла.

Кулангни қаю бир тошқаким урди,
Бир урмоқ бирла бир бурчин емурди.

Узун тун тинмадин, кўздин соча ёш,
Кесар эрди Ширин ишқинда ул тош.

Қочиб кизланса сўклунтек яна кун,
Ожунга тўлса қайра зоғу қузгун.

Бориб сурат қотинга йиғлаю зор,
Тонг отгунча юзин тупроққа суртар

Қим, э кўнглумга ич, ичимга ҳам эм,
Бошимга мунг, яна бошимга марҳам.

Санинг ишқинг мени бу ишга илди,
Кетурди ушбу тош кесмакка солди.

Бу янглиғ ранжим ортти, иш узади,
Қарорим қолмади, сабрум йиради.

Сан анда бир ариғ гавҳар менгизлик,
Турурсан тошлар орасинда кизлик.

Уш андин ўтру мен бу тош кесарман,
Гуҳар илкимга киргай теб кусарман.

Бу сўзларни ушул суратқа айтур,
Жавоб этмаз яна инграю қайтур.

Мунар ул тоғ тўбасинга ошуқуб,
Турур йиғлаю бир тош узра чўқуб,

Боқиб қарши таба айтурким, э ёр,
Жаҳон бўлди ўзимга сансизин тор.

Улум бағрим-юрагим бўлди уш қон,
Қил охир ошиқинг ичинга дармон.

Муродсизнинг муродин бир раво қил,
Уминчсизнинг уминчига вафо қил.

Билурман (ким) сенинг ўкунга тушман,
Қим эзгурак ёринг бор, ман не тўшман.

Вале сан ҳеч кетмазсан ўкумдин,
Кўрарман тун-ма кун орзунгда бу қин.

Хабарсиз Ширин анда фориг ўтрур,
Куяуб Хусрав ёдинга умр кечрур.

Анинг ишқинда бу Фарҳод мискин,
Берур Ширин тею ул тотли жонин.

Аюрким, эй тамом юзи тўлун ой,
Нечага текру мунтек қилгаман вой?

Ким уш мўм шамътек ёндим, ёқилдим,
Туганмакка сизиб ҳам оз қолдим.

Бу ишқинг бўлмишиндин беру ишим,
Кеса тош, йиғламоқ ўқ бўлди ишим.

Ажаб, ҳақ мени тошдинму яратти,
Ким уш мунтек ичимга ўт қотти?

Неча сени йироқдин кўзлагайин,
Неча тош ичра гавҳар излагайин.

Нечага текру бу тоғ, тош қазайин,
Неча кўз ёши ичра ман юзайин?

Кел оз бу жафо, ёшим сил, эй ёр,
Фарибни тош била ўлтурма зинҳор.

Санга не қазғу бор, иззатинг ортар,
Матоинқа бор ул шоҳтек харидор.

Ман ўқ ман хору саргардон ёлғуз,
Кўзумга уйқу кирмаз туну кундуз.

Куюрман дойимо ишқингда, эй ҳур,
Нетакким куйса парвона кўруб нур.

Йироқдинким бу янглиғ уш куюрман,
Яна кўнглум ёвуқроқ тею ёрман.

Анинг ҳаққиким уш қадринг билурман,
Узукда тун-ма кун зори қилурман.

Мени бу қазғудин озод қилғил,
Охир кўнглумни бир кез шод қилғил.

Йўқ эрса чора қилким терк ўлайин,
Бу қазғу — қузғудин бир қуртулайин.

Ким ўлмак еч мунунгтек тирлигимдин,
Не ёру, не қадош, не дунё, не дин.

Манимтек бўлмасун ҳеч одамизод,
Бу давлатсизликимдин вой, фарёд.

Агар адл этса ушбу чархи ғаддор,
Мени нек ўлтурур, не мунча қийнар?!

Агар майл этмаса гардуни гардон,
Недин ичрур санга сут, (у) манга қон?!

Онанг сути менгизлик ул ариқдин,
Ичарсан сут охир, бир мени соқин.

Ушул шаккарли сутдин онг мени бир,
Қим эксар сусалиқни шаккару шир.

Еш ўғлон янглиғ йиғлатма алим тут,
Вафонгни доя қил, берсун манга сут.

Вафолиғ қулни бир йўли унутма,
Сут ўрнингга яна оғу татутма.

Билурсан сандин ўзга йўқ ёрим,
Бори сан бўлмағил ағёр, эй нигорим.

Юзунг кўргуз, ёрутғил бу кўзумни,
Қарам қил, оз қийна мунглуғ ўзумни.

Бу бечора ишинга чора қилғил,
Туганди тоқатим бир йўли билғил.

Раҳм қил, тўкмағил онгсизда қоним,
Ғарибман ахир, эй жону жаҳоним.

Равомуким ғариб қони тўкулса,
Ман йиғларман, азинлар барча кулса.

Буқун чун сан ғариб эрмазман, эй ёр,
Ғариблар оҳидин кўрқ, қилма озор.

Не ёздим хизматингдаким қийнарсан?
Ёзуқум бор эса айғил, билай ман.

Кел эмди бу жафо қилмоқни қўй бир,
Вафо қилмоққа қилғил эмди тадбир.

Тиларман бу кеча ҳолимни кўрсанг,
Бу зори қилғонимни эшту турсанг.

Агар тош бўлса кўнглунг, бу қулунгни —
Кўруб раҳм этгасан бу мунглуғунгни.

Мажоз эрмаз ҳақиқат бил ишимни,
Ўюн санма бу зори қилмишимни.

Қим уш ишқ ўтинда қовтек куярман,
Тану жон бирла васлингни кўярман.

Агар йўқ эрса менда молу динор,
Қим изсам табғинга харвор-харвор.

Уш олтун рангин олди ушбу юзум,
Кумушсиз дуд узукда икки кўзум.

Кел олтун ўрнинга жоним берайин,
Бори бир кун жамолингни кўрайин.

Дев эрмазман кишидин қочсам охир,
Не қўрқуб қуш эмазман учсам охир.

Қишидин ул киши қочғайму, эй бек,
Суратлар йўнса тошдин одамитек.

Не анча дўст борким (ул) ғамум еб,
Озоқдин тушсам, илким тутса қўб теб.

Не онча қабқадодим текрада бор,
Қим ўлсам қазғуруб йиғласалар зор.

Ўзум сўқ ёлғуз ушбу мунгда туштум,
Бу қазғу қузғунга онгсизда туштум.

Агар юз йил қузуғда ётсаман зор,
Юқору кўрман оҳимдин азин ёр.

Агар елсам ёзилар тингмадин ҳеч,
Сўнгумда йўқ кўликамдин азин ҳеч.

Не ит жонлиғ кишиман эрки билмон,
Ким уш бу мунгда ёлғузлуқдин ўлмон.

Ожунда итнинг ўрни бор, маним йўқ,
Не одам ўғлиман, итча соним иуқ.

Киши бўлмасу мантек хонумонсиз,
Не дунё (у), не дин, икки жаҳонсиз.

Охир ман қандин, ушбу иш қандин?
Ким эриктурди мени тотли жонимдин?

Ёқилдим тутшу қул бўлғинча ёндим,
Бу куюкда тирикликдин ўсандим.

Ўзумни бу яроғсиз ишга солдим,
Ўз-ўз ишимдин эмди ибрат олдим.

Агар кўнглум яна илкимга кирса,
Бўюндин қўймагайман ким дам урса,

Ўз ишимнинг сўнгин тутғайман андин,
Кўзумни юмғаман эзгу, ёмондин.

Қилиб ўз тўрт ёнимга тошдин том,
Кечургайман уш анда боқи айём.

Киши юзинга ҳаргиз боқмагайман,
Неким сўзласалар ҳам уқмагайман.

Бу суратқа боқа ўқ уш йўқолдим,
Азин сурат тобунмоқ тавба қилдим.

Бу янглиғ сўзлар айту, йиғлаю зор,
Юзин сурат ўнгинда ерга суртар.

Нетакким куч кўтурса қайра бу тун,
Туғуб кун сочса ер юзинга олтун.

Икинч алка олиб ул тешасини,
Яна бошлар узоқи пешасини.

Оқитур кўзлариндин тун қата ёш,
Узун кун бир замон тингмаз кесар тош.

Бу янглиғ ишлари машҳур бўлди,
Халойиқлар аро човуқти тўлди.

Келиб эл тонгламоққа текма ёндин,
Боқиб ибрат олурлар эрди андин.

Кўруб ул тоғда қилмиш ишларини,
Тонгирқар эрдилар қилмишларини.

**ШИРИН БЕСТУН ТОҒИНГА ФАРҲОДНИ
КЎРМАККА БОРҒАНИ**

Ўтурмиш эрди бир кун шод Ширин,
Қамуғ йиғлиб қотинда қизу қирқин.

Қилур эрди бири кечмиш тараб ёд,
Анинг бирла бўлурлар эрди дилшод.

Кечар эрди ҳикоя текма ёндин,
Нетакким келса сўз эзгу,— ёмондин.

Бери келгай яна бахту саодат,
Тею сўзлаштилар тангсуқ ҳикоят.

Бу янглиғ текма бири сўзлар айтур,
Ҳикоят бирла Ширин кўнглин овтур.

Мусалсал бўлди сўз-сўзга улашти,
Ногаҳ Фарҳод ҳоли ўкга тушти.

Эшитмиш эрдилар анинг ишини,
Узун кун тингмадин тоғ қазмишини.

Кулуб Ширин айттиким борайин,
Бу кун ул Бестун тоғин кўрайин.

Боқойинким не янглиғ ул кесар тош,
Нетак ишқимда кўздин оқтурур ёш.

Магар бу тош кўнглум раҳм қилгай,
Эсиркаб ошиқиндин узр қўлгай.

Буюрди от изарланг тею Ширин,
Изарлаб ақтачи от, тортти тизгин.

Йўқ эрди ҳозир ул соатда Гулгун,
Азин бир от изарланди ушул кун.

Хиромлаб тошқа чиқти ул бути чин,
Равон отланди, сурди изди тизгин.

Анингтек жуст эди от узра ул ой,
Ким эранларда антек оз бўлгай,

Эранлартек тугуб ул икки сочин,
Соча бошлади ерга анбару кин.

Учар қуштек отин сурди тутуб йўл,
Елиб ел янглиғ ошти кўб тўба, қўл.

Жамолиндин ожунқа балқину (р) нур,
Хиромлаб етти ул тоғларқа бу ҳур.

Анинг ёдинға ул Фарҳоди мискин,
Кесар тош тингдаин, ёлғуз кўруб қин.

Қазар ул тош кўнгуллуқ ёр учун тош,
Оқитур кўзлариндин тутшу қон ёш.

Лаъл тош аро издаб йитруб ўзин,
Лаълтек ёш била юб тош юзин.

Кетиб кўнглиндин орому қарори,
Қилурда, оҳу вайло, теюрда зори.

Эшитти келди Ширин теб хабар ул,
Тош аро топти сонғосан гуҳар ул.

Севунмакдин али кучланди қайра,
Кеса бошлади тоғни емра-емра.

Кўруб Шириннинг ой янглиғ юзини,
Мунаввар қилди ул юздин кўзини.

Кетурмиш эрди бора сут бирга,
Ол ич ёдимға теди тўкма ерга.

Олиб Ширин алиндѳи сутни Фарҳод,
Шакартек ичти, Ширин айди: хуш бод.

Айитти:— Соқи сансан бу эрур хуш,
Сут эрмаз, оғу бўлса қилғаман нўш.

Нетакким ичти ошиқ жоми боқи,
Яна ўғради кетмакликга соқи.

Йироқ ер келмиш эрди қайра сурди,
Гуҳар чекмакдин оти қолди, турди.

Не от гар фил бўлса орғай эрди,
Кумушдин қубба кўтруб толғай эрди.

Чун ошиқ кўрди ул маъшукнинг оти,
Юримаз, эмганур ул ой зоти.

Оти бирла ани бўйнинга ердин —
Кўтурди, йўлга кирди югру теркин.

Етурди қасринга юз ноз бирла,
Тушурди бўйнидин эъзоз бирла.

Ани ўлтуртуб ўрнинда Фарҳод,
Қайитти оҳ тею, қилну фарёд.

Яна ул тош кеса оғоз қилди,
Яна зорию навҳа соз қилди.

ХУСРАВ ФИТНАЛАР ҚИЛГАНИ, ТАҚИ ФАРҲОД ВАФОТИ САБАБИН БАЕН ҚИЛУР

Ҳамиша Хусрав ул Ширин ишини,
Сўрар издарди не қилмишини.

Хабар келтургучи жосус юз минг,
Бор эрди текма бир ишларда анинг.

Агар илкин юзинга урса Ширин,
Хабар текрурлар эрди шоҳқа андин.

Ул муддат то ким Фарҳодқа борди,
Бориб ул қалъаи фўлодни кўрди.

Хабар келтурдиларким билгил, эй шоҳ,
Хабарсиз турма бу ишдин бўл огоҳ.

Ширинни кўрмишиндин беру Фарҳод,
Емурди тоғни, тошлардин олур дод.

Мунингтек қоч кун урса тешасин ул,
Қилур оз вақт ичинда тоғдин ул йўл.

Қатиг кучланди, севнуб, кўнгли-ма ҳам,
Кулунгин тошқа урур асру маҳкам.

Малик қазғурди ул тош кесганиндин,
Қим ул шарт этмиш эрди лаъл таркин.

Уқуб ёранларин айди: айинг бир,
Не тадбир қилғу бу ишга, не тадбир?

Айиттилар: — чу(н) қазғу бўлди эшинг,
Тилар эрсанг ким осон бўлғай ишинг.

Изабер қосидиким анда борсун,
Ушул тоғ қазғучи Фарҳодни кўрсун.

Айитсунким дариғо Ширин ўлди,
Анинг ул ол чечактек энги сўлди.

Ажаб йўқ Ширин ўлди тею билса,
Кучи кетиб, ишини тарк қилса.

Тилаб бир топтилар қуртқа кишини,
Тили аччиғ, юзи хафриқ тишини.

Ёмон сўзлар анга ўгратиб ул кун,
Айиттилар: берурбиз теб кўп олтун.

Изиб, ул Бестун тоғинга ани,
Қилу кўр тедилар ушбу жафони.

Жафо отин суруб ул менгзи сари,
Етиб келди равон Фарҳод сари.

Айитти:— э биликсиз не билурсан,
Азиз умрунгни тек зойеъ қилурсан?

Бу айдиким: уминч бирла бу ишни,
Қилурман топғаман теб ул билишни.

— Билишинг ким?— теса ул айди: Ширин!
Фидо бўлсун анга юз жон ширин.

Ул аччиғ сўзли, оғу тилли қари ҳам,
Ачиғлиқ бирла Шириндин уруб дам.

Қилиб оҳ, айдиким: эй ёрли Фарҳод,
Ширин худ ўлди, кимни қилғасан ёд.

Дариғоким, анингтеқ ёр хуш ху,
Ўлуб, қўзти ожунлуғларқа қазғу.

Қамуғ эл халқи зорин йиғладилар,
Дариғо нозанин Ширин тедилар.

Қайиттилар тупроққа кўмуб ани,
Иккинчи бўлди ҳайф ул йоқ сони.

Бу сўз аймишда ул ҳол, эй дариғо,
Тилинг бўлмади лол, э дариғо.

Киши айғайму ҳеч мундоғ сўз охир,
Зиҳи сувсуз юз, ўвтанмаз кўр охир.

Уқуб Фарҳод анинг аччиғ сўзини,
Бироқти тоғ бурчиндин ўзини.

Дариғо теди кўп заҳматда бўлдум,
Бу заҳмат роҳатин кўрмадим ўлдум.

Очиб бағри, анингтеқ оҳ қилди,
Бағирқа ханжар урмиштеқ йиқилди.

Агар бўри ўнгинга келса юз қўй,
Тутуб дарвиш қурбонин қилур тўй.

Не хуш айди гулобчи гулистонқа,
Ненангким қайра берғу, они олма.

Қаро тупроққа кирмиш тўлун ойим,
Нелук бошимға тупроқ қўймағайим?

Тўкулмиш ол чечагим уш бутоқдин,
Нелук бўлмасун онсиз боғ манга қин?

Учуб қолмиш, жаҳон кўрмиш чароғин,
Нелук сизғурмағайин кўзда ёғим?

Қунум битмиш, қаронғулуқдаман уш,
Нетак тирлурман онсиз бир замон хуш?

Не тириклик манга, таркин кетайин,
Адамда юғру Ширинга етайин.

Мунингтек айту тарк этти жаҳонни,
Ер ўпти, дўст ёдинга берди жонни.

Азин ҳеч иш билмаз бу замона,
Жафо қилмоқдин ортуқ жовидона.

Бериб қазғу еринга жон, олур жон,
Қутулмоққа алидин йўқ ҳеч имкон.

Топар бўлса ногаҳ бир мубталони,
Анга текрур қамуғ ёндин балони.

Агар илкин чечакга сўнса мискин,
Чечак ўрнинга тош ёғрур бошиндин.

Анингтек кетарур хушлуқни андин,
Қим оғзинда шаккар оғу бўлур чин.

Анингтек тор қилур бу кенг жаҳонни,
Анга ким тарк этар эрксизда жонни.

Инонса бўлмаз уш ожунқа ҳаргиз,
Нелар эштиб боқинг, нелар кўрарбиз.

Уюма, эй кўз, охир бўлма гофил,
Уёғ бўл бу тириклик қадрини бил.

Ким онча ётғасан тупроқ бўлуб хор,
Сени соқинғучи йўқ бўлға дайёр.

Бу элик йилқи ёшқа бўлма мағрур,
Уюнни қўй ўзима кўп, уёғ тур.

Қатифроқ эрмаз одам ўғли тошдин,
Кўрарсан бузлур ошланған тош ошдин.

Неча кўп одамилар ерга кирди,
Неча кўп дўстни бу дўстдин азирди.

Неча шоҳман деганни еди бу ер,
Тақи тўймади тутшу тингдадин ер.

Ҳавода текма зарраким учар бил,
Фаридун ул ё Қайхусрав фикир қил.

Овуч тупроқ бу ер узра топулмаз,
Ким анда одамнинг қони бўлмаз.

Ким ул билган бу эски дунё розин,
Неча кўп муддати ё кўп, ё озин.

Қишини қўймаз ул ким кўрса даврин,
Ишимнунг билмасунлар тею жаврин.

Неча кун даври бирла югруб анинг,
Нетак билгу ишин бу бевафонинг?

Мунунг бу даврининг жаври алидин,
Роҳатлиғ оз эрур, кўргучи кўп қин.

Куну тун туғшун отға ўхшар, эй ёр,
Бу тўхшун отға тизгин берма зинҳор.

Агар кўргузсанган юз турлу эрдам,
Башармазсан бу тўхшун от била ҳам.

Агар бу ерда ҳар кун ганж топсанг,
Анга тегмаз бу ганж, бир ранж топсанг.

Надоматдин азин йўқ мунда ҳосил,
Талоқин бер мунга, арсиқма ғофил.

Уманмагу бу дунё ичра роҳат,
Жонингга тегмасун тесанг жароҳат.

Кетар кўнглумдин ожун меҳрини сан,
Уш андин жонға ул ишқ муҳрини сан.

Чиқарғил жондин иблис жосусини,
Тамарларингга тўлдур ишқ сусини.

Бу ишқсиз урмағил зинҳор бир дам,
Яқин бил, сонлиғ ул, бизга бу дам ҳам.

Қатиглан ишқда Фарҳод бўлғил,
Уш андин хуш ўлумга шод бўлғил.

Эшиттимким ул Фарҳоди ошиқ,
Қим антек кечмади ишқинда содиқ.

Кулангинга соб ул ёш нор оғочин,
Кесиб соб қилмиш эрди ул ёғочдин.

Қатиг тутмоққа осон бўлса тею,
Эл эмгатмасу, фармон бўлсу тею.

Нетакким Ширин ўлди теб эшитти,
Кулангин ул юқору тоққа отти.

Соби синди, темурди тошқа ботти,
Соби тупроққа кўмлуб, ерга ботти.

Аюрларким ушул тупроқ ёш эрди,
Ёғоч ёш ерда ётмоқдин ёшарди.

Унуб ул нор йиғочи, ундуруб нор,
Аюрларким талим йил берди теб нор.

Нечаким ул ёғочин кўрмадим ман,
Ўқидим нусха ичра, ҳам ўқи сан.

ФАРҲОД ВАФОТИДИН СУНГ ХУСРАВ АФСУС БИРЛА ШИРИНГА ТАЪЗИЯТ НОМА ЕЗГАНИ

Сўз айғучи мунунгтек қилди бунёд,
Нетак ким ўлди тею Ширди, Фарҳод.

Эшитти эрса Ширин йиғлаю зор,
Айиттиким дарифо, нозанин ёр.

Йиқилмиш сарв янглиғ қадди тею,
Укуш йиғлади андин қазғу йею.

Буюрдиким бу Фарҳодқа иморат,
Қилинг эл халқинга бўлсун зиёрат.

Ёсин яслаб, ўзи ҳам жондин айриб,
Қўзуб тупроққа, келди елка бериб.

Укуш харж этти, бир хуш қубба қилди,
Сарвтек қадди қазғудин эгилди.

Ушул кун ўқ хабар Хусравқа етти,
Ким андин заҳмати Фарҳод кетти.

Пушаймон бўлди шоҳ ўз қилмишиндин,
Анингтек ошиқи озор ўлмишиндин.

Талим қазғурди кўп андиша қилди,
Янути бор бу ишнинг тею билди.

Қиши неким қилур бўлса кишига,
Келур бир кун ҳам ул анинг боши (н) га.

Укуш андиша қилди ўз ишиндин,
Ҳам охир топти бир кун ўз бошиндин.

Уқиди хос битикчисин қотинга,
Бити теб нома ул Ширин қотинга.

Гуҳарлар сочғил ул қоғоз уза хуш
Назм сўзини бетка йинжутек қўш.

Бурун ҳақ оти бирла сўзни бошла,
Уш андин сўнг ҳам ўз ишингни ишла.

Анинг оти бирлаким кўқда кунни,
Яраттию ёрутти бу ожунни.

Фалакни тингмадин тезгитгучи ул,
Ети қат ерни ҳам тек тутғучи ул.

Яратғучи ул, бу инсу жонни,
Яратғучи ҳам ул қайра жаҳонни.

Изи отинда сўнг бошлаб сўзини,
Сўзингга ишқидин бериб юзини.

Айт, эй кўрклулар шоҳи Ширин,
Юзунг, кўзунг, созунг валлоҳи ширин.

Эшиттим ошиқинг буйруқ битурмиш,
Ожун юртиндин ул ҳам кўч кўтурмиш.

Қуруб эмди сан анинг ёси ёсин,
Ўтурмишсан қилиб бу ёс асосин.

Сарв янглиф бўзунгни эгди толтек,
Қилиб, кўп навҳа қилмишсан ҳам, эй бек

Чечакни тумғулуқтек сорғартиб,
Бу гул япроқидек менгзингни йиртиб.

Ожунни куйдуруб фарёд тею,
Узатмишсан укуш Фарҳод тею.

Мунунгтек ўқ эрур дўстлуқ нишони,
Ҳам ончоқ бўлга шарти миҳрибони.

Ғариблукда ўлукли ошиқи зор —
Учун ким йиғламағай, хосса ким ёр.

Қишиким ибрат олмаса бу ишдин,
Анинг ҳоли анингтек бўлсу теркин.

Вале қазғум ма андин анча эрмаз,
Санинг қазғунгдаманким кўнглунг эрмаз.

Қатиф қазғурдунг андин не билайин,
Ўлуб ҳам аймадинг таркин қилайин.

Недин қин бирла ўлтурдунг ани ўнг,
Неча ерсан бу қазғу ўлтуруб сўнг.

Чун қонин тўкдунг эмди қазғусин е,
Сени теб борди ул, сан ҳам ани те.

Азизлагилким ошну хор қилдинг,
Не хушким қадрини ўлмишда билдинг.

Агар тупроқи узра юз йил сан —
Ўтурсанг, топмағайсан ани бил сан.

Анингтек бир Ширинга тобунгон,
Анинг янглиг Ширин теб бергучи жон.

Анингтек юз йил издасанг топулмаз,
Қуруқ қазғу емакинг асғи бўлмаз.

Кабобсуз ишга келмаз ҳеч тутун бил,
Йиғининг асғи йўқ, бўлди сабр қил.

Ишингда қилмадинг ҳеч турлу тақсир,
Вале не қилғу мундоғ эрди тақдир.

Ожунлуғнунг сўнги билгил ўлум ул,
Улум эрмаз, эй оқил, бир улум ул.

Ёруқ кунтек сан, ўл бечора юлдуз,
Улар юлдуз нетакким бўлса кундуз.

Чароғсан сан, яна парвонтек ул,
Шамъ кўрса куяр парвона хуш бил.

Чароғтек ул, яна сан субҳ хуш дам,
Тонг отса ўтмаки екрак чароғ ҳам.

Санинг табъунг чин ўт, ул ўт эрур ёр,
Куяр ул ўт ёлингланмишча ночор.

Агар бир қуш боғингдин учти эрса,
Тобунғай насри тойир сени кўрса.

Чун кўрк бор, қазғу йўқ экилса бир ҳол,
Чибинсиз бўлса софироқ бўлур бол.

Чун Фарҳод ўлди Ширин бор бўлсун.
Сориг тул сўлди, насрин бор бўлсун.

Битикчи бундоғ ўз сўзлар битию,
Тугатти номасин юз оҳ тею.

Олиб шоҳ номани қосидка берди,
Ер ўпти турди қосид, йўлга кирди.

Етиб, Ширинга бериб, айди: эй моҳ,
Санга бу нома бер теб айди ул шоҳ.

Олиб севну илкинга нома Ширин,
Упуб иззат қилиб, кетарди муҳрин.

Йипор кўрди бағир бирла қоришмиш,
Шакар кўрди заҳар бирла қоришмиш.

Шабалар кўрди йинжуга қорилмиш,
Булуру кўрди лаъл ранги берилмиш.

Не шаккар, не ул зарра татса бўлуру,
Не ўфкаланса, не сабр этса бўлуру.

Бу ишни соқшаб ҳасратда қолди,
Не қилсун, чорасиз сўнг сабр қилди.

**ШИРИН ХУСРАВ НОМАСИНГА ЖАВОБ ЕЗГАНИ, АФСУС
БИРЛА МАРЯМ ВАФОТИ УЧУН**

Ожун ишиндин, эй оқил, соқингил,
Неким қилсанг янут текруру санга бил.

Бели боғлиқ бу ишга чарх гардун,
Зойиъ қўзмаз керак эзгу, керак дун.

Нетакким Хусрав ул Фарҳод ўлумин,
Фусус тутти яна Ширин ўлумин.

Аюрлар Ширин оғу берди тею,
Уш андин шўп ачиғлар кўрди тею.

Изи тақдири антек туштиким ҳам
Улуб Фарҳод изинча борди Марям.

Агар рост эштур эрсанг онгла мандин,
Кўтурди они ҳиммат оғу сендин.

Кўюкли одамнинг ҳиммати бор,
Не Мариямким агар ям бўлса ўртар.

Қафасдин тўти янглиғ жони учти,
Тириклик шамъиким Марямдин ўчти.

Қутулди Хусрав ул Марям алидин,
Нетакким юклулар Марям элиндин.

Тоши йиғлаю, кўнгли шод бўлди,
Қим ул жонинга душман бўлган ўлди.

Вале эл айб қилгай тею йиғлаб,
Қатиф ёс тутти қач кун бел боғлаб.

Хабар Ширинга тегди эрса онглаб,
Ожун ишинга ҳайрон бўлди тонглаб.

Боқиб бир ёнқа кўнгли шод бўлди,
Қим ул душман кунисиндин қутулди.

Яна бир ёнқа соқшаб қазғу тею,
Ушул кун бизга ҳам келгуми тею.

Икинчи соқну Хусрав хотири ҳам,
Севунчдин тутти илкин турди эбсам.

Бир ойча ортуқ эксук сабр қилди,
Қим эл кўнгли бу қазғудин сочилди.

Яна Ширин ма ҳам Хусрав отинга,
Тилади нома изса хизматинга.

Не сўзким бор эрди кўнглинда ул ҳам,
Неким сўзлади ибрат бирла бир там.

Битикчи илкина олди қаламни,
Неким бу айди, ул урди қаламни.

Тўкуб ул лафзидин кўп қанду шаккар,
Соча бошлади коғаз узра жавҳар.

Анинг оти бирлаким бу жаҳонни,
Яратти, берди бу танларга жонни.

Яратган ерни, кўкни, ою кунни,
Ерутган қудрати бирла ожунни.

Баҳосиз барчаларқа бергучи қут,
Ҳиласиз тошти қилган лаълу ёқут.

Кизик, қуш, одами, жинну парини,
Ҳамиша қазғуда қўймаз бирини.

Берур неъмат чоқинда бирга нуқсон,
Бирин мунгдин чиқарур ногаҳ осон.

Қаюким шукрини билмаз унутур,
Уёнсун тею анга меҳнат анутур.

Анинг ҳукминда ул бу барча аҳвол,
Нетак айнатса айнар текма бир ҳол.

Гаҳи ул роҳат қилур қисмат, гаҳи ранж,
Гаҳи ул муфлис қилур берур гаҳи (ул) ганж.

Севинч эрмаз келикли барча қисмат,
Неча неъмат есанг ҳам егу ҳасрат.

Не қисмат қилмиш эрса ул келур ёр,
Нетак келса кечургу бизга ночор.

Биликлик ул бўлур барча татиғда,
Ярашса гоҳ татлиғ, гоҳ ачиғда.

Жаҳон султони Хусрав шоҳи жоҳон,
Ожунлуғларға фармон қилғучи жон.

Букун уш тахт ҳам тожу шоҳлиқ,
Қамуғ келмиш анинг ҳаққинга лойиқ.

Қамуғ элларга ҳукмин қилғучи ул,
Балиқдин ойға текру билғучи ул.

Билурким нечаким бўлса бутун кун,
Туруқмас бир қарор бирла ул ожун.

Гаҳи иғлатур яна гаҳи кулдурур ул,
Чароқтек гаҳ (и) ёқар, гаҳ(и) сўндурур ул.

Агар сўлдиса ул бир гул не қазғу,
Чечаклар бор боғинда андин эзғу.

Фалак шоҳ ёнгсукин билмиш учун чин,
Азирди андин ўтру ани шоҳдин,

Тоши йиғлаю, кўнгли шод бўлди,
Қим ул жонинга душман бўлган ўлди.

Вале эл айб қилғай тею йиғлаб,
Қатиг ёс тутти қач кун бел боғлаб.

Хабар Ширинга тегди эрса онглаб,
Ожун ишинга ҳайрон бўлди тонглаб.

Боқиб бир ёнқа кўнгли шод бўлди,
Қим ул душман кунисиндин қутулди.

Яна бир ёнқа соқшаб қазғу тею,
Ушул кун бизга ҳам келгуми тею.

Икинчи соқну Хусрав хотири ҳам,
Севунчдин тутти илкин турди эбсам.

Бир ойча ортуқ эксук сабр қилди,
Қим эл кўнгли бу қазғудин сочилди.

Яна Ширин ма ҳам Хусрав отинга,
Тилади нома изса хизматинга.

Не сўзим бор эрди кўнглинда ул ҳам,
Неким сўзлади ибрат бирла бир там.

Битикчи илкина олди қаламни,
Неким бу айди, ул урди қаламни.

Тўкуб ул лафзидин кўп қанду шаккар,
Соча бошлади коғаз узра жавҳар.

Анинг оти бирлаким бу жаҳонни,
Яратти, берди бу танларга жонни.

Яратган ерни, кўкни, ою кунни,
Ёрутган қудрати бирла ожунни.

Баҳосиз барчаларқа бергучи қут,
Ҳиласиз тошти қилган лаълу ёқут.

Кизик, қуш, одами, жинну парини,
Ҳамиша қазғуда қўймаз бирини.

Берур неъмат чоқинда бирга нуқсон,
Бирин мунгдин чиқарур ногаҳ осон.

Қаюким шукрини билмаз унутур,
Уёнсун тею анга меҳнат анутур.

Анинг ҳукминда ул бу барча аҳвол,
Нетак айнатса айнар текма бир ҳол.

Гаҳи ул роҳат қилур қисмат, гаҳи ранж,
Гаҳи ул муфлис қилур берур гаҳи (ул) ганж.

Севинч эрмаз келикли барча қисмат,
Неча неъмат есанг ҳам егу ҳасрат.

Не қисмат қилмиш эрса ул келур ёр,
Нетак келса кечургу бизга ночор.

Биликлик ул бўлур барча татигда,
Ярашса гоҳ татлиғ, гоҳ ачигда.

Жаҳон султони Хусрав шоҳи жоҳон,
Ожунлуғларға фармон қилғучи жон.

Букун уш тахт ҳам тожу шоҳлиқ,
Қамуғ келмиш анинг ҳаққинга лойиқ.

Қамуғ элларга ҳукмин қилғучи ул,
Балиқдин ойға текру билғучи ул.

Билурким нечаким бўлса бутун кун,
Туруқмас бир қарор бирла ул ожун.

Гаҳи иғлатур яна гаҳи кулдурур ул,
Чароқтек гаҳ (и) ёқар, гаҳ(и) сўндурур ул.

Агар сўлдиса ул бир гул не қазғу,
Чечаклар бор боғинда андин эзғу.

Фалак шоҳ ёнгсукин билмиш учун чин,
Азирди андин ўтру ани шоҳдин,

Нечаким жуфт анингтек алга тушмаз,
Шаҳаншоҳ терк ирикмиш эрди бушмаз.

Яна бир антек ўрнингга кетургай,
Мунунг ишин анинг бирла битургай.

Дариф анинг учун ким ўлди борди,
Йўқ эрса мунда қолган айш сурди.

Кўнгулга берма шоҳо қазғудин ранж,
Ким ул ганж эрди, тупроқ ичра еч ганж.

Вужуд турмаз улашу ема кўп ғам,
Бу қазғу елуга ер тузмагай ҳам.

Ярашмаз ҳеч сизингтекларга қазғу,
Жонинг қазғу еб эмгатмаса эзгу.

Унут Марямни, оз кўр бу жафони,
Агар Исо эрсанг болмазсан ани.

Агар ул кечти эрса, эй жаҳонгир,
Бўлурму тахтдин кечмак, не тадбир.

Утур хуш ерға, оз тўк кўзда ёшинг,
Охир бу қазғу емак эрмас ошинг.

Кўзунгдин бормишитек ҳам кўнгулдин,
Чиқар, неча кўрарсан қазғу, бу қин.

Ул ўлди эрса, шоҳ сан бор бўлғил,
Қаюким туғди бир кун ўлгуси бил.

Ани эмгатма, ингратма ўзунгни,
Сабр қил, йилғлама, тизгин кўзунгни.

Улум келмишда сўнг хуш онгла, эй ёр,
Не дарвиш (у) не бек тер, ўлгу ночор.

Қуёш бор, не бушар экилса зарра,
Қўй эксук бўлсу Дажлангдин бир қатра.

Шат узра жом ича Бағдод элиндин,
Бир эски занбил эксук бўлди соқин.

Ушул худ борди, сан хуш ишратинг қил,
Ожуннинг жони сансан, бор бўлгил.

Биҳамдиллоҳ, чун сан борсан, қамуғ бор,
Бошингдин бир қил эксулмасу зинҳор.

Кучинг етмишча хуш ирға тирил шод,
Узунгни қазғу емакдин қил озод.

Гуҳарсан сан, керак гавҳар ма ёлғуз,
Лаъл сенсан, лаъл ёлғиз бўлмақи ўз.

Бу ёлғузлуқ (да) қил кунтек қаноат,
Бўлур шоҳларқа тенг бош бўлса офат.

Нечаким қушқа чиқти қуш бўлур ҳам,
Еринга бири ул тенг тўш бўлур ҳам.

Сан ул Семурғсанким йўқ тенгинг бир,
Яна Семурғ жуфтсуз бўлур охир.

Бас улким бўлмаса тенг-тўш анга бил,
Гуҳар ул, ким тенги бўлмаса ҳосил.

Овунгдин бир ивуқ чиқтиса, эй ёр,
Қўй ани, сони йўқ бу жинсдин, эй ёр.

Чечак сўлдиса, бўстон бор бўлсун,
Янути еринга тулзор бўлсун.

Шароб эксулмасун кеттиса соқи,
Чун Марям ўлди, Исо бўлсу боқи.

**ШИРИННИНГ НОМАСИН ХУСРАВ УҚИБ,
ШИРИН ИШИНГА ОЖИЗ БУЛГАНИ**

Нетакким Хусрав ул нома ўқитти,
Анинг Ширин сўзинга ҳайрат этти.

Айитти кўнглунда неким айиттим,
Биринга юз жавобин уш эшиттим.

Кесак отғанға қайра тош қазғу,
Тегар онгсизда, бил андин соқинғу,

Тею шоҳ қайра ёрин орзулаю,
Яна бошлади Ширинни тилаю.

Чибин ғавғоси йўлдин кетти теб шоҳ,
Шириннинг шаккарин соқниб қилур оҳ.

Айтти йўл уруғлидин қутулдум,
Ким ул Марямдин уш озод бўлдум.

Тамом ул эрка душмандин сўнг ул ҳам,
Су ичса қонғуча ё урса бирдам.

Иш осон бўлди теб эмди бути чин,
Хабар еткурди келсун тию Ширин.

Уш эмди вақт эрур зинҳор келсун,
Сўнгуксуз қолди хурмо додин олсун.

Ўқуб Ширин эшитмади сўзини,
Узоқитек оғир тутти ўзини.

Тиладиким ўзи аймаздин ошну,
Тиласа Хусрав ани мундин эзгу.

Кишилар изса иззат бирла қўлса,
Тўрасинча ани кобин қилса.

Икинчи ул итоб оғоз қилди,
Қоқиб келганга шоҳ ма ноз қилди.

Матоинга чун ул бозор бўлди,
Баҳосин олғучи ҳаддинча қўлди.

Матоъқа муштари тушмишда лойиқ,
Равон сотким сўнг жузлар халойиқ.

Сая ўз фойданг учун бир пандим ол ёр,
Матоъ тутма қачон топсанг харидор.

Ўқуб Хусрав яна Ширин жавобин,
Анинг ул ноз этиб қилган итобин.

Айтти неча бу нозин кўтургу,
Қилиб андиша, ўзга иш битургу.

Ожиз бўлдум бу ишга чора қилғу,
Азин ерда тилаб бир жуфт олғу.

Тею шоҳ текмалардин бир ҳикоят,
Сўра бошлади, ҳам қилну шикоят.

Кўнгул беркитти (ким) бир қиз олғай,
Азин бир ёр тилағай, жуфт қилғай.

ХУСРАВНИНГ БОРГОҲИНИНГ СУЗИ ИИМА УЗ БЕКЛАРИ БИРЛА ИШРАТ ҚИЛУРДА СУЗЛАГАНИ

Ожун онгларким ул Хусрав менгиз хон,
Ожунга келмади, сурмади фармон.

Қачонким тахт уза ўлтурса эрди,
Жаҳон халқинга фармон сурса эрди.

Турурлар эрди беш саф халқ ўнгинда,
Ҳисобсиз эрди ҳам қуллар сўнгинда.

Туруб ўнгдунги сафда барча беклар,
Икинчи саф баҳодирларда йиглар.

Учунчи сафдақи маъруф бойлар,
Яна тўртинчи сафдақи чиғойлар.

Бешинчи сафда (қи) ҳожатлиғ кишилар,
Соқишсиз анда сўнг эркак — тишилар.

Ясовул саф ясаб айтур ўқинг теб,
Ўзунгуздин қузу сафқа боқинг теб.

Бурунқи саф боқиб ўздин қузиға,
Шукр қилдилар ул соат изиқа.

Баҳодирлар боқиб бойлар сингару,
Яна бойлар боқиб дарвиш сору.

Кўруб анларни, андин ўзларини,
Шукр теб силдилар ўз юзларини.

Боқиб қулларқа дарвишларина ҳам,
Шукр қилдилар озодбиз теб ул дам.

Улумлуклар тоба қуллар боқиб чин,
Айиттилар эмазбиз шукр алардин.

Бу янглиғ Хусрав ўтруб, эл табуғда,
Турурлар эрди дойим ул қабуғда.

Мунунгтек давлати, тахти бор эрди,
Ажойиб тожи тахти ҳам бор эрди.

Не антек тахт ким сан билсанг ани,
Яна не шоҳ, ожун соҳибқирони.

Оч арслон янглиғ эрди ул урушда,
Яна кунтек жамоли ўлтурушда.

Бу янглиғ бир кун ирғал тўй қилди,
Туғордин кун ботарға хон ёйилди.

Ҳамиша ул қуруб ишрат қуроғин,
Ануқ қилдирмиш эрди ўз яроғин.

Улуғлуқ издасанг антек охир бўл,
Ахилиқ ул улуғлуққа берур йўл.

Ақиларға ярашур бўлса кўп мол,
Бил ул қисқанч эрур молинга ҳаммол.

Ожун билдингса ҳам қадрин ма билгил,
Хирож олмишча сан ҳам харж қилгил.

Ожунлуқларға бергил олмишингтек,
Олиб сан бермаз эрсанг, олмасанг еч.

Ичим сув эрса ёлғуз ичма зинҳор,
Ким ул ёлғиз еган ёлғуз ўлар зор.

Эр улким шамъ янглиғ ёқлу турса,
Ўзин эмгатса осойиш текру турса.

Молиндин кўр не элтти бирга Қорун,
Яна учмоқчидин шаддоди малъун?

Бу кўп ганжинга текмаз оз ранжи,
Ғалат кўп ганжларинга бу дунё ранжи.

Талим ранж тортғу эрким элка қотса,
Қатигроқ ранжа улким қайра кетса.

Мунунгим келмаки ҳам бормоқи ранж,
Иликда бўлмаса ек мундоғ ўқ ганж.

Малик Хусравким ул Жамшид тожин,
Кизиб олди кўп элларнинг хирожин.

Бағишлар эрди ганжлар текма бир кун,
Анга тенг эрди тупроқ бирла олтун.

Ҳар эрта-кеча, кунда икки навбат,
Ёйиб хон, халққа едрур эрди неъмат.

Қилиб сонсиз сиғир, қўй, йилқи қурбон,
Қуқу қозу товуқ ўрдакка не сон.

Яна кўп турлу ҳалвоу талим ош,
Емакдин қолмаз эрди халқда ош.

Гулоб эрди саройинда сочар сув,
Йипору уду анбардин ма тутсу.

Юз олтун эрди ҳар кун тутсу харжи,
Қиёс этким анга не тутсу харжи.

Тузуб бовурчилар хизматда йирға,
Уруб неъматлар олтун тебсиларға.

Шоҳ олдинда мурассаъ хон урулуб,
Қамуғ хон олати еринча қурулуб.

Ошаб бир неча луқма андин ул шоҳ,
Кўзи тушса қаю дарвишга ногоҳ,

Бағишлар эрди ул хон олатини,
Ул олтун тебсилар ҳам неъматини.

Яна ҳар тонг бирла андишаси бу,
Тирик бўлмишча эрди пешаси бу.

Эшитинг тахту тожу давлатини,
Яна ҳар кунда бахшиш одатини.

Йитиб ул вақт, кетти подшоҳлиқ,
Асир қилмади ҳаргиз тахту шоҳлиқ.

Ажал етти, ўзи йитти йўқолди,
Қилинмиш эзгулукдин оти қолди.

Тиласанг эзгулук эзгуга бўл ёр,
Ким эзгу суҳбатинда эзгулук бор.

Қаю оху еса сунбул чечагин,
Нетакким билкурур андин йизиг кин.

Яна бир оҳуким ўтларни юлса,
Йипор етлурму андин неча қўлса.

Отам ким жони бўлсун тўлуғ нур,
Ўгут берди манга ул айди зинҳор.

Ким давлатсиз эрса қочғил ўқтек,
Эвунг қил кўнши давлатлиғга бўл ег.

Чароғ олсанг ёруғ ёнғандин олғил,
Ёруғлуқдин ёруғлуқ билгурур бил.

Улуғлар суҳбатиндин дона йинжу,
Баҳолиғ бўлур анча эрдами бу...
1 боб тушиб қолган

ШИРИН ШОВУРДИН ЁЛҒУЗ ҚОЛИБ, ТАНГРИГА МУНОЖОТ ҚИЛҒОНИ

Билур эрди малик худ ким ушул ҳур,
Эрур овунчаси устод Шовур.

Ани ундатти қайра хизматинга,
Икинчи измади Ширин қотинга.

Қолиб ёлғуз теди кўнгли тариқсун,
Эриб тош кўнгли бизнинг ёри офсун.

Нетакким қолди ёлғуз ул тўлун ой,
Соча бошлади кўздин ёш, қилур вой.

Жаҳон тор бўлди жонинга ушул кун,
Яна етти қарориб қобсаю тун.

Не тунким бир қазойи осмони,
Ёнгилдим йўқ балойи жовидони.

Қарормиш қиртек бу барча ожун,
Соқинғайсан қиёмат эрди ул тун.

Кавокиб сайридин тек қолмиш эбсам,
Юлунмиштек қушининг қаноти ҳам.

Хуруслар уни бир кездин тутулмиш,
Субҳ суқлуни ҳам ўтқа урулмиш.

Тутундин дунё моло-мол бўлмиш,
Кўмур рангин ҳаво бир йўли олмиш.

Яна Машриқ йўлини кун унутмиш,
Не худ Мағриб черики йўл тутмиш.

Замона бу ғулудин ўғлоқ эрмиш,
Фалак ҳам Қутбтек ҳайрон қолмиш.

Эшиттим тунла эрта урса йўл оҳ,
Тею чақрур хуруслар теб алаллоҳ.

Ажаб улким қаро тун девнинга бир,
Хурусдин чиқмади овози такбир.

Бу мунгдин кўнгли ториқиб ушул ҳур,
Ким ўфкасинда ожун бирла уршур.

Бўлур игликка тун ранжи қатигроқ,
Бу қазғу баҳри ҳам тунла ботигроқ.

Қолиб ул тунга Ширин кўнгли ҳайрон,
Тирикликдин малул бўлуб тану жон.

Аюр инграбким: айғил, эй замона,
Тун эрмаз бу балому жовидона.

Не тунким бу эрур битиганда қаро бу,
Не бир зангитек одам егучи бу.

Қон иғларман бу занги қўрқуғиндин,
Не кулмаз зангитек, занги эса чин.

Не бўлди, эй фалак, сендин бу тун тонг,
Азин тунтек недин отмаз равон тонг.

Магар тутти йўлунг оҳим тутуни,
Нетак кийдинг улаш бу ёс тўни?

Манга боқ ким не қазғуда тутарсан,
Дининг йўқ, бор эрса дининг ютарсан.

Бу тун кел сан жувонмардлик қил, эй тун,
Ё терк ўлтур мени, ё терк бўл кун.

Не бир ерда қарориб қолдинг охир,
Қилич юзинга босмазсан югур охир.

Даҳилчи илки боғланди тутойим,
Охир Улкар азақин сайғучи ким?

Ман ул мумдин юламанким узун тун,
Куярман ҳам сизарман арқун-арқун.

Куярман шамътек андин сабаб уш,
Ким охир шамъ ёнмишда бўлур хуш.

Охир ўт, эй тавуқ, жонинг бор эрса,
Қофир эрмазман имонинг бор эрса.

Агар кирту мусулмон эрсанган бир,
Недин қилмазсан ул овози такбир.

Эй чарх, охир йилонтек бош кўтургил,
Неча буртардинг охир бир кулгил.

Агар ўт эрсанг, эй субҳ, эмди таркин,
Не чиқмазсан бу тошдин ё темурдин.

Бу янглиғ қазғу бирла йиғлаю зор,
Турурда субҳдин билгурди осор.

Субҳ вақти не хуш соат эрур ёр,
Топар ҳазратда кимким ҳожат издар.

Қаю боғлиғ кўнгулким субҳ қўпти,
Тилакининг калидин анда топти.

Калид анда ва иш анда очарлар,
Муродлар хилъатин анда бичарлар.

Ушул чоғ кимгаким бўлса муяссар,
Ажаб, дин тарк этиб, дунёму издар?

Қишиким бўлса давлатлиғ ушул дам,
Тилин оллоқ темакдин тутмаз ебсам.

Тили бор худ тилакин сўзлар анда,
Не қилғай темагил тилсизлар анда.

Нетакким билса ҳақ сизнинг тилингиз,
Билур тилсиз тилин антек билингиз.

Субҳ кимёсини топтиса Ширин,
Юз эвруб қўйди ул симоб олнин.

Укуш зори қилиб айди: илоҳи,
Сен ўқ сан барча ожизлар паноҳи.

Каримо, бу қаро тунни ёруқ қил,
Жаҳонтек қайра жонимни ёрутгил.

Илоҳи тоқатим қолмади охир,
Халос қил лаълтек тошдин манга бир.

Сенуксан барча фарёдинга теккон,
Манингтек борму фарёд эткан.

Ёш ўғлонлар кўзининг ёши ҳаққи,
Қариларнинг момуқтек боши ҳаққи,

Ёзуқлуғ қуллар истиғфори ҳаққи,
Хижиллиқ (лар) йиғиси, зори ҳаққи,

Ятимлар телмуруб йиғлари ҳаққи,
Асирлар кўнгли сўзи пори ҳаққи,

Набиларнинг ниёзи, нози ҳаққи,
Буюрғон динларининг, эъзози ҳаққи,

Валиларнинг саҳарда зори ҳаққи,
Изи теб инграган овози ҳаққи,

Содиқлар сидқию иқрори ҳаққи,
Ошиқларнинг сариғ энглари ҳаққи.

Не тоатким табуғингда савоб ул,
Не даъватким қотингда мустажоб ул.

Шафи тутнуб қўларман ҳазратингдин,
Мени маҳрум қўйма раҳматингдин.

Бу қазғу қузғудин қутқар мени бир,
Шошилсун боғлиқ ишимдин бу занжир.

Агар тил бўлса текма бир сочим ҳам,
Санга тасбиҳ аю турмасам эбсам.

Ҳануз шукрингни айту билмагайман,
Тумандйн бирин айту билмагайман.

Сан улсанким санга ҳеч йўқ йўқлуқ,
Қамуғ олам қилурлар санга қуллуқ.

Эрур бу барча оламлар йўқолған,
Сенуксан қайра ёлғуз боқи қолған.

Тутарбиз ҳазратингдин барча уммид,
Умидлик қулларингни қўйма навмид.

Санинг тангриликинда ҳеч хато йўқ,
Санга ҳеч аввалу охир раво йўқ.

Мулк боғладингу давронни очтинг,
Жаҳону жон бериб, рўзи ма сочтинг.

Керак ўлтур, керак рўзи бағишла,
Сан ўқ бил, не тиласанг ани ишла.

Санинг тавфиқинг ўқ жоним ёритур,
Санин тақдириг ўқ буйруқ юритур.

Кетар кўнглумда ғафлат борини сур,
Бу тавфиқ узра ҳам тавфиқ ортур.

Тиласангким юритсанг бир қазо ҳам,
Бўюнсундур мени рози тут эбсам.

Нечаким сан юриткан ҳукм дойим,
Юрур, тирик ўлукка қайтарур ҳам.

Мени бу ичда қўйма қувватим йўқ,
Азин ҳам берма ранжким, тоқатим йўқ.

Санга мендин ярар иш келмаз уш чин,
Келур сендин, агар келмаса мендин.

Қил инъом эмди кўнглум қазғусин тор,
Ким инъомунг бу қил устинда кўп бор.

Нетак сендин ёпайин ушбу розни,
Ким ўртуклук билурсан кўбу озни.

Бу янглиғ сўзлар айту инграю зор,
Бошин тупроққа қўйди, қўлди зинҳор.

Ушул дам кўнгли торлиқи торилди,
Бу боғлиқ ишинга очғуч берилди.

Яна давлат чечаги хуш очилди,
Яна Ширин бу аччиғдин сочилди.

Ниёзи сўзи Хусрав кўнглинга ҳам,
Асарлар қилди куйдурди ҳам ул дам.

Нетак олтун алам тиктиса олам,
Ким андин таржаюр бу лашкари ғам.

Малик ов овламоққа рағбат этти,
Толеъдин ошиқиб тақсир кетти.

**ХУСРАВ ОВҚА ОТЛАНИБ, ШИРИН
ҚАТИНГА БОРҒАНИ**

Буюрди лашкаринга отланинг теб,
Неча кун қўшлалинг, сайр қилалинг теб.

Нетак отланди эрса шоҳи олам,
Соқиндиларким ирғанди ер ул дам.

Чалинди бурғу, кўрулар урулди,
Аламлар ҳам ҳаволарқа кўтрулди.

Нетак отланди эрса шоҳзода,
Қотинда шоҳлар туруб пиёда.

Човушлар тарқу айту ўнгинда
Соқишсиз беклар отланди сўнгинда.

Қўрирлар эрди элни бир йиғоч ер,
Ёвуқ ким келса ул керу йиғоч ер.

Чиқиб элдин бу тартиб бирла Парвиз,
Суруб қушлоғу ерга бориб тез.

Буюрди келтурунг қушлар солалинг
Қуш олсунлар томошолар қилалинг.

Уруб кангира, урқуб ўрдаку роз,
Ҳавода қилди лочинлар ма парвоз.

Қаю бир қушким ул шоҳ солди,
Бирн ёзмадин солғани қуш олди.

Солар қушлар қуш олмоқдин ўсанди,
Черик қушлар олиб қушларга ёнди.

Бу янглиғ бир ҳафта овлаб ул шоҳ
Учинга ўзга соқинч тушти ногоҳ.

Кўчунг теб, арқун-арқун овлаю ул,
Отин Ширин тоба сурди тутуб йўл.

Йироқдин кўрдиса Ширин саройин,
Қўшун қўндурдиким тонгда борайин.

Қўруб зоғларни қочмиш эрди суклун,
Қазоқа ҳам совуқ эрди ушул кун.

Сочар эрди ҳаво ер узра кофур,
Сабр қилмоқи андин эрди маъзур.

Буюрди шоҳким чақмоқ чақилди,
Ушатиб уд хом ўтқа ёқилди.

Димоғи хуш йизиглар бирла тўлуб,
Имизғанди малик хушвақт бўлуб.

Тонг отғинча уюб осойиш этти,
Ҳам ортуқ хасталиқи борди-кетти.

Нетак кун лаъл чиқти эрса кондин,
Қарориб юзи, тун қочти жаҳондин.

Қўбуб ўлтурғоч айди: қани соқи?
Юруттилар уш андин давр аёқи.

Сусун феъли нетакким бошқа ошти,
Яна ишқ ўти жонинга туташти.

Чиқиб Шабдизинга отланди теркин,
Ширин қасри тоба равон изи тизгин.

Неча хизматчи хосул-хос бирга,
Ким анлар воқиф эрди ушбу сирга.

Хабар Ширинга текурди рақиблар,
Ким уш Хусрав келур, йўқ ҳеч нақиблар.

Недин вақтсиз келур бу теб соқинди,
Ориғ кўнгли ёмон отдин соқинди.

Саройи эшигин боғлатти маҳкам,
Табуғчиларинга фармонлади ҳам.

Чиқиб сиз тош эшикда ўлтурунгуз.
Ёвуқ етса боқиб яхши кўрунгуз.

Узасинга сочингиз сонсиз олтун,
Азақинга тўшангиз атлас уксун.

Тею буйруб учакка мунди ўзи,
Эшикинда қулоқи, йўлда кўзи.

Кўзи бир нур кўрди тўтиётек,
Жароҳатлиғ бағирға мўмиётек.

Туман янглиғ торилди тўз ногоҳ,
Чиқа келди булутдин кун менгиз шоҳ.

Кўрар от узра бир сарви равон ул,
Сарв жонсиз бўлур, бу кертү жон ул.

Очилмиш нор чечагитек янгоқи,
Кумушдин олма янглиғ оқ сақоқи.

Сочиндин сочлур ерга мушку анбар,
Тўкар ҳам лаъл эриндин шаҳду шакар.

Етиб келди юзиндин қўмаю нур,
Ўзи усрук, вале кўзлари маҳмур.

Кўруб Хусравни ул ҳол узра Ширин,
Азақдин тушти оҳ теб, борди элдин.

Қони қайнади, бошдин ақли кетти,
Хабарсиз бир замон беҳуш ётти.

Замондин сўнг яна ақлинга келди,
Қилиб андиша, кўп фаръёд қилди.

Агар йўл бермасам маҳрум қолурман,
Йўл очсам пистатек расвой бўлурман.

Ажаб иш тушти не чора қилайин,
Бу ишимга билик кимдин қўлайин.

Тию ўз кўнглидин андиша қилди,
Теди эди сабр қилмоқ пеша қилди.

Букун ҳам сабр отинга отланойин,
Кучум етмишча бирдам қотланойин.

Табуғчилар кўруб Хусравни хуррам,
Тўшаб атлас, кўп олтун сочтилар ҳам.

Малик Шабдизни атлас узра суруб,
Ёвуқ етти сарой қотинда туруб.

Кўрарким эшиги боғлиқ темуртек,
Ҳажил бўлди, муаттал қоди ул бек.

Не кўнгли бориб, эшикдин қайитур,
Не ҳукм этиб бузунг тею айитур.

Табуғчиларда бирин ундаб айди,
Недин қулни ул ой эшикда теди.

Охир мендин не аччиғ кўрди Ширин,
Эшик боғламақи юзумга недин?

Кириб ой қўшлаю бу тўшқа ногоҳ,
Етиб келди, қўнуқ борму тею шоҳ.

Шоҳ эрмаз бўлса ҳам эксук табуғчи,
Равому теб айтғил, эй қабуғчи.

Сан аймасанг айт қизларға айсун,
Қаю бири сўзин эштурса, тесун.

Қўноқ келса эшик боғлиғ бўлурму,
Ажаб ҳеч одами мунтек қилурму.

Эшик очсунким охир подшоҳман,
Ўзи ҳаққинга не қилдим гуноҳ ман.

Ёзуқум бор эрса айсун билайим,
Тўлану сўзлашиб, узрум қўлайим.

Эшикда турмадинг қарғу, айтсун,
Не буйрур кирсуму ё тез қайтсун.

Билур худ ўзи сизга айту билмон,
Ўзини кўрмайин ҳам қайту билмон.

Маним бирла керакким хуш боришғай,
Зиён қилмағай ўзинга, ярашғай.

Мени ул турмасун теб қилса тадбир,
Азақ устунда бори кўршалинг бир.

Бу сўзлар айту зорилик қилу шоҳ,
Учакдин эшту Ширин ҳам қилур оҳ.

Буюрди қўб тею бир қизға ул ой,
Яраштур, бор тақи шоҳқа сўзум ай.

Фалон чодирни тиктиргил равон бор,
Анинг тоқин бу тоқимқа баробар.

Гулоб сочтур, йипак қбли тўшатгил,
Яраштурғил тўшак, яхши ўрун қил.

Қўй олтун сандали устунда миндар,
Тутуздор заъфарону мушку анбар.

Уш андин қовшуруб қўл, табғинда тур,
Айит Ширин қаровашингиз ўтнур.

Яраштурдум, қўноқ анда этингиз,
Йироқдин келдингиз, бир дам тинингиз.

Қўноқ эрсанг тегилким ноз оз қил,
Не ерда қўн тесаби́з анда қўнғил.

Қўноқман теб босинмангиз бизни,
Ёроғинча қўноқлалинг ма сизни.

Агар айса азин турлук жавоб ул,
Айитким мунда қўнмоғлиқ савоб ул.

Учакка ман мунуб кўргайман ўзин,
Эшитгайман неким сўзласа сўзин.

Буюрмиштек тўшаб чодирни ул қиз,
Сўзин еткурди эрса тушти Парвиз.

Хажил бўлуб еди Ширин бу қазғу,
Нетак ўзинга лойиқ хон қўзғу.

Тузатиб изди турлук ошу неъмат,
Суροҳилар би́ла ош сингу шарбат.

Уш андин сўнг (ким ул) соқшаб ўтурди,
Ўтурмоқ яхши эрмаз теди турди.

Тилади тўн беринг тею, тутуб фол,
Мурассаъ тўн кизурдилар, ўнги ол.

Саринди кўрклук оқ ҳулла бошинга,
Яна кийди мурассаъ тож бошинга.

Тулунглар тегди икки зулфи морин,
Чечактек гулчиратти энги норин.

Учакка чиқти Ширин ул ниқобдин,
Нетакким чиқса кун ногаҳ ҳижобдин.

Хиромлаб илгару келди бути чин,
Ер ўпти, шоҳқа узр айди учакдин.

Нисор қилди укуш лаълу жавоҳир,
Нечаким бор эди ул дамда ҳозир.

Нетакким кўрди шоҳ ул ой юзини,
Равон тоғдилди йитлатти сўзини.

Кўрар тоғ узра боқмиш бир ҳумойи,
Ё кўкдин тушмиш ул хуш тўлун ойи.

Ўси энтикти, йиқлу ёзди тўнди,
Ўзин айёрлиқ этти сизди теди.

Ўтурғон сандалидин секру турди,
Ўз илким ўтру ўптию ўтурди.

Уш андин сўзлаб айдиким, эй жоним,
Санинг бирла ёруғ жону жаҳоним.

Маним учун ҳамиша бор бўлғил,
Бу кўркунгдин ма бархурдор бўлғил.

Ҳамиша гулчирасун гул чиройинг,
Мувофиқ тушсу ман қул бирла ройинг.

Бу қазғудин жонинг озод бўлсун,
Нозик кўнглунг улашу шод бўлсун.

Кишиликингдин асру уш уёлдим,
Кўзум тўзмаз, хижолат узра қолдим.

Меним учун жавоҳир ганжин очтинг,
Ўзамга лаълу дур, ёқут сочтинг.

Лаъл янглиғ қизорттинг бу юзумни,
Неча қийнарсан охир бу ўзумни.

Табуғдин қилмадинг бир зарра тақсир,
Вале нек қилдинг ушбу рой тадбир?

Недин боғладинг эшикинг равому?
Хато айдимму ё сендин хатому?

Мени ертек азақ остинда солдинг,
Узунг кунтек ҳаво устинда қолдинг.

Керакмаз эрди эшик боғламоқинг,
Маним бағримни ўтсуз доғламоқинг.

Ажаб не соқшадинг билмон не билдинг,
Мени мунтек эшикда хор қилдинг.

Қишиларким қўноқ қадрин билурлар,
Қилинжин мундин азгурак қилурлар.

Жавоб айди Ширинким, эй жаҳондор,
Ҳамиша бу жаҳон тутмоққа бўл ёр.

Улаш давлат санга ўқ ёр бўлсун,
Кўралмаган кўзинга хор бўлсун.

Қаюким буйруқунгдин юриса тош,
Шоҳ эрса бўлмасун эғни уза бош.

Юқори, остинг уш теб таъна урма,
Яна бўлмачи соқинч соқну турма.

Алам бўлдум сенинг ишқингда алга,
Алам бўлсанг-да ичрак бил элга.

Санинг йўлунгда тўзған тўз манман,
Агар тўз йўқлатса айб этмагил сан.

Сан ўз шоҳлиқинда ирғаю уш —
Турурсан қазғусуз, ишрат қилу хуш.

Қилурман уш ичинг, ишқингда афғон.
Учакда ҳиндутек ким бўлса посбон.

Нечаким шоҳқа хизмат қилса олам,
Учак соқчиси бир ҳинду бўлур ҳам.

Ман ул кўзлари ҳинду туркманким,
Санинг ҳиндунг тею (ман) оталандим.

Агар кўк узра худ бўлса турушум,
Малик ҳукминда бўлғай ўлтурушим.

Яна Хусрав аюрким, эй Ширин бил,
Эшик боғлаб қўноққа оз узр қил.

Айтти: сан қўноқ эрмазсан, эй ёр,
Хумой қуш тўрға илгу рағбатинг бор.

Қўноқ эрсанг ўрун қилдим, ўтур хуш,
Турурман қовшуруб қулман тақи уш.

Қилайин ўз кучун етмишча қуллуқ,
Қўноққа тегмаз ортуқси фузуллуқ.

Сан эсрук келмагинг мунда хато ул,
Ман эшик боғламоқим ҳам раво ул.

Мани сан хилват эвда топсанг эсрук,
Халойиқ тухмати бўлғайму эксук?

Керак эрди қилибсан яхши тадбир,
Иза берсанг бу ишга бир неча пир.

Тўра бирла киши изсанг қабуғқа,
Лойиқму тушмагай эрдим табуғқа.

Санга Шакарча ҳам бўлмади Ширин,
Шакар ҳеч асғи йўқ, бўлмаса ширин.

Тиларсанким мени бир ишга тилтаб,
Лаълтек тешсанг усруклукда алдаб.

Чечактек йизлаю илкинга олсанг,
Олиб хуш йизғим, андин ерга солсанг.

Маним бирла мунунгтек макр қилма,
Мани қўй ўз мунгум бирла, қотилма.

Етар Шакарни антек қилғанинг шўр,
Охир бор кўзларим эрмазман уш кўр.

Неча султон эсанг ҳар бир сан ўзунг,
Ўзунг янглиғ яна бир бўлсу сўзунг.

Агар бир эрса кўнглунг, бирга бўл бир,
Не бўлсаму киши бир маъдага ер.

Маним қиблам санинг юзунг ўқ уш бир,
Санинг қибланг юз ортуқроқ тур охир.

Агар эксилдиса Марям қотингда,
Юз андин яхшироқ бор хизматингда.

Саройинг тўб-тўлуқ кўрклук ивуқлар,
Итизма бу заиф охуқа, қўй бор.

Ман эмди тўтитек ёлғуз қафасда,
Нетакким, ёлғузин тирилса анқо.

Сан ирғал борла дойим, ман йиғида,
Булуи тушмиш менгиз ёлғиз йиғида.

Орат қилдим захм емак тикан — хор,
Не Марям бўлсун ожунда, не гулзор.

Умур қач кун, не қисматким берилди,
Кечар антек нечукким қул тирилди.

Зарури кўчку эрмиш бу жаҳондин,
Уминчим кесса йечк, қул барча жондин.

Кимунгким моли, мулки бор бўлур,
Қўюб кетмак ангар душвор бўлур.

Яна бўлса кимунг ҳоли манимтек,
Улум осон анга, хуш билгил, эй бек.

Қишиким ўз сўзинга қарғу тинглар,
Биликлик рамз бирла маъни онглар.

Сучук тил бирла алдамоқ тиларсан,
Ёш эрмазманким алдансам санга ман.

Манга бу тилку макрин оз қил, оз,
Қим арслон тилкулук қилса ярашмаз.

Не ишким Зуҳра чангитек тузарман,
Ярашмаз қилларин ўнгдин ўзарман.

Бузулмаз сўнг қил ўнг озорламаса,
Ачиғ тотқу уза сўнг егу ҳалво.

Тутун берур ўт, сўнг берур нур,
Булут ҳам ўт чақиб ёмгур изартур.

Изиким хор бирла хурмо яратти,
Яна тунни қарортиб, кун ёрутти.

Анинг ҳаққиким уксук қулларибиз,
Манга хурмонгни ол темаз тиконсиз.

Тиконсиз онча хурмо завқи бўлмаз,
Яна кундуз бу ойнинг нури қолмаз.

Шакар бордур табуғчинг кўп валекин,
Билурсан бўлмағайлар манча ширин.

Маним ишқимдин айғилким не кўрдунг,
Улаш шоҳлиқдин ўзга не кечурдунг?

Қаю соатда мени ёд қилдинг,
Қачон кўнглумни сендин шод қилдинг?

Қаю кўнглак маним ишқимда йирттинг,
Қаю эмгак маним йўлумда торттинг?

Қаю кун бир саломи айтиб издинг,
Қаю тун хуш каломи айтиб эдинг?

Сан ирғалда эдинг дўстлар била шод,
Қалам Шовур урурди, болта Фарҳод.

ХУСРАВ, ШИРИН СЎЗИНГА ЖАВОБ АЙҒАН(ИН) БАЕН ҚИЛУР УСТОД

Яна Хусрав жавоб айдиким, эй ҳур,
Юзунгдин тўлун ойтек балқиюр нур.

Улаш кўркунга давлат ёр бўлсун,
Ўзунг дунёда бархурдор бўлсун.

Кўзумдин ўзга кўрмасун юзунгни,
Эшитмасун киши ширин сўзунгни.

Итобларинг нечаким оғуси бор,
Тилинг сучуклукидин заҳри кетар.

Недин чиқтинг юқору темон охир,
Валекин кенду соқшаб англағил бир.

Сочиқким кўзларим сочмоққа кирур,
Қаю бир манжаниқ ул ерга етрур.

Неча бу хорлуқ қилғайсан охир,
Ё неча раҳмсиз бўлғайсан охир?

Мени ҳам қаср узра миндургил, эй жон,
Кўзум ёшин нисорин кўргил андан.

Манга ўнг ганж Қорун харж қилдинг,
Сўнг Қорунтек тупроққа солдинг.

Қулоқимда чун ишқинг халқаси бор,
Недин қабғунгда ётмон халқатек ёр.

Кўнгул мунда, розим кимга аёйин?
Таним мунда, бошим қанда қўёйин?

Жафо қилма мангаким.ёзуқум йўқ,
Вафодин ўнг бу йўлда озуқум йўқ.

Бор эрса ёзуқум сан раҳм қил (ғил),
Ёзуқ бу одамидин расм эрур бил.

Қатиг тутма, қилиб кўнглумни озор,
Чун ман юмшандим, эмди юмша, эй ёр.

Бўрилиқ қўй, чўбон (лиқ) қил-ишингни,
Улуғларға улуғ тутма бошингни.

Ярашмаз бу қилиқсизлиқни кўзғил,
Ситеза қилма қўй, эмди карам қил.

Мени тупроқ менгиз солдинг қабуғда,
Не ёздим эрди охир мен табуғда.

Айитмаким йўлумдин фитнатек кўб,
Қўбор бўлсам пўшаймон бўлғасан кўб.

Мунунгтек зулм қилмаким топарсан,
Янут ўз ишинга ёндурмасам ман.

Не ишким келса алдин қилса бўлмаз,
Яна сўнг не келурин билса бўлмаз.

Манга сандин эрмаз бу хори зори,
Ҳам ўз бахтимдин ул қилмади бори.

Яроқсиз ишладим ушбу ишимни,
Кишидинму кўрайин қилмишимни?

Йўқ эрса мунчаму хор бўлғай эрдим,
Мунунгтекму аёқда қолғай эрдим.

Ғалат айдим бу қилган ишқ эрди,
Ҳало ётсун кўнгулда кечти борди.

Нечаким сан тиласанг ноз қилғил.
Бир онча йўққа ҳам парвоз қилғил.

Букун султонсан, иш келмаз алимдин,
Берурман хат қуллуққа тилимдин.

Тутуб элтсанг қулоқим сийғуқа ҳам,
Борурман қултек уш табғунгда ишим.

Чиқарсанг бир кўзум ҳам бирин ўтру,
Тутарман (ким), ҳолим қолмади асру.

Нечаким топмадимса йўл қотингда,
Қамар боғландим эмди хизматингда.

Қачурмазман бошимни, ханжарингдин
Бошим бўлмасу, бўлмаса сўзум чин.

Манга сансан тириклик, жону ҳам тан,
Киши билмаса бори сан билурсан.

Қим усруклукда эрта-кеча ҳар кун,
Хаёлинқа табундум кундузу тун.

Киши мантек бу шарбат ичса эрди,
Не тонг расвой бўлуб роз очса эрди.

Бу қазғу ҳасрат ичра ўлтурубман,
Бу заҳматдин заиф қолдим қави ман.

Укуш эмгандим ушбу қазғуни еб,
Ким англаб лашкарим тоқилмасун теб.

Зиён қилмасу шоҳлиқимға тею,
Кечурдум мунча яшрун қазғу йию.

Охир ринд эрмаз эрдим завқ кутсам,
Ё бир танбур олиб, бир йўл тутсам.

Жаҳонға қилғучиман корсозлиқ,
Жаҳон тутғанға бўлмаз ишқбозлиқ.

Валекин уқсам эрди зулфинг отин,
Берур эрдум тож ким берса сифотин.

Қилиб танни азинлар бирла машғул,
Жоним, кўнглум била эрди санга қул.

Бу ростлиқдин ўнг келмади мендин,
Недин топмазман уш ростлиқни сендин.

Отингдин минг қата ширинроқ ўзунг,
Қарам қил эштайин бир тотли сўзунг.

Агар тақсир тушти эрса мендин кечур сан,
Йигитлик мунтек ўқ бўлур йигит ман.

ШИРИН ХУСРАВ СЎЗИНГА ЖАВОБ АЙҒАН СИФАТИН БАЕН ҚИЛУР

Нетакким очти Ширин тенги шаккар,
Соча бошлади тилдин дурру жавҳар.

Ақиқ лаъл эрнидин бу хушовоз —
Била сўз сўзламакка қилди оғоз.

Уш анчақа текиким инсу жон бор,
Бу ер, кўк, туну кун, жону жаҳон бор,

Ожунқа шоҳ ҳукм қилған бўлсун,
Ожун ҳам ҳукминга фармон бўлсун.

Саодат човуши бўлсун ўнгинда,
Яна иқболу давлат ҳам сўнгинда.

Маним кўнглумда сендин кўп гила бор,
Қўй ул шоҳлик ҳисобин ўзга, эй ёр.

Ошиқлик бирла шоҳлик рост келмаз,
Кишиким ишқи йўқ бу сирни билмаз.

Ҳануз ўз давлатинга фахр этарсан,
Ҳануз шоҳлик била ўқ кибр этарсан.

Ҳануз ўзунга ул мағрур эрурсан,
Магар ишқинг йўқ ул маъзур эрурсан.

Ошиқ улким кўнгулда дарди бўлса,
Ё мантек ёр учун ул менгзи сўлса.

Ман ул қушманким учтум уш еримдин,
Санинг ишқингда кўчтум уш еримдин.

Чечактек чашмалар узра очилдим,
Гулботек эмди шиша ичра қолдим.

Мунунгтек ерда сабр этиб ўтурдум,
Умидинг бирла мунча йил кечурдум.

Исиқликда уш олтунтек сарардим,
Ёш ўттек ҳам совуқлуқда қувардим,

Не бир маҳрам киши бор роз айғу,
Не бир қайғум еган бор (ким) еса, қайғу.

Қамуғ вақтда сени ўқ соқиниб ёр,
Ҳамиша сени соқиндим вафодор.

Сан уш кўнглунгда тутмадинг ўрун бир,
Мени соқинмадинг мундин бурун бир.

Бор эрса ақлим эмди тек ўтурсам,
Ўзумдин кўрганман, йўқса не кўрсам.

Нечаким келмаса ҳеч иш мендин,
Қим ул ишга яраб дод олса, сендин.

Тазарруъ қилгаман анча ўғона,
Охир ҳам ул ўқум теккай нишона.

Ярарму мантек ўқ ез сарв озод,
Бу меҳнат ичра қолсам қилу фарёд?

Ҳануз кўнглумда кўркумдин севунч бор,
Ҳануз бошимда шўхлуқу ўкунч бор.

Ҳануз ҳиндулар уш ўтумқа топнур,
Ҳануз туркона кўзларим ма махмур.

Ҳануз ғунчам чечаким узмади қўл,
Ҳануз инжумни йипка тузмади қўл.

Ҳануз, эрнимда уш мангу суви бор,
Ҳануз охир йигитлигим манга ёр.

Юзумни кўрса кўрклуклар уёлур,
Сўзумни тинглаган ҳайрон қолур.

Чароғ нурумға чин парвона бўлур,
Янги ой кўрса ҳам девона бўлур.

Ақиқу лаъл эрнимдин олур ранг,
Кулушумдин олур Зуҳра кўруб янг.

Агар кўрса сақоқимнунг турунжи,
Энгак қонқа суқар Бағдод норинжи.

Сигун бу кўзларимнунг ҳасратиндин,
Оқитур кирпукиндин захр ёшин,

Агар оҳу боқиб бўйнымни кўрса,
Хирож бўйни уза не тонг кўтурса.

Неча ул ҳур малик табғиндаким бор,
Элингa сув қуя билмагай, эй ёр.

Нечаким ғамза бирла олмасам жон,
Навохт этмак манга ҳам андин осон.

Кўзум бодоми ғоят торлиқиндин,
Кўрунмаз кўзларимга киши таркин.

Агар қилсам йипордин ойға занжир,
Қилурман юз минг арслонни нахжир.

Эмукдош бўлди шакар бирла тишим,
Вафо ул ишларимда уксук ишим.

Бор ушбу қайра онча юз уётим,
Жаҳондин ек манга бу эзгу отим.

Қачон юзум безаса бу жаҳонни,
Сотар зирнихқа ул дам арғувонни.

Кўзум бабаклари раънолиқиндин,
Тегурмаз текмалар қонинга илкин.

Бу бошимда не шўрларким маним, бор,
Не мискинларким ўлтурдум ани зор.

Санинг қонингқа ҳам кирмайин, эй ёр,
Ким бўйнулумда мун (унг) тек қон укуш бор.

Захм емаздин ўнг тебра юригил,
Қилур сўл қўл била ишқим ишин бил.

Санинг кўнглунг қатиг тош, ман темур жон,
Қатиглиқда эрур иккиси бир сон.

ШИРИНДИН ХУСРАВ ТОНГЛАБ ШИРИНГА ЖАВОБ ҚАЙТАРГАНИ

Малик айди янаким, эй юзи кун,
Кечартек бу қуруғ сўзлар била тун.

Юзунгнунг кўркин онжоқ ўқ манга сан,
Неким айсанг минг ортуқ сан билурсан.

Сан охир кўзгуда кўрдунг ўзунгни,
Кўрар юз онча кўзларим юзунгни.

Отинг оғзимга олсам, эй бути чин,
Тўлар шакар бу оғзимга отингдин.

Агар юзунгни кун тесам эрур ҳам,
Ким ойнинг равнақин синдурди бир дам.

Кўруб ул сарв қаддинги уёлиб,
Тура қолмиш улаш ҳайрон қолиб.

Янгоқингнинг чечагиким очилур,
Хажил бўлуб чечак ерга сочилур.

Эрам боғинға бир шаклинг калид ул,
Висолингға анин топмаз киши йўл.

Агар сотсанг ёрим, сочинг жаҳонқа,
Олурман, не жаҳонким танда жонға.

Не янглиғ кўркким сенда тесанг бор,
Валекин сақлагил ўзунгни зинҳор.

Ўзунгни кўрмаким тилларда юрур,
Ўзин кўрган, ўзинга захм урур.

Охир жонимға қамарсан, эй шоҳим,
Бу шакла тўкма қоним, йўқ гуноҳим.

Агар шоҳ эсанг қани гавҳар нишони,
Ширин эрсанг қани шаккар нишони.

Кел эмди сан бу ўфкаларни қўйғил,
Бир онча ҳам нифоқ била узр қил.

Не ёздим, не ёмон қилдим ман охир,
Қим ул тош кўнглунг эмди юмшамаз бир?

Нечаким кўрклулар бўлур қилиқсиз,
Вале сиз асру бир йўли чалиқсиз.

Бали ким эркалар ўфка қилурлар,
Валекин раҳм қилмоқ ҳам билурлар.

Охир ўфка сўнгинча раҳм ҳам бор,
Қадим ёрингман онжоқ куч қил, эй ёр.

Бўлур ҳам эзгулардин эзгулук чин,
Сан эзгусан, бу расмунг йўқ не ёндин.

Ўтумдин елтек ул неча қочарсан,
Сувум тўкмаким охир тупроқингман.

Эрурман мустаҳиқ, эй кўркабойим,
Неча сендин йироқ мунтек турайим.

Эрур барча биликликларга бу маълум,
Бўлур теб мустаҳиқлар тутшу маҳрум.

Маним кўнглум боринча дилбаримсан,
Кўнгулдин таним, жоним, ёримсан.

Қутулсам худ балиқ янглиғ оғингдин,
Қачон қуртулға бу кўнглум боғингдин.

Жафони сан манга онжоқ сур эмди,
Ишим уш жонқа етти тек тур эмди.

Ширинлик бирла қилдинг ўзни машҳур!
Ачиғлиқ бирла ошиқ қонин оқитур.

Бу захминким едим саҳл ул манга бу,
Муборақ бўлсун онжоқ тек санга бу.

Тузулмишда кезин кўп иш маҳкам,
Бўлур қазғу сўнгинча бу севинч ҳам.

Жафо кўп қилмағил хуш фол эмас бил,
Охир сўз қўй, кечар (бир кун эмаз йил.

Севундур мениким қазғуда қолдим,
Охир сени тилаб бу ерга келдим.

Бу ишда шамътек сизғам улаш зор,
Ким уш мантек талим бор Ширин издар.

Кўрарман шамъ тутсу тингмаз иғлор,
Магар жониндаким Ширин ўти бор.

Недин хурмо йиғочи кўнглу тўлу хор,
Анингким бўлди Ширинга гирифтор?

Улаш шаккар қамиши бели боғлиғ,
Анинким кўнгли Ширин бирла доғлиғ?

Агар ширинлиги бўлмаса сут ҳам,
Қачон бўлғайди ўғлон эмса эбсам?

Қамишу сут севулур тотлиликдин,
Алар ширин эрур ҳам сонма Ширин.

ШИРИН ХУСРАВ СҮЗИНГА ҚҮБУБ, ХУСРАВҚА
ЖАВОБЛАР АЙГАНИ

Қўбуб шоҳ табғинга Ширин йироқдин,
Ер ўпгач айту бошлади жавобин,

Ким, эй шоҳ дунёда соҳибқирон бўл,
Жаҳон боринча ҳам шоҳи жаҳон бўл.

Етти иқлим ичра сансиз бўлмасун нур,
Улаш соғ бўл, танинг бўлмасун ранжур.

Раво бўлсун тилакинг хонлиқингда,
Туман йил йирғағил бу шоҳлиқингда.

Кишиким турқилса сени соқну,
Ман эрсам бўлайин қўйнингда ошну.

Бас эт захрлик шаккарни сочма,
Қўй охир сўзлама оғзимни очма.

Неча афсун била сўз сўзламак бу,
Сучук сўз ичра оғу кезламак бу.

Чиқиб ов овлағу тадбир қилмоқ,
Яна Ширинга қуруқ миннат урмоқ.

Керак шоҳ бўлғучиға мунча билмак,
Ким эзгу бўлмаз ул мунглуққа кулмак.

Қатиг юмшандим эмди қалаялар еб,
Соқинмаким манга ўтгай булар теб.

Бўлур тузлоқ чечаги йўқ емиши,
Киши тузлоқ емишин йўқ емиши.

Сан ул сувсанким уш тубунг топулмаз,
Тенгизтексан, ёқанг кўз боқса кўрмаз.

Ман ул бир туб-туруғ чашматек эрдим,
Тилимда билгурур кўнглумда борим.

Тенгизтек гина ул кўнглумда бўлғай,
Садафтекким тиши кўксунгда битгай.

Шакар янглиғ сўзунгаму бутарман,
Ким уш ман тутшу шаккар юк сотарман.

Кўрарман тек қуруқ ел ўнг кезин ҳеч,
Бағир куйдурмакингдин йўқ азин ҳеч.

Эрур ғайрат қатиг тошдин, тош, эй ёр,
Соқин, сирчангни тошқа урма зинҳор.

Тил учи бирла оз сўзла сўзунгни,
Сўзунгтек усрук этма сан ўзунгни.

Қаю сўзким биликлик сўзласа ул,
Топар ердин чиқарса кўк таба йўл.

Кишиким ўз сўзин кезлаю билгай,
Ёмонни эзгудин кўзлаю билгай.

Зеҳи тожу тахтин гуҳар — сўз,
Яна кўздин қатигроқ бўлмачи сўз.

Охир мен соқшамайин сўзламазман,
Мени ранжитма соқшаб сўзла ҳам сан.

Қачон бу икки иш бирикгай, эй ёр,
Чун менда кўзгу (бор), сенда қилич бор.

Керак эзгу, ёмон сўз юз боқиб тил,
Ёммонни эзгу аро фарқини қил.

Кишиким яхши соқинса ўзинга,
Бурун боқгай юнгиндин зоғ кўзинга.

Сўз ўлчуб сўзлатилса сўзга ўхшар,
Укуш сўз юк эшакка теб масал бор.

Не юз сўзлагу керак бир сўзни охир,
Биликликка етар сўз кертуси тер.

Агар оғритма (са) бошинг сўзум чин,
Аёйин бир-бир эмди тингла мендин.

Мени муптек ҳисорда солдинг уш зор,
Тақи мендин ўзунг дилдорлиқ издар.

Кўзум йинжуларинга бир назар қил,
Кулоқим донасини ўйнамағил.

Тутар анбар менгиз оҳимға боқғил,
Сочимнинг анбари тегмаз санга бил.

Тамом нор донаситек эрнима боқ,
Қим ул боғим норин ўғри элтти онжоқ.

Турурман сақлаю юзум сувин уш,
Муборак бўлсу соқнуқлуқ манга хуш.

Кўзумга боқмағил зинҳор сақлан,
Қим ул ғамзам сўнгуси тарк олур жон.

Бу икки зулфум оро текмо бир соч.
Соқинғил аждаҳо ул қабқаро оч.

Манга бу сўзларинг ҳеч ёндин ўтмаз,
Бу юз қандилға бил ўт ёқса тутмаз.

Қузуғда ўзни бу йип бирла салмон,
Ивуқ янглиғ санга ман ов бўлмон.

Йўлунгдин озма ҳар дам, эй шоҳи чин,
Ёнингға боғла бир кўнгроғу оҳангдин.

Кўрарсан кўнгроғу ҳар карвонда,
Йўл озмасун кишилар теб фиғонда.

Ғалат қилдим ўзунг заҳматга тушти,
Уқ ўзга ерга оттинг, мунда тушти.

Буюнунг эрди Ҳиндустон тоба қўш,
Ғалат, Бобилға чиқти бу йўлунг уш.

Яраштурдунг не ширин дору жонға,
Янгилинг ногаҳон туштунг гумонға.

Тенгизга азм қилдинг Шатқа келдинг,
Чечакка рағбат этиб лола олдинг.

Қўй ўлтурма бу буз ўлтурмишингни,
Унут, бор бу кўнгулдинг сўрмашингни.

Санга ман ёру мендин ҳам азин ёр,
Бу ишинг бирламу менда ишинг бор?

Мени қазғумда бори оз хор қилғил,
Синуқ қўнглумни бас, озор қилғил.

Отасиз ҳам онасиз бир ятимман,
Киши билмаз мени бу ерда кимман.

Қолиб ул дев менгиз ман эмди мунда,
Кизик, қуш ҳам кўрунмаз ойда, кунда.

Муродим бермади бир кун замона,
Маломат ўқинга бўлдим нишона.

Мени бу тошлар аро зор қўйғил,
Тақи устумда тош қўй, кертү гўр қил.

Ишиким мундоғ ўқ тош узра қолғай,
Агар фил эрса мантек ўқ йўқолғай.

Жувонмардлик қил эмди борғил, эй ёр,
Чечак сочтинг яна йўлдин кетар хор.

Ман ул кун дунёдин бир йўли тўйдум,
Ким ул Шаҳруд шаҳ Хусравни қўйдум,

Не хуш эрди манга шаҳри Мадойин,
Не қилса бўлсун алмақдуру қонен.

Анингтек сонғаманким ман улуқ дам,
Йиқилдим эрди отдин ул кун ўқ ҳам.

Санга сантек улуғ бошлиғ керак бир,
Не қўбғай мантек ўқ мискидин охир.

Қузуғ ул ерда қозким чашма оқғай,
Тамар ул ерда санчким қони чиқғай.

Бурун елка бериб дўстлуқни туттунг,
Магар эмди янги бунёд қўйдунг?

Янги эркан не тўн ким исичи йўқ бил,
Исич бўлурму эскирса, эй оқил?

Укуш эмгандинг уш ким мунда келдинг,
Қарам кўргуздуңг ўзуңг ранжа қилдинг.

Валекин уш бу тун кўнглум паришон,
Санинг ҳам мунда қўнмоқинг паришон.

Ҳануз юз ёру анинг иши хом ул,
Ҳануз бўлмади бу ҳалво тамом ул.

Қайтиб йўлунча етарман теса бўлмаз,
Киши юртинда кучун қўнса бўлмаз.

Қачонким топса иш ҳақ ёри қилса,
Яна ундагаман, ман вақти бўлса.

Қамуғ ишнинг ожунда вақти бор ул,
Бу вақт очғучи ганжларни очар ул.

Товоқ чоқсиз чақирса худ билурсан,
Бошин елга бериб, қолур қуруғ тан.

ХУСРАВ ШИРИН СЎЗИНГА ЖАВОБ АЙҒАН СИФАТИН БАЁН ҚИЛУР

Кўрар ким Хусрав ул маъшуқи бу ноз,
Бу сўзлар бирла бошиндин чиқармаз.

Фусун (лар) бирла сўзлар қилди ангиз,
Фусун Бобилға ҳеч ўнгғайму ҳаргиз.

Айитти ёлбориб, эй танда жоним,
Кўзумни нурию шамъи равоним.

Бошимға бахту тахтимга эрклик,
Танимга жону жонимға берклик.

Маним бирла фалактек оз урушғил,
Неча қоз ёғи суртарсан, қарам қил.

Ошиқни ишва бирла шод қилғил,
Улук ҳиндуни бир озод қилғил.

Сан ўз айбунгни кўрмазсан боқиб бир,
Маним айбум неча сўзларсан охир.

Нетакким кўрмаз ул кун сўз кишини,
Инонмаз ҳам азинлар кўрмишини.

Ҳалок қилдинг мени ерга солиб хор,
Афокаллоҳ зиҳи ким асрагинг бор.

Етиб келди қаро тун, қор ёғар ҳам,
Санинг меҳринг ма бузтек тўнгди маҳкам.

Мени қўймаз бу қор устунда бу тун,
Ёмон бўлғай санга бу қор эрир кун.

Азоб берма, мангаким бўлғай офат,
Бу учтмоҳ эшикингда қин не ҳожат.

Бу тун келдим эшик оч йўл бер, эй ёр.
Фалактек қуллуқунгга қилдим иқрор.

Адаб бирла табуғунгда турайн,
Ижозат берсанг андин ўлтурайн.

Кўзум етгач санга андин боқайин,
Не сўз айсанг жоним бирла уқайин.

Киши йўл топғай ул сизнинг қабуғда,
Тикиб кўзларини турса табуғда.

Ангар бўлсун ҳалол дўстлуқунг, эй ёр.
Ким ул эзгу отинг ортмоқин издер.

Кўнгулда гиналик йўлдош, эй оқил,
Анинг тупроқиқа тегмаз суҳбати бил.

Эшик оч кина йўлин боғла охир,
Қўшанғил эртаги хизмат қурин бир.

Кетар юзунгдин эмди бурқаъинг (тоб) от).
Ёруғ кунга бурқаъ охир не ҳожат?

Агар бўлмаса мумкун эшик очмоқ,
Ғарибқа бир кеча не бўлди, хуш боқ.

Анингтек қилким уш хушнуд ёнайин,
Бори юзунгни кўрмакдин қонайин.

Қочурдунг ел менгиз эрнингги мендин,
Яна тутшу урурсан ари захмин.

Телурдум эрса ҳам усум сан олдинг,
Анин қайнорман уш ким ўт солдинг.

Неча солдингса сан мени кўзунгдин,
Кўзум бори севунсун ой юзунгдин,

Кишиким кўк тоба тош отса зинҳор,
Тиларким ўз бошин ўқ қилса озор.

Урур бошқа ота билмаз сопон тош,
Биликсизликдин оғриғда қолур бош,

Узунг юмшоқ қилиқлиқ қилма сақлан,
Ярашмаз тилкулук кирпидин, эй жон.

Бас эмди меҳр тут, ситиза айнат,
Маним бирла бу муҳра оз ўйнат.

Қамуғ ошиқни биртек сонса бўлмаз,
Қамуғ мискин қониндин қонса бўлмаз,

Мени ҳам тош уза ўлтурмагил сан,
Янгилдинг ман тақи Фарҳод эмазман.

Гаҳи уршу, гаҳи ярашу кеч бу сўздин,
Санга ҳақ тавба берсун икки юздин.

Узунг қил иш, ҳақиқатқа қарор қил,
Ким ул бўлмаз йилон балиқ яқин бил.

Қилиқсиз бўлдунг иш билмон сабаб не?
Санга не бўлди билмон, эй ажаб не?

Неча бас теб мени эмгатсанган ҳам,
Тенгизтек қайнамақим ортар ул дам.

Неча тортсам ёвуқ тур теб сан, эй бек,
Юирсан керу урган эшгучитек.

Охир бу чарх ўқин оз ур мангаким,
Темур ё тош эрмаз бу юрагим.

Манга бир ваъда бергил мантек ўқ туз,
Бу эгру иш кўкин ул юз била уз.

Бу шакла мени душманқа ком қилдинг,
Жаҳон ичра мени бадном қилдинг.

Бир иш қил эмдиким машҳур бўлсун,
Яраш, ёлғончи душман кўр бўлсун.

Бу куйдурмакдин онжоқ бир манга қин,
Ким аччиғ бўлур ул шўрланса Ширин.

Агар ширин эсанг сан ҳарифлуқ қил,
Ярашур ҳарифлуқ Ширинга хуш бил.

Булутда издар эрдим сани ойтек,
Сусиз қурғоқ булуттек топтум, эй бек.

Чароғ эрдинг жаҳон юзин ёрутган,
Яқин келдимса куйдурдунг тану жон.

Йироқдин ол чечак кўрдум тею ман,
Алимга олдим эрса ўт эмишсан.

Уруш бўлур қатиг ким ҳаддин ошса,
Қозонда қолмаз ош ҳам асру пишса,

Тенг эрмаз алда ўн бормоқ бил они,
Неча ма санаса сони бир сони.

Билурсанким агар мундин қайитсам,
Топарман сандин ўзгани айитсам.

Валекин хизматинг ҳаққин кутарман,
Назар эртаги суҳбатқа тутарман.

Неча бас теб бу ўзумни қийнарсан,
Неча мискин қониндин сан қонарсан.

Бу мискин қонини тўкма ёзуқтур,
Бу сўзумга қамуғ одам тануқтур.

Ёзуқлуқ қулунгман сариндим санга,
Раҳм қилгил эмди Ширин тер манга.

ШИРИН ХУСРАВ СУЗИГА ЖАВОБ
ҚАЙТАРҒАНИНИНГ СУЗИ

Ижозат берди Ширин ўз тилинга,
Яна хуш сайрағил теб булбулингга.

Ақиқ йинжу узасиндин ким очти,
Гуҳарлар тўкти кўп йинжу сочти.

Ўза айдиким, эй шоҳи жувонбахт,
Санинг бирла қувонур тож ҳам тахт.

Фалак ёси билакинг куч(к)инга суст,
Бу тўн(унг) қа ушбу давлат тўни ҳам чуст.

Бу кун рўзгорнинг орти, орқаси сан,
Санинг зулмунгни кимга ўтнайин ман.

Тею ўфкаланиб айди: бало бу —
Теюрсан, бори сўзни соқша ошну.

Манга Фарҳод ишқин таъна урма,
Фариб ўлган ошиқни хор кўрма.

Ман андин кўрмадим ҳаргиз ёмонлиқ,
Манга эрди қариндош ул жаҳонлиқ.

Ушул кўрмади бир соат юзумни,
Эшитти онжоқ овозим, сўзумни.

Йипор, удтек куяр эрди ҳамиша,
Улаш куймакни тутмиш эрди пеша.

Уш андин кўрдум онча меҳру роҳат,
Қим уш сандин азин йўқ тил жароҳат.

Тиконким хуш чечаклар унча андин,
Емишсиз сарвдин ул ек манга чин.

Чароғиким ёрутса ёнса тунни,
Шамъдин эзгуким кундурса тунни.

Ахир ошиқ нечаким зор бўлур,
Манимтекму улашу хор бўлур?

Бу зиндон ичра ўлтурса мени зор,
Ким уш дўстларқа кўнглумтек элим тор.

Кўнгул бор бўлуб, элда бўлмаса мол,
Далулук узра усруклук кужой ҳол.

Далуманким яна усруклугум бор,
Бу усрук (да) далудин иш келмаз, эй ёр.

Қалам торт эмди Ширин ҳарфини йўй,
Ҳарифлуқ келмаз андин, сан ани қўй.

Ҳамон сонким тели онгсизда етти,
Боғингдин бир ябурғоқ олди кетти.

Мени кўр, ибрат ол, қоч тарк зинҳор,
Ман уш қолдим булут ичра куя зор.

Мени меҳнат оқини олди қўлдин,
Равон сан боғла рахтинг, қолма йўлдин.

Ҳаво худ уш сочар ер узра кофур,
Турушунг ҳам совуқ, турма отинг сур.

Агар кўнглунгда эрса онтинг туз,
Кеча юрима яшрун, юри кундуз.

Булут туз ёғдурур, шўр бахтдин иглар,
Кўнгул Шириндин эмди сонма кулар.

Етар мунчаким айдим бу ҳикоят,
Қамуғи кертү, йўқ ортуқ шикоят.

Ул эрмазким охир билмасам (ан) иш,
Сут эммазман, бор оғзимда ўтуз тиш.

Соқишимдин муҳандислар уёлур,
Фалак ройимда саргардон қолур.

Қуш эрса ҳам ўзунг бу ерга етмаз,
Бу қўлмошлар била ҳеч иш бутмаз.

Нечаким менда Юсуф уйқуси бор,
Эшак узра баёқи Исо ўхшар.

Уза ким ұзга ишга отланурсан,
Яна мунда не ишга қотланурсан?

Узақидин батаррак икки турлук,
Эурсан дойимо ҳам икки сўзлук.

Соқиндим эрдиким болтангни солдинг,
Солиб болта магар бу ҳарба (ни) олдинг.

Юри борким ҳеч иш келмаз алингдин,
Аритек санчма, емазман болингдин.

Ким ул ўзинга не бўлса қўлмаз,
Вале куч бирла рўз келтурса бўлмаз.

Сан онгсиз инчқаб урма совуқ дам,
Адаб қил сўзинга, яъни тур эбсам.

Ҳалол қилғил овунгни овчи иттек,
Ема қузғун менгиз мурдор, эй бек.

Анин атандим ожун ичра Ширин,
Ким ў (ю) нлар келур ширин тилимдин.

Сусунтек бирга айш аччиғ қилурман,
Отимдин бирга тотлиғроқ қилурман.

Чечактек термадим бу ўтдин ошну,
Гулобман ман, гулоб аччиғроқ эзгу.

Отимким тилда юрур анча тотлиғ,
Ярар бўлса сўзум ҳам мунча аччиғ.

Ики сучуклук ул бирга топулмаз,
Сўнгуксуз хурмо, қобсиз ғўз бўлмаз.

Эриклик қилғаннимқа бошқа зинҳор,
Талим юмшоқ ким эрик остинда бор.

Гуҳар бошдаю дур Уммонда бўлур,
Бу янглиғ ганж укуш вайронда бўлур.

Таҳаммул қил ўзунг кўтургучи бўл,
Не онча ким забун қилса сени ул...

Эшактек ким қулон элда юригай,
Мунуб ўғлонлар ўйнайи суригай.

Қачонким учмоқиндин қолса лочин,
Яна қарғалар ўқ тешгай тўбасин.

Забунлуқдин теванинг ул миҳорин,
Сичон тутса, суруб элтур қаторин.

Забунлуқинг уш эмди ишга келмаз,
Забун бўлмоқ (и) санга недин ярашмаз.

Аёйин ман қулоқ тут, яхши тингла,
Сўзумнунг маъносини тингла, англа.

Сен ул шоҳсан, қамуғ шоҳлар санга қул,
Маним ишқим санга недин бўлур йўл?

Қаю соат тилар бўлсанг Ширинтек,
Туман турлук кетургайлар санга бек.

Забунлуқ ул кишига ярар ул ким,
Манимтек бўлса ул бечора мискин.

Ғарибу хору ошиқу маҳрум,
Сўкаллартек турурман асру маҳрум.

Недин бу шоҳ бурундин келмади бир,
Ғариблиқда сўкални сўрмади бир?

Эшикинда бу қинни кўрмадим оз,
Қиришгаму бу сўзларинг қилур соз?

Нечаким шоҳу шоҳлар шоҳи эрсам,
Ғарибман, ман бу туннинг моҳи эрсам.

Ғарибқа бу эшигинг ма боғли недин?
Айдим қилма ғарибинг мундоқ ишин.

Ширин сўзунг бу бағримни қуюрди,
Қиришгаму Ширин ўзунг юруди.

Ширин айтур бу сўзлар била бўлмаз,
Ошиқлар қўлмашини билса бўлмаз.

Қишиким арслон урушин билгай,

Керакким тишин асрлонтэк белагай.

Кўрарбизким қачон итлар урушур,
Очиб тишин нетак ўтру турушур.

Уш андин очиб айдиким, эй шоҳ,
Ўзунг эмгатма эмди бўлғил огоҳ.

Зийрақлар уси, билка жони учун,
Ошиқлар сидқию иймони учун.

Ушул тирик ўлмаклик анга йўқ,
Уёғқим ҳеч анга уйқу раво йўқ.

Анинг ҳаққиким ожунни яратти,
Қарортти туннию кунни ёрутти.

Бил ул кобинсизни юз шоҳ эсанг сан,
Санга ҳаргиз муродинг бермагай ман.

Бу янглиғ ўфкалар аччиғда Ширин,
Анингтек кечти ногаҳ борди элдин.

Яна киндик йипорин солди оҳу,
Урун қилди йипори ичра ётғу.

Укуш оҳу боласи оғзи сутдин —
Тўлуб, ёш ўт аро кезлади ўзин.

Малик ёлбориб ул оҳу кўздин,
Қақиғлар эш(и)ту кечмиш эрди ўздин.

Талим ёлборди, ҳеч ўтмади сўзи,
Ўзинга ўфка қилди, куйди ўзи.

Раҳм қилғай тею кўп қилди зори,
Не қилди эрса, сўз олмади бори.

Ачиғда йўл тоба қайтарди отин,
Кўнгулдин қазғуруб, соқниб уётин.

Отин сурди, не ҳол ул теб манга бу,
Кўзиндин от уза симоб оқиту.

Ичинда куйнук, устунда ёғар қор,
Булуттек кўзлари қон ёшин-иғлар.

Тутуб йўл ёридин озор бўлуб,
Яна ўз жонидин безор бўлуб.

Сўкаллартек отин турар уёлиб,
Қуруғ сурат борур, жон мунда қолиб.

Боқар ортинга маҳрумлартек ўқ ул,
Хижил бўлуб борур, арқун тутуб йўл.

Кўнгул бериб отин ҳам сура билмаз,
Ҳамийятдин яна тек тура билмаз.

Ушул ҳасратдаким оти бу йўлда,
Қузуғқа етса бир жумғоқли қўлда.

Бори қўнмоққа бўлса бир баҳона,
Ўтурсам мунда қолиб жовидона,

Тею илкин алинга урур эрди,
Мунунгтек зори қилну турур эрди.

Бўлуб навмид нўкарларинга етти,
Буларни билмасун теб сабр этти.

Қоронғу эрди ул тун ожун асру,
Булут тарғади, ойдинг бўлди ёхту.

Жаҳонқа шоҳ бирар наззора қилди,
Кўюкдин кўнглакин ҳам пора қилди.

Кўзинга уйқу кирмайин, кўра қин,
Кўтурмаз бўлди бош ҳасрат ериндин.

Нўкарлар тарғасун теб берди дастур,
Қамуғлар кетти, қолди шоҳ, Шовур.

**ШИРИНДИН ХУСРАВ ШОВУРҚА ШИКОЯТ ҚИЛИБ,
ШОВУР ХУСРАВҚА УЗР ҚИЛҒАНИ**

Яна устоди чин сўз бошлаб айтур,
Саноатлар бирла Хусравни уютур.

Сочар кўнгли ўтинга ҳар замон сув,
Кула айтур ема, эй шоҳ қазғу.

Билурманким эрур Ширин санга ёр,
Ул аччиғ сўзларинга боқма зинҳор.

Қатиг сўзлади теб қазғуда турма,
Сўнгахсиз бўлмаз охир ҳеч хурмо.

Нечаким готлироқ бўлмишча ҳалво,
Билурсан ортурур ул анча сафро.

Исик қилди теб ранжима андин,
Эрур машҳур исиклик бирла Ширин.

— Қим уш кўрдунг букун нелар кечурдум,
Не хорлуқлар анинг йўлунда кўрдум.

Уётсизлиқни ошурди чоқиндин,
Тишиларда уёт бўлмаз эмиш чин.

Қўзуб юзум забунлартек қотинда,
Сарвтек ура турдум хизматинда.

Сарвга болта урмиштек манга ҳам,
Тили бирла қиличлар урди маҳкам.

Оқиттим ёш, силмади кўзумни,
Неча хўш сўзлаб, олмади сўзумни.

Нечаким бол қотинда бўлса ори,
Охир бир йўли бўлмаз заҳр бори.

Сазам топтум манга оз эрди, бу оз,
Дариг сўнгқи биликким осғи бўлмаз.

Укуш ек эрмиш очлиқ бирла ўлмак,
Бахилдин қўл сариб, қўлғинча этмак.

Балиқтек сувда ўлмак тунчуқуб зор,
Талим ек бақадин қўлғинча зинҳор.

Манга ул худ бу хорлуқинга текмаз,
Ёринқи хушлуқ, эмди қинға текмаз.

Биликлик йинжуни дарёда издар,
Топар тупроқ ер узра издаганлар.

Ушоқ тош ичра ман ҳам издасам кон,
Тамом ёғсиз чароғтек тортғаман жон.

Недин бу молу жон бир шўхқа бергу,
Ё недин қўл хасисқа ўтру сунгу?

Манга мантек киши тутса бу номус,
Керак товусқа ҳам бўлса бу тоvus.

Бу кундин сўнг Шакарни хуш кўрайин,
Ширинтек ул Шакарни ман сувайин.

Ширин қандину ман қандин, бу ҳол не?
Ширинликда Шакар бирла бу бол не?

Ширинни бу кўнглумдин сурдум эмди,
Ҳақиқат ман Шириндин тондим эмди.

Ширин сўзин манга ким айтур эрса,
Танимдин сургаман ўз жоним эрса.

Бу кундин сўнг Шакарни хуш кўрайин,
Ширинтек хуш Шакар тилин сўрайин.

Сўзун тинглаб яна Шовур қўбти,
Дуолар қилдию шоҳқа ер ўпти.

Ким эмди ўфкани ҳаддин кечурма,
Севуклук шамъини бир йўл(и) ўчурма.

Керакмаз чоқдин ортуқ тез бўлмоқ,
Эрур жу (вон) мардлиқ, охир сўз олмоқ.

Ошиқлар ўфкаси чин барқ бўлур,
Керишу ноз аро ҳам фарқ бўлур.

Қатиг сўзлади Ширин теб қақима,
Қулоқ кўнглунг(ни) не ерга бўлса ийма.

Сўнгаклик тею хурмо солма зинҳор,
Чечакни ким тиконсиз кўрмиши бор?

Тиламаз эрсанган сафройи Ширин,
Кетар савдонгдин ҳалвойи ширин.

Магар Ширин сенинг сафронгни туйди,
Ким онча шаккарингга сирка қуйди.

Бўлур сирканкубин сиркау шаккар,
Бу сафронг босмаса, савдонгми кетар?

Ажаб йўқ кўрклулардин қилмоғи ноз,
Нози йўқ кўрклулар худ ишга келмаз.

Жафо қилди тею ҳеч кўрклулардин,
Кўнгулни кесса бўлмаз, тортғу нозин.

Бўлур худ кўрклулар барча қилиқсиз,
Булар айбин ёпар кўрки, билинг сиз.

Шабаҳ йинжу била тузлур улаш чин,
Кўп олтун ганж калиди бил темурдин.

Қачон хат тортилур санчмаса паргор,
Тикон бўлур чечак ёнинда ночор.

Нечаким тўхшун эрса юмшағай ул,
Не қилғай сув йилони захми хуш бил.

Қутулғайсан бу қазғудин ма таркин,
Оғир тур тоғтек, ирғанма (бу) елдин.

Бу текма елга учсанг бил ясиртек,
Ясирга теккасан, тоғ эрсанг, эй бек.

Иш эмгак бирла тутса яхшироқ ул,
Сўнг осойишқа ўнг эмгак керак ул.

Илик кўкдаги ойға сунса бўлмаз,
Анга худойлиқ этиб мунса бўлмаз.

Эрур ой бирла хотунлар иши бир,
Эшик тутсанг ўзин тўяглюкдин ўқ эр.

Охир хотун эрур ул неча куйгай,
Сўнги ойдингтек ўқ тунглюкдин энгай.

Анинг сан қазғуси йўқ сонма зинҳор,
Ким анинг сендин ортуқ қазғуси бор.

Санинг ёринг бор андин ўзга бори,
Анинг йўқ сандин ўзга ҳеч ёри.

Санинг куйса этагинг хуш бил ани,
Анинг куяр ҳамиша танда жони.

Бу тун тек тур, бир анча сабр эт абсам,
Кўралинг не туғурғай бу фалак ҳам.

Қутулур сабр бирла эр бу боғдин,
Бу боғлиқ иш калиди сабр эрур чин.

Шошилур боғ бўлмиш чоқда душвор,
Куяр андин кулар шамъ, эй жаҳондор,

Умидим бор бу меҳнат тарк кетгай,
Мурудинча маликнинг иши битгай.

Маликни ваъда бирла ўқ қилиб шод,
Хароб кўнглин қилу сўз бирла обод.

Урур давлатдин ул шоҳ юзинга ҳол,
Кечар юлдузлар, ул мунтек урур фол.

**ХУСРАВ БОРМИШИНДИН СЎНГ ШИРИН ПУШАЙМОН
БЎЛУБ СЎНГИНЧА БОРҒАНИ**

Яна сўз айғучи ул пиру устод,
Қилур, сўз мунтек эрди тею бунёд.

Нетакким қолди шоҳдин сўнгра Ширин,
Қилу бошлади фарёд ўз элиндин.

Уруб кирпукларин бири-биринга,
Кўзиндин қон сочар ул ёш еринга.

Уруб тирноқ юзини пора қилди,
Олиб тош ўз кўксин ёра қилди.

Ёр учун ул ўзина қилди афгон,
Қарори қолмади ул қилди фиғон.

Бу ишқ ўти куйдурди Ширин маҳкам,
Ширинни қўймадиким турса эбсам.

Тутуб ёқа ўзин ул ерга чолди,
Олиб бошдин тожини ерга солди.

Бу кундин сўнгму қолди манга тирлик,
Бу Хусрав қилмаса Ширинга бирлик,

Тею йиғлаб ўзин ул қилди озор,
Кечиб жондин, ўзиндин бўлди безор.

Ёрим келди қатимға, кетти қайра,
Фироқи жон танимдин олди қайра.

Қилур бағри куюб юз навҳаю оҳ,
Недин ичқиндим ени тею ногоҳ.

Не қилдим ман тею бўлуб пушаймон,
Қолиб ўз қилмиши ишинга ҳайрон.

Ул ўз густохлиқиндин ўқ уёлиб,
Турур соқишда саргардон қолиб.

Аюр билмон бу қазғу бирла нетгу,
Олиб бош юзга ўтру, йўқму кетгу?

Бу янглиғ сўзлар айту қилу зори,
Кўнгулда қолмади зарра қарори,

Не қилсун сабру тоқат кўтру кетти,
Не бўлса бўлсу (н) теб бир соқиш этти.

Изарлатти чиқиб Гулгунини терк,
Кулангларин ўз илкин тортти ул бек.

Мунуб Гулгунинга тутти равон йўл,
Ут узра сув ўтурмиштек бўлуб ул.

Қаро эрди анинг қўш зулфитек тун,
Қошитек йинчка йўлга сурди Гулгун.

Қаронгғу тунла антек ул тўлун ой
Юрир ўз ҳолини тонглаб қилу вой.

Ўзин қуллартек этиб ушул ҳур,
Малик Шабдизининг изинча ютур.

Елиб елтек черикка етти ногоҳ,
Кўрарким ўрта ерда қўнмиш ул шоҳ.

Отни шоҳ чодир и йўлинг сурди,
Ёвуқроқ етти тинглаб яшну турди.

Кўрарким эвдачилар барча ётмиш,
Яна ҳам посбонлар ўти сўнмиш.

Қамуғлари ичиб ойдингдин афюн,
Йиқилмишлар аёқдин усруб ул тун.

Бир анча қилди мунларқа назора,
Не қилғу билмаз ўз ишинга чора.

Кўрар ногоҳ боқиб ул дамда Шовур,
Ким ул чодир қотинда отли юрур.

Ҳикоятлар бирла шоҳ кўнглин овту
Ўтурмиш эрди тангсуқ сўзлар айту.

Табуғчиларни уйғотмади чиқти,
Бу отлиқ ким, кўрайин тею боқти.

Юруб Ширин, қотинга етти турди,
Паримусан ё кимсан тею сўрди.

Не издарсан бу ерда теди арслон,
Четук бўлур бу ерга келса арслон.

Кўрубким таниди Шовурни Ширин,
Равон сўзламадин энди отиндин.

Ушулким тушти кўрмиштек билишни,
Тангирқаб қолди Шовур ушбу ишни,

Кўруб Шовур Шириннинг кун жамолин,
Ер ўпти ҳоли, теркин сўрди ҳолин.

Недин тушти қаронғу тунла бу рой,
Нетак келдинг бу ерга, эй тўлун ой?

Пари юзлук ма айдиким, эй устод,
Сени кўрдум теб эмди бўлдум уш шод.

Қўлини туттию воз кери қайтти,
Ҳикоят қилдию ўз ҳолин айтти.

Биликсизликда шўхлуқ қилмишини,
Хижил қолиб пушаймон бўлмишини.

Учакда шоҳдин ўзин кезлаганин,
Тақи ортуқси сўзлар сўзлаганин.

Айитти сўнгра: каз қазғуда қолдим,
Қарорим кетти, бир кездин йўқолдим.

Ўз ишимда қатиф бечора бўлдум,
Кетиб ақлим ҳам хуш уш овора бўлдум.

Ториқмоқдин юракландим бўлуб зор,
Заруратда қуён арслонлиқ этар.

Бу давлат кўрсан ул чоқдин қўлингга,
Йўлуқмадим ёмон сонған қулингга.

Бутар иш туз, қачонким вақти келса,
Вақтеиз битмаз иш юз жаҳд қилса.

Мен эмди чун ўз ишимда ёнгилдим,
Ишим барча санга таслим қилдим.

Вале икки тилагим бор ани қил,
Ул иккидин азин не қилса сан бил.

Бир буким уёнса Хусрави чин,
Қуруб ўлтурса хуш ишрат қуроғин.

Мени бир ерда кизла ўлтурайин,
Анинг кунтек жамолини кўрайин.

Икинчи ҳожатим сендин эрур ул,
Манга кобинсизин шоҳ сунмасун қўл.

Бу икки ҳожатим битқурсанган сан,
Азин не қилсанган ройингча манман.

Йўқ эрса қўйким ўз йўлум тутайин,
Олиб бошим саройимга кетайин.

Ичиб онтлару аҳдлар қилди Шовур,
Санинг ройингча бўлсун теги, эй хур.

Отин боғлаб бир охурда яшурди,
Олиб Ширин элин айвонга кирди.

Бор эрди подшоҳнинг икки чодир,
Қурулмиш эрди ул пайваста ҳозир.

Биринда айш этиб, бода қилу нўш,
Бири ётмоқ учун бўлмишда сархуш.

Кевурди анда Шовур ул парини,
Ўтур хуш теб, яраштурди ерини.

Чиқиб боғлади чодир эшигин барк,
Юриди, келди Хусрав ёнинга тарк.

Ўз илким шамъларнинг учин олди,
Қатигроқ тебрану, бир ун қилди.

Тамом хуш уйқуда эркан шаҳаншоҳ,
Ун эштиб саскану уёнди ногоҳ.

Кўзин очти кўрар афсунчи Шовур,
Узимада (н) тақи табғинда ўтур.

Айиттиким: бир эзгу туш кўрдум,
Севунмакдин ишим кўкка етурдум.

Кўрарманким бўлур бир улуг боғи,
Тутарман анда илкимда чароғи.

Уш эмди соқша кўнгулнгда боқа кўр,
Бу тушум таъбирин таркин манга йўр.

Аюр Шовур: туш таъбирин ким,
Сўрарсиз, ман эшитгач яхши билдим.

Яратғоним ёрутгай ушбу тунни,
Кегургай қўйнингга ул юзи кунни.

Севинчилик қилалинг биз бу тушга,
Севинчилик туш мунунгтек оз тушка.

Қуролинг тонг бирла мажлис қуроғин,

Ажаб йўқ топсамиз бу туш йўроғин.

Нетак кўтурса Машриқдин бошин кун,
Ёйилса ер юзинга сариг олтун.

Севинч бирла оёқ илка олалинг,
Кула, ўйнаю хуш ишрат қилалинг.

Мунунгтек сўзлар эшту шоҳ бўлуб шод,
Уюқлади бўлуб қайғудин озод.

Яна ошуқти қочмоққа равон тун,
Қавуб ортинча етмасун тею кун.

Қелинлартек безади субҳ ўзин,
Равон чиқти ҳижобдин, очти юзин.

Хуруслар мунглаюким қанот урди,
Яна шоҳ уйғониб, бошин кўтурди.

Ниқобин солди ожун, очти юзин,
Севинч кўнгли тўлуб кўрган тушиндин.

Қилиб машғул ичарган хотирини,
Буюрдиким: тикинг тўй чодирини.

Тикиб чодир, қуруб барча қуроғин,
Ўтурдилар, қилиб мажлис яроғин.

Маликлар йиғлишиб барча қабуғда,
Камар боғлаб туруқтилар табуғда.

Ўтурди тахти узра Хусрави чин,
Яна ўлтурмиш ул бир ёнда Ширин.

Камуғ маҳрам нўкарлар шоҳ қотинда
Кириб бир йўқ мухолиф хизматинда.

Улуғ беклар қўюб курси ўтурмиш,
Адаб сақлаб надимлар ўру турмуш.

Тузуб олтун, кумуш тўкарни соқи,
Мураассаъ лаъл, ёқутдин аёқи.

Севинч бирла қилу бошлаб малик нўш,

Тута берди нўкарларга қамуғ қўш.

Олиб барбат алинга Барбад ҳам,
Хуш ун бирла димоғлар қилди хуррам.

Чегов қилга чегов этиб туза соз,
Яна қилга мувофиқ ҳам хушовоз.

Бўлуб кўйнукли шеъриндин кўнгул уд,
Яна уни тамом ул ҳусн Довуд.

Масиҳнинг мусиқоритек хушовоз,
Била шеъринда қилди нағма оғоз.

Буруб барбат қулоқин ҳар замон ул,
Бу йўлдин чиқма тею кўргазиб йўл.

Босиб барбат бўғузинда алини,
Кишитек сўзлатур эрди қилини.

Қил овозин эшитиб шоҳи жаҳон,
Бошин ирғаю айтурким хуш, эй жон.

Наво урғил ишқи навосинда,
Жонин берсун бу тан ишқ ҳавосинда.

Қаю танда бор эрса ишқи ёри,
Изим қилсун анға ҳамиша ёри.

Ёри бирла ҳамиша бўлсун ул бор,
Кўра билмаз кўзинга тўлсун ул хор,

Бу сўз айту кўзиндин оқти ёши,
Ширин тев куяр эрди ичи, тоши.

Яна бир хуш Нигисо отли чанги,
Бор эрди уни хуш мавзун тили.

Қим антек кўрмамиш эрди бу ожун,
Қилию ҳам тили иккиси мавзун.

Қачон тебратса ул чанг урғуға қўл,
Қилур эрди бағоят хушнаво ул.

Анингтек чанг урурға кимда захра,

Уёлур эрди андин кўкда Зухра.

Эгин қаблаштуруб барбат била чанг,
Тузуб тенг яна овозу оҳанг.

Ўқию хуш ғазал, мажлис исиниб,
Кўнгулдин қазғу, бошдин ақл кетиб.

Салмураб мажлис усрук кичи-улу,
Қотишти эрса йўлсузларға йўллу.

Шаҳаншоҳ эмди тарғанг теб айтти,
Бирин-бирин нўкарлар чиқти кетти.

Тек ул Шовур қолди шоҳ қотинда,
Тақи икки қўбузчи хизматинда.

Олиб илкинга барбат Борбад ҳам,
Хуш ун бирла қилиб жонларни хуррам.

Нигисо ҳам тузуб хуш пардада соз,
Кўтурдилар мувофиқ бирга овоз.

Малик бир қач қадаҳ хуш нўш қилди,
Қизорди, ол чечак янглиғ очилди.

Бу янглиғ ишрат эта ўлтуруб шоҳ,
Яна бир хайма ичра ўтрур ул моҳ.

Чиқиб тезгинда ул чодирқа Шовур,
Кўрарким балқию ўлтурмиш ул хур.

Айтти гардадин Шовурқа ул хур.
Қим: ул мутрибда бирин беру келтур.

Ўтурсун мунда, чангин рост қилсун,
Неким ман айсаман, ул ани айсун.

Нигисони бориб Шовур кетурди,
Келиб Ширин қабуғинда ўтурди.

Айтти: бу ҳарамга боқма зинҳор,
Вале не айсалар сан ўгран, эй ёр.

Не йўлким ул айтса чанг созин,

Тузуб ул парда бирла сўзла розин.

Тузуб ул Борбад барбатда оҳанг,
Нигисо ҳам бу ёнда хуш тузуб чанг!

Буларнинг хушнавосин тинглаю шоҳ,
Қилур ҳар дам кўнгулдин хушланиб оҳ.

Димоғинга йибакдин тўлуб овоз,
Қулоқинга кечурмиш халқай роз.

Кўнгулдин бошлаб ул Ширин розин,
Нигисога айтур озин-озин.

Нетакким қилдиса Ширин дархост,
Бу ҳам айтур тузуб хуш пардаи рост.

**ШИРИН ТИЛИНДИН НИГИСО НАРСА
АЙҒАНИНИНГ СУЗИ**

Уюма бир замон, эй давлатимким,
Магар топсам кўнгулдаги тилагим.

Сабр тоғиндин уминч субҳи билгур,
Бу кўнглумнинг кўзинга эмди бир нур.

Маним бирла яраш, эй бахт, қач кун,
Қалиди топ, юзоқим бир очилсун.

Кетар бу толиғимнунг наҳсин эмди,
Мени тиндур сан урунг ман тин эмди.

Қўтар айёрлиқ бирла элинг бир,
Бу қазғумнунг черикин синдур охир.

Қуюб бағрим юраким қонга ботти,
Эрур раҳм этсанг эмди хос вақти.

Не бўлғайсан манимтек бир заиф ҳам,
Не мантек жонин ўйнар хуш ҳариф ҳам.

Қуя билмасам илкинга агар сув,
Қабоби қилгаман ҳам ўтқа қаршу.

Агар шарбат берурга билмасам чин,

Охир ҳам очғаман фуқоъ оғзин.

Тўнунгдин кетару билмасаман кир,
Этакинг тўзини силгайман охир.

Қўланкатек азаққа салма мени,
Қучум бор тею ерга чалма мени.

Саройингда не хизматким тиласанг,
Қаровашлиқ қилайин барчақа тенг.

Нетак (ким) сан орзумда теб сўрарсан,
Не айтай ҳолим ушбуким кўрарсан.

Ғарибким қазғуда дармонда бўлса,
Не бўлғай бу мунгда менгизи сўлса.

Ғариб келдим букун сенга, аё шоҳ,
Ғарибунгман не бўлди боқсанг, эй шоҳ.

Ғарибқа куч қилма, қилғил қуллуқ,
Ғарибнинг кучи етмаз берса йўллуқ.

Керак бўлса бу шоҳларда кўп инсиф,
Недин турур шоҳим сизда йўқ инсиф?

Чечактек ишқ тортиб парда изин,
Жаҳонни кўрмайин борса жаҳондин.

Бўлуб тупроқ менгиз ўқға нишона,
Йигит эркан қаритса бу замона.

Уминч бирла жаҳонин елга берса,
Тушуб бу мунгқа, мундоғ кунни кўрса.

Не бахтиким қотинда бўлса ёри,
Не ёрсиз турғуқа бўлса қарори.

Масал урди: олурда ғарқан зор,
Улук ҳам бахтсиз ўлмасу зинҳор.

Манга қилмади бахтим эмди ёри,
Уяйдим уш санинг бахтинқа бори.

Ишим ройинча бутмади қўйдум,

Санинг битсунким эмди ман ўсандим,
Санга ҳукм этиб аймазман булай қил,
Агар мундин хуш асрасанг сан ўқ бил.
Нигисо бу ғазал айту тугатти,
Бу ёндин Борбад созин тузатти.
Ироқилар менгиз тортиб хушовоз,
Ироқда тузди бу қач байт уза соз.

БОРБАД ХУСРАВ ТИЛИНДИН НАРСА АЙТГАНИ

Хаёли ганж кўргазур чироғим,
Тўлар дўст йизғи бирла уш димоғим.

Қаю гулда мунунгтек хуш йизиг бор,
Қаю боғ булбули бу шакла сайрар.

Магар оҳу саҳарда кечти биздин,
Қим эмди солди мунда мушк йизғин?

Магар кун товуси кўкдин кечарда,
Ўтиб силкинди бўлғай ушбу ерда.

Магар қўйди бутун мунда ҳумойи,
Ўхуд тўнгнукдин энди тўлун ойи.

Магар ногаҳ илинди тўрға туйғун,
Ўхуд тун яриминда туғди бу кун?

Магар учтмох насими эсти кечти?
Қўнгулни қилди хуррам, қазғу қочти.

Магар давлат чироғин ёқти қўнди,
Қим уш парвона янглиғ қазғу қўйди.

Магар Ширин сочти лаълидин нўш,
Қим уш жоним тамоқи тотиди хуш.

Айит, эй давлат, ул рашки парига,
Қим ул дўстлуқни еткурдунг еринга.

Санинг кўп турлу эзгу хислатинг бор,
Аёйин тузким эрлик тузлук, эй ёр,

Экиб ман арпа, ўрдум эмди буғдой,
Сан уш буғдой теб арпа соттинг, эй ёр.

Манимтек боқма ўфкамга охир сан,
Тавозиъ кўр, не юмшандим санга ман.

Киши кесмаз субҳ ўғри ҳинду илкин,
Неча ўғри эса ҳам жу (вон) мардлиқиндин.

Ёрим кўнглум йўқ ул шоҳлиқда билгил,
Кўнгул ранжини юз анча тею бил.

Қолиб қазғунг азақи асра руҳум,
Йўқ андин қазғудин ўзга футуҳум.

Санинг қазғунгда кўнглум қон ёш иглар,
Қаю кофир фироқда игламаз зор?

Кўнгулсиз эрди зулфунгуз элим ҳам,
Кўнгул уш боғладим зулфунга маҳкам.

Шакар эрнинг била хилват ишим бор,
Уш андин йўқ муҳумроқ ишим эй ёр.

Не буйрурсан, қилайинму ишимни,
Яроғча қилнайинму билмишимни?

Агар табғунгда берур эрсанган ёр,
Чечак ўрнинга бермагил яна хор.

Тутушким эксимаз ҳуққангда марҳам,
Манга берсанг бирор не эксигай ҳам.

Не бўлғай андоғуқ мангу сувиндин,
Закот берсангким ирғаса бу мискин.

Тугатти Борбад айту навосин,
Нигисо бошлади хушроқ адосин.

Тамом наврўз чечагитек очилди,
Тузуб наврўзда чанг оғоз қилди.

Кўзум юзунг нури бирла ёруқ уш,
Жамолинг бирла кўнглум хурраму хуш.

**НИГИСО ШИРИН ТИЛИНДИН ИККИНЧИ
НАРСА АЙГАНИ СҮЗИ**

Хаёлинг бу тириклигим мазаси,
Отинг тўзи кўзумнинг тўтиёси.

Санинг йизгинг била хуш бу димоғим,
Санинг бирла ёруқ субҳу чироғим.

Кўзумсан ҳам яна кўзнунг чироғи,
Чироғи кўзга равнақ бергу ёғи.

Не ичтингким юзунгда балқинур нур,
Яна андин ўқ ичгилким ярашур.

Йигитликинг жамоли жонни беслар,
Яна жон бесламакдин эзгу не бор?

Агар илкинга кўзгу олсанг, эй жон,
Ҳам ўз ишқингда кўнглунг бўлга ҳайрон.

Чини кўзгуга боқма, эй бути чин,
Ким ўзин кўрса ҳам ўзин кўрар чин.

Киши ўз илкинга тек кўзгу олғай,
Ким ул ҳардам азин суратқа қолғай.

Манга кўзгу санинг юзунг етарким,
Санинг юзунгдин ўзга йўқ кўрарим.

Ушул тангри ҳақиким қилди бу даҳр,
Ким уш сансиз сучук умрум эрур заҳр.

Нетак тузди эрки кўнглунг ажабким,
Кўнгул укситтинг кўнгулсиздин, эй жоним.

Келиб тош ул кўнгулдин ибрат олсун,
Ҳазор раҳмат санинг кўнглунга келсун.

Санинг кўнглунг севинчда манда қазғу,
Сан ул тарёқ бирла, манда оғу.

Бу дўстлуқда гумоним бор эдиким,
Азақдин тушсаман тутғайсан илким.

Уш эмдиким йиқилдим сусталиб тек,
Қўлум туттунг, валекин боғладинг бек.

Недин қочурсан уш мандин ўзунгни,
Қўрайин ҳам йироқдин бир юзунгни.

Йигитликим санинг ёдингда кечруб,
Синарман кўп уминчда ёлғуз ўтруб.

Мени ўлтурма мундоғ йиғлату зор,
Ёр ўлтурмак кишилик эрмаз, эй ёр.

Юракимга урурсан ҳар замон хор,
Чун урурсан навохат эт қўйма (ғил), зор.

Белигни шеш бу бир соат тек ўлтур,
Бу бели боғлини табғунгда келтур.

Хаёлингқа тобунмоқдин йўқолдим,
Сени теб ушбу ҳасрат ичра қолдим.

Қарорсизлиқда эшикингда рахтим,
Қатиф кўзлук қилиб мундоқ бироқтим.

Йўқ эрса ўз чироғин ҳеч елга
Чиқарғайму саройиндин бу елга?

Уш эркисиз келдим ишим етти жонқа,
Забун топтим тею сан кирма қотқа.

Хушо ул вақтким кирсам қотингда
Кечиб ўлтурсаман хуш хизматингда.

Бори бир тунла хуш қаршунгда бўлсам,
Уш андин субҳ шамъи янглиғ ўлсам.

Бир эсруб лаъл эрнинг сусуниндин,
Агар жон берсаман қазғум йўқ уш чин.

Букундин сўнг фироққа тузман, эй ёр.
Эшикинг тупроқи бирла ишим бор.

Илкинга бердим ишим тизгинин ман,
Керак ўлтур, керак асра жоним сан.

Нигисо мундоғ айту-урдиса чанг,
Тузатти Борбад уч қилда оҳанг.

Сипоҳанда ғазал айту тузуб соз,
Равон қилди тилиндин узр оғоз.

БОРБАД ХУСРАВ ТИЛИНДИН ИҚКИНЧИ НАРСА АЙТҒАНИ

Севуклукунг ўтин кўнглумда, эй хур,
Фалак чун ёқти мундоғ нетса бўлур?

Агар қўйтек бўғузласанг мени зор,
Эшикинг ястанурман иттек, эй ёр.

Агар олсанг кўнгул андиша йўқ ҳеч,
Кўнгулсузликдин эзгу пеша йўқ ҳеч.

Кўтурмаз эрсанг (он) маъшуқ юкин сан,
Ушул чин ошиқ эрмаз, яхши бил сан.

Киши эмганмайин тинса табуғдин,
Ироқ тушгай ҳамиша ул қабуғдин.

Кўп айдим тарк этойин теб сени чин,
Ким ишим равнақи қолмади сендин.

Не худ сендин кўнгул кўтурса бўлур,
Не қазғунгни ториб ўлтурса бўлур.

Бўлуб навмид сендин холи қолдим,
Кетиб зарра менгиз кундин йўқолдим.

Мени анжоқ булитда тутғил, эй бек,
Бош уш, тож ё қилич сан билгил, эй бек.

Ул оҳу кўзларинг ҳаққиким, эй ёр,
Ким овқа тушмиш оҳутек ман уш зор.

Жамолинг мулкинга чун тушти ройим,
Иноят ярлиғин бер, йирғағайим.

Бу умриким эрур эллик ё олтмиш,
Билурсанким кичиклиларни элтмиш.

Кўнгулдин кетмадинг умрумда бир дам,
Охир нўлғай азақинг бир кун ўпсам?

Агар қўзсанг шакар эрнинг сўрурман,
Ўлукни ҳеч шаксиз тиргузурсан.

Юзунг кўрсам ёрур бу кўнглум уш ҳам,
Муборак бўлур овозинг эшитсам.

Жамолинг нуридин жоним ёрутғил,
Ёринг бирла бу ўлмишни тирик қил.

Хилоф ул бўлдиким кўрмон юзунгни,
Тек эштурман йироқдин хуш сўзунгни.

Анинг ҳаққиким ожунни яратти,
Қарортиб туннию кунни ёрутти.

Уминчим бор юзунгдин, эй тўлун ой,
Ёрутғай бу қаро кўнглумни ул ой.

Саодат тахтинда ёнашиб ўтруб,
Юригайбиз тумн йилларни кечруб.

Уминч борким саодат куни тугғай,
Бу қул қўли шоҳим бўйнинда бўлғай.

Қаюким теса омин ушбу ерда,
Дуо қилсанг ёрашур барча ерда.

Илоҳи сан ошиқнинг қил чорасин,
Ошиққа сан кетургил жон порасин.

Яна Борбад навосин эшту Ширин,
Янгиландурди қайра бағри бошин.

Икинч куймиш кўкусдин тортиб овоз,
Буюрди чангига қил теб мунни соз.

Бу йўлурким унутсун йўлини шоҳ,
Магар йўлсузқа йўл қисха ногоҳ.

Нигисо чанги жодулуқ қилину,
Раҳовийда ғазал бошлади айту.

НИГИСО ШИРИН ТИЛИНДИН УЧУНЧИ
ШЕЪР АЙТҒАНИН АЙТУР

Яраш бу бағри бош (ёр) бирла, эй ёр,
Ким уш тун борди, бу кун қолма ясор.

Неча боғларсан охир шеш тугунни,
Умур кечти, ғанимат тут бу кунни.

Ожунда ҳеч кишининг йўқ бақоси,
Бу кун хуш бўлғу, тонгга не бақоси?

Ишониб ушбу бир дам отли елга,
Недин мунтек такаббур қилға билка.

Нечаларким бишурди егуга ош,
Оши бишмишда топмади егу ош.

Хуш улким нақд ҳоли ўлтуруб хуш,
Кечурсак бу кунумизни қилу нўш.

Биликдин эрмаз ишни сўнгқа солмоқ,
Чун фурсат бор, керак иш ҳоли қилмоқ.

Кўп ўюнлар билур бу онгсиз ожун,
Бирор онгсизда ўйнар турфа ўюн.

Танаъум қил чун топтунг эмди хуш ёз,
Ким ул барча фасл наврўз бўлмаз.

Чечакким узмасанг вақтинда они,
Эсиб элтур кезин боди хазони.

Кишиким олтуну тош тенг қотинда,
Не соқишда бўлур ҳақ хизматинда,

Тенгиз қирғинда бир қатра не бўлғай,
Қуёш олнинда бир зарра не бўлғай.

Санинг бозоринг асру худ эрур тез,
Бу косидга қил эмди равнақ ангез.

Матоъи косид (онглаб) ол, эй ёр мавзун,
Не билгайсан ишинга келса бир кун.

Бутуи неча яраса ишда ҳар дам,
Охир бир ишга келгай бу синуқ ҳам.

Нечаким танга ортуқ қиймати бор,
Ушоқ олтун соқишдин чиқмаз, эй ёр.

Бу ёлғуз кўнгли синуқни унутма,
Бу айби бирла олдинг, қайра сотма.

Туяр умрум йигитликдин, эй шоҳим,
Висолинг бирла тириклик тилаким.

Қулоқим бир хабарқа рози бўлуб,
Чечак янглиғ тўкулдум ерга сўлуб!

Қолиб ишқинг азақи осра ёлғуз,
Бу ҳасрат ичраман уш туну кундуз.

Ман ул кўликаманким эмди уш чин,
Қилич урсанг қайитмазман сўнгунигин.

Хаёлинг бирла неча сўзлашайин,
Жамолингдин улушлук ҳам бўлайин.

Жонимнунг додин эрингдин олайин,
Озоқинг тупроқин сурма қилайин.

Топуб бир тун сани сархуш, қотингда,
Не хушвақт ул ўтурсам хизматингда.

Сўнуб қўш зулфунг учин алга олсам,
Гаҳи ишқингда йиғлаб, гоҳ кулсам.

Анингтеқ қучғай эрдим сени бирдам,
Ким огоҳ бўлмағайди кўнглокинг ҳам.

Жонимни ул жонингга қотғай эрдим,
Қучуб шоҳим белинг (ни) хуш ётғай эрдим.

Агар келса (эр) ди андоғ иш алимдин,
Тиконимдин чечак унгайди уш чин.

Илоҳи ушбу боғлиқ йўлум очғил,
Бу кўнглум орзусин сан рўзи қилғил,

Мунигтек сўзлар эшту ул шоҳаншоҳ,
Қилур ўз кўнгли бирла нолау оҳ.

Айитти қайра улким Борбад ҳой,
Қавиландур (ди) жонимни, санма ҳам ой.

Не ўтником Нигисо ёқти ул дам,
Қуя бошлади Борбад сув анга ҳам.

Тузуб барбатни антек ўз чолди.
Ким ўфтониб Нигисо чанг солди.

Хушоҳанг бирла бошлаб бу ғазални,
Кетарди шоҳ кўнглиндин халални.

ХУСРАВНИГ ТИЛИНДИН БОРБАД УЧУНЧИ КЕЗ НАРСА АЙҒАНИ

Кечур бу узр қўлғандинким, эй ёр,
Бу бир ёзуққа узрим минг туман бор.

Агар ҳукмингча бўлмадимса бир кун,
Пушаймон бўлдум эмди, эй юзи кун.

Пушаймонман нечаким ноз қилдим,
Тутулдум уш ўз журмумни билдим.

Неким қилдимса ёзуқ тут сан ани,
Охир бу қон ёшимнинг узри қани?

Кечур мендин келдиса (ушбу) тақсир,
Уёғлиқим шафиъ тутнурман охир.

Бу кундин сўнг соча кўздин ёшимни,
Азақингдин кўтурмазман бошимни.

Азақинг тупроқин сурма қилайин
Санинг хушнудлуқингни ўқ билайин.

Сани жонтек тиламаз эрсаман чин,
Бўлайин ман батаррак юз кез итдин.

Улушум сендин эрди тек салом ўқ,
Ани ҳам кестинг уш, эй шафқати йўқ.

Саломунгдин қулоғ маҳрум эса уш,
Тилим бори сени ўкмак била хуш.

Нечаким қилсам экиндин фиғон ҳам,
Агар сўрсанг санга бўлмаз зиён ҳам.

Манга сан сўрмақинг уммиди хом,
Агар кўнглунгда кечсам ҳам тамом.

Тиласа хотиринг бир раҳм қилсанг,
Бу бағри доғлини ёнингга олсанг.

Тиласанг ҳам маним ул толеъм йўқ,
Бор эрса толеъмим, ким тедиким йўқ.

Ўзум йўқ эрса ҳам рўзум кўрайин,
Не бўлса бори орзунгда турайин.

Чу(н) топман қазғудинман чиқғуқа йўл,
Ман ўлсам қазғуда, сан бори хуш бўл.

Ошиқман, қазғуда ошиқ бўлур зор,
Бегим маъшуқда қазғу не иши бор?

Кучинг боринча ноз этгил манга сан,
Жоним чиқсун чекайин нозинг уш ман.

Агар сан қилсангу ҳам қилмасанг зор,
Куярман қазғунг ўтинда ман озор.

Агар юлунгда ман жон берсам, эй ёр,
Не бушғайсан керакким бўлсанган ёр.

Агар хуснунг боғиндин топмасам гул,
Сан ўз кўркунгда бархўрдор бўлғил.

Чун суҳбат боқи эрмаз, боқи бўл сан,
Не қазғу бўлсаму ё бўлмасам ман.

Маним рўзум керакса елга борсун,
Санинг рўзунг тиларман кунда ортсун,

Нетакким чолди Борбад бу наволар,
Бу янглиғким айитти хуш дуолар.

Икинчи ишқ чақмоқи чақилди,
Ширин кўнгли чароғ янглиғ ёқилди.

Анингтеқ қилди оҳ ул сарви озов,
Ким онинг оҳидин шоҳ қилди фарёд!

Эшитти эрса шоҳ овози ширин,
Кўтурди ўз бўлуб шоҳ рози Ширин.

Қаю пардада Ширин туздиса чанг,
Шоҳ ул парда уза кўтарди оҳанг.

Нетакким тоғқа айса бир киши роз,
Анга тоғ ул сўзин ўқ қайтару (р) боз.

Бу янглиғким ярашти икки ошиқ,
Қўбузчи заҳмати анда не лойиқ?

Бу ёндин хуш тарона кўтаруб ой,
Шоҳ ул ёнда тўнин йиртиб, қилур вой.

Туруб шоҳ юриди Ширин сори,
Хуш ун эштиб, кетиб сабри, қарори.

Кириб шоҳ табғинга ул дамда Шовур,
Тутуб илкин айитти бирдам ўлтур.

Нечаким бормиш эрди Хусрав алдин,
Ўтурди топтиса ал тутғучисин.

Шоҳ андин сўрдиким ушбу хуш овоз,
Не овоз ул, оча бер теб манга роз.

Бу хуш овоз била жонимни олди,
Сени Шовур, кўруб жон қайра келди.

**ШИРИН УЗИ УЛТУРҒАН ЧОДИРДИН ЧИҚИБ,
ХУСРАВ ҚАТИГА КЕЛИБ ҚУРУШГАНИ**

Ҳикоят сўзлар эркан шоҳ, Шовур,
Чяқа келди чодирдин ногаҳ ул хур.

Қилиб парвоз Ширин чин ҳумойтек,
Чиқиб келди булутдин тўлун ойтек.

Кетиб ақли бошиндин, кўнгли тушти,

Азақинга маликнинг югру тушти.

Боқиб Ширинга ногаҳ ул шоҳи чин,
Бошин кўтурди азақда борди алдин.

Не янглиғ хизматиким, қилса ул моҳ,
Қилур эрди ўн онча хизматин шоҳ.

Азақ ўпмакдин иш кечтиса ул дам,
Эрин ўпмак тилар бўлди кўнгул ҳам.

Малик соқиндиким не бўлса бу тун,
Ёқайин ўтни мамуққа туташсун.

Нетак шоҳ хотирин билдиса Ширин,
Ачиғланди, йироқ (роқ) борди шоҳдин.

Анинг ул ишидин шоҳ тонгқа қолди,
Қим ул севнуб яна нек ўфка қилди?

Келиб Хусравқа яшрун Шовур,
Агар ул ой тутулди эрса маъзур.

Уш андинким бу кунга текру ул ҳур,
Чиқарди эзгу от оламда машҳур.

Уш эмди қўрқар улким куч қилиб шоҳ,
Уётдин менгизинга менг қўйса ногоҳ.

Нетак билдиса шоҳ анинг ишини,
Не йўлдин ўтру ул сақланмишини.

Ичиб онт, айди онтек қилмағайман,
Сени кобинсизин ҳам олмағайман.

Йиғиб барча жаҳоннинг эзуларин,
Қилайин теди иззат бирла кобин.

Вале бу тун керакким хуш ўтурсанг,
Қилиб ишрат, аёқ илга кўтурсанг.

Муродин топмаса охир ўзумиз,
Кўрушалинг бори бирдам ўзумиз.

Малик шартин эшитти эрса Ширин,

Очиб ул ой юзин, тарғатти парвин.

Бўлуб лаъл эрни дурлар узра ғаввос,
Яна ул икки зулфи бўлди раққос.

Қилу неш ул шароби арғувони,
Очилди кўнгли, хуррам бўлди жони.

Аёқ йиғроқ юритти эрса соқи,
Севинчдин қолмади (бир) журъа боқи.

Ичарда сақлашу ул бири-бирин,
Тамом хуш асрудилар шоҳу Ширин.

Анингтеқ бўлдилар ул ой бирла кун,
Қим антеқ кўрмамишлар эрди ҳеч тун.

Анингтеқ бўлдилар усрукким ул дам,
Унуттилар бу шаҳват отини ҳам.

Уюн бошлади ул дам икки ошиқ,
Фараҳ айи кўнгулдин қазғуқа чиқ.

Кўнгул рағбат қилур эрди, валекин
Не қилсун сақлар эрди шоҳ шартин.

Иликга кирди теб дўст кўнгли ул бек,
Чиқар эрди ёзисиндин чечактеқ.

Юзинга бир замон суртуб юзини,
Кетармаз эрди менгизиндин кўзини.

Гаҳи бўйнин қучоқлаб ўйнаю шоҳ,
Гаҳи лаъл эрнини сўруб, қилур оҳ.

Гаҳи илга олиб олма сақоқин,
Сурар эрди янгоқинга янгоқин.

Гаҳи ўйнаб кумушдин нори бирла,
Ақиқин тишлар эрди хори бирла.

Гаҳи сочлари занжири (н) чўзуб ул,
Камартеқ боғлар эрди белинга қўл.

Гаҳи шаккар ошаб ул лаъл эриндин,

Сўрар эрди жулоб оғзи териндин.
Гаҳи тонглаб анинг қиртек қароқин,
Боқа қолур, кўруб андоми оқин.
Гаҳи тонглаю тинглар ўз сўзини,
Кетармаз юзидин ҳаргиз кўзини.
Гаҳи айтур маним жонимға жонсан,
Не жонким эмди ҳам жону жаҳонсан.
Топиб Ширинни антек севди шоҳким,
Шакарни солди, онжоқ бу тилагим.
Нечаким рағбати ортти эрса ғоят,
Ўюнға қилди ул тунла қаноат.
Ики ёндин бор эрди майл, валекин,
Соқиндилар, соқиниб, эзгу отин.
Қилур эрди садаф ўз дуррини пос,
Ким онгсиз топмаса теб ногоҳ олмос.
Ўбушу, ўйнашу ўлтурдилар хуш,
Қилу бир-биринга тонгқа теки нўш.
Ҳаводин субҳидам қилғинча овоз,
Бу ялнур, ул қилур эрди ҳануз ноз.
Бу янглиғ гаҳ узр, гаҳ ноз бирла,
Кечурдилар ўюн эъзоз бирла.
Қилу кундузла ирғалу тамошо,
Қилурлар эрди хушлуқ ҳаддин оша,
Мунунгтек завқ бирла кечру ҳар кун.
Яна ўтруб уймадин узун тун.
Ўбушмак каъбатайни ул икки ёр,
Солиб нарди қаноат ўйнадилар.
Яна сексинчи кун усрук бўлуб шоҳ,
Бузулмасун бу шартим тию ногаҳ.
Буюрдиким икинчи ул тўлун ой,

Яна ўз бурчинга теркин қайитғай.

Черик юлдуз менгиз йиғлиб қотинда,
Туруқтилар борурқа хизматинда.

Ким отлансун табуғинда боралинг,
Оғирлаб ўз еринга еткуралинг.

Равон отланди Ширин сурди етти,
Табуғ қилди черик қайра қайитти.

Кун олтун елканиким ўтру кирди,
Кемитек ғарқа бўлди, тун йўқолди.

Малик ҳам манзилиндин тарк кўчти,
Мунуб Шабдизинга қуш янглиғ учти.

Етиб элга яна бошлади ирғал,
Сув ўрнинга улаш оқти чақир бол.

Очиб ганжлар қабуғин шоҳ ушул кун,
Улаштурди жаҳон халқинга олтун.

Бу қор янглиғ кумушдин бўлди ер оқ,
Анингтек ул кумушни ким сочар боқ.

Қаю кимда кумушнинг кони бўлса,
Улаштургай неча тан жони бўлса.

Укуш дахл эрни жу (вон) мард ўгратур бил
Нарса билмаса, не сўзласун тил.

Ер урлуқ олмайинча бермаз ошлиқ.
Ҳаво дарёдин олса сўнг берур жиқ.

Яна юлдузчиларқа айди ул шоҳ,
Боқинг бир яхши кундин бўлуиғ огоҳ.

Муборак эзгу, хуш вақти тобунгким,
Маним кўнглумча битсун бу тилаким.

Ярашсун ой бирла кунга ёвушмоқ,
Тутулмадин кун ой бирла қовушмоқ.

Расад боғлағучи устодлар ҳам,

Тилакка толеъ эзгу теди бу дам.

**ХУСРАВ ШИРИНИ ҚАСРИДИН УНДАТИБ
МАДОЙИНҚА КЕЛТУРГАНИ**

Ўрун бердиса ул перузадин тахт,
Очилди анда Ширин узра бу бахт.

Тузуб кўп турлу нанг ул кун шоҳи чин,
Кетурди текма турлук жонвардин.

Минг эрди тек қаро кўзлук тева туз,
Безакли барчаси бир-биридан ўз.

Яна минг от темур бўз туси ер ҳам,
Мурассаъ барча олтуинди эяр ҳам.

Яна юлдуз оқ кўзлук тевалар,
Минги ҳам барча бир-бирига ўхшар.

Яна минг кун менгизлик кўрклу қизлар,
Ким ой ўзин аларни кўрса кизлар.

Яна лаълу жавоҳир, неча харвор,
Кумуш, олтуин неча тесанг не сон бор.

Тек ул ерга тўшагу ғолилардин,
Не юзким, бор эди бешюздин ортуқ.

Тақи ўлтурғу олтуин чумчағар ҳам,
Мурассаъ лаълу дона бирла бир там.

Бу янглиғ қилди (тортти) кобин (ин) тузатти.
Боринг, кетрунг Ширинни теб, узатти.

Кириб йўлга нетакким тебрадилар,
Кўрукли кўрмадук мунтек тедилар.

Тенгизтек ер уза жавҳар ёйилди,
Ҳаво олтуин, кумуштек ранг олди.

Улус бекларию хотунлари ҳам,
Яна эл эзгулари бирла бирдам.

Соча дурру жавоҳир йўлга кириб,
Чиғайлар бой бўлди йинжу териб.

Парилар от уза бўлуб равона,
Уюнчилар чолиб чангу чағона.

Тузуб мунтек яроғлиқ кўрклу ойин,
Йироқ бўлсун ёмон кўзлук кун ойин.

Севунч(и)лаб келдилар Ширинга мунтек,
Қим андин иззат ортуқ бўлмаз, эй бек.

Бу янглиғ кўп оғирси поз бирла,
Ширинни элтдилар, эъзоз бирла.

Мадойинга нетакким етти Ширин,
Оғирлаб ўтру чиқти Хусрав элдин.

Кўруб Ширинни севнуб шоҳ ул шул кун,
Бойитти элди сочмоқдин кўп олтун.

Анинг ул анча ёрмоқ сочмақиндин,
Ҳануз ёрмоқ унар балиқдин уш чин.

Ҳамал буржинга етмиштек тамом кун,
Етиб шоҳ қаршисинга энди ул кун.

Буюрди шоҳким элнинг билкаларин,
Уқунгиз келсулар теб бирга борин.

Йиғилди эл улуғлари қотинда,
Утурдилар кечиб шоҳ хизматинда.

Буларга айди Ширин қиссасиндин,
Айиттиким билинглар барчангиз чин.

Қим уш Ширин манга ҳам жуфту ҳам ёр,
Эрур неча оғирласам ери бор.

Узи мандин ориғ бу меҳри бирла,
Қим ўлтурғай анингтеқ муҳри бирла.

Ани жуфт қилсам ўзумга ярар ўқ,
Қим андин ўзга бирла завқ манга йўқ.

Чечак вақтинда илға хуш келур жом,
Қилур жуфти бирла текма қуш ором.

Укуз буйнинга гар жуфт урмасалар,
Қачон бугдой била тўлғайди анбор?

Уқуб барча улуғлар қилди таҳсин,
Қим уш лойиқ эрур теб шоҳқа Ширин.

Шаҳаншоҳ ҳам тутуб Ширин илкин,
Буюрдиким қилинг теб эмди кобин.

Ризо бердилар эрса ул икки ёр,
Тўраларинча кобин боғладилар.

Туруб кертак эвинга кирди Ширин,
Қуруб тўй, ичку бошлади шоҳи чин.

ХУСРАВ ШИРИН БИРЛА ТУРУБ, КЕРТАККА КИРГАНИН БАЕН ҚИЛУР

Саодат бир чечакни баслар андин,
Кезин издар олурқа одамисин.

Тенгиздинким чиқарур дона ғаввос,
Бўлур оз вақт ичра тож уза хос.

Нетак жуллобтек бўлдиса Ширин,
Сало қилдиким ўпгил, эй шоҳи чин.

Ич эмдиким бу шарбат нўш бўлсун,
Бошинг Ширин била ўқ хуш бўлсун.

Тею бу сўзни бир эзгу кишидин,
Бориб айғил теди сақласин ўзин.

Қим ушбу тунла ичмак боқи қилсун,
Мени ҳам ичкую ҳам соқи қилсун.

Ичиб, усрук яқинлиқ қилмасунким,
Сўнги ё билмадим тегай ё билдим.

Бўлур усрукда неча билка уссуз,
Ангар ош, анда не тузлуқ, не тузсуз.

Муроди усрук эркан элга кирса,
Керакмаз билмадин сўнг (ра) екру турса.

Қаю бир ишким усрукда қилинғай,
Этилмиш чоқда азроқи билинғай.

Укуш усрук бузуб ўз-ўзи қуфлин,
Этилди, қилди фарёд ўғрилардин.

Шоҳ онглаб қулди маъносин сўзининг,
Айиттиким, эрур фармон ўзининг.

Валеким эрди ичмакнинг кунни чин,
Тия билмади ичмакдин шоҳ ўзин.

Нигисо бирла Борбад кўтуруб овоз,
Тузуб, теб-тенг чалар (лар) эрди хуш соз.

Убуб ер Зухра қилнур эрди афгон,
Қачон бор одамитек турғу имкон.

Гаҳи Борбадқа айтур жомда сусун,
Ёнгилма қўбса, иликинг бор бўлсун.

Гаҳи соқинға айтур сўзлашиб қил,
Аёқ илкинда оз тутғил равон қил.

Малик Ширин ёдинға қилур нўш,
Азақ элдин кетормаз, бош қилур хуш.

Нетакким бўлди кертакка борур чоқ,
Йигит, қиз бирла бўлур чоғда оғлоқ.

Анингтеқ усрук эрди ул шоҳи чин,
Қим элттилар ани кўтруб ериндин.

Малик усруклигин кўрдиса Ширин,
Яна сақландию, сақлади ўзин.

Ўзин ол бирла шоҳдин кетз (ла) ди ул,
Қим усруклукда очмасун тею йўл.

Зарифлуқ қилди ҳаддин таш тарифлуқ,
Қим усрук бирла бўлмаз теб ҳарифлуқ.

Бор эди бир қари қуртға қотинда,
Бўлур эрмиш аноси хизматинда.

Не айтай биз азиғлиқ бўритек чин,
Бўри эркан билур ул тилкулукдин.

Эзилмиш мешктек тўшлари сарқиб,
Қим ул дев қочғай эрди кўрса қўрқиб.

Бўзи ётек эгилмиш, сингари қурлуб,
Аёқи қолмиш ишдин, бели бузлуб.

Чуримиш ҳинду гўзитек сақоқи,
Қуюғтеқ чўнграриб икки қароқи.

Қуруб ҳанзил менгизлик бошда мағзи,
Бузулмиш гўр янглиғ очлиб оғзи.

Ики кўзлари қошларинға бослиб,
Буруни фил ҳартумитек ослиб.

Эрини чеврулуб кечмиш энгакдин,
Нетак айтай ман ул чигриқ васфин.

Безаб ани ўз ўрнинга ётурди,
Қириб ўзи тутуғ ичра ўтурди.

Синайин теб, малик ани билурму,
Бу ойдин (ул) булут фарқин қилурму?

Анингтеқ усрук эрди шоҳ ушул кун,
Бақирдин фарқ қилмаз эрди олтун.

Вале ҳам ақли анча бошлади йўл,
Қим уш йиграк эрур мундин тею ул.

Овумға кирди тею эмди оҳу,
Уқин кезлаб урайин теди ўтру.

Боқиб қарға ҳумой ўрнинда кўрди,
Булут юзлукни ой ўрнинда кўрди.

Кўнгулда айди бу не аждаҳо ул,
Хаёлму бу манга, ё не бало ул.

Не Ширинким бу оғу бирла ўлдум,
Ширинга нўлди, ёхуд ман не бўлдум?

Вале не қилсун усруклуқ уруб йўл,
Гумон элтти ажаб йўқ бўлса теб йўл.

Уруб қўл усрук арслонтек анга шоҳ,
Бузуб йиғиб ушатти шиша ногоҳ.

Қучун уни чиқиб айдиким, охир
Уларман чора қил, теб, эй қизим бир.

Эшитти эрса Ширин қуртқа унин,
Тия билмади ул ҳолатда ўзин.

Равон ул пардадин чиқти, югурди!
Урундин қуртқани чиқ тею сурди.

Бўзи сарвин хиромлабким юритти,
Юзи нуриндин ул эвни ёрутти.

Тўкар шаккар оғиздин, худ не шаккар,
Қачон шаккар анга бўлғай баробар.

Хажил, кўрки қотинда кўкдаги ой,
Чечагиким эрур юз ёздин ёй.

Анингтек жонни топсангким ҳалол уш,
Нақл учтмоҳ эрур антек жамол уш.

Кўрукли худ соқинғай эрди бойиқ,
Чин учмоҳ шарбатитек жонга лойиқ.

Латифлар кўнгли издаган тегук ёр,
Тамом хирмон чечактек қадди, йўқ хор.

Юзиндин муштари юзи хижил ҳам,
Юрушиндин уёлур тоғда чил ҳам.

Менгини кўз кўруб минг мунгда қолур,
Яна менгизинга боқмоққа уёлур.

Янгоқи жон боғиндин насим ул,
Яна оғзи ақиқу ҳарфи мим ул.

Қулоқи бұйиндин дона фиғонда,
Янгилдим, онда худ дона не сонда.

Янгоқи ол чечак янглиғ хуш очлиб,
Сочиндин мушку анбар гулга сочлиб.

Яратилмиш тиши ҳам эрни ишқдин,
Тиши эрни, эрин тиш кўрмамишдин.

Қулоққа текру тортиб қоши ёсин,
Тутар кўрган киши ўз жони ёсин.

Жаҳонни куйдурур жоду қароқи,
Олур жонларни ул андоми оқи.

Кумушдин олма янглиғ оқ сақоқи,
Нозуклукдин ўта кўрнур тамоқи.

Карашмаси ёқар жону жаҳонни,
Олур бир ишва бирла танда жонни.

Хусн боғинда етлиб барча емиш,
Вале йўқ емишиндин кимса емиш.

Гулу шаккарга бу гул худ не шаккар,
Не ўхшасун анга оллоҳу акбар,

Ул ой юзлук юзиндин қоб-қора тун
Ёруғ бўлди тамом, туғмиш менгиз кун.

Боқиб ул шоҳ хуснга бойни кўрди,
Соқиндинг девни кўрган ойни кўрди.

Равон девонатек ёпшунди ётти,
Уянди бир замон, осойиш этти.

Кетиб усруклуки ҳам уйқу қонди,
Саҳар вақтинда давлатдек уянди.

Кўрарким хуш ётур қўйнинда ул ҳур,
Юзиндин кун менгизлик балқию нур.

Айитти маслаҳат йўқ сабр этмак,
Исик топти тандур, ул ёпти ўтмак.

Йипор тавқ икки буйнинда осилмиш,
Кумуш нор икки тўшинга қисилмиш.

Бунафша гул била қилну муножот,
Шукр айтурким иш сўнг қўймоқ офот.

Булутким кетти ул ой (нинг) юзиндин,
Қарорсиз бўлди ул соат шоҳи чин.

Қириб хуш шаккаристонда топуб йўл,
Табарзод (ни) қўпордию, тўкти қанд ул.

Не андин хушроқ ул кўрмиш эрди,
Не андин тонглағу тонг кўрмиш эрди.

Бурун бўлди чечак (термак)ка машғул,
Қучоқлаб буйнини (не), ҳалқа қилиб қўл.

Уш андин қилди ўз ишқинда овоз,
Сало тоза емишни қилма теб ноз.

Гаҳи илка нору сунбул ўйнаб олди,
Гаҳи олмау самандин нуқл қилди.

Гаҳи ўйнаю севнуб, қилну парвоз,
Қолур эрди кўгарчин остинда боз.

Қурашмиш янглиғ арслон бирла оҳу,
Гаҳи ўйнаб йиқар ул, гаҳи йиқар бу.

Уюн кертига чевруб асрлон ул дам,
Равонким бости, урди панжа, маҳкам.

Ҳисори кўрди дурдин, қабғи боғли,
Тамом ул ганж қўймоққа яроғли.

Не солимлар қўли куч этмиш анда,
Не мазлумлар азақи етмиш анда.

Ақиқдин муҳр ёқут бирла бузди,
Муродининг чечагин топти, узди.

Тешиб лаъл ул равон игна кечурди,
Тўқуб сув кўнглининг ўтин учурди.

Қаронгқулуқ менгиз туну хизир шоҳ,
Балиқ мангу сувинга изди ногаҳ.

Айитмазман ўқ урди теб нишонқа
Улаштурди равон ул жонни жонқа.

Гулоб қуйди кумушдин жом ичинда,
Эритти шаккар ул бодам ичинда.

Садаф маржон табақи бирла ёнмиш,
Сизурмиш сув севуклук ўти ёнмиш.

Шакар булмиш ўшул сув бирла жулоб,
Тўшак тўлмиш оқиб шингарф симоб.

Қилиб тарк уйқуни анлар узун тун,
Баёқи пеша туттилар ушул кун.

Яна бир куну бир тун сует қолиб,
Асойиш қилдилар югру толиб.

Қучушуб лом алифтек ул ики ёр,
Уюди бирга Ширину жаҳондор.

Нетакким уйқудин уйғонди онлар,
Муродинға текиб муштоқ жонлар.

Қириб сувқа, ювнуб танларин андин,
Айиттилар юзига шукру таҳсин.

Уш андин ўлтуруб шоҳ бирла Ширин,
Фориқ бўлмадилар бир ойча тўйдин.

Хумайлоу Суман Турку Хумойин,
Қилиб фитна била қўлларни гулгун.

Малик хилватда бир кун ўтрур эрди,
Бу қизларни ма ундатти, кевурди.

Қилиб анлар яроғин барча ул кун,
Бағишлаб кўп жавоҳир юнчи, олтун.

Хумоюнни Шовурқа берди ол теб,
Ман олдим шаҳд, ол қарғуси бол теб.

Суман Туркни ҳам ул Борбадга берди,
Ҳумайлони Нигисо жуфт қилди.

Хўтан хотунни услуг теб жаҳондор,
Бузург Уммидга ул бўлсун теди ёр.

Нетак ёр бўлдиса Шовурқа давлат,
Укуш қилди тер ул вақтда иморат.

Иморатларким ул Шовур қилди,
Аюрларким бу кунга текру қолди.

Маликка давлатким бўлди ҳамдам,
Уш андин ирғаю ўлтурди хуррам.

Йигитлику муродунг бўлса хонлиқ,
Не хуш тирлик, йироқ бўлсун ёмонлиқ.

Иши йўқ эрди ирғалдин азин ҳеч,
Йўқ эрди қазғуси андин кезин ҳеч.

Ошаб ожун кечурмаклик қилу нўш,
Ожун қазғуси емакдин талим хуш.

Билур эрди жаҳонни қазғу тею,
Асиф йўқ емакиндин қазғу йию,

Жаҳонни едию едурди неъмат,
Қазо қилди ул онча йилқи ишрат.

Нечадин сўнг боқиб шоҳ ўз ишинга,
Хижил бўлди ул ишлар қилмишинга.

Сочи қўтруб қарилиқдин нишон ул,
Йигитликни узатти кўрғазиб йўл.

Не бор йўқлиқ била борлиқ ароси
Кўруб кўзлук кишининг тек тўроси.

Қаро соч аро ким оқ келтурур бош,
Қувармоққа юз урмиштек эрур бош.

Бинафша боғда ул чоғда очилур,
Ким, ул ёсмин кўзи уйқуда бўлур.

Қаронғу тунда ончақа теки ҳам,
Бўлурким бош кўтурса субҳ уза дам.

Агар итким ивиқ овлар ҳамиша,
Қариб они ивиқ бир келмаз иша.

Ироқ тушмишда ўқдин турк ёси,
Қари мутриб бўлур бир эски дафли.

Йигитлик бирла соғлиқ бўлса давлат,
Нетак бермаз тириклик хуш ҳаловат.

Қариликда сўкаллик топса ҳам ул,
Не тош жонлиқ кишиким ўлмагай ул.

Бўлур ул чоқда боғнинг хуш ҳавоси,
Ким эсмаса қувармоқлиқ балоси,

Бу кўк ёш узра қор ҳам сочса кофур,
Совуқ ел бирла бўлур боғ маъзур.

Қароғу чолса бўғдой мағзи бўлмаз,
Қариликда йигитлик қайра келмаз.

Тўқулмишдин кезин хом эрса биз ҳам,
Ер ул тўқмоқ захмин кеслу ноком.

Қозонким кўпугин кетрур бошинға,
Тошиб нуқсон кетрур ўз ошинға.

Бовурчи ҳиндунг айғилким соқинсун,
Тегирмон бор ўнгинда оқ этар ун.

Бовурчинг оти анбар эрса кетар,
Ким они бу тегирмон кофур этар.

Йигитликка етсанг бош очма савдо,
Туғар савдодин ул қоч кунги ғавғо.

Қариликким бўлур ич узра ваблон,
Қувар бошдин ушул савдони холи.

Йигит сўрди қариғаким не тадбир,
Ким ул ёрим қочар мен бўлсаман пир?

Қари айди қарисанг сан тақи чин,
Бурунроқ қочғасан мантек ёрингдин.

Қаю бир бошғаким ожун соғар сут,
Аритур суттек бўлурда йўғурт.

Қаролар кўнглинга қазғу қотилмаз,
Уш ондин қазғу ўтин занги билмаз.

Уён, эй кўзким, оқарди бош эмди,
Ўсал турмағил, ўлтурма хуш эмди.

Сочинг мамуқтек оқ бўлди уш чин,
Тақи мамуқ чиқармазсан қулоқдин.

Кўруб ёсмин бинафша ора ул шоҳ,
Қарилиқ ўтмишиндин бўлди огоҳ.

Нечаким хуш тириклик пеша қилди,
Вале ожун ишин андиша қилди.

Гаҳи нард ўйнаб бу бахт узра ул бек,
Гаҳи Шабдизинга отланди тахттек.

Гаҳи ул Борбад шоҳдин қилу нўш,
Гаҳи Ширин била қучушуб ётур хуш.

Ширину Борбад ҳам тахту Шабдиз,
Бу тўртга овину кечрур эрди Парвиз.

Уза кўрган туши ёдинга келди,
Бузулмоқдин кўнгул огоҳ қилди.

Билур эрди вафоси йўқ жаҳоннинг,
Хароблуқ теб сўнги бу обадоннинг.

Ёруқи ортар ой бўлғунча тўлун,
Кетилгач эксилур нури икинчи кун.

Нечаким мева хом эрса улолур,
Агар кўп пишса тўклу ўқ йўқолур.

ШИРИН ХУСРАВҚА АДЛ ДОД ҚИЛҒУҚА ПАНД
БЕРГАНИНИНГ СЎЗЛАРИ

Утурмиш эрди бир кун шоҳу Ширин,
Кечар эрди сўз ул доду адлдин.

Угутлаб айди Ширинким, аё шоҳ,
Тамошо қўй, адл қил, бўлғил огоҳ.

Жаҳонни обадон қилдинг бурун хуш,
Хароб қилма зулм бирла яна уш.

Укуш ирғал кечурдунг хуш жаҳонда,
Кел ўз вақтинга охир бу замонда.

Нетак бир инак сут берса ўнгдин,
Тепуб сўнг ўзи ерга тўкса сутин.

Сокинким ногаҳон зулмунгда мазлум,
Сўнгунча қарғамсун ким бўлур шум.

Қари хотун саҳарда ўқ нишона —
Уруб текурмасун ишингни жона.

Не фойда қилғай андин сўнг пушаймон,
Мулк бермишда сўнг илкингдин осон.

Неча кўзгуким ул шоҳлар алидин,
Қарортиб солди мазлумлар оҳи чин,

Қачонким эрга давлат ёри қилмаз,
Не иш қилнур ул ҳеч ишга келмаз.

Қачон боғ япроқиким бўлса кучсуз,
Хазон ондин уруб, очлур анга куз.

Қачонким ул чироғ ўчмакка ёвушур,
Бурунқитек йўл ул бермаз бўлур нур.

Тўлуким дона боши узра ёғғай,
Шаки йўқ дона йизғи йўқға оғғай.

Ағочким аввалинда эгри битса,
Ани ўт бўлмаса, бўлмаз туз этса.

Укуш эл қарғишин олма соқинғил,
Райият асрамоқ яхши эрур бил.

Уш андин қўрқар уш кўнглумким, эй ёр,
Узоқи билкаларнинг бир сўзи бор:

Қаю хондин райият бўлса озор,
Темишларким қолур ёлғуз бўлуб хор.

Жаҳонда сантегук бир йўқ соқинма,
Яратганға шукур қил, асру қайтма.

Сан ўз фойданг учун бир пандим олғил,
Райиятга зулм қилма, адл қил.

Ушул хонлиқда ман ҳеч фойда кўрман,
Ким эрким бор теб эл озорласанг сан.

Сан ушбу давлатинға бўлма мағрур,
Ким онгланмаз бу давлат бошда турур.

Уқи Доро-ю Жамшид қиссасин бил,
Ҳам анлартек неча кечти, соқиш қил.

Уқуб Ширин сўзин шоҳ онгладиким,
Тилар тею маним бу эзгу отим.

ШИРИН БИРЛА ХУСРАВ УЛТУРУБ, ХУСРАВ БУЗУРГ УММИДДИН САВОЛЛАР ҚИЛУР

Бузург Уммидни ундатти қотинда,
Умид бирла ўтуртти хизматинда.

Ким эмди бу умунчум сендин ўқ бор,
Оча бер мушкулимни, ҳал қил, эй ёр.

Хабар берким ожуннинг аввали не?
Билурунгча оча, айра манга де.

Жавоб айдиким: андин биз ма қўлдуқ,
Ул аввал пардадин (биз) ташра қолдуқ.

Бу сўз сўнг келгучидин рост келмаз,
Бурунқини бурунқилар билур бас.

Яна бу пирга сўрди ул жаҳондор,
Қим уш мунтек соқиш кўнглумда кўб бор.

Уза айғилким ушбу кўкни ул чин,
Ичинда жоннар, не бор тоштин?

Жавобин айди нукта билгучи пир,
Ироқ қилдинг савол теб, эй жаҳонгир.

Неким бу гунбад ичра кўрну юрур,
Ҳам андин сўзлар сўзни бу не бўлур?

Бу тубдин ташра соқиш қилса бўлмаз,
Ани бир тангридин ўнг кимса билмаз.

Ушул суратким ани кўрмади кўз,
Раво эрмаз уш андин сўзламак сўз.

Улуғларким фалакдин сўзладилар,
Бу сирни кўп кишидин кизладилар.

Фалак қабғи кишига боғли дойим,
Нетак сўз қабғин андин ман очайин.

Яна сўрдиким: ушбу мунча юлдуз,
Қим уш тингмаз юлдуз (лар) тунма кундуз,

Эшиттим текма юлдуз бир жаҳон теб,
Азин ер, кўк мунунгтек обадон теб.

Кўрарманким сўзунгда ҳеч риё йўқ,
Манга тек турмоқлиқ ҳам раво йўқ.

Жавоб айди: муни ҳам биз эшиттук,
Вале билмакликинга жаҳд эттук.

Тиладук эрса бу суратда ҳол ул,
Расад кўргузди бу маъно муҳол ул.

Яна сўрди: бу ерда нек юрурбиз,
Не ердинбиз, яна қанда борурбиз?

Жавоб айдиким: ушбу пардадин роз.
Очилмади кишига, билса бўлмоз.

Бу манзилдин ушул олам йироқ ул,
Раво йўқ сўзламак сўз, кўрмадин йўл.

Қачон бу тутховуллар кетса йўлдин,
Сан ўз йўлунг кўруб худ билгасан чин.

Яна сўрдиким: эй, билки тенгиз пир,
Сўзум тинглаб жавобин айтингиз бир.

Ажаб биздин ўза кечган азизлар,
Нек аймаз кўрганин бизларга кизлар?

Кўрарбизким қамуғ ерга кирурлар,
Бири аймаз алай келдим, булай бор.

Жавоб айдиким: эй шоҳ англа бойиқ,
Бу ожун нақди барча ул жаҳонлиқ.

Тузулмиш бу тизим (қил) узра бу соз,
Мухолиф бўлур ортуқ қилсанг овоз.

Нафас ўт узра урсанг дам тутар дам,
Яна ўт сувқа солсанг терк ўлар ҳам.

Яна бир зиракона соқшаб ул шоҳ,
Саволи қилди, қил теб мени огоҳ.

Жаҳон топти эрса жонни ушбу ерик,
Недин бизларга кўрнур тушда ойтек?

Агар жон азрилиб қолди эрса бу тан,
Бу жонлар қани, қанда қилди маскан?

Айитти пирким: бу маҳкам савол ул,
Вале жон тансизин кўрмак муҳол ул.

Не ҳаргиз тансизин жон сўрса бўлур,
Не жонсизин не тирик кўрса бўлур.

Нетакким жонсизин тан ишга келмаз,
Яна тансиз бу жонни билса бўлмаз.

Яна айди: агар жон эрса ҳосил,
Бу тан ҳам бўлмаз ўхшар асру ботил.

Кўрарбиз мунча суратким йўқолур,
Не бўлур оқибат, ул қанда қолур?

Кўрарбиз мунча сурат тушса ул не,
Тану жон биргаму, ё жон манга де?

Жавоб айдиким: ўлганлар хаёли,
Кўнгулда бор уш андин ўтру ҳоли.

Фикр уйқуғаким бўлур харидор,
Манга кўнглунгдаки кўрнур, эй ёр.

Яна айди: ажаб ўлмишди кезин,
Бу оламни соқинғайбизму эркин?

Жавоб айди: билик ўгранган устод,
Ким ахсант, эй билик дарёси бўл шод.

Сан ул нурсанким ушбу тандин ўнг бил,
Бор эрдинг етти қат кўк узра кўз йил.

Нишонлар сўрсам ул ердин санга ман,
Билурман ҳеч не эрса билмагайсан.

Агар кечсанг бу дунёдин-ма антек,
Муни ҳам билгамусан билман, эй бек.

Кишиким онгламаса тунки ишин,
Унутсанг тонгму ҳам бу тунли ишин.

Яна сўрдиким: эй кўнгли ёруқ пир,
Киши кўнглинда соқинч не айт бир.

Жавоб айди: не билгуртса жаҳон теб
Тушар антек учун соқишқа жой теб.

Яна шоҳ айдиким, эй билка устод,
Табиблукдин неча сўз қил теди ёд.

Жавоб айдиким, эй шоҳи жаҳони,
Жаҳон халқинга сан тан ичра жони.

Табублук бир нанг ичра кезлик, эй шоҳ,
Ани ҳақ бизга айтиб қилди огоҳ.

Егил, ичгил, валеким чақла теди,
Не кўп, не оз, ўзунгни сақла теди.

Кеч оздин, ҳам ема кўпким ҳаром ул,
Тек ўрта чоқни сақлаким тамом ул.

Ики зийрак эшиттим бир замонда,
Етиб бир хуш булоққа, ўтруб онда.

Бири озроқ емиш жон бесланур теб,
Бири тан кучланур тею укуш еб.

Соқин сақламадин емишлариндин,
Бири тўқлуқда ўлмиш, бири очин.

Яна танлардин ушбу жонлар тер,
Нетак азрилу эрки, бир хабар бер.

Жавоб айди: кўрунмамиш йўл ул бил,
Эшитмишимни айтайин, эшитгил.

Эшиттим бор эмиш тўрт билка аввал,
Бўлуб ул тўртининг жони мусалсал.

Талим сақшаб бу мушкул ишни анлар,
Нетак тандин чиқар теб ушбу жонлар?

Бири айди: киши тушингда кўрса,
Узин икромда фарқа бўлу турса.

Уқуш қатланса қуртулмоққа андин,
Сўнги ул қутқару билмаса ўзин.

Нетак уйғонса қўрқуб уйқусиндин,
Ангар ўхшар теди, жон кўчса тандин.

Икинч билка айтти: эркли тангри,
Яратиб кўкда тортмиш бўлса қарши.

Йиқилса ногаҳон бир шахс андин,
Ёбушса бир сингирга қўрқуғиндин.

Осилмоқдин билаки сует бўлса,
Яна қўйса ўлар, бу мунгда қолса,

Сўнги ерга йиқилса кучи кетиб,
Мунгар ўхшар теди кўп соқиш этиб.

Учинч билка айтти: кўрса чўбон,
Бўри кирса қўй (н) инға кутар эркан.

Бўри қўй тутса, тортиб олса суруб,
Чўбон ҳам бир бутини тутса юруб.

Чўбон қутқарғаму ман тею тортса,
Яна бўри қопуб тортмишча йиртса.

Чўбон топмаса ҳеч қуртқорғу чора,
Бўри таласа, қилса пора-пора.

Мунунгтек берди ўлмактин нишон ул,
Қиёс этиб сўз айди топмадин йўл.

Яна тўртинчи билка айди: бу роз,
Ҳам ўхшар ул кишининг ҳолинга оз.

Ким ойтек қўйнинда жонона бўлса,
Яна ул ой юзи девона бўлса.

Не хотир кечса антек кўркидан ҳам,
Ярашмоққа не имкон бўлса бир дам.

Сўнги девоналиқи кечса ҳаддин,
Зарури қочса андин соқлаб ўзин.

Фикр майдонида суруб улар от,
Уқидилар варақ кўрмадин ўнг хат.

Уларда текма бири қилди ҳайҳот,
Ул ўюндин йироқ теб ушбу шаҳмот.

Улумдин сўзлаган кўп, билса бўлмаз,
Улумни ўлмадин ҳеч кимса билмаз.

Магар пайғамбарлар билгай анжақ,
Уларни қилди маҳрам розқа ҳақ.

Бу маъсумларқа сўз бўлди ҳаволат,
Малик айди: бу аср ичра рисолат.

Қилур даъво, бир оз терлар иззатда,
Бу сўзни эшитиб уш қолдим ажабда.

Ким эрмиш даъвиси ҳам ростму не ул?
Бизнинг дин бирла дини фарқи не ул?

Жавоб айдиким: ул ҳарфи илоҳи,
Фироқдин тош ул, эй дунё шоҳи.

Халойиқ барча гунбад ичра сўзлар,
Бу эр овози гунбаддин тош ўхшар,

Не юлдуз, (не) фалакдин сўзлар ул уш,
Ким анлар нақш, ул шогирд наққош.

Қилур ул бу тўқуз кўк узра парвоз,
Нетак айтай ман андин билмадин роз.

Қони қайнади қўрқуб Хусрави чин,
Қабоб андоми нетак (ким) қайнар ўтдин.

Вале чун бахт ёри қилмади, ул
Бу дини Аҳмадига бутмади ул.

РАВ УҒЛИ ШИРУЯ ҲИКОЯТИН БАЕН ҚИЛУР УСТОД

Уқуб Хусрав бу ҳикмат тахтасин чин,
Жаҳондин кечмадин кечти жаҳондин.

Яна Марямдин анинг бу суфатлиғ,
Бир ўғли бор эрди Шируя отлиғ.

Эшак мағзи емиш, бир қатти кўзлук,
Бағоят хира, юзсуз, аччи сўзлук.

Кўзи кўк, юзи сариқ, зишт, мудбир,
Раҳимсиз, кўнгли, бағри тош, кофир.

Эшиттимким ул ўғлон эркан ўнгдин,
Қачонким олди Ширинни шоҳи чин.

Кўруб ул чоқда айтур эрди: Ширин
Манинг бўлса не бўлғай эрди эркин.

Кичик эркак мунунгтек бўлса офат,

Қиёс этким не бўлғай топса давлат.
Ҳамиша шоҳ озор эрди андин,
Ичинда бор тею тўлуқ ҳасад, кин.
Бузург Уммидга айдиким: эй оқил,
Бу девдин кўнглум эмин эрмаз уш бил.
Бу шум юлдузлидин кўрқарман, эй ёр,
Анингким толеъин онғларман, эй ёр.
Бу зиштдин эзгу хислат келмагай ҳеч,
Бу йиғлоқ юзлидин эл кулмагай ҳеч.
Қишитек ўқ тоблаб қилнурми бир боқ,
Узинга хуш келур, қилнур анжоқ.
Биликдин бир асар йўқ ҳам сўзинда,
Қувармиш, тош менгиз сув йўқ юзинда.
Не меҳри бор манга, не худ Ширинга,
Не хуш сўзлар ўёлари биринга.
Боқар Ширинга ул дев антек, эй бек,
Эшак полончиларқа боқмиштек.
Мени худ қўй, кўзинга бир йилонман,
Агар душман не эрса, ман ҳамонман.
Қамуғ хотун(лар)ни хотун тема зинҳор,
Яна барча ўғул тенг эрмаз, эй ёр.
Тикан барча чечак қилмаз соқиш қил,
Яна барча қамиш бермаз шакар бил.
Укшу ёр бор, қаёшдин кўп вафолиғ,
Яна ётдин қаёш бўлур жафолиғ.
Талим туғфонким ўлтурди атосин,
Темур тош кесмиштек бу масал чин.
Бузург Уммид эштиб айди, эй шоҳ,
Қамуғ эзгу, ёмондин кўнглунг огоҳ.
Тутайинким ёмонлиқ қилди асру,

Охир ўз гавҳарингнинг пораси бу.

Уғулқа хасмлик қилмоқ хато ул,
Уруғсуз қўзмоқ ўзни не раво ул.

Киши жон порасинга қасд этарму,
Агар қасд этса бадномлуқ кетарму.

Недин тут тераки тўқмоқ ер уш чин,
Анинким бош қузи асрар емишин.

Сан эзгусан, ёмон бўлмағай ул ҳам,
Тузалғай яхши, мунтек қолмағай ҳам.

Неча тўхшунса юмшатғай замона,
Агар юмшатмаса топғай санга на.

Йигитликни неча ўзинда тутғай,
Бир оз улғайса тўхшунлуқ унутғай.

Шоҳим сендин бу сўзлар лойиқ эрмаз,
Бу сўзни қўй, қамуғқа лойиқ эрмаз.

Қаю дамда бу одам эштур эрса,
Қабул қилмаз сўзунгни эштур эрса.

Бузург Уммид сўзини тинглади шоҳ,
Бу дунё макрини англади шоҳ.

Бу казғу-қузғунга туштум тею шоҳ,
Уруб илкин юзинга, ул қилур оҳ.

Керакким бу йигит қолса ман пир,
Узум қилса ўзума рою тадбир.

Неча шоҳ эсанг, аё Хусрав қайтғил,
Солиб танни бурун жонни бойитқил.

Қачон бўлса яратғанга қайитмоқ,
Буюрубтур қулунга ул карим ҳақ.

Нечаким бу ожунда бўлса ул ўзунг,
Сўнгин ўлмак керакин онгсу ўзунг.

Яратқан бир изимга ёлборибман!

Ушул қилған ёзуқларни онгибман.

Тилайин ман ўзумни ўтдин озод,
Изим бергай манга мунгдин озод.

Анингтеқ қилди соқшаб, сўнгра шоҳ рой,
Қим оташхонада йўқтеқ ўтургой.

Яна бир кун тангирқаб айди ул шоҳ,
Не қилайин мунга ман теб қилу оҳ.

Туруб ул дам элини элга урди,
Отим тортинг тею ул дам буюрди.

Отиниким амирохур кетурди,
Миниб отқа ўшул филтеқ ўтурди.

Уруб қамчи, буюрдиким юру теб,
Мени ул ўз мақомимға етур теб.

Суруб етти оташхонақа ул дам,
Тушуб ўлтурди шоҳ Ширин била ҳам.

Нетакким кирди оташхонақа шоҳ,
Бўлуб Шируя (бу) ишиндин огоҳ.

Шоҳ оташхонақа элтти тею рахт,
Кезиб тож, мунди ўлтурди олиб тахт.

Ича бошлади хуш жом алга кўтруб,
Йироқдин шохни ул сақлаю ўтруб.

Ҳам анча бирла қўймади атосин,
Қишан урди азақинға пўлоддин.

Кетарди бор нўкарларин қотиндин,
Тек ул шоҳ хизматинда қолди Ширин.

Кўруб Ширинни Хусрав антеқ ул шод,
Қим ушбу боғда эрсам, терман озод.

Аюр Ширингаким; қазғурма, эй ҳур,
Бўлуб ҳақ ҳукминга рози хуш ўлтур.

Келур шоҳларға бу янглиғ талим ҳол,

Изи хукминдин энар мунтек ахвол.

Билурсан ўқ нишонқа ўқ отилур,
Бу чарх ўқинға шоҳлар белгу бўлур.

Ушул елким бўркини боштин элтур,
Еш ўт роҳатда бўлур, сарв ранжур.

Кизикким овда кўрнуррак бўлур ёр,
Бурун овчи анга ўқ ўқни кезлар.

Кичиклар хавфи бир тебранса йўқ, ўқ,
Ииқилмоқдин бузуклар хавфи ортуқ.

Қачонким ўт ёнар бўлса, эй оқил,
Тутун ўнг эзгулар ёри борур бил.

Агар кетти эрса давлат хуш бўл, эй ёр,
Чун сан борсан биҳамдуллаҳ қамуғ бор.

Ширин ҳам фориг эрмаз эрди шоҳдин,
Ўгутлаб сўзлаб, овтур эрди кўнглин.

Ким ушбу дунё иши тутшу, эй бек,
Гаҳи ирғал бўлур, гаҳи қазғу мунтек.

Улаш бу одам ўғли мунгда қолмаз,
Қишиким бошли бўлур, охир ўлмаз,

Бўлур қазғуда хуш бўлмоқ яроғли,
Ярашмаз бош-азақ иккиси боғли.

Ўзунг озорламағил, фориг ўлтур,
Кўп оғриғким гўр оғзиндин қайитур.

Билик бирла кўнгулдин қазғу кетар,
Ким уксилмаз емакдин қазғу ортар.

Тирик бўй тутшу ичсиз бўлмаз охир,
Қамуғ эк экланган ҳам ўлмаз охир.

Агар ўзунгни олди эрса душман,
Фалак додингни олғай, бор бўл сан.

Вале сан қазғу еб эмганма, эй жон,

Ким ожун қазғусинга йўқ поён.

Бу дунё иши барча риётур (ул) бил,
Отонур ҳинду кофур ул соқиш қил.

Не келса эрга ул чоққа ярашғу,
Ким охир бир қарорда турмаз ушбу.

Жафочи дунёнинг ҳеч йўқ уяти,
Йироқ турким уятсиз бўлса оқи.

Ожун жавриндин ики эр қу (р) тулди,
Бир улким туғмади, бир улким ўлди.

Вафосизлиқда белгулук ожун бу,
Муни тарк эт этмаздин ошну.

Уза шоҳлар қани соқшаб бақоси,
Бири бўлғай эди, бўлса (ди) бақоси.

Қани Қайумрасу Қайхусрав (кўр) охир,
Улар ўрнинда эрдинг Хусрав охир.

Ўзунг эмгатма соқшаб, бўлғил огоҳ,
Улар бор бўлса, сан бўлғаймудинг шоҳ?

Кўнгул бу боғқа ким боғлади (бил) ул,
Чечактек оз кулуб, кўп йиғлағай ул.

Қаюким мунда барбаттек тузулғай?
Қулоқи бурлуб, қилтек узулғай.

Не мулк ул буким ул Заҳҳоктек чин,
Йилон қилса санга ул қайра сендин.

Неча қатра сув учангдин йўқоттинг,
Нетак кўр қазғу дарёсинга боттинг.

Ужангқа урма юк зинҳору зинҳор,
Қарин ишин битургил анжоқ, эй ёр.

Кимунг ақли бор эрса турсу ёлғуз,
Қаноат бирла тирлиб, барчақа туз.

Кишиким қилди дунёда қаноат,

Ҳам ул топди бу ожун ичра роҳат.

Топулса утмак — сув хуш тирил, хуш,
Кўрарсан охир ожун ишларин уш.

Жаҳон афъи йилонтек печ-печ ул,
Бурун бортек, вале сўнг ҳеч-ҳеч ул.

Билурман, келмаз илкингдин иш, эй ёр,
Йилон тутмағил илкинг бирла зинҳор.

Азинлар илки бирла тут йилонни,
Жонинг бесла хуш ўлтур, қўй жаҳонни.

Жаҳон билганга худ зиндон эрур чин,
Охир ҳеч чора йўқ зиндонда боғдин.

Сан ул сан, ганжсан, боғлиғ бўлур ганж,
Умид тут, бермағил ўзунгга кўп ранж.

Қутулғайсан бу қазғу-қузғудин ҳам,
Қазоқа рози бўл, Юсуфтек эбсам.

Агар, қадрингдин ўксилсанг сабр қил,
Юқору оғғучини сан алам бил.

Соқинмаким санга йўқ қисмату қадр,
Сан ўқсан икки оламда бил уш садр.

Санинг учун эрур бу барча олам,
Кичиклаб кўрмағил ўзунгни сан кам.

Яратти ҳақ санинг учун жаҳонни,
Санга берди уш андин ақлу жонни.

Агар билсанг сан ортуқсан малакдин,
Бу ҳиммат бирла тут олғу фалакдин.

Бу соқиш бирла кўнглунг шод қилғил,
Ўзунгни қазғудин озод қилғил.

Кўнгул кес тожу тахтдин бўл фориг,
Чиройинг қилма қазғу бирла сориг.

Агар бўлсанг бу тахту тожқа муҳтож,

Санга ер тахт эрур, юқору кўк тож.

Мунунгтек сўзлаю Хусравқа Ширин,
Кунин хуш кечру, овтур эрди кўнглин.

Кеча бўлди тақи Ширин сўз айту
Тийилмаз, емасун теб шоҳ қазғу.

**ШИРУЯ ХУСРАВНИ ШИРИН УЧУН
УЛТУРГАНИ БАЕНИ**

Етиб занги менгизлик буртериб тун,
Қаронқулуққа етмиш ул тун ожун.

Қаронқулуққим ентеқ ҳеч қаронқу,
Кўрукли кўрмадук темишлар ошну.

Фалак соқишда саргардон қолмиш,
Замона ул кечадин ибрат олмиш.

Боёқитек малик табғинда Ширин,
Қилиб хизмат, боса утрур азақин.

Қишан суртган азақни ул юзи моҳ,
Қилиб шафқат ўпор эрди қилу оҳ.

Кўнгул тилар ҳикоятларни айту,
Ҳикоятлар била шоҳ кўнглин овту.

Соқичлиғқа ҳикоят хуш келур теб,
Уюмоқға яна эзғу бўлур теб.

Ширин сўзлаб, тўкар шаккар тилиндин,
Уюқлади сўзин эшту шоҳи чин.

Тўлуб уйқу ҳам ул Ширин кўзинга,
Кўюб ётти юзин ул шоҳ юзинга.

Ётурда хуш қучушуб ул ики ёр,
Фалак кўрким яна не муҳра ўйнар.

Қилиб роҳат уюрда шоҳу Ширин,
Очиб тунлук, бир эр инди учакдин.

Ўзи девтек, юзи ҳам чин қаро тун,

Тиғиндин ўт соча ул наҳс малъун.

Эв ичра мол издар янглиғ ўғри,
Тилаю шоҳ қотинга келди тўғри.

Тамом дарё менгиз қайнаб онгсиз,
Ёвуқ келди ул эзгуга бу тенгиз.

Боқиб бағри — тўшинга ханжар урди,
Ёриб қорнин, равон ўқ шамъ ўчурди.

Кўнгулда раҳми йўқ жаллод кофир,
Анингтек урди шоҳ бағринга ханжар.

Ким онтек чиқти Хусрав бағридин қон,
Нетакким йилдирим сачрар булутдан.

Азирди ойни кундин ул нўҳусат,
Ўзи чиқти яна тунлукдин ул ит.

Малик хуш уйқуда қорни ёрилди,
Кўзин очти бағирдин оҳ қилди.

Тўшак бағри қониндин бўлди тўфон,
Сусаб эрнинга етти заҳм(ин)дин жон.

Кўнгулда айди бу хуш уйқусиндин,
Ўётиб сув тилайин, берсу Ширин.

Яна хотирда айди неча тун бор,
Уюм'аз эрди ҳеч бу меҳрибон ёр.

Керакмаз уйғаниб, мени мунунгтек,
Кўриб, онгсиз ўзин эмгатса бу бек.

Ҳам ул екким бу сўзни аймасам ҳеч,
Анинг зор айишим эштиб куймасам ҳеч.

Улайин, кгрмасун теб бу вафодор,
Ўётмади эсиркаб ёрин ул ёр.

Очилмиш кўрсанган бир хуш гулистон,
Анинг бирла безанмиш бўлса бўстон.

Ҳаво ғоят хуш эркан, ногаҳонда,

Булут ўрласа гукраб ул замонда.

Тўлу ёғдурса, тоштек тегса тўкса,
Боғ ичра ҳеч чечак қўймаса тўкса.

Уёниб боғчи ноғоҳ уйқусиндин,
Чечак кўрмаса, қолса уйла мискин.

Не айтурсан, анинг ҳоли не бўлғай,
Чечак янглиғ ҳам ул қазғуда бўлғай.

Малик заҳминда кўп қон оқмоқиндин,
Балинглаб ногаҳон уйғонди Ширин.

Азиз тунларким ул бахти бор эрди,
Уёниб чанг унин тингларлар эрди.

Қўпуб ўтруб, икагу хуш ёнашу,
Бири-бирни қучуб ўйнаб ёнашу.

Кетур шарбат тею соқиқа буйруб,
Ичар эрди шароб(ин) қўл-қўлга уруб.

Қилиб ишрат анингтек шоҳи хуррам,
Бўлуб сархуш ётур эрди ушул дам.

Фалак кўрким бу кез не зишт иш этти,
Маликнинг қони Ширинни уйғотти.

Тушунда ҳам бу қўрқу кўрмиш эрди,
Паришон бўлди, жондин эл кўтарди.

Йўғурғон очти, боқтиким ўлуб шоҳ,
Ётур қонқа ботиб, қилди кўруб оҳ.

Кеча кун издар эрди ул тўлун ой,
Кўрар темиш ангар ғаддор ожун ҳой.

Йўқолмиш шоҳ боши, қолмиш қуруғ тож,
Бўйининг шаҳри бўлмиш барча торож.

Уғурланмиш гуҳар, ганжи бузулмиш,
Черик кетмиш, черик бошчиси ўлмиш.

Тану жонинга ул дам ўт ёқилди,

Жаҳон устунга ул соат йиқилди.

Укуш зорию, кўп фарёд қилди,
Янгоқин тирноқи заҳм урди тилди.

Хароб қилди ура, йирта юзини,
Кўюкдин пора қилди ўз-ўзини.

Ёйиб бошдин сочин юлқа тугатти,
Дариғо ёр теб, кўп навҳа этти.

Туруб бу ҳол ичинда эркан ул ҳур,
Қориштурди гулобу мушку кофур.

Маликнинг қонға булғанмиш вужудин,
Юди моварду кофур бирла Ширин.

Нетакким қурсалар шоҳлар қуроғин,
Яраштурди чиқорғутек яроғин.

Тугайтиб шоҳ яроғин андин ул бек,
Ўз-ўзининг бўйин ҳам юди антек.

Ҳам ўзининг яроғин барча қилди,
Кнггулда айдиким: вақтим етилди.

Яна Шируя соқишлаб кўнгулдин,
Манга жуфтлукка лойик тею Ширин.

Сўз айтиб изди олтиртинким, эй ой,
Хуш ўлтур, қазғу ема, қилма кўп вой.

Нетак эрса кечур бир ҳафта, кезин,
Олайн тею жуфтлукка сени чин.

Сени Хусравдин ортуқроқ тутайин,
Жоним боринча кўнглунгни кўтайин.

Биз икки бир кўнгул бўлмишда кезин,
Берайин илкинга ганжлар калидин.

Нетакким уқди Ширин бу ҳикоят,
Қақиди, асру қаҳри келди гоят.

Вале билгуртмадиким, билмасун теб,

Тақи душманлиқ ортуқ қилмасун теб.

Яна сўзин бу пардада яшурди,
Жавоб сўзга бериб, бағрин бишурди.

Шируя онгламадин тилтоғини,
Ишонди кертү соқниб олдағини.

Уш андин сўнг қамғун асбоби борин,
Аёқ, чаноқ, кизим тўнларни Ширин.

Эл ичра барча муҳтожларни терди,
Малик жони учун барчани берди.

ШИРИН ХУСРАВ УЧУН ЁС ТУТҒАНИНИН БАЕНИН ҚИЛУР

Нетакким субҳи содиқ бош кўтурди.
Ширин бошинга йўқолмоқлиқ кетурди.

Қочиб зангидин ой мағрибқа келди,
Субҳ занги тишитек очлу кулди.

Буюрди қилдилар тобут ул кун,
Қамуғ тобутни қоплаб тузни олтун.

Мурассаъ қилди йинжу лаълдин бин,
Тўшади бела сочти ашҳабу кин.

Маликни ул тобут ичра ётурди,
Тақи неким керак эрди битурди.

Ети иқлим шоҳлари бошлаю турди,
Буюрди беклар эгнинга кўтурди.

Равон машҳад табору тебрадилар,
Тобут ортинча шоҳлар йиғладилар.

Кесиб қуллар қулоқларни ушул дам,
Қийиб кийиз, кесиб солди бурун ҳам.

Ушатиб барбатини бу Борбад ҳам,
Кесиб бармоқларин тишлаю бир дам.

Нигисо ҳам ушатиб ул замон соз,

Кўтармиш чанг янглиғ зорин овоз.

Яна Шовур кўзиндин қон оқитиб,
Кўнгулдин сабру жон ороми кетиб.

Бузург Уммид кесиб барча умунчин,
Зорин йиғлаб аюрким: йиғла Ширин.

Қуруғ тан қолдуқ эмди, жон борди,
Биз экда қолдуқ, ул дармон борди.

Қани шоҳлар шоҳи султони қани?
Ёти иқлим бекларининг хони қани?

Қани ул арслон ўлтургучи Парвиз,
Четук илкинда ўлди, қолди Шабдиз.

Агар йўл эрса ул, бу эрса майдон,
Не бек, не қул, не Хусрав, не Нўшир (а) вон.

Очиб кўп қуллар, кўнгла бошини,
Кесиб сочлар, сочар кўз қон ёшини.

Яна хотунлар ўртасинда Ширин,
Яраштурмиш келинлар янглиғ ўзин.

Хиромлаю, изиб соч орқасинга,
Кўзуб сурма кўзинга, илга қина.

Лаълдин қўш исирғалар қулоқда,
Тумега дона йинжудин янгоқда.

Сориниб бир сориг ҳулла бошинга,
Қизиб ол тўн чечактек тўн тошинга.

Қўпа, йиқлу тамом усруктек ул ҳур,
Борур тобут сўнгинча балқию нур.

Тузуб кертатка кируртек ўзини,
Кўрукли ҳайра қолур ой юзини.

Куяр бўлғай манга эмди теб ул ёр,
Юруб тобути ортинча хуш ўйнар.

Тоши ўйнар, вале ич зорин иғлар,

Юракин фирқат ўти бирла доғлар.
Малик тобутиким гунбадга етти,
Қирурди ичра элга узр этти.
Белин боғлади қаровашлиққа Ширин,
Айитти турсу беклар барча таштин.
Чиқарди элни эшик боғлади берк,
Уш андин олди илка ханжарин терк.
Очиб шоҳнинг ярасин ул тўлун ой.
Упуб қилди анингтек ўлгуга рой.
Нетакким эрди шоҳ заҳми анингтек,
Қўюб бағри тўшинға ханжар ул бек.
Қириб тобутға, шоҳ устинга тушти,
Қучоқлаб берк, бўйнинга ёбушти.
Шоҳ андомин яна қон бирла ювди,
Иккинчи қонқа булғашти вужуди.
Уш андин бир қатиг овоз қилди,
Қим эштиб тоштин унин халқ билди.
Қим уш тан танга, жон жонқа улашти,
Шакар тан эмгаки жон ранжи ошти.
Яратған ёрлиқасун тутшу ани,
Қим ул бу ерда қилса хуш дуони.
Қим, эй ҳақ, лутф қил ул икки жонни,
Суюрғағил ул икки меҳрибонни.
Зиҳи Ширину ширин ўлмак андин,
Зиҳи жон берма-ку жон элтмак уш чин.
Мунунгтек вожиб ул ошиқким ўлса,
Жонин жонқа бериб бирга бўлунса.
Охир барча тишиму билмаз эрлик,
Тиши улдуким андин келмаз эрлик.
Талим хотунким эрдин ортуқи бор,

Ерин топса юз эрнинг ишин ишлар.

Жаҳонда билгуруб шу шуру ғавфо,
Мунунгтек қилди (ул) жонларни яғмо.

Қўбуб қазғу тенгизиндин булут ҳам,
Оқитти сел тоғдин тоғқа ул дам.

Ёзидин қатти ел эсти бир онгсиз,
Ҳавони қилди тупроқтек бир онгсиз.

Улуғларким эшитиб билдилар роз,
Қамуғ зор йиғлаю кўтурди овоз.

Ким аҳсант, эй фалак, шобош, эй пир,
Келинларни кузакуга булай бер.

Агар мутриб туруш ва занги эрса,
Ажаб, кўз мундин эзгу юмқи кўрса.

Кўюб анларни ерга иғлаю зор,
Чиқиб гунбад эшигин боғладилар.

Қайиттилар тонгирқаб, қазғу йию,
Битинг бу сўзни хотун ўзра тею.

Битидилар бу Шириндин азин бир,
Жаҳонни ҳақ яратмишдин кезин бир.

Мунунгтек тангсуқ иш ҳеч бўлмиши йўқ,
Киши учун киши ҳеч ўлмиши йўқ.

Кўнгул берма жаҳонқаким бу нокас,
Кишига ҳеч жувонмардлик қилинмас.

Не бергай эрта охир ожун ушбу,
Ким ани олмағай бир-бир сўнги бу.

Берур бир лутф бирла жонни ул ўнг,
Олур юз қаҳр бирла оқибат сўнг.

Тилисмисан юрурда эрта ҳам кеч,
Йиқилдиш, синдинг, андин ҳеч сан ҳеч.

Бу чанбарким эрур бу шаҳр боғи,

Қаротур сени ёшармишча ёғи.

Не чанбар ичра парвоз этса бўлур,
Не бу чанбар бузуб ҳам кетса бўлур.

Бу чанбар боғин узмакдин кечалинг,
Киши очмади, биз қандин очалинг?

Ҳам ул екким бу йўл устунда турсақ,
Бу ер жавринда тупроқда ўтурсақ.

Ўзумизга-ўзумиз йиғласоқ зор,
Қим уш бизтек бизи ким йиғлайисар.

**ХУСРАВ МУЛКИ ХАРОБ БЎЛМОҚИНИНГ
САБАБИН БАЕН ҚИЛУР**

Мунунгтек аймиш ул сўз назм қилған,
Жаҳон эзгу ёмонин барча билған.

Қим ул шоҳ мулки бўлмоққа паришон,
Сабаб не ул мен айтай сен уқ, эй жон.

Расулумиз нубувват ошкора,
Қилурда ул асирнинг халқи ора.

Гаҳи ой устина ул хирқа ўрта,
Гаҳи ой хирқасин ул икки йирта.

Гаҳи ул қати тошқа сўзлайу роз,
Гаҳи ул тоштин эшитиб қарғу овоз.

Жаҳонқа ёйилиб анинг эзгу оти,
Бўлуб машҳур элга муъжизоти.

Ҳузури татғучи қаринч бериб,
Насими елга бахшиш ганж бериб.

Қамуғ элларга қилди даъвати ом,
Келинг арза қилинг теб дини ислом.

Буюрди текма шоҳлар отинга бир,
Битинглар нома тейу қилди тадбир.

Ҳабашни тоза қилди хат жамоли,

Ажами тортти кўкка нуқта холи.

Қаламдин мушку анбарлар сочилди,
Бурун Хусрав отинга нома қилди.

Қалам қора қоғид узра юриди,
Изим бир теб ушул дамдам айурди.

Кўнгулдин бир изимга битса керак,
Изим сенсан тейу қул битса керак.

НЕЧА СУЗ ХОТИМАТИ КИТОБИДА АЙТУР УСТОД

Тирик бўлмишча, эй Қутб, англағил ким,
Тилагим бор сендин бир тилагим.

Қамуғдин билсанг ўксук ўзунгни,
Азақлар асра ер қилсанг юзунгни.

Кўрарсан дур тенгиз остинда қолди,
Сўнг асра қолмишиндин бошқа қолди.

Бошинг қолгай азақ остинда турсанг,
Қесилгай бош башоқтек бош кўтурсанг.

Мударо қил фалак тўхшунлуқин бил,
Умр қисқа эрур ҳиммат безук қил.

Қаламнинг кўзундин бу бағрим қони
Оқиттим битикда топуб бу қони.

Кумуштек бу оқ ер уза таридим,
Муни ма бичигли гарифчи қани.

Азин кўб қиссалар йазилмиш телим,
Уларнинг қотинда бу жавҳар сони.

Қайу ким ўқиса муни билгай ул,
Магар ким ул эрнинг бор эрса жони.

Аё сен китобни ўқиған киши,
Тугатсанг дуодин унутма мени.

Хатимни заиф теб итоб қилмангиз,
Вале баса кўнгли бу сўзлар конги.

Битикчи битарда янгилса қўли,
Ўқуғли ўқурда ўнгарур ани.

Агар нарса тушса қалам туғени,
Ўқуғли кечурсун хато-ю, нуқсони.

Аё сўнг келикли дуо қил анга,
У фаним тилакигни берсун санга.

Ёри берди уған тугатдим битиб,
Изимка бурунроқ тугатдим битиб.

Изим тавфиқ берди тамом қилдим уш,
Ёдигор менингни санга қўйдум уш.

Тақи тўрт эшинга саломи дуруд,
Кесиксиз улашу бўлсун вуруд.

Олтинбўға эрди ул сабқи отлиғ,
Ўзи олиму ҳалим ҳам тили тотлиғ.

Ияра келдим ҳам анинг қотинға,
Қўли теб айурлар анинг отинға.

Биласинда келдим нийяти ғазо,
Тугатдим китобни уш анда ёза.

Риё йўқ сумъа йўқ сўзумда мажоз,
Ҳақиқат сўзум бу биҳаққи ҳижоз.

Изим нусрат берса дик арслон бўлур,
Арслонман теганлар ма каслон бўлур.

Валекин муяссар бўлмади ҳеч,
Биз тақи келганин қўлмадуқ ҳеч.

Ичимда нийјатим уғанним билур,
Алимдин келарин келмазин билур.

Бу Олтинбўға бек бирла қилдим сафарни,
Қирайин теб келдим ушул кафарни.

Уш анда қўлдиса азиз қадашим,
Ҳам бирга келибон бўлуб йўлдошим.

Жонимдан азиз ул қилди хитобни,
Анинг отинга ёздим ушбу китобни.

Анинг отинга ёздим не бўлса кучин?
Жаҳд этиб тугатдим хотири учун.

Бу бошдин-аёққа қилиб мен назар,
Кетардим хатосин ма қилдим ҳазар.

Атанмиш атоғи ма қутлуқча,
Ҳақ ани қилсун ду жаҳонда хожа.

Қулунгдин дуо уш умр боринча,
Ёвузлуқ кўрмасун кун ой боринча.

Ўқусанг унутма дуодин мени,
Унутмасин изим раҳматин сени.

Битидим китобни хатосин боқиб,
Бу заҳмат чекканим билгайсан ўқуб.

Атоғим ма Берка фақиҳ теб анчоқ,
Ўзум муъмину муслима аслим қипчоқ.

Мени бирла келган топуб дунёлик,
Манга берди ёзмоқ, ўқимоқ билик.

Мунинг бирла машҳур Мисирда ўзум,
Фақиҳ теб айурлар, эй ики кўзум.

Олтинбўга отлиғ бир бек қотинда,
Турурман мулозим уш хизматинда.

Бу хизматта эркан битидим битиқ,
Сўзумга хулд топма боқғил етик.

Табуғда юриган ёзарму бу хат,
Нийяти ғазоқа миниб тун-кун от.

Валекин уғаним ма берди вусъат.
Битидим, тугатдим кўр ушул соат.

Бу замон фақиҳқа рағбат қилмаз ҳеч,
Фақиҳ теб кимса ҳурмат қилмаз ҳеч...

Юрурман табуғда не болса кучун,
Гаҳи тўқ бўлурман, гаҳи кўб очин.

Қилурман холиққа укуш ҳамду сано,
Бир овуч тупроқдин яратти мано.

Гулофта олтинда ўзум кизланиб,
Бу махлуқ эшикда жони шишланиб.

Илоҳий қуртарғил бу ишдин мени,
Холиқу розиқ теб билурман сени.

Рўзи қил манга бир сиҳал синоат,
Ким анинг бирла дунёда бўлсам қаноат.

Бу беш ўн кун ичра раҳм қил манга,
Розимни билурсан сиғиндим санга.

Санга ким сиғинди зиён қилмади,
Тилакин тилаган маҳрум қолмади.

Рўзимни осон қил кўргузма торлиғ,
Бу махлуққа қулни қилмағил ёрлиғ.

Битидим ма ёздим бу бир қач сўзум,
Дуодин унутма, эй ики кўзум.

Неча ким ўқисанг дуо қил манга.
Уғаним укуш раҳмат қилсун санга.

Кўзунгдин солмағил бу суратда кўруб,
Санағил мушкилинг бор эрса сўруб.

Бу матлабу ганжлар харобда бўлур,
Хароб ер дойимо иқобда бўлур.

Шакарга назар қил, қамишқа боқма,
Бу аҳмақ нодоннинг сўзина ёқма.

Бу аҳмақ бўритек оқиллар қўй ул,
Бу бўри қўйунга қўйар му ҳеч йўл.

Илоҳи халос қил бу мунгдин мени,
Ҳозиру қодир теб билурман сени.

Мусаннифни унитма қилғил дуо,
Котибу мусанниф маа маа.

Таърих ети юз йил саксон бешинда,
Сафар ойининг йигирми бешинда.

Йўл узра не бўлса битидим китоб,
Хатимни заиф теб қилмағил итоб.

Китобнинг сўнгинда бу бир қач калом,
Ёзиб тазкира қилдим санга вас-салом.

ЛУҒАТ

- Абид — қуллар.
 Абсам — соқов, хомуш, жим.
 Абтар — ноғамом нуқсон.
 Аврақ — ўрдақ.
 Аврод — вазифалар.
 Авун — дон.
 Адж — дон номи.
 Аду — душман.
 Адно — паст, тубан.
 Аёим — айтайин.
 Аёқ — коса, пиёла, оёғ.
 Азин — ўзга, бошқа.
 Азил — бекор қилиш, ажратиш.
 Айнот — айнитмоқ.
 Ақтачи — сайис, жиловдор.
 Алам — байроқ, туғ, ялов.
 Ал — алдов, хийла, найранг.
 Алиғ — заиф.
 Алмақдуру коинун — тақдирдаги нарса бўлади, демак.
 Алтоф — лутф.
 Амал — умид.
 Амиқ — чуқур.
 Амо — чўри.
 Ангиз — ҳийла.
 Анжас — ифлос, палид.
 Анин — ҳозир, тайёр, шунинг учун.
 Ансиф — инсоф.
 Ар — эр.
 Арки — ўсимлик номи; эҳтимол.
 Арбада — урушқоқлик.
 Ардам — фазилат, адаб.
 Ариғ — пок, холис.
 Акам — араблардан бошқа халқ. (Тожик ва туркий халқлар.)
 Арзоқ — ризқлар, насибалар.
 Арнуқ — ҳордиқ.
 Аркун — секин.
 Арсуқмақ — алданмоқ.
 Асас — тун қўриқчиси, миршаб.
 Асру — кўп.
 Аср — узум шарбати.
 Асиркаб — аяб, қизғаниб.
 Асоми — исмлар, номлар.
 Астар — хачир.

А с а д — йўлбарс, арслон.
А т б о ъ — уруғ-аймоқ.
А ф ъ и — заҳарли илон.
А х в а л — кер, ғилай.
А х р а с — соқов гунг.
А ш ҳ а б — анбар.
А ш н у — аввал, бошдан.
А қ в о л — сўзлар.
А қ о р — мол, асбоб.
А қ р у — секин, оҳиста.
А қ д — никоҳ.
А ғ — тўр, тузоқ.
А ҳ д — якка.
А ҳ л а н в а с а ҳ л а н — марҳамат қилгайсиз, ҳуш келибсиз.
А я — ҳовуч.

Б

Б а б а к — кўз қорачиги.
Б а д р — тўлин ой.
Б а д р а қ а — йўл бошловчи.
Б а д р о н — саркаш, итоатсиз.
Б а з л — эҳсон.
Б а з р о н — ёқимли.
Б а р а к — туя жунидан ишланган кийим.
Б а в о б — дарвозабон.
Б и л қ и с — Яман ўлжаси, афсонага кўра Сабо шахрининг ақли ва фаросати билан машҳур бўлган маликаси. Кейин Сулаймон пайгамбар никоҳига кирган эмиш.
Б а р д а — қадимги Озарбайжоннинг пойтахти.
Б а р қ — чақмоқ.
Б а р т у л — тухфа.
Б а ҳ р — мис.
Б е д — тол.
Б е л а м о қ — қайрамоқ.
Б е с л а р — парвариш қилар.
Б е ш а қ ў й и б — илгари суриб.
Б и л о д — шаҳарлар.
Б и р а қ т и — қолдирди.
Б и р ж и с — Меркурий. (Муштарий)
Б и р к а — ҳовуз, кўл.
Б и р ч а — якка.
Б о л т и ч о қ — ойболта.
Б о й и ъ — савдогар.
Б о ш — яра.

Боққа илди — тузоққа туширди.
Буғро — қўтос, эркак (нар) туя.
Буғз — душманлик.
Бўз — бир хил ов қуши, қарчиғай; муз.
Бўзинг — бўйнинг.
Бўл — кўп.

В

Вабол — гуноҳ, увол.
Ваъзи ҳамл — туғмоқ.
Вақоҳат — сурбетлик, муттахамлик.
Валад — ўғил.
Видод — муҳаббат, дўстлик.
Воз, боз — очмоқ.
Вом — қарз.
Вузаро — вазирлар.

Г

Газоф — беҳуда, беъмани сўзлар.
Гардук — фалак.
Гунбади хазро — осмон гумбази; кўк гумбаз.
Гўр — қувватли.
Гити — дунё.
Гилим — кўрпа.
Гузир — илож, чора.
Гуроб — қарға.

Д

Дайёр — кимса, шахс.
Дайр — бутхона.
Далв — қуёш ҳисоби билан ойларнинг 11 чиси, январга тўғри келади. Бурж аломати. (Қудуқдан сув олиш учун тутдан ишланган идиш.)
Далу — тентак.
Дармонда — чорасиз қолган.
Дархост — талаб, истак.
Дари баста — берк эшик.
Дақ — тилатиш.
Дахдор — шоҳларнинг тахт ёпқичи.
Даҳр — замон.
Дер — қадимий.
Дун — хасис, пасткаш, ёмон.
Дус — видо.

Дурри макнун — тизилган маржонлар.
Дурурс — олтин ақча.
Доиран давор — айланувчи.
Дод — тот маза; адолат.
Дозим — доим.
Дона — экин.
Доҳ — канизак.
Дуним — икки бўлиш.
Дурбор — дур ёғдирувчи; таънали сўзлар айтувчи.
Дуто — муккайган.

Е

Егу — емак.
Ек — ортиқ, афзал.
Екрук — аниқроқ.
Екру — пушаймон, ирганмоқ, нафрат.
Емусан — яна сан.
Енг — ибрат.
Етикан, етка — жетаган — етти оғайни.
Етиз — тугал, мукамал, етук.
Етсу — етсин.

Ё

Ёбурроқ — япроқ.
Ёва — йўқотиш.
Ёвутмоқ — йўллатмоқ.
Ёвуг — ургочи кийик.
Ёвуқлиқ — яқинлик.
Ёдомиш — чарчамиш, ожиз бўлмиш, безор бўлмиш.
Ёз — кўклам, баҳор.
Ёзи — ёйлоқ, чўл, саҳро.
Ёзуқ — гуноҳ, айб.
Ёй — қавс буржи, ёз.
Ёқ — шайтон.
Ёлинг — ёлқин, шуъла.
Ёнг — одат, расм.
Ёнгшамоқ — қайтармоқ, эзмалик.
Ёндурмоқ — қайтармоқ.
Ёсоқ — низом.
Ёруғ — фурсат.
Ёнур — янчир.
Ёру — томон.
Ёринги — эртанги.
Ёроштурди — ясатди.

Ё р оғ қ и л — имкон топ, чора қил.
Ё рғ у — мусодара, низо, буйруқ, фармон.
Ё с — мотам.
Ё ш — нам, шудринг; кўкат.
Ё ш а р м и ш — кўкарган.
Ё н а с а — енгиллик қилса.

Ж

Ж а д — бобо.
Ж а д и — бола.
Ж а р р а — хум, кўзача.
Ж иғ а й — камбағал.
Ж и д о л — жанжал.
Ж и к — хунук, ёқимсиз.
Ж у м д и й — ҳарбий кийим.
Ж о в и д о н и й — абадийлик.
Ж о в у қ т и — шуҳрат қозонди.
Ж у д — сахийлик.
Ж а л о л а д — дабдаба.
Ж а м о з а — югурик туя.
Ж у л о б — гулоб, шарбат.
Ж а н о б — даргоҳ, ҳурмат маъносида.
Ж у р ь а — бир қултум.
Ж о ж и й — жиноятчи, гуноҳкор.
Ж о ҳ — мансаб.
Ж у ь — очлик.
Ж у ш — куйма, қайнаш.

З

З а й н — безак.
З а л и л — хор.
З а н а б — қуйруқ, дум.
З а н д у в о ч — сандуғоч; булбул.
З а р р о қ — ҳийла, мунофиқлик.
З а н г и ч е ч а к — зулфдан киноя.
З а ҳ ҳ о қ и с о н и й — иккинчи заҳҳоқ. Заҳҳоқ — золим бир подшоҳнинг номи, афсонага кўра унинг елкасида икки илон ўсган ва у киши миясини ер экан.
З а х и р а — эҳтиёт қилмоқ, сақламоқ.
З и ҳ и — офарин, қойил, аъло.
З и р н и х — дори.
З и м о н, з о м и н — кафил.
З е р у з а б а р — ост-уст.
З и ш т — хунук, дағал.

З о д — озик, теша.
З у ф н у н — ҳунар эгаси.

И

И б р и қ — сув идиши, май қуядиган қувача.
И в у ғ — урғочи кийик.
И я р — эгар.
И ж у р у г у — кўз ёши.
И з д и — йўллади, оборди.
И з и — тангри.
И з и с и н г а — эгасига.
И з и ш — идиш.
И з о р л а м о қ — эгарламоқ.
И л — йил.
И л и к — қўл.
И л м и л а д ў м — металл ҳақида илм.
И л д и — банд этди.
И л к и н — қўли билан.
И н ж — тинч, хотиржам.
И н ч қ а б — нола қилиб.
И м т и с о л — бўйинсунмоқ.
И н т и б о д — танбеҳ бериш.
И н ф и о л — уялиш.
И н қ и ё д — бўйинсуниш.
И р г а — саф, қатор.
И р а в ч и — жиров, қўшиқчи, ашулачи.
И р о қ — куй номи.
И р о қ — Ироқ аҳолиси, ироқли.
И р и н — ёмон.
И р ш о д — тўғри йўлга бошловчи.
И р с о л — топшириш, юбориш.
И р ғ о л — ўйин.
И р ғ о н д и — тебранди, қимирлади.
И с б а р л а м а к — буюрмоқ.
И қ о б — жазо.
И с и ж — иссиқ.
И с и н д и — қизишди.
И с т и з а (стиза) — хусумат, жанжал.
И с т и т о а т — қудрат, куч.
И т л и н с а — йитланса, кўринмаса, йўқолса.
И т т и с о л — ёпиштириш.
И й н — жаннат.
И ш қ и б о й и м — сабрим.
И х в о н — биродарлар.

Иҳтилож — аъзо учиши.
Иҳтимо — аҳамият бериш.
Иҳтироқ — куйдиргич.
Ияр — эгар.

И

Иема — яна, ва, шунингдек.
Ииг — яхши.
Иизғлиқ — тот, маза.
Иизлонмоқ — ҳидланмоқ.
Иизғи — ҳиди, иси.
Иикрак — азизроқ, яхшироқ, ортиқроқ.
Иинчкаласа — ингичкаланса.
Иир — жир, ашула.
Иирка — саф, қатор.
Иироди — йироқлашди.
Иирғди — тортди.
Иирғлинға — элга, овулга.
Иирғрур — ёғдирур.
Иўбонмиш — бегоналашмиш.
Иўлуғ — совға; қурбон.
Иўқлатса — кўтарилса.
Иўнонмиш — жўналмиш.
Иўн — жўн; йўл-йўриқ.
Иўроғин — таъбирин.
Иитурган — йўқотган.

К

Қабир — катта.
Қаймура — қадимги Эрон подшоҳининг номи.
Қалоса — сайёҳлар учун қудуқ.
Қанду — ўзи.
Қанг — қанот.
Қалб — ит.
Қаррот ва маррот — вақтлар.
Қарда — жўхори нон.
Қаслон — калтакесак.
Қезаниб — пайт топиб.
Кез — тўсатдан; яхши, жуда яхши.
Кезламоқ — пойламоқ.
Келикли — пиёда, келувчи.
Кериш — хусумат, душманлик, пайровлик.
Кертик — гўшанга, келин уйи.
Керу — орқа.

К е р т — тўғри.
К е р т у — чин.
К е р т у л у к — чинлик, тўғрилиқ.
К е т и л г а ч — завол.
К е ч и к л и — кечикадиган.
К е ш — кундузнинг бир тури.
К и з б — ёлгон.
К и з и к — кийик.
К и р и ш — даромад қилиш.
К и ш — ўқдоқ.
К о б и н — никоҳ, маҳр.
К о ж — тараски.
К о з и б — ёлгон гапирувчи.
К о м — мурод-мақсад.
К о ғ а д — қогоз.
К о ҳ — сомон.
К о ҳ и л — суст.
К у з а з м о н — сақламоқ.
К у з а к у г а — куёвига.
К у з а р — ёлгон.
К ў н и — тўғри, тўғрилиқ.
К у н г л а р — канизак.
К ў з — булоқ.
К у с м а к — истамоқ.
К у л — тўла буткул.
К ў й к ў з — кўзла, кут.
К ў н и — тўғри.
К ў н г қ и р а — қўнғироқ.
К ў н м о ш — ноз, карашма.
К ў р — таккабурли, даҳшатли, қувватли.
К ў р у — ноғора, довул.
К ў р у к л и — кўрувчи.
К ў с — довул.
К ў т р у ч а н л а р — жон олувчилар.
К ў т р у — ҳамма.
К ў ч а у — зўрлик қилмоқ.
К ў ҳ л — сурма.
К ў ҳ а н — эски, кекса.
К ў ш — баланд уй.

Л

Л а б а н — сут.
Л а г а д — топки.
Л а ҳ в — ўйин.

Л а ж л о ж — бир иш устида қаттиқ турувчи.
Л о ж а р а м — иложсиз, чорасиз.
Л о л о — қул.
Л о б у қ — зарур, муқаррар.
Л у ь б а т — ўйинчоқ.
Л о ғ а р — ориқ.

М

М а а — бирга, ҳамда, яна, эса.
М а в а д д а т — дўстлик.
М а з о қ — тотиниш.
М а з о ҳ и қ — қизиқ, қулгили.
М а н о з и л — турар жойлар.
М а н ж а н и қ — қалъа (қўрғон)ни тешишда қўлланилган уруш асбоби, палахмон.
М а ь о ш — рўзғор, тирикчилик.
М а н с у б а — шахмат ўйинидаги бир усул номи, бирор нарса чиқариш.
М а ь з у л б ў л м о қ — амалдан тушмоқ.
М а ь с и я т — буйсунмаслик, гуноҳ.
М а ф л у к — фалокат босган.
М а т и с — сирғанчиқ арқон.
М а м з у ж — аралаш.
М а с р у ь — тутқаноқли.
М а с т у р — беркитилган.
М а ш о м — димоғ.
М а ь д о н — нон.
М а х л и с — қутулиш.
М а х с а б — фойдали касб.
М ў р о л — содда, софдил.
М а ҳ а к — олтиннинг софлик даражасини билдирувчи тош.
М а н г, м е н г — ҳол.
М е н г — доғ.
М е н г и з — ўхшаш, юз.
М е ҳ р — қуёш.
М е ҳ т а р — улдуғ.
М и л — тош, фарсах.
М и н д а р — ўтириш учун ёстиқ.
М и с к — мушк.
М и р в а к — тирсак.
М и ҳ о р — жилов.
М и ь о д — ваъда қилинган.
М и р — қора булут.
М о ҳ и б а д р — тўлган ой.
М у а т т а р — ҳайрон бўлиш маъносид ишлатилган.

М о в а р д — гул суви.
М у а б б и р — туш йўювчи.
М у а ж ж а б — ажабланарли, ажойиб.
М у а к к а л — вакил қилинган.
М у б а с с и р — назоратчи.
М у ж р и м — гуноҳкор.
М у л а м м а ʼ — ёритилган.
М у м т а ʼ а н — имтиҳон этиш.
М у м т а ʼ о м — синашта одам.
М у н и р — нурланган.
М у н о з а а т — жанжал, тортишув.
М у н ʼ и м — бадавлат, бой.
М у н у к л и — минган, отли.
М и н о д и й — хабарчи, жарчи.
М у н ф а и л — уялган.
М у р а в в а ʼ — холис, нуқул, соф.
М у с и ʼ о р — найга ўхшаган музыка асбоби.
М у о ф о — кажава.
М у о я н а — кўздан кечирिश.
М у р а с с а ʼ — безатилган.
М у с а м м а м — қатъийлаштирилган.
М у с о ʼ и д — ёрдам қилувчи.
М у с т а с қ и й — жуда чанқаган.
М у т т а н о — суюнчиқ.
М у ш а в в а ш — ташвишланган.
М у ш а р р и ʼ — аниқланган.
М у ʼ о н — Муғон шаҳри, чўли.
М у ʼ — оташпарастлар ибодатхонаси.
М у ʼ а л л а д — абадийлашган.
М у ʼ а н н а с — заиф, шармсор.
М у ʼ о р — бурундуруғ.
М у ʼ о с а м а т — адоват, душманлик.
М у ʼ а й ʼ а д — тиркаш боғлаш.
М ў ʼ л а м — чиройли, нафис кўйлак.
М у ʼ р а — мунчоқ.

Н

Н а б а р д — жанг.
Н а д и м — амирлар, султонларнинг суҳбатдоши, ҳамдам.
Н а в о з — эркаламоқ.
Н а в о х т — бой; мойиллик, лутф, илтифот.
Н а в ʼ а — йиғи.
Н а и м — жаннатнинг бири.
Н а н г — ор, номус.

Н а н г — нарса; иш, бойлик.
 Н а м у д о р — кўриниш.
 Н а р г и с и м а х м у р — хумор кўз.
 Н а ф р и н — лаъант, қарғиш.
 Н а т ь — тери дастурхон, суфра.
 Н а х ж и р — ов.
 Н а ф и р — нола, фарёд.
 Н а ф ҳ — пуфлаш.
 Н а ҳ б а т — ўғрилиқ, босқинчилик, чангал солиш.
 Н а х у с т — олдин.
 Н е к — нега.
 Н е н а н г — ҳар нарса.
 Н е ч а г а т е к р у — қанчага қадар, қачонгача.
 Н е ш и н — Нуширвон.
 Н е қ ў б г а й — нима чиқади.
 Н и а м — неъматлар.
 Н и г и н — узук.
 Н и г и с о — Хусрав Парвезнинг машҳур созанда ва хонандаси.
 Н и г у н — қуйи.
 Н о р — ўт, олов.
 Н о р а н ж — пўртаҳол.
 Н о п а д и д — кўринмай кетган, дараксиз.
 Н о ғ у — қандай, нега.
 Н у к т а — мазмуни пардали сўзланган ҳаққоний сўз.
 Н у с р а т — ёрдам.
 Н у ҳ у ф т — яширин.

О

О б и г о ҳ — қудуқ суви.
 О б д о л — аҳмоқ, лаққи.
 О б н у с — қора ва қаттиғ ёғоч, қоралиқдан киноя.
 О в у н — дона; ов учун қўйиладиган дон, ем.
 О в у н ч а — овунчоқ.
 О д и з — юқори; сахий, одил.
 О д — илгари замонда ўтган бир қавм.
 О ё — кўп.
 О ж — фил тиши, оқлиқдан киноя.
 О ж у н — очун — дунё.
 О з и н а — отна, ҳафта.
 О з о қ — оёқ; пиёла.
 О з р и л д и — айрилди.
 О й — айт.
 О й и н б е з а т и ш — йўриқ.
 О й и л д и — ўзига келди, ҳушёр бўлди.

О л — хийла.
О л — қизил.
О л и н — пешана, манглай.
О л и ғ — мажнун, тентак.
О л м и ш с а ю — олган сайин.
О л и н ғ а — олдига.
О л т и р т и н — яширин.
О н ж о қ — фақат.
О н и н — они, уни.
О н ғ с и з д а — кутилмаганда.
О н у қ — нақт.
О р д и — ҳорди.
О р и ғ — пок, тоза.
О р с и қ м о қ — арзитмоқ.
О р т у қ — бошқа.
О р т у қ с и — ортуқчаси.
О р ғ у н — ақрин, оҳиста.
О с — оқсувсар.
О с и — бош кўтармоқ, гуноҳкор.
О с и ғ — фойда.
О с р а — остида.
О с т и н и н д и н — остидан.
О т а ш х о н а — оташкада, бутхона.
О т и н ғ а — отига.
О т о н ғ у — атаниб, атанғич.
О ч и б — оч қолиб.
О ш и ф т а — шайдо, эсидан ажраган.
О ш л а м о қ — едирмоқ, аралаштирмоқ.
О ш н у — ошиқиб. *? олдин убу*
О қ и н — сел.
О ғ — тузоқ.
О ғ и р л а м о қ — қадрламоқ, тақдирламоқ.
О ғ и р с и — эъзоз, икром.
О ғ л о қ — овлоқ, ҳоли.
О ғ о з д и — бошлади.
О ғ у — оғиб.
О ҳ а н ғ — темир.

П

П а з м о н — ғамгин.
П а й м о н а — жом.
П а й к — хабарчи, элчи.
П а р в и з — балиқ.
П р в и н — юлдузлар туркуми.
П е ш к а ш — тортиқ.

Печ-печ — кулча-кулча, қатор-қаторланган.
Пргоҳ — боргоҳ; изожат билан кириладиган ўрин, шоҳлар саройи.
Полончи — эгарчи.
Порсолик — покли, тақводорлик.
Пойдор — абадий.
Пираҳан — кўйлак.

Р

Равза — боғ.
Рай — кенгаш.
Райб — ишонмаслик.
Рахт — қўш анжом, кийим, от.
Рахш — оқ-қизил аралаш бўёқ; от; бир юлдуз.
Рақам — ёзув; бу ерда сурат маъносида.
Раҳовий — дувоздаҳ мақомининг бир куйи.
Рижол — эр киши.
Рикоб — узанги.
Рикиб — улов.
Рисолат — элчилик.
Рифъат — мартаба, кексалик.
Риққат — мулойимлик.
Рой — ақл фикр, хоҳиш.
Ружуъ — қайтиш, илтимос.
Руста — маҳкамланган.
Рубоҳ — тулки.
Рўзи — қисмат.

С

Сабил — йўл.
Савмаа — хос ибодатхона.
Савдо — ишқ, шайдолик.
Саддирамоқ — толиқиш.
Сайл — сел.
Садр — мансаб эгаси, бошлиқ.
Сайб — туҳфа..
Самак — балиқ.
Сангсор — тошбўрон.
Сало — баланд овоз билан бир нарсага ундаб бақариш.
Сало — қишлоқ.
Саман — оқ гул.
Самма — сен ҳам.
Сард — совуқ, хунук.
Сарҳанг — илғор қўшиннинг олдида борувчи пешрав.
Сақат — янглишиш.
Сағиш — саноқ, сон.

Сағроқ, сифроқ — қадақ, коса.
Сахл — осон.
Силот — инъом, эҳсон.
Сизди — эриди.
Сил — покла, тозала.
Синак — пашша.
Сингир — пай, асаб; камалак.
Синоат — мурувват.
Сипехр — фалак, осмон.
Сиҳи — тўғри, силлиқ.
Споҳон — Сифохон Исфаҳон.
Сиқт — чала туғилган бола.
Сиркангубин — бол ва сиркадан бўлган шарбат.
Сирча — шиша, ойна.
Сирмаз — чидамас, тузмас.
Сиғун — дашт кийиги.
Собон — сопқон, қўш.
Сокин — жойлашиб турган.
Солиб — тайинлаб.
Солор — саркарда.
Сориниб — ўралиб.
Сориб — узатиб.
Сучулмоқ — яланғочланмоқ.
Соқинди — соғинди, ўйлади.
Соқинмоқ — қайғуланмоқ.
Соқинсиз — ҳисобсиз.
Соқнуқлуқ — тортинмоқлик; нафрат ва ҳазар.
Соғит — совут.
Соғим — хаёл, сароб.
Саъ — жом, ўлчов.
Су — аскар, қўшин.
Сўвайин — севайин.
Сувлуғ — соф, шарм-ҳаёлик.
Сув'оқли — сувсагувчи, чанқоқ.
Судаъ — бош оғриқ.
Суғлун — қирғовул.
Сумъа — эшитиш.
Сунгқур — шунқор.
Сунъ — ҳикмат, хоҳламоқ.
Сур — азим, кулранг от, шаҳар девори.
Сурайё — Хулкар юлдузи.
Суроҳи — шароб идиши.
Сурур — нағма, чолғу.
Сусуллуғ — ҳаёсизлик, номуссизлик.
Сусун — сувсин; бу ерда май маъносида.

Суҳуф — варақ, саҳифалар.
 Сучўр — гардонкашлик қилур.
 Суҳайл — юлдуз.
 Суюркamoқ — бағишламоқ.
 Сўқоқ — катта кийик.
 Сўгол — заиф нотавон.
 Сўзлук — оташин.
 Сўнгу — узатди.
 Сўнгу — найза.
 Сўнгук — суяк данак.
 Сўрд — бу ерда пишиқлади, қўлига олди маъносида.
 Сўри — гала.
 Сўчулди — яланғоч бўлди, тўнини ечди.

Т

Табанг — тавон.
 Таба — томон.
 Табарзад — новвот.
 Табуғ — даргоҳ, хизмат.
 Табғинга — табуғига, хизматига.
 Таважжуҳ — юз тутиш, ҳаракат қилиш.
 Таваққуф — тўхтамоқ.
 Тавозиъ — эшилмоқ.
 Тавсан — асов от.
 Тавф — зиёрат.
 Тагарг — дўл.
 Тажаммул — ўз зебу зийнاتини кўрсатиш.
 Таъжил — шошилиш, жадал.
 Тажосур — жасурлик.
 Тазвир — найриг.
 Такиш — пешкаш; ҳадя.
 Такя қилмоқ — суянмоқ.
 Талбис — макр, алдоқчилик.
 Талим — талай, кўп.
 Там — қоронғилиқ, қоралиқ.
 Танаъум — ноз-неъмат билан парва.
 Тандуруст — тани соғ, соғлом.
 Тараб — шодлик.
 Тарк — тез, дарҳол.
 Тарёк — заҳарга қарши дори.
 Таркин — тез, илдам.
 Тараҳҳум — марҳамат айламоқ.
 Таркон — бегим, ойм.
 Тафарруж — томоша; шодланиш.

Т а ъ б и я — ростлаш, тузиш.
Т а р и қ — йўл.
Т у ю р — парранда.
Т а х ф и д — енгиллашиш.
Т а ҳ а й ю р — ҳайрон қолмоқ.
Т а ҳ а м м у л — бардош, чидам.
Т е б с и — лаган, патнис.
Т е г а р — етар.
Т е г а р м у — арзиму.
Т е г и т г у ч и — шошдирувчи.
Т е г м а с у н — учрамасин.
Т е з — ўткир.
Т е к р у — ҳар бир.
Т е к н — қадар.
Т е к м а , т а к м а — ҳар.
Т е к о н — деган, тер — дер.
Т е к л и , т е к и л и — дегучи.
Т е к д и — эришиди.
Т а р к и н д и — йиғилди.
Т и з — тий. *тиз =*
Т и л о й и — тилаб, истаб.
Т и л т а ғ — баҳона.
Т и н — тан.
Т и н г л а н д и — дам олди.
Т и р и л — ҳушёр бўл, яша. Тирлур — яшар.
Т и ш и — урғочи.
Т и р к а ш — ўқдон.
Т и р к у — тикка.
Т е ю — деб.
Т о б л а б — нишонлаб, амр этиб.
Т о б о р у — томон, тараф.
Т о п с а м а н — топарман, топсам мен.
Т о ж и р — савдогар.
Т о з и о т — араби от.
Т о л б и б — талпиниб.
Т о н и р қ а б — ҳайрон қолиб.
Т о н г л а б — ҳайратланиб.
Т о н у қ л у қ — гувоҳлик.
Т о п м и ш ч а — топган сари.
Т о р а — тарқат.
Т о р ғ а д и л а р — тарқадилар.
Т о р ғ а м а н — тарқатаман.
Т о р ғ о қ — тароқ.
Т о т ғ о в у л — бож йиғувчи.
Т о ш — ташқи томон.

- Т о ш т и — тожни.
 Т о қ и т т и — тарқатди.
 Т у з — тўғри.
 Т у з а р — чидар.
 Т у з ғ у — базм.
 Т у й н о қ — туёқ.
 Т у л у н г — ҳалқа, зулф ҳалқаси, гажак.
 Т у л — от, сигир, қўй сингари ҳайвонларнинг боласи.
 Т у м о р — саҳифа.
 Т у м о р — нома, мактуб.
 Т у м о ғ а — тумоқ, тожлиқ бош кийим.
 Т у н ч у қ у б — ғарқ бўлиб.
 Т у н қ о т м о қ — тун бўйи ухламай чиқиш, тонг оттириш.
 — Т у р у қ т и — турди, (амр кутиб туриш), тинди, сбр қилди.
 Т у р у н ж — пўртахол.
 Т у р л у р — ўралур, букланур.
 Т у р б а т — тупроқ, қабр.
 Т у т у қ с и з — васиқа, қабз.
 Т у т с у — хушбўйлик, тутатқи.
 Т у т у ш д и — туташди.
 Т у т — жой, манзил — тўб, бўлса керак.
 Т у т ғ у г а — тутиш учун, тутишга.
 Т у х ш у н — асов, ҳуркак.
 Т у ш у р д и л а р — бу ерда чиқардилар маъносида.
 Т у ш т и — туташ, доим.
 Т у ш ғ у л у қ — аёз, совуқ.
 Т у ғ о р — шарқ.
 Т ў б с и — лаган-товоқ.
 Т ў б у з — гурзи, темир тўқмоқ.
 Т ў б ғ а — топгай.
 Т ў ғ м а к а й и м — урмагайман.
 Т ў г т и — урди, янчди.
 Т ў з ғ у — овқат.
 Т ў з — ҳаммаси.
 Т ў л у р д у м — телбаландим, ошифта бўлдим.
 Т ў п — копток.
 Т ў р о — урф, одат, қоида.
 Т ў р л о ғ — экиладиган ер, дала.
 Т ў р қ а — тўрга.
 — Т ў ш — эш, баравар.
 Т ў ш м а н — сарой ўртаси.
 Т ў қ и ш — тўқнашув, уруш.

У

У д — ўтин, ёғоч: Ҳиндистондан келтириладиган, ёнганда гўзал ҳид

бергани учун, хушбўйлиги учун ишлатиладиган қора рангли ёғоч.

У д у л — маслаҳатчи.

У ж а — орқа, яғрин, елка.

У з — юз (100), бет.

У з а — юзага.

У з а с и н г а — устига.

У з д а н — гўзал.

У з и м а — уйма, ухлама.

У з р — баҳона.

У з у к — муҳаббат, алам.

У з у қ д а — айрилиқда, ҳижронда.

У к с у н — бисот, пойандоз.

У к у ш — кўп, ғоят.

У л г у — ибрат.

У л — дир.

У л к а р — Ҳулкар.

У л о л у р — катта бўлур, етишур.

У л а ш — доим, туташ, қора.

У л у ш — насиба.

У л ў қ д а м — ўша замондаёқ.

У м а н ч — белги.

У м а н м а қ — умидворлик.

У м м у л — билад — шаҳарлар онаси.

У р қ у н — уруғини.

У р у н ч — пора, бўлак.

У р — яланғоч.

У р у ж — кўтарилмоқ.

У с к у н д а — ёнида, қаторида.

У с — ақл, хуш.

У с л у ғ — ақлли, эсли.

У с о н м о қ — безмоқ, узоқлашмоқ.

У ф т о н м о қ — уялмоқ. Уфтонур — уялур.

У ч а к — том, юқори.

У ч у з л и к — арзончилик.

У ч қ у н ғ а м о қ, и ч қ и н ғ а м о қ — қўлдан чиқармоқ.

У ш — ўрнига кўра ушбу, мана, дир шу тобда маъноларини билди-
ради.

У ш о н д и — синди.

У ж у л — ўшал.

У ж р а т — тугун.

У ю м о қ — ухламоқ.

У ю к — қуйқа.

У ё й д и м — пайров бўлардим, уйғун бўлардим.

У ё т м о қ — уйғотмоқ.

Ф

- Ф а л а ҳ — бахт, саодат.
Ф а зу л — сергап, бекор ишлар қилувчи.
Ф а з л а — иртиқ.
Ф а зи ҳ а т — уят, шарм.
Ф а л о ҳ — нажот топган.
Ф а си ҳ — равшан ва гўзал сўзловчи.
Ф а с с о д — қон олувчи.
Ф а сл — жудолик.
Ф а т ҳ — очмоқ.
Ф а т о — ёш йигит.
Ф а ғ ф у р — Ҳитой подшоҳи.
Ф и к р а т — ўйлаш.
Ф и р ж а — шодлик.
Ф и р о ш — ўрин кўрпа.
Ф а ри қ — тўда (гуруҳ).
Ф о ри ф — кутилган, озод.
Ф а р д — ёлғиз.
Ф а р с а х — бир тош (йўл).
Ф о х т а — қумри.
Ф у зу л л у қ — ташаббурлик, ғурурлик.
Ф у р ж а қ и л с и н — тангдилликдан қутилсин, очилсин.
Ф у ру ғ — ёруғлик, шуъла.
Ф у с у с — мазах, масхара, афсус.
Ф у л у с — майда пул.
Ф у т у ҳ — руҳий озиқ.
Ф у т у ҳ — фатҳлар.
Ф у қ о ʼ — бўза кўзаси.
Ф и г о р — қийналган.
Ф и р о р — қочиш.
Ф и ш о м — сочувчи.

Х

- Х а б б о з — нонвой.
Х а з р о — яшил.
Х а й л — гуруҳ, тўда.
Х а й м а — чодир.
Х а з а й и н — хазиналар.
Х а л х о л — хотин-қизларнинг оёққа тақадиган қўнғироқли ҳалқалари.
Х а р в о р — қиматбаҳо нарсалар тўдаси, той.

Харвор - харвор — арава-арава маъносида.
Харжибузуқ — асосиз маъносида ишлатилган
Харфи — яширин.
Хафриқ — ёмон, дағал.
Хижил — уялмоқ.
Хилъат — кийим.
Хилофат — султонлик, подшоҳлик, халифалик.
Хиромлаб — йўрғалаб.
Хисол — қилиқ, муомила.
Хитта — теvarак, чегара.
Хожадоши — хизматкор, бир кишида ишловчи хизматкор, нав-
кар.
Хозин — хазинчи.
Хон — дастурхон.
Хора — қаттиғ тош.
Хордухоб — емак ва уйқу.
Хосги — подшоҳнинг тантана, ишрат мажлисларида иштирок қи-
лувчи яқин одамлари, суҳбатдошлари.
Хотам — муҳр, узук.
Хулд — жаннатнинг бири.
Хуша — бош.
Худройлиқ — ўзбошимчалик.
Хушбод — хуш бўл, яша.

Ч

Чаро — яйлов, (нима учун.)
Чабук — билимдон.
Чавуқтурди — ёйдирди, машҳур қилди.
Чатук — мушук.
Чарона — сафойил, чолғу асбоби.
Чавра — чевура, айлана.
Чавурмоқ, чевурмоқ — айлантирмақ.
Чалиқ — сержаҳл.
Чақа — бола.
Чақар — ечар, тегар.
Четук — кўрнамак, бадбуруш.
Чигав — куй.
Чизсаман — чизсам.
Чил — бедана.
Чимгон — чимён, чаман.
Чиро — чирой.
Чигай — камбағал.
Чиқ — нам.
Чотуқ — чаққон, тез юрувчи.

Ч о в у ш — навкар.
Ч о л о к — чаққон.
Ч о қ л а д и л а р — қисқартдилар.
Ч у р у н — чуруқ.
Ч у м ғ о қ — ола қарға.
Ч у с т — чаққон, бирдан, ошиқиш.
Ч ў ғ — кишан.
Ч у ғ и — зебигардон.
Ч а н ғ р а р и б — ўприлиб.

Ш

Ш а б а ҳ — биринж, қаҳрабо сингари юмшоқ ва порлоқ қора тош.
Ш а д д о д — қадимги замонда улуг подшоҳ, сўзамол.
Ш а д д — чолғу асбобини созлаш.
Ш а д и д — қаттиқ.
Ш а й н — ёмонлик, айб.
Ш а н х у л — гўзал.
Ш а р у ш ў р — ёмонлик, фитнес.
Ш а к а р б о р — шакар сочувчи.
Ш а қ о й и қ — гуллар, лола.
Ш а ш д а р и — жаҳон.
Ш а ҳ р у д — бир дарё оти.
Ш а р о б и а р ғ у в о н и й — қизил май.
Ш а т — ариқ, наҳр, шат наҳри.
Ш а ф о а т — бир кишининг гуноҳини афв этилишини илтимос қилиш
орага тушиш.
Ш и р ҳ о р — эмадиган, эмизликли.
Ш и л о н — зиёфат.
Ш и ш а к — қўзичоқ.
Ш о б — йигитлик.
Ш у т у р — туя.
Ш у р у ь — бир нарсани бошлаш, киришиш.
Ш и к и б а — сабр.
Ш и н ғ а р ф — қизил бўёқ.
Ш и ш, ш е ш — еч, еш.
Ш о в у р — ғопур.
Ш о ҳ и д — гўзал, ҳусндор.
Ш о ҳ и х у б о н — гўзаллар шоҳи.

Э

Э в — уй.
Э в а к л и к — шошқалоқлик.
Э в д о ж и — жарчи, муҳтасиб.

Э в у б — бош уриб, оғиб.
 Э д и н и — отини.
 Э к л и к, и к л и к — дардлик.
 Э к ш и — нордон.
 Э к и л д и — сепилди.
 Э к с и л д и — озайди.
 Э к с а р — экситар, камситар.
 Э м г а н м а к — машаққатланмоқ.
 Э н г — юз, чехра, бет.
 Э п г а н — кўп.
 Э р — эриштирур.
 Э р — айтур.
 Э р и к и б — зерикиб, безор бўлиб.
 Э р и к л и к — қаттиқлик, нафрат.
 Э р и н — лаб.
 Э р д а м — олижаноблик, эпчиллик.
 Э д ф — кечанинг қисми.
 Э р к и — эркан, экан.
 Э р к и л с у н — топилсин, йиғилсин.
 Э р л и к — арк, қўрғон ўртасидаги баланд ер.
 Э р к л и к — ҳоким; дўст.
 Э р у к — ўрин.
 Э с и р к а б — раҳм қилиб.
 Э т м а к — нон.

Ю

Ю в а — ин.
 Ю в а н д и м — пушаймон бўлдим.
 Ю г р у — югуриб.
 Ю з и с у в л у ф — юзи пок.
 Ю н у р — таъзим қилур.
 Ю л н о д и — юлқинди.
 Ю к л у — малол.
 Ю л а — чироф.
 Ю н ч а — мусибат.
 Ю м р у қ — мушт (юмруқ урмоқ — мушт урмоқ).
 Ю р — ювур, юваётир маъноларида келади.
 Ю р а — ёруғ, йўл.
 Ю р т ж и — карвонбоши.
 Ю р т и ч и — ажал келтирувчи.
 Ю ғ у р т — қатиқ.
 Ю с у ф д а к е д и н — Юсуфдан кейин.
 Ю ғ у р ғ о н — йўрғон, кўрпа.
 Ю ғ у р т — қатиқ.

Я

- Я б о р у — баёв, ёвош.
 Я в л о қ — шум.
 Я д а м а к — қийналмоқ.
 Я м м — дарё, денгиз.
 Я н г о ж — қисқичбақа; саратон. Қуёш ҳисоби билан ойларнинг т
 тинчиси, июнга тўғри келади, бурж аломати.
 Я н г и л а д и н — янгидан.
 Я н у т — жавоб, жазо, қасам.
 Я н ғ у — аксидадо.
 Я р м о қ — танга, олтин.
 Я р а ш т у р д и — ясатди, келиштирди.
 Я р ғ у — забт этиш, яроғ, чора.
 Я с и р — енгил.
 Я с н у т — жазо, жавобгарлик.
 Я ғ м а — талон-торож.
 Я ғ о н — фил.
 Я ғ у м а н — яқинлашмоқ.
 Я ғ и з — қора.

У

- У б р о ғ и н ч а — тўзгунча.
 У г д и — насиҳат қилди.
 У г р а н м а к — ўрганмоқ.
 У з — ёқимли, фасих.
 У з — жон, вужуд.
 У з а — олдин, аввал.
 У з у к — айрилиқ, ҳижрон.
 У з у р м и ш — айирмиш.
 У й — сигир.
 У к — ақл, ўй, фикр; эс.
 У қ м о қ — мақтамоқ.
 У м о н у р м а н — умид қилачман.
 У м у н ч — умид.
 У н г — олдин, илгари.
 У р к — авж, чўққи.
 У р к о н — арқон, арғамчи.
 У р л а м о қ — пайдо бўлмоқ.
 У р т м а к — бекитмоқ, ёпмоқ.
 У р и н — тикка.
 У р у — тикка.
 У р у м ч у к — ўргумчак.
 У с — фаросат, ақл.
 У с к а р — ўксир; орзу қилар.

У т о ж и — табиб.
 У т у к — илтимос, ўтинч.
 У т у н — ўтиниб.
 У т у н с у н — эриштир маъносида.
 У т р у, ў т а р у — учун, сабабдан (қарши, рўпара).
 У т р у р — ўткарур.
 У т у р м и ш э р с а н г а н — агар ўтирган бўлсанг.
 У ф к а с и н г а — ўпласига, ғазабига.
 У ё л а р и — сингиллари.
 У ю к — мағора.
 У қ и д и л а р — ўқувчилар, хонандалар.
 У р л о қ — эчки боласи.
 У р о н — тангри.
 У р а м о қ — учрамоқ, дуч келмоқ.

Қ

Қ а — ка, га, ға.
 Қ а б с а д и — қоплади.
 Қ а в — қув (чақмоқ қуви).
 Қ а в в о д — қўшмачи.
 Қ а в и й — кучлик, бардам.
 Қ а в р а м о қ — қавжирамоқ, сўлмоқ.
 Қ а д о ш — қариндош.
 Қ а д р т у н и — Лайлатул қадр: рамазон ойининг 27-нчи кечаси.
 Қ а з з — пинҳона жабр етказмоқ.
 Қ а з о т а н — иттифоқо, тасодифан.
 Қ а з о қ и л д и — ўтказди.
 Қ а з ғ у — қайғу.
 Қ а й л а — қовурилган гўшт.
 Қ а ё ш — қариндош-уруғ.
 Қ а й р а — орқа, қайта, бошқа.
 Қ а й с а р — Рум подшоҳларининг лақаби.
 Қ а л л о б — нотўғри иш қилувчи.
 Қ а л қ — гўштли овқат.
 Қ а м у р — ҳамма, барча.
 Қ а м ғ а н — шўрак (ўсимлик).
 Қ а р и н ч а — чумоли.
 Қ а р о в а ш л а р — канизаклар.
 Қ а р р о б а — май идиши.
 Қ а р ш и — сарой.
 Қ а р ғ у — интизор.
 Қ а л и л — озгина.
 Қ а с а с — қиссалар.
 Қ а с а б — бир хил ипаклик кийим.

- Қафадор — ўртоқ.
 Қатиглон — ўрин, кириш, жаҳд эт, ҳаракат қил.
 Қақиди — ғазабланди, итоб қилди.
 Қитлиғ — қаҳатчилик, қийматчилик.
 Қатигланмак — уринмоқ.
 Қитилмак — сақланмоқ.
 Қизлиқ — қимматчилик.
 Қизук — ҳижрон, айрилиқ.
 Қилинж — феъл-атвор.
 Қилинмоқ — ҳаракат қилмоқ.
 Қилмош — сафсата.
 Қилмағом — қилмагайман.
 Қин — қийинчилик, азоб, зиндон.
 Қир — қора ёғ: қора, қораликдан киноя.
 Қирноқ — чўри, канизак.
 Қирон — икки юлдузнинг бир жойда дуч келиши.
 Қирғин — қирқин, канизак, чўри.
 Қисроқ — бия.
 Қив — шаҳват.
 Қилга эрди — қилгай эди, қилар эди.
 Қилғу — қилиш керак.
 Қабизи арвоҳ — жон олувчи.
 Қобсамоқ — беламоқ, ботирмоқ, ўрамоқ, ўз ичига олмоқ.
 Қоб-қодош — қавм-қариндош.
 Қобуғ — қопи, эшик.
 Қов — қовуқ — куйдирилган пахта.
 Қовшурди — қовуштирди.
 Қодир — худо.
 Қолу қил — гапириш.
 Қолмайисар — қолишни истамайди.
 Қолмош — бекорчи сўз; тасалли маъносида ҳам учрайди.
 Қонсу — қонсин.
 Қароқлар — кўзлар; ўғрилар.
 Қорши — сарой.
 Қосид — элчи (қасддан).
 Қотинда — ёнида.
 Қота — қатла.
 Қоч — неча.
 Қошти — қочди.
 Қофила — сафардаги жамият.
 Қулзум — денгиз.
 Қоюннинг — кимни.
 Қоқиту — силтаб, итоб билан.
 Қоқир — итоб.
 Қуврост — бўри.

Қ у в с — уй-жой.
Қ у з — қуёш тушмайдиган тор этаги.
Қ ұ з у ғ — қудуқ.
Қ у м а — чўри, канизак.
Қ у м о ш — товар.
Қ у р — белбоғ, пўта, камар; қурол.
Қ у р р а т — шодлик.
Қ у р б о н — камон ғилофи.
Қ у р а — қамиш.
Қ у р л а — топқир.
Қ у р л у б — тортилиб, тиришиб.
Қ у р с и — кулчаси.
Қ у р с о ғ — юрак, кўнгил маъносида ишлатилган.
Қ у р у ғ — бино.
Қ у р ч и — қўриқчи, мерган.
Қ у р т қ а — қари.
Қ у т — бахт, толе.
Қ у ю қ — қудуқ, ўра.
Қ у қ у — оққуш.
Қ ў в о р д и — қўпорди, ушатти маъносида.
Қ ў б с а — чол.
Қ ў б с а ю — ўраб.
Қ ў з м о қ — қўймоқ.
Қ ў л — иста.
Қ ў л — жарлик.
Қ ў л м о ш — сафсата.
Қ ў л ғ о н — истаганим.
Қ ў н д и н л а р — қўнганлар.
Қ ў н ғ и р о ғ и — қўнғироқ.
Қ ў н ғ у р д и — қўпорди, ағдарди.
Қ ў ш — рахт.
Қ ў ш о н м о қ — боғламоқ, ўрамоқ, тақинмоқ.

Ғ

Ғ а б а н а т — умидсизлик.
Ғ а б о в а т — бемаънилиқ.
Ғ а з а — жанг.
Ғ а й — йўлдан озиш.
Ғ а р р а — мағрур, кибрли.
Ғ а м м о з — иғвогар.
Ғ а м м о м — булут.
Ғ а н и м — хусуматлик.
Ғ о л и я — хушбўй қора мой (соч ва қош учун).
Ғ и д о — овқат.

Ғ у л о м — қул.
Ғ у с а с — ғуссалар, қайғу.
Ғ у р о б — қарға.
Ғ у р у р — берилиб кетиш.
Ғ у с л — ювиниш.
Ғ ў з — ёнғоқ.

Ҳ

Ҳ а б б а — дон.
Ҳ а б и б — севикли.
Ҳ а в а ж — хавфсизлик.
Ҳ а в д а ж — хотинларни ўтириши учун туяга ортилган кажава.
Ҳ а в л — ваҳима, талваса.
Ҳ а д — шарият ҳукми билан урилган таёқ, оралиқ, ниҳоят.
Ҳ а ж а р — тош.
Ҳ а з и м а т — енгилиб қочмоқ.
Ҳ а л о — огоҳ қилмоқ.
Ҳ а м з о д — туғишган.
Ҳ а н ж — қайғу.
Ҳ а р а м — улуғлар ичкари уйи, каъба.
Ҳ а с и р — бўйра тўқиш.
Ҳ а с у д — рашк қилувчи.
Ҳ а т т а л а р а у — терга ботиш.
Ҳ а ф и д — невара.
Ҳ и д д а т — девор қулағандаги шовқин.
Ҳ и ж о б — парда, тўсқич.
Ҳ и л м — мулойим, ювош.
Ҳ и р а ф — косиб.
Ҳ у б — севмак, дўст тутмак.
Ҳ у л л а — сарупо.
Ҳ у б с — ифлос, ярамас.

МУНДАРИЖА

Дурбек. «Юсуф ва Зулайҳо»	5
Сайфи Саройи, «Гулистон бит-туркий»	167
Қутб Хоразмий. «Хусрав ва Ширин»	331

На узбекском языке

САД УЗБЕКСКОЙ ЛИТЕРАТУРЫ

САД ТРЕХ СОЛОВЬЕВ

П О Э М Ы

Тақризчилар: Қ. Муниров, Х. Мухторова, В. Раҳмонов

Редакторлар **И. Мирзамаҳмудов, А. Саидов**

Рассом С. Латипов

Расмлар редактори **В. Немировский**

Техн. редактори **Э. Саидов**

Корректорлар **С. Турсунқулова, О. Турдибекова**

ИБ № 3469

Босмахонага берилди 28.02.86. Босишга рухсат этилди 08.10.86. Формати 84×108¹/₃₂. Босмахона қоғози № 2. Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л. 34,02. Шартли кр.-оттиск. 34,02. Нашр л. 27,67. Тиражи 10000. Заказ № 135. Шартнома 85—85. Баҳоси 3 с. 20 т.

Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-босмахонаси. Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, 44.